

Тақшоддин Набахоний

ИСЛОМИЙ ШАХСИЯ



биринчи қисм



ҲИЗБУТ ТАҲРИР
НАШРЛАРИДАН

Тақийюдин Набаҳоний. Исломий шахсия
Биринчи китоб, ўзбек тилидаги биринчи нашри
1422ҳ - 2001м

Мундарижа

Биринчи қисм

Шахсия	6
Исломий шахсия	8
Шахсияни шакллантириш	11
Йўлдаги тойилишлар	13
Ислом ақидаси	16
Қиёмат кунига бўлган иймоннинг маъноси	27
Мутакаллимларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг тутган йўли	32
Мутакаллимлар манҳажининг хатолиги	38
Қазо ва қадар масаласи қандай пайдо бўлди	45
Қадар	54
Қазо	57
Қазо ва қадар	58
Ҳидоят ва залолат	66
Ажал етиши ўлимнинг ягона сабабидир	73
Ризқ ягона Оллоҳнинг қўлидадир	78
Оллоҳнинг сифатлари	82
Мусулмон файласуфлари	88
Набийлар ва расуллар	91
Пайгамбарларнинг бегуноҳлиги	94
Ваҳй	96
Расулуллоҳ ҳақларида мужтаҳид бўлган дейиш жоиз эмас	99
Қуръони Карим	110
Қуръонни жамлаш	113
Мусҳафнинг шакли	117
Қуръоннинг мўъжизалиги	118
Суннат	128
Суннат ҳам Қуръонга ўхшаб шаръий далиллардандир	131
Суннатни далил қилиб келтириш	134
Оҳод хабар ақидаларда ҳужжат бўла олмайди	136
Ақида ва шаръий ҳукм орасидаги фарқ	139
Ижтиҳод ва тақлид	140
Ижтиҳод	143
Ижтиҳод шартлари	149
Тақлид	155
Тақлиднинг воқеси	158
Муқаллидларнинг ҳолатлари ва уларнинг муражжиҳотлари	164
Мужтаҳидлар ўртасида кўчиб юриш	166
Шаръий ҳукмни ўрганиш	167
Далилнинг қуввати	169

Шуро, ёки Исломда фикр олиш	173
-----------------------------------	-----

Иккинчи қисм

Илм ва сақофат	186
Исломий сақофат	187
Билим олишдаги Исломнинг йўли	188
Турли илм ва сақофатларни эгаллаш	190
Сақофий ҳаракат	191
Мусулмонларнинг ғайриисломий сақофатга муносабати	191
Исломий маърифатлар	198
Тафсир	199
Муфассирларнинг тафсирдаги услуби	202
Тафсир манбалари	206
Бугунги кунда умматнинг мафассирларга эҳтиёжи	209
Ҳадис илми	224
Ҳадис	225
Ҳадис ривоятчилари	225
Кимнинг ривояти қабул қилинади, кимники йўқ, жароҳатлаш ҳамда одил санаш баёни	226
Исломий фирқаларнинг ривояти	228
Ҳадиснинг маъносини тўлиқ ёки қисқача ривоят қилиш	228
Ҳадис қисмлари	229
Оҳод хабарнинг қисмлари.....	231
Қабул қилинадиган ва рад этиладиган ҳадис.....	232
Мурсал ҳадис	234
Ҳадиси қудсий	235
Ҳадиснинг санади жиҳатидан исботланмаганлиги унинг заифлигидан далолат бермайди	236
Ҳадисни шаръий ҳукмга далил қилиш	236
Сийрат ва тарих	240
Усули фикҳ	243
Фикҳ	248
Фикҳнинг ривожи	249
Ислом фикҳидаги тортишув ва мунозараларнинг таъсири	254
Ислом фикҳининг гуллаб яшнаши	261
Ислом фикҳининг таназзули.....	263
Рум фикҳининг Ислом фикҳига таъсири деган даъвонинг хурофоти	265

БИРИНЧИ ҚИСМ

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

ШАХСИЯ

Ҳар бир инсондаги шахсия унинг ақлия ва нафсиясидан таркиб топади. Бунга унинг жисми ва ташқи кўринишининг алоқаси йўқ. Бу нарсаларни шахсиянинг омилларидан ёки унга таъсир кўрсатадиган нарсалардан деб ўйлаш тўғри эмас. Чунки инсон ақли билан бошқа инсонлардан ажралиб туради. Унинг тутган йўли эса унинг олийлиги ёки тубанлигига далолат қилади. Инсоннинг ҳаётдаги тутган йўли унинг тушунчаларига биноан бўлганлиги сабабли, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Инсоннинг тутган йўли унинг ўз гариза ва узвий эҳтиёжларини қондириш учун қилаётган амаларидир. Бу амаллар инсондаги майлларга мувофиқ бўлади. Шунга кўра, унинг тушунча ва майллари шахсиятининг асосидир. Аммо бу тушунчаларнинг ўзи нима? Улар нимадан таркиб топади? Қандай натижа беради? Майллар нима? Уларни нима пайдо қилади? Уларнинг таъсири қандай бўлади? Буларнинг ҳаммасини шарҳлаб ўтиш зарур.

Тушунча лафзлар маъноси эмас, балки фикрлар маъносидир. Лафз бир неча маънога эга сўздир. Лекин бу маъно воқеликда мавжуд бўлиши ёки бўлмаслиги ҳам мумкин. Шоир айтади:

Кишилардан баъзисин йиқитмоқни истасанг,
Мустаҳкам эҳром мисол кенг эса елкалари,
Унинг бағрига бирдан чин сўзни отган чоғинг,
Курашни тарк айлагай титрабон тиззалари.

Бу маъно воқеликда бор, уни ҳис қилиш орқали тушуниш мумкин. Аммо шоирнинг мана бу:

Айтдилар: тергайми икки отлиқни,
Қийналмай жанг куни битта найзага.
Дедимки: найзаси бир мил эрса гар,
Бир мил отлиқларни терар лаҳзада.

сўзидаги маъно амалиётда мутлақо бўлиши мумкин эмас. Мақталаётган киши икки отлиқни бир найзага термаган. Бу ҳақда бирор киши сўраган ҳам эмас ва отлиқларни бир милгача бир найзага териш ақлга хилоф. Бу жумлаларнинг маънолари шарҳланиб, лафзлари тафсир қилинади. Аммо фикрнинг маъноси шуки, лафз ўз ичига олган маънонинг ҳис этилиб ёки иввур қилиниб тасдиқланадиган воқеси бўлса, ўша воқени ҳис қилиб тасаввур қилиб тасдиқлаган кишида у тушунчага айланади. Бу маъно, гарчи унга айтилган ёки ўзи ўқиган жумлалардан тушуниб олган бўлса ҳам, уни ҳис этмаган ва тасаввур қилмаган кишида тушунчага айланмайди. Шунинг учун ҳар бир шахс ўқиган ёки эшитган сўзларини ақлан қабул қилиши, яъни сўзларнинг маъносини сўзловчи ёки ўзи хоҳлагандек эмас, балки асл маъноларни идрок этиши керак. Шу билан бирга бу маънолар воқесини зеҳнида идрок этиб, тасаввур қилсин. Шундагина бу маънолар тушунчага айланади. Демак, тушунчалар воқеси зеҳнида идрок қилинган маънолардир. Бу воқелик инсондан ташқарида бўладими ёки ҳисга асосланган ҳолда мавжудлиги тасаввур этиладими,

фарқи йўқ. Бундан бошқа лафз ва жумлаларнинг маънолари тушунча деб аталмайди. Балки улар фақат маълумот, холос.

Тушунчалар воқеликни маълумотларга ёки маълумотларни воқеликка боғлашдан ташкил топади. Бу нарса маълумотлар ва воқе қиёсланадиган бир ёки бир қанча асосларга биноан равшанлашиши билан лафз ва жумлаларни тушунадиган, уларни тасаввур қиладиган ва ҳукм чиқарадиган ақлия вужудга келади. Шунга кўра **ақлия** бу бир нарсани тушуниш, яъни идрок қилиш жорий бўладиган ҳолат экан. Бошқача қилиб айтганда, у шундай ҳолатки, унда воқелик маълумотга ёхуд маълумот воқеликка битта асосга қиёсланган ҳолда боғланади. Шунинг учун ақлиялар турлича бўлади. Исломий, коммунистик, капиталистик, анархист ва ҳарбий диктаторлик ақлиялари каби. Энди бу тушунчаларнинг натижасига келсак, улар идрок қилинган воқеликка нисбатан инсоннинг тутадиган йўлини ва воқеликка киришиш ёки ундан юз ўгириш учун бўлган майл турини белгилайди ва унга хос майл ва муайян завқни тайинлаб беради.

Аммо майллар қондириш исталаётган нарса ҳақидаги мавжуд тушунчага боғланган ҳолда, инсонни шунга ундовчи омиллардир. Уни инсонда ғариза ва узвий эҳтиёжларини қондиришга ундовчи ҳаётий қувват ҳамда у билан тушунча ўртасидаги алоқа пайдо қиладди.

Бу майлларнинг ўзи, яъни ҳаёт ҳақидаги тушунчага боғланган бу ундовчи омиллар инсоннинг нафсиясини вужудга келтиради. Демак, **нафсия** ғариза ва узвий эҳтиёжларни қондириш жорий бўладиган ҳолатдир. Бошқача қилиб айтганда, қондиришга ундовчи омиллар тушунча билан боғланадиган ҳолат. Бу инсоннинг ичидаги табиий боғланиш, у инсоннинг ҳаёт ҳақидаги тушунчаларига боғлиқ ҳолда, бу нарсалар ҳақидаги мавжуд тушунча билан қондиришга ундовчи омил орасида содир бўлади.

Мана шу ақлия ва нафсиядан **шахсия** ҳосил бўлади. Ақл ёки идрок ҳар бир инсонда фитрий бўлса-да мавжуд, лекин ақлияни шакллантириш инсоннинг феълига боғлиқ. Майллар ҳам инсонда фитрий бўлса-да мавжуд, лекин нафсияни шакллантириш инсон феълига боғлиқ. Демак, маълумотни воқеликка боғлаётган вақтда ўлчов қилинадиган бир ёки бир неча асоснинг мавжуд бўлиши маънони тиниқлаштириб, уни тушунчага айлантурса, қондиришга ундовчи омил билан тушунча ўртасидаги боғланиш бу нарсани тиниқлаштириб, муайян майлга айлантиради. Демак, инсон маълумотни воқеликка боғлаётган вақтда ўлчов қиладиган бир ёки бир неча асос ақлия ва нафсиянинг шаклланишида жуда катта таъсирга эга. Яъни муайян шахсияни шакллантиришда катта таъсирга эга.

Агар ақлияни шакллантирадиган асос нафсияни шакллантирадиган асосларнинг айни ўзи бўлса, мумтоз шахсия вужудга келади. Агар ақлияни шакллантирадиган асос нафсияни шакллантирадиган асослардан айрича бўлса, у ҳолда инсоннинг ақлияси нафсиясидан бошқа бўлади. Чунки у ҳолатда ўз майлларини ўзида мавжуд асосларга қиёслаб, қондиришга ундовчи омилларни ақлияси шакллантирган тушунчалардан бошқа тушунчаларга боғлайди. Натижада мумтоз бўлмаган, фикрлари

майлларидан бошқача шахсия вужудга келади. Чунки унинг лафзларни тушуниб, воқеаларни идрок этиши нарсаларга нисбатан майлидан ўзгача бўлади.

Шунинг учун шахсияни муолажа қилиш ва уни шакллантириш, инсоннинг ақлияси ва нафсияси учун битта асосни вужудга келтириш билан амалга оширилади. Яъни, маълумотни воқеликка боғлаётган чоғда ўлчов қилинадиган асос қондиришга ундовчи омил билан тушунча ўртасидаги асоснинг айнаи ўзи бўлиши керак. Бунинг натижасида шахсия битта асосга ва битта миқёсга кўра шаклланади. Натижада мумтоз шахсия вужудга келади.

Исломий шахсия

Исломи инсонни комил суратда муолажа қилди ва муайян мумтоз шахсияни вужудга келтирди. Унинг фикрларини ақида билан муолажа қилди. Зеро, унга ақидани фикрий асос қилиб берди. Инсон ўз фикрларини шу асос устига қуради ва шу асосга биноан тушунчаларини шакллантиради. Натижада фикрни исломий ақидага қиёслаб, хато фикрдан тўғри фикрни ажратиб олади. Унинг ақлияси мана шу ақида асосида шаклланади ва мумтоз ақлия вужудга келади ва унда фикрлар учун ўлчов пайдо бўлиб, унинг асосида хато фикрлардан сақланади ва доимо соғлом фикрга эга бўлади.

Шу билан бирга Исломи инсоннинг узвий эҳтиёжлари ва ғаризаларидан содир бўлаётган амалларни мана шу ақидадан келиб чиқаётган шаръий ҳукмлар билан муолажа қилди. Бу муолажа унинг ғаризаларини ўз ҳолига ташлаб қўймай, уларни тартибга солиб, мувофиқлаштирди ҳамда эҳтиёжларни қондириш йўлларини кўрсатиб беради. Бунинг натижасида инсонда хотиржамлик ва барқарорлик вужудга келади. Исломи ақидани ҳамма фикрлар унинг асосига қуриладиган фикрий пойдевор қилди, уни инсон, коинот, ҳаёт ҳақидаги умумий тушунчага айлантирди. Зеро, инсон мана шу коинотда яшар экан, бу умумий фикр унинг ичидаги ва ташқарисидаги ҳамма тугунларни ечиб берди. Бу умумий фикр умумий тушунчага айланди, яъни тушунчалар ва қондиришга ундовчи омиллар ўртасидаги табиий қоришув учун ўлчов бўлди. Бу билан Исломи инсонда тушунча ва майллар учун, яъни ақлия ва нафсия учун қатъий ўлчовни вужудга келтириб, бошқалардан бутунлай фарқ қилувчи муайян мумтоз шахсияни шакллантирди.

Шунга кўра, Исломи дини исломий шахсияни исломий ақида билан вужудга келтиради. Шу ақида асосида унинг ақлияси ва нафсияси шаклланади. Бундан маълум бўладики, исломий ақлия Исломи асосига кўра фикрлайди, фақат Исломи ҳаёт ҳақидаги фикрлар учун ўлчов қилади. Фақат олим ёки мутафаккир эмас, балки ҳар қандай инсон ўзининг ҳамма фикрлари учун амалий ва воқеий жиҳатдан Исломи асос қилса, унда исломий ақлия вужудга келади.

Аммо исломий нафсия эса жамики майллари учун Исломи ягона миқёс қилади. Лекин бу тарки дунёчилик ва жасадни қийнаш эмас, балки инсон ҳамма эҳтиёжлари учун Исломи исломий нафсияни вужудга


келтирадиган амалий воқеий миқёс қилиб олишдир. Ана шундагина мана шу ақлия ва нафсия билан, олим ёки жоҳил бўлишидан қатъий назар, фарзлар ва мандубларни адо этадиган, ҳаром ва макруҳлардан тийиладиган, мустаҳаб ибодатларни қилиб, шубҳали нарсалардан узоқлашадиган исломий шахсия вужудга келади. Ислом асосига кўра фикрлайдиган, хоҳишини Исломга тобе қиладиган ҳар бир киши исломий шахсияга айланади.

Тўғри, Ислом бу ақлиянинг ўсиши ва ҳар бир фикрни қиёслашга қодир бўлиши учун исломий сақофатни кўпайтиришга буюрди. Бу нафсиянинг ўсиши ва унинг Исломга хилоф барча майллардан қайтаришга қодир бўлиши учун фарзлардан ташқари (масалан, мандуб ва нафл) амалларга буюрди ва ҳаромдан ташқари (масалан, макруҳ) амаллардан қайтарди. Лекин буларнинг ҳаммаси шахсни ўстириш, уни юксакликка олиб чиқиш учундир. Бу ишларни қилмаслик уни исломий шахсиядан чиқариб қўймайди. Балки бу ишларни қилмаётган ва ўз йўлларини Ислом деб эътибор этадиган оми кишилар ҳамда фақат вожиб амалларни бажариб, ҳаром ишлардан тийилишгагина чекланган толиби илмлар ҳам исломий шахсиялардир. Булар қувват жиҳатидан бир-биридан фарқ қилса-да, лекин ҳаммаси исломий шахсиядир. Инсоннинг исломий шахсия эканига ҳукм чиқаришдаги муҳим нарса, у ўзининг фикри ва майли учун Исломни асос қилишидир. Исломий шахслар, исломий ақлиялар, исломий нафсияларнинг тафовути мана шундадир. Исломий шахсларни фаришта деб тасаввур қилаётганлар қаттиқ янглишадилар. Уларнинг жамиятга зарари жуда катта. Чунки улар башарият орасида фаришталарни излаяптилар ва сира тополмаяптилар. Ҳатто бу сифатларни ўзларида ҳам тополмай ноумид бўлиб, мусулмонлардан қўл силтаяптилар. Бундай кишилар хаёлпарастлардир. Улар Исломни хаёлий нарса, уни татбиқ қилиш жуда маҳол, у татбиқ этиб бўлмайдиган, бунга сабр етмайдиган чиройли бир ғоя деб тушунадилар. Натижада одамларни Исломдан тўсиб, амалдан тўхтатиб қўядилар. Ҳолбуки, Ислом татбиқ этилиш учун келган. У воқеий бўлиб, воқеликни муолажа қилади. Ҳар қандай инсон, унинг фикри қанчалик заиф, ғариза ва узвий эҳтиёжлари қанчалик қувватли бўлмасин, Ислом ақидасини англаганидан кейин ўз нафсига Исломни осонгина татбиқ қилиши ва исломий шахсияга айланиши мумкин. Чунки у ўз тушунча ва майллари учун Ислом ақидасини ўлчов қилиб, мана шу миқёс асосида юриши билан исломий шахсияга айланади. Кейин у ўз шахсиясини қувватлантириши учун ақлиясини исломий сақофат билан ўстириши ва нафсиясини тоат амаллари билан кучайтириши лозим, токи у юксакликка кўтарилиб, бу юксакликда мустаҳкам қолсин. Чунки у фикрларини ақида билан муолажа қилди. Зеро у ақидани ҳаёт ҳақидаги фикрлари қуриладиган фикрий пойдевор қилди. Фикрларни исломий ақидага қиёслаб, хатосидан тўғриси ажратиб олади. Бу билан у фасод фикрлардан қутилиб, соғлом фикр эгаси бўлиб қолади. Ғариза ва узвий эҳтиёжлардан содир бўлаётган амалларини шаръий ҳукмлар билан муолажа қилади. Бу муолажа унинг ғаризаларини йўқотишга ҳаракат қилмай, тартибга солади, уни ўз ҳолига ташлаб қўймай,

мувофиқлаштиради, эҳтиёжларини унга хотиржамлик ва барқарорлик бахш этадиган тарзда қондириш имкониятларини вужудга келтиради. Шунинг учун Исломга ақл ва далилдан келиб чиқиб эътиқод қилаётган, ўзига Исломни тўлиқ татбиқ этаётган ва Оллоҳнинг ҳукмларини тўғри фаҳмлаётган мусулмон мумтоз исломий шахсия ҳисобланади. Чунки у Ислом ақидасини фикри ва майли учун асос қилди. Шунинг учун исломий шахснинг ўзига хос сифатлари бўлиб, одамлар орасида худди хол каби ажралиб туради. Бу сифатлар билан сифатланиши унинг Оллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларига боғланиши, ўз амалларини бу буйруқ ва қайтариқларга мослаши ва Оллоҳга бўлган алоқасини доимо ҳис этиши натижасидир. Шунинг учун у бу шариатга боғланишидан фақат Оллоҳнинг розилигини умид қилади.

Қачонки мусулмон кишида исломий ақлия ва исломий нафсия вужудга келса, у ҳам етакчиликка, ҳам оддий аскарликка яроқли бўлади. У ўзида раҳмат билан шиддатни, зоҳидлик билан неъматни жамлай олади. Дунё ҳаётини ўз ҳаққи билан олиб, охиратга ҳаракат қилиш билан эришади. Шунинг учун унда «дунё қулларининг» сифатлари, диний чекланганлиги, ҳиндий таркидунёчилик сифатлари бўлмайди. У бир вақтнинг ўзида жиҳод паҳлавони-ю, меҳробнинг имоми бўла олади. У улуғлик билан тавозеликни, амирлик билан фақиҳликни, тижорат билан сиёсатни жамлай олади. Унинг энг олий сифатларидан бири у яратувчиси бўлган Оллоҳ Таолонинг бандасидир. Шунинг учун уни намозларида тақволи ҳолда, кераксиз сўзлардан юз ўгириб, закотини ўтаб, ҳаромдан кўзини тўсиб, омонатни сақлаб, ваъдасига вафодор, Оллоҳ йўлида мужоҳид ҳолда топасиз. Мана шу ҳақиқий мўмин мусулмондир. Мана шу Ислом шаклантириб, инсониятнинг энг афзали қилган исломий шахсиядир.

Оллоҳ Таоло Қуръони Каримда Расулulloҳ ﷺнинг саҳобаларини, мўминларни, Раҳмоннинг бандаларини, мужоҳидларни сифатлаган пайтда, бир неча оятларда мана шундай шахсияни таърифлаган. Оллоҳ Таоло айтади:


 مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ وَالَّذِينَ مَعَهُ أَشِدَّاءُ عَلَى الْكُفَّارِ رُحَمَاءَ بَيْنَهُمْ

– „Муҳаммад Оллоҳнинг пайғамбаридир. У билан бирга бўлган (мўмин)лар кофирларга қаҳрли, ўз ораларида (мўминлар билан) эса раҳм-шафқатлидирлар“.

[48:29]

Яна айтади:

وَالسَّابِقُونَ السَّابِقُونَ مِنَ الْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ وَالَّذِينَ اتَّبَعُوهُمْ بِإِحْسَانٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ


 وَرَضُوا عَنْهُ

– „Муҳожир ва ансорларнинг биринчи пешқадамлари ва уларга чиройли амаллар билан эргашган зотлардан Оллоҳ рози бўлди ва улар ҳам Ундан рози бўлдилар“.

[9:100]

Яна айтади:

قَدْ أَفْلَحَ الْمُؤْمِنُونَ ﴿١﴾ الَّذِينَ هُمْ فِي صَلَاتِهِمْ خَاشِعُونَ ﴿٢﴾ وَالَّذِينَ هُمْ عَنِ اللَّغْوِ مُعْرِضُونَ ﴿٣﴾ وَالَّذِينَ هُمْ لِلزَّكَاةِ فَاعِلُونَ ﴿٤﴾

– „Дарҳақиқат мўминлар нажот топдилар. Улар намозларида (қўрқув ва умид билан) бўйин эгувчи кишилардир. Улар беҳуда-фойдасиз (сўз ва амаллардан) юз ўгирувчи кишилардир. Улар закотни (адо) қилгувчи кишилардир“.

Яна айтади:

وَعِبَادُ الرَّحْمَانِ الَّذِينَ يَمْشُونَ عَلَى الْأَرْضِ هَوْنًا وَإِذَا خَاطَبَهُمُ الْجَاهِلُونَ قَالُوا سَلَامًا ﴿١٢﴾ وَالَّذِينَ يَبِيتُونَ لِرَبِّهِمْ سُجَّدًا وَقِيَامًا ﴿١٣﴾

– „Раҳмоннинг (суюкли) бандалари ерда тавозуъ билан юрадиган, жоҳил кимсалар (бемаъни) хитоблар қилган вақтида ҳам «Омон бўлинглар» деб жавоб қиладиган кишилардир. Улар кечаларни Парвардигорга сажда қилиб ва (жойнамоз устида) тик туриб бедор ўтказадиган кишилардир“.

Яна айтади:

لَكِنِ الرَّسُولُ وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُ جَاهَدُوا بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنْفُسِهِمْ وَأُولَئِكَ لَهُمُ الْخَيْرَاتُ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿١٤﴾ أَعَدَّ اللَّهُ لَهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ ﴿١٥﴾

– „Лекин пайғамбар ва у билан бирга бўлган, иймон келтирган зотлар молу жонлари билан қурашдилар. Барча яхшиликлар ана ўшалар учундир. Нажот топгувчилар ҳам уларнинг ўзидир. Оллоҳ улар учун остидан дарёлар оқиб турадиган, улар абадий қоладиган жаннатларни тайёрлаб қўйгандир. Мана шу буюк бахтдир“.

Яна айтади:

التَّائِبُونَ الْعَابِدُونَ الْحَامِدُونَ السَّائِحُونَ الرَّاكِعُونَ السَّاجِدُونَ الْآمِرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَالنَّاهُونَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَالْحَافِظُونَ لِحُدُودِ اللَّهِ وَبَشِّرِ الْمُؤْمِنِينَ ﴿١٦﴾

– „(Улар) - тавба қилгувчилар (Оллоҳнинг Ўзигагина) ибодат қилгувчилар, шуқр қилгувчилар, рўза тутгувчилар, руку-сажда қилгувчилар, яхшиликка буюргувчилар, ёмонликдан тўхтатгувчилар ва Оллоҳ белгилаб қўйган қонун-қоидаларга доимий риоя қилгувчи (мўминлар)дир. (Эй Мухаммад), бу мўминларга жаннат хушхабарини етказинг“.

Шахсияни шакллантириш

Қачонки инсон муайян йўналиш асосида бирор нарсани фикрласа, унда муайян ақлия вужудга келади. Қачонки қондиришга ундовчи омилларни нарсалар ҳақидаги тушунча билан қоришиши воситасида ҳаёт ҳақидаги муайян тушунча билан боғласа, унда муайян нафсия вужудга келади. Қачонки нарсаларни фикрлаётганда, уларга майл ҳосил қилаётганда ҳукм чиқарувчи тушунча ҳаёт ҳақидаги тушунчалари билан бир хил бўлса, унда

муайян шахсия вужудга келади. Демак, шахсия инсон нарсалар ҳақида фикрлаётганда, уларга майл ҳосил қилаётганда ўз йўналишини битта асосга кўра бир хил қилиши билан ҳосил бўлади. Шунинг учун шахсияни вужудга келтириш инсонга фикрлаш учун, майл учун битта асосни вужудга келтириш билан бўлади. Бу асос - битта ёки бир неча бўлиши мумкин. Агар фикри ва майли учун бир неча йўналишни асос қилса, инсонда шахсия вужудга келади. Лекин муайян тури бўлмаган шахсия бўлади. Агар фикри ва майли учун битта йўналишни асос қилса, муайян тури бўлган муайян шахсия вужудга келади. Инсон мана шундай шахсияга эга бўлиши керак. Шахсларни тарбиялашга аҳамият берилаётганда, мана шундай шахсияни вужудга келтиришга ҳаракат қилиниши керак.

Тўғри, ҳар бир умумий фикр фикр ва майл учун асос бўлиши мумкин бўлса-да, лекин ҳамма нарсага эмас, балки бир неча нарсага асос бўла олади. Лекин коинот, инсон, ҳаёт ҳақидаги куллий фикргина ҳамма нарсалар учун асос бўлишга яради. Чунки у фикрий пойдевор бўлиб, унинг асосига ҳар бир фикрни қуриш ва ҳар бир дунёқарашни белгилаш мумкин. У ақлий ақида бўлиб, унинг ўзигина ҳаёт ишларини тартибга солиш ҳақида фикрларга ва инсоннинг ҳаётдаги ишларига таъсир кўрсатишга яроқли асосдир.

Лекин куллий фикрни, яъни ақлий ақидани фикрлаш ва майллар учун комил асос бўлишга яроқли дегани у тўғри асос дегани эмас, у тўғри ёки нотўғрилигидан қатъий назар асос бўлишга яради, деган маънони англатади. Аммо бу асосни тўғри ёки нотўғрилигига унинг инсон фитратига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигига қараб ҳукм чиқарилади. Агар ақлий ақида инсоннинг фитратига мос келса, у тўғри ақида бўлиб, фикрлаш ва майллар учун, яъни шахсияни вужудга келтириш учун асос бўлади. Агар у инсон фитратига зид бўлса, у ботил, фикрлаш ва майллар учун ботил асос бўлади. Ақиданинг инсон фитратига мос келишининг маъноси инсон табиатидаги ожизлик ва мудаббир Холиққа бўлган эҳтиёжини қондириши керак демакдир. Бошқача қилиб айтганда, у тадайюн ғаризасига мувофиқ келиши керак.

Ислом ақидасининг ўзигина инсон фитратига тадайюн ғаризасини қарор топтирадиган ақлий ақидадир. Бундан бошқа ақидалар эса тадайюн ғаризасига ақл йўли билан эмас, виждон йўли орқали мувофиқ келиб, ақлий ақида бўла олмайди. Ёки ақлий ақида бўлса ҳам, инсон фитратига, яъни тадайюн ғаризасига мувофиқ эмас. Шунинг учун Ислом ақидасининг ўзигина тўғри ақидадир. Угина фикрлаш ва майллар учун асос бўла олади. Шахсияни вужудга келтириш, ақлий ақидани тафкир ва майллар учун асос қилишни тақозо этади. Модомики Ислом ақидасигина тўғри ақлий ақида, тўғри асос бўлар экан, шахсияни вужудга келтириш Ислом ақидасини фикр ва майллар учун асос қилиниши билан бўлиши лозимдир. Шундагина юксак ва мумтоз исломий шахсия вужудга келади. Шунга кўра, исломий шахсияни вужудга келтириш битта шахсда фикрлаш ва майлларни Ислом ақидаси асосида ҳосил қилиш билан бўлади. Бу исломий шахсиянинг шаклланишидир. Аммо бу шахсия Ислом ақидасида

боқий қолиши кафолатланмаган. Чунки инсоннинг фикрлашида ва майлида Ислом ақидасидан чиқиш ҳам юз бериши, гоҳида залолатга, гоҳида фисқ ишларга юз тубан кетиши мумкин. Демак, шахс исломий шахсия бўлиб қолиши учун ҳамиша унинг фикрлаши ва майллари Исломга асосланиши ҳақида ўйлаши керак. Бу шахсия вужудга келгандан кейин ақлия ва нафсияни ўстириш билан шахсияни такомиллаштиришга ҳаракат қилинади. Нафсияни ўстириш Оллоҳга итоат ва қурбат ҳосил қилиш орқали, ҳар бир нарсага бўлган майлни Ислом ақидаси асосига қуриш билан эришилади. Ақлияни ўстириш эса Ислом ақидаси асосидаги фикрларни шарҳлаш ва исломий сақофат воситасида ёритиб бериш билан бўлади.

Бу исломий шахсияни вужудга келтириш ва уни ўстириш йўлидир. Айнан мана шу Расулulloҳ ﷺ тутган йўлдир. У киши одамларни Ислом ақидасига чақириш орқали даъват қилардилар. Қачонки улар Исломга кирса, уларнинг қалбида бу ақидани мустаҳкамлаб, фикр ва майлларини унинг асосига бино бўлишини назорат қилардилар. У киши айтдиларки: «Токи хоҳиши (ҳавоси) мен олиб келган нарсага тобе бўлмагунча сизлардан ҳеч ким ҳаргиз мусулмон бўлолмайди», «Токи мен унинг юритадиган ақли бўлмагунимча сизларнинг бирортангиз ҳаргиз мўмин бўлолмайди». Сўнгра Оллоҳ нозил қилаётган Қуръон оятларини уларга баён қилиб, ҳукмларни шарҳлаб, уларга Исломни ўргатардилар. У кишининг қўл остида ва у кишига эргашганлардан исломий шахсиялар вужудга келиб, пайғамбарлар шахсияларидан кейин коинотдаги энг олий шахсиялар бўлдилар.

Шундан аён бўладики, шахсларда пайдо қилиниши лозим бўлган асос бу шахсда исломий ақидани вужудга келтириш, сўнгра фикри ва майлини мана шу ақида асосига барпо этишдир. Шундан сўнг тоатларни бажариш ва фикрларни ўстиришга куч сарфланади.

Йўлдаги тойилишлар

Кўпгина мусулмонларда Ислом ақидасига зид бўлган амаллар учрайди. Кўпинча исломий шахсияда ўз шахсиятига хилоф ишлар содир бўлади. Баъзилар унинг ақидага зид бу ишлари уни Исломдан, ўз шахсиятига хилоф ишлари эса исломий шахсиядан чиқаради деб ўйлайдилар.

Аммо ҳақиқат шуки, мусулмоннинг турмуш тарзида учрайдиган хатоларнинг мавжуд бўлиши уни исломий шахсиядан чиқариб қўймайди. Бунинг боиси, инсон гоҳида тушунчасини ақидасига боғлашни унутиб қўяди. Гоҳида эса тушунчаси исломий ақидага ёки исломий шахсияга зид келишини билмайди. Гоҳида шайтон қалбига ғулғула солиб, бирор амалда ақидага, мусулмонлик сифатига ёки Оллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларига зид иш қилиб қўяди. Бу ишларни қилаётганда у Исломга эътиқод қилишликда, фикри ва майли учун унга таянишда давом этади. Шунинг учун бундай ҳолатларда у Исломдан чиқди дейиш хато. Агар баъзи бир амалларида осий бўлса ҳам Ислом ақидасига эътиқод қилар экан, у мусулмондир. Агарчи баъзи бир ишларида фисққа йўл қўйса ҳам, Ислом ақидасини фикри ва майли учун асос қилар экан, у исломий шахсиядир.

Агар унинг баъзи бир ишларида хатолар мавжуд бўлса ҳам, эътибор унинг бу ақидага эътиқод қилиши ва уни фикри ва майли учун асос қилишидадир.

Мусулмон қачонки сўзи ёки амалида бу ақидага эътиқод қилишни тарк этсагина Исломдан чиқади. Қачонки ўз фикри ва майлида бу ақидага хилоф иш қилсагина исломий шахсияликдан чиқади. Агар эътиқоддан бутунлай узилса, мусулмонликдан чиқади. Акс ҳолда мусулмон бўлиб қолаверади. Лекин мусулмон бўлиб қолса-да, исломий шахсия бўла олмайди. Зеро, у Ислом ақидасига эътиқод қилса-да, фикри ва майли учун у асосга айланмаган. Чунки тушунчаларнинг Ислом ақидасига боғланиши фақат ақидага мувофиқ ҳаракатланадиган автоматик боғланиш эмас. Балки у ижтимоий боғланиш бўлиб, унда ажралиш ва ортга қайтиш хусусияти бор. Шунинг учун баъзи мусулмонлар осий бўлиб, натижада бирон бир амалда Оллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларига хилоф иш қилиб қўйиши ажабланарли ҳол эмас. Гоҳида инсон ўз ақидасига зид воқеликка учрайди-да, мана шу ишда манфаат бор деб ўйлайди. Сўнгра қилган хатосини англаб, надомат чекади ва яна Оллоҳга қайтади. Бу Оллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларига хилофлик ундаги ақидага зарар етказмайди. Балки мана шу амалнинг ўзидагина ақидага муқайяд бўлмаганлигига путур етказди. Шунинг учун осий ёки фосиқ муртад ҳисобланмайди, балки шу амални ўзида осий бўлган гуноҳкор ҳисобланиб, шу амалга кўра жазоланади. Ва модомики Ислом ақидасига эътиқод қилар экан, мусулмон бўлиб қолаверади. Шунга ўхшаш баъзи бир ишларни унутиб қўйса ёки шайтон баъзи ишларда тугён қилса, уни исломий шахсияликдан чиқди деб айтилмайди. Модомики Ислом ақидасини ўз фикри ва майли учун асос қилар экан, унга путур етмас экан, у исломий шахсия бўлиб қолаверади.

Расулulloҳ ﷺ замоналарида ҳам саҳобалар тарафидан Оллоҳнинг баъзи бир буйруқ ва қайтариқларига хилоф амаллар содир бўлган. Лекин бу хилофлик уларнинг Исломига ва исломий шахсиятига зарар етказмаган. Чунки улар фаришта эмас, инсон эдилар. Улар ҳам бошқа инсонлар каби гуноҳдан холи маъсум эмасдилар. Чунки улар пайғамбар эмасдилар. Масалан, Ҳотиб ибн Абу Балтаа Қурайш кофирларига Расулulloҳ ﷺнинг ҳужум қилишлари ҳақидаги хабарни етказди. Ваҳоланки Расулulloҳ ﷺ бу хабарни сир тутишни қаттиқ тайинлаган эдилар. Расулulloҳ ﷺ Фазл ибн Аббосни Расулulloҳ ﷺга гапираётган аёлга шахват ва майл билан такрор-такрор қараётганини кўриб, бошини буриб қўйдилар. Ансорлар Макка фатҳ қилинган вақтда Расулulloҳ ﷺ уларни тарк этиб, ўз юртига қайтиб кетади, деган гапни тарқатдилар. Ҳобуки Расулulloҳ ﷺ уларни ҳеч қачон тарк этмасликка байъат қилгандилар. Ҳунайн ғазотида катта саҳобалар ҳам қочиб, Расулulloҳ ﷺни жанг майдонининг ўртасида озгина саҳобалар билан ташлаб кетдилар. Бу каби ҳодисалар юз берган бўлса-да, Расулulloҳ ﷺ бу ишларни уларнинг Исломига зарар берадиган ва шахсияларига таъсир кўрсатадиган нарсалардан деб ҳисобламидилар.

Мана шуларнинг ўзи йўлда юз берадиган тойилишлар, хатолар мусулмонни Исломдан чиқариб қўймаслигига далилдир.

Лекин бу Оллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларига хилоф иш тутишни мувоҳ қилмайди. Оллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларига хилоф иш қилишнинг ҳаром ва макруҳ эканлигига шак-шубҳа йўқ. Бу исломий шахсия мусулмон сифатига зид иш қилиши мумкин дегани эмас. Ўз динида мустаҳкам туриш исломий шахс бўлиш учун зарурийдир. Лекин бунинг маъноси шуки, мусулмон ҳам, исломий шахсия ҳам инсондир, фаришта эмас. Агар хато қилсалар Оллоҳнинг ҳукми тақозо қилган ҳукм билан муолажа қилинадилар. Улар исломий шахсиядан чиқди дейилмайди.

Исломий шахсия бўлиш учун асос шахсда исломий ақиданинг соғлом бўлиши, фикри ва майлини шу ақида асосига биноан қилишидир. Асос тўғри бўлиб, фикри ва майлини шу асосга бино қилар экан, ундан содир бўлаётган камдан-кам хатолар ва йўлдаги тойилишлар унинг исломий шахсиясига зарар етказмайди. Агар ақидага путур етса, гарчи унинг амаллари Ислом аҳкомларига мувофиқ бўлса ҳам, шахс Исломдан чиқади. Чунки бу вақтда у ўз амалларини эътиқод асосида эмас, бошқа нарсага бино қилган бўлади ёки одамлар билан муроса ёки фойдали бўлгани учун ёки бошқа маъсада қилган бўлади. Агар манфаатни турмуш тарзи ёки ақлни асос қилиб олиш билан фикр ва майлнинг биносига путур етса, у ақидаси саломат бўлганлиги учун мусулмон ҳисобланади, лекин у, гарчи исломий даъватчилардан ва бутун йўли Ислом аҳкомларига мувофиқ бўлса ҳам, исломий шахсия бўла олмайди. Чунки фикрлаш ва майлларни Ислом ақидасига биноан бино қилишгина инсонни исломий шахсияга айлантиради. Шунинг учун Исломни яхши кўрадиган, унинг ғолиб ва шавкатли бўлишини хоҳлайдиган кимсалар ўз фикрларини Ислом фикрлари ва ҳукмларига асосламай, ўз ақллари, ҳаволари ва манфаатлари асосига барпо қилишдан эҳтиёт бўлсинлар. Агар ақидалари саломат бўлиб, Ислом фикрлари ва ҳукмларидан кенг маърифатга эга бўлсалар ҳам, бу нарса уларни исломий шахсияликдан чиқариб қўяди. Яна шунга аҳамият бериш керакки, Ислом ақидасига эътиқод қилиш деганининг маъноси Расулulloҳ ﷺ ижмолан олиб келган, қатъий далил билан тафсилан собит бўлган нарсаларга тўла иймон келтириш ва уни таслим ва розилик билан қабул қилиш демакдир. Бу нарсаларни билиб қўйишнинг ўзи кифоя қилмайди. Исломда аниқ собит бўлган кичкина бир нарсадан бўйин товлаш шахсни Исломдан чиқариб, ақидадан ажратиш қўяди. Ислом бир бутундир, иймон келтириш ва уни қабул қилиш жиҳатидан жузъийлик бўлиши мумкин эмас. Исломни фақат комил равишда қабул қилиш керак. Унинг баъзи жиҳатини қабул қилмаслик куфрдир. Шунинг учун динни ҳаётдан ажратишга ёки уни давлат ишларидан ажратишга эътиқод қилиш очиқ куфрдир.

Оллоҳ Таоло айтади:

إِنَّ الَّذِينَ يَكْفُرُونَ بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَيُرِيدُونَ أَنْ يُفَرِّقُوا بَيْنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَيَقُولُونَ نُؤْمِنُ بِبَعْضٍ وَنَكْفُرُ

بِبَعْضٍ وَيُرِيدُونَ أَنْ يَتَّخِذُوا بَيْنَ ذَلِكَ سَبِيلًا ﴿١٥٠﴾ أُولَٰئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ حَقًّا ﴿١٥١﴾

– „Албатта, Оллоҳ ва пайғамбарига ишонмайдиган, Оллоҳ билан пайғамбарларининг ораларини ажратишни истайдиган (яъни, Оллоҳга

ишониб, пайғамбарларини инкор қиладиган) ва «Айрим пайғамбарларга ишонамиз, айримларига ишонмаймиз», дейдиган ҳамда ора йўлни тутишни истайдиган кимсалар ана ўшалар ҳақиқий кофирдирлар“. [4:150-151]

Ислом ақидаси

Ислом ақидаси Оллоҳга, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга, охират кунига, қазо ва қадарнинг яхши-ю ёмони Оллоҳдан эканига иймон келтирмоқдир. Иймоннинг маъноси далил асосида қатъий тасдиқлашдир. Агар тасдиқ далилсиз бўлса, у иймон саналмайди. У фақат далилдан келиб чиқсагина қатъий тасдиқ ҳисобланади. Агар далили бўлмаса, унда у қатъий эмас, фақат хабарлардан бирини тасдиқлашдир, асло иймон деб эътибор қилинмайди. Шунга кўра, тасдиқ қатъий бўлиши учун далил шарт. Шу боис иймон келтириш талаб қилинган ҳар бир нарса учун далил мавжуд бўлиши керак. Далилнинг мавжудлиги тўғри ёки нотўғрилигидан қатъий назар иймоннинг асосий шarti ҳисобланади.

Далил ақлий ёки нақлий бўлади. Далилнинг ақлий ёки нақлий бўлишини иймон келтириш талаб қилинаётган мавзунинг воқеси белгилайди. Агар мавзу ҳис идрок қила оладиган махсус (ҳис этиладиган) воқелик бўлса, унинг далили ҳам ақлий бўлади, нақлий эмас. Агар мавзу ҳис идрок қила олмайдиган воқелик бўлса, унинг далили нақлий бўлади. Бу нақлий далилнинг ўзи ҳис идрок қиладиган далил бўлганлиги учун уни асли ақлий далил билан юзага келишига асосланиб, иймон учун яроқли далил деб эътибор қилиш лозим.

Оллоҳга бўлган иймоннинг далили ақлийдир. Чунки унинг мавзуси ҳис идрок қила оладиган махсус воқеликдир. Бу, яъни ҳис орқали идрок қилинган мавжудотларнинг яратувчиси борлигидир. Аммо фаришталарга бўлган иймоннинг далили нақлийдир. Чунки фаришталарнинг мавжудлигини ҳис идрок қила олмайди. Уларнинг зотини ва уларга дахлдор бирор нарсани идрок қилиб бўлмайди. Аммо китобларга бўлган иймонда қаралади: агар иймон талаб қилинган нарса Қуръон бўлса, унинг далили ақлийдир. Чунки Қуръон ва унинг мўъжизалиги ҳар бир асрда ҳис қилинадиган ва идрок қилинадиган нарсадир. Агар иймон талаб қилинган нарса Таврот, Инжил, Забур каби китоблар бўлса, унинг далили нақлийдир. Чунки бу китобларни ҳар бир асрда Оллоҳ тарафидан эканлигини идрок қилиш мумкин эмас. Унинг Оллоҳ тарафидан эканлигини мўъжизаларни олиб келган ўша расул яшаган замонагина билиш мумкин. Бу мўъжизалар ўша пайғамбар ўтиши билан ниҳоясига етган. Бу мўъжизаларнинг эгаси ўтиши билан уларни идрок қилиб бўлмайди. Балки уни Оллоҳдан эканлиги ва у ўша пайғамбарга нозил қилинганлигини айтувчи хабар нақл қилинади. Шунинг учун унинг далили ақлий эмас, нақлийдир. Чунки ақл уни ҳар бир асрда Оллоҳнинг каломи эканлигини, унинг мўъжизалигини идрок қила олмайди. Пайғамбарларнинг барчасига бўлган иймон ҳам худди шундай. Пайғамбар Муҳаммад ﷺга бўлган иймон ақлийдир. Чунки Қуръон Оллоҳнинг каломи эканлиги, уни Муҳаммад ﷺ олиб келганлиги ҳис идрок қила оладиган нарсалардандир. Қуръонни идрок қилишдан Муҳаммад ﷺ Оллоҳнинг

расули эканлигини билиш мумкин. Бу нарса ҳар бир асрда ҳар бир авлодга мумкин бўлган ишдир. Аммо бошқа пайғамбарларга бўлган иймоннинг далили нақлийдир. Чунки пайғамбарларнинг нубувватига далил уларнинг мўъжизаларидир. Бу мўъжизаларни эса ўша замонда яшамаган кишилар ҳис қилолмайдилар. Улардан кейин келган одамлар ва қиёматгача келадиган одамлар бу мўъжизаларни ҳис қилолмайдилар. Шундан уларнинг пайғамбарлигига ҳис этиладиган далил ҳам, ақлий далил ҳам қоим бўлмайди. Шу боис улар пайғамбарлигининг далили нақлийдир. Аммо саййидимиз Муҳаммад ﷺнинг пайғамбарлигига далил мавжуд, бу Қуръондир. Шунинг учун унинг далили ақлийдир. Аммо охират кунига бўлган далил нақлийдир. Чунки қиёмат куни ҳис қилинадиган нарса эмас. Унга далолат қилишда ҳис қилинадиган нарса ҳам мавжуд эмас. Унга ақлий далил мавжуд эмас, балки далили нақлийдир. Аммо қазо ва қадарнинг далили ақлий. Чунки қазо инсондан беихтиёр юз берадиган ёки унга мажбуран тушадиган ишлардир. У ҳис қилинадиган иш бўлиб, уни ҳис орқали идрок этиш мумкин. Шунинг учун далили ақлийдир. Қадар эса инсон нарсаларда содир қиладиган хусусиятлардир. Ўтда ёндириш, пичоқда кесиш каби. Бу хусусиятлар ҳис этиладиган нарса бўлиб, ҳис уни идрок қила олади. Демак, қадарнинг далили ақлийдир.

Булар Ислом ақидаси далилининг турларидир. Аммо ҳар бирининг далили ҳақида айтадиган бўлсак, Оллоҳнинг борлигига далил ҳар бир нарсада мавжуд, чунки ҳис ва идрок қилинадиган нарсаларнинг мавжудлиги қатъий нарса. Уларнинг ўзидан бошқага муҳтожлиги ҳам қатъий нарса. Демак, яратувчига махлуқ эканлиги ҳам қатъий нарсадир. Чунки ўзидан бошқага муҳтожлиги унинг бошқа тарафидан яратилганлигини англатади. Унинг муҳтожлиги ундан аввал бошқа нарса бўлганлигига далолат қилади. Демак, у азалий эмас экан. Бу ерда «бир нарса бир нарсага муҳтож, ўзидан бошқа нарсага эмас. Чунки нарсалар баъзиси баъзисини тўлдиради, лекин улар мажмуаси бўйича муҳтож эмас» дейиш ўринсиз. Чунки далил келтириш қалам ёки қоғоз каби муайян бир нарса устида кетяпти. Албатта, далил бу қалам ёки қоғоз яратувчининг яратган нарсаси эканлигига қаратилган. Бундан зоҳир бўладики, бу нарсанинг ўзи унга бошқа нарсанинг муҳтожлигидан қатъий назар, ўша бошқа нарсага муҳтож бўляпти. Муҳтож бўлган ўша бошқа нарса аниқ ҳис ва мушоҳада қилиб кўрилган нарсадир. Қачонки нарса ўзидан бошқа нарсага муҳтож бўлса, демак у азалий эмас ва у махлуқ эканлиги исботланади. Нарса модда бўлганлиги учун моддага муҳтож дейилмайди. Чунки нарсани модда ва у моддага муҳтож десак ҳам бу муҳтожлик ўзига эмас, балки бошқа бир моддага бўляпти. Модда ўзича бошқа бир модданинг эҳтиёжини қондиrolмайди. Балки эҳтиёжни қондириш учун моддадан бошқа нарса мавжуд бўлиши зарур. Демак, модда ўзига эмас, ўзидан бошқа нарсага муҳтож. Масалан, сув бугга айланиши учун ҳароратга муҳтож. Агар сув модда, ҳарорат ҳам модда деб билган чоғимизда ҳам, сув бугга айланиши учун ҳароратнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун ҳароратнинг муайян нисбати бўлиши керак. Сув ҳароратнинг мана шу муайян нисбатига муҳтож. Бу нисбатни

белгилайдиган ва моддани ўша нисбатга бўйсунушга мажбур қиладиган нарса сув ҳам, ҳарорат ҳам эмас, балки булардан бошқа нарсадир. Шунга кўра модда унга мана шу нисбатни белгилаб берадиган зотга муҳтож. Демак, у моддадан бошқа нарсага муҳтож бўляпти. Модданинг ўзидан бошқага муҳтожлиги табиий жараён. Шунга кўра, ҳис ва идрок қилинган нарсалар яратувчи учун махлуқдир.

Яратувчи аввали йўқ, азалий бўлиши лозим. Агар азалий бўлмаса, у яратувчи эмас, яралган махлуқ бўлади. Унинг яратувчилиги азалий бўлишини тақозо этади. Демак, яратувчи азалийдир. Агар яратувчи бўлиши мумкин деб ўйланган нарсалар текширилса, у ё модда, ё табиат, ёки Оллоҳ Таоло бўлиб чиқади. Аммо модданинг яратувчи бўлиши ботил. Чунки биз юқорида модда бошқа бир нарсага айланиши учун унга бу нисбатни белгилаб берадиган зотга муҳтож бўлишини айтиб ўтдик. Демак, у азалий эмас. Азалий бўлмаган нарса эса яратувчи бўла олмайди. Табиат яратувчи бўлиши ҳам ботил. Чунки табиат нарсалар ва бу нарсалар тартиблашадиган низомнинг мажмуаси бўлиб, коинотдаги ҳар бир нарса мана шу низомга мувофиқ юради.

Бу тартиб низомнинг ўзидан чиққан эмас. Чунки тартиблашадиган нарсалар йўқ бўлса, низом ҳам мавжуд бўлмайди. У нарсалардан ҳам келиб чиққан эмас. Чунки нарсаларнинг мавжудлиги автоматик тарзда низомни вужудга келтириб, ўз-ўзидан тартибланишга қодир эмас. Бу тартиб нарсалар ва низомнинг мажмуасидан ҳам келиб чиққан эмас. Чунки тартиб нарсалар ва низом бўйсунадиган махсус ҳолатдагина пайдо бўлади. Мана шу низом ва нарсалар учун махсус ҳолат - тартибни келтириб чиқаради. Бу махсус ҳолат низом ва нарсалар устига белгиланган. Танзим (тартиб) фақат шунга асосан ҳосил бўлади. Бу махсус ҳолат низомдан ҳам, нарсалардан ҳам, уларнинг мажмуасидан ҳам келиб чиқмайди. Демак, у бошқа тарафидан келади. Ўз устига қўйилган махсус ҳолатга мувофиқ ҳаракатланадиган табиат ўзидан бошқага муҳтождир. Демак, у азалий эмас. Азалий бўлмаган нарса эса яратувчи бўла олмайди. Демак, азалийлик сифатига эга яратувчигина яратувчидир. У Оллоҳ Субҳонаҳу ва Таолодир.

Оллоҳнинг борлиги ҳис орқали идрок қилса бўладиган ишлардандир. Чунки ҳис ва идрок қилинган нарсалар азалий нарсага муҳтожлигидан, яъни яратувчининг борлигидан далолат беради. Қачонки инсон Оллоҳнинг махлуқотларига чуқур назар ташлаб, коинотга боғланиб, замон ва маконларни идрок қилишга ҳаракат қилса, у ўзининг жуда кичик бир зарра эканлигини ва чексиз олам муайян ва мустаҳкам қонун асосида юраётганини кўради. Бу билан у яратувчининг борлигини, унинг яқкаю ягона эканлигини тўла идрок қилиб, Оллоҳнинг буюк ва қудратли эканини ҳис этади. У кўраётган кеча ва кундузнинг алмашиши, шамолларнинг эсиши, дарё, кўллар ва осмонлар - булар ҳаммаси Оллоҳнинг борлигини баён қилувчи ақлий далиллар эканини билади. Оллоҳ Таоло айтади:

إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاخْتِلَافِ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَالْفُلْكِ الَّتِي تَجْرِي فِي الْبَحْرِ بِمَا يَنْفَعُ النَّاسَ وَمَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنَ السَّمَاءِ مِنْ مَاءٍ فَأَحْيَا بِهِ الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا وَبَثَّ فِيهَا مِنْ كُلِّ دَابَّةٍ وَتَصْرِيفِ الرِّيَّاحِ وَالسَّحَابِ الْمُسَخَّرِ بَيْنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يَعْقِلُونَ ﴿١٦٤﴾

– „Албатта, осмонлар ва ернинг яратилишида, кеча ва кундузнинг алмашиб туришида, денгизда одамларга керакли нарсаларни олиб юрган кемаларнинг (сузишида) ва Оллоҳ осмондан туширган ва у сабабли ўлик ерни тирилтириб, бор жонзотни тарқатиб-ёйиб юрган сув (деган неъмат)да ва шамолларнинг йўналтирилишида, осмон ва ер орасидаги нтоатгўй булутда - (буларнинг ҳаммасида) ақлли кишилар учун оят-аломатлар бордир“.

[2:164]

Оллоҳ айтади:

أَمْ خُلِقُوا مِنْ غَيْرِ شَيْءٍ أَمْ هُمُ الْخَالِقُونَ ﴿٣٥﴾ أَمْ خَلَقُوا السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ بَلْ لَا يُوقِنُونَ ﴿٣٦﴾

– „Балки улар ҳеч нарсадан (яъни Яратгувчисиз) яралиб қолгандирлар?! Ёки улар ўзлари яратгувчимиканлар-а? Балки осмонлар ва ерни ҳам улар яратгандирлар?! Йўқ, улар ишонмаслар!“

[52:35-36]

Демак, ақл Оллоҳнинг борлигини идрок этади ва у иймон учун йўл қилиб олинади. Ислоом ақлни ишлатишни, уни Оллоҳ Субханаҳу ва Таолонинг борлигига иймон келтиришда ҳакамлик қилишни буюрди. Шунинг учун Оллоҳнинг борлигига далил ақлий далилдир.

Олам қадимий, азалий, унинг аввали йўқ ва модда ҳам қадимий, азалий, унинг аввали йўқ, дейишаётганлар айтишмоқдаки: «Олам ўзидан бошқага муҳтож эмас, балки у бундан беҳожат. Чунки оламдаги мавжуд нарсалар модданинг турли суратларидан иборат, демак, улар ҳаммаси модда. Баъзисининг баъзисига бўлган эҳтиёжи уларнинг муҳтожлигини билдирмайди. Чунки нарсанинг ўзига муҳтожлиги эҳтиёж эмас, балки у ўзи билан бошқа нарсадан беҳожат бўляпти. Шунга кўра модда азалий бўлиб, унинг аввали йўқ. Демак, олам ўзи билан бошқадан беҳожат бўлиб, азалийдир».

Бу гапга икки тарафдан жавоб бордир. Биринчиси, бу оламдаги мавжуд нарсаларда якка ҳолда ҳам, жамланган ҳолда ҳам йўқдан пайдо қилиш, яратиш қудрати йўқ. Масалан, битта нарса йўқдан пайдо қилиш, яратишдан ожиз. Худди шундай нарсалар унга бир ва бир неча тарафдан келиб қўшилса ҳам ожиз бўлиб қолаверади. Уларнинг яратишдан ожизлиги зоҳир нарсадир. Демак, у азалий эмас. Чунки азалий нарсада ожизлик сифати бўлмай, йўқдан пайдо қилиш, яратиш сифатлари мавжуд бўлиши керак. Яъни, у азалийлиги учун пайдо бўлган нарсалар яралишида унга суяниши керак. Шунинг учун олам азалий ва қадимий эмас. Чунки у яратишдан ожиздир. Бир нарсада йўқликдан яратишга қудратнинг йўқлиги унинг азалий эмаслигига аниқ далилдир. Иккинчидан, юқорида айтиб ўтганимиздек, бир нарса бошқа бир нарсанинг ҳожатини тўсиш учун муайян нисбатга муҳтож. Бунинг баёни қуйидагича:


Масалан, «алиф» «бе»га муҳтож, «бе» «жим»га муҳтож, «жим» «алиф»-га муҳтож ва ҳоказо. Буларнинг бир-бирига муҳтожлиги уларнинг ҳар

бири азалий эмаслигига далилдир. Бир-бирини тўлдириши ёки бири-бирининг ҳожатини тўсиши ўз-ўзидан бўлмайди. Балки муайян нисбатга мувофиқ юз беради. Бир нарсанинг комиллиги мана шу тартибга мувофиқ ҳолда ёки ундан ташқарига чиқишдан чорасиз ҳолда бўлади. Демак, комил нарса ўз ҳожатини тўсиб, ўз ҳолича комил бўлгани йўқ. Балки бошқа тарафидан қўйилган, бўйсуннишга мажбур этилган тартиб асосида ҳожатини тўсди. Бундан келиб чиқадики, комил нарса ва уни комил қилган нарса бир-бирининг ҳожатини тўсиш учун уларга муайян тартибни белгилаб берадиган зотга муҳтож бўляпти. Улар бу тартибга қарши чиқолмайди ва бу тартибсиз бир-бирининг ҳожатини тўсолмайди. Улар бу тартибни белгилаётган Зотга муҳтождир. Демак, нарсалар ҳаммаси бир-бирини тўлдирса-да, ўзидан бошқага, яъни уларни муайян тартибга бўйсуннишга мажбур қилувчи Зотга муҳтождир. Масалан, сув музга айланиши учун ҳароратга муҳтождир. Сув модда, ҳарорат ҳам модда, муз ҳам модда. Модда бошқа суратдаги моддага айланиши учун моддага муҳтож, яъни ўзига муҳтож бўляпти, бошқасига эмас, дейишади. Лекин воқелик бундан тамоман бошқача, чунки сув музга айланиши учун умуман ҳароратга эмас, балки муайян даражадаги ҳароратга муҳтож. Ҳарорат битта нарса. У муайян даражадагина таъсир ўтказиши ҳароратдан бошқа нарса. Таъсир ўтказиш учун ҳароратга, таъсирланиш учун сувга қўйилаётган муайян нисбат сувдан келаётгани йўқ. Чунки у ҳолда сув ўзи хоҳлагандек таъсирланиши мумкин эди. Ҳароратдан ҳам келаётгани йўқ. У ҳолда ўзи хоҳлагандек таъсир ўтказган бўларди. Яъни модданинг ўзидан келаётгани йўқ. У ҳолда ўзи хоҳлаганидек таъсир ўтказишга, ўзи хоҳлагандек таъсирланишга қодир бўларди. Балки бу нисбат моддадан бошқа нарсадан келяпти. Демак модда, таъсир ўтказиш ёки таъсирланиш учун, унга мана шу нисбатни белгилаб берадиган Зотга муҳтож бўляпти. Модда ўзидан бошқага муҳтож бўляпти, демак у азалий эмас. Чунки азалий нарса бошқага муҳтож бўлмайди. У бошқадан беҳожат бўлиб, нарсалар ҳаммаси унга суяниши керак. Модда ўзидан бошқасига муҳтожлиги унинг азалий эмаслигига ва бошқага махлуқ эканлигига аниқ далилдир. Оламга бир назар ташлаш билан инсон нарсаларни вужудга келтириш, хоҳ у маконни эгаллайдиган нарса, хоҳ қувват бўлсин, ҳис билан идрок қилинадиган нарсалардан ва мана шу нарсалар ўртасидаги муайян тартиблардан вужудга келишини идрок қилади. Бу оламдаги бирор нарса ўзини йўқликдан вужудга келтиролмайди. Оламдаги бирор нарса вужудга келаётганда муайян нисбатнинг ҳукмисиз вужудга келмайди, яъни бу оламда муайян тартибсиз йўқдан вужудга келган бирор нарса йўқ. Демак, оламда пайдо бўлаётган ва пайдо бўлган нарсалар азалий ҳам, қадимий ҳам эмас. Пайдо бўлаётган нарсаларни текширсак, улар ҳис орқали идрок қилинадиган моддалардан вужудга келаётгани ва улар вужудга келишда муайян нисбатга бўйсунмаётгани равшандир. Ҳамда вужудга келган нарсалар йўқликдан вужудга келтиришга ожизлиги ва ўзига мажбур қилинган муайян тартибга бўйсунниши аёндыр. Бу тартиб унинг ўзидан келиб чиқмайди. Акс ҳолда уни тарк қилиш, унга бўйсунмасликка қодир бўларди. Демак, у бошқа тарафидан келяпти.

Оламдаги ҳис орқали идрок қилинадиган нарсаларнинг ожизлиги, яъни олам йўқликдан яратишга ожизлиги ва бошқа тарафидан келган тартибга мажбуран бўйсунуши, олам азалий ҳам, қадимий ҳам эмас, балки азалий ва қадимий бўлган Зотга махлуқ эканлигига аниқ далилдор. Баъзилар айтадики, яратиш бу миқдорлаш ва шакллантиришдир. Бу билан улар йўқдан бор қилувчи Холиқни инкор этадилар. Бу сўзнинг маъноси шуки, ҳис орқали идрок қилинган нарсалар ва уларга белгиланган муайян тартиб - бу иккиси яратувчидир. Чунки миқдорлаш ва шакллантириш ҳис қилиб идрок қилинган нарса ва унга бошқа тарафидан келган муайян тартиб бўлсагина вужудга келади. Бу эса яратишни шу икки нарсага, яъни «ҳис қилиб идрок қилинган нарсалар ва муайян тартиб»га боғлиқ қилиб қўяди. Демак, бу иккиси яратувчи бўляпти, дейдилар. Бу уларнинг «яратиш - миқдорлаш ва шакллантириш», деган сўзининг маъносидир. Бу сўз мутлақо ботил, чунки муайян тартиб нарсалардан ҳам, бу тартибнинг ўзидан ҳам келиб чиқмайди. У ҳис қилиб идрок қилинган нарсаларга идрок қилинмайдиган Зот тарафидан белгиланган. Бу билан миқдорлаш ва шакллантириш яратиш эмаслиги аён бўлади. Чунки унинг ўзи билан йўқдан бор қилиш маҳолдир. Билъакс, ҳис ва идрок қилиб бўлмайдиган бошқа бир Зот мавжудки, у ҳамма нарса учун муайян тартибни белгилаб беради ва яратиш вужудга келади. Бу билан миқдорлаш ва шакллантириш яратиш эмаслиги, унинг ўзи билангина яратиш содир бўлмаслиги аён бўлади.

Зеро, холиқ ҳис орқали идрок этиладиган нарсаларни йўқдан бор қилолмаса, яратувчи бўлолмайди. У ҳолда ўз иродаси билан нарсаларни вужудга келтиришдан ожиз бўлиб, вужудга келтиришга қодир бўлган нарсага бўйсунди. Демак, у азалий бўлмайди. Ўзи бир нарсани вужудга келтиришдан ожиз бўлиб, бошқага муҳтождир. Ожиз ва муҳтож эса азалий бўлолмайди. Бундан ташқари, холиқнинг воқеий маъноси йўқдан бор қилувчи демакдир. Чунки холиқ бўлишнинг маъноси - нарсалар вужудга келишда унга суяниши, у эса ҳеч нарсага суянмаслигидир. Агар у нарсаларни йўқдан бор қилолмаса, яратишдан ожиз бўлса, яратишда бошқа нарсага суяниб, бошқа нарсалар эса унга суянмай қолади. Бунинг маъноси унинг холиқ эмаслигини билдиради. Демак, холиқ бўлиш учун нарсаларни йўқдан бор қилиши ва бошқалардан беҳожат, ҳеч нарсага суянмаслиги ва ўзигина яратиш қудратига ва сифатига эга бўлиши керак. Шундан аён бўладики, яратиш учун йўқдан бор қилиш бўлиши керак. Холиқ эса йўқдан бор қилувчи бўлиши керак.

Аммо фаришталарга бўлган иймоннинг далили нақлийдир. Оллоҳ Таоло айтади:


 شَهِدَ اللَّهُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ وَالْمَلَائِكَةُ وَأُولُو الْعِلْمِ قَائِمًا بِالْقِسْطِ

– „Оллоҳ, фаришталар ва илм аҳллари адолат билан ҳукм қилувчи ёлғиз Оллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқлиги, фақат Унинг борлигига гувоҳлик бердилар“.

[3:18]

Яна айтадики:

وَلَكِنَّ الْبِرَّ مَنْ آمَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالْكِتَابِ وَالنَّبِيِّينَ

– „Балки Оллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга ва пайғамбарларга иймон келтириш яхшилиқдир“.

[2:177]

Яна айтадики:

وَالْمُؤْمِنُونَ كُلٌّ آمَنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ

– „Мўминлар ҳаммалари Оллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига иймон келтирдилар“.

[2:285]

Яна айтадики:

وَمَنْ يَكْفُرْ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا بَعِيدًا

– „Кимки Оллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига ва охират кунига ишонмаса, демак, у жуда қаттиқ адашибди“.

[4:136]

Аммо китобларга бўлган иймоннинг далилига келсак, бошқа самовий китобларга нисбатан Қуръонга бўлган иймоннинг далили бошқача. Қуръон Оллоҳ тарафиданлиги ва Оллоҳнинг каломи эканлигига бўлган далил ақлийдир. Чунки Қуръон ҳис қилинадиган воқелиқдир. Ақл унинг Оллоҳ тарафидан эканлигини идрок қилиши мумкин. Қуръон ўз лафзи билан арабча калом. Араблар каломдан турли шеърлар ва насрлар тўқишган. Уларнинг каломлари китобларда сақланган ва улар бир-биридан ривоят қилиниб, авлоддан авлодга ўтиб келган. Демак, Қуръон ё уларнинг каломлари туридан бўлиб, етук араб томонидан айтилган, ёки уларнинг каломи туридан бўлмай, у арабдан бошқа зот тарафидан айтилган бўлади. Демак, у араблар унга ўхшашини айта олишган ёки унга ўхшашини келтиришдан ожиз қолишган бўлади. Шунга қарамай у арабча каломдир. Агар унга ўхшашини айта олишганда, унга ўхшашини олиб келишга қодир бўлардилар. У ҳолда Қуръон уларга ўхшаш инсоннинг сўзи бўларди. У арабча калом бўла туриб, араб адиблари ва тилшунослари унга ўхшашини келтиришдан ожиз бўлсалар, демак у башарият каломи бўлмайди. Қуръонга ва араб каломларига қараган киши Қуръон сўзининг ўзига хос бир тарзи бўлиб, ундан аввал араблар ҳеч қачон бу тарзда сўзлашмаган ва сўзнинг бу услубини Қуръон тушишидан аввал ҳам, кейин ҳам унга ўхшатиб ишлатмаганини кўради. Бу нарса араблар ушбу каломни айтмаганига ва у бошқанинг сўзи эканлигига далолат қилади. Қатъийлик ва аниқликни ифодаловчи тавотур йўл билан собит бўлганки, араблар Қуръон уларни курашга чорласа ҳам унга ўхшаш бирорта сўз келтира олмаганлар. Қуръон уларга хитоб қилиб:

وَإِنْ كُنْتُمْ فِي رَيْبٍ مِمَّا نَزَّلْنَا عَلَىٰ عَبْدِنَا فَأْتُوا بِسُورَةٍ مِثْلِهِ وَادْعُوا شُهَدَاءَكُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ

إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ

– „Агар Биз бандамизга туширган нарсдан (Қуръондан) шак-шубҳада бўлсангиз, у ҳолда унга ўхшаган биргина сура келтиринг ва Оллоҳдан ўзга гувоҳларингизни чақиринг, агар ростгўй бўлсангиз“.

[2:23]

Яна айтадики:

﴿٦٨﴾ أَمْ يَقُولُونَ افْتَرَاهُ قُلْ فَأْتُوا بِسُورَةٍ مِثْلِهِ وَادْعُوا مَنِ اسْتَدْعَيْتُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ

– „Ёки «Уни (Муҳаммад) тўқиб чиқарган», дейдиларми?! Айтинг (эй Муҳаммад): «У ҳолда, агар ростгўй бўлсангизлар, Оллоҳдан ўзга кучингиз етган барча бутларни (ёрдамга) чорлаб шу (Қуръон)га ўхшаш биргина сура келтирингизлар!»“ [10:38]

Яна айтадики:

﴿٦٩﴾ أَمْ يَقُولُونَ افْتَرَاهُ قُلْ فَأْتُوا بِعَشْرِ سُورٍ مِثْلِهِ مُفْتَرِيَاتٍ وَادْعُوا مَنِ اسْتَدْعَيْتُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ

﴿٧٠﴾ صَادِقِينَ

– „Ёки: «Уни (яъни Қуръонни Муҳаммад) тўқиб чиқарган», дейдиларми?! Айтинг: «У ҳолда, агар ростгўй бўлсангизлар, Оллоҳдан ўзга кучингиз етган барча бутларни (ёрдамга) чорлаб шунга ўхшаш ўнтагина «тўқилган» сура келтирингиз!»“ [11:13]

Яна айтадики:

﴿٧١﴾ قُلْ لَئِنِ اجْتَمَعَتِ الْإِنْسُ وَالْجِنُّ عَلَىٰ أَنْ يَأْتُوا بِمِثْلِ هَذَا الْقُرْآنِ لَا يَأْتُونَ بِمِثْلِهِ وَلَوْ كَانَ بَعْضُهُمْ

﴿٧٢﴾ لِبَعْضٍ ظَهِيرًا

– „Айтинг: «Қасамки, агар бор инсу жин мана шу Қуръонни ўхшашини келтириш йўлида бирлашиб, бир-бирларига ёрдамчи бўлсалар-да, унинг ўхшашини келтира олмаслар»“ [17:88]

Бу очиқ чорловга қарамасдан, улар унга ўхшаш нарсани келтиришдан ожиз бўлдилар. Демак, Қуръонни араблар айтмаганлиги ва унга ўхшашини келтиришдан ожиз бўлганлиги у Оллоҳнинг каломи эканлигини исботлаяпти. Чунки у арабча калом бўлиб, араблар уни келтиришдан ожиз бўлса, уни араблардан бошқалар келтириши маҳол ишдир. У Муҳаммаднинг сўзи дейиш нотўғри. Чунки Муҳаммад ﷺ ҳам арабларнинг биридир. Ожизлик араб жинсига собит бўлар экан, у кишига ҳам ожизлик мансубдир.

Лафз ва жумлалардаги ифодалаш тарзига ҳар бир киши ўз асрида урф бўлган нарса ёки аввалгилардан ривоят қилинган сўзларга қараб бўйсунади. У сўз ифодасини янгиллаётган пайтда янги маъно ва фикрлар учун лафз ва таъбирларни янгилайди. Аввал ҳис қилмаган нарсани гапириши маҳолдир. Қуръоннинг лафз ва жумлалардаги ифодалаш тарзи Расулulloҳ ﷺ асрларида маъруф бўлмаган. Ундан олдин ҳам араблар бу ифода тарзини ишлатмаган. Демак, Расулulloҳ ﷺ га ҳам инсон сифатида ҳисси тушмаган услубда гапириш маҳол. Чунки бу нарса ақлан амри маҳол ишдир. Демак, Қуръоннинг лафз ва жумлаларини ифодалаш тарзи Муҳаммад ﷺ тарафидан содир бўлиши мумкин эмас. Бас, у Оллоҳнинг каломи бўлиб, уни Муҳаммад ﷺ олиб келганлар. Бу нарса Қуръон нозил этилган пайтда ақлий далил билан собит бўлган, ҳозир ҳам шундайдир. Чунки ҳали ҳам башарият унга ўхшашини келтиришдан ожиз ва бу ожизлик бутун оламга ҳис орқали идрок қилинган ҳолда собит бўлмоқда.

Хулоса шуки, Қуръон араблар тарафидан, ё Муҳаммад тарафидан, ёки Оллоҳ тарафидандир. Чунки у арабча калом бўлиб, уни бу учаласидан

бошқаси келтириши мумкин эмас. Аммо араблар тарафидан эканлиги ботилдир. Чунки улар унга ўхшашини келтиришдан ожиз бўлиб, бу ожизликларини тан олдилар. Уларнинг ҳозиргача ожизлиги у арабларнинг каломи эмаслигига далилдир. Демак, ё Муҳаммад ёки Оллоҳ тарафидан бўлади. Аммо унинг Муҳаммад тарафидан эканлиги ботилдир. Чунки у ҳам арабларнинг бири. Инсоннинг ақли қанчалар етук бўлмасин, у ўз асридан чиқиб кета олмайди. Агар араблар ожиз экан, уларнинг бири бўлган Муҳаммад ﷺ ҳам ожиз бўлади. Шу билан бирга мутавотир йўл билан Муҳаммад ﷺ дан ривоят қилинган: «Кимки қасд билан мен ҳақимда ёлгон гапирса, жойини жаҳаннамдан тайёрласин» деганларидек ҳадислар борки, бу ҳадисларни, яъни Муҳаммаднинг каломи Қуръон каломи билан солиштирилса, бу икки калом ўртасида ҳеч қандай ўхшашлик топилмайди. Бу нарса далолат қиладики, албатта Қуръон Муҳаммаднинг сўзи эмас, балки Оллоҳнинг каломидир.

Оламдаги жамики шоир, ёзувчи, файласуф ва муфаккирлар ўз услубларини баъзи бир заифликлар билан бошлайди. Улар етук даражага етгунларига қадар услублари аста-секин такомиллашиб боради. Уларнинг каломида чала ифодалар ва баъзи бир саёз фикрлари мавжуд бўлиши билан бирга, услублари гоҳ заифлашиб, гоҳ қувватланиб туради. Аммо Қуръон нозил бўла бошлаган аввалги кунидан, яъни «Роббингиз номи ила ўқинг» оятидан бошлаб охириги «Эй мўминлар, Оллоҳдан қўрқинг ва рибодан қолган нарсани ташланг» оятигача услублари, фикрларининг олийлиги ва ифодалаш қувватлари балоғат ва фасоҳатда ниҳоят даражада етук эканини кўрасиз. Унда бирорта саёз ифода ва бирорта енгил фикрни топмайсиз. Балки у битта бўлак бўлиб, барчаси умумий ва батафсил услубда битта жумла кабидир. Бу нарсалар унинг маъно ва ифодаларда зиддиятларга рўбарў бўладиган башарият каломи эмаслигини, балки олам Яратувчисининг каломи эканлигини англатади.

Бу Ислом иймон келтиришни талаб қилган самовий китоблар ичида Қуръонга бўлган иймон хусусидадир. Аммо бошқа самовий китобларнинг далили нақлийдир.

Оллоҳ Таоло айтадики:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا آمِنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَالْكِتَابِ الَّذِي نَزَّلَ عَلَيَّ رَسُولِهِ وَالْكِتَابِ الَّذِي أَنْزَلَ مِنِّي

قَبْلُ ﴿١٣٦﴾

– „Эй мўминлар, Оллоҳга, Унинг пайғамбарига ва шу пайғамбарига нозил қилган Китобига ҳамда илгари нозил бўлган Китобларига иймонингиз комил бўлсин“.

[4:136]

Яна айтади:

وَلَكِنَّ الْبِرَّ مَنْ آمَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالْكِتَابِ وَالنَّبِيِّينَ ﴿١٧٧﴾

– „Балки Оллоҳга, охираат кунига, фаришталарга, китобларга ва пайғамбарларга иймон келтириш яхшилиқдир“.

[2:177]

Яна айтади:

﴿٤٨﴾ وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ الْكِتَابِ وَمُهَيْمِنًا عَلَيْهِ

– „Сизга эса (эй Муҳаммад), ўзидан олдинги китоб(ларни) тасдиқлагувчи ва у (китоблар) устида гувоҳ бўлган бу Китобни ҳаққирост нозил қилдик“.

[5:48]

Яна айтади:

وَهَذَا كِتَابٌ أَنْزَلْنَاهُ مُبَارَكٌ مُصَدِّقٌ لِّذِي بَيْنَ يَدَيْهِ ﴿١٢﴾

– „Бу (Қуръон) бир муборак, ўзидан олдинги китобларни тасдиқлайдиган Ўзимиз нозил қилган Китобдир“.

[6:92]

Яна айтади:

وَمَا كَانَ هَذَا الْقُرْآنُ أَنْ يُفْتَرَىٰ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَلَكِنْ تَصْدِيقَ الَّذِي بَيْنَ يَدَيْهِ ﴿١٣﴾

– „Ушбу Қуръон Оллоҳдан ўзга биров томонидан тўқилган бўлиши мумкин эмас, балки у ўзидан аввалги (Таврот, Инжил каби) нарсаларни тасдиқловчи Китобдир“.

[10:37]

Аммо пайғамбарларга бўлган иймоннинг далили Саййидимиз Муҳаммад ﷺнинг далилига нисбатан бошқа пайғамбарларникидан фарқ қилади. Саййидимиз Муҳаммад ﷺнинг пайғамбарлигига далил нақлий эмас, ақлийдир. Чунки пайғамбарликни даъво қилгувчи кишининг пайғамбарлигига далил унинг ўз рисолатига далил қилиб келтирган мўъжизаси ва уни қувватловчи шариатидир. Пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺнинг рисолатлари ва нубувватларига далил Қуръон ва у киши олиб келган шариат. Қуръоннинг ўзи мўъжиза бўлиб, ҳанузгача шундайлигича қолмоқда. Қатъий аниқ далил бўлган мутаботир йўл билан исботланганки, Қуръонни Муҳаммад ﷺ олиб келган ва у Оллоҳнинг шариатидир. Оллоҳнинг шариатини анбиё ва расуллар олиб келади. Демак, бу Муҳаммад ﷺ Оллоҳ тарафидан бўлган набий ва расул эканлигига ақлий далилдир.

Аммо бошқа пайғамбарларнинг мўъжизалари тугаб, ўтиб кетган. Ҳозирги кунда мавжуд китобларнинг Оллоҳ тарафидан эканлигига эса ақлий далил йўқ. Чунки бу китоблар Оллоҳ тарафидан эканлигини қувватловчи мўъжиза тугаган. Шунинг учун Пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺдан бошқа бирор пайғамбарнинг пайғамбарлигига ақлий далил йўқ. Лекин уларнинг пайғамбарлиги нақлий далил билан собитдир.

Оллоҳ Таоло айтади:

أَمِنَ الرَّسُولُ بِمَا أُنزِلَ إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ وَالْمُؤْمِنُونَ كُلٌّ آمَنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ لَا نُفَرِّقُ

بَيْنَ أَحَدٍ مِنْ رُسُلِهِ ﴿١٤﴾

– „Пайғамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага иймон келтирди ва мўминлар ҳам (иймон келтирдилар). Оллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига иймон келтирган ҳар бир киши (айтади): «Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз“.

[2:285]

Яна айтади:

قُولُوا آمَنَّا بِاللَّهِ وَمَا أُنزِلَ إِلَيْنَا وَمَا أُنزِلَ إِلَىٰ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ وَالْأَسْبَاطِ وَمَا أُوتِيَ مُوسَىٰ وَعِيسَىٰ وَمَا أُوتِيَ النَّبِيُّونَ مِنْ رَبِّهِمْ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِنْهُمْ وَنَحْنُ لَهُ مُسْلِمُونَ ﴿١٥﴾

﴿١٥﴾

– „Айтингиз (эй мўминлар): Оллоҳга ва бизга нозил қилинган китобга ва Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқубга ва ўша уруғ-авлодга нозил қилинган нарсаларга, Мусо ва Ийсога берилган нарсаларга ва барча пайгамбарларга Парвардигор тарафидан берилган нарсаларга ишондик. Биз улардан бирортасини ажратиб қўймаймиз ва биз у зот (Оллоҳ Таоло)га бўйинсунувчилармиз“.

[2:136]

Қиёмат кунига бўлган иймоннинг далили эса ақлий эмас, нақлийдир. Чунки қиёмат кунини ақл идрок қила олмайди.

Оллоҳ Таоло айтади:

وَلْتُنذِرَ أُمَّ الْقُرَىٰ وَمَنْ حَوْلَهَا وَالَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ يُؤْمِنُونَ بِهِ ۗ

– „Барча қишлоқлар (ва шаҳарларнинг) онаси-маркази бўлмиш (Макка аҳлини) ҳамда унинг атрофидаги кишиларни (охират азобидан) огоҳлантиришингиз учун Ўзимиз нозил қилган Китобдир. Охиратга иймон келтирадиган кишилар унга ҳам иймон келтирадидлар“.

[6:92]

Яна айтади:

فَالَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ قُلُوبُهُمْ مُنْكَرَةٌ وَهُمْ مُسْتَكْبِرُونَ

– „Бас, охиратга иймон келтирмайдиган кимсаларнинг кўнгиллари (Оллоҳнинг якка-ягона эканлигини) инкор қилур, (уларнинг) ўзлари мутакаббир кимсалардир“.

[16:22]

Яна айтади:

لِلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ مَثَلُ السَّوْءِ

– „Охиратга иймон келтирмайдиган кимсалар энг ёмон сифат эгаларидир“.

[16:60]

Яна айтади:

وَأَنَّ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ أَعْتَدْنَا لَهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا

– „Шунингдек, охиратга ишонмайдиган кимсалар учун аламли азоб тайёрлаб қўйганимизни(нг) ҳам хушхабарини берур“.

[17:10]

Яна айтади:

فَإِذَا نُفِخَ فِي الصُّورِ نَفْحَةٌ وَاحِدَةٌ ۗ وَحُمِلَتِ الْأَرْضُ وَالْجِبَالُ فَدُكَّتَا دَكَّةً وَاحِدَةً ۗ

فَيَوْمَئِذٍ وَقَعَتِ الْوَاقِعَةُ ۗ ۝۱۵ ۖ وَانشَقَّتِ السَّمَاءُ فَهِيَ يَوْمَئِذٍ وَاهِيَةٌ ۗ ۝۱۶ ۖ وَالْمَلَكُ عَلَىٰ أَرْجَائِهَا

وَيَحْمِلُ عَرْشَ رَبِّكَ فَوْقَهُمْ يَوْمَئِذٍ ثَمَانِيَةٌ ۗ ۝۱۷ ۖ يَوْمَئِذٍ تُعْرَضُونَ لَا تَخْفَىٰ مِنْكُمْ خَافِيَةٌ ۗ ۝۱۸

– „Бас, қачон сур бир бор чалинганида. Ва еру тоғлар (ўз жойларидан) кўтарилиб, (бир-бирларига) бир бор урилиб (чилпарчин бўлганида). Ана ўша кунда воқеа воқеа (қиёмат қойим) бўлур! Ва осмон ёрилур! Чунки (осмон) у Кунда заиф бўлиб қолур! Ва фаришталар (осмоннинг) чор атрофида (Оллоҳнинг амрига мунтазир бўлиб) турурлар. Уларнинг устида Парвардигорингизнинг аршини у Кунда саккиз (фаришта) кўтариб турур. Ўша кунда сизлар (ҳисоб-китоб учун Оллоҳга) кўндаланг қилинурсизлар, сизларнинг бирон сирингиз махфий қолмас“.

[69:13-18]

Расулulloҳ ﷺ айтадилар: «Иймон бу - Оллоҳга, фаришталарга, китобларга, Оллоҳга йўлиқишга, расулларга ва қайта тирилишга иймон келтиришдир».

Мана шу беш нарса иймон келтириш вожиб бўлган ишлардир. Шахш шу беш нарсанинг ҳаммасига ҳамда қазо ва қадарга иймон келтирса, мусулмон ҳисобланади.

Оллоҳ Таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا آمِنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَالْكِتَابِ الَّذِي نَزَّلَ عَلَىٰ رَسُولِهِ وَالْكِتَابِ الَّذِي أَنزَلَ مِن قَبْلُ وَمَنْ يَكْفُرْ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا بَعِيدًا ﴿١٦﴾

– „Эй мўминлар, Оллоҳга, Унинг пайғамбарига ва шу пайғамбарига нозил қилган Китобига ҳамда илгари нозил бўлган Китобга иймонингиз комил бўлсин. Кимки Оллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига ва охират кунига ишонмаса, демак, у жуда қаттиқ адашибди“.

[4:136]

Дарҳақиқат, Қуръон ва ҳадис мана шу беш нарсага иймон келтиришни талаб қилганидек, улардан бошқа нарсага худди шундай - номма-ном ва очиқ ҳолда иймон келтиришни талаб қилмаган. Балки субути қатъий ва далолати қатъий бўлган нусусларда фақат мана шу беш нарса келган.

Тўғри, баъзи ривоятлар Жаброилнинг ҳадисидида қадарга бўлган иймон ҳақида келган. Унда айтиладики: «Айтдики, қадарнинг яхшиси-ю ёмони Оллоҳдан эканига иймон келтиринг». Лекин у оҳод хабар бўлиб, бу қадардан мурод Оллоҳнинг илмидир, тушунчалар турлича бўлган қазо ва қадар масаласи эмас. Аммо мана шу исм ва атама билан тушунчаларда ихтилоф юз берган қазо ва қадарга иймон келтириш масаласи ҳақида қатъий насс келмаган. Лекин унинг бу номига иймон келтириш ақидадандир, у иймон келтириш вожиб бўлган ишлардан. У бу исм ва атама билан саҳобалар асрида машҳур бўлган эмас. Шу исм ва атама билан келганига саҳиҳ насс келмаган. Балки у тобеинлар асрининг аввалида машҳур бўлиб, ўша вақтдан бери баҳс қилиб келинмоқда. Уни баҳс ўрнига қўйганлар мутакаллимлардир. «Қазо ва қадар» исми ва атамаси билан биринчи ҳижрий аср ниҳоясига етиб, илми калом пайдо бўлмасдан олдин мавжуд бўлмаган ва уни мутакаллимлардан бошқалар баҳс қилган эмас.

Қиёмат кунига бўлган иймоннинг маъноси

Қиёмат кунига иймон келтириш қайта тирилишга бўлган иймондир. У шундай вақтки, унда дунёдаги ҳамма махлуқотлар тамом бўлади ва барча тирик жон ўлади. Сўнг Оллоҳ ўликларни тирилтиради. Чириган суякларни тиклаб, жисмларга руҳни қайтаради.

Оллоҳ Таоло айтади:

ثُمَّ إِنَّكُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ تُبْعَثُونَ ﴿١٧﴾

– „Сўнгра, шак-шубҳасиз сизлар қиёмат кунидида қайта тирилурсизлар“.

[23:16]

Яна айтади:

ذَلِكَ بِأَنَّ اللَّهَ هُوَ الْحَقُّ وَأَنَّهُ يُحْيِي الْمَوْتَى وَأَنَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿٦﴾ وَأَنَّ السَّاعَةَ آتِيَةٌ
لَا رَيْبَ فِيهَا وَأَنَّ اللَّهَ يَبْعَثُ مَنْ فِي الْقُبُورِ ﴿٧﴾

– „Бунга сабаб Оллоҳ Ҳақ экани ва Унинг Ўзи ўликларга ҳаёт бериши ҳамда У ҳамма нарсага қодир эканлигидир. Яна аниқки, (қиёмат) соати шак-шубҳасиз келгувчидир ва албатта Оллоҳ қабрлардаги бор жонзотни тирилтирур“.

Яна айтади:

قَالَ مَنْ يُحْيِي الْعِظَامَ وَهِيَ رَمِيمٌ ﴿٧٨﴾ قُلْ يُحْيِيهَا الَّذِي أَنشَأَهَا أَوَّلَ مَرَّةٍ ﴿٧٩﴾

– „У Бизга: «Чириб битган суякларни ким ҳам тирилтира олур», деб (мисол келтирди-ю, (аммо) ўзининг (бир томчи сувдан) яралганини унутиб қўйди). (Эй Муҳаммад), айтинг: «У (чириган суякларни дастлаб (бир томчи сув)дан пайдо қилган зотнинг Ўзи қайта тирилтирур»“.

Яна айтади:

قُلْ إِنَّ الْأَوَّلِينَ وَالْآخِرِينَ ﴿٤٩﴾ لَمَحْمُوعُونَ إِلَىٰ مِيقَاتِ يَوْمٍ مَّعْلُومٍ ﴿٥٠﴾

– „(Эй Муҳаммад, сиз уларга) айтинг: «Албатта аввалгилар ҳам, кейингилар ҳам маълум Кундаги белгиланган вақтга шак-шубҳасиз тўплангувчидирлар»“.

Қиёмат куни одамларга номаи аъмоллари берилишига бўлган иймон ҳам охираат кунига бўлган иймоннинг бир қисмидир.

Оллоҳ Таоло айтади:

وَكُلِّ إِنْسَانٍ أَلْزَمْنَاهُ طَائِرَهُ فِي عَقِبِهِ وَنُخْرِجْ لَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ كِتَابًا يَلْقَاهُ مَشْوُورًا ﴿١٢﴾ أَفَرَأَىٰ كِتَابًا ﴿١٤﴾

– „Биз ҳар бир инсоннинг амалини бўйнига илиб қўйгандирмиз (яъни, унинг қилган ҳар бир амали икки дунёда унга ажралмас ҳамроҳ бўлур). Биз Қиёмат куни унга очиқ ҳолда рўбарў бўладиган бир китобни (яъни номаи аъмолини) чиқариб кўрсатурмиз“.

Азоб тотмайдиган, нажот топган мўминларнинг китоби ўнг қўлларидан берилади, гуноҳи кабираларни қилган мўминларга эса орқа тарафдан берилади. Кофирларга бўлса чап томонидан берилади.

Оллоҳ Таоло айтади:

فَأَمَّا مَنْ أُوْتِيَ كِتَابَهُ بِيَمِينِهِ ﴿٧﴾ فَسَوْفَ يُحَاسَبُ حِسَابًا يَسِيرًا ﴿٨﴾ وَيَنْقَلِبُ إِلَىٰ أَهْلِهِ مُسْرُورًا

﴿٩﴾ وَأَمَّا مَنْ أُوْتِيَ كِتَابَهُ وَرَاءَ ظَهْرِهِ ﴿١٠﴾ فَسَوْفَ يَدْعُو ثُبُورًا ﴿١١﴾ وَيَصْلَىٰ سَعِيرًا ﴿١٢﴾

– „Ана энди кимнинг номаи аъмоли ўнг томонидан берилса. Бас, у осон ҳисоб билан ҳисоб-китоб қилинажак. Ва ўз(ининг жаннатдаги) аҳли оиласига шоду хуррам ҳолда қайтажак. Энди кимнинг номаи аъмоли орқа томонидан берилса. Бас, у ўлимини чақриб қолажак. Ва дўзахга киражак“.

Яна айтади:

وَأَمَّا مَنْ أُوتِيَ كِتَابَهُ بِشِمَالِهِ فَيَقُولُ يَا لَيْتَنِي لَمْ أُوتَ كِتَابِيهِ ۗ وَلَمْ أَدْرِ مَا حِسَابِيهِ ۗ يَا لَيْتَهَا كَانَتِ الْقَاضِيَةَ ۗ مَا أَغْنَىٰ عَنِّي مَالِيهِ ۗ هَلَكَ عَنِّي سُلْطَانِيهِ ۗ خُدُوهُ فَعُلُوهُ ۗ ثُمَّ الْحَحِيمَ صَلُّوهُ ۗ ثُمَّ فِي سِلْسِلَةٍ ذَرْعُهَا سَبْعُونَ ذِرَاعًا فَاسْلُكُوهُ ۗ

– „Энди ўз китоби чап қўлидан берилган кимсага келсак, бас, у дер: «Эҳ, қанийди, менга китобим берилмаса эди! Ва мен ҳисоб-китобим (яъни оладиган жазоим) нима эканлигини билмасам эди! Эҳ қанийди, ўша (биринчи ўлим барча нарсани) тугатгувчи-узгучи бўлса (ва Қиёматдаги мана бу қайта тирилиш бўлмаса) эди. Менга (не машаққатлар билан топган) мол-дунёим асқотмади-я! Мулқу салтанатим ҳам ҳалок бўлиб кетди-я!» (Бас, Оллоҳ жаҳаннам қўриқчиларига дер): «Уни ушлаб, кишанланглар! Сўнгра дўзахга ташланглар! Сўнгра узунлиги етмиш газ бўлмиш занжирга солиб боғланглар!»» [69:25-32]

Албатта, жаннат ва дўзах ҳақ деб иймон келтириш ҳам охиратга бўлган иймондандир. Жаннат мўминлар учун яратилган жой бўлиб, унга кофир ҳеч қачон кирмайди.

Оллоҳ Таоло айтади:

وَحِنَّةٍ عَرَّضُهَا السَّمَاوَاتُ وَالْأَرْضُ أُعِدَّتْ لِلْمُتَّقِينَ

– „Ва тақводорлар учун (эни осмонлар ва ер баробарида бўлган) жаннат тайёрлаб қўйилган“.

Яна айтади:

وَنَادَىٰ أَصْحَابُ النَّارِ أَصْحَابَ الْجَنَّةِ أَنْ أَفِيضُوا عَلَيْنَا مِنَ الْمَاءِ أَوْ مِمَّا رَزَقَكُمُ اللَّهُ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ حَرَمَهُمَا عَلَى الْكَافِرِينَ

– „Дўзах эгалари жаннат эгаларига: «Бизларга ҳам сувдан ё Оллоҳ сизларни баҳраманд қилган нарсалардан тўкинглар», деб нидо қилганларида, улар: «Оллоҳ бу неъматларини (динларини ҳазил-мазах қилиб олган ва ҳаёти дунёга алданиб қолган) кофирларга ҳаром қилгандир» дедилар“.

Яна айтади:

تِلْكَ الْجَنَّةُ الَّتِي نُورِثُ مِنْ عِبَادِنَا مَنْ كَانَ تَقِيًّا

– „У Биз бандаларимиздан тақводор бўлган қишиларга мерос қилиб берадиган жаннатдир“.

Аммо дўзах эса кофирлар учун яратилган жой бўлиб, мўмин унда абадий қолмайди.

Оллоҳ Таоло айтади:

لَا يَصْلَاهَا إِلَّا الْأَشْقَى ۗ الَّذِي كَذَّبَ وَتَوَلَّى ۗ وَسَيُحَنَّبُهَا الْأَتْقَى ۗ

– „Унга фақат (Ҳақни) ёлгон деган ва (иймон-эътиқоддан) юз ўгирган бадбахт кимсагина кирур! Ўзи покдомон тақводор зот у (дўзах)дан йироқ қилинур“.

Дўзахга Оллоҳ гуноҳи кабиралари ва ёмонликлари гуноҳи сагира ва яхшиликларидан оғир келган мусулмонлардан хоҳлаган кишисини киргизади. Сўнг ундан чиқиб, жаннатга кирадилар.

Оллоҳ Таоло айтади:

﴿٦﴾ إِنَّ تَحْتَهُنَّ كِبَائِرَ مَا تُنْهَوْنَ عَنْهُ تُكْفَرُ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَنُدْخِلُكُمْ مُدْخَلًا كَرِيمًا

– „Агар сизлар ман этилган гуноҳларнинг катталаридан сақлансангизлар, қилган кичик гуноҳларингизни ўчирурмиз ва сизларни улуг манзил - жаннатга киритурмиз“. [4:31]

Яна айтади:

﴿٨﴾ وَأَمَّا مَنْ خَفَّتْ مَوَازِينُهُ ﴿٧﴾ فَأُمُّهُ هَاوِيَةٌ ﴿٩﴾ وَمَا أَذْرَاكَ مَا هِيَ ﴿١٠﴾ نَارٌ حَامِيَةٌ ﴿١١﴾

– „Энди кимнинг тортилган (яхши амаллари) енгил келса, унинг жойи «жарлик»дир! Унинг нима эканини қаердан ҳам билар эдинг?! (У) қизиган дўзахдир“. [101:8-11]

Жаннат неъматлари ҳис қилинадиган неъматлар экани, унинг аҳли у ерда ейди, ичади, кияди ва лаззатланади, деб ишониш ҳам жаннатга бўлган иймондандир.

Оллоҳ Таоло айтади:

﴿١٤﴾ يَطُوفُ عَلَيْهِمْ وِلْدَانٌ مُخَلَّدُونَ ﴿١٣﴾ بِأَكْوَابٍ وَأَبَارِيقَ وَكَأْسٍ مِنْ مَعِينٍ ﴿١٢﴾ لَا يُصَدَّعُونَ عَنْهَا وَلَا يُتْرَفُونَ ﴿١١﴾ وَفَاكِهَةٍ مِمَّا يَتَخَيَّرُونَ ﴿١٠﴾ وَلَحْمِ طَيْرٍ مِمَّا يَشْتَهُونَ ﴿٩﴾ وَحُورٍ عِينٍ ﴿٨﴾ كَأَمْثَالِ اللُّؤْلُؤِ الْمَكْنُونِ ﴿٧﴾ جَزَاءً بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٦﴾

– „Устларида эса мангу ёш болалар оқар чашмадан (майли) қадаҳларни, кўзаларни ва косаларни айлантириб турурлар. У (май)лардан уларнинг бошлари ҳам оғримас, маст ҳам бўлмаслар. Яна ўзлари танлаб оладиган мева-чева ҳамда иштаҳалари тортган қуш гўштлари ҳам (айлантириб турилур). Яна (улар учун) худди яшириб қўйилган марварид мисол оҳу кўз хурлар бордир. (Бу) улар (ҳаёти дунёда) қилиб ўтган амалларининг мукофотидир“. [56:17-24]

Яна айтади:

﴿٢٣﴾ وَلِبَاسُهُمْ فِيهَا حَرِيرٌ ﴿٢٢﴾

– „Либослари эса ҳарир-ипак бўлур“. [22:23]

Яна айтади:

﴿٢٦﴾ عَلَيْهِمْ ثِيَابٌ سُنْدُسٍ خُضْرٌ وَإِسْتَبْرَقٌ وَخُلُوا أُسْوَارَ مِنْ فِضَّةٍ وَسَقَاهُمْ رَبُّهُمْ شَرَابًا طَهُورًا ﴿٢٥﴾

– „Уларнинг устларида яшил ипак ва шойн либослар бўлиб, улар кумуш билакузуклар билан безалгандирлар ва Парвардигорлари уларни ниҳоятда покиза шароб-ла суғоргандир“. [76:21]

Яна айтади:

﴿٦٠﴾ إِنَّ الْأَبْرَارَ يَشْرَبُونَ مِنْ كَأْسٍ كَانَ مِزَاجُهَا كَافُورًا ﴿٥٩﴾ عَيْنًا يُشْرَبُ بِهَا عِبَادُ اللَّهِ يُفَجَّرُونَهَا تَفْجِيرًا ﴿٦٠﴾

– „Албатта, яхшилар жаннатда мизожи-аралашмаси кофувр - Оллохнинг (яхши) бандалари ичадиган (жаннатий) чашма бўлган май косалардан (май) ичурлар. Улар у (чашмани) ўзлари хоҳлаган жойдан) чиқариб-оқизиб олурлар“.

[76:5-6]

Яна айтади:

وَحَرَاهُمْ بِمَا صَبَرُوا حِنَّةً وَحَرِيرًا ﴿١٢﴾ مُتَكِينِينَ فِيهَا عَلَى الْأَرَائِكِ لَا يَرَوْنَ فِيهَا شَمْسًا وَلَا
زَمْهَرِيرًا ﴿١٣﴾ وَدَانِيَةً عَلَيْهِمْ ظِلَالُهَا وَذُلَّتْ أَلْفُوفُهَا تَذَلِيلًا ﴿١٤﴾ وَيُطَافُ عَلَيْهِمْ بِآتِيَةٍ مِنْ فِضَّةٍ
وَأَكْوَابٍ كَانَتْ قَوَارِيرَ ﴿١٥﴾ قَوَارِيرَ مِنْ فِضَّةٍ قَدَرُوهَا تَقْدِيرًا ﴿١٦﴾

– „Ва уларни сабр-қаноатлари сабабли жаннат ва (жаннатда эгниларида бўладиган) ипак (либослар) билан мукофотлади. Улар у жойда сўриларга ястанган ҳолларида ўтирурлар. Улар у жойда қуёш(нинг қизиғи)ни ҳам, замҳарир (қишнинг совуғи)ни ҳам кўрмаслар. (Жаннат) соялари уларга яқин ва мевалари ҳам (узиб тановул қилиш осон бўлсин учун) эгиб қўйилган бўлур. Уларга кумуш идишлар(да таомлар) ва ўзи кумушдан (ясалган бўлса-да, нафислигидан) шиша-шиша бўлиб кетган қадаҳлар(да шароблар) айлантириб турилур. (У шаробларни соқийлар ҳар кимнинг эҳтиёжига яраша) ўлчаб-белгилаб қўйгандирлар“.

[76:12-16]

Бу каби бошқа кўпгина оятларда Қуръон жаннат неъматларини очиқ ҳолда зикр қилиб келган.

Дўзахнинг азоби ҳис қилинадиган азоб, унинг аҳли ўт, қайнаган йиринглар ва бошқа турли азобларни тотишига ишониш ҳам дўзахга бўлган иймондандир. Қуръонда занжир ва кишан, қўрғошинлар, ўт, заҳар ютиш ва йиринг каби сувларни ичиш очиқ ҳолда баён этилган.

Оллоҳ Таоло айтади:

سَرَابِيلُهُمْ مِنْ قَطْرِانٍ ﴿٥﴾

– „Уларнинг кийимлари қора мойдан бўлиб, ...“.

[14:50]

Яна айтади:

إِنَّا أَعْتَدْنَا لِلْكَافِرِينَ سَلَاسِلًا وَأَغْلَالًا وَسَعِيرًا ﴿٤﴾

– „Албатта Биз кофирлар учун занжиру кишанларни ва (дўзах) алангасини тайёрлаб қўйгандирмиз“.

[76:4]

Яна айтади:

إِنَّ شَجَرَةَ الزَّقُّومِ ﴿٤٢﴾ طَعَامٌ الْأَيْمِ ﴿٤٤﴾

– „Албатта (дўзахнинг ўртасида ўсадиган) Заққум дарахти гуноҳкорнинг таомидир“.

[44:43-44]

Яна айтади:

فِي سُمُومٍ وَحَمِيمٍ ﴿٤٢﴾

– „(Баданларни илма-тешик қилиб юборувчи) Самум (шамоли) ва қайноқ сув ичида“.

[56:42]

Яна айтади:

وَإِنْ يَسْتَعْجِلُوْا يُعَاتُوا بِمَاءٍ كَالْمُهْلِ يَشْوِي الْوُجُوْهَ بِئْسَ الشَّرَابُ ﴿٦٨﴾

– „Агар улар (ташналик шиддатига чидамай) сув сўрасалар, эритилган (доғланган) ёғ каби юзларни куйдиргувчи сув берилур“. [18:29]

Яна айтади:

وَلَا طَعَامَ إِلَّا مِنْ غَسِيلِينَ ﴿٦٦﴾

– „Фақат йирингдан бўлган (бир «таом» борки)...“. [69:36]

Яна айтади:

كَلَّمَا نَضَحَتْ جُلُودَهُمْ بَدَلْنَاهُمْ جُلُودًا غَيْرَهَا لِيَذُوقُوا الْعَذَابَ ﴿٥٦﴾

– „Қачонки терилари куйиб битиши билан ҳақиқий азобни тотиб кўришлари учун ўрнига бошқа териларни алмаштирамиз“. [4:56]

Яна айтади:

لَا يُقْضَىٰ عَلَيْهِمْ فِيمَوتُوا وَلَا يُخَفَّفُ عَنْهُمْ مِنْ عَذَابِهَا ﴿٦٧﴾

– „На уларга (иккинчи бор ўлиш) ҳукм қилиниб, ўла олурлар ва на улардан (жаҳаннам) азоби енгиллатилур“. [35:36]

Яна айтади:

ثُمَّ إِنَّكُمْ أَيُّهَا الضَّالُّونَ الْمُكَذِّبُونَ ﴿٥١﴾ لَأَكْلُونَ مِنْ شَجَرٍ مِنْ رَقُومٍ ﴿٥٢﴾ فَمَا لَتَوْنَ مِنْهَا الْبَطُونَ ﴿٥٣﴾

– „Сўнгра албатта сизлар, эй (қайта тирилишни) ёлғон дегувчи гумроҳлар, шак-шубҳасиз (жаҳаннамнинг ўртасида ўсадиган) Заққум дарахтидан егувчи, ундан қоринларингизни тўлдиргувчидирсизлар. Сўнг унинг устига қайноқ сувдан ичгувчи, (ичганда ҳам) ташна-тўймас туялар каби ичгувчидирсизлар!“ [56:51-55]

Яна айтади:

النَّارُ يُعْرَضُونَ عَلَيْهَا غُدُوًّا وَعَشِيًّا ﴿٤٦﴾

– „(У азоб бир) оловдирки, улар эртаю кеч ўшанга кўндаланг қилиниб (куйдирилурлар)“. [40:46]

Мутакаллимларнинг пайдо бўлиши ва улар тутган йўл

Мусулмонлар Исломга ҳеч қандай шубҳа аралашмайдиган ҳолда иймон келтирдилар. Уларнинг иймони шу даражада қувватли эдики, бирор шубҳали савол туғилмас эди. Қуръон оятлари ҳақидаги баҳслари унинг воқееси ва маъносини идрок қилишга боғлиқ эди. Улар ҳеч қандай фаразларга ва ундан хулоса қилинадиган мантиқий натижаларга ўтмасдилар. Улар бутун оламга мана шу даъватни олиб чиқдилар, унинг йўлида жанг қилдилар, шаҳарларни фатҳ этдилар ва уларга кўпгина халқлар бўйсунди.

Ҳижратнинг биринчи асри ўтиб борар, исломий даъват эса ўз олдидаги ҳамма тўсиқларни олиб ташларди. Исломиё фикрлар одамларга мусулмонлар қабул қилгандек ёрқин фаҳм, қатъий иймон ва буюк онг асосида бериларди. Лекин фатҳ қилинган шаҳарларда Ислом даъватини ёйиш ҳали Исломга кирмаган бошқа дин вакиллари билан унга кирган кишилар ўртасида фикрий тўқнашувни келтириб чиқарди. Бу фикрий

тўқнашув жуда қаттиқ бўлди. Бошқа дин вакиллари баъзи бир фалсафий фикрларни билардилар ва ўз динларидан олган раъйлари мавжуд эди. Улар Ислом динида шубҳаларни қўзғатиб, мусулмонлар билан ақида масалаларида баҳслашишарди. Чунки даъватнинг асоси ақидага ва унга тааллуқли фикрларга қурилган. Мусулмонларнинг исломий даъватга ҳарисликлари ва ўз хусуматчиларига раддия билдириш учун бўлган эҳтиёжлари уларга қарши қурол бўлиши учун баъзи бир фалсафий фикрларни ўрганишга ундади. Уларни бу фикрларни ўрганишга ундаган нарсанинг даъватни ёйиш ва хусуматчиларни рад этишга бўлган ҳарисликларидан ташқари икки омили бўлган:

Биринчиси, Қуръони Карим тавҳид ва пайғамбарликка бўлган даъват билан бир қаторда, Расулulloҳ ﷺ даврларида тарқалган муҳим дин ва фирқаларни шарҳлаб, уларни рад этар ва уларнинг сўзлари ботил эканини баён қилар эди. Масалан, ширкнинг жамики турларини изоҳлаб, уларни рад этди. Баъзи бир мушриклар юлдузларни илоҳ билиб, уларни Оллоҳга шерик қиларди. Қуръон буларни рад этди. Баъзилари бутларга сиғиниб, уларни Оллоҳга шерик қиларди. Баъзилари пайғамбарликни, баъзилари Муҳаммад ﷺнинг пайғамбарлигини инкор қилар ва баъзилари қиёматда қайта тирилиш ва бир майдонга йиғилишга ишонмасди. Баъзилари Ийсо ﷺни илоҳ қилиб олган ёки уни Оллоҳнинг ўғли деб эътиқод қиларди. Қуръони Карим буларнинг барчаси ботил эканини баён қилди. У бу билан чекланмай, Расулulloҳ ﷺни улар билан баҳслашишга ундади:

﴿١٢﴾ وَجَادِلْهُمْ بَالِغِي هِيَ أَحْسَنُ

– „Улар (сиз билан талашиб-тортишадиган кимсалар) билан энг гўзал йўлда мужодала-мунозара қилинг!“ [16:125]

﴿٤٦﴾ وَلَا تُجَادِلُوا أَهْلَ الْكِتَابِ إِلَّا بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ

– „(Эй мўминлар), сизлар аҳли китоб билан фақат энг чиройли йўсинда мужодала-мунозара қилинглар.“ [29:46]

Расулulloҳ ﷺнинг ҳаётлари мушрик ва аҳли китоблардан бўлган жамики кофирлар билан фикрий курашдан иборат. У киши Макка ва Мадинада кофирлар билан жамоат ҳолатида ёки якка тартибда баҳслашганлари ҳақида жуда кўп ривоятлар мавжуд. Мусулмонлар Қуръони Карим оятлари ва Расулulloҳ ﷺнинг ҳадислари ва амалларидаги бу фикрий курашларни ўқирдилар ва эшитардилар. Шунинг учун улар ҳам бошқа дин вакиллари билан баҳс қилиб, улар билан фикрий курашга киришишлари табиий эди. Чунки уларни динларининг табиати шунга ундарди. Ислом даъватининг табиати ҳам кофирлар билан тўқнашар экан, улар ўртасида кураш, баҳс ва мунозаралар бўлишини тақозо этарди. Аммо бу кураш ақлий тарафни ўз ичига олганлиги ҳақида тўхталадиган бўлсак, албатта Қуръони Каримнинг ўзи ақлни ишлатишга қақириб, ақлий далиллар ва ҳиссий ҳужжатларни келтирди. Унинг ақидасига бўлган даъвати ақлга суянади. Шунинг учун бу кураш ақлий жиҳатни ўз ичига олиши ва унинг табиати билан табиатланиши табиий эди.

Иккинчидан, Насотира насоролари ва бошқалар тарафидан илоҳиёт ҳақидаги фалсафий фикрлар кириб келди. Мусулмонлар орасида Арасту фалсафаси маъруф бўлиб, баъзи мусулмонлар бу фалсафий фикрларни ўрганидилар. Кўп китоблар юнон тилидан сурёнийга, сўнг араб тилига таржима қилинди. Кейинчалик юнончадан арабчага таржима қилина бошлади. Бу нарса фалсафий фикрлар вужудга келишига сабаб бўлди. Бошқа дин вакиллари, хусусан яҳудий ва насронийлар юнон фалсафаси билан қуролланиб, фалсафий фикрларни тарқатдилар. Бу нарсалар фалсафий фикрларни вужудга келтириб, мусулмонларни уни ўрганишга ундади.

Бу икки омил Ислом ҳукмлари, унинг баҳс ҳақидаги фикрлари ва фалсафий фикрларнинг вужудга келиши, мусулмонларни ақлий баҳслар ва фалсафий фикрларни ўрганиб, уларни мунозара мавзуси қилиб олишга ундади. Лекин булар тўла ҳолдаги ўрганиш эмас, балки яҳуд ва насороларга раддия учун ўрганилган баъзи бир фалсафий фикрлар эди. Чунки мусулмонлар юнон фалсафасидаги фикрларни, хусусан, мантиқ ва илоҳиётга тааллуқли фикрларни ўрганганларидан сўнг уларга раддия бериш осон кечарди. Шунинг учун ажнабий фирқаларни, уларнинг сўз ва ҳужжатларини ўрганишга киришдилар. Бунинг натижасида исломий шаҳарлар ҳар хил фикрлар ва динлар баҳс қиладиган майдонга айланди. Шубҳасиз, тортишувлар текшириш, фикрлашни талаб қилади ва ўйлашга чақирадиган бир неча масалаларни кўзғатади. Бу ҳолда ҳар бир фирқа ўзи тўғри деб билган нарсасини ушлайди. Бу баҳс ва фикрлар баҳс-мунозарада янги манҳаж-йўл тутган шахсларни вужудга келтиради. Улар таълим олган бу фалсафий фикрлар уларнинг далил келтириш тариқатига, фикрларига катта таъсир кўрсатди. Натижада илми калом вужудга келиб, у хос бир фанга айланиб қолди. Мусулмонлар орасида мутакаллимлар жамоаси вужудга келди.

Мутакаллимлар Исломни мудофаа қилганлиги, унинг ҳукмларини шарҳлаб, Қуръон фикрларини баён этгани сабабли, баҳсларининг асоси Қуръон эди. Лекин улар бу фалсафани Қуръонни мудофаа қилиш учун ўрганидилар ва бу фалсафа билан хусуматчиларга қарши қуролландилар. Натижада бу йўл баҳс ва далил келтиришда Қуръон, ҳадис ва саҳобаларнинг сўзларига ҳамда таҳқиқ ва далил келтиришдаги юнон фалсафаси манҳажига зид бўлган алоҳида бир манҳажга айланди.

Қуръон манҳажига зидлиги ҳақида айтадиган бўлсак, Қуръон ўз даъватида фитрий асосга суянади. Ҳа, у фитратга суяниб, одамларга унга мувофиқ келадиган нарсалар билан хитоб қилди. Шунингдек, у ақлий асосга ҳам суянди. У ақлларга суянди ва ақлларга хитоб қилди.

Оллоҳ Таоло айтади:

إِنَّ الَّذِينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ لَنْ يَخْلُقُوا ذُبَابًا وَلَوْ اجْتَمَعُوا لَهُ وَإِنْ يَسْأَلِيَهُمُ الذُّبَابُ شَيْئًا لَا

يَسْتَنْقِذُوهُ مِنْهُ ضَعُفَ الطَّالِبُ وَالْمَطْلُوبُ ﴿٧٦﴾

– „Аниқки, сизлар Оллоҳни қўйиб илтижо қилаётган бутлар агар барчалари бирлашганларида ҳам бир чивин ярата олмаслар, агар чивин

улардан бирон нарсани тортиб олса уни (ўша чивиндан ҳам) қутқариб ола билмаслар. (Демак, ўша бутлардан ҳожатини раво қилишни) сўрагувчи (мушрик) ҳам, сўралгувчи (бутлар) ҳам ночор-нотавондир“.

[22:73]

Оллоҳ Таоло айтади:

فَلْيَنْظُرِ الْإِنْسَانُ مِمَّ خُلِقَ ﴿٥٠﴾ خُلِقَ مِنْ مَّاءٍ دَافِقٍ ﴿٥١﴾ يَخْرُجُ مِنْ بَيْنِ الصُّلْبِ وَالتَّرَائِبِ ﴿٥٢﴾

– „Энди инсон ўзининг нимадан яралганига бир боқсин! У (эркакнинг) бели билан (аёлнинг) кўкрак қафаси ўртасидан отилиб чиқувчи бир сувдан яралган-ку!“

[86:5-7]

Яна айтади:

فَلْيَنْظُرِ الْإِنْسَانُ إِلَى طَعَامِهِ ﴿٢٤﴾ أَنَا صَبَبْتُ الْمَاءَ صَبًّا ﴿٢٥﴾ ثُمَّ شَقَقْنَا الْأَرْضَ شَقًّا ﴿٢٦﴾ فَأَبْتْنَا

فِيهَا حَبًّا ﴿٢٧﴾ وَعَيْنًا وَقَضْبًا ﴿٢٨﴾ وَرَيْثُونَا وَنَحْلًا ﴿٢٩﴾ وَحَدَائِقَ غُلْبًا ﴿٣٠﴾ وَفَاكِهَةً وَأَبًّا ﴿٣١﴾

– „Энди инсон ўзининг таомига (ибрат кўзи билан бир) қараб кўрсин-чи! Биз (осмондан) сув-ёмғирни қуйдирдик. Сўнгра ерни (ғиёҳлар билан) ёрдик. Сўнг Биз унда дон-дунни, узум ва кўкларни, зайтун ва хурмоларни, қуюқ дарахтзор боғларни, мева-чева-ю, ўт-ўланларни сизлар учун ва чорва ҳайвонларингиз учун манфаат бўлсин деб ундириб-ўстириб қўйдик-ку!“

[80:24-31]

Яна айтади:

أَفَلَا يَنْظُرُونَ إِلَى الْإِبِلِ كَيْفَ خُلِقَتْ ﴿٧﴾ وَإِلَى السَّمَاءِ كَيْفَ رُفِعَتْ ﴿٨﴾ وَإِلَى الْجِبَالِ كَيْفَ

نُصِبَتْ ﴿٩﴾ وَإِلَى الْأَرْضِ كَيْفَ سُطِحَتْ ﴿١٠﴾

– „Ахир улар туянинг қандай яратилганига, осмоннинг қандай кўтариб қўйилганига, тоғларнинг қандай тикланганига ва ернинг қандай ёйиб-текислаб қўйилганига (ибрат назари билан) боқмайдиларми?!“

[88:17-20]

Яна айтади:

وَفِي أَنْفُسِكُمْ أَفَلَا تُبْصِرُونَ ﴿١١﴾

– „Ўз нафсингларда бунга кўрмайсизларми?“

[51:21]

Яна айтади:

أَمَّنْ يُجِيبُ الْمُضْطَرَّ إِذَا دَعَاهُ ﴿١٢﴾

– „Ёки музтар-ночор одам дуо-илтижо қилган вақтида (дуосини) ижобат қиладиган зот кимдир?“

[27:62]

Қуръон Оллоҳнинг қудратини, унинг илмини ва иродасини исботлашда фитрат ва ақлга асосланди. Бу манҳаж фитратга мувофиқ бўлиб, ҳар бир инсоннинг қалб тўрида унга қулоқ солиш ва ижобат этишга ундайди. Ҳатто Оллоҳни инкор этувчи мулҳид ҳам унга эътибор беради. Бу хос одамлару-оммага, омию-олимга мувофиқ келадиган манҳаждир.

Бундан ташқари, Қуръонда умумий ва баҳс қилувчига муташобеҳ (ноаниқ) оятлар тафсилотсиз келган. Баъзи нарсаларни сифатлашда ёки бирон воқеликни баён этишда баҳслашмасликни, чуқурлаштирмасликни тақозо қилиб келган. Уни ўқиган одам унинг мақсадини фақат лафзлари имкон берган миқдорча тушунади. Шунинг учун бу оятларга худди ҳар

қандай воқенинг сифатида ёки ҳар қандай ҳақиқатни баён қилишдаги ҳолат каби сабаб тўқимай, далил изламай таслим бўлиш зарур эди. Масалан, бир оят инсон феълнинг бир тарафини сифатлайди ва унинг бу феълга мажбурлигини уқдиради. Бошқа бир оят эса унинг бошқа бир тарафини сифатлаб, у ихтиёрли эканлигини билдиради. Оллоҳ Таоло айтади:

يُرِيدُ اللَّهُ بِكُمْ الْإِسْرَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمْ الْعُسْرَ ﴿١٨٥﴾

– „Оллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди“.

[2:185]

Яна айтади:

وَمَا اللَّهُ يُرِيدُ ظُلْمًا لِّلْعِبَادِ ﴿٥٧﴾

– „Ҳолбуки, Оллоҳ Ўз бандаларига зулм қилишни истамас“.

[40:31]

Лекин бошқа оятда бундай деяётганини топасиз:

فَمَنْ يُرِدِ اللَّهُ أَنْ يَهْدِيَهُ يَشْرَحْ صَدْرَهُ لِلْإِسْلَامِ وَمَنْ يُرِدْ أَنْ يُضِلَّهُ يَجْعَلْ صَدْرَهُ ضَيِّقًا حَرَجًا ﴿١٢٥﴾

– „Оллоҳ кимни ҳидоят қилишни иста, унинг кўнглини Ислому учун кенг қилиб қўяр. Кимни адаштиришни иста, унинг кўнглини худди осмонга кўтарилиб кетаётгандек, тор ва танг қилиб қўяр“.

[6:125]

Бир оят Оллоҳнинг юзи ва қўли борлигини исботлаб келади ва уни осмоннинг ва ернинг нури эканлигини баён қилиб, унинг осмонда эканини айтади:

أَمِئْتُمْ مَنْ فِي السَّمَاءِ أَنْ يَخْسِفَ بِكُمْ الْأَرْضَ ﴿١٦﴾

– „Ё сизлар (кофирлигингизда оёқ тираб тураверсангизлар) осмондаги зот сизларни ер юттириб юборишидан, бас, баногоҳ (ер) титроққа тушиб, сизларни босиб қолишидан хотиржаммисизлар (қўрқмайсизларми)?!“

[67:16]

وَجَاءَ رَبُّكَ وَالْمَلَكُ صَفًّا صَفًّا ﴿١٧﴾

– „Парвардигорингиз(нинг ҳукми) ва фаришталар саф-саф бўлиб келганда“;

[89:22]

بَلْ يَدَاهُ مَبْسُوطَتَانِ ﴿٢٤﴾

– „Йўқ! У зотнинг қўллари очиқдир“;

[5:64]

وَيَبْقَى وَجْهُ رَبِّكَ ﴿٢٧﴾

– „Парвардигорингизнинг юзи - Ўзигина боқий-мангу қолур“.

[55:27]

Баъзи оят Оллоҳнинг поклигини исботлаб келади:

لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ ﴿١١﴾

– „Бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдир“;

[42:11]

مَا يَكُونُ مِنْ نَحْوَى ثَلَاثَةٍ إِلَّا هُوَ رَآعُهُمْ وَلَا خَمْسَةٍ إِلَّا هُوَ سَادِسُهُمْ وَلَا أَدْنَى مِنْ ذَلِكَ وَلَا

أَكْثَرَ إِلَّا هُوَ مَعَهُمْ أَيْنَ مَا كَانُوا ﴿٧﴾

– „Уч кишининг ўзаро шивир-шивирлари бўлса, албатта У зот уларнинг тўртинчисидир, беш кишининг (ўзаро шивир-шивирлари бўлса), албатта У зот уларнинг олтинчисидир (ўзаро сирлашаётган кишилар) бундан оз бўладими, ё кўп бўладими, албатта У зот қаерда бўлсалар ҳам улар билан биргадир“, [58:7]

وَتَعَالَىٰ عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿٥٨﴾

– „У зот булар сифатлаётган нарсалардан (шериклар ва болалардан) пок ва юксакдир“. [6:100]

Шунингдек, шу каби Қуръоннинг бир неча ўринларида оятлар келганки, уларнинг бир-бирига зид эканлиги кўринади. Қуръон бу оятларни муташобеҳ деб номлади.

Оллоҳ айтади:

مِنْهُ آيَاتٌ مُّحْكَمَاتٌ هُنَّ أُمُّ الْكِتَابِ وَأُخْرُ مُتَشَابِهَاتٌ ﴿٦٠﴾

– „У (Китобдан) шу Китобнинг асли моҳияти бўлган муҳкам - аниқ-равшан оятлар ҳам ва бошқа (қиёмат, жаннат, дўзах ва ҳоказолар ҳақидаги) муташобеҳ - тушуниш қийин бўлган оятлар ҳам (ўрин олгандир)“. [3:7]

Бу оятлар тушган пайтда Расулуллоҳ ﷺ уни одамларга етказдилар. Мусулмонлар унга иймон келтириб, уни қалб тубларида ёдлаб олдилар. Лекин бу нарса уларда ҳеч қандай баҳс ва мунозара қўзғатмади. Бу оятларда мувофиқлаштиришга муҳтож бўлган зиддиятни кўрмадилар. Балки ҳар бир оятни сифатлаб ёки баён қилиб келган жиҳатда тушундилар. Улар ҳаммаси ўз воқеида ва уларнинг қалбида равон эди, улар унга иймон келтириб, тасдиқладилар, уни ижмолий (умумий) ҳолда тушуниб, шу тушунча билан кифояландилар. Унга воқенинг сифати ёки ҳақиқатнинг баёни деб эътибор қилдилар. Кўп ақлли кишилар бу муташобеҳ оятларнинг тафсилотига ва улар хусусида баҳсга киришмадилар. Бу нарса Исломининг манфаатидан эмас, деб билдилар. Ҳар бир киши тушунган миқдордаги умумий маънони тушуниш уни тафсилотларига ва фуруот (бўлаклари)га киришишдан беҳожат қиларди. Мусулмонлар Қуръон манҳажини шундай тушуниб, унинг оятларини қабул қилдилар ва шу ҳолда Расулуллоҳ асрларида ва ундан кейинги биринчи аср ниҳоясигача давом этдилар.

Аммо юнон файласуфлари манҳажига зид йўл тутишларига келсак, файласуфлар фақат ҳужжатгагина суюнардилар. Улар бу ҳужжатларни кичик ва катта муқаддимадан бошлаб, кейин натижага етадиган мантиқий йўллар билан ташкил этардилар. Нарсалар учун жавҳар ва араз каби сўзлар ҳамда истилоҳларни ишлатардилар. Бунинг натижасида турли ақлий муаммоларни қўзғаб, уларга ҳиссий ёки воқеий бўлмаган мантиқий йўллар билан ёндашардилар.

Аmmo мутакаллимлар тутган йўл эса бундан фарқ қиларди. Улар Оллоҳ ва расулига, Расулуллоҳ олиб келган нарсага иймон келтиргандилар. Сўнг мантиқий ақлий далилларни келтиришни хоҳладилар. Кейин оламнинг пайдо бўлиши ҳақида баҳс қилиб, нарсаларнинг пайдо бўлишига далиллар

келтирдилар. Улар бу баҳсларида тобора чуқурлашиб бордилар. Натижада улар олдида янги-янги мавзулар очилиб, унга тааллуқли бўлган нарсаларни мантиқий йўл билан тадқиқ этдилар. Улар ўзларидан аввалгилар тутган манҳаж каби оятларни Қуръон мақсад қилгандек тушуниш учун баҳс юритмас эдилар. Балки улар Қуръонга иймон келтириб, ўзлари ундан тушунган нарсаларига ҳужжат келтирар эдилар. Бу уларнинг баҳс усулларидан бири эди. Аммо бошқа баҳс усуллари муташобеҳ оятлар хусусида эди. Мутакаллимлар муташобеҳ оятларга умумий ҳолда, тафсилотларисиз иймон келтиришга қаноатланмадилар. Улар мажбурийлик ёки ихтиёрлилик каби бир-бирига зид кўринган ёки Оллоҳнинг жисмияти ҳақидаги барча оятларни жамлаб, унга ўз ақлларини ҳукмрон қилдилар ва ҳеч ким журъат қилмаган нарсага қўл урдилар. Уларнинг ҳар бир масаладаги қарашлари маълум бир раъйга олиб борар, агар бу раъйга етсалар унга хилоф кўринган оятларни таъвил қилишар эди. Таъвил қилиш мутакаллимларнинг биринчи кўринишларидан эди. Агар баҳс Оллоҳ тараф ва макондан пок деган фикрга олиб борса, Оллоҳ осмонда эканлигини, аршни эгаллаганлигини сездирадиган оятларни таъвил қилар эдилар. Агар баҳс Оллоҳнинг жиҳати (тарафи) йўқлиги, уни одамлар кўзи кўра олмаслиги ҳақидаги фикрга олиб борса, одамлар Оллоҳнинг кўриши ҳақидаги оятларни таъвил қилардилар. Шундай қилиб, таъвил мутакаллимларнинг белгиларидан бири бўлиб, уларни аввалгилардан ажратиб турадиган асосий нарса эди.

Ақл идрок қилгану идрок қилмаган, табиатда-ю табиат ортидаги нарсалар ҳақида, ҳисга оид ёки унга дахлсиз ҳамма нарса ҳақида баҳс юритишга изн берган бу йўналиш - Қуръонни ақлга асос қилиш эмас, балки ақлни Қуръонга асос қилишга олиб боради. Демак, таъвилдаги бу жиҳатнинг пайдо бўлиши ва улар ўз наздида ақл ҳар қандай жиҳатни идрок қила олади, деб билган ҳар хил йўналишлари табиий эди. Бу нарса улар ўртасида катта ихтилофларни вужудга келтирди. Агар бир жамоанинг раъйи «ихтиёрийлик»ка олиб бориб, «мажбурийлик»ни таъвил қилса, бошқа жамоанинг раъйи «мажбурийлик»ни исботлаб, «ихтиёрийлик» оятларини таъвил қилар эди. Баъзи бирлари эса янги бир раъй билан у иккисининг раъйини мувофиқлаштиришга интиларди. Барча мутакаллимлар учун икки иш кўзга кўриниб қолди: бири ҳужжат келтиришда ҳис этилган нарсаларга эмас, балки мантиққа ва масалаларни тузишга суяниш, иккинчиси - шу йўл билан етиб борган натижаларга зид келган оятларни таъвил қилиш.

Мутакаллимлар манҳажининг хатолиги

Мутакаллимлар манҳажи текширилса, унинг нотўғрилиги, унинг йўли иймонни вужудга келтиришга ва уни мустаҳкамлашга олиб бормаслиги аён бўлади. Бу йўл фикрни вужудга келтиришга ва уни мустаҳкамлашга олиб бормайди. У фақат маърифатни вужудга келтиради. Маърифат эса иймон ва фикрдан бошқа нарса. Бу манҳажнинг хатолиги бир неча ҳолларда кўринади:

Авалло, бу манҳаж ҳужжатни мантиқий асосга барпо қилади, ҳиссий асосга эмас. Бу икки тарафлама хатодир.

Биринчиси, мусулмонни Оллоҳнинг борлигига ҳужжат келтириши учун мантиқ илмини билишга мажбур қилади. Бунинг маъноси - кимки мантиқни билмаса, ақидаси саҳиҳ эканлигига ҳужжат келтиришдан ожиз бўлади. Устига устак, тил бузилгандан кейин араб тилини ўқиш учун наҳв илми қанчалик зарур бўлса, илми калом учун мантиқ илми ҳам шунчалик зарур демакдир. Ваҳоланки, Ислом ақидасига, унга ҳужжат келтиришга мантиқ илмининг мутлақо дахли йўқ. Ислом келган пайтда мусулмонлар мантиқ илмини билмасдилар. Рисолатни ёйиб, ўз ақидаларига қатъий далилларни барпо қилдилар. Бу ишда улар мантиқ илмига муҳтож бўлмадилар. Бу нарса исломий сақофатда мантиқ илми йўқлигига, Ислом ақидасига ҳужжат келтиришда лозим эмаслигига далолат қилади. Иккинчиси, мантиқий асос хато бўлиши эҳтимоли бор. Ҳиссий асос эса бунинг акси. Чунки бир нарсанинг борлиги жиҳатидан унга мутлақо хато аралашши мумкин эмас. Хато аралашган нарсани иймонда асос қилиниши дуруст эмас. Мантиқда хато юз бериши, натижалари саҳиҳ бўлмаслиги мумкин. Унда масаланинг саҳиҳлиги, таркиби саломат бўлиши шарт қилинса-да, бир масала иккинчи бир масала устига қурилганлиги учун натижа шу масаланинг саҳиҳлигига асосланади. Масаланинг саҳиҳлиги эса кафолатланмаган. Чунки натижа бевосита ҳисга эмас, балки бир масалани иккинчи бир масалага боғлашга суянади. Демак, натижанинг саҳиҳлиги ҳам кафолатланмаган. Мантиқда ҳосил бўладиган нарса - у бир масалани иккинчи бир масалага боғлашда маъқулотларни (ақл билан ҳосил қилинган нарсани) маъқулотларга тартиблаштириш ва ундан бошқа бир маъқулотни келтириб чиқариш, маҳсусотларни (ҳис орқали ҳосил қилинган нарсаларни) маҳсусотларга тартиблаштириш ва ундан бошқа бир маҳсусотни келтириб чиқариш жорий бўлади. Аммо маъқулотларни маъқулотларга тартиблаштириш хатога йўлиқишга, натижа зиддиятга, масалалар ва маъқул натижалар силсиласи воқеда борлиги жиҳатидан эмас, фараз ва тахмин жиҳатидан ўта кенгайиб кетишига олиб келади. Ҳатто бу масалаларнинг охириги йўли кўп ҳолларда хомхаёл ва аралаш фикрлардан иборат бўлади. Шунинг учун маъқулотларни маъқулотларга тартиблаштириш жорий бўладиган масалалар билан далил келтириш тойиб кетишга олиб боради. Масалан, мантиқий жиҳатдан айтиладики: «Қуръон - Оллоҳнинг каломи, у пайдо бўлишида кетма-кет келувчи тартибли ҳарфлардан таркиб топган. Кетма-кет келувчи тартибли ҳарфлардан таркиб топган ҳар бир калом пайдо бўлган нарсадир. Демак, Қуръон пайдо бўлган нарса, яъни махлуқдир». Масалаларни бундай тартиблаштириш ҳисга бўйсунмайдиган, ақл баҳс қилишга ва унга ҳукм чиқаришга қодир бўлмайдиган натижага олиб борди. Шунинг учун у воқеий эмас, фаразий ҳукмдир. Бундан ташқари, у ақл баҳс қилишдан қайтарилган ишлардандир. Чунки Оллоҳнинг сифати ҳақидаги баҳс унинг зоти ҳақидаги баҳсдир. Оллоҳнинг зоти ҳақида баҳс қилиш эса мутлақо мумкин эмас. Бундан ташқари, мантиқнинг ўзидан бу натижага хилоф натижа келиб чиқиши мумкин. Айтиладики, Қуръон Оллоҳнинг каломи ва

унинг сифатидир. Оллоҳнинг сифати бўлган ҳар бир нарса қадимийдир. Демак, Қуръон қадимий бўлиб, махлуқ эмас... Мана шундан битта масаланинг ўзида мантиқдаги зиддият намоён бўлади. Шундай қилиб, маъқулотларни маъқулотларга тартиблаштириш натижасида жуда кўп масалаларда бир-бирига зид ва ниҳоятда ноаниқ бўлган натижаларга дуч келинади. Аммо маҳсусотларни маҳсусотларга тартиблаш эса қўйилган масалаларда ҳам, натижада ҳам ҳисга бориб тақалса, натижа тўғри бўлади. Чунки у ўз масалаларида ва натижада масалаларни тартиблагина эмас, балки ҳисга суянпти. Лекин ҳақиқатга етишдаги бу суяниш масалаларни тартиблагина асосан бўлади. Ҳис эса масалалар ниҳоясига етган нарсада акс этади. Гоҳида бир масала бир нарсани тасдиқлайди деб гумон қилинади. Воқеа эса уни бу нарсага мувофиқ эмаслигини кўрсатади. Ёки девор билан ўралган бир масала бир нарсанинг баъзи бир жузларига мувофиқ келади-да, уни шу нарсанинг ҳаммаси учун мувофиқ деб гумон қилинади. Ёки бир масаланинг зоҳирий ҳукми саҳиҳ кўринади. Воқеа эса хато бўлади. Шундан унинг тўғрилиги тушунилади. Гоҳида натижа тўғри, лекин натижа келиб чиққан масалалар хато бўлади. Натижанинг тўғрилигидан масалаларнинг тўғрилиги тушунилади ва ҳоказо. Масалан, Испания аҳолиси мусулмон эмас. Қайси мамлакатнинг аҳолиси мусулмон бўлмаса, у исломий мамлакат эмас. Демак, Испания исломий мамлакат эмас. Бу натижа хатодир. Унинг хатолиги иккинчи масаланинг хатолигидан келиб чиқяпти. Қайси мамлакатнинг аҳолиси мусулмон бўлмаса, у исломий мамлакат эмас деган сўз хатодир. Чунки мамлакатда Исломи билан ҳукм юритилса ёки аҳолисининг кўпчилиги мусулмон бўлса, у исломий мамлакатдир. Шунинг учун натижа хато бўляпти. Демак, Испания исломий мамлакатдир. Масалан, Муовия ибн Абу Суфён Расулulloҳни кўрган ва бирга бўлган. Ҳар бир Расулulloҳ ﷺ-ни кўрган ва бирга бўлган киши саҳобийдир. Натижа: Муовия ибн Абу Суфён саҳобийдир. Бу натижа хатодир. Чунки Расулulloҳ ﷺ-ни кўрган ва бирга бўлган ҳар бир киши саҳобий бўлавермайди. У ҳолда Абу Лаҳаб ҳам саҳобий бўлиши керак. Балки саҳобий Расулulloҳ билан бирга битта ёки иккита газотда иштирок этган, ёки бир-икки йил бирга юрганга ўхшаш дўстликнинг ҳаққини адо этган кишидир. Масалан, Америка иқтисодий жиҳатдан юксалган мамлакат. Ҳар бир иқтисодий жиҳатдан юксалган мамлакат уйғонган мамлакатдир. Натижа: Америка уйғонган мамлакатдир. Бу натижа Америкага нисбатан тўғри. Лекин масаланинг бири тўғри эмас. Чунки ҳар бир иқтисодий жиҳатдан юксалган мамлакат уйғоқ мамлакат саналавермайди. Балки фикрий жиҳатдан юксалган мамлакат уйғоқ мамлакат ҳисобланади. Бу каби натижаси тўғри бўлиб чиққан масаладан, бу натижа олинган бошқа масалалар ҳам тўғри деган тушунчага борилади. Шунга кўра Қувайт, Қатар ва Саудия Арабистони уйғоқ мамлакат ҳисобланади. Чунки улар иқтисодий жиҳатдан юксалган. Лекин аслида булар уйғоқ мамлакат эмас. Демак, натижаларининг тўғрилигига қараб масалаларнинг тўғрилиги тушунилади. Ваҳоланки, масалаларнинг тўғрилиги кафолатланмаган. Чунки унда кўпинча хатоликлар юз беради. Шунинг учун ҳужжат барпо қилишда мантиқий асосга суяниш мутлақо

хато. Лекин бунинг маъноси мантиқ орқали етилган ҳақиқат хато ёки мантиқ орқали ҳужжат барпо қилиш хато дегани эмас. Балки бунинг маъноси ҳужжат барпо қилишда мантиқий асосга суяниш ва мантиқни асос қилиш хато демакдир. Ҳужжат ва далилда ҳисни асос қилиш лозим. Мантиқ билан эса унинг ҳамма масалалари тўғри бўлса, у ва унинг натижаси ҳисга бориб тақалсагина ҳужжат келтириш мумкин. Натижанинг тўғрилиги фақат масалаларнинг тўғрилигидан келиб чиқади. Лекин унда хатога учраш ҳоллари мавжудлиги ҳужжат барпо қилишда уни асос қилмасликни тақозо этади. Чунки унинг баъзи суратларида аниқ далил келтириш мумкин бўлса-да, унда ҳар қандай занний асос каби хатога тушиб қолиш мумкин. Шунинг учун ҳужжатда ҳисни асос қилиш керак. Чунки ҳис нарсанинг мавжудлигидаги барча қатъий асосга ўхшаш, унга хато аралашиб қолиши мумкин эмас.

Иккинчидан, мутакаллимлар маҳсус воқеликдан чиқиб, ҳис этиб бўлмайдиган Оллоҳнинг зоти ва сифатлари ҳақида баҳс қилишга ўтиб кетишди. Бу нарсаларни ҳиссиётга боғлиқ нарсаларга тааллуқли баҳсларга аралаштириб юборишди. Улар гайбни шоҳидга, яъни кўринмайдиганни кўринадиганга қиёслашда ҳаддан ошиб кетишди. Яъни, Оллоҳни инсонга қиёслашди. Инсон адолатни шу дунёда тасаввур қилгандек, Оллоҳга вожиб деб билишди ва Оллоҳга унда яхшилик (манфаат) бўлган нарсаларни қилишни вожиб деб ҳисоблашди. Баъзилари Оллоҳга фақат манфаатли бўлган нарсаларни қилиш вожиб дейишди. Чунки Оллоҳ Ҳаким зот. Бирор ишни қилса, уни фақат бирор мақсад ва ҳикмат учун амалга оширади. Мақсадсиз ҳаракат эса аҳмоқлик ва кераксиздир. Ҳаким зот бу феълдан ўзи фойдаланади ёки бошқани фойдалантиради. Оллоҳ фойдаланишдан беҳожат зот бўлганлиги учун, бу ишни бошқани фойдалантириш учун қилади, дейишади. Шундай қилиб, улар ҳисга дахлсиз ақл воситасида ҳукм чиқариш мумкин бўлмаган баҳсларга киришиб кетишди. Натижада мана шундай хатоларга йўлиқишди. Булар идрок қилинадиган, Оллоҳнинг зоти эса идрок қилиб бўлмайдиган нарса, уни бир-бирига қиёслаш мумкин эмаслигига аҳамият беришмади. Оллоҳнинг адолатини инсоннинг адолатига қиёслаб бўлмаслигини, уни бу оламнинг қонунларига солиш мумкин эмаслигини илгашмади. Чунки Унинг ўзи бу оламни яратган. У ўзи бино қилган қонунларга мувофиқ оламни бошқаради. Кўрамизки, бир инсон агар фикри тор бўлса, адолатни тор маънода тушунади-да, нарсаларга муайян ҳукм чиқаради. Агар фикри кенгайса, адолатга бўлган қараши ҳам ўзгаради ва ҳукми ҳам бошқача бўлади. Қандай қилиб илми ҳар бир нарсани қамраб олгувчи Оллоҳни инсонга қиёслаб, адолат учун унга ўзимиз тушунган маънони берамиз? Уларнинг манфаатли, манфаатлироқ деган сўзлари ҳам адолатга бўлган қарашларидан келиб чиққан. Адолат ҳақида айтган гапларини У ҳақида ҳам айтадилар. Аммо кўриниб турган нарса шуки, инсон бир нарсада манфаат бор деб ҳисоблайди. Агар унинг фикри кенгайса, унинг раъйи ҳам ўзгаради. Масалан, Ислом олами бугунги кунда куфр юрти бўлиб, унда Ислом билан ҳукм юритиш тарк қилинган. Шунинг учун ҳамма мусулмонлар уни фасод олам деб билишади. Кўплари уни ислоҳга муҳтож

деб ҳисоблашади. Лекин онгли одамлар биладикки, ислоҳ мавжуд ҳолатдан фасодни кетказиш демакдир. Бу эса хато. Балки Ислом олами куфр ҳукмини кетказиб, у ерда Ислом ҳукмини ўрнатадиган умумий инқилобга муҳтож. Ердаги ҳар бир ислоҳ фасоднинг умрини узайтиришдир. Бундан ислоҳга нисбатан инсоннинг қараши тафовутли экани кўринади. Оллоҳни инсоннинг қарашига бўйсундириш ва унга биз яхши ва яхшироқ деб билган нарсани вожиб қилиш мумкинми? Айтайлик, Оллоҳ Таоло бир ишни қилди. Бизнинг ақлимиз унда яхшилик борлигини кўрмайди. Масалан, Иблис ва шайтонларни яратишда, уларга одамларни адаштиришда қувват беришида қандай яхшилик бор? Нима учун Оллоҳ Таоло Иблисга қиёматгача муҳлат берди-ю, Сайидимиз Муҳаммад ﷺ ни ўлдирди? Наҳотки шу нарса халқ учун манфаатли бўлса? Нима учун ер юзидан Ислом ҳукмини кетказди-ю, куфр ҳукмини унда олий қилди? Мусулмонларни хорлаб, уларга кофир душманларини ҳукмрон қилди? Наҳотки бу нарса бандалар учун яхшилик бўлса? Агар минглаб ишларни санашда давом этсак ва уларни ўз ақлимиз тушунган яхшилик маъносига қиёсласак, уларда ҳеч қандай яхшилик йўқлигини кўраемиз. Шунинг учун Оллоҳни инсонга қиёслаб бўлмайди ва унга бирор нарсани вожиб қилиш мумкин эмас.

لَا يُسْأَلُ عَمَّا يَفْعَلُ

– „У ўзи қиладиган бирон нарса ҳақида масъул бўлмас“, [21:23]

لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ

– „Бирон нарса У зотга ўхшаб эмасдир“. [42:11]

Мутакаллимларнинг баҳс йўналиши ва Оллоҳни инсонга қиёслаши уларни мана шундай ҳолга тушириб қўйди.

Учинчидан, мутакаллимлар манҳажни ақл етадиган ва етмайдиган ҳар бир нарсада баҳс қилиш ихтиёрини бериб қўяди. Бу нарса ақлни ҳукм қилиш мумкин бўлмаган нарсаларда баҳс юритишга олиб боради. Натижада у фаразлар ва хаёлотлар ҳақида баҳслашади ва ҳаётда мавжуд бўлган ёки бўлмаган нарсаларни тасаввур этишга асосланиб, ҳужжат барпо қилади. Бу нарса ақл идрок қилолмайдиган, лекин биз унинг хабари содиқлигига аниқ ишонадиган Зот қатъий мавжуд нарсалар ҳақида берган хабарини рад этиш имкониятини вужудга келтиради. Ёки ақл унинг мавжудлигини тасаввур қилган, аслида йўқ хаёлий нарсаларга иймон келтиришга олиб боради. Масалан, улар Оллоҳнинг зот ва сифати ҳақида баҳс қилдилар. Уларнинг баъзилари айтдики, сифат мавсуф (сифатланаётган зот)нинг айни ўзидир. Бошқаси айтдики, сифат мавсуфдан бошқа нарса. Айтдиларки, Оллоҳнинг илми маълум нарсани ўз ҳолича очиш. Маълум эса бир ҳолдан бошқа бир ҳолга ўзгариб туради. Масалан, дарахтнинг барги тушмаган ҳолатдан тушадиган ҳолатга ўтади.

Оллоҳ айтади:

وَمَا تَسْتَفْتُونَ مِنْ رَحْمَةٍ إِلَّا مَا يُعَلِّمَهَا

– „Бирон барг шохидан узилиб тушмас, магар У билур“. [6:59]

Оллоҳнинг илми бир нарсанинг ҳолатини очади. Оллоҳ бир нарсани юз бермасидан олдин бўлишини билади. Оллоҳ бир нарса бўлса, унинг бўлишини ва у йўқ бўлса, йўқ бўлишини олдиндан билади. Шундай экан, Оллоҳнинг илми мавжудотларнинг ўзгариши билан ўзгарадими? Ҳодисаларнинг ўзгариши билан ўзгарувчи илм пайдо бўлган илмдир. Оллоҳнинг зотига пайдо бўлиш сифати жоиз эмас. Чунки пайдо бўлишга тааллуқли нарса ҳам пайдо бўлади... Бу сўзга баъзи мутакаллимлар жавоб беришадики: «Ҳаммамиз тан оламизки, Зайднинг яқинда бизникига келиши ҳақидаги илмимиз, унинг амалда бизникига келганлиги ҳақидаги илмимиздан фарқли. Бу фарқ илмнинг янгиланишига тегишли. Бу нарса инсон ҳақида. Инсоннинг илми янгиланиб туради. Чунки илмнинг манбаи бўлган эҳсос ва идрок янгиланиб туради. Аммо Оллоҳда бўлиши белгиланган нарса билан бўлган нарсанинг, пайдо бўлгану, пайдо бўладиган нарсанинг ўртасида фарқ йўқ. Балки маълумотлар Оллоҳга нисбатан бир хилдир...». Бошқа мутакаллимлар жавоб берадики: «Оллоҳ ўз зоти билан бўлгану бўладиган ҳар бир нарсани билгувчидир. Оллоҳнинг наздида ҳамма маълумотлар битта илм билан маълум. Бўладиган нарсалар билан бўлган нарсалар ўртасидаги фарқ, нарсалардаги фарққа бориб тақалади, Оллоҳнинг илмидаги фарққа эмас». Бунинг ҳаммаси ҳисга дахлсиз, ақл ҳукм чиқариши мумкин бўлмаган нарсалар ҳақидаги баҳсдир. Шунинг учун ақл бу ҳақда баҳс қилиши мумкин эмас. Лекин улар баҳс юритиб, ақлга ҳар бир нарсада баҳс ихтиёрини бериш билан мана шундай натижаларга бориб етдилар. Гоҳида бир нарсани тасаввур қилиб, шу ҳақда баҳс юритишарди. Масалан, улар тасаввур қилишдики, қачонки банда бир ишни истаган пайтда Оллоҳнинг иродаси тааллуқ топади. Яъни, банда бирор ишни қилишга жазм этган пайтда шу ишни Оллоҳ амалга оширади, банданинг қудрати ва иродаси эмас. Баҳс юритувчилар бу сўзни ўзларича тасаввур этиб, фаразлар қилдилар. Ваҳоланки, бу фаразларнинг воқееси йўқ. Лекин улар ақлга баҳс юритиш ихтиёрини беришди ва уларда шундай тасаввурлар вужудга келди. Кейин эса ўзлари тасаввур қилган нарсага иймон келтиришни вожиб деб билишди. Бу баҳсга касб ва ихтиёр номини беришди. Агар улар ақлга фақат маҳсус нарсалар ҳақидагина баҳс юритиш ихтиёрини беришганда эди, бирор феъл яратиш унинг ҳамма моддалари жиҳатидан Оллоҳ Таолога хослигини билишарди. Чунки йўқдан яратиш бу фақат Холиқнинг ишидир. Аммо бу моддаларни ишлатиш ва ундан бирор ишни вужудга келтириш бандадандир. Масалан, стул ясаш каби. Агар ақл фақат маҳсус нарсалардагина баҳс юритганда, кўпгина пуч хаёл ва назарий фаразларга иймон келтирмаган бўлишарди.

Тўртинчидан, мутакаллимлар манҳаж иймоннинг ҳаммасида ақлни баҳс асоси қилади. Бунинг натижасида ақл Қуръон учун ҳам асос бўлиб қолади. Қуръонни ақл учун асос қилмайдилар. Улар Қуръон учун бўлган ўз тафсириларини шу тасаввурлари натижасидаги мутлақ поклик, ирода эркинлиги, адолат, манфаатли иш каби асосларга қурдилар. Бир-бирига зид кўринган оятларга ақлни ҳакам қилдилар ва уни муташобеҳ оятлар ўртасидаги ҳукм чиқарувчи деб ҳисобладилар. Ўзларининг раёларига

мувофиқ бўлмаган оятларни таъвил қилдилар. Ҳаттоки таъвил қилиш улар учун тариқатга айланиб қолди. Бунда мўътазилалар ҳам, аҳли сунна ва жабриялар ҳам бир хил бўлдилар. Чунки асос оят эмас, балки ақл бўлди. Оят эса ақлга мувофиқ келиши керак эди. Шу тарзда ақлни Қуръонга асос қилиш баҳсдаги ва баҳс юритилаётган нарсадаги хатога олиб борди. Агар улар Қуръонни баҳс учун асос қилиб, ақл Қуръонга таянганда эди, бу хатолар юз бермас эди.

Тўғри, Қуръон Оллоҳнинг каломи эканлигига бўлган иймон фақат ақлга асосланган. Лекин Қуръоннинг ўзига иймон тўла бўлгач, у олиб келган нарсаларга иймон келтириш учун ақл эмас, Қуръоннинг ўзи асос бўлиши керак. Шунинг учун Қуръондаги оятлар маъносининг тўғри ёки нотўғрилигига ақл ҳакам қилинмаслиги керак. Балки оятнинг ўзи ҳакам қилинади. Бу ҳолатдаги ақлнинг вазифаси фақат тушуниш, холос. Лекин мутакаллимлар бундай йўл тутишмади. Балки Қуръон учун ақлни асос қилишди. Шундан уларда Қуръон оятларидаги таъвил ҳосил бўлди.

Бешинчидан, мутакаллимлар файласуфларнинг ўзаро хусуматларини баҳс учун асос қилишди. Масалан, мўътазилалар файласуфларни айблаб, уларни рад этдилар. Аҳли сунна ва жабриялар мўътазилаларни инкор этишди. Файласуфларни айблаб, уларни ҳам рад қилдилар. Ваҳоланки, баҳс мавзуси файласуфлар ёки бошқаларга хусумат қилиш эмас, балки Ислому ҳақида эди. Улар Ислому моддасини, яъни Қуръонда ёки ҳадисда келган нарсаларни баҳс қилишлари, унинг ҳудудлари ва баҳс чегараларида тўхташлари керак эди. Лекин улар ҳадларидан ошишди. Улар Исломуни етказишни, унинг ақидасини шарҳлашни тортишув ва мунозарага айлантириб юбордилар. Бу билан уни ақиданинг ҳарорати ва тиниқлигидан қалбларда пайдо бўладиган кучли бир қувватдан мунозарали баҳслар ва каломий машаққатларга айлантирилди.

Булар мутакаллимлар манҳажидаги энг кўзга кўринган хатолардир. Бу манҳаж натижасида Ислому ақидаси баҳс, Исломуга бўлган даъват ва одамларга Исломуни тушунтиришдаги воситадан, наҳв илму ёки фатҳлардан кейин пайдо бўлган бошқа илмларга ўхшаш бир илмуга айланиб қолди. Агар бирор исломуий маърифатни зеҳнга яқинлаштириш ва тушунтириш учун унга илму номи қўйиш жоиз бўлса ҳам, аммо бу нарса Ислому ақидасига нисбатан жоиз эмас, чунки у даъват моддаси ва Исломунинг асосидир, у Қуръонда қандай келган бўлса, одамларга шундай берилиши керак ва одамларга уни етказишдаги, шарҳлашдаги Қуръон тариқатининг ўзи Ислому ва унинг фикрларини шарҳлаш учун восита бўлиши керак. Шунинг учун мутакаллимлар манҳажидан тамоман юз ўгириш ва ягона Қуръон манҳажига қайтиш керак. Яъни, даъватда ҳис қилинадиган нарсалар баҳсида, ақлга суянган ҳолда, фитрий асосга суяниш керак.

ҚАЗО ВА ҚАДАР МАСАЛАСИ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛДИ

Агар биз Ҳасан Басрий ҳалқасидан (даврасидан) мўътазилалар бошлиғи Восил ибн Ато ва у билан ажраб чиққан гуноҳи кабира қилувчилар масаласини истисно қилсак, илми калом масалалари юнон файласуфлари баҳс қилиб ўтган масалалардан пайдо бўлганини кўрамиз. Улар баҳс юритган қазо ва қадар масаласини шу исм ва шу атама билан юнон файласуфлари баҳслашиб, кўп ихтилоф қилишган. Бу масала «қазо ва қадар» ё «мажбурийлик ва ихтиёрлилик» ёки «ирода эркинлиги» деб номланади. Буларнинг ҳаммаси бир маънони ифодалайди, яъни инсондан пайдо бўлаётган феълларни юзага келтириш ёки келтирмасликда инсон ихтиёрлими ёки мажбурми? Юнон фалсафаси таржима бўлишидан аввал бу маънони баҳс қилиш мусулмонларнинг хаёлига келмаган ва бу ҳақда фақат юнон файласуфлари баҳслашиб, ихтилоф қилишган эди. Масалан, абиқурийлар (Эпикурейлар) айтишардики: «Хоҳиш ихтиёр қилишда мутлақо ҳурдир. Инсон жамики феълларини ҳеч қандай мажбуриятсиз, ўз ихтиёри билан қилади». Аммо равоқийлар (стоицитлар) айтишардики: «Хоҳиш ўтиб кетиб бўлмайдиган йўлда юриш мажбуриятдир. Инсон бирор нарсани ўз хоҳиши билан қилолмайди. Балки у ҳар қандай ишни қилаётганда мажбурий ҳолда қилади, қилиш-қилмасликда ихтиёри йўқ...». Ислом келиб, унга фалсафий фикрлар сизиб кирган пайтда, энг муҳим масалалардан бири Оллоҳга нисбатан адолат сифати масаласи бўлди. Масалан, Оллоҳ одил, демак бу адолатдан савоб ва жазо масаласи келиб чиқади. Улар юритган бу баҳс банданинг ўз феълларини бажариши ва унга боғлиқ нарсалар ҳамда файласуфларнинг баҳсларидан таъсирланишлари манҳажига асосан ихтиёрий келиб чиқади. Яъни, ўзлари келтираётган мавзуларига тааллуқли фалсафий фикрлар келиб чиқади. Бу мавзудаги энг кўзга кўринган нарса мўътазилалар баҳсидир. Чунки улар бу масаланинг асосчиларидир. Бошқа мутакаллимларнинг баҳслари мўътазилаларга раддия учун келган. Шунинг учун қазо ва қадар масаласи баҳси ва жамики илми калом баҳсларининг асосчилари мўътазилалардир. Дарҳақиқат, Оллоҳнинг адлига мўътазилаларнинг қарашлари Уни зулмдан поклаш фикри эди. Улар савоб ва жазо бериш масаласида Оллоҳнинг адолатига ва Оллоҳни поклашга мувофиқ мавқеда турардилар. Айтадиларки, агар инсонга мутлақ ихтиёр бермаса, Оллоҳ адолатининг маъноси бўлмайди. Инсон ўз амалларини ўзи яратиши, унда бирор ишни қилиш ёки қилмаслик ихтиёри бўлиши керак. Агар ўз хоҳиши билан қилса ёки қилмаса, бунга савоб ёки жазо олиши маъқул ва бу адолатдан бўлади. Аммо Оллоҳ инсонни яратиб, уни бир хос йўлга юришга мажбур қилса, итоаткор итоатга, осий кимса осийликка мажбур бўлса, сўнг бирини жазолаб, бирига савоб берса, бу адолатдан эмас. Улар ғойибни шохидга қиёслашди. Яъни, Оллоҳни инсонга қиёслашди. Худди юнон файласуфларидек, Оллоҳ Таолони бу олам қонунларига бўйсундиришди. Инсон ўзи тасаввур қилган адолатни Оллоҳга нисбатлади. Демак, баҳснинг асли банданинг феълига Оллоҳ тарафидан бўладиган савоб ва жазо мавзуси эди. Мана бу баҳс мавзуси «қазо ва қадар», ё «мажбурийлик ва ихтиёрлилик» ёки «ирода эркинлиги» деб номланади. Улар ўз баҳсларида юнон файласуфлари йўналишида юриб, ирода ва феълларни

яратиш ҳақида баҳс юритишди. Ирода масаласида шундай дейишди: «Кўрамизки, яхшиликни ирода қилувчи яхши, ёмонликни ирода қилувчи ёмон, адолатни ирода қилувчи одил, зулмни ирода қилувчи золимдир. Агар Оллоҳнинг иродаси оламдаги ҳар бир яхшилигу ёмонликка тааллуқли бўлса, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Оллоҳ тарафидан ирода қилинган бўлади. Ирода қилувчи эса ўша яхшилик ва ёмонлик, зулм ва адолат билан сифатланган бўлади. Оллоҳ Таоло яхшилик ва ёмонлик, адолат ва зулм билан сифатланиши мумкин эмас». Яна айтадиларки, агар Оллоҳ Таоло кофирнинг куфрини, гуноҳкорнинг гуноҳини хоҳласа, бу куфр ва гуноҳдан қайтармаган бўларди. Оллоҳ Таоло Абу Лаҳаб кофир бўлишини истаб, сўнг уни иймонга буюриб, куфрдан қайтаришини қандай тасаввур қилиш мумкин? Агар бу ишни бирор киши қилса, нодон саналади. Оллоҳ Таоло эса бундан пок ва олийдир. Агар кофирнинг куфри, гуноҳкорнинг гуноҳ қилиши Оллоҳ Таоло тарафидан ихтиёр этилганда, улар жазога лойиқ бўлмасди. Чунки уларнинг бу иши Оллоҳнинг иродасига итоат қилиш бўляпти...

Улар мантиқий масалаларда далил келтиришда мана шундай йўл тутадилар. Сўнг бунга Қуръони Каримдан нақлий далил келтирадилар. Масалан, Оллоҳ Таолонинг:

﴿١٠٨﴾ وَمَا اللَّهُ يُرِيدُ ظُلْمًا لِّلْعَالَمِينَ

– „Оллоҳ барча оламларга зулм қилишни истамас“, [3:108]
ёки:

سَيَقُولُ الَّذِينَ أَشْرَكُوا لَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَشْرَكْنَا وَلَا آبَاؤُنَا وَلَا حَرَمْنَا مِنْ شَيْءٍ كَذَلِكَ كَذَّبَ

﴿١٤٨﴾ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ

– „Ҳали мушрик бўлган кимсалар: «Агар Оллоҳ хоҳлаганида биз ҳам, ота-боболаримиз ҳам на мушрик бўлган ва на бирон нарсани ҳаром қилиб олган бўлур эдик», дедилар. Улардан аввалгиларни ҳам то азобимизни тотгунларича (ўз пайғамбарларини) мана шундай ёлгончи қилганлар“, [6:148]

ёки:

﴿١٤٩﴾ قُلْ فَلِلَّهِ الْحُجَّةُ الْبَالِغَةُ فَلَوْ شَاءَ لَهَدَاكُمْ أَجْمَعِينَ

– „Айтинг: «Етук ҳужжат фақат Оллоҳнинг ҳужжатидир. Бас, агар хоҳлаганида барчангизни ҳидоят қилган бўлур эди“, [6:149]
ёки:

﴿١٥٥﴾ يُرِيدُ اللَّهُ بِكُمْ الْيُسْرَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمْ الْعُسْرَ

– „Оллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди“, [2:185]
ёки:

﴿٧﴾ وَلَا يُرِضَىٰ لِعِبَادِهِ الْكُفْرَ

– „У Ўз бандаларининг кофир бўлишига рози бўлмас“, [39:7]

каби оятларини келтиришарди. Ўзларининг бу фикрларига хилоф оятларни таввил қилишарди.

Масалан:

﴿٦﴾ إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا سَوَاءٌ عَلَيْهِمْ أَأَنذَرْتَهُمْ أَمْ لَمْ تُنذِرْهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ

– „Куфр йўлини тутган кимсалар эса хоҳ (Оллоҳ азобидан) қўрқитинг, хоҳ қўрқитманг, уларга баробардир, иймон келтирмайдилар“, [2:6] ёки:

﴿٧﴾ حَتَّمَ اللَّهُ عَلَىٰ قُلُوبِهِمْ وَعَلَىٰ سَمْعِهِمْ وَعَلَىٰ أَبْصَارِهِمْ غِشَاوَةٌ

– „Оллоҳ уларнинг дилларини ва қулоқларини муҳрлаб қўйган. Қўзларини эса парда қоплаб олган“, [2:7] ёки:

﴿١٥٥﴾ بَلْ طَعَّ اللَّهُ عَلَيْهَا بِكُفْرِهِمْ

– „Йўқ! Балки куфрлари сабабли Оллоҳ уларнинг дилларини муҳрлаб қўйгандир“. [4:155]

Булардан ўзлари эътиқод қилган ва чақираётган фикрларига хулоса чиқаришади, яъни уларнинг маъруф раъйлари - инсон бирор ишни қилишда ёки қилмасликда ихтиёрга эга. Агар қилса, ўз хоҳиши билан қилган, қилмаса ҳам ўз хоҳиши билан қилмаган бўлади. Энди феълларни яратиш масаласида мўътазилалар айтадики, банданинг феъллари улар учун яралган ва уларнинг амали ҳисобланади, Оллоҳнинг амали эмас. Улар бу ишни қилиш ёки қилмасликка ихтиёрлидирлар. Оллоҳ қудратининг бу ишларга дахли йўқ. Бунга далил ихтиёрий ҳаракат билан мажбурий ҳаракат ўртасидаги инсон сезадиган фарқ, масалан, ўз қўлини ҳаракатлантиришни хоҳлаган киши билан қалтироқ одамнинг ҳаракатига ўхшаш, минорага чиқаётган одам билан, ундан йиқилиб тушаётган одамга ўхшаш. Ихтиёрий ҳаракат инсоннинг ўзига боғлиқ ва уни ўзи яратади. Мажбурий ҳаракатга инсоннинг дахли йўқ. Бундан ташқари, агар банда ўз феълларини ўзи яратмаса, таклиф (мукаллафлик) ботил бўларди. Чунки у бирор нарсани қилиш ёки қилмасликка қодир бўлмаса, унга буни қил ёки буни қилма деб айтиш ақлга тўғри келмасди ва бу мақтов ёки маломат, савоб ёки жазога лойиқ бўлмасди. Улар ўз раъйларига мана шундай мантиқий йўллар билан далил келтиришарди ва унга нақлий далилларни эргаштиришарди. Ўзларининг бу раъйларига жуда кўп оятларни далил қилишарди:

﴿٧٨﴾ فَوَيْلٌ لِلَّذِينَ يَكْتُمُونَ الْكِتَابَ بِأَيْدِيهِمْ ثُمَّ يَقُولُونَ هَذَا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ

– „Ўз қўллари билан китоб ёзиб, сўнгра (озгина қийматга сотиш учун): «Бу китоб Оллоҳ ҳузуридан келди» дейдиган кимсаларнинг ҳолига вой бўлсин“, [2:79] ёки:

﴿١١﴾ إِنَّ اللَّهَ لَا يُغَيِّرُ مَا بِقَوْمٍ حَتَّىٰ يُغَيِّرُوا مَا بِأَنْفُسِهِمْ

– „Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартирмагунларича Оллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас“, [13:11]

ёки:

﴿۱۲۳﴾ مَنْ يَعْمَلْ سُوءًا يُجْزَ بِهِ

– „Кимки ёмон амал қилса, жазосини олур“, [4:123]

ёки:

﴿۱۷﴾ الْيَوْمَ تُجْزَى كُلُّ نَفْسٍ بِمَا كَسَبَتْ

– „Бу Кунда ҳар бир жон ўзи қилган иш-амали билан жазоланур“, [40:17]

ёки:

﴿۹۹﴾ قَالَ رَبِّ ارْجِعُونِي ﴿۱۰۰﴾ لَعَلِّي أَعْمَلُ صَالِحًا

– „Парвардигор, мени (яна ҳаётга) қайтаринглар. Шояд, мен қолган умримда яхши амал қилсам», деб қолур“ [23:99-100]

Ўзларининг бу раъйларига хилоф бўлган оятларни таъвил қилишарди:

﴿۹۶﴾ وَاللَّهُ خَلَقَكُمْ وَمَا تَعْمَلُونَ

– „Ҳолбуки сизларни ҳам, қилиб олган бутларингизни ҳам Оллоҳ яратган-ку!“ [37:96]

ёки:

﴿۱۶﴾ اللَّهُ خَالِقُ كُلِّ شَيْءٍ

– „Оллоҳ барча нарсани яратувчидир“. [13:16]

Буларнинг ҳаммасидан феълларни яратиш масаласидаги ўзлари эътиқод қилган раъйга боришарди. Яъни, инсон ўз феълларини ўзи яратади ва у бирор ишни қилишга ва қилмасликка қодирдир. Бу масала ва унинг фуруот (жузь)ларида мутакаллимлар манҳажидида юриш натижасида, феълларни яратишдан таваллуд масаласи пайдо бўлди. Мўътазилалар банданинг феъллари ўзи учун махлуқ, деб қарор қилганлари учун ундан шундай савол келиб чиқди. Инсоннинг ишларидан пайдо бўладиган амаллар ҳақида нима дейсиз? У ҳам инсоннинг яратишиданми ёки Оллоҳнинг яратишиданми? Бу амаллар урилган одам ҳис қиладиган оғриқ каби ёки инсоннинг феълидан бир нарса учун ҳосил бўладиган таъм, ёки пичоқдан ҳосил бўладиган кесиш, ёки лаззат, соғлиқ, шаҳват, ҳарорат, совуқ, ҳўллик, қуруқлик, қўрқоқлик, шижоат, очлик, тўйиш ва бошқа нарсалар... Улар айтдики, буларнинг ҳаммаси инсон феълидан, чунки инсон шу феълни қиладиган пайтида уни ўзи яратди. Бу инсон феълидан пайдо бўлган нарса. Демак, бу унинг учун махлуқдир.

Мана бу «қазо ва қадар» масаласи ва ундаги мўътазилаларнинг раъйи. Унинг мазмуни - инсон ўз феълига ихтиёрли эканлиги ва нарсаларда пайдо бўладиган хусусиятлар инсон феълининг натижасидир. Уларнинг фикри: банда ўз феълларининг ҳаммасида мутлақ ихтиёрга эга. Албатта у ўз феълларини ҳам, феълларидан нарсаларда пайдо бўладиган хусусиятларни ҳам ўзи яратади.

Мўътазилаларнинг бу раъйи мусулмонларнинг ғазабини қўзғатиб юборди, чунки у диннинг асоси бўлган ақидага оид янги ва журъатли фикр эди. Шунинг учун уни рад қила бошлашди. Жабрия деб номланган

бир жамоа пайдо бўлди. Уларнинг энг машҳури Жаҳм ибн Сафвон эди. Булар айтдики: Инсон ихтиёрли эмас, мажбурдир, у ўз феълларини яратишга қодир эмас. У худди шамолдаги патга ёки тўлқин ичидаги ёғочга ўхшайди. Оллоҳ амалларни унинг қўли билан яратади. Айтдиларки: Агар банда ўз амалларини ўзи яратади десак, у Оллоҳ Таолонинг қудратини чеклаш ва у ҳар бир нарсани ўз ичига олмаганини, банда бу оламдаги нарсаларни яратишда Оллоҳ Таолога шериклигини англатади. Ваҳоланки, битта нарсани яратишда иккита қудрат шерик бўлиши мумкин эмас. Агар Оллоҳнинг қудрати яратса, унда инсоннинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Агар инсоннинг қудрати яратса, унда Оллоҳ қудратининг алоқаси йўқ. Баъзиси Оллоҳнинг, баъзиси банданинг қудрати билан бўлиши мумкин эмас. Оллоҳ банданинг феълини яратувчи ва фақат унинг иродаси билангина банда феълни бажаради. Банданинг феъллари ягона Оллоҳнинг қудрати билан содир бўлади. Банда қудратининг унга таъсири йўқ. Инсон фақат Оллоҳнинг қудрати жорий бўладиган ўрин, холос. У мутлақо мажбурдир. Инсон ва жонсиз нарсалар теппа-тенг, фақат қўринишдагина фарқ қиладилар. Улар ҳам ўз фикрларига мана шундай далилларни ва Қуръони Карим оятларини келтиришарди.

﴿٢٩﴾ وَمَا تَشَاءُونَ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ

– „Сизлар фақат Оллоҳ хоҳласигина (тўғри йўлда бўлишни) хоҳларсизлар“, [81:29]
ёки:

﴿٢٧﴾ وَمَا رَمَيْتَ إِذْ رَمَيْتَ وَلَكِنَّ اللَّهَ رَمَىٰ

– „(Эй Муҳаммад, уларнинг юзига бир сиқим тупроқни) отган пайтингизда, сиз отмадингиз, балки Оллоҳ отди“, [8:17]
ёки:

﴿٥١﴾ إِنَّكَ لَا تَهْدِي مَنْ أَحْبَبْتَ وَلَكِنَّ اللَّهَ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ

– „Аниқки, сиз ўзингиз суйган кишиларни ҳидоят қила олмассиз, лекин Оллоҳ ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур“, [28:56]
ёки:

﴿٦٦﴾ وَاللَّهُ خَلَقَكُمْ وَمَا تَعْمَلُونَ

– „Ҳолбуки сизларни ҳам, қилиб олган бутларингизни ҳам Оллоҳ яратган-ку!“, [37:96]
ёки:

﴿١٧﴾ اللَّهُ خَالِقُ كُلِّ شَيْءٍ

– „Оллоҳ барча нарсанинг Яратгувчисидир ...“. [39:62]
Банданинг иродасига ва феълларни яратишига тааллуқли оятларни таъвил қилишарди. Шунинг учун айтдиларки, банданинг феълдан туғилган нарсалардаги хусусият: лаззат, очлик, шижоат, кесиш, ёниш ва бошқа нарсалар Оллоҳ тарафидандир. Аҳли сунна вал-жамоа ҳам мўътазилаларни рад этишди. Аҳли сунна айтдики, банда феълларининг ҳаммаси Оллоҳнинг иродаси ва хоҳиши биландир. Ирода ва машиат

(хоҳиш) бир маънода бўлиб, у Оллоҳдаги азалий сифатдир. У ҳар бир нарсага қудрат нисбати тенг бўлиши билан бирга, тақдир этилган иккита нарсадан бирини бир вақтда бўлишини вожиб қилади. Банданинг феъллари Оллоҳнинг ҳукми билан бўлади. Агар Оллоҳ бирор нарсани хоҳласа, бўл дейди ва у бўлади. Оллоҳнинг ҳукм чиқариши шу белгиланган феълни аниқ қилиб қўйишдан иборат.

Оллоҳ айтади:

﴿فَقَضَاهُنَّ سَبْعَ سَمَاوَاتٍ﴾

– „*Етти осмонни барпо қилди ...*“,
ёки:

[41:12]

﴿وَقَضَىٰ رَبُّكَ﴾

– „*Парвардигорингиз амр этди ...*“.

[17:23]

Бу қазодан мурод ҳукм қилинган нарса. У Оллоҳнинг сифатларидан бири эмас. Банданинг феъли Оллоҳнинг тақдири билан бўлади, ваҳоланки, тақдир ҳар бир махлуқ қиладиган чиройли ва хунук, фойдали ва зарарли ишларини ҳамда ҳар бир махлуқни қамраб олган замон ва маконни ва бу ишлардан келиб чиққан савоб ва жазодан иборат ишларини белгилаб қўйишдир. Мақсад Оллоҳнинг иродаси ва қудратини умумлаштириш. Чунки ҳар бир нарса Оллоҳнинг яратиши билан бўлади. Демак, яратиш зўрламай, ирода ва қудратнинг бўлишини тақозо қилади. Агар сизларнинг сўзингиз бўйича кофир ўз куфрига, фосиқ ўз фиқсига мажбур бўлса, уларни иймон ва тоатга чорлаш дуруст эмас, дейилса, уларга жавоб берилдики, Оллоҳ Таоло улардан куфр ва фиқсни мажбурлаб эмас, уларнинг ўз ихтиёри билан ирода қилди. Оллоҳ Таоло улар куфр ва фиқсни исташини билди ва уларни маҳол нарсага тақлиф қилмади. Яна мўътазила ва жабрияларга банданинг феъллари ҳақида раддия билдириб шундай дейишди: «Бандалар учун ихтиёрий феъллар бор, агар тоат бўлса савоб оладилар, агар гуноҳ бўлса жазо оладилар». Улар феълларни яратиш ва вужудга келтиришда Оллоҳ мустақил эканини айтсалар-да, банданинг ихтиёрий бўлиши жиҳатини баён қилдилар. Айтдиларки, банданинг феълини яратувчи Оллоҳ Таолодир. Банданинг қудрати ва иродасининг баъзи ҳаракатларга дахли бор. Маҳкам ушлаш ҳаракатига ўхшаш. Баъзисига дахли йўқ, қалтираш ҳаракати каби. Оллоҳ ҳар бир нарсани яратувчи, банда эса косиб. Сўнг бун шарҳлаб айтдиларки, банда қудрати ва иродасини бирор феълга сарф қилиши - касб. Бунинг ортидан ушбу феълни Оллоҳ вужудга келтириши яратишдир. Битта белгиланган нарса турли жиҳатлар билан иккита қудратга бирлашяпти. Масалан, феъл ижод жиҳатидан Оллоҳ Таолога тақдир қилинган бўлади, касб жиҳатидан эса бандага хос. Бошқача қолиб айтганда, Оллоҳ Таоло банданинг қудрати ва иродаси билан эмас, балки у банда ирода қилиб қодир бўлган пайтда, феълни яратиш одатини жорий этган. Бу яқинлаштириш касбдир... Улар ўз сўзларига банданинг феълларини Оллоҳ яратиши ва унинг иродаси билан бўлиши ҳақида жабриялар келтирган оятларни келтиришди. Банда тарафидан касб бўлишлигига қўйидаги оятларни далил қилишди:

حَزَاءٌ بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٢٤﴾

– „(Бу) улар (ҳаёти дунёда) қилиб ўтган амалларининг мукофотидир...“, [56:24]
ёки:

فَمَنْ شَاءَ فَلْيُؤْمِنْ وَمَنْ شَاءَ فَلْيُكْفُرْ ﴿٢٥﴾

– „Бас, хоҳлаган киши иймон келтирсин, хоҳлаган кимса кофир бўлсин“, [18:29]
ёки:

لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اكْتَسَبَتْ ﴿٢٦﴾

– „(Ҳар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир ва (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир“, [2:286]

деган оятлар билан ўзларини мўътазила ва жабрияларга раддия берган деб ҳисоблашди. Ҳақиқатни оладиган бўлсак, уларнинг ва жабрияларнинг раъйи битта бўлиб, улар ҳам жабриядирлар. Улар касб масаласида муваффақиятсизликка учрадилар. Чунки у ақл асосида ҳам жорий бўлмаган, унга бирорта ақлий ҳужжат йўқ. Нақл асосида ҳам эмас, чунки унга шаръий нусуслардан бирорта далил йўқ. Балки у мўътазила ва жабриялар раъйлари ўртасини мувофиқлаштириш учун бўлган муваффақиятсиз уриниш, холос. Хулоса шуки, қазо ва қадар масаласи мутакаллимлар ўртасида муҳим аҳамият касб этади. Улар ҳаммалари баҳс мавзусини банданинг феъли ва бу феълдан пайдо бўладиган хусусиятлар, яъни банда ўз феълида нарсаларда пайдо қиладиган хоссаларга боғлашди. Баҳснинг асоси - банданинг феъли ва бу феълдан пайдо қиладиган хусусиятлар Оллоҳ тарафиданми ёки уларни банда яратадими, бу нарса Оллоҳнинг иродаси билан ҳосил бўладими ёки банданинг иродаси биланми; баҳснинг сабаби - бу масалани мўътазиллар юнон фалсафасидан қандай бўлса шундай «қазо ва қадар» исми ва атамаси билан, ё «ирода эркинлиги» ёки «мажбурийлик ва ихтиёрлик» номи билан олганлар. Унинг баҳси ўзлари тушунган Оллоҳ Таолонинг адолат сифати ҳақидаги дунёқарашдан келиб чиққан. Бу нарса жабрия ва аҳли сунналарни худди шу масалалардаги ва шу асосдаги ўз раъйлари билан рад қилишга ундади. Улар масала мавзуси жиҳатидан эмас, Оллоҳнинг сифати жиҳатидан баҳс юритишди. Натижада, Оллоҳнинг ирода ва қудратини банданинг феълига ва ундан нарсаларда пайдо бўладиган хусусиятларга ҳукмрон қилдилар. Улар: бу Оллоҳнинг қудрати ва иродаси биланми ёки банданинг қудрати ва иродаси биланми, деб баҳслашишарди. Демак, қазо ва қадар банданинг феъллари ва инсон ўз феълида пайдо қиладиган хусусиятлардир. Қазо бандаларнинг феъллари, қадар нарсаларнинг хусусияти. Аммо қазо бандаларнинг феъли эканлиги уларнинг баҳсидан ва ундаги ихтилофдан зоҳир бўлиб турибди. Яъни:

1. Банда феълни ўз қудрати ва иродаси билан бажаради, деган сўзларида;

2. Буларга раддия бериб, банданинг феъли банда қудратию иродаси билан эмас, Оллоҳнинг қудрати ва иродаси билан вужудга келади, деган сўзларида;

3. Бу иккаласига раддия бериб, банданинг феъли банданинг қудрати ва иродаси билан эмас, балки феълга қодир бўлиб ирода қилган вақтида Оллоҳ феълни яратиш билан вужудга келади, деган сўзларида кўринарди. Бу нарса қазонинг маъноси бандаларнинг феъллари эканидан далолат берапти. Аммо қадар банда нарсаларда пайдо қиладиган хусусият экани у ҳақдаги баҳсдан ва ундаги ихтилофларидан зоҳирдир. Улар банданинг феълдан пайдо бўладиган нарсалар ҳақида гапиришганда, феълдан пайдо бўладиган хусусиятлар ҳақида баҳс юритишди. Айтдиларки, агар мева шарбатига шакар қўшасак ва уни пиширсак, ундан қиём ҳосил бўлади. Бу қиёмнинг ранги ва таъми бизнинг яратишимизданми ёки Оллоҳнинг яратишиданми? Сўйган пайтда жоннинг чиқиши, отган пайтда тошнинг кетиши, кўзимизни очсак кўришимиз, йиқилиб тушган пайтда оёқнинг синиши, тузалган пайтда унинг яхши бўлиб кетиши ва шунга ўхшаш нарсалар бизнинг яратишимизданми ёки Оллоҳнинг иродасиданми? Бу хусусиятлар ҳақидаги баҳсдир. Бундан уларнинг феъллардан пайдо бўладиган нарсалар ҳақидаги ихтилофлари ҳам далолат беради. Бағдоддаги мўътазилалар бошлиғи Бишр ибн Муътамир айтдики: «Бизнинг ҳар бир феълимиздан пайдо бўлган нарса биз учун махлуқдир. Масалан, мен бирон кимсанинг кўзини очсам ва у бирор нарсани кўрса, унинг бу нарсани кўриши менинг феълимдир. Чунки у менинг феълимдан пайдо бўлган. Шунга ўхшаш, овқатларда биз ясаётган ранглар, таъмлар ва ҳидлар бизнинг феълимиздир. Шунингдек оғриқ, лаззат, соғлиқ, шаҳват ва бошқа нарсалар ҳаммаси инсоннинг феълдандир». Мўътазила шайхларидан бири бўлган Абу Ҳузайл Оллоф айтдики, бу ерда туғилаётган нарсалар ўртасида фарқ бор. Кайфияти инсоннинг феълдан эканлиги билинган нарсалар инсоннинг феълдан, билинмагани инсоннинг феълдан эмас. Масалан, зарбдан ҳосил бўлаётган оғриқ, тошни тепага отса тепага кетиши, пастга отса пастга тушиши ва шунга ўхшаш нарсалар инсоннинг феълдан. Аммо ранглар, таъмлар, ҳарорат, совуқлик, ҳўллик, қуруқлик, қўрқоқлик, шижоат, очлик, тўйишлик - ҳаммаси Оллоҳнинг феълдан. Наззом айтдики, инсон фақат ҳаракат қилади, нимаки ҳаракат қилмаса, унинг феълдан эмас. Инсон ҳаракатни фақат ўзида қилади. Агар у қўлини ҳаракатлантурса бу унинг феълдир. Аммо тошни отса, унинг бу ҳаракатланиши инсоннинг феъли эмас, балки Оллоҳникидир. Чунки Оллоҳ тошга бирор отувчи отса ҳаракатланишни табиат қилиб берган ва ҳоказо... Демак, ранглар, таъмлар, ҳидлар, оғриқ ва лаззатлар инсоннинг феълдан эмас, чунки булар ҳаракат эмас... Бу нарсаларга бўлган қарашнинг ихтилофлиги бу ихтилоф нарсаларнинг хусусиятлари ҳақида эканини баён қилади. Яъни, у инсоннинг феълданми ёки Оллоҳданми? Баҳс ва бу баҳсдаги ихтилоф инсон нарсаларда пайдо қиладиган хусусиятлар ҳақида. Шундай қилиб, баҳс ҳамма мутакаллимлар олдида битта мавзуда ва битта майдонда кетяпти. Нарсаларда инсон пайдо қиладиган хусусиятлар ҳақидаги баҳс фаръий (жузъий) бўлди. Чунки у

инсоннинг феъли ҳақидаги баҳс натижасида келиб чиқди. Шунинг учун у мўътазила, жабрия, аҳли сунналар орасидаги ихтилофда иккинчи даражали баҳс. Банданинг феъли ҳақидаги баҳс улар ўртасидаги асосий баҳсдир. Тортишувлар, муноқашаларнинг аксари мана шу ҳақда бўлди. «Қазо ва қадар» икки калимадан таркиб топиб, бир-бирига алоқали, бири-биридан келиб чиқадиган битта атама бўлса-да, кейинчалик бу баҳсда инсон пайдо қиладиган хусусиятлардан кўра кўпроқ инсон феъли ҳақидаги баҳс ҳукмрон бўлди. «Қазо ва қадар» масаласи ҳақидаги баҳслар давом этар, ҳар бири бошқасига хилоф тушунчага борарди. Мўътазила ва аҳли сунна шайхларидан кейин уларнинг шогирдлари ва уларга эргашганлар келди ва ҳар бир асрда улар ўртасидаги баҳс давом этди. Кейинчалик мўътазилалар сиқилиб, аҳли сунналар ғолиб бўла бошлади. Баҳс қилувчилар қазо ва қадар ҳақида баҳслашар ва унга ўзлари хаёл қилган янги маъноларни қўйишар, луғавий ва шаръий лафзларни ишлатишга уринишарди. Баъзилар айтдики, қазо ва қадар Оллоҳнинг сирларидан, уни ҳеч ким билолмайди. Баъзилари эса қазо ва қадар ҳақида мутлақо баҳс қилиб бўлмайди, чунки Расулulloҳ ﷺ бундан қайтарганлар деб, қўйидаги ҳадисни келтирардилар: «Агар қадар зикр қилинса, тийилинглар». Баъзилари қазо ва қадарни бир-биридан ажратиб, қазо фақат куллийётлардаги куллий (яхлит) ҳукм, қадар эса жузъийётлар ва тафсилотлардаги жузъий ҳукм дейишарди. Баъзилар айтдики, албатта қадар режалаштириш, қазо эса уни ижро қилиш. Бу фикрга кўра, Оллоҳ Таоло бир амални режалаштиради. Демак, у бу ишни белгилайди ва бу қадар бўлади. Кейин Оллоҳ Таоло бу амални ижро қилади ва бу қазо бўлади. Улардан баъзилари айтдики, қадардан мурод - тақдир, қазо эса - яратиш. Баъзилари бу икки калимани бир-биридан ажратмай айтардики, қазо ва қадар бир-биридан ажралмайдиган, бир-бирига киришиб кетувчи ишдир. Чунки биттаси асос ўрнида, у - қадар, бошқаси бино ўрнида, у - қазо. Кимки бу икковини ажратмоқчи бўлса, бинони бузишга қасд қилибди... Уларнинг баъзилари бу икки нарсанинг ўртасини ажратиб, қазони бир нарса, қадарни бошқа нарса қилди.

Шундай қилиб, қазо ва қадар мавзусидаги баҳс улар ўртасини ажратганлару-ажратмаганлар орасида давом этди. Лекин ҳаммасининг назарида ва ҳаммасининг тафсирида битта мазмун бор эди. У ҳам бўлса, банданинг феъли вужудга келиш жиҳатидан Оллоҳ тарафидан вужудга келадими ёки банда тарафиданми, ёки банда уни бажармоқчи бўлган пайтда Оллоҳ уни яратадими? Баҳс сайқаллашиб, шу маънога ўрнашди ва шу майдонда давом этди. Бу баҳс пайдо бўлганидан кейин қазо ва қадар масаласи ақида баҳси ҳақида бўлиб, ақида асосларининг олтинчиси бўлиб қолди. Чунки Оллоҳ Таоло банданинг феълени ва нарсалардаги хусусиятларни яратганлиги учун бу феъл ва хусусиятлар яхшилик ёки ёмонлик бўладими фарқи йўқ. Бу Оллоҳга боғлиқ ишлардир.

Мана шулардан кўриниб турибдики, қазо ва қадар битта исм ва битта атама деган эътибордами ёки иккаласи бир-биридан ажратиб бўлмайдиган эътибордами, мусулмонлар баҳсларида мутакаллимлардан кейин пайдо бўлди. «Қазо ва қадар» масаласида иккита раъй бор. Биринчиси ихтиёр

эркинлиги бўлиб, бу мўътазилаларнинг раъйидир. Иккинчиси мажбурийликдир. Бу, ўрталарида лафз ва ифодаларида ихтилофлар бўлса-да, жабриялар ва аҳли сунналар раъйи эди. Мусулмонлар мана шу икки фикрда ўрнашди ва улар Қуръон, ҳадис раъйлари ва бу иккаласидан саҳобалар тушунган нарсаларни қўйиб, қазо ва қадарни ёки мажбурийлик ва ихтиёрлилик ёхуд ирода эркинлиги деган янги исм ҳақида, феъллар банданинг яратишлигию иродаси билан бўладими ёки Оллоҳнинг яратиши ва иродаси биланми; инсон нарсаларда пайдо қилаётган хусусиятлар - бу банданинг феъли-иродасиданми ёки Оллоҳданми, деган янги номлар ҳақидаги мунозарага ўтишди. Бу мунозаралардан кейин қазо ва қадар масаласи ақида баҳсига қўшилиб, ақиданинг олтинчи рукни бўлиб қолди.

Қадар

Мутакаллимлар юнон файласуфларидан «қазо ва қадар» деб қўйиб олишган исмларининг барчаси бу маънода луғатда ҳам, шариятда ҳам келган эмас. Қадар ва қазонинг луғавий ёки шаръий маънолари мутакаллимлар қўйган маънодан узоқлиги қай даражада эканлигига аниқлик киритиш учун бу иккаласининг луғатда ва шаръий нусусларда келгандек маъноларини кўриб чиқамиз. Қадар сўзининг луғатда бир неча маънолари бор. Масалан: «қаддара» сўзи татбиқ қилмоқ, ҳисоблаб чиқмоқ, тайёрламоқ, аниқлаб қўймоқ, улуғламоқ, ҳукм қилмоқ, тақсимламоқ, жабрламоқ, сиқмоқ ва киши ўз ишининг тўғрилиги ва тадбири ҳақида фикр юритиш маъноларида келган. Ва ҳадисда келган: «Агар ой сизларга булут сабабли кўринмай қолса, уни ўттиз кун қилиб белгиланглар»даги белгилаш маъносини англатади.

Қадар сўзи Қуръонда ҳам бир неча маъноларда ишлатилган. Оллоҳ Таоло айтади:

وَكَانَ أَمْرُ اللَّهِ قَدَرًا مَّقْدُورًا ﴿٣٨﴾

– „Ва Оллоҳнинг амри-иродаси қилингувчи ҳукм бўлди“. [33:38]
Бу ерда қадар қатъий ҳукм маъносида келган бўлса, қуйида эса:

فَقَدَرْنَا عَلَيْهِ رِزْقَهُ ﴿١٦﴾

– „Ризқини танг қилиб қўйса, ...“, [89:16]
унга ризқни сиқиб, қисқартириб қўйиш маъносида келган. Яна Оллоҳ Таолонинг:

فَالْتَمَتْنِي الْمَاءُ عَلَىٰ أَمْرٍ قَدْ قُدِرَ ﴿١٢﴾

– „Бас, (осмон ва ернинг) суви тақдир қилиб қўйилган бир иш (яъни кофирларни ғарқ қилиб юбориш) устида учрашдилар“, [54:12]
оётида эса Оллоҳ Таоло Лавҳул маҳфузда «тақдир қилган», яъни «ёзиб қўйган» ишга кўра деган маънода. Бу Нуҳ пайғамбарнинг қавми тўфон билан ҳалок бўлишидир. Оллоҳ Таоло айтади:

وَقَدَرْنَا فِيهَا أَفْوَاتَهَا ﴿١٠﴾

– „Ҳамда ўша (ер)да унинг емишларини (яъни ер аҳлининг ризқу рўзларини) белгилаб-тақсимлади“, [41:10]

яъни унда аҳлининг озуқалари хусусиятларини «қилиб қўйганлигидир» Оллоҳ Таоло айтади:

إِنَّهُ فَكَّرَ وَقَدَّرَ ﴿١٨﴾

– „Чунки у (Қуръонни эшитгач, бу илоҳий Китобга қандай тухмат қилиш тўғрисида) ўйлади, режа тузди“, [74:18]

яъни Қуръон ҳақида айтадиган нарсани фикр қилиб кўнглида айтадиган нарсага «тайёргарлик кўрди» деганидир. Оллоҳ Таоло айтади:

الَّذِي خَلَقَ فَسَوَّى ﴿٢٠﴾ وَالَّذِي قَدَّرَ فَهَدَى ﴿٢١﴾

– „У (барча нарсани) яратиб, расо қилиб қўйган зотдир. У (ҳар бир нарса учун муносиб йўлни) белгилаб, (у нарсани ўша йўлга) ҳидоят қилиб қўйган зотдир“, [87:2-3]

وَقَدَّرَ فِيهَا أَقْوَاتَهَا ﴿١٦﴾

– „Ҳамда ўша (ер)да унинг емишларини (яъни ер аҳлининг ризқу рўзларини) белгилаб-тақсимлади“, [41:10]

сингари Оллоҳ Таоло инсон, ҳайвондан иборат барча тирик мавжудотларга қондиришни талаб қиладиган эҳтиёжларни «қилиб қўйганлигидир». Ва:

وَقَدَّرْنَا فِيهَا السَّبِيْرَ ﴿١٨﴾

– „Улар орасида юриш (масофаси)ни ҳам ўлчаб-белгилаб қўйдик“, [34:18]

оятда ҳам мазмун юқоридаги кабидир. Оллоҳ Таолонинг:

قَدْ جَعَلَ اللَّهُ لِكُلِّ شَيْءٍ قَدْرًا ﴿٣﴾

– „Дарҳақиқат, Оллоҳ барча нарса учун миқдор-ўлчов қилиб қўйгандир“, [65:3]

إِنَّا كُلَّ شَيْءٍ خَلَقْنَاهُ بِقَدْرٍ ﴿٤١﴾

– „Албатта Биз ҳар бир нарсани (аниқ) ўлчов билан яратдик“, [54:49]

إِلَى قَدْرٍ مَّعْلُومٍ ﴿٢٢﴾

– „Сўнг у (сув-нутфа)ни маълум муддатгача барқарор қилиб қўймадикми?“ [77:22]

оятларида ҳам қадар тақдир ва вақт маъноларини ифодалаб келган. Оллоҳ Таолонинг:

ثُمَّ جِئْتَ عَلَىٰ قَدْرٍ يَا مُوسَىٰ ﴿٤٠﴾

– „Сўнгра (пайгамбар бўлишинг учун аниқ белгилаб қўйилган) тақдир бўлиб (бу ерга) келдинг, эй Мусо!“ [20:40]

оятда «белгиланган муайян вақтни» билдириб келган. Қадар сўзи ҳадисда ҳам Оллоҳнинг илми, тақдири маъносида ишлатилган. Абу Ҳурайрадан ривоят қилинганки, Расулуллоҳ ﷺ дедилар: «Аёл опасининг юзига қайт қилиб, никоҳланиш учун унинг талогини сўрамасин, чунки унга ҳам тақдир қилингани бор». Яъни Лавҳул маҳфузда Оллоҳ Таоло ҳукм қилиб билиб турган нарсаси бор. Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади: Расулуллоҳ

ﷺ дедилар: «Одам ﷺ билан Мусо ﷺ баҳслашиб, Мусо ﷺ Одам ﷺ га: «Инсонларни оздириб, жаннатдан чиқарган сизмисиз?» дедилар. Одам ﷺ у кишига: «Оллоҳ Таоло барча нарсанинг илмини бериб, ўз рисолати билан инсонларнинг тепасига танлаб қўйган Мусо сизмисиз?» деганларида у киши «Ҳа», дедилар. «Унда мен халқ қилинишимдан илгари менга тақдир қилинган ишга кўра маломат қиласизми?» дедилар». Бу ерда тақдир Оллоҳнинг илми, ҳукми маъносида. Товус айтдилар: Мен Абдуллоҳ ибн Умардан Расулulloҳнинг мана бу ҳадисларини эшитдим. Расулulloҳ дедилар: «Барча нарса қадар биландир, ҳатто ожизлигу донолик ҳам», яъни барча нарса Оллоҳнинг тақдири, илми яъни Лавҳул маҳфузга ёзилганига кўрадир. «Оллоҳ қадари» деган сўз саҳобаларнинг сўзларида Оллоҳнинг тақдири, илми маъносида келган. Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинади: Умар ибн Хаттоб Шомга сафар қилиб Сараф номли жойга борганларида, қўшин амирлари Абу Убайда ибн Жарроҳ ва асҳоблари келиб, Шом ерларида вабо касали тарқалгани хабарини айтдилар. Ибн Аббос айтдилар: Умар ибн Хаттоб: «Менга биринчи муҳожирларни чақиринглар» дедилар ва уларни чақириб маслаҳатлашиб, Шомда вабо тарқалгани хабарини айтганларида, улар ҳар хил фикр билдиришди. Баъзилари сиз муҳим иш учун чиқдингиз, бундан қайтиб кетишингиз ҳақида фикр билдиrolмаймиз дейишса, баъзилари сиз билан бирга қолган одамлар ва Расулulloҳ ﷺнинг асҳоблари бор. Буларни вабога олиб киришингизга фикр беролмаймиз, дейишди. Умар уларга: «Сизлар боринглар» дедиларда, сўнгра: «Менга ансорийларни чақиринглар» деб, улар билан маслаҳатлашдилар. Улар ҳам муҳожирларнинг йўлини тутиб, улардек ҳар хил фикр билдиришди. Буларга ҳам бораверинглар деб, «Менга мана шу ердаги фатҳ муҳожирларидан бўлган Қурайш қарияларини чақириб беринглар» дедилар. Уларни чақирганларида улар ихтилоф қилмасдан, «Одамларни қайтариб бу вабога олиб кирмаслигингиз ҳақида фикр берамиз» дейдилар. Умар одамлар ўртасида: «Мен Заҳрада тонг оттираман, сизлар ҳам ўша ерда тонг оттиринглар», деб эълон қиладилар. Абу Убайда: «Оллоҳнинг қадаридан қочяспизми?» деганларида, Умар: «Эй Абу Убайда, қанийди шуни сиздан бошқаси айтганда эди» дедилар. «Ҳа, Оллоҳнинг қадаридан Оллоҳнинг қадарига қочамиз. Айтингчи, агар сизнинг туяларингиз бўлиб, иккита қирғоғи бор водийга тушса, унинг бири ўтлоқ бўлса, иккинчиси ўтсиз бўлса, агар ўтлоғида боқсангиз ҳам Оллоҳнинг қадари билан боққан бўлмайсизми?», дедилар. Оллоҳнинг қадари бу ерда Оллоҳнинг тақдири, илмидир, яъни ўтлик жойда боқсангиз Оллоҳ Таоло Лавҳул маҳфузда ёзиб, билган нарсани қилган бўласиз ва агар ўтсиз-қурғоқ жойда боқсангиз ҳам Оллоҳ Таоло Лавҳул маҳфузда ёзиб, билиб турган нарсани қилган бўласиз. Мана булардан «қадар» сўзи бир неча маъноларга эга синоним лафзлардан эканлиги кўриниб турибди. Тақдир, илм, тадбир, вақт, тайёргарлик, нарсаларга хусусият солиб қўйиш ўша маънолардандир. Лекин бу маънолар ҳар хил бўлса-да, қадар банд бирор феълни мажбурий суратда қилиши ёки жузъиёт ва тафсилотлар ҳақида куллий ҳукм ва ё Оллоҳнинг сирларидан бир сир маъносида келган эмас.

Шунга кўра, қадар сўзининг луғавий маънолари бўлиб, Қуръон ҳам, ҳадис ҳам шу маъноларда истеъмол қилинган. На Қуръонда ва на ҳадисда келган маъноларида ихтилоф юзага келмаган. Бу маъноларга ақлнинг дахли йўқ. На оятда ва на ҳадисда шу маънолардан ўзга шаръий маъно келмаган экан, истилоҳий маънони шаръий маъно дейилмайди. Мана шундан кўриниб турибдики, оятлардаги маънолардан мақсад кейинчалик мутакаллимлар ихтилоф қилган қадар эмас. Ҳадислардаги маънолардан мақсад ҳам Оллоҳнинг тақдири, илмидир, яъни Лавҳул маҳфузга ёзиб қўйишидир. Бунинг мутакаллимлар келтирган қазо ва қадар баҳсига алоқаси йўқ. Аммо Табароний ибн Масъуддан марфуъан келтирган: «Агар қадар зикр қилинса тийилинглар» ҳадиси, яъни агар Оллоҳнинг илми, нарсаларга бўлган тақдири зикр қилинса, бу ҳақда шўнғиб кетманглар, деганидир. Оллоҳ Таолонинг барча нарсаларни билувчи эканлиги иймон келтириш вожиб бўлган Оллоҳнинг сифатларидандир.

Муслим Товусдан келтирган: «Мен Расулуллоҳ ﷺ асҳобларидан бўлган инсонларга йўлиқдим, улар барча нарса қадар биландир, дейишарди» ҳадиси шунга ўхшаш. Расулуллоҳ ﷺ дедилар: «Агар фалон ишни қилганимда фалондек, фалондек бўларди демагин, лекин Оллоҳ тақдир қилган, нимани хоҳласа қилади, дегин» яъни Оллоҳ Таоло Лавҳул маҳфузда ёзиб қўйган. Буларнинг барчаси Оллоҳнинг сифатларидан бўлиб, Оллоҳ нарсаларни пайдо бўлишидан илгари билиши ва нарсалар Оллоҳнинг илмига кўра бўлишидир. Буларни қазо ва қадар баҳсига ҳеч дахли йўқ.

Қазо

Қазо феъли луғатда бирор ишни мустаҳкам қилиш, икки киши ўртасида ҳукм чиқариб ажрим қилиш ва бирор ишни ижро қилишларга айтилади. Қазо сўзи Қуръон оятларида бир неча ўринларда келган. Оллоҳ айтади:

﴿فَإِذَا قَضَىٰ أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُ كُن فَيَكُونُ﴾

– „Бас, қачон бирор ишни ҳукм қилса, унга фақат «Бўл!», дер холос. Бас, у (иш) бўлур“, [40:68]

яъни агар бир ишга қатъий ҳукм қилса, албатта у тўхтамасдан, бош тортмасдан вужудга келади. Оллоҳ Таоло айтади

﴿هُوَ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ طِينٍ ثُمَّ قَضَىٰ أَجَلًا﴾

– „У сизларни (отангиз Одам Атони) лойдан яратиб, сўнгра ажални (тириклик муддатини) белгилаб қўйган зотдир“, [6:2]

яъни лойдан яратган бу махлуқи учун уни вужудга келтириш ва ўлим ўртасида ажал-муҳлат белгилаб қўйган. Оллоҳ айтади:

﴿وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِلَٰهَهُ﴾

– „Парвардигорингиз ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишларингизни амр этди“. [17:23]

Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا لِمُؤْمِنَةٍ إِذَا قَضَىٰ اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَمْرًا أَنْ يَكُونَ لَهُمُ الْخِيَرَةُ مِنْ أَمْرِهِمْ﴾

– „Оллоҳ ва Унинг пайғамбари бир ишни ҳукм қилган-бужорган вақтида бирон мўмин ва мўмина учун (Оллоҳнинг ҳукмини қўйиб) ўз ишларидан ихтиёр қилиш жоиз эмасдир“.

[33:36]

Оллоҳ айтади:

فَقَضَاهُنَّ سَبْعَ سَمَاوَاتٍ ﴿١٢﴾

– „Бас, етти осмонни барпо қилди“.

[41:12]

Оллоҳ айтади:

وَكَانَ أَمْرًا مَّقْضِيًّا ﴿٢١﴾

– „Бу битган ишдир“,

[19:21]

яъни сиздан мажбурий ҳолда содир бўладиган феъл бўлди, чунки у Оллоҳнинг қазосидан. Шунга биноан, қазо сўзи бир неча маъноларга эга синоним лафзлардан бўлиб, уларнинг баъзилари бир нарсани мустаҳкам қилди, ишни ижро қилди, бир ишни буйруқ бериб охирига етказди, бир ишнинг бўлишини лозим қилди, қатъий буйруқ берди дегани.

Лекин бу маънолар бир неча хил бўла туриб, қадар Оллоҳнинг жузъиётларидаги ҳукми деган маъно келмаганидек, қазо бу - Оллоҳнинг куллиётлардаги ҳукми деган маъно келмайди. Шунга кўра, қазо сўзининг бир неча луғавий маънолари бўлиб, Қуръон шу маъноларда истеъмол қилди ва ундаги маъноларда хилоф юзага келган эмас. Бу луғавий маъноларга ақлнинг дахли йўқ. Агар унинг шаръий маъноси бўлганда эди, албатта бу маъно ҳадисда ёки оятда келиб, у шаръий маъно дейиларди. Шунга биноан, оятларда келган қазодан мақсад кейинчалик мутакаллимлар ихтилоф қилган қазо ва қадар эмас ва оятларнинг қазо ва қадар баҳсига алоқаси йўқ, худди қадар маъносини ўз ичига олган оят-ҳадисларнинг қазо ва қадар баҳсига алоқаси бўлмагани сингари. Чунки бу оятлар, ҳадислар Оллоҳнинг сифатлари ва Оллоҳнинг феъллари ҳақида бўлса, қазо ва қадар эса банданинг феъли ҳақида баҳс юритади. Бу оятлар баҳси шаръий, маънолари луғавийдир, қазо ва қадарнинг баҳси эса (мутакаллимларда) ақлийдир. Бу оятлар, ҳадислар ўз луғавий ва шаръий маънолари билан тафсир қилинади, қазо ва қадар баҳси эса мутакаллимлар томонидан қўйилган истилоҳий маънога эга.

Қазо ва қадар

Қазо ва қадар сўзлари биргаликда бир-биридан ажралмайдиган, чамбарчас боғланган ҳолда бир маънони қамраб олишининг муайян мазмуни борки, бунга бошқа мазмун киритиш мумкин эмас. Шаръий, луғавий нусусларни текшириб чиқишдан, саҳобалар, тобеинлар ва улардан кейин келган олимларнинг сўзларини ўрганишдан қазо ва қадар сўзлари бирор киши тарафидан на Қуръонда, на ҳадисда, на олимларнинг сўзлари ва на луғатда истеъмол қилинманлиги зоҳир бўлмоқда. Магар биринчи ҳижрий аср тугагандан кейин, яъни юнон фалсафаси таржима қилиниб, мутакаллимлар пайдо бўлгандан кейин бу исм далолат қилган мазмун вужудга келди. Саҳобалар асрида бу иккала сўзнинг битта исм сифатида ва маъно атамалари ҳақида мунозара ёки ихтилоф юзага келган эмас.

Мусулмонлар саҳобалар асри бўйи қазо ва қадар баҳсини билмаганлар. Тўғри, қазо калимаси танҳо ҳолатда, қадар калимаси ҳам танҳо ҳолатда истъомол қилинган. Аммо иккисининг биргаликда мавжуд бўлиши бирор асарда қайд қилинмаган. Лекин қунут ҳақидаги ҳадисда келган. Ҳасан: «Менга Расулуллоҳ ﷺ витр намозининг қунутида айтадиган калималарни таълим бердилар» деб, сўнгра қунут дуосини зикр қилдилар. Қуйидаги ҳам ўша дуодан: «Мендан энг ёмон ҳукмингни қайтар, чунки сен хоҳлаган нарса билан ҳукм қиласан, сенга эса ҳукм қилинмайди». Қадар сўзи Расулуллоҳ ﷺнинг ҳадисларида ҳам келган: «Қадар - нарсаларни Оллоҳ Таоло Лавҳул маҳфузда ёзиб қўйганлиги ва пайдо бўлишдан илгари, яхшими ёмонми билишлигига иймон келтирмоғингиздир». «Буни Оллоҳ Таоло Лавҳул маҳфузда ёзиб қўйган ва пайдо бўлишдан илгари билган ва нимани хоҳласа қилади», деб айтиш. Бу ҳадислардаги қадар сўзининг маъноси Оллоҳнинг тақдири, илми деганидир. Қазо калимасининг шу ва бошқа ҳадислардаги маънолари ҳақида мусулмонлар ихтилоф ҳам, лафзи-мазмуни ҳақида мунозара ҳам қилишмаган.

Аммо қадар сўзининг шу икки ҳадисда келган маънолари, лафзи ва мазмун-моҳияти ҳақида мусулмонлар юнон фалсафаси пайдо бўлишидан илгари ихтилоф ҳам, мунозара ҳам қилишмаган. Лекин юнон фалсафаси мусулмонларга зоҳир бўлганидан кейин Кўфа шаҳридан бир жамоа келиб, қадар йўқ (яъни тақдир қилинган нарса йўқ) ва барча нарса тақдир қилинмасдан вужудга келади, дейишди. Ва улар «Қадарийя» деб номланди. Улар қадарни инкор қилдилар ва Оллоҳ Таоло нарсаларнинг аслини яратиб, сўнгра тарк қилиб қўйган, нарсаларнинг жузъиётларини билмайди, деб даъво қилдилар. Уларнинг бу даъволари Қуръоннинг аниқ нассиди келган, Оллоҳ Таоло барча нарсани - у кичкина ёки каттами, аслми ёки фарми - яратувчи эканлиги ҳамда барча нарсанинг пайдо бўлишидан илгари Лавҳул маҳфузга ёзиб қўйганлиги, яъни билганлигига зиддир. Оллоҳ Таоло айтади:

وَخَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ وَهُوَ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ ﴿١٠١﴾

– „У ҳамма нарсани яратди ва У ҳамма нарсани билгучидир“. [6:101] Оллоҳ Таоло айтади:

وَيَعْلَمُ مَا فِي الْبُرِّ وَالْبَحْرِ وَمَا تَسْقُطُ مِنْ وَرَقَةٍ إِلَّا يَعْلَمُهَا وَلَا حَبَّةٌ فِي ظُلُمَاتِ الْأَرْضِ وَلَا

رَطْبٍ وَلَا يَابِسٍ إِلَّا فِي كِتَابٍ مُبِينٍ ﴿٥٤﴾

– „У қуруқлик ва денгиздаги бор нарсаларни билур. Бирон барг шохидан узилиб тушмас, магар У билур. Ер тубларидаги ҳар бир дон, бор ҳўлу қуруқ нарса, албатта, очиқ Китобда (яъни Оллоҳнинг илми азалийсиди) мавжуддир“. [6:59]

Лекин мана шу ихтилофу мунозара фақат Оллоҳнинг илмини ифода қилиб келган қадар сўзи ҳақида эди. Қадарийялар Оллоҳ Таоло нарсаларнинг аслларини билади, жузларини билмайди деб даъво қилишарди. Исломи эса Оллоҳ Таоло нарсаларнинг аслларини ҳам, жузларини ҳам билади деб баён қилади. Оллоҳнинг қадари ҳақидаги мунозара бу - Оллоҳнинг илми мавзусида бўлиб, қазо ва қадар мавзусидан

алоҳида мавзудир ва бунинг баҳси, пайдо бўлган воқеси ҳам қазо ва қадардан алоҳидадир.

Шу сабабли, қазо ва қадар сўзлари ҳар бири алоҳида келганлиги ва ҳар бирининг муайян маъноси борлиги кўриниб турибди. Демак, бу иккала сўзни қазо ва қадар баҳсига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Яъни, қазо сўзининг ҳам, қадар сўзининг ҳам Шореъ томонидан ворид бўлган барча луғавий, шаръий маънолари билан на танҳо ҳолатда ва на биргаликда қазо ва қадар баҳсига алоқаси йўқ. Ва албатта бундай қазо ва қадар ҳақида шу иккаласи учун луғатда ва шариятда келган маънодан нарига ўтилмайди.

Оллоҳнинг илмини баён қилиб келган оятлар Оллоҳнинг илми барча нарсани қамраб олганлигидан далолат беради. Унга мисол Оллоҳнинг қуйидаги оятларидир:

مَا أَصَابَ مِنْ مُصِيبَةٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي أَنْفُسِكُمْ إِلَّا فِي كِتَابٍ مِنْ قَبْلِ أَنْ نَبْرَأَهَا إِنَّ ذَلِكَ عَلَى

اللَّهِ يَسِيرٌ ﴿٢٢﴾

– „На ерга ва на ўзларингизга бирон мусибат етмас, магар (етса) Биз уни пайдо қилишимиздан илгари Китобда (Лавҳул маҳфузда битилган) бўлур. Албатта, бу Оллоҳга осондир“, [57:22]

قُلْ لَنْ يُصِيبَنَا إِلَّا مَا كَتَبَ اللَّهُ لَنَا هُوَ مَوْلَانَا وَعَلَى اللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُؤْمِنُونَ ﴿٥٦﴾

– „Айтинг: «Бизга фақат Оллоҳ биз учун ёзиб қўйган насагина етур. У бизнинг хошамиздир. Бас, иймонли кишилар фақат Оллоҳгагина суянсинлар!»“, [9:51]

لَا يَعْزُبُ عَنْهُ مِثْقَالُ ذَرَّةٍ فِي السَّمَاوَاتِ وَلَا فِي الْأَرْضِ وَلَا أَصْغَرُ مِنْ ذَلِكَ وَلَا أَكْبَرُ إِلَّا فِي

كِتَابٍ مُبِينٍ ﴿٣﴾

– „Осмонлар ва ердаги бир зарра мисоличалик, ундан ҳам кичик (ёки) катта бирон нарса (Оллоҳ)дан махфий бўлмас, албатта очиқ Китобда (яъни Оллоҳнинг азалий ёзмиши - Лавҳул маҳфузда у) мавжуд бўлур“, [34:3]

وَهُوَ الَّذِي يَتَوَفَّاكُمْ بِاللَّيْلِ وَيَعْلَمُ مَا جَرَحْتُمْ بِالنَّهَارِ ثُمَّ يَبْعَثُكُمْ فِيهِ لِيُقْضَىٰ أَجَلٌ مُّسَمًّى ثُمَّ إِلَيْهِ

مَرْجِعُكُمْ ثُمَّ يُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٦١﴾

– „У кечаси «жонингизни оладиган» (яъни уйқу берадиган), кундузи қилган ишингизни биладиган зотдир. Сўнгра айтилган ажал (яшаш учун берилган муҳлат) адо қилиниши учун унда (яъни кундузи) сизларни «тирилтирур». Кейин Ўзига қайтишингиз бордир. Сўнгра сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берур“. [6:60]

Бу оятлар Расулulloҳга нозил бўлди, саҳобалар уларни ёдлаб тушунишди, уларнинг кўнгилларига қазо ва қадар баҳси келгани йўқ. Бундан ташқари, бу оятларнинг мазмуни, тушунчаси ва далолати Оллоҳнинг илмини баён қилиб турибди. Бунинг қазо ва қадар баҳсига алоқаси йўқ. Шунингдек:

وَإِنْ تُصِيبُهُمْ حَسَنَةٌ يَقُولُوا هَذِهِ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ وَإِنْ تُصِيبُهُمْ سَيِّئَةٌ يَقُولُوا هَذِهِ مِنْ عِنْدِكَ قُلْ كُلُّ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ فَمَالِ هَؤُلَاءِ الْقَوْمِ لَا يَكَادُونَ يَفْقَهُونَ حَدِيثًا ﴿٧٨﴾

– „Агар улар (мунофиқлар)га бирон яхшилик етса, «Бу Оллоҳнинг ҳузуридан» дейдилар. Бордию бирон ёмонлик етиб қолса, «Бунга сен сабабсан», дейдилар. Айтинг: «Ҳамма нарса Оллоҳдандир». Нега бу қавм кишилари ҳеч гап англамайдилар-а?!“ [4:78]

оятининг қазо ва қадар баҳсига дахли йўқ. Чунки бу оят ёмонлик билан яхшиликнинг ўртасини ажратиб, ёмонликни Расулulloҳдан, яхшиликни эса Оллоҳдан қилиб кўрсатадиган кофирларга раддиядир. Демак, Оллоҳ Таоло уларга барчаси Оллоҳ Таоло томонидан эканлиги билан жавоб қайтаряпти. Сўз инсон қилаётган яхшилик ва бажараётган ёмонлик ҳақида эмас, балки уруш ва ўлим ҳақида. Шу оятнинг ўзи ва илгаригиси буни баён қилиб бермоқда.

وَقَالُوا رَبَّنَا لِمَ كَتَبْتَ عَلَيْنَا الْقِتَالَ لَوْلَا أَخَّرْتَنَا إِلَىٰ أَجَلٍ قَرِيبٍ قُلْ مَتَاعُ الدُّنْيَا قَلِيلٌ وَالْآخِرَةُ خَيْرٌ لِمَنِ اتَّقَىٰ وَلَا تُظْلَمُونَ فَتِيلًا ﴿٧٩﴾ أَيْنَمَا تَكُونُوا يُدْرِكُكُمُ الْمَوْتُ وَلَوْ كُنْتُمْ فِي بُرُوجٍ مُّشِيدَةٍ وَإِنْ تُصِيبُهُمْ حَسَنَةٌ يَقُولُوا هَذِهِ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ وَإِنْ تُصِيبُهُمْ سَيِّئَةٌ يَقُولُوا هَذِهِ مِنْ عِنْدِكَ قُلْ كُلُّ مِنْ عِنْدِ اللَّهِ فَمَالِ هَؤُلَاءِ الْقَوْمِ لَا يَكَادُونَ يَفْقَهُونَ حَدِيثًا ﴿٨٠﴾ مَا أَصَابَكَ مِنْ حَسَنَةٍ فَمِنَ اللَّهِ وَمَا أَصَابَكَ مِنْ سَيِّئَةٍ فَمِنَ نَفْسِكَ وَأَرْسَلْنَاكَ لِلنَّاسِ رَسُولًا وَكَفَىٰ بِاللَّهِ شَهِيدًا ﴿٨١﴾

– „Ва (ҳатто): «Парвардигор, нега бизга жангни фарз қилдинг? Бизларга бу ажални бир оз кейинроқ юборганингда эди», дедилар. Уларга айтинг: «Дунё матоси озгинадир. Оллоҳдан қўрққан кишига охират яхшироқдир. Сизларга қилчалик зулм қилинмас». Қаерда бўлсангиз, ҳатто мустаҳкам қалъалар ичида бўлсангиз ҳам ўлим сизларни топиб олур. Агар у (мунофиқ)ларга бирон яхшилик етса, «Бу Оллоҳнинг ҳузуридан» дейдилар. Бордию бирон ёмонлик етиб қолса, «Бунга сен сабабсан», дейдилар. Айтинг: «Ҳамма нарса Оллоҳдандир». Нега бу қавм кишилари ҳеч гап англамайдилар-а?! (Эй инсон), сенга етган ҳар қандай яхшилик фақат Оллоҳдандир. Сенга етган ҳар қандай ёмонлик эса ўзингнинг қилмишингдандир. (Эй Муҳаммад), сизни Биз одамларга пайғамбар қилиб юбордик. Бунга Оллоҳнинг ўзи етарли гувоҳдир“ [4:77-79]

Демак, мавзу улар қиладиган нарса эмас, балки уларга етадиган нарса. Шунинг учун бунинг қазо ва қадар баҳсига дахли йўқ.

Шунга биноан, ўтган барча нарсаларнинг қазо ва қадар баҳсига дахли йўқ, унинг ҳам ўтган барча нарсаларга алоқаси йўқ. Албатта, қазо ва қадар маънавий жиҳатдан юнон фалсафасидан келган бўлиб, уни мўътазилалар нақл қилишди-да, ўз раъйларини билдиришди. Буларга аҳли сунна ва жабриялар раддия билдиришди. Аҳли сунна жабрияга ҳам раддия билдирди. Баҳс шу маънонинг ўзига чекланиб, бир майдонда айлана бошлади. Демак, бу ердаги масала юнон фалсафасидан кириб келган, мусулмонлар билан юнон фалсафаси ила қуролланган кофирлар ўртасида юзага келган мунозара асносидаги маъно бўлиб, у ақидага тааллуқидир.

Демак, бу маъно ҳақида Ислом раъйи берилиши ирода қилиняпти. Натижада мўътазила бунга раъй билдирди. Жабрия бунга раддия бериб, бошқа раъй билдирди. Аҳли сунна эса барчасига раддия бериб, ўз раъйларини билдирди-да, бу раъй икки раъйнинг ўртасидан чиқиб келган учинчи раъй деди. Ва бунни қону ошқозон-ичак ўртасидан чиқиб келган, ичувчиларга тоза ёқимли сут, деб ифодалади. Шунга биноан, баҳс мавзуси равшан бўлди: юнон фалсафасидан келган мавзу бу ақидага алоқадорлиги сабабли мусулмон шу мавзу ҳақида ўз эътиқодини: «У нима?» деб очиқ баён қилмоғи лозим. Мусулмонлар ўз раъйларини очиқ баён қилиб, уч мазҳабга бўлинган эдилар. Мана шунинг учун қазо ва қадар масаласини қазо ҳамда қадарни лугат ва шариатда келган маъноларга қайтариш мумкин эмас. Ва қазо-қадарга мутлақ фараз, тасаввур, хаёллардан иборат маъно тасаввур қилиниб, қазо - бу фақат куллийётларга куллий ҳукм, қадар эса жузъиёт ва тафсилотлар ҳақида куллий ҳукм, дейиш ёки қадар нарсаларнинг азалий лойиҳаси, қазо эса шу лойиҳага мувофиқ бажариш, яратиш дейиш мумкин эмас. Ҳа, булар мумкин эмас. Чунки бу хаёл-тасаввурдан ўзга нарса эмас. Баъзи луғавий, шаръий лафзаларни ишлатишда маҳоратни ишга солиш фойдасиз ҳаракат. Чунки бу луғавий, шаръий маънолар унга эмас, балки умумий маънолардан далолат беради. Уларни хословчи нарса келтирмасдан баъзи маъноларга хослаб олиш далилсиз зўравонликдир. Шунингдек, қазо ва қадар Оллоҳнинг сирларидан бир сир, у ҳақда баҳс қилишдан қайтарилганмиз, дейиш ҳам мумкин эмас. Чунки у Оллоҳнинг сирларидан бир сир эканлигига шаръий насс йўқ. У ҳис қилинадиган ва у ҳақда раъй билдириш вожиб бўлган мавзу бўлишидан ташқари, қандай қилиб баҳс юритиб бўлмайди дейилади?! Ҳамда у ақлий баҳс ва ҳис қилинадиган воқе бўлганлиги жиҳатидан, Оллоҳга бўлган иймонга боғлиқлиги жиҳатидан ақл баҳс юритадиган ишларга боғлиқ мавзудир. Шунинг учун қазо ва қадар баҳс ўрнига қўйилган ва ақиданинг бир бўлагига айланган мазмуни билан баҳс қилинмоғи зарур.

Қазо ва қадар мазмуни, бошқа ибора билан айтганда, қазо ва қадар масаласи бандаларнинг феъллари ва нарсаларнинг хусусиятларидир, бунга сабаб, бу ердаги масала банданинг феъллари ва бу феъллардан пайдо бўладиган нарса, яъни банда нарсаларда пайдо қиладиган хусусиятлардир. Шулар Оллоҳнинг яратишидан бўлиб, уларни яратиб, йўқдан бор қилган Оллоҳми? Ёки банда уларни яратиб, йўқдан бор қилганми? Мўътазилаларнинг ҳаммаси банда феълларни ўзи яратади дейишди. Демак, банда феълни яратиб, уни йўқдан бор қилади. Улар хусусиятлар ҳақида ихтилоф қилишди. Баъзилари инсон пайдо қилаётган барча хусусиятларни банда яратади ва йўқдан бор қилади, дейишди. Баъзилари хусусиятларнинг ўртасини ажратди, баъзисини банда нарсаларда яратиб, йўқдан бор қиладиган қисмга, баъзисини Оллоҳ нарсаларда яратиб, йўқдан бор қиладиган қисмга бўлишди. Аммо жабриялар инсоннинг барча феълларини ва инсон нарсаларда пайдо қиладиган барча хусусиятларни Оллоҳ яратади ва пайдо қилади ва банданинг феълни яратиш ва пайдо қилишда ҳам ва хоссани нарсада пайдо қилишда ҳам дахли йўқ дейишди.

Аҳли сунналар эса банданинг феълларини ва нарсаларда пайдо қилган хусусиятларини Оллоҳ яратди дейишди. Лекин Оллоҳ Таоло буларни банда феълни бажариш пайтида ва хусусиятни пайдо қилиш вақтида яратади, дейишди. Демак, Оллоҳ Таоло буларни банданинг қудрат-иродаси билан эмас, балки банданинг қудрати ва иродаси вужудга келган вақтда яратади.

Мана шу қазо ва қадар масаласи, у ҳақда айтилган фикрлар хулосаси ҳам шу. Буни диққат билан кузатган киши баҳс ўз ўрнида бўлиши учун баҳс қурилаётган асосни билиш ниҳоятда зарурлигини англайди. Сўнгра мутлақ натижа эмас, балки баҳснинг асосидан кўзланган натижа рўёбга чиқади. Қазо ва қадардаги баҳснинг асоси банда феълни ўзи яратдими ёки Оллоҳ эканлигидаги банданинг феъли эмас. Ва Оллоҳнинг иродаси банданинг феълига тааллуқли, деб ва у бу ирода сабабли вужудга келиши зарурий эканлигидаги Оллоҳнинг иродаси ҳам эмас. Ва у Оллоҳ бандасини яқинда фалон ишни қилишини билиши ва илми уни иҳота қилиб олганлигидаги Оллоҳ Таолонинг илми ҳам эмас. Ва у банданинг феъли Лавҳул маҳфузда ёзиб қўйилганлиги, демак ёзилган нарсага мувофиқ бажариши зарурий эканлиги эмас. Ҳа, баҳс қуриладиган асос мутлақо бу нарсалар эмас. Чунки буларнинг бу мавзуга савоб ва жазо жиҳатидан алоқаси йўқ, балки буларнинг алоқаси йўқдан бор қилиш, барча мумкинотларга тааллуқли ирода ва барча нарсани иҳота қилувчи илм ва Лавҳул маҳфуз ҳар бир нарсани қамраб олганлиги жиҳатидандир. Ва бу алоқа эса феълга савоб бериш ва жазолаш мавзусидан алоҳида, бошқа мавзудир. Қазо ва қадар масаласи унинг асосига қурилаётган баҳс мавзуси феълга савоб ва жазо мавзусидир. Яъни, банда бир феълни, у яхшими ёки ёмонми, бажаришда мажбурми ёки ихтиёрлими? Ва унда бир феълни бажариш ёки бажармаслик ихтиёри борми ёки йўқми?

Бандаларнинг феълларини диққат билан кузатган киши инсон икки доира ичида яшаётганини кўради. Биринчисига инсон ҳукмрон бўлади. Ва бу инсоннинг тасарруф майдонида содир бўладиган ишлардир. Ва инсон бажараётган феъллар у доира майдонида инсоннинг хос ихтиёри билан содир бўлади. Иккинчиси инсонга ҳукмрон бўлади. Ва у инсон унинг майдонига тушиб қоладиган доирадир ҳамда инсоннинг дахли бўлмаган ҳолатда инсондан ёки инсонга воқе бўлган феъллар шу доира зимнида содир бўлади.

Инсонга ҳукмрон бўладиган доирада содир бўлаётган феълларнинг вужудга келишига инсоннинг дахли йўқ. Бу доира икки қисмдан иборат. Биринчиси вужуд қонуни ошкор тақозо қилган қисм, иккинчиси агар барча нарса вужуд қонунидан чиқиб кетмаса-да, вужуд қонуни ошкор тақозо қилмайдиган қисм. Аммо вужуд қонунлари тақозо қиладиган қисмда бу қонунлар инсонни ўзига бўйсундиради ва шунинг учун инсон унга мувофиқ мажбурий ҳаракатланади. Чунки қоинот ва ҳаёт билан биргаликда, кечикмайдиган махсус қонунга мувофиқ ҳаракатланади. Шунинг учун ишлар бу доирада инсон иродасидан ташқарида содир бўлади ва у бу доирада ихтиёрли эмас, балки мажбурийдир. Чунки у бу дунёга ирода қилмасдан келди ва тезда ундан ирода қилмасдан чиқиб

кетади; жисми билангина ҳавода учишга ва табиий ҳолатида сув тепасида юришга қодир эмас; ўзига кўз рангини яратиб олиши мумкин эмас ва на бош шаклини пайдо қила олади, на ўз жисми ҳажмини ўзгартира олади, буларнинг барчасини пайдо қилган зот Оллоҳ Таолодир. Яралган банданинг бунга алоқаси ҳам, таъсири ҳам йўқ. Чунки Оллоҳ Таоло борлиқ қонунини яратиб, уни бутун борлиқни тартибга келтирувчи ҳамда борлиқни ҳам ундан чекинишга эга бўлолмайдиган, фақат унга мувофиқ ҳаракатлантирадиган қилиб қўйди. Аммо иккинчи қисм инсон қудратида бўлмаган ва уни қайтаришга эга бўлмаган ҳамда вужуд қонуни тақозо қилмаган феъллардир. Ва у инсондан ёки инсонга мажбурий суратда ҳосил бўладиган ва уни қайтаришга мутлақо эга бўлмайдиган феъллардир. Масалан, бир шахс девор тепасидан йиқилиб, бировни ўлдириб қўйгани сингари ва бир киши қушга ўқ отиб, у ўйламаган одамга тегиб, ўлдириб қўйгани сингари ва поезд ёки автомобил ҳалокатга учраса, ёки самолёт тасодифан қулаб тушса, ҳалокат ва қулаш сабабли йўловчилари ўлгани сингари ва ҳоказо. Чунки инсондан ёки инсонга содир бўлаётган бу феъллар вужуд қонуни тақозо этмайдиган нарсалардан бўлса-да, лекин у инсон иродасидан ташқарида, инсондан ёки инсонга воқе бўлган феъллардир. Ва у инсон қудратида ҳам эмас. Демак, булар инсонга ҳукмрон доирага дахлдор, инсонга ҳукмрон доирада содир бўлган барча феъллар қазо деб номланади. Чунки Оллоҳ Таоло унинг бўлишига ҳукм қилган.. Бу феълда бандага ирода эркинлиги ҳам, ихтиёр ҳам берилган эмас. Шунинг учун Оллоҳ Таоло бандани шу феълларга биноан, буларда ҳар қанча фойда ё зарар, инсонга нисбатан ёқтириш ё ёмон кўриш бўлса-да, ва агар Оллоҳнинг ўзи бу феъллардаги яхшилик ва ёмонликни билса ҳам муҳосаба қилмайди. Чунки инсоннинг бунга таъсири йўқ, у ҳақда ва унинг пайдо бўлиши ҳақида билмайди. Ва уни даф қилишга ёки жалб қилишга мутлақо қодир эмас. Шунинг учун у ишларга кўра савобга ҳам, жазога ҳам эга бўлмайди. Демак, бу қазодир. Бу вақтда бу феъл албатта қазо бўйича содир бўлди, дейилади. Инсон бу қазо Оллоҳ Таоло тарафидан эканлигига иймон келтирмоғи вожиб.

Аммо инсон ҳукмрон бўлган доирадаги феълларда эса инсон Оллоҳнинг шариатими ёки бошқами, ўзи танлаган қонунга мувофиқ, ўз ихтиёрича ҳаракатланади. Бунда инсондан ёки инсонга содир бўлаётган амаллар унинг иродаси билан воқе бўлади. У юради, ейди, ичади, хоҳлаган вақтида сафар қилади, хоҳлаган вақтида ундан бош тортади ва ўт билан ёқади, пичоқ билан хоҳлаганидек кесади, нав, мулк каби ғаризаларини, узвий эҳтиёжларини хоҳлаганидек қондиради. Шунинг учун бу доирада бажараётган феъллардан сўралади. Демак, бу ишга агар савобга ҳақли бўлса савоб, жазога ҳақли бўлса жазо берилади. Бу феълларнинг қазога ва қазонинг бу феълларга дахли йўқ. Чунки инсон бу феълларни ўз иродаси, ихтиёри билан бажарди. Шунга биноан, ихтиёрий феъллар қазога кирмайди.

Аммо қадар эса феъллар инсон ҳукмрон бўлган доирада, инсонга ҳукмрон бўлган доирада содир бўладими коинот, инсон ва моддалардан ёки шуларнинг тепасида воқе бўлади. Натижада бу феълга кўра қандайдир

иш вужудга келади. Демак, инсон нарсаларда пайдо қилаётган хусусиятларни инсон яратганми ёки нарсаларнинг ўзини яратгани сингари Оллоҳ яратганми? Диққат билан кузатган киши инсон нарсаларда пайдо қилаётган ишлар инсон феълларидан эмас, балки нарсаларнинг хусусиятларидан эканлигини билади. Далили шуки, инсон у ишларни хусусиятга эга бўлган нарсаларда вужудга келтиришга қодир. Аммо хусусиятга эга бўлмаган нарсаларда инсон хоҳлаган нарсасини вужудга келтириши мумкин эмас. Шунинг учун бу ишлар инсон феълларидан эмас, нарсалар хусусиятларидандир. Оллоҳ Таоло нарсаларни яратди ва улар ичига хусусиятларнинг тақдир қилинганидан ўзгаси вужудга келмайдиган йўсинда жойлаштирди. Масалан, хурмо уругидан олма эмас, хурмо ўсишини тақдир қилгани, инсон манийсидан бошқа ҳайвонлар эмас, фақат инсон бўлишини тақдир қилгани каби. Оллоҳ Таоло нарсаларда муайян хусусиятларни яратди. Масалан, оловда ёндириш, ёғочда ёниш, пичоқда эса кесиш хоссаларини яратиб, буларни вужуд қонунига мувофиқ ажралмайдиган заруратга айлантириб қўйди. Улар ажралгани зоҳир бўлса, Оллоҳ Таоло у нарсалардан хусусиятларни олиб қўйган бўлади ва бу одатдан ташқари ишга айланади. Бу иш пайғамбарлар учун, уларга мўъжиза қилиб берилади. Оллоҳ Таоло нарсаларда хоссалар яратгани сингари инсонда ҳам ғариза ва узвий эҳтиёжлар яратиб, буларнинг ичига нарсаларнинг хоссалари сингари муайян хусусиятларни жойлаштирди. Масалан, нав ғаризасида жинсий майл хоссаси, бақо ғаризасида мулк хоссаси, узвий эҳтиёжларда очлик хоссасини яратди ва хоссаларни вужуд қонунига мувофиқ нарсаларнинг заруратига айлантирди. Оллоҳ Таоло нарсаларда ва инсондаги узвий эҳтиёжлару ғаризаларда вужудга келтирган бу муайян хусусиятлар қадар деб номланади. Чунки Оллоҳ нарсалар, узвий эҳтиёжлар, ғаризаларни яратиб, уларга хусусиятларни белгилаб қўйди. Инсонда шаҳватнинг пайдо бўлиши, кўзини очганда кўриши, тош отганда тепага, ташлаганда пастга кетиши - буларнинг барчаси инсон феълидан эмас, албатта Оллоҳнинг феълидандир. Яъни нарсаларни яратиб, уларга муайян хоссалар белгилаш Оллоҳдандир, бандадан эмас. Банданинг буларга мутлақо таъсири йўқ. Қадар мана шу нарсадир. Қазо ва қадар баҳсидаги қадар инсон пайдо қилаётган нарсаларнинг хусусиятлари дейилади. Инсонга нарсалар ичига хусусиятларни яратиб қўйган зот Оллоҳ Таоло эканлигига иймон келтирмоқ вожибдир.

Мана шу жиҳатдан инсонга ҳукмрон доирада содир бўлаётган банданинг феъллари ва у нарсаларда пайдо қилаётган хусусиятлар «қазо ва қадар»дир. Қазо ва қадарнинг яхшилигию ёмонлиги Оллоҳдан эканлигига иймон келтиришнинг маъноси бу инсондан мажбурий суратда, қайтаришга қуввати йўқ ҳолда содир бўлаётган инсоннинг феъллари ва нарсаларда пайдо қилаётган хусусиятлар бандадан эмас, банданинг дахли ҳам йўқ, фақат Оллоҳдан эканлигига иймон келтиришдир. Шу сабабли ихтиёрий феъллар қазо ва қадар баҳсидан чиқиб кетади. Бунинг сабаби бу феъллар инсондан ё инсонга ўз ихтиёри билан ҳосил бўлганлигидир. Оллоҳ инсонни, нарсалардаги хоссаларни, ғаризалар, узвий эҳтиёжларни

ҳамда инсонга ажратиб берувчи ақлни яратган вақтда унга бир ишни бажариш ё бажармаслик ихтиёрини берди ва уни ишни бажариш ё бажармасликка мажбур қилмади. Ҳамда нарсаларнинг хоссаларини ғаризалару узвий эҳтиёжларда инсонни бирор ишни қилиш ёки қилмасликка мажбурлайдиган нарса ҳам қилгани йўқ. Шунинг учун инсон Оллоҳ унга бериб, шаръий таклифлар ўрни қилиб белгиланган ақл сабабли бирор ишни қилиш ёки қилмасликда ихтиёрга эга бўлди. Шунга кўра, яхшилик феълига савоб белгилади, чунки унинг ақли Оллоҳнинг буйруқларини бажариш ва қайтариқларидан четланишни танлади. Ва ёмонлик феълига жазо белгилади. Чунки унинг ақли Оллоҳнинг буйруқларига қарши чиқиш ва қайтарган ишларига амал қилишни танлади. Оллоҳнинг бу феълга кўра жазолаши ҳақиқат ва адолатдир. Чунки инсон бу ишни қилишда ихтиёрли эди. Бунга эса қазо ва қадарнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Балки бу ердаги масала банданинг ўзи ишини ихтиёрий ҳолатда бажаришидир. Шунга биноан инсон ўзи қилган амалидан масъулдир.

﴿٣٨﴾ كُلُّ نَفْسٍ بِمَا كَسَبَتْ رَهِينَةٌ

– „Ҳар бир жон ўзи (ҳаёти дунёда) касб қилган амали сабабли (дўзахда) ушлангувчидир“. [74:38]

Ҳидоят ва залолат

Ҳудо, ҳидоят луғатда тўғрилиқ, йўлламоқ, бошламоқ маъносида ишлатилади.

Залолат эса тўғрилиқнинг аксидир. Ҳидоят шаръан исломга йўл топмоқ ва унга иймон келтирмоқдир. Залолат шаръан исломдан чиқмоқдир. Худди шу қабилдаги Расулulloҳ ﷺнинг сўзлари бор: «Умматим залолат устида жамланмайди». Оллоҳ Таоло жаннатни ҳидоят топганлар учун, дўзахни эса залолатда юрганлар учун яратди, яъни ҳидоят топган кишига савоб, залолатга юрганга азоб беради. Демак, савоб ва жазони ҳидоят ва залолатга боғлаш, ҳидоят ва залолат Оллоҳ тарафидан эмас, банданинг феълидан келиб чиқишидан далолат беради. Агар у Оллоҳ тарафидан бўлганда, ҳидоятга савоб, залолатга жазо берилмасди. Чунки бу нарса Оллоҳ Таолога зулмни нисбатлашга олиб боради ва Оллоҳнинг адаштириши билан адашган кишининг жазоланиши зулм бўлади. Оллоҳ эса бундай зулмдан покдир. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿٤٦﴾ وَمَا رَبُّكَ بِظَلَّامٍ لِّلْعَبِيدِ

– „Парвардигорингиз бандаларига зулм қилгувчи эмасдир“. [41:46]
Яна айтади:

﴿١٦﴾ وَمَا أَنَا بِظَلَّامٍ لِّلْعَبِيدِ

– „Мен бандаларга зулм қилгувчи эмасдирман“. [50:29]

Лекин бир неча оятлар келганки, улар ҳидоят ва залолатнинг нисбатини Оллоҳга беришдан далолат беради. Улардан ҳидоят ва залолат банда тарафидан эмас, Оллоҳ тарафидан эканлиги тушунилади. Бошқа

оятлар эса ҳидоят ва залолат нисбатини бандага беришдан далолат беради. Улардан ҳидоят ва залолат банда тарафидан эканлиги тушунилади. Бу оятлар воқесини ташриъий жиҳатидан идрок қилиш керак. Шундагина ҳидоят ва залолатни Оллоҳга нисбатлаш маъноси уни бандага нисбатлаш маъносидан бошқача эканлиги зоҳир бўлади. Чунки уларнинг ҳар бири бир-биридан фарқли жиҳатларга эга. Шу билан уларнинг ташриъий маъноси тўла аён бўлади. Тўғри, ҳидоят ва залолатни Оллоҳга нисбатлаган оятларда Оллоҳгина ҳидоятлаши ва угина адаштириши ҳақида очиқ ҳужжатлар келган. Оллоҳ айтади:

قُلْ إِنَّ اللَّهَ يَضِلُّ مَنْ يَشَاءُ وَيَهْدِي إِلَيْهِ مَنْ أُنَابَ ﴿٧٧﴾

– „Айтинг: «Албатта, Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кимсаларни гумроҳ қилур ва (Оллоҳга) ижобат қилган кишиларни Ўз (динига) ҳидоят қилур»“. [13:27]

Яна айтади:

فَإِنَّ اللَّهَ يَضِلُّ مَنْ يَشَاءُ وَيَهْدِي مَنْ يَشَاءُ ﴿٧٨﴾

– „Зотан Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кимсаларни йўлдан оздирур ва Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур»“. [35:8]

Яна айтади:

فَمَنْ يُرِدِ اللَّهُ أَنْ يَهْدِيَهُ يَشْرَحْ صَدْرَهُ لِلْإِسْلَامِ وَمَنْ يُرِدْ أَنْ يُضِلَّهُ يَجْعَلْ صَدْرَهُ ضَيِّقًا حَرَجًا

كَأَنَّمَا يَصَّعَّدُ فِي السَّمَاءِ ﴿١٢٥﴾

– „Оллоҳ кимни ҳидоят қилишни истаса, унинг кўнглини Ислому учун кенг қилиб қўяр. Кимни адаштиришни истаса, унинг кўнглини худди осмонга кўтарилиб кетаётгандек, тор ва танг қилиб қўяр»“. [6:125]

Яна айтади:

مَنْ يَشَاءُ اللَّهُ يَضِلُّهُ وَمَنْ يَشَاءُ يَجْعَلْهُ عَلَىٰ صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ ﴿٦٦﴾

– „Оллоҳ хоҳлаган кишини адаштирур, хоҳлаган кишини тўғри йўлда (барқарор) қилур»“. [6:39]

Яна айтади:

قُلِ اللَّهُ يَهْدِي لِلْحَقِّ ﴿٦٥﴾

– „Айтинг: «Оллоҳ ҳақ йўлга ҳидоят қилур»»“. [10:35]

Яна айтади:

وَقَالُوا الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي هَدَانَا لِهَذَا وَمَا كُنَّا لِنَهْتَدِيَ لَوْلَا أَنْ هَدَانَا اللَّهُ ﴿٤٧﴾

– „Айтадиларки: «Бизларни бу (неъматларга) йўллаган зот - Оллоҳга ҳамду сано бўлгай. Агар бизни Оллоҳ ҳидоят қилмаганида ҳаргиз йўл топа олмас эдик»»». [7:43]

Яна айтади:

مَنْ يَهْدِ اللَّهُ فَهُوَ الْمُهْتَدِي وَمَنْ يُضِلُّ فَلَنْ تَجِدَ لَهُ وَلِيًّا مُرْشِدًا ﴿٧٧﴾

– „Кимни Оллоҳ ҳидоят қилса, бас, ўшагина ҳидоят топгувчидир. Кимни йўлдан оздирса, бас, унинг учун тўғри йўлга йўллагувчи бирон дўст топа олмассан»»». [18:17]

Яна айтади:

إِنَّكَ لَا تَهْدِي مَنْ أَحْبَبْتَ وَلَكِنَّ اللَّهَ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ ﴿٥٦﴾

– „Аниқки, сиз ўзингиз суйган кишиларни ҳидоят қила олмассиз, лекин Оллоҳ ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур“. [28:56]

Бу оятларнинг мазмунидан ҳидоят ва залолатни Оллоҳ Таоло қилишига очиқ далолат бор. Банда ўзи тарафидан ҳидоятлана олмайди, балки Оллоҳ истаса ҳидоятланади, Оллоҳ адаштира адашади демакдир. Лекин бу мазмун ҳақида кўпгина қариналар (баён қилувчи мазмунлар) келганки, булар ҳидоят ва залолатни бевосита бажариш Оллоҳ тарафидан бўлишидан бошқа маънога буриб юборади, бу, яъни ҳидоят ва залолатни яратиш Оллоҳ тарафидан эканлиги, бевосита ҳидоятланиш, адашиш банда тарафидан демакдир. Бу қариналар шаръий ва ақлийдир. Аммо шаръий қариналарга қаралса, жуда кўп оятлар ҳидоятни, адашиш ва адаштиришни бандага нисбатлаб келган. Оллоҳ Таоло айтади:

فَمَنْ اهْتَدَىٰ فَإِنَّمَا يَهْتَدِي لِنَفْسِهِ وَمَنْ ضَلَّٰ فَإِنَّمَا يَضِلُّ عَلَيْهَا ﴿١٠٨﴾

– „Бас, ким ҳидоят йўлига юрса, фақат ўз фойдасига юрган бўлур. Ким (у ҳидоят йўлидан) озса, фақат ўзининг зиёнига адашган бўлур“. [10:108]

Яна айтади:

لَا يَضُرُّكُمْ مِّنْ ضَلَّٰ إِذَا اهْتَدَيْتُمْ ﴿١٥﴾

– „Ҳақ йўлни тутган экансиз, адашган кимсалар сизларга зарар етказма олмас“. [5:105]

Яна айтади:

فَمَنْ اهْتَدَىٰ فَلِنَفْسِهِ ﴿٤١﴾

– „Бас, ким ҳидоят йўлига юрса, ўз фойдасига юрган бўлур“. [39:41]

Яна айтади:

وَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُهْتَدُونَ ﴿١٥٧﴾

– „Ана ўшалар ҳақ йўлни топгувчилардир“. [2:157]

Яна айтади:

وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا رَبَّنَا أَرْنَا الَّذِينَ ضَلَّٰ مِنَّا مِنَ الْجَنِّ وَالْإِنْسِ ﴿٢١﴾

– „Айтадиларки: «Парвардигоро, бизларни (Сенинг тўғри йўлингдан) оздирган инсу жиндан бўлган кимсаларни бизларга кўрсатгин»“. [41:29]

Яна айтади:

قُلْ إِنْ ضَلَلْتُ فَإِنَّمَا أَضِلُّ عَلَىٰ نَفْسِي ﴿٥﴾

– „Айтинг: «Агар мен (ҳақ йўлдан) озсам, бас, фақат ўз зиёнимга озурман»“. [34:50]

Яна айтади:

فَمَنْ أَظْلَمُ مِمَّنْ افْتَرَىٰ عَلَى اللَّهِ كَذِبًا يُضِلُّ النَّاسَ بِغَيْرِ عِلْمٍ ﴿١٤٤﴾

– „Билмаган ҳолда одамларни йўлдан оздириш учун Оллоҳ шаънига ёлғон тўқиган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?!“ [6:144]

Яна айтади:

رَبَّنَا لِضَلُوبَا عَنْ سَبِيلِكَ ﴿٨٨﴾

– „Парвардигоро, улар (мана шу мол-давлатлари билан одамларни) Сенинг йўлингдан оздиришлари учун шундай қилдинг“.

[10:88]

Яна айтади:

وَمَا أَصَلْنَا إِلَّا الْمُجْرِمُونَ ﴿٩١﴾

– „Бизларни фақат жиноятчи («доҳийлар») йўлдан оздирдилар“.

[26:99]

Яна айтади:

وَأَصْلَهُمُ السَّامِرِيُّ ﴿٨٥﴾

– „Самирий уларни йўлдан оздирди“.

[20:85]

Яна айтади:

وَدَّتْ طَائِفَةٌ مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ لَوْ يُضِلُّوكُمْ وَمَا يُضِلُّونَ إِلَّا أَنْفُسَهُمْ ﴿٦٩﴾

– „Аҳли китобдан бир тоифаси сизларни (ҳақ динингиздан) адаштирмақни хоҳлайди. Лекин улар ўзлари сезмаган ҳолларида фақат ўзларинингина адаштирадидлар, холос“.

[3:69]

Яна айтади:

إِنَّكَ إِنْ تَذَرَهُمْ يُضِلُّوا عِبَادَكَ ﴿٧٧﴾

– „Чунки Сен агар уларни (ер юзида) қолдирсанг, улар бандаларингни йўлдан оздирурлар“.

[71:27]

Яна айтади:

مَنْ تَوَلَّاهُ فَإِنَّهُ يُضِلُّهُ وَيَهْدِيهِ إِلَىٰ عَذَابِ السَّعِيرِ ﴿٤١﴾

– „У (шайтонга эса) ўзини дўст тутган кимсани албатта йўлдан оздириш ва дўзах азобига йўллаш ёзиб қўйилган - ҳукм қилинган“.

[22:4]

Яна айтади:

وَيُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُضِلَّهُمْ ﴿٦٠﴾

– „(Чунки) шайтон уларни бутунлай йўлдан оздиришни истайди“.

[4:60]

Бу оятларнинг мазмунида инсоннинг ўзи ҳидоят ва залолатни қилишига, ўзини ўзи адаштириши, бошқани адаштиришига ва шайтон ҳам адаштиришига очиқ далолатлар мавжуд. Бу ерда ҳидоят ва залолатнинг нисбати инсон ва шайтонга бериляпти, яъни инсон ўзи тарафидан ҳидоятланиб, ўзи тарафидан адашади. Бу эса ҳидоят ва залолатнинг Оллоҳга нисбати уни бажариш нисбати эмас, балки яратиш нисбати эканига қаринадир. Агар сиз бу оятларни бир-бирига ёнма-ён қўйиб, ташриъий жиҳатдан тушунсангиз, уларнинг ҳар бири бошқа-бошқа жиҳатга йўналганини кўрасиз. Масалан, бир оятда:

قُلِ اللَّهُ يَهْدِي لِلْحَقِّ ﴿٧٥﴾

– „Айтинг: «Оллоҳ ҳақ йўлга ҳидоят қилур»“,

[10:35]

деса, бошқасида:

فَمَنْ اهْتَدَىٰ فَإِنَّمَا يَهْتَدِي لِنَفْسِهِ ﴿١٠٨﴾

– „Ким ҳидоят йўлига юрса, фақат ўз фойдасига юрган бўлур“,

[10:108]

дейди. Аввалгиси Оллоҳ ҳидоятлашига далолат қияпти, кейингиси эса инсоннинг ўзи ҳидоятланади деяпти. Аввалги оятдаги Оллоҳнинг ҳидояти инсон қалбида ҳидоятни, яъни унда ҳидоят топиш қобилиятини яратиши, иккинчи оят эса инсон Оллоҳ яратган ҳидоятни топиш қобилиятини ишга солиб, ҳидоят топишини англатапти. Шунинг учун бошқа оятда айтадики:

وَهَدَيْنَاهُ النَّجْدَيْنِ ﴿١٠﴾

– „*Ва Биз уни икки баландликка йўллаб қўйдик-ку!*“, [90:10] яъни яхшилик ва ёмонлик йўлига, биз унда ҳидоят қобилиятини яратдик ва ҳидоятга юришни ўз ихтиёрига ташлаб қўйдик. Ҳидоят ва залолатни инсонга нисбатлаётган бу оятлар, ҳидоятни бевосита бажаришни Оллоҳдан бандага буришга бўлаётган шаръий қариналардир. Энди ақлий қариналарга келсак, Оллоҳ Таоло қиёмат кунда инсонни ҳисоб қилади, ҳидоят топган кишини мукофотлаб, адашган кимсани жазолайди. Ҳисобни инсоннинг амалига қараб белгилайди. Оллоҳ Таоло айтади:

مَنْ عَمِلَ صَالِحًا فَلِنَفْسِهِ وَمَنْ أَسَاءَ فَعَلَيْهَا وَمَا رَبُّكَ بِظَلَّامٍ لِّلْعَبِيدِ ﴿٤٦﴾

– „*Ким бирон яхши амал қилса, ўзи учундир. Ким ёмонлик қилса, ўз зиёнига қилур. Парвардигорингиз бандаларига зулм қилгувчи эмас*“. [41:46] Яна айтади:

فَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَهُ ﴿٧﴾ وَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ شَرًّا يَرَهُ ﴿٨﴾

– „*Бас, ким (ҳаёти дунёдалик пайтида) зарра миққоличалик яхшилик қилса, (Қиёмат кунда) ўшани кўрур. Ким зарра миққоличалик ёмонлик қилса, уни ҳам кўрур!*“ [99:7-8]

Яна айтади:

وَمَنْ يَعْمَلْ مِنَ الصَّالِحَاتِ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَلَا يَخَافُ ظُلْمًا وَلَا هَضْمًا ﴿١١٢﴾

– „*Ким мўмин бўлган ҳолда яхши амаллар қилса, бас, у зулмдан ҳам (яъни унга зулм қилиниб, ўзи қилмаган гуноҳларга масъул бўлишдан ҳам), камайишдан ҳам (яъни қилган яхши амалларининг савоб-мукофоти тўла берилмай қолишидан ҳам) хавф қилмас*“. [20:112]

Яна айтади:

مَنْ يَعْمَلْ سُوءًا يُجْزَ بِهِ ﴿١٢٣﴾

– „*Кимки ёмон амал қилса, жазосини олур*“. [4:123]

Яна айтади:

وَعَدَ اللَّهُ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُنَافِقِينَ وَالْمُنَافِقَاتِ وَالْكُفَّارَ نَارَ جَهَنَّمَ خَالِدِينَ فِيهَا ﴿١٨﴾

– „*Оллоҳ мунофиқ ва мунофиқаларга ҳамда кофирларга улар абадий қоладиган жаҳаннам оташини ваъда қилди*“. [9:68]

Агар ҳидоят ва залолат нисбати Оллоҳга берилса, кофир, мунофиқ ва осийни жазолаши зулм бўлади. Оллоҳ эса бундай зулмдан олий ва буюқдир. Шунинг учун ҳидоят ва залолатни бевосита амалга ошириш нисбатини Оллоҳга беришдан буриб, уни йўқдан яратиш ва унга тавфиқ беришга қаратиш лозим. Ҳидоят ва залолатни бевосита амалга оширувчи эса банда бўлиб, Оллоҳ уни шунга кўра ҳисоб қилади.

Бу ҳидоят ва залолатни Оллоҳга нисбатлаган оятлар ҳақидаги гап. Аммо ҳидоят ва залолатни Оллоҳнинг хоҳишига нисбатлаган оятларга келсак:

يُضِلُّ مَنْ يَشَاءُ وَيَهْدِي مَنْ يَشَاءُ ﴿٨﴾

– „У хоҳлаган кимсаларни йўлдан оздирур ва Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур“ [35:8]

Бу ердаги хоҳиш - ирода маъносида. Бу оятларнинг маъноси - бирор киши мажбурий ҳолда ҳидоятланмайди, бирор киши мажбурий ҳолда адашмайди, балки кимки ҳидоятланса, Оллоҳнинг ирода ва хоҳиши билан ҳидоятланади, кимки адашса, Оллоҳнинг иродаси ва хоҳиши билан адашади.

Бунда ҳеч қачон ҳидоятланмайдиган инсонлар борлиги тушуниладиган масала қолди. Масалан, Оллоҳ Таоло айтади:

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا سَوَاءٌ عَلَيْهِمْ أَلْذَرْتَهُمْ أَمْ لَمْ تُنذِرْهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿٦﴾ خَتَمَ اللَّهُ عَلَى قُلُوبِهِمْ

وَعَلَى سَمْعِهِمْ وَعَلَى أَبْصَارِهِمْ غِشَاوَةٌ ﴿٧﴾

– „Куфр йўлини тутган кимсалар эса хоҳ (Оллоҳ азобидан) қўрқитинг, хоҳ қўрқитманг, уларга баробардир, иймон келтирмайдилар. Оллоҳ уларнинг дилларини ва қулоқларини муҳрлаб қўйган. Қўзларини эса парда қоплаб олган“ [2:6-7]

Яна айтади:

كَلَّا بَلْ رَانَ عَلَى قُلُوبِهِمْ ﴿١٤﴾

– „Йўқ, (ундай эмас)! Балки уларнинг дилларини ўзлари касб қилгувчи гуноҳлари қоплаб олгандир“ [83:14]

Яна айтади:

وَأَوْحِيْ اِلَى نُوْحٍ اِنَّهُ لَنْ يُؤْمِنَ مِنْ قَوْمِكَ اِلَّا مَنْ قَدْ اٰمَنَ ﴿٦٦﴾

– „Нуҳга ваҳй қилиндики: «Қавмингдан фақат аввалда иймон келтирган кишилардан бошқа ҳеч ким иймон келтирмайди“ [11:36]

Бу оятлар Оллоҳ тарафидан ўз пайғамбарларига баъзи бир одамларнинг ҳеч қачон иймон келтирмаслиги ҳақидаги хабардир. Бунинг маъноси, баъзи одамлар иймон келтиради, баъзи одамлар иймон келтирмайди, дегани эмас. Балки ҳар бир инсонда иймонга мойиллик бор. Пайғамбар ва ундан кейинги даъватчилар ҳамма инсонларни даъват қилишга маъмурдир. Мусулмон одам бирор кишининг иймонидан ноумид бўлиши жоиз эмас. Аммо Оллоҳнинг илми азалийсида иймон келтирмаслиги билинган кимсани Оллоҳ ўз пайғамбарларига билдирыпти. Чунки унинг илми ҳамма нарсани иҳота қилгувчидир. Оллоҳ ўз илмидан бизга хабар бермаган нарсалар ҳақида ҳукм қилишимиз жоиз эмас. Пайғамбарлар бирор кишининг иймони йўқлиги ҳақида Оллоҳ хабар бергандан кейингина ҳукм қилдилар.

Оллоҳ Таолонинг:

وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْفٰسِقِيْنَ ﴿١٨﴾

– „Зотан Оллоҳ итоатсиз қавмни ҳақ йўлга ҳидоят қилмас“, [5:108]
ёки:

وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ ﴿٢٥٨﴾

– „Оллоҳ золим кимсаларни ҳидоят қилмайди“, [2:258]
ёки:

وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الكَافِرِينَ ﴿٢٦٤﴾

– „Оллоҳ кофирларни ҳидоят қилмайди“, [2:264]
ёки:

إِنْ تَحْرَصْ عَلَىٰ هُدَاهُمْ فَإِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي مَنْ يُضِلُّ ﴿٢٧١﴾

– „(Эй Муҳаммад), агар сиз у (мушрик)ларнинг ҳидоят топишларига ташна бўлсангиз-да билингки, Оллоҳ Ўзи йўлдан оздирадиган кимсаларни ҳаргиз ҳидоят қилмас“, [16:37]
ёки:

إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي مَنْ هُوَ مُسْرِفٌ كَذَّابٌ ﴿٢٨١﴾

– „Албатта Оллоҳ ҳаддан ошгувчи, ёлгончи кимсаларни ҳидоят қилмас“, [40:28]

каби оятлар маъноси Оллоҳ уларга ҳидоят учун тавфиқ бермаслигидир. Чунки ҳидоят учун тавфиқ топиш Оллоҳ тарафидан. Фосиқ, золим, кофир, адашган, исрофгар, ёлгончилар ҳаммаси ҳидоятга зид бўлган сифатлардир. Кимки бундай сифатга эга бўлса, Оллоҳ унга ҳидоятни муваффақ қилмайди, чунки ҳидоят учун тавфиқ бериш инсонга ҳидоят сабабларини тайёрлаб қўйишдир. Кимки бу сифатларга эга бўлса, унга ҳидоят сабабларини эмас, залолат сабабларини тайёрлаб қўяди. Оллоҳ Таолонинг мана бу ояти худди шунга мисол бўлади:

اهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ ﴿٦٠﴾

– „Бизларни тўғри йўлга йўллагайсан“, [1:6]
ёки:

وَاهْدِنَا إِلَىٰ سَوَاءِ الصِّرَاطِ ﴿٦١﴾

– „Ҳамда бизларни тўғри-текис йўлга бошлагин“, [38:22]
яъни бизни ҳидоят топишга муваффақ қилгин, бизга бу ҳидоят сабабларини муяссар айлагин.

Ажал етиши ўлимнинг ягона сабабидир

Кўпчилик ўлим битта нарса бўлса-да, унинг сабаблари бир неча деб ўйлайди ва айтадики: ўлим битта, сабаблари турлича. Улар ўлимни гоҳида вабо сингари ўлдирувчи касалликлардан ҳосил бўлаётганини, гоҳида пичоқ санчилишидан, ўқ тегишидан, ўтда ёниш ёки бошни кесишдан ҳосил бўлаётганини кўрадилар. Бу нарсаларни улар ўлимнинг бевосита сабабларидан, яъни шу сабабли ўлим ҳосил бўлади, деб ўйлайдилар. Агар улар тилларида инсон ўз ажали билан ўлади десалар-да, бу нарсалар ўлимнинг сабаби, улар юз берса, ўлим келади, бу нарсалар юз бермаса,

ажал етмайди, деб айтадилар. Демак, ўлим уларда ажалнинг етиши билан эмас, мана шу сабабларнинг юзага келиши билан ҳосил бўлади. Улар тилларида ўлдирувчи, тирилтирувчи (ҳаёт берувчи) Оллоҳ десалар-да, уларнинг наздида мана шу нарсалар ўлдирувчи ҳисобланади.

Ҳақиқат шуки, ўлим битта, унинг сабаби ҳам битта. У ҳам бўлса, ажалнинг етишидир. Ўлдирувчи ва уни бевосита юзага келтирувчи Оллоҳ Субҳонаҳу ва Таолодир. Чунки бир нарса сабаб бўлиши учун у сабаб қилинаётган нарсани аниқ келтириб чиқариши керак. Сабаб қилинаётган нарса албатта ўзининг сабабидан келиб чиқади. Ҳолат эса бунинг акси. Чунки одатда бир нарса ҳосил бўладиган хос шароитнинг хос ҳолати бор. Лекин у гоҳида ҳосил бўлмайди. Масалан, ҳаёт жонзотларнинг ҳаракати учун сабабдир. Ҳаёт бор экан, ҳаракат содир бўлади, агар ҳаёт бўлмаса, ҳаракат тўхтайдди. Масалан, қувват мотор ҳаракати учун сабабдир, агар қувват мавжуд бўлса, мотор ҳаракатланади, агар йўқолса, ҳаракат тўхтайдди. Ўсимлик ўсишига нисбатан ёмғир, аксинча, бир ҳолат, ўсиш сабаби эмас. Чунки ёмғир ўсимликни ўстиради, лекин гоҳида ёмғир ёғадию, ўсимлик ўсмайди. Гоҳида ўсимлик ёзги ўсимликларга ўхшаш ёмғирсиз ҳам, ернинг наmidан ўсаверади. Худди шунга ўхшаш вабо касали, ўқ тегиш ва бошқалар ҳам юз берса-да, улардан ўлим ҳосил бўлмайди. Гоҳида эса буларсиз ҳам ўлим юз беради.

Ўлимни келтириб чиқараётган нарсаларни кузатган одам юқоридагиларга воқеда гувоҳ бўлади. Гоҳида сабаблари юз берадию, лекин ўлим ҳосил бўлмайди. Гоҳида бу нарсаларсиз ҳам ўлим юз беради. Масалан, бир кишига пичоқ урилади, табиблар унинг ўлишини айтишади. Лекин пичоқланган киши ўлмай, тузалиб кетади. Гоҳида ўлим ҳеч қандай зоҳирий сабабсиз юз беради. Масалан, бир кишининг юраги тўсатдан уришдан тўхтайдди ва у дарҳол ўлади. Жамики табибларга эса одатда юрак тўхтаб қолиш сабаби аён бўлмай қолади. Бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Табиблар ва оламдаги шифокорлар бу каби минглаб ҳодисаларнинг гувоҳи бўлишган. Гоҳо аниқ ўлимга олиб борадиган нарса юз беради-ю, лекин одам ўлмай қолади. Гоҳида эса ҳеч қандай сабаб зоҳир бўлмай ҳам ўлим юз бераверади. Шунинг учун ҳамма табиблар ўз тиббий таълимотларига қараб, фалон касал ўлади, ундан фойда йўқ дейишади. Лекин у тузалиб кетади. Гоҳида фалончи тузалиб кетади, ҳеч қандай хатар йўқ, хатарли даврдан ўтди дейишади, сўнг касали қайта қўзиб, одам ўлиб қолади. Булар одамлар ва табиблар тарафидан кузатилган воқеалардир. Бу нарса ўлимни келтириб чиқараётган нарсалар ўлимнинг сабаби эмаслигига очиқ далолат қилади. Чунки у ҳолда ҳеч қачон ўлим чекинмас ва ундан бошқа сабабсиз юз бермас эди. Бир марта бўлса ҳам шу нарсалар туфайли ўлим юз бермаганлиги улар ўлимга сабаб эмас, балки ўлимни келтириб чиқараётган ҳолат эканлигига далолат қилади. Демак, ўлимни келтириб чиқарадиган ҳақиқий сабаб у эмас, ундан бошқа нарса. Айтиш мумкинки, одатда ўлим юз беришида нарсалар эмас, ҳолат сабаб бўлади. У гоҳида ўлимни келтириб чиқармайди. Лекин мушоҳада қилинган кўп сабаблар борки, улардан ўлим аниқ юз беради. Демак, мана шулар ўлимнинг сабаби. Масалан, бўйинни кесиш ва бошни танадан узиб

ташладан ўлим аниқ ҳосил бўлади, чекинмайди. Юракнинг тўхтаб қолишидан қатъиян ўлим ҳосил бўлади, чекинмайди. Шунга ўхшаш, инсон танасидаги аъзолардан жудо бўлиш орқали ўлим юз беради. Демак, ўлимнинг сабаби мана шулар. Айтамикки, бўйинга қилич билан уриш ўлим ҳолати, ўлимнинг сабаби эмас. Юракка пичоқ санчиш ўлим ҳолатларидан бири, унинг сабаби эмас ва ҳоказо... Лекин бўйинни кесиш ва юрак тўхташи ўлим учун сабаб. Нима учун бу нарса ўлимнинг сабаби демакми? Бунга жавоб шуки, бўйинни кесиш ўз-ўзидан юзага келмайди. Бўйиннинг ўзидан ҳам, бошнинг ўзидан ҳам ҳосил бўлмайди. Балки у ўзидан ташқаридаги таъсир натижасида юз беради. Бу ўринда бўйинни кесиш ўлимнинг сабаби бўлиши мумкин эмас. Балки кесишни бажарган шахс сабаб деб гумон қилинади. Кесишнинг ўзи эмас. Чунки у ўзидан-ўзи юз бермайди. Балки ташқи таъсир натижасида бўлади. Шунингдек, юрак тўхташи ҳам ўз-ўзидан юз бермайди, балки ташқи таъсир натижасида ҳосил бўлади. Бу ўринда юракнинг тўхташи ўлимнинг сабаби бўла олмайди. Балки юракнинг тўхташига сабаб бўлаётган нарса ўлимнинг сабаби деб гумон қилинади. Юрак тўхташининг ўзи эмас. Чунки у ўз тарафидан эмас, балки ташқи таъсир натижасида юз берди. Шунга кўра, бўйинни кесишнинг ўзи ёки юракнинг тўхташи мутлақо ўлимнинг сабаби бўла олмайди. Демак, ўлим учун сабаб деб гумон қилинган нарса ташқи таъсир экан.

Бундан ташқари, Оллоҳ Таоло нарсаларда хусусият яратди. Агар хусусият йўқолса, унинг асари ҳам кетади. Қачонки шу хусусиятга эга нарсанинг ўзи бор экан, хусусият ҳам бўлади. Масалан, Оллоҳ Таоло кўзда кўриш, қулоқда эшитиш, асабларда ҳис қилиш ва ҳоказо хусусиятларни яратди. Нарсаларнинг бу хусусиятлари нарсанинг мавжудлигининг табиий натижасидир. Бу хусусиятлар нарсаларнинг сифати ўрнидадир. Масалан, сувнинг табиий сифати суюқлик, унинг хусусияти ташналикни қондириш. Моторнинг табиий сифати - ҳаракат, хусусияти - ҳарорат. Юракнинг табиий сифати - уриш, хусусияти - ҳаёт. Демак ташналикни қондириш, ҳарорат, ҳаёт уларнинг хусусиятларидан бўлиши билан бирга, бу нарсаларнинг табиий сифатларидан ҳамдир. Бу нарсаларда хусусиятнинг мавжудлиги хусусиятнинг асари бўлган амал учун сабаб бўлмайди. Худди шунингдек, хусусиятнинг йўқлиги унинг асари бўлган амалнинг йўқ бўлишига сабаб эмас. Буни шундай тушуниш мумкин: Ўтда ёндириш хусусияти борлиги ёндиришни вужудга келтиришга кифоя қилмайди. Демак, бу хусусият ёндиришга сабаб эмас. Модомики, ўтда ёндириш хусусиятининг мавжудлиги ёндиришни вужудга келтиришга сабаб эмас экан, ўша хусусиятнинг йўқлиги ёндириш йўқлигига сабаб бўлмайди. Шунингдек, юракда ҳаёт хусусиятининг мавжудлиги ҳаётни вужудга келтиришга кифоя қилмайди. Демак, у ҳам ҳаёт учун сабаб бўлмайди. Модомики, ҳаёт хусусиятининг мавжуд бўлиши ҳаётни вужудга келтиришга сабаб эмас экан, юракдаги ҳаёт хусусиятининг йўқлиги ҳам ҳаётни йўқотишга сабаб бўлмайди. Шунга кўра, бир нарсанинг кетиши унинг хусусиятлари йўқолишига сабаб дейилмайди. Бир нарсанинг хусусияти йўқолишига сабаб бўладиган нарса

бу нарсанинг ўзидан ташқаридаги омилдир. Бу ташқи омил унинг хусусиятини кетказади. Нарсанинг ўзи эса хусусиятсиз қолаверади ёки нарсанинг ўзини ҳам, хусусиятини ҳам йўқотади. Демак, хусусиятни ҳам, унинг ўзини ҳам кетказган нарса хусусиятнинг кетишига сабабдир. Нарсанинг ўзи хусусиятни кетказишга сабаб эмас. Мана шу жиҳатдан, яъни ҳаёт бош тана устида бўлиши ва юракнинг уриш хусусиятларидан бири бўлганлиги жиҳатидан, бўйиндан бошнинг кетиши ёки юракнинг тўхташи ўлимнинг сабаби дейилмайди. Балки сабаб деб гумон қилинган нарса бошни бўйиндан узиш ва юрак уришини тўхтатиш билан ундан ҳаёт хусусиятини кетказган нарсадир, бўйинни кесиш ва юрак тўхташининг ўзи эмас. Шунга кўра, ўлимнинг ҳақиқий сабаби бирор бир аъзонинг талофатланиши, яъни бўйинни кесиш ёки юракнинг тўхташи эмас. Чунки аъзога талофат етиши ташқи таъсир натижасида ҳосил бўлади. Ҳаёт у аъзонинг хусусиятларидан бири бўлгани учун унинг кетиши ўзи тарафидан эмас, балки шу хусусиятни ёки унинг у билан биргаликда ўзини кетказган ташқи таъсир сабабли юз беради. Шунингдек, ташқи таъсир ҳам ўлим сабаби бўлолмайди. Чунки ақлан ҳам, воқеда ҳам исботланганки, гоҳида ташқи таъсир ҳосил бўладию, ўлим юз бермайди. Гоҳида эса ҳеч қандай ташқи таъсирсиз ҳам ўлим юз бераверади. Сабаб сабаб қилинаётган нарсани, яъни ўлимни қатъиян келтириб чиқариши керак. Демак, ўлимни келтириб чиқарадиган ҳақиқий сабаб булардан бошқа нарса экан.

Ҳақиқий сабабни билишга ақл йўл топа олмади. Чунки у ҳиссиётга боғлиқ эмас. Шунинг учун бу ҳақда Оллоҳ бизга хабар бериши, ўлим учун ҳақиқий сабаб ҳақидаги хабарни биз иймон келтиришимиз учун субути ва далолати қатъий бўлган далиллар билан исбот қилиш зарур. Чунки бу ақидадандир, ақида эса фақат қатъий далил билан исбот бўлади. Оллоҳ Таоло бир неча оятларда ўлимнинг ҳақиқий сабаби ажалнинг етиши ва Оллоҳнинг ўзи ўлдириши ҳақида хабар берди. Ўлим қатъиян ажал билан ҳосил бўлади, бошқа йўл билан эмас. Демак, ажал ўлимнинг сабаби, ўлдирувчи эса Оллоҳ Таолодир ва угина ўлимни бевосита амалга оширади. Бу нарса бир неча оятларда келган. Оллоҳ Таоло айтади:

وَمَا كَانَ لِنَفْسٍ أَنْ تَمُوتَ إِلَّا بِإِذْنِ اللَّهِ كِتَابًا مُوحَّلاً ﴿٤٥﴾

– „Ҳар бир жон фақат Оллоҳнинг изни билан ва аниқ белгилаб қўйилган муддатда ўлади“.

[3:145]

Яъни Оллоҳ Таоло ўлимни белгилаб тайин қилдики, у бу муддатдан олдин ҳам, кейин ҳам ўлмайди. Яна айтади:

اللَّهُ يَتَوَفَّى الْأَنْفُسَ حِينَ مَوْتِهَا ﴿٤٦﴾

– „Жонларни ўлим вақтларида Оллоҳ олур“,

[39:42]

яъни у нафсларни ўладиган вақтида ўлдиради ва ундаги ҳаёт хусусиятини тортиб олади. Яна айтади:

رَبِّي الَّذِي يُحْيِي وَيُمِيتُ ﴿٥١﴾

– „Парвардигорим тирилтириб, ўлдирадиган зотдир“,

[2:258]

яъни У бевосита ҳаётни яратади ва Угина ўлдиради. Яна айтади:

وَاللَّهُ يُحْيِي وَيُمِيتُ ﴿١٥٦﴾

– „Ахир тирилтирадиган ҳам, ўлдирадиган ҳам Оллоҳ-ку!“ [3:156]

Бу калимани Оллоҳ Таоло кофир бўлган кимсаларга рад қилиб айтади. Оятда келадики:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَكُونُوا كَالَّذِينَ كَفَرُوا وَقَالُوا لِإِخْوَانِهِمْ إِذَا ضَرَبُوا فِي الْأَرْضِ أَوْ كَانُوا غُزًى لَوْ كَانُوا عِنْدَنَا مَا مَاتُوا وَمَا قُتِلُوا لِيَجْعَلَ اللَّهُ ذَلِكَ حَسْرَةً فِي قُلُوبِهِمْ وَاللَّهُ يُحْيِي وَيُمِيتُ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿١٥٧﴾

– „Эй мўминлар, куфр йўлини тутган ва бошқа ерларга сафар қилиб ёки газотга чиқиб кетган дўстлари ҳақида: «Агар биз билан бирга қолганларида ўлмаган ва ўлдирилмаган бўлар эдилар», дейдиган кимсаларга ўхшамангиз! (Бу гапларини) Оллоҳ уларнинг дилларидаги ҳасрат қилиб қўяди. Ахир тирилтирадиган ҳам, ўлдирадиган ҳам Оллоҳ-ку! Оллоҳ қилаётган амалларингизни кўргувчидир.“ [3:156]

Яъни иш Оллоҳнинг қўлида, гоҳ мусофир ва гоҳийни ўлдирса, гоҳ ўзи хоҳлаган муқим - уйда ўтирганни ўлдиради. Яна айтади:

أَيُّمًا تَكُونُوا يُدْرِكُكُمُ الْمَوْتُ وَلَوْ كُنْتُمْ فِي بُرُوجٍ مُشِيدَةٍ ﴿٧٨﴾

– „Қаерда бўлсангиз, ҳатто мустаҳкам қалъалар ичида бўлсангиз ҳам ўлим сизларни топиб олур.“ [4:78]

Яъни, қайси маконда - қалин қалъа ичида бўлсангиз ҳам ўлим сизларни топади. Яна айтади:

قُلْ يَتَوَفَّاكُم مَلَكُ الْمَوْتِ الَّذِي وُكِّلَ بِكُمْ ﴿١١﴾

– „Айтинг: «Сизларга вакил қилинган ўлим фариштаси жонларингизни олур».“ [32:11]

Бу оят кофирлар учун жавоб тариқасида келган. Оллоҳ уларнинг Роббилари ҳузурига қайтишини ва У уларни тезда вафот топтиришини айтади. Уларни вафот топтириш учун ўлим фариштасини жўнатади. Оят тўлалигача:

وَقَالُوا أَنَذَا ضَلَلْنَا فِي الْأَرْضِ أَتِنَا لِنَفْسِنَا خَلْقٍ حَدِيدٍ بَلْ هُمْ بِلِقَاءِ رَبِّهِمْ كَافِرُونَ ﴿١٠﴾ قُلْ يَتَوَفَّاكُم مَلَكُ الْمَوْتِ الَّذِي وُكِّلَ بِكُمْ ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّكُمْ تُرْجَعُونَ ﴿١١﴾

– „Улар (кофирлар): «Бизлар ер (остида) йўқ бўлиб кетгач, ҳақиқатан ҳам яна янги яралиш билан яралурмизми?», дедилар. Йўқ, улар Парвардигорга рўбарў бўлишни инкор қилгувчидирлар. (Эй Муҳаммад), айтинг: «Сизларга вакил қилинган ўлим фариштаси жонларингизни олур, сўнгра Парвардигорингизга қайтарилурсизлар»“, [32:10-11]

яъни сизларнинг нафсларингизни вафот топтиради. Вафот топтириш жонни олишдир. Яна айтади:

قُلْ إِنَّ الْمَوْتَ الَّذِي تَفِرُّونَ مِنْهُ فَإِنَّهُ مُلَاقِيكُمْ ﴿٨﴾

– „Айтинг: «Сизлар қочаётган бу ўлим албатта сизларга йўлиқувчидир»“, [62:8]

яъни сизлар қочаётган, куфрингиз сабабли жазоланишдан қўрқиб, ўйлашга журъат қила олмайётган ўлимдан сизлар қочиб қутила олмайсизлар, у шубҳасиз сизларни топади. Яна айтади:

فَإِذَا جَاءَ أَحْلَهُمُ لَا يَسْتَأْخِرُونَ سَاعَةً وَلَا يَسْتَقْدِمُونَ ﴿٦١﴾

– „Бас, қачон уларнинг ажаллари етиб келганида эса уни бирон соат кетга ҳам сура олмайдилар, муқаддам ҳам қила олмайдилар“, [16:61] яъни уларга тақдир қилинган ажал етса, ундан озгина вақт кечиктирилмайдилар ҳам, озгина вақт олдинроқ ўлдирилмайдилар ҳам. Бу ердаги бир соат озгина вақтга мажоз. Яна айтади:

نَحْنُ قَدَرْنَا بَيْنَكُمْ الْمَوْتَ ﴿٦٢﴾

– „Сизларнинг ўртангиздаги ўлимни ҳам Биз белгилаб қўйгандирмиз“, [56:60]

яъни биз сизларнинг орангизда ўлимни белгилаб, худди ризқларни тақсим қилгандек турли-турли қилиб, ўз хоҳишимизга мувофиқ ҳолда тақсимладик. Шунинг учун сизларнинг умрингиз қисқа, узун ва ўртача бўлди. Бундай субути ва далолати қатъий, бошқа бирор маънони англатмайдиган оятлар шуни кўрсатадики, ўлим ва ҳаётни ҳеч қандай сабабсиз Оллоҳнинг ўзи яратади - вужудга келтиради. Инсон юзага келган ва ўлимнинг сабаби дейилган ҳолатдан эмас, фақат ажалининг етиши билан ўлади. Демак, ўлимнинг сабаби ўлим юзага келаётган ҳолат эмас, балки ҳаётнинг тугашидир. Бу ўринда ўлимни Оллоҳга нисбатлаш яратиш эътибори билан, аммо бевосита бажариш инсондан ёки ўлим келиб чиқаётган сабаблардан, дейилмайди. Бу нарса худди Оллоҳ Таолонинг сўзидек:

وَمَا رَمَيْتَ إِذْ رَمَيْتَ وَلَكِنَّ اللَّهَ رَمَىٰ ﴿١٧﴾

– „(Эй Муҳаммад, уларнинг юзига бир сиқим тупроқни) отган пайтингизда, сиз отмадингиз, балки Оллоҳ отди“. [8:17]

Ёки:

فَمَنْ يُرِي اللَّهُ أَنْ يَهْدِيَهُ يَشْرَحْ صَدْرَهُ لِلْإِسْلَامِ وَمَنْ يُرِدْ أَنْ يُضِلَّهُ يَجْعَلْ صَدْرَهُ ضَيِّقًا حَرَجًا ﴿١٢٥﴾

– „Оллоҳ кимни ҳидоят қилишни истаса, унинг кўнглини Ислом учун кенг қилиб қўяр. Кимни адаштиришни истаса, унинг кўнглини худди осмонга кўтарилиб кетаётгандек, тор ва танг қилиб қўяр“. [6:125]

Ёки:

وَلَكِنْ يُضِلُّ مَنْ يَشَاءُ وَيَهْدِي مَنْ يَشَاءُ ﴿٩٣﴾

– „Хоҳлаганини адаштиради, хоҳлаганини ҳидоятлайди“, [16:93] каби маънода келган, деб айтилмайди.

Чунки бу ерда феълни бевосита бажаришни Оллоҳ Таолодан инсонга буриб юборувчи қариналар бор. Отиш, қалбни очиб қўйиш, тор қилиш, залолат ва ҳидоятни яратиш Оллоҳга нисбатлаш маъносини билдиради. Лекин бу феълларни бевосита қилувчи Оллоҳ эмас, инсондир. Бу қариналар ақлий ва нақлийдир. Чунки отдинг сўзининг маъноси отиш Расулуллоҳдан бўлганини англатади. Залолатга жазо, исломга савоб

берилиши инсонда ихтиёр мавжудлигига, хоҳласа исломни, хоҳласа куфрни танлаши бу феълнинг бевосита бажарувчиси инсон эканлигига далолат қилади. Агар бевосита бажарувчи Оллоҳ Таоло бўлганда савоб ҳам, жазо ҳам бермас эди. Бундан ташқари, тупроқни Расулуллоҳ отганлари, инсон ўз ақлини тўғри ишлатиши билан ҳидоят топиши, ақлини ишлатмаслик ёки нотўғри ишлатиш билан адашиши ақлий ишлардандир. Ўлим эса бунинг акси. Бунда ўлимни бевосита бажарувчи Оллоҳдан бошқаси эканлигига далолат қилувчи бирор қарина келган эмас. Демак, собит бўладики, ўлим учун маҳсус (ҳис қилинадиган) сабаб мавжуд эмас. Оятда унинг очиқ маъносидан буриб юборадиган бирор насс йўқ. Ўлимни бевосита бажарувчи Оллоҳдан бошқа зот йўқ. Демак, оятлар очиқ келган луғавий ва шаръий маънолари бўйича қолади. Яъни, ўлимни бевосита бажарувчи Оллоҳ Таолодир.

Буларнинг барчасидан аён бўладики, ақлий далил ўлим одатда ҳосил бўлаётган нарсалар сабаблар эмас, ҳолатлар экани, унинг ҳақиқий сабаби ҳиссиётга бўйсунмайдиган бошқа нарса эканлигига далолат қилапти. Шаръий далил билан собит бўлдики, ўлим ҳосил бўлаётган нарсалар ўлимни келтириб чиқармайди ва улар ўлим учун сабаблар ҳам эмас. Оятлар далолат қиладики, ўлимнинг ҳақиқий сабаби ажалнинг етиши, ўлдирувчи эса Оллоҳ Таолодир.

РИЗҚ ЯГОНА ОЛЛОҲНИНГ ҚЎЛИДАДИР

Ризқ - мулкдан бошқа нарса. Чунки ризқ бу берилган нарсадир. Масалан, ризқлантирди деганининг маъноси берди демакдир. Мулк шарият молга эгаллик қилишга рухсат берган йўллар орқали нарсаларга эгаллик қилишдир. Ризқ ҳалол, ҳаром бўлади. Лекин унинг ҳар бири ризқ дейилади. Масалан, қимор ўйинида қиморбоз бировдан олаётган мол ҳам ризқдир. Чунки уларнинг ҳар бири ризқ ҳосил бўладиган ҳолатлардан бирини бажараётган чоғида Оллоҳ уларни ризқ қилиб берди.

Кўп одамлар биз ўзимизни ўзимиз ризқлантирамыз деб ўйлайдилар. Агарда тилларида ризқ берувчи Оллоҳ Таоло десалар-да, улар молга ёки манфаатга эга бўлаётган ҳолатларини ризқнинг сабабларидан деб билишади. Улар ўз меҳнати билан тер тўкиб, муайян маошга эга бўлаётган киши ўзини-ўзи ризқлантиради, агар у яна қўшимча куч сарфлаб, маошини ошириш учун турли воситаларни ишга солса, қўшимча даромадга эга бўлади, деб ўйлайдилар. Савдогар савдо йўлидаги ҳаракатлари билан фойда қилаётганда, табиб касални даволаётганида ва ҳоказо, ҳар бир шахс мол касб қиладиган амални бажараётганда у ўзини-ўзи ризқлантиради, деб ўйлашади. Бу одамлар наздида ризқнинг сабаблари ҳис қилинадиган ва сезиладиган нарсалардир. Улар молни топишга олиб борадиган ҳолатлар. Бу ҳолатларни бажарган киши ўзи ризқланадими ёки бошқасими, шу молга эга бўлади. Одамлар ризқ келадиган ҳолатлар ҳақиқатини билмаганликлари туфайли, сабаб билан ҳолатнинг фарқини ажрата олмаганликлари учун бу ҳолатларни ризқнинг сабаби деб ўйлайдилар. Ҳақиқат шуки, ризқ келадиган ҳолатлар ризқнинг


сабаби эмас. Агар у сабаб бўлганида, ризқ келмай қолмасди. Гоҳида бу ҳолатлар ҳосил бўладию, ризқ келмайди. Гоҳида эса бундай ҳолатлар ҳосил бўлмасдан туриб ризқ келаверади. Агар бу ҳолатлар сабаб бўлганда, сабаб қилинаётган нарса, яъни ризқ албатта келарди. У ҳолатлардан доим ризқ келавермайди. Гоҳида бу ҳолатлар мавжуд бўлиб, ризқ келмаслиги бу ҳолатлар ризқнинг сабаби эмаслигидан далолат беради. Масалан, бир хизматчи ой давомида меҳнат қилади-да, лекин маоши собиқ қарзларини тўлаш ё нафақаси вожиб бўлган кишиларга ёки солиқларни тўлаш учун сарфланади. Бу ҳолатда ризқ ҳосил бўладиган шарт бажарилса-да, ризқ келмайди. У ҳақини олмайди. Гоҳида эса бир шахс Қуддусда ўз уйида ўтирса, почтаёон келиб, унинг Америкадаги фалон қариндоши ўлгани, у ягона меросхўрлигини, унинг моллари бунинг ҳисобига ўтганлиги ва у ўзи ёки бирор восита орқали бу молларни олиши кераклиги хабарини етказди. Бу ризқ унга ўзи билмаган ҳолда келди. Ёки гоҳида уйнинг бир бурчаги тушиб кетади-да, унинг ичидан беркитиб қўйилган молни топиб олади. Агар инсондан содир этилаётган ҳолатлар ризқнинг сабаби бўлганда, ризқ албатта келиши, бу ҳолатлар бажарилмаса, у мутлақо келмаслиги керак эди. Унинг келмаётганига булар сабаб эмас, ҳолатлар эканига далолат қиляпти. Очиқ бир сабабсиз ҳосил бўлган ризқлар ҳақидаги ҳодисалар сон-саноқсиздир. Овқат устида ҳозир бўлиш ёки ейишга тайёрлаб қўйган овқатни ея олмай қолиш ва бошқа кўп ҳодисалар далолат қиладик, одатда ризқ келадиган ҳолатлар ризқнинг сабаблари эмас, ҳолатларидир.

Бундан ташқари, ризқ келадиган ҳолатлар мавжуд бўлган пайтда буларни ризқнинг сабаблари деб айтиш жоиз эмас. Бу ҳолатларни бажарган киши у орқали ризқни ҳосил қилаётгани йўқ, чунки бу нарса субути ва далолати қатъий бўлган Қуръон насслариға хилофдир. Агар қайси нарса субути ва далолати қатъий бўлган Қуръон матниға хилоф келса, ҳеч қандай тараддудсиз қатъий нассни олиш ва бошқа нарсдан дарҳол воз кечиш лозим. Чунки Оллоҳ тарафидан қатъий далил билан келган нарса олиниши ва ундан бошқа ҳар қандай нарса тарк қилиниши вожибдир. Шунинг учун муслмон кишиға бўйсунуш вожиб бўлган ҳақиқат шуки, ризқ инсон эмас, Оллоҳ тарафидандир.

Дарҳақиқат, кўп оятлар очиқ, ҳеч қандай таъвилни қабул қилмайдиган ҳолда ризқ инсон тарафидан эмас, Оллоҳ тарафидан эканлигига далолат қилиб келган. Бу бизни кўриб турган ризқ келадиган услуб ва воситаларни ризқ ҳосил бўладиган ҳолатлар дейишга жазм қилишга ундайди. Оллоҳ Таоло айтади:

 وَكُلُوا مِمَّا رَزَقَكُمُ اللَّهُ

– „Оллоҳ сизларға ризқ қилиб берган нарсалардан енглар“, [5:88]
ёки:

 الَّذِي خَلَقَكُمْ ثُمَّ رَزَقَكُمْ

– „Оллоҳ сизларни яратди, сўнгра ризқу-рўзингизни берди“, [30:40]
ёки

﴿٤٧﴾ أَنْفِقُوا مِمَّا رَزَقَكُمُ اللَّهُ

– „Оллоҳ сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилинглр“, [36:47]
ёки

﴿٤٧﴾ إِنَّ اللَّهَ يَرْزُقُ مَنْ يَشَاءُ

– „Албатта Оллоҳ Ўзи истаган кишиларга ризқ берур“, [3:37]
ёки

﴿٥٨﴾ لَيَرْزُقْنَهُمُ اللَّهُ

– „Оллоҳ гўзал ризқ билан ризқлантирур“, [22:58]
ёки:

﴿٦١﴾ يَسْطُرُ الرَّزْقَ لِمَنْ يَشَاءُ

– „Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур“, [13:26]
ёки

﴿٧٧﴾ فَابْتَغُوا عِنْدَ اللَّهِ الرَّزْقَ

– „Сизлар ризқу-рўзни ёлғиз Оллоҳ даргоҳидан истанглр“, [29:17]
ёки

﴿٦١﴾ وَمَا مِنْ دَابَّةٍ فِي الْأَرْضِ إِلَّا عَلَى اللَّهِ رِزْقُهَا

– „Ўрмалаган нарса борки, барчасининг ризқи Оллоҳнинг зиммасидадир“, [11:6]
ёки

﴿٥٨﴾ إِنَّ اللَّهَ هُوَ الرَّزَّاقُ

– „Зеро Оллоҳнинг Ўзигина ризқу-рўз бергувчи“. [51:58]
Бундай субути ва далолати қатъий, ҳеч қандай таъвилни қабул қилмайдиган, фақат битта маънони англатадиган оятлардан аёнки, ризқ фақат Оллоҳдан, бошқадан эмас. Алоҳнинг ўзигина раззоқ, ризқ фақат Оллоҳнинг қўлида.

Лекин Оллоҳ ўз бандаларини ҳаракат қилишга буюрди ва уларга ризқ келадиган ҳолатларни бажариш қудратини берди. Демак, улар ризқ келадиган жамики ҳолатларни ўз ихтиёрлари билан бажарадилар. Лекин бу ҳолатлар ризқнинг сабаби эмас, улар ўзларига-ўзлари ризқ топиб ололганлари йўқ. Бу нарса оятлар нассиди очиқ келяпти. Балки бу ризқ ҳалол бўладими, ҳаромми, бу ҳолатлар ҳаром ёки мубоҳми, унда ризқ ҳосил бўладими ёки йўқми, бундан қатъий назар, Оллоҳ Таоло ризқлантиряпти. Лекин Ислому мусулмон учун ризқ ҳосил бўладиган жоиз ва жоиз бўлмаган ҳолатларни бажариш кайфиятини баён қилди. Ризқ сабабларини эмас, мулкка эга бўлиш сабабларини кўрсатди ва мулкка эришишни мана шу сабабларга боғлиқ қилди. Ҳар бир киши ризққа шаръий сабаблар билан эга бўлиши лозим. Чунки угина ҳалол ризқ, бошқаси ҳаромдир. Лекин ризқнинг ҳаммаси, ҳалол бўладими, ҳаромми Оллоҳ Субҳонаҳу ва Таоло тарафидандир.

Битта масала қолди. У - шахснинг ризқи агар фойдаланмаса ҳам, эга бўлган нарсасими ёки унинг ризқи фақат фойдаланган нарсасими? Бунга жавоб шуки, Қуръон оятлари далолат қиладики, инсоннинг ризқи хоҳ ундан фойдалансин, хоҳ фойдаланмасин, ҳар бир эга бўлган нарсасидир. Оллоҳ Таоло айтади:

لِيَذْكُرُوا اسْمَ اللَّهِ عَلَىٰ مَا رَزَقَهُمْ مِنَ بَهِيمَةِ الْأَنْعَامِ ﴿١٦﴾

– „Оллоҳ уларни ризқлантирган чорва ҳайвонларини (сўйиш-қурбон қилиш) устида Оллоҳнинг номини зикр қилишлари учун...“, [22:34]

اللَّهُ يَسْطُرُ الرِّزْقَ لِمَنْ يَشَاءُ ﴿٦٦﴾

– „Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур“, [13:26]

وَمَنْ قَدَّرَ عَلَيْهِ رِزْقَهُ ﴿٧﴾

– „Кимнинг ризқи танг қилинган бўлса“, [65:7]

أَنْفَقُوا مِمَّا رَزَقَكُمُ ﴿٤٧﴾

– „Оллоҳ сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилинглр“, [36:47]

كُلُوا مِنْ طَيِّبَاتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ ﴿٥٧﴾

– „Сизларга ризқ қилиб берган пок нарсалардан енглр“, [2:57]

وَأَرْزُقُوهُمْ فِيهَا وَاكْسُوهُمْ ﴿٥﴾

– „Уларни ўша моллардан едириб-кийдириг“, [4:5]

كُلُوا وَاشْرَبُوا مِنْ رِزْقِ اللَّهِ ﴿٦﴾

– „Оллоҳ берган ризқдан еб-ичинглр“, [2:60]

Бу оятларда ризқ исми эга бўлган барча нарсаларга ишлатиляпти. Табиийки, бу исм ҳар бир фойдаланган нарсага ҳам ишлатилади. Ризқ фойдаланган нарсагагина хосланган эмас. Чунки оятлар умумий бўлиб, далолатлари ҳам умумийдир. Агар бир киши сиздан молингизни ўғирлаб ё тортиб олса, у сизнинг ризқингизни эмас, балки ўз ризқини олган бўлади. Инсон молга эга бўлаётган пайтда ўз ризқини олади. Ундан мол олинаётган пайтда унинг ризқини олган бўлмайди. Балки ким молга эга бўлса, ундан ўз ризқини олади. Бирор киши бировнинг ризқини олмайди, балки шахс ўз ризқини бошқадан олади.

ОЛЛОҲНИНГ СИФАТЛАРИ

Мутакаллимлар пайдо бўлишидан илгари Оллоҳнинг сифатлари масаласи машҳур бўлмаган ва баҳсларда қўзғатилмаган эди. Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифда ҳам Оллоҳнинг сифатлари зикр этилгани ёки у ҳақда саҳобалар томонидан гапирилгани ҳақида ҳеч қандай хабар келмаган. Мутакаллимлар Қуръони Каримда Оллоҳнинг сифатларидан деб ҳисоблаган ҳар бир нарсани Оллоҳ Таолонинг қуйидаги сўзлари мазмунидан тушуниш керак:

سُبْحَانَ رَبِّكَ رَبِّ الْعِزَّةِ عَمَّا يَصِفُونَ ﴿١٨٠﴾

– „Қудрат эгаси бўлмиш Парвардигорингиз уларнинг сифатларидан (яъни ҳар қандай айбу нуқсондан) покдир“, [37:180]
ёки:

لَيْسَ كَمِثْلِهِ شَيْءٌ ﴿١١﴾

– „Бирон нарса У зотга ўхшаш эмасдир“, [42:11]
ёки:

لَا تُدْرِكُهُ الْأَبْصَارُ ﴿١٢﴾

– „Қўзлар Унга ета олмас“. [6:103]
Бундан ташқари, Оллоҳнинг сифати Қуръонда қандай келган бўлса шундай олинади.

Масалан, **илм** Оллоҳ Таолонинг қуйидаги сўзидан олинади:

وَعِنْدَهُ مَفَاتِحُ الْغَيْبِ لَا يَعْلَمُهَا إِلَّا هُوَ وَيَعْلَمُ مَا فِي الْبُرِّ وَالْبَحْرِ وَمَا تَسْقُطُ مِنْ وَرَقَةٍ إِلَّا يَعْلَمُهَا

وَلَا حَبَّةٌ فِي ظِلْمَاتِ الْأَرْضِ وَلَا رَطْبٌ وَلَا يَابِسٌ إِلَّا فِي كِتَابٍ مُبِينٍ ﴿٥٩﴾

– „Ғайб очқичлари Унинг ҳузуридадирким, уларни ёлғиз Ўзигина билур. У қуруқлик ва денгиздаги бор нарсаларни билур. Бирон барг шохидан узилиб тушмас, магар У билур. Ер тубларидаги ҳар бир дон, бор ҳўлу қуруқ нарса, албатта, очиқ Китобда (яъни Оллоҳнинг илми азалийсид) мавжуддир“. [6:59]

Ҳаёт Оллоҳнинг қуйидаги сўзидан олинган:

اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ ﴿٢٥٥﴾

– „Оллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқ. Фақат Унинг ўзи бордир. У тирик ва абадий тургувчидир“, [2:255]

هُوَ الْحَيُّ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ ﴿٦٥﴾

– „У тирик зотдир. Ҳеч қандай илоҳ йўқдир, магар Унинг Ўзигина бордир“. [40:65]

Қудрат Оллоҳнинг қуйидаги сўзидан олингандир:

هُوَ الْقَادِرُ عَلَىٰ أَنْ يَبْعَثَ عَلَيْكُمْ عَذَابًا مِّنْ فَوْقِكُمْ أَوْ مِنْ تَحْتِ أَرْجُلِكُمْ أَوْ يَلْبَسَكُمْ شِيعًا ﴿٦٥﴾

– „У сизларга устингиздан ё оёқларингиз остидан азоб юборишга, ёки сизларни гуруҳ-гуруҳ қилиб аралаштириб юборишга қодир зотдир“, [6:65]

الَّذِي خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ قَادِرٌ عَلَىٰ أَنْ يَخْلُقَ مِثْلَهُمْ ﴿١١﴾

– „Осмонлар ва ерни яратган зот - Оллоҳ уларнинг (яъни, инсонларнинг) мислини ҳам яратишга қодирдир“. [17:99]

Эшитиш Оллоҳнинг қуйидаги сўзидан олинади:

إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿١٣١﴾

– „Албатта Оллоҳ эшитгувчи, билгувчидир“. [2:181]

Қуриш Оллоҳ Таолонинг қуйидаги сўзидан олинади:

وَأَنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ بَصِيرٌ ﴿٢١﴾

– „Шак-шубҳасиз, Оллоҳ эшитгувчи, кўргувчидир“, [22:61]

وَكَانَ رَبُّكَ بَصِيرًا ﴿٢٢﴾

– „Парвардигорингиз кўриб тургувчи бўлган зотдир“. [25:20]

إِنَّ اللَّهَ هُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ ﴿٢٣﴾

– „Албатта Оллоҳнинг ўзигина эшитгувчи ва кўргувчи зотдир“. [40:20]

Қалом Оллоҳнинг қуйидаги сўзидан олинади:

وَكَلامَ اللَّهِ مُوسَى تَكْلِيمًا ﴿١٣٤﴾

– „Мусо билан Оллоҳнинг ўзи (бевосита) гаплашди“, [4:164]

وَلَمَّا جَاءَ مُوسَى لِمِيقَاتِنَا وَكَلَّمَهُ رَبُّهُ ﴿١٤٣﴾

– „Қачонки Мусо (ваъдалашган) вақтимизда (Тур тоғига) келди ва Парвардигори унга (бевосита) сўзлади“. [7:143]

Ирода Оллоҳнинг қуйидаги сўзидан олинади:

فَعَالَ لِمَا يُرِيدُ ﴿١٣﴾

– „(У) истаган нарсасини амалга оширгувчидир“, [85:16]

إِنَّمَا أَمْرُهُ إِذَا أَرَادَ شَيْئًا أَنْ يَقُولَ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ ﴿١٧﴾

– „Бирон нарсани (яратишни) ирода қилган вақтида Унинг иши фақатгина «Бўл», демоқликдир. Бас, у (наrsa) бўлур - вужудга келур“, [36:82]

وَلَكِنَّ اللَّهَ يَفْعَلُ مَا يُرِيدُ ﴿٢٥٢﴾

– „Лекин Оллоҳ ўзи хоҳлаган ишини қилади“. [2:253]

Яратувчи Оллоҳ Таолонинг қуйидаги сўзидан олинади:

اللَّهُ خَالِقُ كُلِّ شَيْءٍ ﴿٢٢﴾

– „Оллоҳ барча нарсанинг Яратгувчисидир“, [39:62]

وَخَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ ﴿١١﴾

– „У ҳамма нарсани яратди“. [6:101]

Бу оятлар ваҳдоният, қадим ва бошқа сифатлар каби Қуръони Каримда келган. Мусулмонлар орасида Оллоҳнинг яккалиги, азалий, ҳаёт, қодир, эшитувчи, кўрувчи, гапирувчи, олим, ирода қилувчилиги ҳақида ҳеч қандай ихтилоф бўлган эмас.

Мутакаллимлар келиб, фалсафий фикрлар сизиб киргач, улар орасида Оллоҳнинг сифатларида ихтилоф пайдо бўлди. Муътазилалар айтдики: «Оллоҳнинг зоти ва унинг сифатлари битта наrsa. Оллоҳ ўз зотида тирик, олим, қодирдир. Чунки У ўз зотига қўшилган илм билан олим, ўз зотига қўшилган ҳаёт билан тирик бўлганда эди, инсондаги ҳолат каби сифат ва сифатланаётган наrsa ҳомил ва маҳмул (юкловчи ва юклатилган) наrsa бўлиши лозим бўлади. Бу эса жисмларнинг ҳолати. Оллоҳ эса жисмдан пок зотдир. Агар ҳар бир сифат ўзи мустақил дейилса, илоҳлар бир нечта

бўлиб кетади. Аҳли сунна айтадики: Оллоҳ Субҳанаҳу ва Таолонинг ўз зотида мужассам бўлган азалий сифатлари бор. У Оллоҳ ҳам эмас, ундан ўзга ҳам эмас. Аммо унинг сифатларига келсак, у олим, тирик, қодир ва бошқа сифатларга эгаллиги собит бўлган. Маълумки, унинг ҳар бир илм, ҳаёт, қудрат ва бошқа сифатлари, унинг вожибул-вужуд (бор бўлиши зарурий) тушунчасига зиёда маънони англатади. Мўътазилалар айтгандек илми йўқ олим, қудрати йўқ қодир ва ҳоказо бўлиши мумкин эмас. Бу худди қоралиги йўқ қора деганга ўхшайди. Дарҳақиқат, нусуслар унинг илми, қудрати ва бошқа сифатларининг собитлигини баён қиляпти, унинг фақат олим, қодир деб номлашларининг ўзигагина эмас, балки унинг илми, қудрати борлигига унинг пухта ишларининг содир бўлиши далолат қиляпти. Аммо Оллоҳ Таолонинг сифатлари азалий эканлиги унинг зотида пайдо бўлган нарсаларнинг туриши мумкин эмаслиги учундир. Чунки азалий қадимий зотда пайдо бўлган нарсаларнинг мавжудлиги амри маҳолдир. Бу сифатлар Оллоҳнинг зотида мужассамлиги эса вужуд учун лозим бўлган заруратлардир. Чунки бирор нарса сифатининг маъноси у бажарган нарсадир. Агар маълум нарсани бажарса, унда олим сифати бўлишининг маъноси йўқ. Балки олим бўлишининг маъноси илм сифатини бажаришдир. Аммо Оллоҳ ҳам эмас, ундан ўзга ҳам эмаслиги Оллоҳнинг сифатлари, зотининг ўзи эмас. Чунки ақл сифат мавсуфдан ўзга эканлигига қарор қилади. Демак, бу Унинг зотига қўшимча маънодир. Лекин у Оллоҳнинг сифати, чунки у бирор нарса ҳам эмас, зот ҳам эмас, муайян нарса ҳам эмас, балки у зот учун сифатдир. У Оллоҳнинг зоти бўлмаслиги билан бирга, Оллоҳдан бошқа нарса ҳам эмас, балки у Оллоҳ учун сифатдир. Аммо мўътазилаларнинг: агар ҳар бир сифат ўзи мустақил бўлса, илоҳлар кўпайиб кетади, - деган сўзига келсак, бундай сифат зот дейилса, шундай бўлиши шубҳасиз. Аммо у қадим зот учун сифат бўлса, зотнинг у билан сифатланиши зотларнинг кўпайишини тақозо этмайди, балки битта зотнинг сифатлари бир нечта бўлиши лозимлигини билдиради. Бу ваҳдониятга зид эмас ва илоҳлар бир нечта бўлишини тақозо этмайди. Бу билан аҳли сунна ақлий исбот қилдики, Оллоҳнинг сифтлари бор, у зот ҳам эмас, лекин зотдан ўзга ҳам эмас, чунки сифат сифатланаётган нарсадан бошқа ҳамда сифатланаётган нарсадан ажралмайди. Сўнг бу сифатлар азалий эканлигининг маъносини баён қилиб, айтдиларки: илм сифати - азалий сифат, маълумотлар бу сифатга боғланган пайтда очилади. Қудрат - азалий сифат, қодир бўлинган нарсаларга бу қудрат унга тааллуқли пайтда таъсир кўрсатади. Ҳаёт - азалий сифат, илмнинг тўғри бўлишини тақозо қилади. Қудрат - бу қувват. Эшитиш азалий сифат бўлиб, эшитилаётган нарсаларга тааллуқли. Кўриш азалий сифат бўлиб, кўринадиган нарсаларга тааллуқли. Бу сифатлар билан У хаёлот, ҳис, ёки ҳавоий-нафс орқали эмас, аниқ, тўла идрок этади. Ирода ва хоҳиш ҳаётга эга зотнинг сифатидан иборатдир. У қудратнинг нисбати бажариш ва бажармасликнинг ҳар бирига баробар бўлиши билан бирга, тақдир қилинган икки нарсанинг бирини хослашни тақозо этади. Калом азалий сифат бўлиб, у Қуръон номли назм билан ифодаланган. Оллоҳ Таоло сўз орқали гапирувчидир, бу унинг азалий

сифати, у ҳарф ва овозлар жинсидан эмас. У жимлик ва сукутга зид сифатдир. Оллоҳ у билан гапирувчи, буюрувчи, қайтарувчи ва хабар берувчидир. Буюрадиган, қайтарадиган ва хабар берадиган ҳар бир шахс эса ўзидан бирор маъно топадида, сўнгра унга далолат қилади.

Аҳли сунналар Оллоҳ Таолонинг азалий сифатлари борлигини исботлаганларидан сўнг бу сифатлар ҳақидаги ўз тушунчаларини шундай баён қилдилар. Лекин мўътазилалар Оллоҳнинг сифатлари ҳақидаги бу маъноларни рад этдилар. Улар Оллоҳнинг зотига қўшимча сифатлар бўлишини инкор этиб, айтдиларки: Оллоҳ қодир, олим, ҳар бир нарсани ихота қилувчи. Оллоҳнинг зоти ва сифатларида ўзгариш бўлмайди. Чунки ўзгариш пайдо бўлган нарсалардаги сифатдир. Оллоҳ эса бундан покдир. Агар мавжуд бўлмаган нарса вужудга келса, ёки мавжуд бўлган нарса йўқ бўлса, Оллоҳнинг қудрати ва иродаси бу ишни бошқариб йўқ нарсани вужудга келтирса ва бор нарсани йўқ қилса, қандай қилиб илоҳий қудрат ҳодис (яъни вужудга келадиган)га тааллуқ топиб, уни вужудга келтиради? Нима учун бошқа вақтда эмас, айнан шу лаҳзада вужудга келтиради? Қудрат аввал бўлмаган бир ишни бажариши ундаги ўзгаришдир. Оллоҳда эса ўзгариш бўлмайди. Бу азалий, қадим бўлган зотнинг ҳолати. Ирода ҳақидаги сўз ҳам шунга ўхшаш. Илм ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Масалан, илм маълум бўлган нарсани ўз ҳолича кашф қилиш. Маълум нарса эса тез-тез ўзгариб туради. Масалан, дарахтнинг барги тушади, ҳўл нарса қуруққа, тирик эса ўликка айланади. Оллоҳнинг илми билан нарсанинг нима экани кашф этилади. У бу нарсани бўлишдан аввал билади. Агар бир нарса бор бўлса, унинг борлигини ҳам илгаридан билади. Агар бир нарса йўқ бўлса, унинг йўқлигини ҳам илгаридан билади. Мавжудотларнинг ўзгариши билан қандай қилиб Оллоҳнинг илми ўзгаради? Ҳодисалар ўзгариши билан ўзгарувчи илм пайдо бўлган илмдир. Оллоҳ Таолода пайдо бўлган нарса бўлиши мумкин эмас. Чунки пайдо бўлган нарсаларга тааллуқли нарсалар ҳам пайдо бўлгандир. Аҳли сунналар буни рад қилиб айтдиларки: қудрат икки жиҳатдан боғланади. Азалий жиҳати - билфеъл бўладиган нарсанинг вужуди унга тақалмайди. Ҳодисга боғланиш жиҳати - билфеъл бўладиган нарсанинг вужуди бориб тақалади. Масалан, қудрат бир нарсага боғланади ва уни вужудга келтиради, ваҳоланки бу қудрат унга боғланишдан илгари мавжуд эди. Уни вужудга келтиришга боғланиши қудратни пайдо бўлган нарса қилиб қўймайди. Бир нарсани бевосита қилмагандан кейин уни амалга ошириш қудратдаги ўзгариш бўлмайди. Қудрат доимо бир нарсага боғлиқ бўлади, уни пайдо қилади. Демак, бажарилган нарса ўзгаряпти, қудрат эса ўзгармайди. Аммо илм боғланиши мумкин бўлган жамики нарсалар ҳақиқатда маълум нарсалардир. Оллоҳ Таолонинг зоти олимликни тақозо этади. Нрсаларнинг зоти эса маълум бўлишни тақозо этади. Зотнинг барча нарсаларга нисбати баробардир, (яъни Оллоҳнинг олимлиги, нарсаларнинг маълум бўлиши барча нарсада шартдир). Илм зотга қараб ўзгармайди, балки бу илм боғлиқлик жиҳатидан ўзгаради. Бу эса жоиздир. Лекин илм азалий сифат бўлиб, унинг ўзгариши маҳол нарса. Қудрат, илм ва бошқалар каби, уларнинг азалийлиги эса улар боғланган нарса ҳам

азалий бўлишини тақозо қилмайди. Демак, у азалий бўлиб, пайдо бўлаётган нарсаларга боғланади.

Мутакаллимлар орасидаги бу баҳс бир тарафдан мўътазилалар, бир тарафдан аҳли сунналар ўртасида худди «Қазо ва Қадар» масаласидаги каби Оллоҳнинг сифатлари ҳақида давом этди. Ажабланарли жойи шундаки, мутакаллимлар қўзгаган баҳснинг асоси юнон файласуфлари қўзгаган нуқтанинг айнан ўзи. Юнон файласуфлари ҳам Оллоҳнинг сифатларига нисбатан худди шу нарсани кўзлаган эдилар. Лекин мўътазилалар Оллоҳга бўлган иймон, тавҳид ҳақидаги фикрлари доирасида жавоб берган эдилар. Уларга юнон фалсафасининг назарий фаразлар ва мантиқий масалалар ортидан юришни камайтириш учун аҳли сунналар қўшилди. Лекин улар ҳам мўътазилалар тушган аҳволга тушиб, худди мана шу асосда рад қилдилар, яъни бу баҳс ва муноқаша учун ақл идрок этган-этмаган нарсада, инсон ҳис этган-этмаган нарсада ақлни асос қилиш эди. Қуръон оятлари ва ҳадислар билан ўз сўзларини қувватлаш учун раъйларига хилофларини таъвил қилдилар. Бу билан ақлни асос қилишда, Қуръон оятлари ақл йўл кўрсатган нарсани қувватловчи бўлишида ёки ақл тушунган нарсага Қуръон оятларини таъвил қилишда мўътазилалар, аҳли сунна ва бошқалар бир хил бўлдилар.

Мутакаллимларни баҳс қилишда бу йўлни танлашга ундаган нарсанинг икки омили бор: бири улар ақлнинг таърифини билмас эдилар. Иккинчиси ҳақиқатларни идрок этишдаги Қуръон тариқати билан файласуфлар тариқати орасини ажрата олмадилар. Ақлнинг таърифини идрок қила олмаганликлари уларнинг ақлга берган таърифларидан кўриниб турибди. Улар шундай деб айтганлари ривоят қилинган: «Ақл бу нафс ва идрокларнинг қувватидир». Бу маъно уларнинг қўйидаги сўзларида ҳам кўринади. «Ақл бу аъзолар саломат бўлган пайтда зарур нарсаларга илм тобе бўлган ғаризадир». Ёки айтардилар: «Ақл бу жавҳар бўлиб, ғайб нарсалар воситалар орқали, ҳис қилинган нарсалар мушоҳада орқали идрок этилади». Ёки айтардилар: «Албатта ақл бу нафснинг ўзгинаси». Ақлни бундай тушунган одам, уни мутлақ тизгинсиз қўйиб юбориши, турли масалаларни назарий жиҳатдан тартиблаштириб, ундан вужуди йўқ бўлган натижаларни чиқариб, бу натижани ақл асосида чиқарганлигини айтиши ажабланарли эмас. Шунинг учун уларнинг ақлий баҳсларида ҳеч қандай тўхтайдиган чегара бўлмади. Унга киришган ва натижаларга етган ҳар қандай баҳсни ақлий баҳслар, ақлий натижалар деб ҳисоблашар эди. Шунинг учун мўътазилаларнинг: «Оллоҳнинг азалий қудрати пайдо бўлувчи ишга боғланиши қудрат сифатини пайдо бўлувчи қилиб қўяди», дейиши ва бу баҳсни ақлий баҳс деб, натижаларини ақлий натижа деб айтишлари ажабланарли эмас. Худди шу вақтда аҳли сунна айтадики: «Оллоҳнинг қудратининг қилинаётган ишга боғланиши қудратни ўзгарувчи ёки пайдо бўлувчи қилиб қўймайди. Қудратни пайдо бўлувчи қиладиган нарса қудратнинг ўзгариши, ишнинг ўзгариши эмас». Буни улар ақлий баҳс ва ақлий натижа деб биладилар. Чунки ақл, ҳаммининг наздида, зарурий нарсаларга илм тобе бўлган ғариза ёки нафс эди. Демак, у ҳамма нарса ҳақида баҳс қилаверди. Агар улар ақлнинг маъносини тўғри

тушунганда эди, воқеси бўлмаган нарсаларни бошқа нарсаларга боғлаб, уларни ақлий ҳақиқатлар деб номлаган, бундай фаразий баҳс ва назарий натижаларга киришмаган бўлар эдилар.

Бизнинг асримизга келиб ақлнинг маъноси ойдинлашди. Биз биламизки, ақл баҳс қилиши учун шарт бўлган нарсалар мавжуд бўлмас экан, биз уни ақлий баҳс дейишимиз ва бу баҳсга киришишимиз жоиз эмас. Биз: «Ақл бу ҳис воситасида воқеликни мияга узатиш ва бу воқеликни тафсир қилувчи собиқ маълумотлардир», деб биламиз. Ҳар бир ақлий баҳсда тўрт нарса мавжуд бўлиши керак: биринчи - мия, иккинчи - ҳис, учинчи - воқе, тўртинчи - бу воқега боғлиқ собиқ маълумотлар. Агар мазкур тўрт нарсдан бири топилмаса, ақлий баҳс бўлиши мумкин эмас, бу мантиқий, хаёлий баҳсдир. Буларнинг ҳеч қандай қиймати йўқ. Чунки улар ақл-идрокка боғлиқ эмас, уларнинг манбасини ақл идрок қилмаяпти. Мутакаллимларнинг ҳаммаси ақл маъносини идрок қила олмаганликлари, маҳсусотларга мос тушмайдиган ёки унга боғлиқ собиқ маълумотлари бўлмаган баҳсларга киришишларига сабаб бўлди.

Аmmo мутакаллимларнинг ақлий баҳсдаги Қуръон тариқати билан файласуфлар тариқатини ажрата олмаганликларига келсак, Қуръон ҳам, файласуфлар ҳам илоҳият ҳақида баҳс қилди. Файласуфларнинг илоҳият ҳақидаги баҳслари мутлақ вужуд ва унинг зоти тақозо этган нарсалар ҳақида эди. Улар коинот ҳақида эмас, балки коинот ортидаги нарсалар ҳақида баҳс қилдилар. Унинг муқаддимасига ҳужжатлар келтиришиб, бу ҳужжатлардан маълум натижага келдилар, сўнг буларга бошқа натижаларни боғладилар. Шундай қилиб, улар Оллоҳнинг зоти ҳақида ва бу зот тақозо қилган нарсалар ҳақида ўзлари ҳақиқат деб билган нарсага эришдилар. Улар эришган натижалар турлича бўлишига қарамасдан, ўз баҳсларида фақат битта йўлни тутдилар. У - табиат, яъни коинот ортидаги нарсалар ҳақида баҳс қилиш, назарий фаразларга биноан ёки бошқа ҳужжатларга асосланиб тартибли ҳужжатларни келтириш ва уни қатъий деб ҳисоблаб, натижаларга эришиш эди.

Баҳсдаги бу тариқат Қуръон тариқатига зиддир. Чунки Қуръон коинот ҳақида ва ундаги мавжудотлар, ер, қуёш, ой, юлдуз, ҳайвон, инсон, судралиб юрувчилар, туя, тоғ ва бошқа маҳсус нарсалар ҳақида баҳс қилиб, бундан коинотнинг яратувчисини, мавжудотлар, қуёш, туя, тоғ, инсон ва бошқа-бошқа мавжудотларнинг яратувчисини идрок қилишга эришади. У ҳиссиётга боғлиқ бўлмаган, мавжудотларни идрок қилишдан, идрок қилиб бўлмайдиган коинот ортидаги нарсалар ҳақида баҳс юритган пайтда, бир воқеликни сифатлайди, ёки бир ҳақиқатни баён этади ва буларга иймон келтиришга қатъий буюради. Буларда инсоннинг эътиборини англашга ёки ундан бирор нарсани тушуниб етишга қаратмайди. Оллоҳнинг сифатлари, жаннат, дўзах, жин, шайтон ва бошқалар шулар жумласидандир. Саҳобалар мана шу тариқатни жуда яхши тушунишган ва шу тариқат асосида худди ўзлари бахтли бўлгани каби бошқаларни ҳам бахтли қилиш учун Ислом рисолатини бутун оламга ёйишган. Худди шу ҳол биринчи аср охиригача, юнон ва бошқа фалсафалардан фалсафий фикрлар улар орасига сизиб кириб,

мутакаллимлар вужудга келгунгача давом этди. Шундан сўнг ақлий баҳс тариқати ўзгарди. Бу баҳслар Оллоҳнинг зоти ва сифатлари ҳақида бўлди. Бу баҳслар носоғломлигидан ташқари, мутлақо ақлий баҳс деб ҳисобланмайди, чунки улар ҳис қилинмайдиган нарсалар ҳақидаги баҳс эди. Бундай нарсалар ҳақидаги баҳс ақлий баҳс дейилмайди. Бундан ташқари, Оллоҳнинг сифатлари ҳақидаги баҳс яратувчи ҳақидаги баҳсдир. Оллоҳ ҳақида баҳслашиш ман қилинган. Шунинг учун мутакаллимларнинг Оллоҳнинг зоти ҳақидаги баҳслари ноўрин ва хатодир. Оллоҳнинг сифатлари тавқифийдир. Улардан қатъий нусусларда келганларини эса қандай келса, шундайлигича зикр этамиз, бундан бошқача эмас. Нусусда келмаган сифатни қўшишимиз, қатъий нусусларда келмаган сифатларни шарҳлашимиз мутлақо жоиз эмас.

Мусулмон файласуфлари

Мусулмонлар орасига илоҳиёт ҳақидаги фалсафий баҳслар кириб келган пайтда, Умавийлар асрининг охирлари ва Аббосийлар асрининг бошларида Ҳасан Баърий, Гийлони Дамашқий, Жаҳм ибн Сафвон каби баъзи уламолар турли каломий масалаларга киришиб кетган эдилар. Улардан сўнг Арасту мантиқини билган, баъзи таржима қилинган фалсафий китоблардан хабардор уламолар вужудга келди. Каломий масалаларда баҳс кенг кўлам касб этди. Улар маълум ва машҳур илми калом ҳақида баҳс қилардилар. Булар Восил ибн Ато, Амр ибн Убайд, Абу Ҳузайл Олоф, Наззом кабилар эди. Лекин уларнинг тадқиқоти комил фалсафий дарс эмас эди. Балки турли фалсафий фикрларни ва баъзи масалалардаги фирқаларнинг раъйини билиш учун фалсафий фикрларни чуқур ўрганиш эди. Улар баъзи бир фалсафий баҳсларга боғланиб қолган бўлсалар-да, Қуръонга ва иймонга боғлангандилар. Шунинг учун Ислом аҳлидан чиқиб кетмадилар. Балки далил ва ҳужжат келтиришда кенгроқ йўл тутишди. Лекин бу далиллари иймонни қувватловчи нарсаларни исботлаш ва Оллоҳни поклашга ҳарис бўлганларидан келиб чиқар эди. Шунинг учун улар ақидадан чиқиб кетганлари йўқ. Улар мусулмон бўлиб, Исломни ҳимоя қилишган.

Мутакаллимлардан сўнг жамоат ёки мазҳаб даражасига етмаган айрим кишилар етишиб чиқди. Уларнинг баҳсларини баъзилар чиройли ҳисоблашса-да, йўлларига жамойй суратда ҳеч ким эргашгани йўқ. Ислом юртларида мусулмонлар орасида мутакаллимлардан кейин пайдо бўлган бундай кишилар мусулмон файласуфлари эди. Уларни мусулмонлар орасида пайдо қилган нарса шу асрда баъзилар фалсафий фикрлардан хабардор бўлиб, бу фикрларга қизиқиб қолиши эди. Бу нарса баъзи шахсларни бу фикрларни кенгроқ ўрганишга ундади. Улар бу фикрларни чуқур, кенг кўламда, ҳар бир соҳада, ҳар бир йўналишда астойдил ўргандилар ва унинг ҳамма жиҳатларини тадқиқ этдилар. Улар фалсафани шу даражада ўргандиларки, бу нарса уларни фалсафий фикрлашга ва умумлашма хулосаларни чиқаришга қодир қилиб қўйди. Бу фалсафани, хусусан, юнон фалсафасини чуқур ўрганиш натижасида мусулмонлар орасида файласуфлар вужудга келди. Вужудга келган файласуфларнинг

энг биринчиси ҳижрий 260 йилда вафот этган Яъқуб Кандий эди. Шундан сўнг файласуфлар кетма-кет пайдо бўлаверди. Шунга кўра, Ислом шаҳарларида мусулмон файласуфлари мутакаллимлар вужудга келгандан ва уларнинг тариқати ҳукмрон бўлгандан сўнг пайдо бўлди. Бу тариқат баҳс, мунозара, тортишув эди ва кўпгина мутакаллимлар, уламолар кўз ўнгида фалсафа йириклашиб борди. Бундан олдин бирорта мусулмон файласуф эмасди. Ислом шаҳарларида уламолар орасида мутакаллимлар ва файласуфлар вужудга келди. Мутакаллимлар ва файласуфлар ўртасида фарқ бор. Мутакаллимлар баъзи бир фалсафий фикрларни пухта ўрганишган. Аммо файласуфлар фақат ўз соҳасининг уламолари эди. Улар мутакаллимларга беписандлик билан қарар, уларни сафсата ва мунозара аҳли деб билардилар ва ўзларинигина тўғри фалсафий баҳслар қила олади деб ҳисоблашарди.

Мутакаллим ва файласуфлар илоҳиёт ҳақида баҳс юритдилар. Лекин мутакаллимлар билан файласуфлар манҳаж ўртасида фарқ бор. Улар ўртасидаги фарқни шундай изоҳлаш мумкин:

1. Мутакаллимлар иймон асосларига эътиқод қилдилар, унинг тўғрилигига иқдор бўлиб, иймон келтирдилар. Сўнгра ҳужжат қилиш учун ақлий далилларни келтирдилар. Улар ўз эътиқодларини исботлаш учун ақлий баҳсни мантиқий услубда олиб бордилар. Чунки улар Исломнинг асосий пойдеворига иймон келтириб, уни исботлаш учун ҳужжат ва далилларни келтирдилар.

2. Мутакаллимларнинг баҳслари ўз ақидаларини ҳимоя қилишга қаратилган. Уларнинг мақсади ўз хусуматчилари улар мўътазила, муржиъа, шийъа, хаворижлар каби тушунчада буларга зид мусулмонлар бўладими ёки насоро, яҳудий, мажусий ва бошқа ғайридин бўладими, уларнинг далилларини йўққа чиқаришдан иборат. Лекин уларнинг баҳсида кўзга ташланадиган нарса файласуфлардан иборат мусулмонларга раддия билдиришга қаратилган эди.

3. Мутакаллимларнинг баҳслари исломий баҳслардир. Улар ихтилоfli ва бир-бирига зид бўлса-да, исломий раъйлардан келиб чиқади. Бу раъйларни ушлаган ҳар бир мусулмон исломий раъини ушлаган ва у эътиқод қилган нарсаси исломий ақида ҳисобланади. Мана бу мутакаллимларнинг манҳаж ва унинг эътиборидир. Файласуфларнинг манҳаж эса қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Файласуфлар масалаларни фақат баҳс қиладилар. Бу баҳсининг манҳаж ва асоси - ҳужжат қандай далолат қилган бўлса, шундай қараш. Илоҳиёт ҳақидаги қарашлари - мутлақ вужудга ва унинг зоти тақозо этган нарсаларга қарашдан иборат. Улар ҳужжат келтирилган нарсага асосланиб фикр юритадилар. Бу нарса қандай бўлишидан қатъий назар бирор натижага олиб борса, унга эътиқод қиладилар. Бу фалсафаниннг мақсади ва асосидир. Уларнинг баҳслари соф фалсафий бўлиб, агар баъзи мавзуларда Исломга алоқаси борга ўхшаса-да, баҳс жиҳатидан динга мутлақо алоқаси йўқ. Улар кўпинча ўз баҳсларида жисмоний жасад билан қайта тирилиш ва қиёмат каби унинг саҳиҳ ёки ботиллигига ақлий далил келтириб бўлмайдиган самъий (эшитиш орқали қабул қилинадиган)

нарсалар билан шуғулланишди. Кўпинча ўз исломий ақидаларидан таъсирланган ҳолда юнон фалсафасидаги баъзи бир фикрларни айтдилар. Баъзи ҳолларда фалсафадаги масалалар билан исломий масалалар ўртасини мувофиқлаштиришга ҳаракат қилдилар. Лекин бу нарса улар мусулмон бўлиб, Исломдан таъсирланганликларидан келиб чиқади. Лекин бу худди мутакаллимлар сингари исломни асос қиладиган фикрий таъсир натижасида эмас, балки насроний файласуфларининг насоро динидан, яҳудий файласуфларининг яҳудия динидан таъсирланганликларидек таъсирланишига ўхшаб кетади. Аммо уларнинг асоси мутлақ вужуд ва у тақозо қилган нарса эди. Уларнинг ҳақиқий таъсирланишлари юнон фалсафаси бўлиб, уларнинг ақлияси ҳам шу фалсафа билан шаклланган эди. Юнон фалсафасида пишиб етилганларидан кейин ўз фикрларини баён этдилар, бу фалсафанинг Исломга мутлақо алоқаси йўқ.

2. Мусулмон файласуфлари Исломни ҳимоя қилиш билан шуғулланмадилар. Ўзларига муҳолиф бўлган фикрларни баён қилиб, уларни рад этиш ўрнига ўз ҳақиқатларини исботлаш, уларга ҳужжат келтириш билан шуғулландилар. Ақлий баҳс уларнинг илмидаги асл мавзу бўлиб, бундан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмас.

3. Мусулмон файласуфларининг баҳслари ғайриисломий фикрлардир. Улар соф фалсафий баҳс бўлиб, Исломга мутлақо алоқаси йўқ. Унинг баҳсида Исломнинг ўзи йўқ, у исломий раъй деб ҳисобланмайди ва исломий сақофатдан эмас.

Бу мутакаллимлар билан мусулмон файласуфлари манҳажии орасидаги фарқ. Мусулмон файласуфларининг ҳақиқати шундан иборат. Кандий, Форобий, ибн Сино ва бошқа мусулмон файласуфлари шуғулланган бу фалсафани исломий фалсафа деб аташ Исломга нисбатан қилинган фитна, зулм ва воқега хилофлик бўлади. Чунки у Исломга мутлақо боғланмайди. Балки у асос ва бошқа тафсилотлари жиҳатидан Исломга мутлақо зид. Асос жиҳатидан зидлиги - бу фалсафа коинот ортидаги нарса ҳақида, яъни мутлақ вужуд ҳақида баҳслашади. Ислом эса коинотда бор нарсалар ва фақат ҳис қилинадиган нарсалар ҳақида баҳс юритади. Оллоҳнинг зоти ҳақида, коинот ортидаги нарсалар ҳақида баҳс юритишни ман қилиб, Оллоҳга сўзсиз таслим бўлишга, иймон келтиришни вожиб қилган нарсага иккиланмай бош эгишга буюради. Тафсилотлар жиҳатидан зидлиги - бу фалсафада жуда кўп баҳслар борки, Ислом уларни куфр деб ҳисоблайди. Масалан, унда оламнинг қадимийлиги, унинг азалийлиги, жаннат неъматлари моддий эмас, руҳийлиги, ё Оллоҳ Таоло жузъий нарсаларни билмаслиги ва бошқа Ислом назарида очиқ куфр ҳисобланган баҳслар мавжуд. Бундай очиқ зиддият бўла туриб, бу фалсафани қандай қилиб Ислом фалсафаси деб аташ мумкин? Бундан ташқари, Исломда фалсафанинг ўзи йўқ, чунки унда ақлий баҳс фақат маҳсусотлар ҳақидагина фикр юритиши мумкин. Коинот ортидаги нарсалар ҳақида баҳс қилиш ман этилган. Ислом ҳамма баҳсларни фалсафадан узоқ ва моддий оламга боғлайди. Ҳар қандай фалсафий баҳс бўлиши эҳтимолини йўқотади. Шунинг учун исломий фалсафа йўқ. Исломда Қуръони Карим ва

Суннати набавийя баҳси мавжуд. Шуларгина ақида ва ҳукмда буйруқ, тақиқ ва хабарларда Исломнинг асоси ҳисобланади.

НАБИЙЛАР ВА РАСУЛЛАР

Набий ва расул лафзи бир-биридан фарқли бўлса-да, улар шариатнинг ваҳй қилинишида бирлашади. Иккисининг ўртасидаги фарқ шундан иборатки, расул шариат ваҳй қилиниб, уни етказишга буюрилган кишидир. Набий эса бошқа расулларнинг шариати ваҳй қилиниб, уни етказишга буюрилган кишидир. Қози Байзовий Оллоҳ Таолонинг қуйидаги сўзининг тафсирида келтиради:

وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ مِنْ رَسُولٍ وَلَا نَبِيٍّ

– „Биз сиздан илгари бирор элчи ва пайғамбар юбормадик“, [22:52] оятида, расул - Оллоҳ одамларни даъват қилиш учун янги шариат билан жўнатган киши. Набий эса Оллоҳ Таоло собиқ шариатни барқарор қилиш учун жўнатган киши. Масалан, саййидимиз Мусо عليه السلام набийдир. Чунки унга шариат ваҳй қилинган. Расул ҳамдир, чунки унга ваҳй қилинган шариат унга бўлган рисолатдир. Саййидимиз Ҳорун набийдир, чунки унга шариат ваҳй қилинган. Лекин расул эмас, чунки унга етказиш буюрилган шариат унинг рисолати эмас, балки Мусо учун бўлган рисолатдир. Саййидимиз Муҳаммад صلى الله عليه وسلم набийдир. Чунки унга шариат ваҳй қилинган. Расул ҳамдир, чунки ваҳй қилинган шариат у зотнинг рисолатидир. Рисолат бу - Оллоҳ билан бандалар ўртасидаги элчилик бўлиб, дунё ва охиратда бандалар муҳтож бўлган муолажаларни баён қилишдир. Оллоҳнинг ҳикмати расулларни ҳикматлар ва манфаатлар учун жўнатишни тақозо этади. Дарҳақиқат, расулларни жўнатиш воқе бўлди. Оллоҳ Таоло башариятга аҳли иймон ва тоат аҳлига жаннат ва савобдан хушxabар бериш, куфр ва исён аҳлига дўзах ва азобдан огоҳлантириш учун, одамларга дунё ва охират ишларида зарур нарсаларни тушунтириш учун расулларни жўнатди, чунки инсон ва унинг аҳволини ақл билан ихота қилиб бўлмайди. Оллоҳ Таоло ўз анбиё ва расулларини одатдан ташқари мўъжизалар билан қўллаб-қувватлади, чунки мўъжиза бу одатдан ташқари иш бўлиб, нубувватни даъво қилган кишининг қўлидан келмайдиган ишдир. Агар Оллоҳ мўъжиза билан қўллаб-қувватламаса эди, унинг сўзини қабул қилиш вожиб бўлмасди. Ҳамда рисолатни даъво қилгувчиларнинг ростидан ёлғонни ажратиш маҳол бўларди. Мўъжиза зоҳир бўлган пайтда, бу мўъжизага қаноатланган кишида (расулнинг) ростгўйлигига қатъий ишонч ҳосил бўлади, чунки бундай нарсa инсоннинг қўлидан келмайди.


Анбиёларнинг энг аввалгиси Одам عليه السلام ва охиргиси Муҳаммад صلى الله عليه وسلم. Одам عليه السلامнинг нубуввати Қуръон билан собитдир.

Оллоҳ Таоло айтади:

وَعَصَى آدَمُ رَبَّهُ فَغَوَى ﴿١٧٦﴾ ثُمَّ اجْتَبَاهُ رَبُّهُ فَتَابَ عَلَيْهِ وَهَدَى ﴿١٧٧﴾

– „Одам Парвардигорига осий бўлиб, йўлдан озди. Сўнгра Парвардигори уни танлаб, Ўзига яқин қилиб, тавбасини қабул этди“.
[20:121-122]

Танлади сўзининг маъноси набийлик учун ажратиб олди демакдир. Бундан ташқари, Қуръон Оллоҳ уни буюриб, қайтарганига ишора қияпти. У айтади:


 وَقُلْنَا يَا آدَمُ اسْكُنْ أَنْتَ وَزَوْجُكَ الْجَنَّةَ وَكُلَا مِنْهَا رَغَدًا حَيْثُ شِئْتُمَا وَلَا تَقْرَبَا هَذِهِ الشَّجَرَةَ

– „Ва айтдик: «Эй Одам, сиз жуфтингиз билан жаннатни маскан тутинг ва ундан хоҳлаган жойларингизда бемалол таомланинг. Фақат мана бу дарахтга яқинлашманг»“.
[2:35]

Унинг замонида бошқа набий бўлмаган эди. У ваҳй билан набийдир, набий - шариат ваҳй қилинган киши. Ҳар бир буйруқ ва қайтариқ шариатдир. Демак, унга ваҳй келган ва у набийдир. Бундан ташқари, унинг нубуввати Суннат билан ҳам собитдир. Имом Термизий Абу Саиддан ривоят қилган ҳадисда айтиладики: «Мен қиёмат кунда Одам фарзандларининг саййидиман, лекин бу фахр учун эмас, менинг қўлимда мақтов байроғи бўлади, бу ҳам фахр учун эмас, Одамдан тортиб ҳамма пайғамбарлар ҳам менинг байроғим остида бўлади». Яна саҳобалар ҳам Одамнинг набий эканлигига ижмо қилишган.

Аmmo Муҳаммад ﷺнинг нубувватига келсак, у киши нубувватни даъво қилдилар ва мўъжиза кўрсатдилар. У зотнинг нубувватни даъво қилганлиги қатъийликни ифодалайдиган тавотур йўли орқали билинган. Мўъжизани изҳор этганлиги эса у киши Оллоҳ Таолонинг каломини етказган ва етук адилларни баҳсга чорлаган. Улар бунга қаттиқ ҳаракат қилишлари билан бирга энг қисқа сурани келтиришдан ҳам ожиз қолишган. Ҳатто улар калом ва балоғат илмида етук бўлишлари билан бирга, унга бу йўл билан қарши чиқишдан ожиз бўлиб, қилич ва куч билан қарши чиқишга ўтишди. Уларнинг бирортасидан нақл йўлининг сабаблари тўла-тўқис ҳолда, бирорта сурани келтирганлари ривоят қилинмаган. Бу нарса Оллоҳ тарафидан эканлигига далил, шу билан Набий ﷺнинг нубувват даъволари ростлиги маълум бўлди.

Пайғамбарларнинг адади билинмаган, чунки Оллоҳ Таоло Расулulloҳ ﷺга айтадики:

 وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلًا مِنْ قَبْلِكَ مِنْهُمْ مَنْ قَصَصْنَا عَلَيْكَ وَمِنْهُمْ مَنْ لَمْ نَقْصُصْ عَلَيْكَ

– „Аниқки, Биз сиздан илгари (кўп) пайғамбарлар юборгандирмиз. Улардан Биз сизга ҳикоя қилиб берган кишилар ҳам бор, яна улардан Биз сизга ҳикоя қилмаган кишилар ҳам бордир“.
[40:78]

Агар баъзи ҳадисларда уларнинг сони ривоят қилинган бўлса-да, лекин пайғамбарлар саноғи ҳақида келган ҳадислар хабари оҳод бўлиб, уларнинг ақидада қиймати йўқ. Хабари оҳод усули фиқҳдаги жамики шартларни ўз ичига олган тақдирда, у фақат занни ифодалайди. Эътиқод бобида эса заннинг эътибори йўқ. Шунинг учун улар ҳақида Қуръони Каримда келган нарса билан кифояланади, чунки у қатъийдир. Уларнинг адади ҳақида

мутавотир ҳадисда келганлиги ривоят қилинмаган. Энди Қуръони Каримда зикр этилган пайғамбарларга келсак, Оллоҳ Таоло айтади:

وَتِلْكَ حُجَّتُنَا آتَيْنَاهَا إِبْرَاهِيمَ عَلَى قَوْمِهِ نَرْفَعُ دَرَجَاتٍ مَن نَّشَاءُ إِنَّ رَبَّكَ حَكِيمٌ عَلِيمٌ ﴿٨٦﴾
 وَوَهَبْنَا لَهُ إِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ كُلًّا هَدَيْنَا وَنُوحًا هَدَيْنَا مِن قَبْلُ وَمِن ذُرِّيَّتِهِ دَاوُودَ وَسُلَيْمَانَ
 وَأَيُّوبَ وَيُوسُفَ وَمُوسَى وَهَارُونَ وَكَذَلِكَ نَجْزِي الْمُحْسِنِينَ ﴿٨٧﴾ وَزَكَرِيَّا وَيَحْيَى وَعِيسَى
 وَإِلْيَاسَ كُلًّا مِّن الصَّالِحِينَ ﴿٨٨﴾ وَإِسْمَاعِيلَ وَإِسْحَاقَ وَيُوسُفَ وَلُوطًا وَكُلًّا فَضَّلْنَا عَلَى الْعَالَمِينَ
 ﴿٨٩﴾ وَمِن آبَائِهِمْ وَذُرِّيَّاتِهِمْ وَإِخْوَانِهِمْ وَاجْتَبَيْنَاهُمْ وَهَدَيْنَاهُمْ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ ﴿٩٠﴾ ذَلِكَ
 هُدَى اللَّهِ يَهْدِي بِهِ مَن يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ وَلَوْ أَشْرَكُوا لَحَبَطَ عَنْهُمْ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٩١﴾
 أُولَئِكَ الَّذِينَ آتَيْنَاهُمُ الْكِتَابَ وَالْحُكْمَ وَالنُّبُوَّةَ ﴿٩٢﴾

– „Мана шулар Иброҳимга қавми устида берган ҳужжатларимиздир. Биз Ўзимиз хоҳлаган кишиларни (мана шундай баланд) даражаларга кўтарурмиз. Албатта, Парвардигорингиз ҳикмат эгаси ва билгувчидир. Унга (Иброҳимга фарзандлари) Исҳоқ ва Яъқубни ҳадя этдик. Буларнинг барчаларини ҳидоят қилдик. Илгари Нухни ҳам ҳидоят қилган эдик. Унинг зурриётидан Довуд, Сулаймон, Айюб, Юсуф, Мусо ва Ҳорунни (ҳам ҳидоят қилдик). Чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлаймиз. Закариё, Яҳё, Ийсо ва Илёсни (ҳам ҳидоят қилдик). Барчалари солиҳ бандалардандир. Исмоил, ал-Ясаъ (Ювшаъ пайғамбар), Юнус ва Лутни (ҳам ҳидоят қилдик) ва барчаларини бутун оламлардан афзал қилдик. Уларнинг ота-боболаридан, зурриётларидан ва биродарларидан (кўпларини ҳам афзал қилдик). Ҳамда уларни сайлаб, тўғри йўлга ҳидоят қилдик. Бу Оллоҳнинг ҳидояти бўлиб, у билан бандаларидан Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Агар улар мушрик бўлганларида қилган амаллари беҳуда кетган бўлур эди. Ана ўша зотларга Китоб, Ҳикмат ва пайғамбарлик берганмиз“.

[6:83-89]

Яна айтади:

وَإِسْمَاعِيلَ وَإِدْرِيسَ وَذَا الْكِفْلِ كُلٌّ مِّن الصَّابِرِينَ ﴿٩٥﴾ وَأَدْخَلْنَاهُمْ فِي رَحْمَتِنَا إِنَّهُمْ مِّن
 الصَّالِحِينَ ﴿٩٦﴾

– „Исмоилни, Идрисни ва Зул-кифлни (эсланг). Барчалари сабр қилгувчи зотлардандир. Биз уларни Ўз раҳмат-жаннатимизга дохил қилдик. Дарҳақиқат, улар солиҳ зотлардандир“.

[21:85-86]

وَإِلَى مَدْيَنَ أَخَاهُمْ شُعَيْبًا ﴿٩٥﴾

– „Ва Мадйанга биродарлари Шуъайбни...“

[7:85]

وَإِلَى تَمُودَ أَخَاهُمْ صَالِحًا ﴿٩٧﴾

– „Ва Самудга биродарлари Солиҳни...“

[7:73]

وَإِلَى عَادٍ أَخَاهُمْ هُودًا ﴿٩٥﴾

– „Ва Одга биродарлари Ҳудни...“

[7:65]

وَقُلْنَا يَا آدَمُ اسْكُنْ أَنْتَ وَزَوْجُكَ الْجَنَّةَ

– „Ва айтдик: «Эй Одам, сиз жуфтингиз билан жаннатни маскан тутинг “, [2:35]

مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ وَالَّذِينَ مَعَهُ أَشِدَّاءُ عَلَى الْكُفَّارِ رُحَمَاءُ بَيْنَهُمْ

– „Муҳаммад Оллоҳнинг пайғамбаридир. У билан бирга бўлган (мўмин)лар кофирларга қаҳрли, ўз ораларида (мўминлар билан) эса раҳм-шафқатлидирлар“, [48:29]

Ҳар бир пайғамбар Оллоҳ Таоло тарафидан хабар етказувчидир, чунки мана шу нарса нубувват ва рисолатнинг маъноси дир. Улар рисолат ва нубувват ботил бўлмаслиги учун одамларга рост сўзлаб, насиҳат қилганлар. Улар етказиш буюрилган нарсаларда ёлғон ва хатодан сақланганлар. Шунингдек, улар гуноҳ қилишдан ҳам холидирлар. Аммо пайғамбарлар ҳақида, уларнинг ёлғон сўзлаб, гуноҳ қилганликлари ҳақидаги ривоятлар эса оҳод йўли билан баён этилган бўлиб, уларнинг ҳеч қандай қиймати йўқ ва улар мардуддир. Аммо баъзи пайғамбарлар ҳақида Қуръонда келган нарсалар каби қатъий йўл билан нақл қилинган нарсалар эса бу нубувват ва рисолатдан олдин юз берган. Улар ҳақида бундай гап айтилиши мумкин, чунки улар рисолатдан олдин эмас, кейин маъсумдирлар. Улар жумласидан макруҳ сўз каби хилофул авло (афзал нарсага хилоф) қабилдаги нарсалар ёки мандубни тарк этиш ёки набий учун бошқаси афзал ҳисобланган мубоҳни ихтиёр қилиш, худди қатъий бўлмаган буйруқ ва қатъий бўлмаган қайтариқларга қарши чиқиш каби ишлар. Булар анбиё ва расуллар ҳақида жоиздир.

Пайғамбарларнинг бегуноҳлиги

Ислом ақидаси бу - Оллоҳга, фаришталарга, китобларга, расулларга, қиёмат кунига, қазо ва қадарнинг, яхшилиги ҳам, ёмонлиги ҳам, Оллоҳ Таоло тарафидан эканлигига иймон келтириш дейилса, бундан бошқа эътиқод қилиш вожиб нарсалар йўқ дегани эмас. Балки бу нарсалар ақиданинг асоси демакдир. Ақидага тааллуқли бошқа фикрлар ҳам борки, улардан бири пайғамбарларнинг бегуноҳлиги. У пайғамбарларга иймон келтиришга киради. Пайғамбарларнинг бегуноҳлигига далил самъий (нақлий) эмас, ақлийдир. Улар жўнатилган одамлар учун набийнинг нубуввати, расуллик рисолатининг исботи ақлий бўлиб, маҳсус мўъжиза билан исботланади. Пайғамбарларнинг бегуноҳлиги ақлий бўлиши лозим, чунки у набий ва расуллар нубувватининг исботи тақозо этадиган нарсалардандир, чунки набий ёки расул бўлиш Оллоҳ йўллаган нарсани етказишда маъсум (бегуноҳ)ликни тақозо этади. Агар бир масалада хато қилиши мумкин бўлса, ҳамма масалада мумкин бўлади. У ҳолда нубувват ва рисолатга путур этади. Бир шахснинг Оллоҳ тарафидан набий ёки расуллиги у Оллоҳ тарафидан етказаетган нарсада бегуноҳ бўлишини тақозо этади. Уларнинг бегуноҳлигига ишонмаслик улар олиб келган рисолатга, улар билан жўнатилган нубувватга кофир бўлишдир. Шунга қўра, ҳар бир набий ва расул етказишда хатодан маъсумдир. Чунки набий

ва расулларнинг сифати етказишда маъсумликдир. Бу эса ҳар бир набий ва расулда бўлишини ақл тақозо этадиган сифатлардандир.

Анбиё ва расуллар Оллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларига хилоф ишлардан поклиги, уларнинг гуноҳи кабиралардан маъсумлигига ақлий далил қойимдир. У гуноҳи кабирадан бутунлай йироқдир, чунки гуноҳи кабира қилиш маъсият (гуноҳ)дир. Тоат бўлинмагани каби гуноҳ ҳам бўлинмайди. Агар бирор ишни бажаришда гуноҳ қилиш жоиз экан, етказишда ҳам гуноҳга қўл уриш жоиз бўлиб қолади. Бу эса рисолат ва нубувватга зиддир. Шунинг учун набий ва расуллар худди етказишда маъсум бўлгани каби, гуноҳдан ҳам покдир. Аммо уларнинг гуноҳи сағиралардан маъсумлиги ҳақида уламолар ихтилоф қилишган. Улардан баъзилари уларни бу нарсадан маъсум эмас, чунки у маъсият саналмайди дейдилар. Баъзилар эса улар бу ишлардан маъсум, чунки гуноҳнинг каттаси ҳам, кичиги ҳам гуноҳ дейдилар. Ҳақиқат шуки, бажариш ёки тарк этиш шарт бўлган ҳамма нарсалар, яъни ҳамма фарз ва ҳаромларда улар маъсумдирлар, фарзларни тарк этишдан, ҳаром ишларни қилишдан, у нарса кабира бўладими, сағирами маъсумдирлар. Яъни ҳар бир гуноҳ дейиш мумкин бўлган нарсадан маъсумдирлар. Бундан бошқа макруҳлар, мандублар ва афзалининг хилофини қилиш каби ишларда эса улар маъсум эмаслар, чунки у нубувват ва рисолатга зид келмайди. Улар макруҳ ишларни қилиши, мандубларни тарк этиши жоиз, чунки бу ишлар учун гуноҳкор бўлмайди. Улар афзалнинг хилофини қилишлари жоиздир. Бу бир мубоҳнинг ўрнига бошқасини қилишдир. Чунки бу ҳамма жиҳатдан гуноҳга кирмайди. Бу ақл тақозо этадиган ва уларнинг анбиё ва расуллигига оид нарсадир.

Лекин уларнинг бу маъсумлиги ваҳй орқали расул ва набий бўлганларидан кейин юз беради. Аммо нубувват ва рисолатдан аввал эса ҳар қандай инсонга хос бўлган нарса уларга ҳам хосдир, чунки маъсумлик нубувват ва рисолат учундир.

Ваҳй

Ваҳй ақидага оид ишлардан бўлиб, мусулмон унга иймон келтириши вожибдир. Лекин ваҳйнинг далили ақлий эмас, нақлийдир. Чунки ваҳй ҳиссиётга алоқаси йўқ иш бўлиб, уни ақл исботлаши мутлақо мумкин эмас. Уни ақл орқали исботлашга уриниш кишини чалғитади. Унинг далили ақлий эмас, нақлийдир. Дарҳақиқат, Расулulloҳ ﷺ га ваҳй нозил бўлганлиги Қуръони Карим насси билан собитдир:

كَذَلِكَ يُوحِي إِلَيْكَ وَإِلَى الَّذِينَ مِنَ قَبْلِكَ اللَّهُ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿٤٢﴾

– „*Эй Муҳаммад), Қудратли ва Ҳикматли Оллоҳ сизга ва сиздан аввалги (пайғамбарлар)га мана шундай ваҳй қилур*“. [42:3]

Расулulloҳ ﷺ га нозил бўлган ваҳйнинг уч хил ҳолати мавжуд. Бу барча пайғамбарларга ваҳй келиш ҳолатларига ўхшаш, бундан бошқача усулда нозил бўлмайди. Оллоҳ Таоло бу ҳолатларни Қуръони Каримда аниқ баён қилиб:

وَكَذَلِكَ أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ رُوحًا مِّنْ أَمْرِنَا ﴿٥٢﴾

– „*Эй Мухаммад*), шундай қилиб (худди аввалги пайгамбарларга ваҳй қилганимиздек) Биз Ўз амримиз билан сизга руҳни ваҳй қилдик“, [42:52]

﴿٥٣﴾ وَمَا يَنْطَلِقُ عَنِ الْهَوَىٰ ﴿٥٣﴾ إِنْ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَىٰ ﴿٥٤﴾

– „*У (Мухаммад) ҳаводан гапирмайди, унинг гаплари ваҳйдан ўзга нарса эмас*“, [53:3-4]

﴿٥٥﴾ إِنَّا أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ كَمَا أَوْحَيْنَا إِلَىٰ نُوحٍ وَالتَّيِّبِينَ مِّنْ بَعْدِهِ ﴿٥٦﴾

– „*(Эй Мухаммад), албатта Биз Нуҳга ва ундан кейинги пайгамбарларга ваҳй юборганимиз каби сизга ҳам ваҳй юбордик*“, [4:163]

﴿٥٧﴾ وَأَتَّبِعْ مَا يُوْحَىٰ إِلَيْكَ وَأَصْبِرْ حَتَّىٰ يَحْكُمَ اللَّهُ وَهُوَ خَيْرُ الْحَاكِمِينَ ﴿٥٨﴾

– „*(Эй Мухаммад), сизга ваҳй қилинган нарсагагина эргашинг ва Оллоҳ Ўз ҳукмини чиқаргунча сабр қилинг. Ва У ҳукм қилгувчиларнинг энг яхшисидир*“, [10:109]

яъни Оллоҳ Таолонинг бирор киши билан гаплашиши фақат ваҳй орқали ёки парда ортдан эшиттирган ҳолда, ёки бирор элчини жўнатган ҳолда юз беради. Расулulloҳ ﷺ га нозил бўлган ваҳйнинг икки ҳолати бор. Бу ҳақда Расулulloҳ ﷺ дан сўралганда шундай жавоб берганлар: «Гоҳида худди қўнғироқнинг овозига ўхшаш овоз келарди, бу менга ваҳйнинг энг оғири эди, шунда мени қаттиқ титратарди ва мен уни англаб олардим, гоҳида эса фаришта менга одам сифатида гавдаланарди ва мен билан гаплашарди, мен эса унинг айтганларини уқиб олардим». Бу икки ҳолат қуйидагича:

Аввало, Расулulloҳга фаришта ҳеч қандай каломсиз ваҳйни етказиш юз берарди. Бу Расул ﷺ нинг қалбларига фаришта етказган ваҳй бўлиб, бунини Расулulloҳ ﷺ шундай баён қилганлар: «Албатта Руҳул Қудс қалбимга нафас урди, бирор киши ўз ризқини комил қилмагунича (тугатмагунча) ўлмайди. Оллоҳдан қўрқинлар, талабни чиройли қилинлар». Ёки Расулulloҳ ﷺ тушларида кўрардилар. У Оллоҳ тарафидан ваҳй бўлиб, уйғоқлик ёки уйқудаги ҳолларида ваҳй қилинарди. Уйғоқлик ҳолида бир нарса у кишига илҳом қилинарди, уйқудаги ҳолида бир нарса тушда кўрсатиларди, бу ҳам илҳомдир. Бу ҳақда Ойиша ﷺ шундай дейди: «Расулulloҳ ﷺ га энг аввалги ваҳй уйқуларидаги рост тушлар эди, у киши кўрган тушлар худди тонг нурига ўхшаб аниқ келарди, ёки Расулulloҳ ﷺ уни келганлигини ҳис қиларди, лекин у кишига зоҳир бўлмасди». Ойиша ﷺ дан ривоят қилинадикки, Ҳорис ибн Ҳишом ﷺ Расулulloҳ ﷺ дан сўради ва айтдики: «Эй Расулalloҳ, сизга ваҳй қандай келади?» Расулulloҳ ﷺ айтдиларки: «Гоҳида қўнғироқнинг товуши каби келади, бу ваҳйнинг менга энг оғири, шунда мени қаттиқ титратарди ва мен уни англаб олардим». Бу турлар, яъни илҳом орқали, уйқуда каломсиз махфий ҳолда келиш ва шунга ўхшашлар битта ҳолат бўлиб, Оллоҳ Таолонинг:

﴿٥٩﴾ إِلَّا وَحْيًا ﴿٦٠﴾

– „*Ваҳй орқали*“,

[42:51]

сўзига мансуб, луғатда ишора қилмоқ, илҳомлантирмоқ каби.

وَأَوْحَىٰ رَبُّكَ إِلَى النَّحْلِ

– „Парвардигорингиз асаларига ваҳй-амр қилди“, [16:68]
асаларига ваҳй қилиши унинг қалбига ташлаши ва билдиришидир.

Иккинчиси, фаришта тили билан келган нарса. Расулуллоҳ ﷺ бу нарса ваҳй фаришта эканини қатъий билганларидан кейин қулоқларига эшитиларди. Бу фаришта Жаброилдир. Оллоҳ айтади:

نَزَلَ بِهِ الرُّوحُ الْأَمِينُ عَلَىٰ قَلْبِكَ لِتَكُونَ مِنَ الْمُنذِرِينَ

– „Қуръонни Жаброил ﷺ огоҳлантирувчилардан бўлишингиз учун қалбингизга туширди“. [26:193-194]

Оллоҳ Таоло Жаброилни жўнатарди, Расулуллоҳ у билан гаплашардилар, унинг сўзини эшитиб, ёдлаб олардилар. Пайғамбар ﷺ айтадилар: «Гоҳида менга фаришта намоён бўларди ва мен билан гаплашарди, мен эса унинг айтганларини англаб олардим». Абу Ҳурайра айтади: бир кун Расулуллоҳ ﷺ одамлар олдига чиққанларида бир киши келди ва у кишидан: «Иймон нима?» деб сўради. Айтдиларки: «Оллоҳга, фаришталарга, Оллоҳга йўлиқишга, расулларига ва қайта тирилишга иймон келтирмоқ». У: «Ислоҳ нима?» деди: Айтдиларки: «Оллоҳга ибодат қилишинг, унга ширк келтирмаслигинг, намозни ўташинг, фарз қилинган закотни адо этишинг ва рамазонда рўза тутмоғингдир». «Эҳсон нима?» деди. Айтдиларки: «Оллоҳни кўриб турганингдек унга ибодат қилмоғинг, агар сен уни кўрмасанг ҳам, у сени кўради». «Қиёмат қачон?» деди. Айтдиларки: «Сўралувчи сўрагувчидан билгувчироқ эмас, лекин унинг шартлари ҳақида хабар бераман: Агар чўри ўз тарбиячисини тугса, подачилар ўз биноларини бир-биридан баланд қилишга мусобақа қилсалар, бешта нарса борки, уларни фақат Оллоҳ билади», сўнг набий ﷺ:

إِنَّ اللَّهَ عِنْدَهُ عِلْمُ السَّاعَةِ

– „Дарҳақиқат, ёлғиз Оллоҳнинг ҳузурдагина (қиёмат) соати (қачон бўлиши тўғрисидаги) билим бордир“, [31:34]

оятини тиловат қилдилар. Шунда ҳалиги одам чиқиб кетди. Расулуллоҳ ﷺ: «Уни қайтаринглар», дедилар. Лекин улар ҳеч кимни топа олишмади. Сўнгра: «Бу Жаброил, одамларга динларини ўргатгани келган», дедилар. Жаброил ﷺ келгани, Расулуллоҳ ﷺ билан гаплашгани ва Расулуллоҳ ﷺ унинг сўзини эшитганлари ҳақидаги хабарлар бир неча ҳадисларда зикр этилган. У Расулуллоҳга ваҳй қиларди. Ваҳй фаришта Расулуллоҳга маъноларни калом орқали етказишидир. Бу ваҳй ё лафз ва маъно билан бўларди бу Қуръони Каримга чекланган, ёки маъно ваҳй қилинарди, Расулуллоҳ эса ўз тарафларидан бўлган лафзлар ё феъл ёки сукут билан ифодаб берардилар, бу Суннатдир. Ҳадиси қудсий Суннатдан ҳисобланади. Чунки унинг маъноси Оллоҳ тарафидан, лафзи Расулуллоҳ ﷺ тарафларидан. Ҳадиси қудсийнинг лафзлари мутлақо Оллоҳ тарафидан бўлмайди. Чунки Оллоҳ тарафидан бўлган лафзлар мўъжизалиги исбот бўлган Қуръони Каримдир. Суннат илҳом қилинган ҳолда уйқуда ёки

қалбага тушиш билан бўлса-да, у шунингдек уйғоқлик ҳолатда ҳам ёки Жаброил Расулulloҳ билан сўзлашиши орқали ҳам бўларди. Аммо Қуръон фақат элчи орқалигина келган. Чунки унинг лафзлари Оллоҳ тарафидан. Дарҳақиқат, жуда кўп оятлар Қуръонни ваҳй орқали келганини баён қилади. Оллоҳ Таоло айтади:

وَكَذَلِكَ أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ قُرْآنًا عَرَبِيًّا ﴿٧﴾

– „Биз сизга мана шундай арабий Қуръонни ваҳй қилдик“, [42:7]

وَالَّذِي أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ مِنَ الْكِتَابِ هُوَ الْحَقُّ ﴿٨﴾

– „(Эй Мухаммад), Биз сизга ваҳй қилган Китоб - Қуръон ҳақ (Китобдир)“, [35:31]

وَأُوحِيَ إِلَيَّ هَذَا الْقُرْآنُ لِأُنذِرَكُمْ بِهِ وَمَنْ بَلَغَ ﴿٩﴾

– „Сизларни ва Қуръон етиб борган кишиларни (охират азобидан) огоҳлантиришим учун менга мана шу Қуръон ваҳй қилинди“, [6:19]

نَحْنُ نَقُصُّ عَلَيْكَ أَحْسَنَ الْقَصَصِ بِمَا أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ هَذَا الْقُرْآنَ ﴿١٠﴾

– „(Эй Мухаммад), Биз сизга ушбу Қуръон (сураси)ни ваҳй қилиш билан қиссаларнинг энг гўзалини сўйлаб берурмиз“, [12:3]

وَأَنْتَ مَا أَوْحِيَ إِلَيْكَ مِنْ كِتَابِ رَبِّكَ لَا مُبَدَّلَ لِكَلِمَاتِهِ ﴿١١﴾

– „(Эй Мухаммад), сиз фақат ўзингизга ваҳй қилинган Парвардигорингизнинг Китоби - Қуръоннигина тиловат қилинг! Унинг (Оллоҳнинг) сўзларини ўзгартирувчи йўқдир“. [18:27]

Гоҳида ваҳй ҳақидаги оятлар умумий бўлиб, Суннатни ҳам ўз ичига олади. Оллоҳ Таоло айтади:

وَإِنْ اهْتَدَيْتُمْ فِيمَا أُوحِيَ إِلَيَّ رَبِّي ﴿١٢﴾

– „Агар ҳидоят топсам, у ҳолда Парвардигорим менга ваҳй қилаётган (Қуръон) сабаблигина (ҳидоят топурман)“, [34:50]

إِنَّا أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ كَمَا أَوْحَيْنَا إِلَى نُوحٍ وَالنَّبِيِّينَ ﴿١٣﴾

– „(Эй Мухаммад), албатта Биз Нухга ва ундан кейинги пайғамбарларга ваҳй юборганимиз каби сизга ҳам ваҳй юбордик“, [4:163]

اتَّبِعْ مَا أَوْحِيَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ ﴿١٤﴾

– „(Эй Мухаммад), Парвардигорингиздан сизга ваҳй қилинган нарсаларга эргашинг!“ [6:106]

Ваҳйнинг бу икки ҳолатда келганлиги ҳақида жуда кўп хабарлар бор. Аммо учинчи ҳолат, яъни:

أَوْ مِنْ وَرَاءِ حِجَابٍ ﴿١٥﴾

– „Ё бирон парда-тўсиқ ортидан“, [42:51]

оятдаги ҳолат сайидимиз Мусо عليه السلام билан юз берган. Ваҳйнинг бундай ҳолати ҳақида ишора қилувчи оят воқеси шундан иборатки, Оллоҳ худди тўсилган киши баъзан ўзининг хос кишилари билан сўзлашганидек набийга парда ортидан сўзлашишидир. Бу эса Мусо عليه السلام билан Оллоҳнинг

сўзлашгани каби. Бундай ҳолат Расулulloҳ ﷺ билан фақат битта ҳолатда, саҳиҳ ҳадисда келган Исро ва Меърож ҳодисаларидагина бўлган. Бу ҳақда «Нажм» сураси оятларида ишора қилиб айтадики:

عَلَّمَهُ شَدِيدُ الْقُوَى ﴿٥﴾ ذُو مِرَّةٍ فَاسْتَوَى ﴿٦﴾ وَهُوَ بِالْأُفُقِ الْأَعْلَى ﴿٧﴾ ثُمَّ دَنَا فَتَدَلَّى ﴿٨﴾ فَكَانَ قَابَ قَوْسَيْنِ أَوْ أَدْنَى ﴿٩﴾ فَأَوْحَىٰ إِلَىٰ عَبْدِهِ مَا أَوْحَىٰ ﴿١٠﴾

– „Унга (бу ваҳйни) бир кучга тўлган, соҳиби қудрат (яъни Жабронил الجنّات) таълим бермишдир. Бас, у (аввал) юксак уфқда (кўриниб), тик турди. Сўнгра яқинлашиб, пастлади. Бас, (Муҳаммад ﷺ га) икки камон оралиғида ё (ундан-да) яқинроқ бўлиб, (Оллоҳ) ўз бандаси (Муҳаммад ﷺ) га туширган ваҳйни келтиради“.

[53:5-10]

Исро ва Меърож ҳодисасидан бошқа ҳолатда ваҳй Расулulloҳ ﷺ га илҳом ҳолида ёки элчи орқали нозил бўларди. Қандай бўлса ҳам, ваҳйнинг ҳаммаси ҳужжатдир. Масалан, Расулulloҳга фариштанing калом ёки ишора билан хабар бериши очиқ ваҳй, илҳом, туш ҳам очиқ ваҳй, Оллоҳning Расулulloҳга гапириши ҳам ваҳй турларидандир. Бу ваҳйлар субути қатъий, далолати қатъий нусусларда келгани учун қатъий ҳужжатдир.

Расулulloҳ ҳақларида мужтаҳид бўлган дейиш жоиз эмас

Саййидимиз Муҳаммад ﷺ баъзи бир ҳукмларда ижтиҳод қилганлар ва ўз ижтиҳодларида хатога йўл қўйганлар, сўн Оллоҳ Таоло бу хатони тўғрилаб қўйган, деган сўз саййидимиз Муҳаммад ﷺ одамларга шариатни ваҳй орқали эмас, ўз ижтиҳодлари орқали етказганлар ва улар Ислom шариатидан одамларга етказган баъзи нарсаларда маъсум эмаслар, деган маънони англатади. Бу ақлан ва нақлан ҳам ботил сўздир. Чунки саййидимиз Муҳаммад ﷺ набий ва расул бўлиб, бошқа анбиё ва расуллар каби Оллоҳ тарафидан етказётган нарсаларида хатодан холидир. Бунга ақлий далил ишора қилади. Бунинг устига, субути ва далолати қатъий бўлган шаръий далиллар рисолатни куллиётларию, жузъиётларини етказиш ваҳй орқали бўлганлигини баён қилади. Расулulloҳ ﷺ ҳукмларни фақат ваҳй орқали етказардилар. Оллоҳ Таоло «Анбиё» сурасида айтади:

قُلْ إِنَّمَا أُنذِرُكُمْ بِالْوَحْيِ ﴿١٥﴾

– „Айтинг: «Мен сизларни фақат ваҳй билан қўрқитиб-огоҳлантирурман»“, [21:45] яъни мен сизларни огоҳлантиришим ваҳйга боғлиқ. «Нажм» сурасида айтади:

وَمَا يَنْطِقُ عَنِ الْهَوَىٰ ﴿٢٦﴾ إِنْ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَىٰ ﴿٢٧﴾

– „Ва у (сизларга келтираётган Қуръонни) ўз ҳавойи-хоҳиши билан сўзламас. У (Қуръон) фақат (Оллоҳ томонидан пайғамбарга) ваҳй қилинаётган (туширилаётган) бир ваҳдир“.

[53:3-4]

Бу ердаги сўзламас калимаси умумий лафзлардан бўлиб, Қуръон ва Суннатни ўз ичига олади. Уни Қуръонга хослайдиган нарса китобда ҳам, Суннатда ҳам келмаган. Демак, у умумийлигича қолади. Яъни ҳамма

ҳукмлар ҳақида гапирган нарсаси ваҳидир. Гапирган нарсасини фақат Қуръонга хослаш дуруст эмас. Балки у Қуръон ва Ҳадисни ўз ичига олган умумий ҳолатда қолиши лозим.

Аммо Оллоҳ Таоло тарафидан етказган нарсасини қонунчилик ва ундан бошқа аҳкомлар, ақидалар, фикрлар ва қиссаларга хослаш, уни зироат, саноат, илм ва бошқа-бошқа дунё ишлари, услублар ва воситаларни ўз ичига олмаслиги икки иш билан бўлади: биринчиси бошқа наслар ваҳйни қонунчиликка хослаб келган. Масалан, Расулуллоҳ ﷺ хурмони чанглатиш хусусида айтдиларки: «Сизлар дунё ишларингизни билувчироқсизлар». Бадр жангида улар тушаётган жой ҳақида бу Оллоҳ тарафидан ваҳйми ёки раъй, уруш ҳийласими, деб сўрашганда, «Бу раъй, уруш хийласи», деб айтдилар. Бу нусуслар ваҳйни дунё ишларидан бошқага ва уруш, раъй, ҳийла кабилардан бошқа нарсага боғляпти. Иккинчиси ваҳйни ташриъ, ақида, ҳукм ва бошқа нарсаларга боғляётган нарса - баҳс мавзусидан равшан кўриниб турибди. Бу шундан иборатки, у киши расулдир, баҳс эса бошқа нарсада эмас, жўнатилган нарса ҳақида боряпти. Демак, сўзнинг мавзуси - хословчи нарса. Умумий сийға умумийлигича қолади. Лекин бу умумийлик шу умумлик келган баҳс мавзусида бўлади, ҳамма мавзунни ўз ичига олмайди. Тўғри ибрат - лафзнинг умумийлигида, сабабнинг хослигида эмас. Лекин сабабдан мурод Қуръон у сабабли юз берган ҳодиса. Демак, мавзу унга хос эмас, балки барча ҳодисаларни ўз ичига олади. Лекин ҳамма мавзуларни эмас, фақат шу сўзнинг мавзуларини. Ваҳй баҳсининг мавзуси огоҳлантириш ҳақида, яъни қонунчилик ва ҳукмлар ҳақидадир. Оллоҳ Таоло айтади:

قُلْ إِنَّمَا أُنذِرُكُمْ بِالْوَحْيِ ﴿٤٥﴾

– „Айтинг: «Мен сизларни фақат ваҳй билан қўрқитиб-огоҳлантирурман»“.

[21:45]

Бу оятлар баён қиладики, мақсад у олиб келган ақида, ҳукмлар ва ҳар бир етказиш, огоҳлантириш, буюрилган нарсадир. Шунинг учун услубларни, инсон табиатидан бўлган табиий феълларни, юриш, гапириш, ейиш ва бошқа ишларни ўз ичига олмайди. Ваҳй ақида, шаръий ҳукмларга хосланади, ақида ва ҳукмларга кирмайдиган восита ва услублар каби нарсаларни ўз ичига олмайди. Шунга кўра, Расулуллоҳ ﷺ га етказиш буюрилган бандаларнинг феъллари, фикрларига тааллуқли ҳар бир нарса Оллоҳ тарафидан бўлган ваҳидир.

Ваҳй Расулуллоҳ ﷺ нинг сўзлари, феъллари ва сукутларини ўз ичига олади ва биз унга эргашишга буюрилганмиз. Оллоҳ Таоло айтади:

وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا ﴿٧﴾

– „Пайғамбар ўзи сизларга келтирган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсдан қайтинглар“.

[59:7]

لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ ﴿٣٣﴾

– „Сизлар учун Оллоҳнинг пайғамбаридида гўзал намуна бордир“.[33:21]

Демак, Расулulloҳ ﷺнинг каломлари, феъллари ва сукутлари шаръий далил бўлиб, улар ҳаммаси Оллоҳ тарафидан ваҳидир.

Саййидимиз Муҳаммад ﷺ Оллоҳ тарафидан келган бу ваҳйни етказар ва ишларни ваҳйга мувофиқ муолажа қилар, ваҳйдан мутлақо ташқарига чиқмасдилар.

Оллоҳ Таоло «Аҳқоф» сурасида шундай дейди:

﴿٤٦﴾ إِنَّ أَتَّبِعُ إِلَّا مَا يُوحَىٰ إِلَيَّ

– „Мен фақат ўзимга ваҳй қилинадиган нарсага эргашурман“, [46:9]
Ва «Аъроф» сурасида дейди:

﴿٢٠٢﴾ إِنَّمَا أَتَّبِعُ مَا يُوحَىٰ إِلَيَّ مِنْ رَبِّي

– „Мен фақат Парвардигоримдан келган ваҳйга эргашурман“. [7:203]

Эргашишни уларга фақат раббилари тарафидан келган нарсага боғляптилар. Булар ҳаммаси умумийдир. Демак, Расулulloҳ ﷺ етказиши буюрилган ҳар бир нарса фақат ваҳидир. Одамларга ҳукмларни баён қилишдаги Расулulloҳнинг ташриъий ҳаётлари мана шу асосда бўлган эди. Расулulloҳ ﷺ зиҳор ва лион (гувоҳ бўлмаганда эр ва хотин агар ёлгон гапирсам Оллоҳни лаънати бўлсин, деб қасам ичиши) каби кўп ҳодисаларга тааллуқли ҳукмларни айтишда ваҳйни кутардилар. Бирор масалада қандай ҳукм келган ёки бирор ташриъий ишда сукут сақланган бўлса, булар ҳаммаси Оллоҳ Таоло тарафидан ваҳидир. Гоҳида саҳобаларга ҳам бандаларнинг феъллари ҳақидаги ҳукмлар шу нарса ҳақидаги раъй ёки восита, услублар билан аралашиб кетарди. Натижада улар дарҳол: «Бу ваҳйми, ё Расулаллоҳ, ёки раъй-маслаҳатми?» деб сўрардилар. Агар уларга бу ваҳй дейилса, сукут қилишарди. Чунки бу нарса ўзи тарафидан эмаслигини билишарди. Агар уларга бу раъй ва маслаҳат дейилса, у киши билан баҳслашардилар. Кўпинча, худди Бадр, Ҳандақ, Уҳуддаги каби уларнинг раъйига эргашардилар. Оллоҳ тарафидан бўлмаган нарсаларда уларга хурмони чанглатиш ҳақидаги ҳадисда келгандек: «Сизлар дунё ишларини билгувчироқсизлар», дердилар. Агар Расулulloҳ ﷺ ташриъда ҳам ваҳйсиз гапираверганларида, ҳукми айтиш учун ваҳйни кутмас эдилар. Саҳобалар ҳам бу сўзни ваҳйми ёки раъйми деб сўрашмаган бўлишарди. Чунки унда ўзларича жавоб бериб қўя қолардилар ва улар ҳам сўраб ўтирмай у ҳақда баҳслашишарди. Шунга кўра, Расулulloҳ ﷺнинг сўзлари, феъллари ва сукутлари ўз хоҳишлари билан эмас, Оллоҳнинг ваҳйи билан бўларди. Расулulloҳ ﷺ ҳеч қачон ижтиҳод қилмаганлар. У кишининг ижтиҳод қилишлари шаръан ҳам, ақлан ҳам жоиз эмас. Шаръан олиб қаралса, очиқ оятлар унга тааллуқли нарсаларни ваҳйга боғлашдан далолат берапти. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿٤٥﴾ قُلْ إِنَّمَا أُنذِرُكُمْ بِالْوَحْيِ

– „Айтинг: «Мен сизларни фақат ваҳй билан қўрқитиб-огоҳлантирурман“, [21:45]

﴿٤٦﴾ إِنَّ أَتَّبِعُ إِلَّا مَا يُوحَىٰ إِلَيَّ

– „Мен фақат ўзимга ваҳй қилинадиган нарсага эргашурман“, [46:9]

– „Ва у (сизларга келтираётган Қуръонни) ўз ҳавойи-хоҳиши билан сўзламас“.

[53:3]

Ақлан олиб қаралса, Расулуллоҳ ﷺ жуда кўп ҳукмларда баён қилишга қаттиқ эҳтиёж бўлса ҳам, ваҳйни кутганлар. Ижтиҳод жоиз бўлганда ҳукми кечиктириб ўтирмасдилар. Бу нарса у киши ижтиҳод қилмаганларини, уларга ижтиҳод жоиз эмаслигини кўрсатади. Агар жоиз бўлганда ҳукмга муҳтож бўла туриб, уни кечиктирмасдилар. Бундан ташқари, Расулуллоҳ ﷺ эргашиш вожиб бўлган шахс. Агар ижтиҳод қилсалар, у кишига ҳам хато мумкин бўларди. Агар хато қилсалар ҳам бизга эргашиш вожиб бўлиб, хатога эргашишга тўғри келарди, бу эса ботилдир. Бундан ташқари, Расулуллоҳ ﷺ етказишда хатодан маъсумдилар. Етказишда мутлақо хато қилиши мумкин эмас. Чунки Расулуллоҳ хатонинг жоиз бўлиши рисолат ва нубувватга зид. Рисолат ва нубувватга иқдор бўлиш Расулуллоҳга хато жоиз эмаслигини, етказишда ҳам хато қилмасликни вожиб қилади. Шунинг учун Расулуллоҳ ﷺ Оллоҳ тарафидан етказаетган нарсаларида хато қилишлари жоиз эмас. Шунга кўра, Расулуллоҳ ﷺ га ижтиҳод мутлақо жоиз эмас. Сўз, феъл, сукут билан етказган ҳар бир ҳукмлари Оллоҳ тарафидан бўлган ваҳидан ўзга нарса эмас.

Бу ўринда Оллоҳ Таоло кишининг хато қилишига йўл қўймайди ва тезда буни баён қилади, деб бўлмайди. Чунки ижтиҳод пайтида Расулуллоҳ ﷺ тарафларидан хато юз берса, то унинг баёни келгунча мусулмонлар унга эргашиши вожиб бўлади. Бу баён аввалги ҳукмдан бошқа, янги ҳукми ва аввалгисини тарк этишга буюриши хатодир. Бу ботил нарса. Оллоҳ бандаларни хатога, сўнг уни тарк қилишга ва тўғрисига эргашишга буюриши Оллоҳнинг шаънига муносиб эмас. Шунингдек, Расулуллоҳ ﷺ ҳам бир ҳукми етказиб, сўнг уларга бу хато, чунки у мен тарафимдан эди, тўғриси Оллоҳ тарафидан келган мана бу дейишлари мумкин эмас.

Бу шаръий ишга ақлий далил дейиш жоиз эмас, чунки шаръий ишнинг далили шаръий бўлиши керак. Далили шаръий бўлиши вожиб иш фақат шаръий ҳукмдир. Аммо ақиданинг далили ақлий ва шаръий бўлади. Расулуллоҳ ﷺ мужтаҳид бўлган ёки бўлмаганликлари ҳақидаги мавзу ақидадан, шаръий ҳукмдан эмас. Демак, унинг далили ҳам ақлий, ҳам шаръийдир. Расулуллоҳ ﷺ нинг мужтаҳид бўлишлари жоиз эмаслиги ақлий далил билан ҳам, шаръий далил билан ҳам собитдир ва у ақидадандир.

Расулуллоҳ ﷺ бир неча ҳукмларда ижтиҳод қилганлар, Оллоҳ Таоло у кишини ижтиҳодларида барқарор этмай, тузатган ва тўғри ҳукми кўрсатувчи оятларни нозил қилган, дейилмайди. Чунки Расулуллоҳ ﷺ тарафларидан Оллоҳнинг ҳукмларидан бирор ҳукми етказишда ижтиҳод содир бўлмаган. Балки Қуръон насси ва саҳиҳ Суннат билан собитки, Расулуллоҳ ﷺ қонунни, ақидаларни, аҳкомларни фақат ваҳй орқали етказардилар. Бирор воқеага ваҳй тушмаса, ваҳй тушгунича кутардилар.

Аммо Расулulloҳ ﷺ феълан ижтиҳод қилганлар деб келтираётган ва ижтиҳод содир бўлган, деб ўйлашаётган оятларнинг бирортасида ҳам ижтиҳод мавжуд эмас. Масалан, Оллоҳ Таолонинг:

مَا كَانَ لِنَبِيٍّ أَنْ يَكُونَ لَهُ أَسْرَى حَتَّى يُفْجِنَ فِي الْأَرْضِ ﴿٦٧﴾

– „Бирон пайғамбар учун то ерда ғолиб бўлмагунича, асир олиш жоиз эмас эди“, [8:67]

عَفَا اللَّهُ عَنْكَ لِمَ أَذِنَتْ لَهُمْ ﴿٤٣﴾

– „(Эй Муҳаммад), Оллоҳ сизни авф қилди. (Лекин) нима учун уларга изн бердингиз?“ [9:43]

وَلَا تُصَلِّ عَلَىٰ أَحَدٍ مِنْهُمْ مَاتَ أَبَدًا وَلَا تَقُمْ عَلَىٰ قَبْرِهِ ﴿٩٤﴾

– „Улардан биронтаси ўлса, зинҳор унинг (жаноза) намозини ўқиманг ва қабри устига ҳам бориб турманг!“ [9:84]

عَبَسَ وَتَوَلَّىٰ ﴿٢﴾ أَنْ جَاءَهُ الْأَعْمَىٰ ﴿١﴾

– „У (пайғамбар ﷺ) ўзининг олдида кўзи ожиз киши келгани учун қош чимирди ва (ундан) юз ўгирди“. [80:1-2]

Бу каби оят ва ҳадислар ҳукм ва уни одамларга етказишда ижтиҳод қабилида эмас. Балки у Расулulloҳ ﷺ бажаришлари афзал бўлган бир ишни бажармаганлари учун итоб (танбех) маъносидадир. Чунки Расулulloҳ ﷺ одамларга муайян бир ҳукми етказиб, сўнг унинг хатолигини баён этувчи оят келиб, бу нарса ҳақидаги тўғри ҳукми етказиш талаб қилиниши юз бермаган. Балки ишнинг воқеси шундан иборатки, албатта Расулulloҳ ﷺ ваҳй бўлган Оллоҳнинг ҳукмларини амалда татбиқ қилганлар ва одамларга етказганлар. Натижада Расулulloҳ ﷺ мана шу ҳукмга мувофиқ бажаришлари лозим бўлган амалнинг афзалига хилоф иш тутганлар. Шунинг учун танбех берилган. Лекин бу танбех янги ҳукм учун ташриъ эмас. Ҳукм ташриъ бўлган ва унга амал қилиш буюрилган эди. Расулulloҳ ﷺ уни одамларга етказган эдилар. Бу оятлар юз берган воқеаларда Расулulloҳ ﷺ Оллоҳ буюрган нарсага мувофиқ амални бажарганлар. Оятлар Расулulloҳ ﷺнинг афзалига хилофини қилганлари учун танбехдир. Улар янги ҳукмлар учун ташриъ оятлари ҳам, ижтиҳодни тузатиш ҳам, ёки Расулulloҳ ﷺ ижтиҳод қилган ҳукмга хилоф бошқа ҳукм учун ташриъ ҳам эмас. Ваҳоланки, анбиё ва расулларга ақлан ҳам, шаръан ҳам афзалининг хилофини бажариш жоиздир. Чунки афзалининг хилофини бажаришнинг маъноси бир мубоҳ иш бўлиб, унинг баъзи амаллари баъзисидан афзалроқдир. Ёки бир мандуб иш бўлса, унинг баъзи амаллари баъзисидан афзал. Масалан, инсон шаҳарда ёки қишлоқда яшаши мубоҳ. Лекин ҳукм ишларини ва ҳокимларни муҳосаба қиладиган ишларни бажараётган киши учун шаҳарда яшаш қишлоқда яшашдан кўра афзалроқ. Агар у қишлоқда яшаса, афзалнинг аксини қилган бўлади. Садақани яширин ва ошкор ҳолатда бериш мандуб иш. Лекин уни яширин бериш ошкордан афзалроқ. Агар ошкор берса, афзалнинг аксини қилган бўлади. Расулulloҳ ﷺга ҳам афзалнинг аксини қилиши жоиз. Балки у кишига ҳар бир маъсият

саналмайдиган нарсани қилиш жоиз. Дарҳақиқат, у киши афзалнинг аксини қилдилар ва Оллоҳ Таоло шунинг учун танбеҳ берди. Улар келтираётган оятларни текширган киши бу оятларнинг мазмуни ва далолатлари мана шундан далолат бераётганини кўради.

Масалан, Оллоҳ Таолонинг:

مَا كَانَ لِنَبِيِّ أَنْ يُكُونَ لَهُ أَسْرَى حَتَّىٰ يُثَبِّتَ فِي الْأَرْضِ ﴿٧٧﴾

– „Бирон пайғамбар учун то ерда голиб бўлмагунчи, асир олиш жоиз эмас эди“, [8:67]

ояти исхон (душманларни қириб заифлаштириш) бўлиб, аввал исхон ҳолати ўтиш шарти билан асир олиш шаръан ҳукм бўлган эди. Буни ушбу оят қувватлайди:

حَتَّىٰ إِذَا أَتَخْتَمُوهُمُ فَشَدُّوا الوَثَاقَ ﴿٤٤﴾

– „Энди қачон уларни(нг кўпларини) қириб (мағлуб қилганингиздан кейин уларни асир олиб) арқонлар билан боғлангиз!“ [47:4]

Асир олиш ҳукми қуйидаги:

مَا كَانَ لِنَبِيِّ أَنْ يُكُونَ لَهُ أَسْرَى ﴿٧٧﴾

– „Бирон пайғамбар учун асир олиш жоиз эмас эди“, [8:67]

оятида нозил бўлгани йўқ, балки бундан аввал «Қитол» сураси деб номланган «Муҳаммад» сурасида нозил бўлган. Бу сура «Анфол» сурасидан олдин келган. Ана шу «Қитол» сурасида асирлар ҳукми нозил бўлган. Оллоҳ Таоло айтади:

فَإِذَا لَقِيتُمُ الَّذِينَ كَفَرُوا فَضَرْبَ الرِّقَابِ حَتَّىٰ إِذَا أَتَخْتَمُوهُمُ فَشَدُّوا الوَثَاقَ فِيمَا مَنَّا بَعْدُ وَإِمَّا

فِدَاءً حَتَّىٰ تَضَعَ الحَرْبُ أوزَارَهَا ﴿٤٤﴾

– „Бас, (эй мўминлар), қачон сизлар (жанг майдонида) кофир бўлган кимсалар билан тўқнашганларингизда бўйинларига урингиз ўлдирингиз. Энди қачон уларни(нг кўпларини) қириб (мағлуб қилганингиздан кейин уларни асир олиб) арқонлар билан боғлангиз! Сўнг ё (уларни озод қилиб юбориш билан) марҳамат кўрсатурсизлар ё (уларни қўйиб юбориш учун) фидя-товон олурсизлар. Токи уруш юкларини қўйгунчи (яъни тўхтагунчи сизларга буюрилган иш) мана шудир“. [47:4]

Демак, асирлар ҳукми тушган ва:

مَا كَانَ لِنَبِيِّ ﴿١١٣﴾

– „Бирон пайғамбар учун мумкин эмас“, [9:113]

оятдан олдин маъруф эди. Бу оятда асирлар учун ҳеч қандай ташриъ нозил бўлгани йўқ. Балки Расулulloҳ ﷺ учун исхон қилмай туриб, асир олиш лозим эмаслигини билдирувчи хитоб бўляпти. Исхондан мурод - қатл қилиш ва қаттиқ кўрқитиш. Шубҳасиз, саҳобалар Бадр жангида жуда кўп кишини қатл қилиб, голиб бўлдилар. Исхоннинг шарти одамларнинг ҳаммасини ўлдириш эмас. Улар кўпчиликни қатл қилгандан кейин анчасини асир олдилар. Бу эса «Қитол» деб номланган «Муҳаммад» сурасидан ҳам, бу оятнинг ўзидан ҳам жоиз. Бу исхондан кейин асир

олишнинг жоизлигидан далолат беряпти, демак асир олиш аввалги оят ҳукми билан жоизлигига аниқ далолат бор. Расулуллоҳ ﷺ асир олаётган пайтларида асирлар ҳукмида ижтиҳод қилиб, сўнг оят келиб ижтиҳодларини тўғрилаб қўйгани йўқ. Расулуллоҳ ﷺга Бадра асир олиши ташриъ эдию, сўнг оят келиб унинг хатолиги баён қилингани йўқ. Шунингдек, асир олиш аввал тушган ҳукмга хилоф гуноҳ ҳам эмас. Лекин бу оят шуни кўрсатадики, бу ҳодисага, яъни Бадр жангига татбиқ қилаётганларида, исхон - ғанимларни ваҳимага солиш учун кўпроқ қатл этиш афзалроқ эди. Демак, оят Расулуллоҳ ﷺга бу ҳукмнинг афзалининг аксини татбиқ қилганлари учун танбеҳдир. Бу танбеҳ собиқ ҳукмнинг татбиқига бўляпти, янги ҳукмга ташриъ ва ижтиҳодни тўғрилаш эмас. Аммо оятнинг охиридаги Оллоҳ Таолонинг:

﴿ثُرِيدُونَ عَرَضَ الدُّنْيَا وَاللَّهُ يُرِيدُ الْآخِرَةَ وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ﴾

– „*Эй мўминлар), сизлар дунё нарсаларини истамоқдасиз. Оллоҳ эса охират (неъматлари сизларники бўлиши)ни истайди. Оллоҳ қудратли, ҳикматлидир*“, [8:67]

сўзи бу оятдаги танбеҳнинг якунидир. Яъни сизлар бу асирларни фидясини (қутилиш учун тўланадиган маблағ) олиш умидида исхонни тўла қилмай туриб асир олдинглар. Яъни, асир олиш орқали келадиган фидядан иборат бўлган дунё матосини олишга рағбат қилдинглар. Оллоҳ эса жангда уларни асир олиш билан эмас, қатл этиш билан ўз динини азиз қилишни истайди. Мавзу асир олиш ва унинг натижасида келадиган дунё матосидир, у фидя олишга танбеҳ эмас. Балки исхондан олдин асир олишга танбеҳ бўляпти. Бу аввал келган оятнинг якунловчи маъносидир. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿مَا كَانَ لِنَبِيٍّ أَنْ يَكُونَ لَهُ أَسْرَى حَتَّى يُنْجِنَ فِي الْأَرْضِ ثُرِيدُونَ عَرَضَ الدُّنْيَا وَاللَّهُ يُرِيدُ الْآخِرَةَ

﴿وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ﴾

– „*Бирон пайғамбар учун то ерда ғолиб бўлмагунича, асир олиш жоиз эмас эди. (Эй мўминлар), сизлар дунё нарсаларини истамоқдасиз. Оллоҳ эса охират (неъматлари сизларники бўлиши)ни истайди. Оллоҳ қудратли, ҳикматлидир*“. [8:67]

Аммо Оллоҳ Таолонинг:

﴿لَوْلَا كِتَابٌ مِنَ اللَّهِ سَبَقَ لَمَسَّكُمْ فِيمَا أَخَذْتُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ﴾

– „*Агар Оллоҳнинг ҳукми азалийсида (билмасдан қилган хатонни кечирishi) ёзиб қўйилмаганида эди, албатта сизларга товон олганинглар сабабли улуғ азоб етган бўлур эди*“, [8:68]

у баъзилар ўйлаётгандай фидя олгани учун азоб ҳақидаги ваъд (азобнинг хабари) эмас. Балки у исхонни тўла қилмай туриб, асир олиш оқибатида юз бериши мумкин бўлган натижанинг баёнидир. Яъни, у жангда мағлуб бўлиб қолиш ва кофирлар кўп мусулмонларни қатл қилишига сабаб бўлиши мумкинлигидир. Бу ерда улуғ азоб ҳақида гапириляпти. Оллоҳнинг азоби эмас. Яъни Оллоҳ сизларнинг ғолиб бўлишингизни ўз илмида қайд қилганда, кофирларни исхон қилишдан

аввал асир олганингиз учун душманлар тарафидан сизларга қатл ва мағлубият етган бўларди. Қуръони Карим азоб калимасини урушдаги қатлларга ҳам ишлатди. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿٩﴾ قَاتِلُوهُمْ يُعَذِّبُهُمُ اللَّهُ بِأَيْدِيكُمْ

– „Улар билан жанг қилинглар, (шунда) Оллоҳ уларни сизларнинг қўлингиз билан азоблайди.“ [9:14]

Унинг маъноси Оллоҳнинг азобини ифодаламайди. Чунки хитоб Расулуллоҳ ﷺ ва мўминлар учун умумийдир. Агар бу оят, уларнинг таъбири бўйича ижтиҳодни тузатиш деб эътибор қилинса, у Оллоҳ тарафидан бўлган азобга дахли йўқ, кечирилган хатодир. Агар унинг ҳақиқий воқеи афзалининг аксига танбеҳ деб эътибор қилинса, унга кўра Оллоҳ тарафидан бериладиган азобга ҳақли бўлмайди. Азоб Оллоҳ тарафидан эмас, балки душманингиз тарафидан қатл ва хорлаш этади, деган маънодадир. Аммо бу оятнинг нозил бўлиши ва қиссаси ҳақидаги ҳадислар эса оҳод хабар бўлиб, ақида учун далилликка ярамайди. Расулуллоҳ ﷺга ижтиҳоднинг жоиз ёки жоиз эмаслиги ақидадандир. Бундан ташқари, у Расулуллоҳ ﷺга нозил бўлган асирлар ҳукми ҳақидаги «Муҳаммад» сурасида келган қатъий нассга хилофдир. Ваҳоланки, ҳадислар саҳобалар ўз раъйларини билдирганликларига далолат қилади. Яна асирлар ҳукми шаръий ҳукмдир, Расулуллоҳ ﷺ у ҳақда ваҳйни кутадилар. У ҳақда асҳоблари билан маслаҳат қилмасдилар, сўнгра уларнинг маслаҳатлари бўйича иш тутсалару, кейин ваҳй тушиб уни тўғирласа, бу нарса баъзи ҳукмларни ваҳй билан эмас, шўро билан қонуний қилиб қўяди-ку. Шунинг учун бу икки оят ҳақидаги ҳамма ҳадислар диroyтан (мазмуний жиҳатдан) рад қилиниб, ҳужжат эътиборидан тушади.

Аммо Оллоҳ Таолонинг:

﴿١٣﴾ عَفَا اللَّهُ عَنْكَ لِمَ أَذِنْتَ لَهُمْ حَتَّىٰ يَتَّبِعَنَ لَكَ الَّذِينَ صَدَقُوا وَتَعْلَمَ الْكَافِرِينَ

– „(Эй Муҳаммад), Оллоҳ сизни авф қилди. (Лекин) нима учун то сизга ростгўй кишилар аниқ бўлиб, ёлғончиларни ҳам аниқ билгунингизча, (яъни уларнинг ёлғон қасамларига ишониб) уларга (жиҳодга чиқмаслик учун) изн бердингиз?!“ [9:43]

Бу нарса ижтиҳодга далолат қилмайди. Чунки у ҳукм бўлиб, Расулуллоҳ ﷺ хоҳлаган кишиларига изн беришлари мумкин. Бу оят тушишидан олдин «Нур» сурасида Оллоҳ Таоло айтади:

﴿١٦﴾ فَإِذَا اسْتَأْذَنُوكَ لِبَعْضِ شَأْنِهِمْ فَأُذِنْ لِمَنْ شِئْتَ مِنْهُمْ

– „Энди қачон улар сиздан баъзи бир ишлари учун изн сўрасалар, бас, улардан ўзингиз хоҳлаган кишиларга изн беринг.“ [24:62]

Дарҳақиқат, бу сура Хандақ жангидаги «Ҳашр» сурасидан сўнг нозил бўлди.

﴿١٣﴾ عَفَا اللَّهُ عَنْكَ

– „Оллоҳ сизни авф қилди“,

[9:43]

ояти «Тавба» сурасида келди. Бу сура ҳижратнинг тўққизинчи йилидаги Табук газоти ҳақида нозил бўлди. Ҳукм аввал маъруф эди. «Нур» сураси Расулulloҳ ﷺ учун уларга изн бериш жоизлигини очиқ баён қилиб келганди. Табук газоти ва қийинчиликда қўшин тўплаш ҳақидаги «Тавба» сураси нозил бўлган воқеада изн бермасликлари афзал эди. У киши уларга изн бергач, Оллоҳ мана шу иш учун танбех берди. Оят ижтиҳодни тузатиш ёки шу ҳодисада Расулulloҳ ﷺ ижтиҳод қилган ҳукмга хилоф янги ҳукм эмас эди. Балки афзалининг хилофини қилганликлари учун танбех эди.

Аммо Оллоҳ Таолонинг:

وَلَا تُصَلِّ عَلَىٰ أَحَدٍ مِّنْهُمْ مَاتَ أَبَدًا وَلَا تَقُمْ عَلَىٰ قَبْرِهِ إِنَّهُمْ كَفَرُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَمَأْوَاهُم

فَاسِقُونَ ﴿٩٤﴾

– „Улардан биронтаси ўлса, зинҳор унинг (жаноза) намозини ўқиманг ва қабри устига ҳам бориб турманг! Чунки улар Оллоҳ ва Унинг пайғамбарига кофир бўлдилар ва итоатсиз ҳолларида ўлдилар“, [9:84] сўзи Унинг:

فَإِنْ رَجَعَكُمُ اللَّهُ إِلَىٰ طَائِفَةٍ مِّنْهُمْ فَاسْتَأْذِنُوا لَلْخُرُوجِ فَقُلْ لَنْ تَخْرُجُوا مَعِيَ أَبَدًا وَلَنْ تُقَاتِلُوا

مَعِيَ عَدُوًّا إِنَّكُمْ رَضِيتُمْ بِالْقُعُودِ أَوَّلَ مَرَّةٍ فَاقْعُدُوا مَعَ الْخَالِفِينَ ﴿٩٥﴾

– „Энди агар Оллоҳ сизни (Табук жангидан) қайтариб, улардан бирон тоифага (рўбарў қилса) бас, улар сиздан (бундан буён бўладиган газотларга) чиқиш учун изн сўрасалар, айтингки: «Мен билан ҳаргиз чиқмайсизлар ва мен билан бирга бирон душманга қарши жанг ҳам қилмайсизлар. Чунки сизлар аввал-бошда чиқмай ўтиришга рози бўлдингиз, бас, яна қолгувчи кимсалар билан бирга ўтираверинглар».[9:83] сўзидан кейин келган. Оллоҳ Таоло оятда баён қиляпти:

فَإِنْ رَجَعَكُمُ اللَّهُ إِلَىٰ طَائِفَةٍ مِّنْهُمْ

– „Энди агар Оллоҳ сизни (Табук жангидан) қайтариб, улардан бирон тоифага (рўбарў қилса)“.

[9:83]

Уларни ёлғиз ташлаш хорлаш учун, тоинки жиҳод ва Расулulloҳ билан бирга чиқиш шарафига етмасликлари учун, Расулulloҳ ﷺ ни ўз газотида улар билан бирга чиқмасликка буюряпти. Ундан кейинги оятда бевосита:

وَلَا تُصَلِّ عَلَىٰ أَحَدٍ مِّنْهُمْ

– „... зинҳор унинг (жаноза) намозини ўқиманг“, [9:84]

уларни хорлаш ҳақида бошқа нарсани баён қиляпти. Бу нарса мунофиқларни йўқотиш учун бўлган ҳамла асносида бўляпти. Бу ва бундан аввалги ҳамда бундан кейинги оятлар мунофиқлар ҳукмини, уларни хорлаш, камситиш ва мўминлар даражасидан тушириш каби улар билан муомала қилиш кайфиятини баён этапти. Бу оятларда Расулulloҳ ﷺ ижтиҳод қилганлари ҳақида хабар берувчи бирор нарса йўқ. Ваҳоланки, оятлар унинг аксини кўрсатади. Бу бошиданоқ мунофиқлар ҳақидаги қонун эди. У шу суранинг ўзида такрор келган мунофиқлар ҳақидаги оят

билан чамбарчас боғлиқ. Унда далолат жиҳатидан ҳам, мазмун ва тушунча жиҳатидан ҳам ижтиҳодни тўғрилаш ёки хато учун танбеҳ эканлигига шубҳа уйғотадиган бирон нарса зоҳир бўлмапти. Аммо бу оятнинг нозил бўлиши ҳақидаги хабарлар оҳод хабарлар бўлиб, ақидага далил бўлмайди ва Расулulloҳ ﷺ ҳукмларни фақат ваҳй олиб келган нарсаларгагина боғлашлари, фақат ваҳйга эргашишлари ҳақидаги қатъий нассга зид келади. Бундан ташқари, ҳадислар баён қиладики, Умар ибн Хаттоб Расулulloҳ ﷺ ни уларга жаноза ўқишдан қайтаришга уринади. У киши Расулulloҳ ﷺ ни ҳукман шаръий қилинган феълдан қайтаришга интиляпти. Расулulloҳ ﷺ ундан сукут сақлайдилар, сўнг бу оят тушгандан кейин Умарнинг раъйига қайтадилар. Бу нарса Расулulloҳ ﷺ га бўҳтон. Бу ҳадисга амал қилиш Расулulloҳ ﷺ набий эканлигига зид. Шунинг учун бу ҳадис мазмун жиҳатидан рад қилинади. Ҳадисда Расулulloҳ ﷺ ўз кўйлақларини Абдуллоҳ ибн Убайга берганлари, у мунофиқларнинг бошлиғи бўлса-да, жаноза намоз ўқишни ирода қилганликларидан далолат берапти. Ваҳоланки, Абдуллоҳ ибн Убайни Оллоҳ Таоло Бани Мусталақ газотидан кейин шарманда қилган. Ўғли Расулulloҳ ﷺ нинг олдиларига келиб, агар Расулulloҳ ﷺ уни ўлдиришга қарор қилган бўлсалар, бу ишни ўзи бажаражагини айтади. Оллоҳ Таоло мунофиқлар сурасини Бани Мусталақ газотидан кейин нозил қилди. Унда Расули учун:

﴿هُمُ الْعَدُوُّ فَاحْذَرَهُمْ قَاتَلَهُمُ اللَّهُ أَنَّى يُؤْفَكُونَ﴾

– „Улар душмандирлар. Бас, улардан эҳтиёт бўлинг! Уларни Оллоҳ лаънатлагай! Қандай адашмоқдалар-а!“ [63:4]

﴿فَطَعَّ عَلَى قُلُوبِهِمْ﴾

– „Бас, уларнинг диллари муҳрлаб қўйилди“, [63:3]

﴿وَاللَّهُ يَشْهَدُ إِنَّ الْمُنَافِقِينَ كَذِبُونَ﴾

– „Оллоҳ у мунофиқларнинг шак-шубҳасиз ёлгончи эканликларига гувоҳлик берур“, [63:1]

деб айтиб, сўнгра Расулulloҳ ﷺ кўйлақларини мунофиқлар бошлиғига берадилар ва унга намоз ўқишмоқчи бўладилар. Умар эса бундан қайтаради. Бу гап оятларга зид. «Тавба» сураси «Мунофиқлар» сурасидан бир неча йил кейин тўққизинчи йилда нозил бўлган. Кўйлақ ҳақидаги ва бошқа ҳадислар Бани Мусталақ газотидан кейин мунофиқлар билан муомала қилиш воқеига ҳам, ундан олдин мунофиқлар ҳақида нозил бўлган оятларга ҳам зид келади. Шунинг учун бу жиҳатдан ҳам мазмунан рад этилади.

Аммо Оллоҳ Таолонинг:

﴿عَبَسَ وَتَوَلَّى ﴿١﴾ أَنْ جَاءَهُ الْأَعْمَى ﴿٢﴾ وَمَا يُدْرِيكَ لَعَلَّهُ يَزَكَّى ﴿٣﴾﴾

– „У (пайғамбар ﷺ) ўзининг олдида кўзи ожиз киши келгани учун қош чимирди ва (ундан) юз ўгирди. (Эй Муҳаммад), сиз қаердан билурсиз, эҳтимол у (сиздан ўрганадиган илму маърифати ёрдамида ўз гуноҳларидан) покланар.“ [80:1-3]

Бу ҳам ижтиҳодга далолат қилмайди. Чунки Расулulloҳ ﷺ даъватни ҳамма одамларга етказишга ва муслмонларга Исломдан таълим беришга буюрилганлар. Иккала ишни ҳам Расулulloҳ ﷺ ҳамиша бекаму-кўст бажаришлари керак. Абдуллоҳ ибн Умму Мактум Исломга кирган ва Исломдан таълим олган киши эди. У Расулulloҳ ﷺ олдиларига келганда, у киши Қурайшнинг катталари - Робианинг ўғиллари Утба ва Шийба, Абу Жаҳл ибн Ҳишом, Аббос ибн Абдулмутталиб, Умайя ибн Халаф, Валид ибн Муғираларни, улар туфайли бошқалар ҳам Исломга кириб қолиши умидида даъват қилардилар. Расулulloҳ ﷺ шу ҳолатда турганларида Умму Мактум у кишига: «Эй Расулаллоҳ, Оллоҳ сизга билдирган нарсалардан менга ҳам билдиринг ва ўқиб беринг», деди. Расулulloҳ ﷺ улар билан машгулликларини билмаган ҳолда шу сўзни яна такрорлади. Расулulloҳ ﷺ гапларини бўлганлигига аччиқлари келиб, пешоналарини тириштириб, ундан юз ўгирдилар. Шунда бу сура нозил бўлди. Расулulloҳ ﷺ Исломни етказишга ва ундан таълим беришга буюрилган эдилар. Исломни етказиш билан машғул бўлиб, шу таълимни талаб қилган кишидан юз ўгирдилар. У киши Умму Мактумнинг сўраган нарсасига жавоб беришлари афзалроқ эди. Лекин бундай қилмадилар, Оллоҳ ана шунинг учун танбех берди. Шу вақтда Расулulloҳ ﷺни Умму Мактумдан юз ўгиришлари яхши эмас эди. Оллоҳ Таоло афзалнинг аксини қилганлари учун танбех берди. Бу ерда ҳеч қандай ижтиҳод ҳам, ижтиҳодни тузатиш ҳам йўқ. Балки муайян воқега Оллоҳ ҳукмини татбиқ қилишда афзалига хилоф иш тутиляпти ва Оллоҳ Таоло мана шунга танбех беряпти.

Шунга қўра, юқоридаги оятларда Расулulloҳ ﷺ тарафидан ижтиҳод ҳосил бўлганлигига ҳеч қандай далолат йўқ. Чунки у киши Оллоҳ тарафидан етказаетган нарсаларда ижтиҳод қилганлари йўқ ва у зотга шаръан ҳам, ақлан ҳам ижтиҳод жоиз эмас. Демак, Расулulloҳ ﷺ ҳақларида мужтаҳид бўлган дейиш жоиз эмас. Балки булар ҳаммаси Оллоҳ тарафидан келган ваҳидир. Бу ваҳй ё лафз ва маъно билан бўлади, у Қуръони Каримдир, ёки фақат маъно орқали бўлади. Расулulloҳ ﷺ уни сўзлари ёки ҳукмга ишора қилган сукутлари ёки бирор ишлари билан ифодалаб берадилар. Буларнинг ҳаммаси Суннатдир.

ҚУРЪОНИ КАРИМ

Қуръон Муҳаммад ﷺга 23 йил давомида бўлак-бўлак ҳолда нозил бўлган. Қуръон ҳар хил тарзда, баъзан кетма-кет, баъзан узулиб-узулиб, яъни вақти-вақти билан нозил қилинган. Қуръоннинг бир дафъада эмас, балки бўлак-бўлак тушишининг ҳикматини Оллоҳ Таоло Қуръонда баён этган. Оллоҳ Таоло айтади:

وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا لَوْلَا نُزِّلَ عَلَيْهِ الْقُرْآنُ جُمْلَةً وَاحِدَةً كَذَلِكَ لِنُثَبِّتَ بِهِ فُؤَادَكَ

– „Қофир бўлган кимсалар: «(Нега) бу Қуръон унга (пайғамбар ﷺга) битта тўплам бўлган ҳолида нозил қилинмади?» - дедилар. (Эй Муҳаммад), Биз у Қуръон билан сизнинг дилингнизи устивор қилиш учун мана шундай бўлиб-бўлиб баён қилдик“.

[25:32]

Оллоҳ Таоло айтади:

وَقَرَأْنَا فَرَقَنَاهُ لِتَقْرَأَهُ عَلَى النَّاسِ عَلَى مُكْثٍ وَنَزَّلْنَاهُ تَنزِيلًا ﴿١٦﴾

– „Сиз Қуръонни одамларга аста-секин ўқиб беришингиз учун Биз уни бўлақларга бўлдиқ ва бўлиб-бўлиб нозил қилдиқ“, [17:106] яъни Қуръон секин аста ҳодисаларга мувофиқ ҳолда нозил қилинди. Демак, Қуръон пайғамбарнинг қалбини мустаҳкамлаш учун, инсонларга секин аста ўқиб бериш учун, ҳодисаларга мувофиқ ва саволларга жавоб бўлиш учун 23 йил давомида бўлақ-бўлақ ҳолда нозил қилинди.

Қуръон Муҳаммад ﷺга нозил бўлиши билан уни ёдлаб олишни, тери, қоғоз, суяк, хурмо пўстлоғига ёки силлиқ тошларга ёзиб қўйишни буюрар эдилар. Агар бирор оят нозил бўлса, бу оятни сурадаги ўз ўрнига қўйишга буюриб: «Мана бу оятни мана бу сурадаги фалон оятдан кейин қўйинглар», дердилар. Улар ўз ўрнига қўярдилар. Усмон رضي الله عنهдан ривоят қилинади: Пайғамбар ﷺга оятлар нозил бўлиши билан «Мана бундай дейилган сурага мана бу оятни қўйинглар», дердилар. Қуръон комил бўлиб, пайғамбар ﷺ вафот этгунларича Қуръон шу ҳолда нозил бўлди. Шунинг учун ҳам Қуръондаги ҳар бир суранинг ояти ҳозирги ҳолатдагидек тартибланиши тавқифийдир, яъни унинг тартибини пайғамбар ﷺ Жаброил عليه السلامдан, у киши эса Оллоҳдан ривоят қилгандир. Демак, Қуръоннинг тартиби Оллоҳ Таолодан тавқифий (белгиланган) тартибдир. Ислому уммати уни пайғамбаридан шу ҳолатда ўрганиб, бошқаларга айнан шундай етказган ва бунда ҳеч қандай ихтилоф йўқ. Суралардаги оятларнинг биз кўриб турган шаклдаги тартиби Расулulloҳ ﷺ буюрган, териларда, пўстлоқларда, тошларда ёзилган ва қалбларда сақланиб қолган тартибнинг ўзгинасидир. Шунга кўра, суралардаги оятлар тартиби Пайғамбар ﷺдан, Жаброил عليه السلامдан, Оллоҳ Таолодан тавқифий эканлиги аниқдир. Аммо сураларнинг бир-бирига нисбатан тартибланиши эса саҳобалардан ижтиҳод билан бўлгандир. Аҳмад ва Суннат асҳоблари ибн Аббосдан ривоят қилишади, буни ибн Ҳаббон ва Ҳоким ҳам саҳиҳ деб тасдиқлаган. Улар айтадиларки, Усмонга дедим: «Анфол» аввалги суралардан, «Бароа» эса кейинги суралардан бўлса, нега иккаласини бир-бирига яқин қўйиб, уларнинг ўртасига бисмиллаҳ калимасини ёзмадинглар ва уни кейинги ўринга қўйдинглар? Усмон айтдики: Расулulloҳ ﷺга кўпинча бир неча сура нозил бўларди, агар бирон нарса нозил бўлса, котиблардан бирини чақириб: «Мана бу оятларни «мана бундай дейилган» сурага қўйинглар», дердилар. «Анфол» сураси Мадинада тушган сураларнинг аввалгиларидан ҳисобланади. «Бароа» Қуръоннинг охириги сураларидан, унинг қиссаси «Анфол» қиссаларига ўхшаганлиги учун «Бароа»ни ҳам «Анфол»дан деб ўйлайман. Расулulloҳ ﷺ буни унданми, ундан эмасми, айтмасдан вафот этдилар. Саид ибн Жубайр ибн Аббосдан ривоят қилади, у киши айтадиларки: Пайғамбар ﷺ «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим» тушмагунча суранинг охирини билмасдилар. Яна бир ривоятда дейиладики, агар «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим» айтилса, сура тугагани аён бўларди. Булар сурадаги оятларнинг тартиби тавқифий эканлигига далолатдир. Пайғамбар ﷺ «Бароа»ни аниқ қилмаганлари учун Усмон رضي الله عنه ўз ижтиҳоди

билан, уни «Анфол»га қўшдилар. «Иқноъ» китобининг соҳиби нақл қилишича, ибн Масъуднинг «Мусҳаф»ида «Бароа»да басмала, яъни «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» мавжуд. Ривоят қилишларича, саҳобалар оятларнинг тартибида ихтилоф қилишмаган-у, лекин суралар тартибида ихтилофли мусҳафлар тузишган. Масалан, ибн Масъуднинг мусҳафи сураларнинг тартиби жиҳатидан Усманий мусҳафдан фарқ қилади. Унинг аввалида «Фотиҳа», кейин «Бақара», кейин «Нисо», кейин «Олий Имрон» бўлса, Усманий мусҳафда эса аксинча - аввалида «Фотиҳа», кейин «Бақара», кейин «Олий Имрон», кейин эса «Нисо»дир. Иккала мусҳаф ҳам нозил бўлган тартибда эмас. Айтишларича, Алий رضي الله عنهнинг мусҳафи сураларнинг нозил бўлиш тартиби билан тартибланган. Яъни, мусҳафни аввали «Иқро», кейин «Ал-Муддассир», «Нун», «Қалам», «Муззаммил», «Таббат», «Таквир», «Саббаҳа» ва ҳоказо. Маккий суралар давом этган, кейин эса Маданий суралар тартибланган. Буларнинг ҳаммасидан кўриниб турибдики, саҳобаларнинг бир-бирига нисбатан тартиби уларнинг ижтиҳоди билан тартибланган. Шунинг учун ҳам Қуръонни ўқиётганда ҳам, намозда ҳам, ўрганишда ҳам сураларни тартиб билан ўқиш вожиб эмас. Чунки Расулulloҳ صلى الله عليه وسلم тунда намоз ўқиётганларида «Нисо» сурасини «Олий Имрон»дан олдин ўқиганлар. Аммо Қуръонни тескари ўқишдан қайтарилган далилга келсак, битта сурадаги оятларни тескари ўқиш кўзда тутилган.

Жаброил عليه السلام Расулulloҳ صلى الله عليه وسلمга нозил бўлган Қуръоннинг ҳаммасини ҳар йили бир маротаба ўқиб берардилар. Расулulloҳ صلى الله عليه وسلم вафот этган йиллари эса Қуръоннинг ҳаммасини икки маротаба ўқиб бердилар. Ойиша رضي الله عنهاдан, у киши эса Фотима رضي الله عنهاдан ривоят қиладилар: Менга Расулulloҳ صلى الله عليه وسلم бир сирни айтдилар: «Жаброил عليه السلام менга Қуръонни ҳар йили бир маротаба ўқиб берарди, бу йил икки маротаба ўқиб берди, ажалим етганини кўряпман». Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади. Айтадиларки: «Расулulloҳ صلى الله عليه وسلمга ҳар йили бир маротаба Қуръон ўқиб бериларди, вафот қилган йиллари икки маротаба ўқиб берилди».

Жаброил عليه السلام Қуръонни ҳар йили бир марта ўқиб кўрсатарди, деганнинг маъноси оятларни бир-бирига нисбатан тартибини ва сурадаги оятлар тартибини ўқиб кўрсатишдир. Чунки Китобни ўқиб кўрсатди дегани унинг жумлаларини, сўзларини ва тартибини аниқ баён этишдир. Расулulloҳ صلى الله عليه وسلم вафот этган йиллари икки марта Қуръонни ўқиб кўрсатди, деганнинг маъноси оятларни бир-бирига нисбатан тартибини ва сурадаги оятлар тартибини ўқиб кўрсатди деганидир. Ҳадислардан сураларни бир-бирига нисбатан тартибини ўқиб кўрсатди деган нарса ҳам тушунилиши мумкин. Лекин оятларнинг тартиби ҳақида очиқ айтилган саҳиҳ ҳадислар борки, улар сураларнинг бир-бирига нисбатан тартибига ва сурадаги оятларнинг тартибига далолат қилади. Масалан, мана бу ҳадис: «Мана бу оятларни мана бундай дейилган сурага қўйинглар». Суралар Оллоҳ Таолонинг ҳукми билан Жаброил عليه السلام воситасида бошланиб, тамом бўларди. Ибн Аббосдан ривоят қилинади: «Расулulloҳ صلى الله عليه وسلم бисмиллаҳир роҳманир роҳийм тушгунича суранинг охири билмасдилар». Бошқа ривоятда: «Агар бисмиллаҳ нозил бўлса, сура тугаганини билишарди». Буларнинг ҳаммаси

«сурадаги оятлар тартиби, суралардаги оятларнинг саногӢ, шакли ҳамда жойлашиши Оллоҳ Таоло тарафидандир, яъни тавқифийдир». Ислоний уммат пайгамбаридан худди шундай ҳолатда етказган ва бу тавотур йўли билан собит бўлган. Аммо сураларнинг бир-бирига нисбатан тартибига келсак, буни «Қуръон ўқиб кўрсатилган» ҳадисидан тушуниб олсак бўлади, лекин бошқа ҳадисдан бунинг акси ҳам тушунилади. Умумл мўминин Ойиша ﷺдан ривоят қилинади: Ойиша онамизнинг олдига Ироқлик бир одам келиб сўради: «Кафаннинг қайси бири яхши?» Ойиша айтдиларки: «Ҳолингга вой бўлсин, сенга нима зарари бор?» У айтди: «Эй уммул мўминин, менга мусҳафингизни кўрсатинг». Ойиша онамиз: «Нима учун?» дедилар. У айтди: «Унга мувофиқ ҳолда Қуръонни тартиблаб оламан, чунки Қуръон ҳозир тартибсиз ўқилмоқда». Ойиша онамиз: «Қайси бирини олдин ўқисанг нима зарари бор? Биринчи бўлиб жаннат ва дўзах зикри бор муфассал суралар нозил бўлди. Одамлар Ислонга киргач, ҳалол ва ҳаром нозил бўлди. Агар биринчи бўлиб «Ароқ ичманглар» деган ҳукм тушганда, одамлар: «Ароқни ҳеч қачон ташлаёлмаймиз», дейишган бўларди. Агар биринчи «Зино қилманглар», ҳукми нозил бўлганда, улар: «Зинони ҳеч қачон ташлаёлмаймиз», дейишган бўлар эди. Мен кичкинагина қизча эдим, Расулulloҳ ﷺга Маккада мана бу оят тушган эди:

بَلِ السَّاعَةُ مَوْعِدُهُمْ وَالسَّاعَةُ أَذَىٰ وَأَمْرٌ

– „*Бугина эмас*), балки уларга (мангу азоб учун) ваъда қилинган вақт (Қиёмат) соатидир. У соат янада балолик, янада аччиқдир“.

[54:46]

«Бақара» ва «Нисо» суралари у кишининг олдидалигимда нозил бўлди. Кейин у кишига мусҳафни олиб чиқиб бердилар ва сура оятларини шунга биноан ёздирдилар». Мана бу ҳадис Қуръон жамланмаганлигидан далолат берапти. Агар бунга саҳобалар мусҳафи ҳар хиллигини ҳам қўшсак, бу нарса шундан далолат берадики, сураларнинг бир-бирига нисбатан тартиби саҳобалар иттифоқи билан бўлган.

Қуръонни жамлаш

Пайгамбар ﷺ вафот этган вақтларида Қуръоннинг ҳаммаси териларга, суякларга, тошларга ёки хурмонинг пўстлоқларига ёзилганлиги ва саҳобаларнинг қалбларида сақланиб қолганлиги аниқ далиллар билан исботланган. Расулulloҳ ﷺ бир ёки бир неча оятлар нозил бўлиши биланоқ уларни ҳузурларида дарҳол ёзиб қўйишга буюрардилар. Ваҳъининг ёзувчиларини Қуръондан бошқа нарсани ёзишдан қайтарардилар. Муслим ибн Масъуддан ривоят қилади, Расулulloҳ ﷺ айтдиларки: «Мендан Қуръондан бошқасини ёзманглар». Ваҳъ ёзувчилари ёзган нарсалар саҳифаларда жамланган эди. Оллоҳ Таоло айтади:

رَسُولٌ مِنَ اللَّهِ يَتْلُو صُحُفًا مُّطَهَّرَةً

– „*Оллоҳ томонидан юборилган пайгамбар (яъни Муҳаммад ﷺ) ичида энг тўғри ёзув-ҳукмлар бўлган покиза саҳифаларни (яъни Қуръонни) тиловат қилур*“,

[98:2]

яъни тўғри, одил ва ҳақ нарсалар ёзилган, ботилдан пок бўлган саҳифаларни ўқиб беради. Оллоҳ Таоло айтадики:

كَلَّا إِنَّهَا تَذْكِرَةٌ ﴿١١﴾ فَمَنْ شَاءَ ذَكَرْهُ ﴿١٢﴾ فِي صُحُفٍ مُّكْرَمَةٍ ﴿١٣﴾ مَرْفُوعَةٍ مُّطَهَّرَةٍ ﴿١٤﴾
بِأَيْدِي سَفَرَةٍ ﴿١٥﴾ كِرَامٍ بَرَرَةٍ ﴿١٦﴾

– „Албатта (Қуръон оятлари) бир панд-насиҳатдир. Бас, ким хоҳласа ундан панд-насиҳат олур. (У оятлар Оллоҳ наздида) азизу мукаррам, қадри баланд, покиза саҳифаларга; улуг, итоатли мирзолар (фаришталар) қўллари билан (Лавҳул маҳфуздан кўчириб битилгандир), [80:11-16]

яъни мана бу эслатма Оллоҳнинг наздида улуг бўлган қадри юксак, шайтонларнинг қулларидан покиза саҳифаларда тақводор мирзолар қўллари билан битилгандир. Расулulloҳ ﷺ мусаҳафнинг ичидаги ҳамма нарсани ўз ҳузурларида ёздириб кетдилар. Абдулазиз ибн Рофеъдан ривоят қилинади: У киши айтадики: «Мен ва Шаддод ибн Муаққал ибн Аббос ؓ олдига кирдик. Шаддод ундан сўради: Пайғамбар ﷺ бирон нарса қолдирдиларми? У киши: «Икки муқованинг орасидаги нарсадан бошқа нарса қолдирмадилар» дедилар. Айтадики: Муҳаммад ибн Ҳанафиянинг олдига кириб сўрагандим, икки муқова орасидаги нарса (Қуръон)дан бошқа нарсани қолдирмадилар, деди. Қуръондаги оятларнинг ҳаммаси Расулulloҳ ﷺга нозил бўлган вақтда, у кишининг ҳузурда саҳифаларда ёзиб қўйилганлиги ижмо билан исботлангандир. Пайғамбар ﷺ араблар ва бутун оламга ҳужжат бўлган ўз мўъжизаси Қуръондан хотиржам ҳолда вафот этдилар. Қуръоннинг оятлари йўқолиб кетишидан қўрқмадилар. Чунки Оллоҳ Таоло уни муҳофаза қилишини айтган. Оллоҳ Таоло айтади:

إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ ﴿١٩﴾

– „Албатта бу эслатма (Қуръон)ни Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, уни Ўзимиз сақлагувчимиз“. [15:9]

Бундан ташқари, бу оятларни пайғамбаримиз ўзларининг ҳузурларида ёздириб ва саҳобалар қалбларида сақланганлиги собит бўлган. Муслмонларга Қуръонни ёзишларига рухсат бергандилар. Шунинг учун саҳобалар Расулulloҳ ﷺнинг вафотларидан кейин Қуръонни битта китобда жамлашга ва ёзиб қўйишга муҳтож бўлмаганлар. Лекин муртадлар билан бўлган урушда кўп ҳофизли Қуръонлар вафот этди. Умар ؓ баъзи саҳифалар йўқолиши ва қорилар вафот этиши натижасида баъзи оятлар унутилиб кетишидан қўрқдилар ва ёзилган саҳифаларни жамлаш ҳақида ўйладилар. Бу фикрни Абу Бакр ؓга айтдилар. Шундан кейин Қуръонни жамлашга киришилди. Убайд ибн Сабoқдан ривоят қилинади: Зайд ибн Собит ؓ айтди: Аҳли Ямома қотиллик қилган куни Абу Бакр ؓ менга одам жўнатди. Борсам, Умар ибн Хаттоб ҳам у кишининг олдиларида экан. Абу Бакр ؓ: «Умар менга келиб: «Ямома кундаги ўлим ҳофизли Қуръонларнинг кўпини олиб кетди. Мен ўлим ҳар хил жойларда қориларнинг ҳаммасини олиб кетишидан қўрқаман, оқибат Қуръоннинг кўп қисми йўқолиб кетиши мумкин. Шунинг учун Қуръонни жамлаш керак деб ҳисоблайман», деди. Мен Умарга: «Расулulloҳ ﷺ қилмаган

ишни қандай қилмоқчисиз?» дедим. Умар: «Оллоҳга қасамки бу жуда яхши иш», деди. Оллоҳ менинг қалбимни бу ишга мойил қилгунча ва Умар ўйлаган нарсани тасаввур этмагунимча Умар мени ўз ҳолимга қўймади». Кейин Абу Бакр ﷺ менга: «Сиз биз ишонган оқил, ёш кишисиз, бундан ташқари Расулуллоҳ ﷺга келган ваҳйларни ёзгансиз, шунинг учун Қуръонни яхшилаб ўрганиб чиқиб, жамласангиз», дедилар. Оллоҳга қасамки, агар улар менга тоғни кўчиришни юклашганида, Қуръонни жамлашдан энгилроқ бўларди. Шундан кейин Қуръонни жамлашга киришдим. Қуръонни терилардан, хурмо пўстлоқларидан ва одамларнинг оғзидан йиғдим ва бу иш «Тавба» сурасининг охирини, яъни


 لَقَدْ جَاءَكُمْ رَسُولٌ مِّنْ أَنفُسِكُمْ عَزِيزٌ عَلَيْهِ مَا عَنِتُّمْ

– „*(Эй инсонлар), ахир сизларга ўзларингиздан бўлган, сизлар кулфат-машаққат чекишингиздан қийналувчи, сизларнинг (тўғри йўл - ҳақ динга келишингизга) ҳарис-ташна ва барча мўминларга марҳаматли, меҳрибон бўлган бир пайғамбар келди-ку*“, [9:128]

оятини то «Бароа»нинг охиригача Абу Ҳузайма ал-Ансорийдан топгунимча давом этди». Бу саҳифалар Абу Бакрда у вафот этгунича сақланди, кейин Умар ибн Хаттобда, сўнгра Умарнинг қизи Ҳафсада турди. Зайд ибн Собит ﷺ Қуръонни ҳофизлардан эшитиб, Расулуллоҳ ﷺнинг ҳузурларида ёзилган нарсалардан жамлади. Ҳатто бирор саҳифани фақат у Расулуллоҳ ﷺнинг ҳузурларида ёзилганлигига икки киши гувоҳлик бергандан кейингина қўшарди. Бундан ташқари, саҳифани унда иккита шарт топилсагина оларди. Биринчи - саҳифа саҳобалардан бирида ёзилган бўлиши, иккинчиси - саҳобаларнинг бири тарафидан ёдланган бўлиши. Ёзилган ва ёдланган оят саҳифага мувофиқ келсагина уни олар, акс ҳолда уни олмасди. Шунинг учун ҳам «Бароа» сурасининг охирини ўзи ва бошқалар худди шундай ёдларига келса ҳам, Абу Ҳузаймада ёзилган ҳолда топмагунича олишга иккиланди. Яхё ибн Абдурахмон ибн Ҳотибдан ривоят қилинди, у киши айтадики: «Умар ﷺ ўрнидан туриб, шундай деди: «Ким Расулуллоҳ ﷺдан Қуръондан бирон нарс олган бўлса, уни келтириб берсин». Кишилар Расулуллоҳ ﷺдан олган оятларни териларга ва пўстлоқларга ёзиб қўйишарди». Яхё айтадики, бирор кишидан, унга икки киши гувоҳликка ўтмагунча, бирор нарс қабул қилинмасди. Бу далиллардан кўриниб турибдики, Зайд ﷺ ўзи бу нарсани ёдлаганига қарамасдан, бирор киши уни эшитганлигига гувоҳ бўлмагунича ёзилганлигига ишонч ҳосил қилмасди. Зайд ўта эҳтиёткорлик юзасидан шундай қиларди. Қуръонни жамлаш - Расулуллоҳ ﷺ ҳузурларида ёзилган саҳифаларни икки муқова ўртасидаги битта китобга тартибга солиш билан бўлди. Чунки Қуръон саҳифаларда ёзилган бўлиб, тарқоқ ҳолда эди. Абу Бакр ﷺ уни бир жойга жамлади. Шунга биноан Абу Бакрнинг Қуръонни жамлашга буюриши, Қуръонни битта мусҳафга ёзиш эмас, балки Расулуллоҳ ﷺнинг ҳузурларида ёзилган саҳифаларни жамлашга буйруқдир. Бундан мақсад, Абу Бакр ﷺ Расулуллоҳ ﷺнинг ҳузурларида ёзилган ва ёдланган Қуръонни ўз ҳолида сақлаб қолиш эди. Бу саҳифалар Абу Бакр ҳузурларида эди, сўнгра Умарнинг ҳузурларида бўлди. Сўнгра Умарнинг

васиятига кўра Уммул мўминин Ҳафса бинт Умар ҳузурда бўлди. Бундан кўриниб турибдики, Абу Бакрнинг Қуръонни жамлаши Расулulloҳ ﷺ ҳузурларида ёзилган саҳифаларни жамлаш бўлган ва улар эҳтиёт қилиб сақланган. Қуръоннинг ўзи саҳобаларнинг қалбида сақланиб қолган.

Булар Абу Бакр ﷺнинг Қуръонни жамлашга нисбатан қилган ишлари. Аммо Усмон ﷺга нисбатан эса халифалигининг иккинчи ёки учинчи йили, яъни ҳижратнинг 25 йилида Мадинада унинг олдига Ҳузайфа ибн Ямон келди. Шом Ироқ аҳли билан биргаликда Арманистон ва Озарбайжоннинг фатҳида ғазот қилишарди. Ҳузайфа ﷺни уларнинг Қуръон ўқишдаги ихтилофи ташвишга солди. Шом аҳли Убай ибн Каъбнинг қироати билан ўқишларини кўрди. Улар аҳли Ироқ эшитмаган нарсани келтиришарди. Бу уларга нотаниш нарса эди. Ироқ аҳли Абдуллоҳ ибн Масъуднинг қироати билан ўқишларини кўрди. Икки киши «Бақара» сурасидан бир оятда ихтилоф қилиб қолди. Бир:

وَأْتُمُوا الْحَجَّ وَالْعُمْرَةَ لِلَّهِ

– „Ҳаж ва умрани Оллоҳ учун адо қилинглар“,
деб ўқиса, иккинчиси

[2:196]

وَأْتُمُوا الْحَجَّ وَالْعُمْرَةَ لِلْبَيْتِ

деб ўқирди. Ҳузайфа бундан ғазабланиб, икки кўзи қизариб кетди. Ҳузайфадан ривоят қилинади: «Аҳли Куфа ибн Масъуднинг қироати деса, Басра аҳли Абу Мусонинг қироати дерди. Оллоҳга қасамки, амирал мўмининнинг олдиларига борсам, албатта битта қироат қилишга буюраман» деди ва йўлга чиқди. Ибн Шаҳоб Анас ибн Моликдан ҳикоя қилади: «Ҳузайфа ибн Ямон Усмоннинг олдига келди, шу вақтда Шом аҳли Арманистон ва Озарбайжонни фатҳ қилишда Ироқ аҳли билан биргаликда ғазотда қатнашарди. У киши қироатдаги ихтилофдан қаттиқ ташвишланарди. Ҳузайфа Усмон ﷺга деди: «Эй амирал мўминин, мана бу уммат яҳудию насоролардек китобда ихтилоф қилишларидан илгари огоҳ бўлинг!» Усмон ﷺ Ҳафсага элчи юборди. «Саҳифаларни бизга жўнатинг. Улардан нусха кўчириб олиб, ўзингизга қайтарамиз». Ҳафса саҳифаларни Усмон ﷺга жўнатди. Усмон ﷺ Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саид ибн Ос ва Абдурахмон ибн Ҳорис ибн Ҳишомга нусха кўчиришни топширди. Усмон ﷺ уч Қурайшлик кишига айтди: «Агар сизлар Зайд ибн Собит билан Қуръонда бирор нарсада ихтилоф қилсангизлар, уни Қурайш тилида ёзинглар, чунки Қуръон уларнинг тилида нозил бўлган». Шундай қилдилар. Саҳифалардан мусҳафларга нусха олиб бўлганларидан кейин, Усмон ﷺ саҳифаларни Ҳафсага қайтарди. Ҳамма юртларга кўчирилган нусхалар жўнатилди ва бундан бошқа Қуръондан бўлган барча саҳифа ва мусҳафларни ёқиб юборишга буюрди. Мусҳаф кўчирилган нусхалар еттита эди. Бу мусҳафлар Макка, Шом, Яман, Баҳрайн, Басра, Куфага жўнатилди ва бир нусхаси Мадинада қолди».

Шунга биноан, Усмон ибн Аффоннинг иши Қуръонни жамлаш эмас, балки нусха кўчириш ва Расулulloҳ ﷺдан нақл қилинган нарсани ўз ҳолича сақлаш, холос. Чунки у киши Уммул мўминин Ҳафсанинг ҳузурда

сақланган саҳифалардан етти нусха кўчиришдан ва одамларни битта дастхатни ўзига жамлаб, бошқа дастхат ва имлолар (ёзиш қоидалари)ни ман этишдан бошқа иш қилмади. Дастхат ва имло жиҳатидан иш мана бу нусхада қарор топди. Бу дастхат ва имло ваҳй келган вақтда Расулulloҳ ﷺнинг ҳузурида саҳифаларга ёзилган ҳамда Абу Бакр ؓ жамлаган нусхаларнинг айнан ўзидир. Кейин мусулмонлар худди шу нусхалардан нусха кўчира бошладилар. Усмон мусҳафидан бошқа нусхадаги мусҳафлар қолмади. Нашриётлар пайдо бўлганидан кейин ҳам худди шу нусхадан нашр қилина бошлади.

Абу Бакрнинг жамлаши билан Усмоннинг жамлаши ўртасидаги фарққа келсак, Абу Бакр ҳофизи Қуръонлар кетиши билан Қуръондан бирор нарса йўқолиб кетишидан қўрққанидан Қуръонни жамлади. Чунки Қуръон саҳифаларда ёзилган-у, лекин битта китоб ҳолига келтирилмаган эди. Шунинг учун уни жамлади. Кейинчалик луғатлар кенгайиб, Қуръонни ҳамма ўз луғатида ўқий бошлагач, ўқишда ихтилоф кучайиб кетди. Усмон ؓ бу аҳвол ёмонлашиб кетишидан қўрқиб, бу саҳифаларни битта Мусҳафга жамлади. Сиз билан бизнинг қўлимиздаги Мусҳаф Расулulloҳ ﷺга нозил бўлган ва у кишининг ҳузурларида ёзилган, кейин эса Абу Бакр ؓ томонидан жамланган ва улардан Усмон ؓ етти нусха кўчириб, бошқаларини ёқиб юборишга буюрган саҳифаларнинг ўзгинасидир. Расулulloҳ ﷺ ваҳйдан ёздирган саҳифалари жамланган ва ундан нусхалар олинган биринчи нусха Марвон Мадинага волий бўлиб, уни парчалаб юборгунча уммул мўминин Ҳафсада сақланиб турди. Чунки ҳамма томонга нусхалар тарқатилганидан кейин бу нусхага эҳтиёж қолмади. Ибн Шаҳобдан ривоят қилинади, Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар менга хабар бериб айтдики: Марвон Муовия тарафидан Мадинага амир этиб тайинланган вақтида Ҳафсага одам юбориб, Қуръон кўчирилган саҳифаларни сўради. Ҳафса уни беришдан бош тортди. Ҳафса вафот этиб, биз унинг дафнидан қайтганимиздан кейин Марвон қатъийлик билан ўша саҳифаларни юборишини сўраб одам жўнатди. Абдуллоҳ ибн Умар уларни жўнатиб юборди. Марвоннинг буйруғи билан бу саҳифалар йиртиб ташланди. Марвон: «Замонлар ўтиши билан одамлар бу саҳифалар устида шубҳаланишидан қўрққанимдан шундай қилдим», деди.

Мусҳафнинг шакли

Мусҳафнинг шакли тавқифийдир, унга ихтилоф қилиш мумкин эмас. Бунинг далили, Пайгамбар ﷺнинг ваҳйни ёзадиган котиблари бор эди. Улар Қуръонни айнан шу шакл билан ёздилар, пайгамбар ﷺ ҳам уларнинг ёзувларини тасдиқладилар. Қуръон ҳеч қандай ўзгариш киритилмасдан, айнан шу тарзда Расулulloҳ ﷺнинг даврларини ўтди. Саҳобалар ҳам Қуръонни ёзишган эди, лекин бирор киши унинг тартиб ва усулига ихтилоф қилмаган. Усмон ؓ халифалик даврида уммул мўминин Ҳафсанинг қўлида сақланган саҳифалардан худди шу усулда нусха кўчиртирди, бундан бошқа мусҳафларни ёқиб юборишга буюрди. Шунингдек, Қуръоннинг шаклида бошқалар учун ишлатиладиган арабий ёзувдан бошқа усул мавжуд. Бу ёзувдан, яъни доимо ишлатилаётган

ёзудан воз кечиш Қуръоннинг ёзуви «истилоҳ» эмас, балки тавқифий эканлигидан далолат беради. Шунинг учун Қуръонда «الربا», яъни «судхўрлик» сўзи алиф ва вов ҳарфи билан «الربوا» деб ёзилиб, ё ва алиф билан ёзилмади, дейилмайди. Ёки «فئة» да эмас, «مائة», яъни «100» сўзида алифни ортиқча қўйишнинг, «باييديكم» ва «باييككم» сўзларида ё ҳарфини ортиқча қўйишнинг, ёки «Ҳаж» сурасида «سعوا» сўзида алифни зиёда қилиб, «Сабаъ» сурасида эса «سعو» сўзида алифни ёзмасликнинг, ёки бир жойда «عتوا» да алифни ёзиб, «Фурқон» сурасида алифсиз «عتو» деб ёзишнинг, ёки «آمنوا» сўзида алифни қўшиб ёзиб, «Бақара» сурасида «باءو», «حاءو» ва «فاءو» сўзларида уни ёзмасликнинг, ёки «يعفوالذي» сўзида алифни қўшиб ёзиб, «Нисо» сурасидаги «يعفو عنهم» сўзида уни ёзмасликнинг сабаблари нимада, деб сўраш мумкин эмас. Шунингдек, бир-бирига ўхшаш лафзларнинг баъзисида баъзи ҳарфларни тушириб қолдириб, баъзисида нима учун ўша ҳарфлар ёзилади дейилмайди. Масалан, «Юсуф» ва «Зухруф» сураларида алифни ёзмасдан «قرءنا» деб ёзилиб, бошқа жойларда ёзилган. «Фуссилат» сурасида «سموات»-нинг *و*-дан кейин алиф ёзилиб, бошқа ўринларда ёзилмаган. «الميعاد» сўзида алиф ёзилган бўлса, «Анфол» сурасидаги бошқа ўринларда ёзилмаган. «سراجا» сўзида алиф ёзилган бўлса, бошқа ўринларда ёзилмаган. Бир-биридан маъно жиҳатидан фарқ қилмаслигига қарамасдан, суралардаги сўзларни ёзиш жиҳатидан фарқланиши ижтиҳодда тушунчага боғлиқ эмас. Балки самоъ (эшитиш)га боғлиқ. Самоъга тааллуқли ҳар бир иш тавқифийдир. Бундан ташқари, сураларнинг тартибида ихтилоф бўлган, лекин оятлар тартиби ҳақида ихтилоф ривоят қилинмаганидек, Расулуллоҳ ﷺнинг ҳузурларида ёзилган Мусҳафнинг шакли устидаги ихтилоф ҳам ривоят қилинмаган. Бу эса Қуръоннинг шакли тавқифий эканлигига далолатдир. Расулуллоҳ ﷺ худди шу ёзувни тасдиқлашлари, саҳобаларнинг шу ёзувга ижмо қилишлари ҳамда маъно ва лафзда бир бўлишларига қарамасдан, суралардаги битта сўзнинг шаклида фарқланиши Мусҳафнинг ҳозирги шакли тавқифий эканлигига ва шу шаклигига олиб, бошқа шаклларни тарқ этиш лозимлигига асос бўлади. Шунинг учун Мусҳафни бошқа шаклда ёзиш ва ундан бошқасига ўтиш ҳаромдир. Бу ўринда «Расулуллоҳ ﷺ оми бўлганлар, шунинг учун у кишининг бу ўриндаги тасдиқлари қабул қилинмайди», дейиш мумкин эмас. Чунки, у кишининг ёзувни биладиган котиблари мавжуд эди, улар Расулуллоҳ ﷺга уни сифатлаб берардилар.

Бундан ташқари, баъзи ҳадисларда келганидек, Расулulloҳ ﷺ ҳарфларнинг шаклларини билардилар. Подшоҳ ва бошлиқларга юборилган хатларни ёзган котибларнинг ёзуви Қуръон ёзилган ёзувдан бошқача бўлган. Ваҳоланки, ёздирувчи битта, котиблар ҳам ўша-ўша. Қуръон учун Усманий шаклни маҳкам ушлаш бу Қуръоннинг ҳаммасини ёзишга хосдир. Аммо Қуръонни далил учун, ё тахтага таълим учун ёки бундан бошқа ўринларда бошқача шаклда ёзиш мумкин. Чунки Расулulloҳ ﷺнинг тасдиқлари ва саҳобаларнинг ижмоси Мусҳафнинг ўзигагина тегишли. Унга қиёс қилиш мумкин эмас, чунки бу иллатсиз, тавқифий ишдир.

Қуръоннинг муъжизалиги

Қуръон бу саййидимиз Муҳаммад ﷺга ўзига хос маънолар билан нозил қилинган лафздир. Демак, Қуръон лафз ва маънолардан иборат. Маънонинг ўзи «Қуръон» дейилмайди. Лафзнинг ўзи маъносиз ҳеч нарсани англатмайди. Чунки лафзнинг асосий вазифаси муайян маънони ифодалашдир. Шунинг учун ҳам Қуръон ўзининг лафзи билан сифатланган. Оллоҳ Таоло бу ҳақда шундай дейди:

إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ قُرْآنًا عَرَبِيًّا

– „Дарҳақиқат, Биз уни (бу оятларни) арабий Қуръон ҳолида нозил қилдик“, [12:2]

كِتَابٌ فَصَّلَتْ آيَاتُهُ قُرْآنًا عَرَبِيًّا

– „У арабий Қуръон ҳолида (нозил қилиниб), оятлари муфассал баён қилинган Китобдир“, [41:3]

قُرْآنًا عَرَبِيًّا غَيْرَ ذِي عِوَجٍ

– „(Биз уни) бирон эгрилик эгаси бўлмаган арабий Қуръон ҳолида (нозил қилдик)“, [39:28]

أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ قُرْآنًا عَرَبِيًّا

– „Биз сизга мана шундай арабий Қуръонни ваҳй қилдик“, [42:7]

إِنَّا جَعَلْنَاهُ قُرْآنًا عَرَبِيًّا

– „Албатта Биз уни арабий Қуръон қилдик“. [43:3]

Арабийлик Қуръон лафзларининг сифатидир, маъноларининг эмас. Чунки Қуръоннинг маъноси инсонга хос. Қуръон фақат арабларнинг ўзи учун эмас, балки бутун инсоният учун юборилган китобдир. Аммо:

وَكَذَلِكَ أَنْزَلْنَاهُ حُكْمًا عَرَبِيًّا

– „Шунингдек, (яъни илгари ўтган пайғамбарларимизга ўз тилларида ваҳй юборганимиз каби) Биз уни (Қуръонни) арабий ҳукм ҳолида нозил қилдик“, [13:37]

яъни, «арабча ҳикматлар сифатида Қуръонни нозил қилдик», деган оят бунга далилдир. Бу оятнинг маъноси «арабий ҳикмат» эмас, балки «араб тилида баён этилган ҳикмат»дир. Қуръоннинг лафзи фақат арабийлик билангина сифатланади. Аслида ҳам, мажозан ҳам Қуръоннинг

арабийликдан бошқа исми, яъни сифати йўқ. Шунинг учун ҳам арабий лугатдан бошқа лугат билан ёзилган Қуръоннинг маъноларини Қуръон дейиш мумкин эмас. Қуръоннинг арабий бўлиши зарурийдир, яъни унинг лафзларигина арабий бўлиши шарт. Қуръон Пайғамбар ﷺнинг мўъжизасидир. Муҳаммад ﷺнинг Қуръондан бошқа мўъжизалари борлиги Қуръоннинг ўзида ҳам, саҳиҳ Суннатда ҳам мавжуд, яъни у киши кўп мўъжизалар кўрсатдилар, лекин бу мўъжизалар билан баҳсга чорламдилар, у кишига Қуръоннинг ўзи кифоя қиларди. Шунинг учун Қуръон, нозил бўлган кундан то қиёматгача, Муҳаммад ﷺнинг пайғамбарлигини исботлайдиган мўъжиза дея оламиз. Қуръон арабларни узига ўхшашини келтириш баҳсига чорлаб, ҳаммасини ожиз қолдирди. Оллоҳ Таоло бу хусусда шундай дейди:

وَإِنْ كُنْتُمْ فِي رَيْبٍ مِّمَّا نَزَّلْنَا عَلَىٰ عَبْدِنَا فَأْتُوا بِسُورَةٍ مِّثْلِهِ وَادْعُوا شُهَدَاءَكُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ
 إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿٢٣﴾

– „Агар биз бандамизга туширган нарсдан (Қуръондан) шак-шубҳада бўлсангиз, у ҳолда шунга ўхшаган биргина сура келтиринг ва Оллоҳдан ўзга гувоҳларингизни чақиринг, агар ростгўй бўлсангиз“.

[2:23]

Оллоҳ Таоло дейди:

قُلْ فَأْتُوا بِسُورَةٍ مِّثْلِهِ وَادْعُوا مَنِ اسْتِطَعْتُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿٢٤﴾

– „Айтинг, (эй Муҳаммад): «У ҳолда, агар ростгўй бўлсангизлар, Оллоҳдан ўзга кучингиз етган барча бутларни (ёрдамга) чорлаб шу (Қуръон)га ўхшаш биргина сура келтиринглар!»“

[10:38]

أَمْ يَقُولُونَ افْتَرَاهُ قُلْ فَأْتُوا بِعَشْرِ سُوْرٍ مِّثْلِهِ مُفْتَرِيَاتٍ وَادْعُوا مَنِ اسْتِطَعْتُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ

صَادِقِينَ ﴿٢٥﴾

– „Ёки: «Уни (яъни Қуръонни Муҳаммад) тўқиб чиқарган» дейдиларми? Айтинг: «У ҳолда, агар ростгўй бўлсангизлар, Оллоҳдан ўзга кучингиз етган барча бутларни (ёрдамга) чорлаб шунга ўхшаш ўнтагина «тўқилган» сура келтирингиз!»“

[11:13]

Шунингдек, «баҳсга чорлаш» ояти ҳам барчага бирдек тааллуқли:

قُلْ لئنِ اجْتَمَعَتِ الْإِنْسُ وَالْجِنُّ عَلَىٰ أَنْ يَأْتُوا بِمِثْلِ هَذَا الْقُرْآنِ لَا يَأْتُونَ بِمِثْلِهِ وَلَوْ كَانَ بَعْضُهُمْ

لِبَعْضٍ ظَهِيرًا ﴿٨٨﴾

– „Айтинг: «Қасамки, агар бор инсу жин мана шу Қуръоннинг ўхшашини келтириш йўлида бирлашиб, бир-бирларига ёрдамчи бўлсаларда, унинг ўхшашини келтира олмаслар»“,

[17:88]

Қуръонга ўхшаш мўъжизани келтиришга чақирилган кишилар бундан ожиз қолганлар. Уларнинг ожизликлари тавотур йўли билан собит бўлган. Бирон кишининг Қуръонга ўхшаш мўъжизанинг келтирганини ҳеч ким ривоят қилмаган, бун тарих ҳам кўрмаган.

Бундай баҳсга чорлаш хитоб қилинганларнинг ўзигагина хос эмас, балки то қиёматгача ҳаммага бирдек тааллуқлидир. Чунки бунда

сабабнинг хослигига эмас, балки лафзнинг умумийлигига эътибор берилади. Қуръон нозил бўлганидан қиёмат кунигача инсониятнинг ҳаммасини шунга ўхшаш мўъжиза келтиришга чақиради. Шунинг учун Қуръон пайгамбар ﷺ даврларидаги арабларнинг ўзигагина ёки ҳар бир замон ва макондаги арабларга тегишли мўъжиза эмас, балки бутун инсоният учун хос мўъжизадир. Қуръондаги хитоб бутун инсониятга қаратилган:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَافَّةً لِّلنَّاسِ﴾

– „*Эй Муҳаммад), Биз сизни шак-шубҳасиз, барча одамларга юбордик.* [34:28]

﴿وَادْعُوا مَنِ اسْتَطَعْتُمْ مِّنْ دُونِ اللَّهِ﴾

– „*Оллоҳдан ўзга кучингиз етган барча бутларни (ёрдамга) чорлаб...*“ [10:38]

Бу чорлов оятлари умумий бўлиб, бутун инсониятга тегишли. Бундан ташқари, Қуръон инсу жинларнинг ожизлиги ҳақида хабар берган. Оллоҳ Таоло дейди:

﴿قُلْ لَّيْنِ اجْتَمَعَتِ الْإِنْسُ وَالْجِنُّ عَلَىٰ أَن يَأْتُوا بِمِثْلِ هَٰذَا الْقُرْآنِ لَا يَأْتُونَ بِمِثْلِهِ﴾

– „*Айтинг: «Қасамки, агар бор инсу жин мана шу Қуръоннинг ўхшабини келтириш йўлида бирлашсалар-да, унинг ўхшабини келтира олмаслар»*“ [17:88]

Қуръоннинг ўзигагина хос бўлган иш сабабли араблар ҳам, бутун инсоният ҳам унга ўхшаш мўъжиза келтиришдан ожиз қолишди. Араблар Қуръон эшитишганда, унинг балоғат сеҳридан таъсирланиб, уни тинглашга ошиқардилар. Ҳатто Валид ибн Муғира Расулulloҳ ﷺнинг Қуръон ўқиётганларини эшитиб, одамларга шундай деган: «Оллоҳга қасамки, сизларнинг ичингизда мендан кўра кўпроқ шеър, унинг вазнларини ва қасидаларни биладиган киши йўқ. Унинг (Муҳаммаднинг) гапираётганлари буларнинг бирортасига ўхшамайди. Оллоҳга қасамки, гапираётган гапининг жозибаси бор, унда ўзига тортувчи сеҳр бор. Унинг усти барглар билан ўралган (яъни мевали), ости эса серҳосилдир. У олийдир, ундан аълоси бўлмайди». Валид бу гапларни гапиришига қарамай, иймон келтирмади ва ўз куфрида маҳкам турди. Инсонни ожиз қолдириш Қуръоннинг ўзидандир. Чунки уни эшитганлар ҳам, қиёмат кунигача эшитадиганлар ҳам ундан бирор жумлани эшитишлари биланоқ таъсир қувватидан ва балоғатининг етуклигидан ҳайрону лол бўлиб қоладилар. Қуръон оятлари худди шундай ўқилади. Унинг лафзлари, услублари ва ифодалари инсонни ҳис туйғуларига таъсир қилиб, ўзига жалб этади.

Қуръоннинг ожиз қолдириш қуввати унинг фасоҳати, балоғати ва инсонни лол қолдирувчи даражага кўтарилишида яққол кўзга ташланади. Унинг мўъжизаси Қуръоннинг услубида намоён бўлади. Чунки унинг услубидаги равшанлик ва мафтункорликдан бутун инсоният ожиз қолади.

Услуб бу чиройли лафзларда тартибланган маънолардир, ёки маъноларни ифодалаш учун луғавий иборалар билан ифодалаш

воситасидир. Услубнинг равшанлиги ифодалашда кўзда тутилган маънонинг аниқлиги билан билинади, яъни аниқ ифода бўлса, услуб ҳам равшандир:

وَقَالَ الَّذِينَ كَفَرُوا لَا تَسْمَعُوا لِهَذَا الْقُرْآنِ وَالْعَوَّا فِيهِ لَعَلَّكُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٦٦﴾

– „Кофир бўлган кимсалар: «Қуръонга қулоқ солманглар ва (Қуръон ўқилаётганда) беҳуда гап гапиринглар. Шоядки голиб бўласизлар» дедилар“.

[41:26]

Услубнинг қуввати маъно ифодаланаётган лафзларнинг маънога мувофиқ ҳолда танлаш орқали бўлади. Масалан, нозик маъно чиройли лафз билан, чуқур маъно гўзал лафз билан, салбий маънолар хунук лафзлар билан ифодаланади. Услубнинг гўзаллиги ибораларнинг энг тинигини, ифодаланган маънога мос келадиганини ёки маъно ва лафзнинг равшанини танлаш билан билинади.

وَيُسْقَوْنَ فِيهَا كَأْسًا كَانَ مِزَاجُهَا زَنْجَبِيلًا ﴿٧٧﴾ عَيْنًا فِيهَا تُسَمَّى سَلْسَبِيلًا ﴿٧٨﴾

– „(Жаннат аҳли) у жойда мизожи-аралашмаси занжабил бўлган майкосалар (жаннатлардаги салсабил-ўтимли деб аталадиган чашма) билан суғорилурлар“.

[76:17-18]

إِنْ جَهَنَّمَ كَانَتْ مِرْصَادًا ﴿٦٦﴾ لِلطَّاغِينَ مَأْتًا ﴿٦٧﴾ لَا يَثْبِغْنَ فِيهَا أَحْقَابًا ﴿٦٨﴾

– „Албатта туғёнга тушувчиларнинг борар жойлари бўлган жаҳаннам (ўзига қулаб тушадиган кофирларга) кўз тутиб тургучи бўлди. Улар у жойда узоқ замонлар (яъни абадул-абад) қолгучидирлар!“.

[78:21-23]

تِلْكَ إِذًا قِسْمَةٌ ضِيزَى ﴿٦٩﴾

– „У ҳолда бу адолатсиз тақсим-ку?!“.

[53:22]

إِنَّ أَنْكَرَ الْأَصْوَاتِ لَصَوْتُ الْحَمِيرِ ﴿٦٩﴾

– „Чунки овозларнинг энг ёмони эшаклар овозидир“.

[31:19]

رُبَّمَا يَوَدُّ الَّذِينَ كَفَرُوا لَوْ كَانُوا مُسْلِمِينَ ﴿٦٢﴾ ذَرَهُمْ يَأْكُلُوا وَيَتَمَتَّعُوا وَيُلْهِمُهُمُ الْأَمَلُ فَسَوْفَ

يَعْلَمُونَ ﴿٦٣﴾

– „Ҳали (Қиёмат куни) кофир бўлган кимсалар мусулмон бўлишни нстаб қолурлар. (Эй Мухаммад), уларни қўяверинг, еб-ичиб, фойдаланиб қолсинлар, орзу-ҳавасларига машғул бўлаверсинлар. Бас, яқинда (бу қилмишларининг оқибати нима бўлишини) билиб олурлар“.

[15:2-3]

Қуръонни диққат билан ўрганиб чиққан киши унинг услуби равшан, қуввати мислсиз ва жамол жиҳатидан беқиёс эканлигини англайди. Қуръондаги мана бу фазилатларга эътибор беринг:

وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يُجَادِلُ فِي اللَّهِ بِغَيْرِ عِلْمٍ وَلَا هُدًى وَلَا كِتَابٍ مُنِيرٍ ﴿٦٤﴾

– „Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, улар ўзлари билмаган, ҳидоят топмаган ва ёрқин китоб-ҳужжатга эга бўлмаган ҳолларида Оллоҳ хусусида мужодала қилурлар“.

[31:20]

ثَانِي عَطْفِهِ لِيُضِلَّ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ ﴿٦٥﴾

– „Одамлар орасида бўйин буриб, (ўзгаларни ҳам) Оллоҳнинг йўлидан оздириш учун ...“, [22:9]

هَذَا نِ حَصَانٍ اِحْتَصَمُوا فِي رَبِّهِمْ فَالَّذِينَ كَفَرُوا قَطَعَتْ لَهُمْ نِيَابٌ مِّن نَّارٍ يُصَبُّ مِّن فَوْقِ

رُءُوسِهِمُ الْحَمِيمُ ﴿١١﴾ يُصْهَرُ بِهِ مَا فِي بُطُونِهِمْ وَالْجُلُودُ ﴿١٢﴾ وَلَهُمْ مَقَامٌ مِّنْ حَرِيدٍ ﴿١٣﴾

كَلَّمَا أَرَادُوا أَنْ يَخْرُجُوا مِنْهَا مِنْ غَمٍّ أُعِيدُوا فِيهَا وَذُوقُوا عَذَابَ الْحَرِيقِ ﴿٢٢﴾

– „Мана шу икки ғаним (яъни мўминлар билан кофирлар) Парвардигорлари(нинг ҳақ дини) хусусида талашдилар. Бас, кофир бўлган кимсалар учун ўтдан бўлган кийимлар бичилди, (энди) уларнинг бошларидан қайноқ сув қуюлиб, у билан уларнинг ичларидаги нарсалари ҳам, терилари ҳам эритиб юборилур. Улар учун темир гурзилар бордир. Ҳар қачон улар (дўзах) ғам-азобидан (қочиб) чиқмоқчи бўлсалар, (гурзилар билан) яна унга қайтарилурлар ва (уларга): «Ўт азобини тотиб кўрингиз» (дейилур)“, [22:19-22]

يَأْتِيهَا النَّاسُ ضُرْبَ مَثَلٍ فَاستَمِعُوا لَهُ إِنَّ الَّذِينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ لَنْ يَخْلُقُوا ذُبَابًا وَلَوْ

احْتَمَعُوا لَهُ وَإِنْ يَسئَلُهُمُ الذُّبَابُ شَيْئًا لَا يَسْتَفِيدُوهُ مِنْهُ ضَعْفَ الطَّالِبِ وَالْمَطْلُوبِ ﴿٧٣﴾

– „Эй инсонлар, бир масал айтилгандир, бас, унга қулоқ тутингиз! Аниқки, сизлар Оллоҳни қўйиб илтижо қилаётган бутлар агар барчалари бирлашганларида ҳам, бир чивин ярата олмаслар, агар чивин улардан бирон нарсани тортиб олса, уни (ўша чивиндан ҳам) қутқариб ола билмаслар“. [22:73]

Қуръон янгича, ўзига хос ифода услубидир. Унинг назми вазнга солинган қофияли шеър услубида эмас. У наср услубида ҳам, иккилик ва қофияли наср услубида ҳам эмас. Балки Қуръоннинг араблар билмаган ва бундан олдин кузатилмаган янгича ифода усули бор.

Араблар Қуръондан қаттиқ таъсирланганлари учун бу мўъжиза қай тарзда амалга оширилганига ақллари лол. Шунинг учун улар: «Бу очиқ-ойдин сеҳр», «Бу шоирнинг сўзи ва фолбиннинг сўзи», дердилар. Оллоҳ Таоло бунга рад этиб, шундай дейди:

وَمَا هُوَ بِقَوْلِ شَاعِرٍ قَلِيلًا مَا تُؤْمِنُونَ ﴿٤١﴾ وَلَا بِقَوْلِ كَاهِنٍ قَلِيلًا مَا تَذَكَّرُونَ ﴿٤٢﴾

– „У бирон шоирнинг сўзи эмасдир! Сизлар (ушбу Қуръон Оллоҳнинг каломи эканлигига) камдан-кам иймон келтиурсизлар! Ва бирон коҳин-фолбиннинг сўзи ҳам эмасдир! Сизлар камдан-кам панд-насиҳат олурсизлар“. [69:41-42]

Қуръон бу ўзига хос, бетакрор ифода усули эканлиги рўйи-рост кўриниб турибди. Булар шеърга яқин бўлган насрдир, чунки икки оят тартибланса, шеърнинг икки байти бўлади:

وَيُخَذِّهِمْ وَيَنْصُرُهُمْ عَلَيْهِمْ وَيَشْفِ صُدُورَ قَوْمٍ مُّؤْمِنِينَ ﴿٤٤﴾

– „Оллоҳ у (мушрик)ларни расво қилади ва сизларни уларнинг устига ғолиб қилади ҳамда мўмин қавм дилларини қондириб, кўнгилларидаги ғам-андуҳни кетказди“, [9:14]

لَنْ تَنَالُوا الْبِرَّ حَتَّى تُنْفِقُوا مِمَّا تُحِبُّونَ ﴿٣٢﴾

– „Суйган нарсаларингиздан инфоқ-эҳсон қилиб бермагунингизча ҳаргиз яхшиликка (жаннатга) етмагайсиз“. [3:92]

Лекин бу икки оят шеър эмас, балки насрнинг ўхшаши бўлмаган усулидир. Бундан ташқари, Қуръон насрнинг худди шу усулида шундай деяётганини кўриш мумкин:

وَالسَّمَاءِ وَالطَّارِقِ ﴿١﴾ وَمَا أَدْرَاكَ مَا الطَّارِقُ ﴿٢﴾

– „Осмонга қасам, тунги йўлчига қасамки, (эй Муҳаммад), сиз тунги йўлчи нима эканлигини қаердан ҳам билар эдингиз“, [86:1-2]

Бу шеърдан анча узоқ бўлган насрдир.

Яна Қуръон шундай деганини кўрасиз:

وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ رَسُولٍ إِلَّا لِيُطَاعَ بِإِذْنِ اللَّهِ ﴿١٤﴾

– „Биз қай бир пайгамбарни юборган бўлсак, фақат Оллоҳнинг изни-иродаси билан унга итоат қилинсин, деб юборганмиз“, [4:64]

وَلَوْ أَنَّهُمْ إِذْ ظَلَمُوا أَنفُسَهُمْ جَاءُوكَ فَاسْتَغْفَرُوا اللَّهَ وَاسْتَغْفَرَ لَهُمُ الرَّسُولُ لَوَجَدُوا اللَّهَ تَوَّابًا

رَجِيمًا ﴿٦٤﴾

– „Агар улар (шайтондан ҳукм сўраб боришлари билан) жонларига жабр қилган пайтларида дарҳол сизнинг олдингизга келиб, Оллоҳдан мағфират сўраганларида ва пайгамбар ҳам улар учун мағфират сўраганида эди, Оллоҳнинг тавбаларни қабул қилгувчи, меҳрибон эканлигини топган бўлур эдилар“, [4:64]

فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّى يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِمَّا

فَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا ﴿٦٥﴾

– „Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича-бўйинсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар“. [4:65]

Хат боши ва нафас насрда узайди. Яна бир вақтнинг ўзид айтилади:

وَالشَّمْسِ وَضُحَاهَا ﴿١﴾ وَالْقَمَرِ إِذَا تَلَاهَا ﴿٢﴾ وَالنَّهَارِ إِذَا جَلَاهَا ﴿٣﴾ وَاللَّيْلِ إِذَا يَغْشَاهَا ﴿٤﴾

– „Қуёш ва унинг ёғдусига қасам. У (қуёш)нинг ортидан келган ойга қасам. У (қуёшни оламга) ошкор қилган кундузга қасам. У (қуёшни ўз зулмати билан) ўраб-яширган кечага қасам“. [91:1-4]

Хат боши ва нафас насрда қисқарди. Ваҳоланки, ҳар иккаласи ҳам насрнинг ўзи. Айни вақтда Қуръоннинг мурсал насри қофияланмаган насрда ажойиб услуб келтириб, наср имкониятларини кенгайтиради.

يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ لَا يَحْزَنْكَ الَّذِينَ يُسَارِعُونَ فِي الْكُفْرِ مِنَ الَّذِينَ قَالُوا آمَنَّا بِأَفْوَاهِهِمْ وَلَمْ تُؤْمِنْ قُلُوبُهُمْ وَمِنَ الَّذِينَ هَادُوا سَمَّاعُونَ لِلْكَذِبِ سَمَّاعُونَ لِقَوْمٍ آخَرِينَ لَمْ يَأْتُوكَ يَحْرُفُونَ الْكَلِمَ مِنْ

بَعْدَ مَوَاضِعِهِ يَقُولُونَ إِنْ أُوتِيتُمْ هَذَا فَخُذُوهُ وَإِن لَّمْ تُؤْتَوْهُ فَاحْذَرُوا وَمَنْ يُرِدِ اللَّهُ فِتْنَتَهُ فَلَن تَمْلِكَ لَهُ مِنَ اللَّهِ شَيْئًا أُولَئِكَ الَّذِينَ لَمْ يُرِدِ اللَّهُ أَنْ يُطَهِّرْ قُلُوبَهُمْ لَهُمْ فِي الدُّنْيَا حِزْبٌ وَلَهُمْ فِي الآخِرَةِ عَذَابٌ عَظِيمٌ ﴿٤١﴾

– „Эй пайғамбар, оғизларида: «Иймон келтирдик», деган, ammo диллари иймон келтирмаган (мунофиқ)лардан ва яҳудийлардан бўлган, кўфр томонга қараб чопаётган кимсалар сизни маҳзун қилмасин. Улар ёлгонга қулоқ бергувчи ва сизнинг олдингизга келмаган, сўзларни ўз ўринларига қўйилгандан кейин ўзгартирадиган бошқа қавмга (яъни яҳудийларга) қулоқ бергувчи кимсалардир. (Яҳудийлар): «Агар (Муҳаммад тарафидан) сизларга мана шу ҳукм берилса, олинглар, бўлмаса (яъни бошқа бир ҳукм айтилса), эҳтиёт бўлинглар-олманглар», дейишади. Кимники Оллоҳ Ўзи адаштиришни истаса, бас, сиз унинг учун Оллоҳ томонидан ҳеч нарса қила олмасиз. Улар Оллоҳ кўнгилларини поклашни истамаган кимсалардир. Улар учун дунёда расволик, охиратда эса улуғ азоб бордир“.

[5:41]

Яна қофияли насрда ажойиб услуб билан фикр баён этилади:

يَا أَيُّهَا الْمُدَّثِّرُ ﴿١﴾ قُمْ فَأَنْذِرْ ﴿٢﴾ وَرَبِّكَ فَكَبِّرْ ﴿٣﴾ وَيَتَابَكَ فَطَهِّرْ ﴿٤﴾ وَالرُّحْزَ فَاهْجُرْ ﴿٥﴾
وَلَا تَمَنَّئَنَّ تَسْتَكْبِرُ ﴿٦﴾ وَلِرَبِّكَ فَاصْبِرْ ﴿٧﴾

– „Эй (либосларига) бурканиб олган зот, туринг-да, (инсонларни охират азобидан) огоҳлантиринг! Ёлғиз Парвардигорингизни улуғланг! Либосларингизни пок тутинг! Нопокликдан сақланинг! (Бераётган нарсангизни) кўп санаган ҳолингизда эҳсон қилманг! Ёлғиз Парвардигорингиз (юзи) учун (кофирлар томонидан етадиган озорлар) сабр қилинг!“

[74:1-7]

Яна жуфтлик насрда Қуръоннинг юксаклигини кўрасиз:

أَلْهَأَكُمُ التَّكَاثُرُ ﴿١﴾ حَتَّى زُرْتُمُ الْمَقَابِرَ ﴿٢﴾ كَلَّا سَوْفَ تَعْلَمُونَ ﴿٣﴾ ثُمَّ كَلَّا سَوْفَ تَعْلَمُونَ ﴿٤﴾ كَلَّا لَوْ تَعْلَمُونَ عِلْمَ الْيَقِينِ ﴿٥﴾ لَتَرَوُنَّ الْجَحِيمَ ﴿٦﴾

– „(Эй инсонлар), сизлар то қабрларни зиёрат қилгунларингизча (яъни ўлиб, қабрга киргунларингизча) сизларни (мол-дунё) тўплаб-кўпайтириш (Оллоҳга тоат-ибодат қилишдан) машғул қилди! Йўқ, сизлар яқинда (бу қилмишларингизнинг оқибатини) билурсизлар. Яна бир бор йўқ, сизлар яқинда билурсизлар. Йўқ, агар сизлар (дунёга қул бўлиб қолишинг оқибати нима эканлигини) аниқ билиш билан билсаларингиз эди, (унга қул бўлиб қолмас эдингизлар)! Қасамки, албатта сизлар дўзахни кўрурсизлар!“

[102:1-6]

Қуръон жуфтлик наср имкониятларини кенгайтирганини кўрасиз:

قَتَلَ الْإِنْسَانَ مَا أَكْفَرَهُ ﴿٧﴾ مِنْ أَيِّ شَيْءٍ خَلَقَهُ ﴿٨﴾ مِنْ نُطْفَةٍ خَلَقَهُ فَقَدَرَهُ ﴿٩﴾ ثُمَّ السَّبِيلِ ﴿١٠﴾ يَسَّرَهُ ﴿١١﴾ ثُمَّ أَمَاتَهُ فَأَقْبَرَهُ ﴿١٢﴾ ثُمَّ إِذَا شَاءَ أَنشَرَهُ ﴿١٣﴾ كَلَّا لَمَّا يَقْضِ مَا أَمَرَهُ ﴿١٤﴾ فَلْيَنْظُرِ ﴿١٥﴾

الْإِنْسَانَ إِلَىٰ طَعَامِهِ ﴿٢٤﴾ أَنَا صَبَبْنَا الْمَاءَ صَبًّا ﴿٢٥﴾ ثُمَّ شَقَقْنَا الْأَرْضَ شَقًّا ﴿٢٦﴾ فَأَنْبَتْنَا فِيهَا حَبًّا ﴿٢٧﴾ وَعَبَبْنَا وَقَصَبًا ﴿٢٨﴾ وَرَزَقْنَاهَا وَنَحْلًا ﴿٢٩﴾ وَحَدَائِقَ غُلْبًا ﴿٣٠﴾ وَفَاكِهَةً وَأَبًّا ﴿٣١﴾

– „Ҳалок бўлгур инсон-а! Бунчалар кофир бўлмаса! (Оллоҳ) уни қай нарсдан яратди ўзи?! Уни бир (ҳақир) нутфадан яратиб, сўнг уни(нг она қорнидаги ривожини ва ой-кунини) белгилаб қўйди-ку! Сўнгра унга (она қорнидан чиқиш) йўлини осон қилди. Сўнгра унга ўлим бериб, қабрга киритди (яъни бошқа ҳайвонлар сингари унинг жасадини ер юзида қолдириб, йиртқишларга ем қилиб қўйгани йўқ). Сўнгра Ўзи хоҳлаган вақтида уни яна қайта тирилтирур. Йўқ, у (кофир кимса Оллоҳ) ўзига буюрган бирон нарсани адо қилмади. Энди инсон ўзининг таомига (ибрат қўзи билан бир) қараб кўрсин-чи! Биз (осмондан) сув-ёмғирни қуйдирдик. Сўнгра ерни (ғиёҳлар билан) ёрдик. Сўнг Биз унда дон-дунни, узум ва кўкларни, зайтун ва хурмоларни, қуюқ дарахтзор боғларини, мева-чеваю, ўт-ўланларни ундириб-ўстириб қўйдик-ку!“ [80:17-31]

Маълум тартибда қофияланиб туриб, бошқа қофияга ҳам ўтиб кетади. Мана бу ҳолатда бир қофияда бўла туриб:

فَإِذَا تَفَرَّ فِي التَّافُورِ ﴿٨﴾ فَذَلِكَ يَوْمٌ عَسِيرٌ ﴿٩﴾ عَلَى الْكَافِرِينَ غَيْرُ يَسِيرٍ ﴿١٠﴾

– „Чунки қачон (қиёмат қойим бўлгани ҳақида хабар бериб) бурғу чалинганида, ана ўша кун қийин Кундир! Кофирларга осон бўлмаган (Кундир)“, [74:8-10]

бошқа қофияга ўтиб кетади:

ذَرْنِي وَمَنْ خَلَقْتُ وَحِيدًا ﴿١١﴾ وَجَعَلْتُ لَهُ مَالًا مَمْدُودًا ﴿١٢﴾ وَبَنِينَ شُهُودًا ﴿١٣﴾ وَمَهْدَاتٌ لَهُ ﴿١٤﴾ نَمَاهِدًا ﴿١٥﴾ ثُمَّ يَطْمَعُ أَنْ أَزِيدَ ﴿١٦﴾ كَلَّا إِنَّهُ كَانَ لِآيَاتِنَا عَنِيدًا ﴿١٧﴾ سَأَرْهَقَهُ صَعْدًا ﴿١٨﴾

– „(Эй Муҳаммад), Мен сўққабош ҳолида яратган кимсани Ўзимга қўйиб беринг! Мен унга кенг-мўл мол-дават ва (доимо ёнида) ҳозир нозир ўғилларни (ато) қилдим. Яна унга (хаётнинг барча неъматларини) қулай-осон қилиб қўйдим. Сўнгра у яна зиёда қилишимни тамаъ қилур. Йўқ, (унинг тамаъси беҳудадир)! Чунки у Бизнинг оятларимизга қаршилик қилгувчидир. Яқинда Мен уни бир харсанг тошга (яъни ўтиб бўлмас тўсиққа) дучор қилажакман!“ [74:11-17]

Кейинги оятда эса бу қофиядан воз кечиб, бошқасига ўтади:

إِنَّهُ فَكَّرَ وَقَدَّرَ ﴿١٨﴾ فَقَتَلَ كَيْفَ قَدَّرَ ﴿١٩﴾ ثُمَّ قَتَلَ كَيْفَ قَدَّرَ ﴿٢٠﴾ ثُمَّ نَظَرَ ﴿٢١﴾ ثُمَّ عَبَسَ ﴿٢٢﴾ وَبَسَرَ ﴿٢٣﴾ ثُمَّ أَدْبَرَ وَاسْتَكْبَرَ ﴿٢٤﴾

– „Чунки у (Қуръонни эшитгач, бу илоҳий Китобга қандай тухмат қилиш тўғрисида) ўйлади, режа тузди. Ҳалок қилингур, қандай режа тузди-я?! Яна ҳалок қилингур, қандай режа тузди-я?! Сўнгра у (ўйлаган режаларига) қаради. Сўнгра (Қуръондан бирон айб топа олмагач, пешонасини) тириштирди ва (афтини) буриштирди. Сўнгра (Ҳақдан) юз ўгирди ва кибр-ҳаво қилди“. [74:18-23]

Қуръоннинг шу тарзда ўрганиб чиқилса, унинг арабларнинг икки хил услуби бўлган шеър ва насрнинг бирортасига ва инсониятнинг сўзига ўхшамаслигини кўриш мумкин.

Сўнгра унинг услубини кучли, равшан ва чиройли ҳолда, маъноларни нозик услубда тасвирлаб берганини топасиз. Маъно нозик (мулоийм) бўлган вақтда лафзлар ҳам нозик бўлиб, жумлалар кетма-кет келишини кўришингиз мумкин:

إِنَّ لِلْمُتَّقِينَ مَفَازًا ﴿١٦﴾ حَدَائِقَ وَأَعْنَابًا ﴿١٧﴾ وَكَوَاعِبَ أَتْرَابًا ﴿١٨﴾ وَكَأْسًا دِهَاقًا ﴿١٩﴾

– „Албатта тақводор зотлар учун (жаннатда) нажот манзили бордир. Яна боғлар ва узумзорлар. (Ёш ва ҳуснда) тенгдош хушқад (хур)лар. Ва (шароб билан) тўла майкосалар бордир“ [78:31-34]

Агар маъно чуқур бўлса, кескин лафзлар ва қатъий жумлалар билан гапирилади:

إِنَّ جَهَنَّمَ كَانَتْ مِرْصَادًا ﴿٢١﴾ لِلطَّاعِينَ مَاءًا ﴿٢٢﴾ لَا يَبْثِرُونَ فِيهَا ﴿٢٣﴾ إِذْ يَجْرُبُونَ الْمِيزَانَ ﴿٢٤﴾ إِنْ كَانُوا فِي حَيْرَةٍ مِمَّا يَتْلُونَ ﴿٢٥﴾ فَذُوقُوا الْعَذَابَ بِمَا كُنْتُمْ تَكْفُرُونَ ﴿٢٦﴾

– „Албатта туғёнга тушгучиларнинг борар жойлари бўлган жаҳаннам (ўзига қулаб тушадиган кофирларга) кўз тутиб тургучи бўлди. Улар у жойда узоқ замонлар (яъни абадул-абад) қолгучидирлар. Улар у жойда (жаҳаннам ўтидан ором берадиган) бирон салқинни ва бирон ичимликни топмаслар. Фақат қайноқ сув ва йирингнинг (тотурлар)! (Мана шу уларнинг қилмишларига) яраша жазодир!“ [78:21-26]

Агар маъно ёқимли бўлса, юмшоқ лафзлар ишлатилган:

وَرَفَعَ أَبْوَابَهُ عَلَى الْعَرْشِ وَخَرُّوا لَهُ سُجَّدًا ﴿١٥﴾

– „У ота-онасини тахтига чиқарди ва улар сажда қилган ҳолларида йиқилдилар“ [12:100]

Агар маъно салбий бўлса, шунга мувофиқ лафзлар ишлатилади:

أَلَمْ تَكُنْ مِنَ الْذَّكَرِ وَكَانَ الْأُنثَىٰ ﴿٢١﴾ تِلْكَ إِذْ قَسَمَ لِي ﴿٢٢﴾

– „(Сизлар ўша бут-санамларни ва фаришталарни «Оллоҳнинг қизлари» дейсизлар, демак) эркак (жинси) сизларники-ю, аёл (жинси) У зотникими? У ҳолда бу адолатсиз тақсим-ку?!“ [53:21-22]

Бошқа бир оятда бундай дейди:

وَاعْصُصْ مِنْ صَوْتِكَ إِنَّ أَنْكَرَ الْأَصْوَاتِ لَصَوْتُ الْحَمِيرِ ﴿١٦﴾

– „Ва овозингни паст қилгин. Чунки овозларнинг энг ёмони эшақлар овозидир“ [31:19]

Маъноларни ифодалаётган вақтда жарангдор лафзлар билан изҳор этадики, инсон уни идрок эта туриб қалби уларнинг жарангидан тебраниб кетади. Маънолари чуқурлигини ва ифодалаш услуби етуқлигини идрок қилиб эшитаётган кишида унга нисбатан эҳтиром пайдо бўлади. Ҳатто баъзи етук араб мутафаккирлари ҳам кофир бўлишларига қарамай, Қуръон олдида бош эгишган.

Қуръоннинг лафзлари ва жумлаларини яхшилаб ўрганиб чиққан киши Қуръон ҳарфларнинг махражларидан чиқаётган товушларга эътибор бериб, махражлари яқин бўлган ҳарфларни бир-бирига яқин қўйилганини кўради. Агар махражлар ўртаси узайиб қолса, узилишни йўқотадиган ҳарф билан улар ўртасини боғлаб қўйилганини кўради. Шу билан бирга қулоққа ёқадиган майин махраждан чиқадиган ҳарфларни мусиқадаги нақорат каби такрорлайди. Шунинг учун «*كالباعق المتدفق*», демади, балки «*كصيب*» деди, ёки «*المعجع*» демади, балки «*سندس حضر*» деди. Агар бир-биридан йироқ ҳарфларни ишлатиш лозим бўлиб қолса, уни мувофиқ маънога мослайди, ундан бошқа маъно билан ифодаламайди. Масалан, «*ضيزى*» калимаси, унинг ўрнига «*ظالة*» ёки «*جاءرة*» калимаси ишлатилмаган. Ваҳоланки, иккаласи ҳам бир, яъни «зулмкор» маъносидадир. Истеъмолдаги мана бу нозиклик билан бирга, битта ҳарф оятларда бир неча маротаба такрорланади. Масалан, оят-ал-Курсийда лом ҳарфи қулоққа ёқадиган шаклда 23 маротаба такрорланганки, ҳатто қулоқ уни яна қайта эшитгиси келаверади.

Шундай қилиб, Қуръоннинг ўзига хос ифодалаш услуби мавжуд. У ҳар бир маънони ўзига, унинг ёнидаги калималарга ва у билан бирга келган маъноларга мос лафзлар билан ифодаланини ва бу калима уларнинг бирортасига зид келмаслигини кўриш мумкин.

Қуръон инсон сўзига ўхшамайдиган ва инсон сўзи унга ўхшамайдиган ифодалаш услуби билан, маъноларни ўзига муносиб лафзлар ва жумлалар орқали ифодалаш ҳамда лафзлари қулоққа эшитилиш жиҳатидан ҳам аниқ мўъжизадир. Унинг мўъжизалиги шу даражадаки, унинг балоғатини идрок қилиб, маъноларини ўрганган кишида беихтиёр улуғлаш кайфияти пайдо бўлади ва унинг олдида бош эгишга ундайди. Унинг маъноларини идрок қила олмайдиган шахс ҳам уни эшитиши биланоқ, бу лафзларнинг жарангидан таъсирланиб, қойил қолади. Шунинг учун ҳам Қуръон мўъжиза ва қиёмат кунигача шундай бўлиб қолади.

СУННАТ

Суннат ва ҳадис бир маънода ишлатилади. Суннатдан мурод - Расулulloҳ ﷺнинг амаллари, сўзлари ва тақрирлари. Саҳобалардан марфуъ ҳолда келган ривоятлар Суннатдан деб ҳисобланади. Чунки улар Пайғамбар ﷺ билан бирга яшаганлар, у кишининг сўзларини эшитганлар, амалларига шохид бўлишган ва у кишидан эшитган ва кўрган нарсаларни хикоя қилиб беришган. Ҳадис шаръий амаллардан деб эътибор қилинади, чунки Оллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿ وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا ﴾

– „Пайғамбар нимани келтирган бўлса олинглар, нимадан қайтарган бўлса қайтинглар“.

[59:7]

وَمَا يَنْطِقُ عَنِ الْهَوَىٰ (۲) إِنْ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَىٰ (۴) عَلَّمَهُ شَدِيدُ الْقُوَىٰ (۵)

– „Ва у (сизларга келтираётган Қуръонни) ўз ҳавойи-хоҳиши билан сўзламас. У (Қуръон) фақат (Оллоҳ томонидан пайғамбарга) ваҳй қилинаётган бир ваҳйдир. (Унга бу ваҳйни) бир кучга тўлган (яъни Жаброил ﷺ) таълим бермишдир.“ [53:3]

Кўп оятлар мужмал ҳолда келган, ҳадис уларни тафсилотлари билан баён қилган. Масалан, намоз оятда мужмал ҳолатда келган, Расулуллоҳ ﷺ амаллари билан унинг вақтларини ва кайфиятларини кўрсатиб берганлар. Қуръонда жуда кўп ҳукмлар мужмал ҳолатда келган бўлса, Пайғамбар ﷺ уларни шарҳлаб, тафсилотини баён қилганлар. Оллоҳ Таоло айтадики:

وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الذِّكْرَ لِتُبَيِّنَ لِلنَّاسِ مَا نُزِّلَ إِلَيْهِمْ (۴۴)

– „Сизга эса одамларга нозил қилинган нарсаларни (яъни, шариат аҳкомларини) баён қилиб беришингиз учун деб бу эслатмани - Қуръонни нозил қилдик.“ [16:44]

Расулуллоҳ ﷺнинг сўзларини эшитган, у кишининг амалларию, аҳволларини кўрган саҳобалар агар бирор оятни фаҳмлашда қийналишса ёки тафсирида тортишиб қолишса, уни изоҳлаш учун пайғамбар ﷺнинг ҳадисларига мурожаат қилардилар. Муслмонлар Оллоҳнинг китобини маҳофаза қилганларидек ҳадисни асрашга, аввало уни ёзишдан кўра, кўпроқ ёдлашга, қалбларида сақлашга интилардилар. Ислом бошқа мамлакатларга ёйилиб, шаҳарлар кенгайгач, саҳобалар турли томонларга тарқалиб кетишди. Уларнинг кўплари вафот этгач, ҳадисларни тўплашга ва уларни ёзиб асрашга эҳтиёж пайдо бўлди.

Ҳадисларни ёзиб қўйиш вақти саҳобаларнинг асрига тўғри келади. Саҳобалардан бир нечаси ҳадисларни ёзиб, ундан ҳикоя қилиб берардилар. Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади: «Пайғамбар асҳобларининг ичида Абдуллоҳ ибн Умардан ташқари мендан кўра кўпроқ ҳадис биладигани йўқ. Чунки Абдуллоҳ ибн Умар ҳадисларни ёзарди, мен ёзмасдим». Лекин ҳадисларни ёзадиган саҳобалар жуда кам эди. Уларнинг кўплари Исломнинг бошланишида ҳадисларни ёзишдан қайтарилганликлари учун ёдлаб олардилар. Муслим ўзининг саҳиҳида Абу Саид ал-Худрийдан ривоят қилади, у киши айтадики: Расулуллоҳ ﷺ шундай дедилар: «Мендан (ҳадисларни) ёзманглар! Ким мендан Қуръондан бошқасини ёзган бўлса, уни ўчириб ташласин, менинг гапларимни ҳикоя қилиб, айтиб беринглар, бунинг зарари йўқ». Яна бир ривоятда шундай дейилади: «Ким менга қасддан ёлғон гапирса, яъни менинг номимдан ёлғон гапирса, дўзахдан ўзига жой тайёрласин». Шунинг учун саҳобалар ҳадисларни ёзишмаган, балки унинг маъносини англаб, ёд олиш билан кифояланишган. Саҳобалар ҳадисларни билишга қаттиқ эътибор берардилар. Уларнинг кўплари хабарларни олишда жуда эҳтиёт бўлганлари маълум. Ибн Шиҳоб Қобисадан ривоят қилади: Бир момо Абу Бакрдан мерос беришини сўраб келди. Абу Бакр айтдики: «Қуръондан сизга ҳужжат тополмайман. Расулуллоҳ ﷺ сизга бирор нарсани зикр

қилганларини ҳам билмайман». Кейин у киши одамлардан сўради. Муғйра туриб: «Расулulloҳ ﷺ момоларга мероснинг олтидан бирини берардилар», деди. Абу Бакр ؓ: «Буни тасдиқлайдиган бирор киши борми?» дедилар. Муҳаммад ибн Муслима бунга гувоҳлик берди. Шундан кейингина Абу Бакр кампирга мерос ажратиб берди.

Жарир Абу Назрадан, у киши эса Абу Саиддан ривоят қилади: Абу Мусо Умарга эшикнинг орқасидан уч маротаба салом берди, у кишига жавоб қайтарилмади, шундан кейин у киши орқасига қайтди. Умар у кишини изидан одам юбориб деди: «Нима учун қайтиб кетдингиз?» Абу Мусо: «Расулulloҳ ﷺ «Агар бирортангиз уч маротаба салом берса-ю, унга жавоб бўлмаса, орқасига қайтсин», деганларини эшитгандим», деди. Умар деди: «Бунга албатта далил келтирасиз ёки мен сизни жазолайман». Биз ўтирган жойга Абу Мусо ранги ўзгарган ҳолда келди. Биз у кишига «Сизга нима бўлди?» дедик. У киши бўлган воқеани айтиб берди ва: «Бирортангиз буни эшитганмисиз?» деди. Биз: «Ҳа, ҳаммамиз эшитганмиз», дедик. Бир киши унга қўшилиб халифанинг олдига борди ва гувоҳликка ўтди. Алий ؓ шундай деди: «Агар Расулulloҳ ﷺ дан бирор ҳадисни эшитсам, Оллоҳ мени хоҳлаган нарсага билан ундан фойдалантирарди. Агар у кишидан бирор киши ҳикоя қилиб берса, у кишидан қасам ичишини сўрардим, агар қасам ичсагина бу гапни тасдиқлардим».

Бу нарсалардан саҳобаларнинг ҳадисни ривоят қилишда тасдиқлаб олганликлари ва хабарларни эҳтиёткорлик билан қабул қилганликларини кўришимиз мумкин. Ривоят қилишларича, Умар ؓ уч марта талоқ қилинган аёлга нафақа ҳам, яшаш жойи ҳам йўқлиги ҳақидаги Фотима бинти Қайснинг ривоятига қарамаган ва шундай деган: «Раббимизнинг Китобини ва пайғамбар ﷺ нинг Суннатларини, биз ёдлаганини ҳам, эсидан чиқарганини ҳам билмаган аёлнинг гапига кўра ташлаб қўймаймиз». Бунинг маъноси «Аёл киши бўлгани учун олмаймиз» дегани эмас, балки Китоб ва Суннатни ёдда сақлаб қолгани ёки ёддан чиқаргани маълум бўлмаган шахснинг сўзига қараб ташлаб қўймаймиз, деганидир. Олинмаслигининг сабаби ёдлаганлиги ёки эсидан чиқариб қўйганлиги холос, унинг аёл кишилиги эмас.

Усмон ўлдирилганидан кейин фитна пайдо бўлди, мусулмонлар ихтилоф қилиб, бир неча гуруҳларга бўлиниб кетишди. Ҳар бир гуруҳ эътиборни даъволарини қувватлайдиган ҳадис ва далилларни келтиришга қаратди. Агар баъзилар сўзларини қувватлайдиган ёки далил қиладиган ҳадисга муҳтож бўлиб қолсалар, ўзлари ҳадис тўқишарди. Тартибсизликлар орасида бундай ихтилофлар кўпайиб кетди. Фитна тинчиб, таҳқиққа (текширувга) киришилгач, бундай мавзу, яъни тўқима ҳадисларнинг кўпайиб кетганлиги маълум бўлди. Шундан кейин ажратишга киришилди.

Саҳобалар асри ўтиб тобеинлар асри келганда, улар ҳам саҳобаларнинг йўлини тутдилар. Улар ҳадисга қаттиқ эътибор бериб, ривоят йўли билан тарқатишди. Умар ибн Абдулазиз халифа бўлгунча саҳобаларга эргашиб келдилар. Умар ибн Абдулазиз ҳадисларни ёзишга буюрди. Бухорий

ўзининг саҳиҳ китобида шундай дейди: «Умар ибн Абдулазиз Абу Бакр ибн Ҳазмга шу маънода хат ёзди: «Расулulloҳ ﷺдан бўлган ҳар бир ҳадисни ўрганиб чиқиб, ёзинг. Мен илмнинг йўқолиб кетиши ва олимлар кетиб қолишидан қўрқаман. Расулulloҳ ﷺнинг ҳадисларинигина ёзинг. Илмни тарқатинглар, билмаганлар билгунча ўргатинглар. Чунки илм, сирга айланмагунча ҳалок бўлмайди, яъни йўқолиб кетмайди». Шунингдек, исломий шаҳарларнинг омилларига ҳадисларни ўрганиб чиқишга буюриб хат ёзди».

Умар ибн Абдулазизнинг буйруғи билан ҳадисларни ёзган биринчи киши Муҳаммад ибн Муслим ибн Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Шаҳоб аз-Зухрийдир. У киши ҳадисларни кичик саҳобалар ва ёши катта бўлган тобеинлар жамоасидан олиб ёзардилар. Зухрийдан кейин ҳадисни ёзиш кенг тарқалди. Маккада ибн Журайж, Мадинада Молик, Басрада Ҳамод ибн Салама, Куфада Суфён ас-Саврий, Шомда ал-Авзоий ва бошқалар ҳадисларни жамладилар. Бу кишиларнинг ҳадислар тўплаши саҳобаларнинг сўзлари ва тобеинларнинг фатволари билан аралашиб кетганди. Бу ҳижратнинг иккинчи асрида юз берди. Кейин ҳижрий учинчи асрнинг бошларида ровийлар ҳадисларнинг ўзинигина жамлаб ёза бошладилар. Ҳадисларни ёзиш имом Бухорий зоҳир бўлгунча кетма-кет давом этди. У киши ҳадис илмида жуда истеъдодли бўлиб, «Саҳиҳул Бухорий» номи билан машҳур китоб ёздилар. Имом Бухорий ўзининг саҳиҳларида саҳиҳлиги тасдиқланган ҳадисларинигина ёздилар. Бу кишининг изидан шогирди Муслим ибн Ҳажжож ҳам худди шу усулда иш олиб борди ва «Саҳиҳ Муслим» номи билан машҳур бўлган китобини ёзди. Мана бу икки китоб «Саҳиҳайни», яъни «Икки саҳиҳ» номи билан номланди.

Ҳадис олимлари ҳадисларни ёзишда уларни қандай топган бўлса, шундай ёзишган. Уларга етиб келган ҳадисларни «тўқилган» деб билсалар, олишмаган. Ҳадисларни топган иснодлари билан бирга жамлашган. Кейин эса, ровийлар, яъни ривоят қилувчиларни ҳам қаттиқ текширишган. Чунки бу билан ҳадис кимнинг ривояти бўлса, олинади ёки олинмайди, ёки кимнинг ривояти олинишида тўхталади. Кейин ривоят қилинган ҳадис ва ривоятнинг ҳолати ҳақида баҳс юритишган, чунки ҳар бир инсон ҳам эсдан чиқариши мумкинлиги ва хатодан холи эмаслиги учун, адолат ва тўғрилиқ билан сифатланган киши ривоят қилган ҳамма нарса ҳам олинавермайди.

Ҳадис исломий маърифатларнинг ҳаммасини ўз ичига олувчи кенг асосдир. У тафсирни ҳам, қонунчиликни ҳам, сийратни ҳам қамраб олади. Ровийлар Қуръони Карим оятлари учун тафсир (шарҳ) бўладиган ҳадисларни, бирон ҳодисага ҳукм бўлган ҳадисларни ва ғазотлар ҳақидаги ҳадисларни ривоят қилишган. Мусулмонлар, ҳадисларни жамлаш бошлангач, ҳар хил шаҳарларда уларни ёзишга киришишди. Ҳадисларни жамлаш асосан Расулulloҳ ﷺнинг ҳадисларини бошқалардан ажратишдан иборат эди. Шу билан ҳадис фикрдан ва тафсирдан фарқланди. Ҳадисларни жамлаш, саҳиҳини заифдан ажратиш, ровийларга ва ҳадисларнинг ўзига ҳукм чиқариш ишлари кучайгандан кейин ҳадис

фиқҳдан ва тафсирдан ажратилди. Бу ишлар ҳижрий 200 йилнинг бошларида бўлган эди.

Суннат ҳам Қуръонга ухшаб шаръий далиллардандир

Суннат Қуръон каби шаръий далилдир. У ҳам Оллоҳнинг ваҳйларидандир. Қуръоннинг ўзи билангина чекланиб, Суннатни тарк қилиш очиқ куфрдир. Бу Исломга қарши чиқувчиларнинг раъйидир. Суннат Оллоҳдан ваҳй эканлиги Қуръонда очиқ баён қилинган. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿قُلْ إِنَّمَا أُنذِرُكُمْ بِالْوَحْيِ﴾

– „Айтинг: «Мен сизларни фақат ваҳй билан қўрқитиб-огоҳлантируман», [21:45]

﴿إِنْ يُوحَىٰ إِلَيَّ إِلَّا أَنَّمَا أَنَا نَذِيرٌ مُّبِينٌ﴾

– „Менга фақат ўзимнинг очиқ-равшан огоҳлантиргувчи эканлигим ваҳй қилинмоқда, холос“, [38:70]

﴿إِنْ أَتَّبِعْ إِلَّا مَا يُوحَىٰ إِلَيَّ﴾

– „Мен фақат ўзимга ваҳй қилинадиган нарсага эргашурман“, [46:9]

﴿إِنَّمَا أَتَّبِعْ مَا يُوحَىٰ إِلَيَّ مِنْ رَبِّي﴾

– „Мен фақат Парвардигоримдан келган ваҳйгагина эргашурман“, [7:203]

﴿وَمَا يَنْطِقُ عَنِ الْهَوَىٰ﴾ ﴿٤﴾ ﴿إِنْ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَىٰ﴾ ﴿٥﴾

– „Ва у (сизларга келтираётган Қуръонни) ўз ҳавойи-хоҳиши билан сўзламас. У (Қуръон) фақат (Оллоҳ томонидан пайғамбарга) ваҳй қилинаётган бир ваҳдир“, [53:3-4]

Мана бу оятлар Расулulloҳ ﷺ келтирган нарсалар, у кишини огоҳлантирувлари, гапирган гаплари ваҳйдан бўлганлигига субути ва далолати қатъий оятлардир. Қуръонга эргашиш вожиб бўлганидек, Суннатга эргашиш ҳам вожиблиги Қуръонда очиқ баён қилинган. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا﴾

– „Пайғамбар ўзи сизларга келтирган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар“, [59:7]

﴿مَنْ يُطِيعِ الرَّسُولَ فَقَدْ أَطَاعَ اللَّهَ﴾

– „Кимки пайғамбарга итоат этса, демак, Оллоҳга итоат этибди“, [4:80]

﴿فَلْيَحْذَرِ الَّذِينَ يُخَالِفُونَ عَنْ أَمْرِهِ أَنْ تُصِيبَهُمْ فِتْنَةٌ أَوْ يُصِيبَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ﴾

– „(Пайғамбарнинг) амрига хилоф иш қиладиган кимсалар ўзларига бирон фитна-кулфат етиб қолишидан ёки аламли азоб етиб қолишидан ҳазир бўлсинлар“, [24:63]

﴿وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا لِمُؤْمِنَةٍ إِذَا قَضَىٰ اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَمْرًا أَنْ يَكُونَ لَهُمُ الْخِيَرَةُ مِنْ أَمْرِهِمْ﴾

– „Оллоҳ ва Унинг пайғамбари бир ишни ҳукм қилган - буюрган вақтида бирон мўмин ва мўмина учун (Оллоҳнинг ҳукмини қўйиб) ўз ишларидан ихтиёр қилиш жоиз эмасдир“, [33:36]

فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا

قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا ﴿٦٥﴾

– „Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича-бўйинсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар“, [4:65]

وَأَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ ﴿٦٦﴾

– „Оллоҳга итоат этингиз ва пайғамбарга бўйсунингиз!“, [64:12]

إِن كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَأَتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ

– „Агар Оллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Оллоҳ сизларни севади“. [3:31]

Буларнинг ҳаммаси Расулуллоҳ ﷺ га, у киши келтирган нарсаларга эргашиш вожиблиги, пайғамбарга итоат Оллоҳ Таолога итоат қилиш деб ҳисобланиши ҳақидаги очиқ оятлардир.

Қуръону ҳадис уларда келган нарсаларга эргашиш вожиб эканлигига шаръий далилдир. Ҳадис худди шу мавзуда Қуръонга ўхшайди. Шунинг учун «Бизда Оллоҳнинг китоби мавжуд, ундангина далил оламиз» дейиш мумкин эмас, чунки бундан Суннатни тарк этиш келиб чиқади. Балки Суннат билан китоб яқинлаштирилиб, ҳадис ҳам Қуръондек шаръий далил сифатида олиниши керак. Мусулмон кишида: «Ҳадиссиз Қуръоннинг ўзи кифоя қилади», деган тушунча пайдо бўлиши мумкин эмас. Расулуллоҳ ﷺ ҳам шу насага ишора қилиб, бундай деганлари ривоят қилинади: «Сизлардан бир киши ўз сўрасига суянган ҳолда мендан ҳадис ривоят қилиб, шундай дейди: «Сиз билан бизнинг ўртамизда Оллоҳнинг китоби бор. Унда нимани ҳалол деб топсак, шуни ҳалол қиламиз, нимани ҳаром деб топсак, уни ҳаром қиламиз». Бироқ Расулуллоҳ ﷺ ҳаром қилган нарса ҳам Оллоҳ ҳаром қилган нарсасек ҳаромдир». Бошқа ривоятда айтадиларки: «Сизларнинг бирингиз шундай дейишга оз қолади: «Бу Оллоҳнинг китобидир. Унда нима ҳалол бўлса, ҳалол қиламиз, нима ҳаром бўлса, ҳаром қиламиз». Бироқ, мендан унга ҳадис етса-ю, уни ёлғон деса, у Оллоҳни, расулини ва ҳадисни етказган кишини ёлғончига чиқарибди». Шундан кўриниб турибдики, «Қуръонни ҳадисга қиёслаймиз, агар мувофиқ келмаса ҳадисни ташлаймиз», дейиш хатодир. Чунки бу ҳолатда фақат Қуръонга тааллуқли, уни бирор нарсада хослаб келган ва тафсилотини баён этган ҳадисни тарк қилишга тўғри келади. Чунки ҳадисда келган нарса Қуръондаги насага мувофиқ келмаслиги ёки Қуръонда мавжуд бўлмаслиги мумкин. Бу ҳолат фдуръларни аслга боғлаб келган ҳадисларда мавжуд. Чунки ҳадисларда келган ҳукмлар Қуръонда келмаган, хусусан Қуръонда келмаган муфассал ҳукмларни ҳадис келтиради. Ҳадисни Қуръонга тақослаш мумкин эмас, чунки бунинг

натижасида Қуръонда келган нарсани олиб, бошқа нарсани олиш мумкин эмаслиги келиб чиқади. Агар ҳадис Қуръонда келган нарсага зид бўлса, ҳадиснинг матни рад этилади, чунки у Қуръонга зид келди. Бунга Фотима бинти Қайсдан ривоят қилинган ҳадис мисол бўлади. У киши айтади: «Расулуллоҳ ﷺнинг даврларида эрим уч талоқ қилди. Мен Расулуллоҳ ﷺнинг олдиларига боргандим, менга нафақа ҳам, турар жой ҳам белгиламадилар». Бу ҳадис инкор қилинади, чунки Оллоҳ Таолонинг мана бу сўзига зид келади:

أَسْكُنُوهُنَّ مِنْ حَيْثُ سَكَنْتُمْ مِنْ وُجْدِكُمْ ﴿٦﴾

– „Уларга (талоқ қилиниб, идда сақлаётган аёлларингизга) ўзларингиз маскан тутган - қудратингиз етган жойдан маскан беринглар“, [65:6]

Бу оят қатъий далолат бўлганлиги учун ҳадис инкор этилади. Аммо ҳадис Қуръонда келмаган нарсани ёки ондан зиёда нарсани ўз ичига олсаю, Қуръонга зид келмаса, бу ҳадис олинади. Шунинг учун «Қуръоннинг ўзи кифоя қилади», дейиш мумкин эмас, чунки Оллоҳ Таоло иккаласига биргаликда буюрди. Уларнинг иккисига ҳам эътиқод қилиш вожиб.

Суннатни далил қилиб келтириш

Маълумки, Суннат Расулуллоҳ ﷺнинг сўзлари, амаллари ва сукутларидир. Суннатга ҳам Қуръонга эргашилгандек эргашиш вожиб. Бироқ, Расулуллоҳ ﷺ бир сўзни гапирганлари ёки бир амални қилганлари, бирор сўзга ва амалга сукут сақлаганлари албатта исботланиши лозим. Агар Суннат исботланса, у билан шаръий ҳукмларга ва эътиқодларга далил келтириш мумкин. Суннат билан исботланган нарса шаръий ҳукмлигига ва ақоидлардан бир ақида эканлигига ҳужжат бўлади. Суннатнинг субути қатъий бўлиши мумкин. Бундай ҳадис Расулуллоҳ ﷺдан, ҳар бир жамоат ёлғонга келишиб олмаслигига хотиржам бўладиган даражада кифоя қилувчи сондан ташкил топиш шарти билан, саҳобалар жамоаси, улардан тобеинлар жамоаси, улардан эса табаа тобеинлар жамоаси ривоят қилган ҳадисдир. Бу мутавотир Суннат ёки мутавотир хабар дейилади. Суннатнинг исботи занний бўлиши мумкин, бундай ҳадис Расулуллоҳ ﷺдан биргина саҳобий ёки бир неча саҳобий алоҳида-алоҳида, улардан эса бир тобеин ёки бир неча тобеинлар алоҳида-алоҳида, улардан эса бир табаа тобеин ёки бир неча табаа тобеинлар алоҳида-алоҳида ривоят қилган ҳадисдир. Бундай ҳадислар ҳадисул оҳод ёки хабарул оҳод деб номланади. Шундан маълум бўладики, ҳадислар далил келтириш жиҳатидан икки турлидир: мутавотир хабар ва оҳод хабар. Аммо машҳур ёки кенг тарқалган хабарга келсак, бу Пайғамбар ﷺдан оҳод йўли билан, яъни бир киши орқали ривоят қилиниб, тобеинларнинг ёки табаа тобеинларнинг даврида машҳур бўлган хабар оҳод хабар ҳисобланади. Ҳадиснинг учинчи тури деб ҳисобланмайди. Чунки у далил бўлишда оҳод хабарнинг мартабасидан ошмайди, мутавотирлик даражасига етмайди. Модомики, ривоятда саҳобалар, тобеинлар ёки табаа тобеинлардами, уларнинг бирида оҳодлик, яъни бир киши ривоят қилганлиги топилса, қолган иккитасида жамлик

бўлса ҳам оҳод хабар деб ҳисобланади. Демак, Суннат икки турли - мутавотир ва оҳод, учинчи тури йўқ.

Агар оҳод хабар саҳиҳ ва ҳасан бўлса, шаръий ҳукмларнинг ҳаммасида, хоҳ ибодатларда, хоҳ муомалада, хоҳ уқуботларда бўлсин, ҳужжат деб эътибор қилинади ва унга амал қилиш вожиб бўлади. Уни далил қилиб келтириш тўғридир. Чунки шаръий ҳукмларни исботлашда оҳод хабарни ҳужжат қилиш саҳобаларнинг ижмои билан собит бўлган (исботланган). Бунинг далили шуки: «Шариат даъвони исботлашда битта гувоҳни эътиборга олади». Ҳолбуки, бир кишининг гувоҳлиги оҳод хабардир. Шунга кўра, Суннатнинг ривоятини ва оҳод хабарни олиш гувоҳликни қабул қилишга қиёсланади.

Мол-мулк тақсимотида икки эркак кишининг ёки бир эркак ва икки аёлнинг гувоҳлиги билан ҳукм чиқариш, зинода тўрт кишининг гувоҳлиги билан, ҳадлар ва қасосда икки кишининг гувоҳлиги билан ҳукм чиқариш мумкин эканлиги Қуръони Каримнинг ҳукми билан собит бўлган. Расулulloҳ ﷺ бир кишининг гувоҳлиги ва ҳақдорнинг қасами билан ҳукм чиқарганлар. «Разоат», яъни эмизишда битта аёлнинг гувоҳлигини қабул қилганлар. Буларнинг ҳаммаси оҳод хабарлар. Саҳобалар ҳам худди шу йўлни туттишган. Уларнинг биронтаси бунга хилоф иш тутганлиги маълум эмас. Модомики, хабарнинг ёлғонга эҳтимоли борлигига шубҳа йўқолиб, бу шубҳа исботланмаса, ёлғонлигидан кўра ростлиги голиб келган хабар билан ҳукм чиқариш лозим. Бу нарса оҳод хабарга амал қилиш лозимлигидан далолат беради. Шунга кўра, ровийнинг ишончли, адолатли эканлиги билан хабарнинг ёлғон бўлиш эҳтимоли йўқоқлар экан, Расулulloҳ ﷺ дан ривоят қилинган оҳод хабарга, ёлғондан ростлик жиҳати голиб келганлиги учун, амал қилиш қиёс билан вожиб бўлади. Расулulloҳ ﷺ дан оҳод хабарни қабул қилиш ва уни бир ҳукмга далил қилиб келтириш бир кишининг гувоҳлигини қабул қилиб, унга биноан ҳукм чиқаришга ўхшайди. Шунга биноан, Қуръон йўллаган далилга асосланиб, оҳод хабарни ҳужжат қилиш мумкин.

Расулulloҳ ﷺ айтадилар: «Менинг сўзимни эшитиб, уни ёдлаб, уни етказган банданинг юзини Оллоҳ ёруғ қилсин. Шундай фиқҳни етказувчи борки, фақиҳ эмас. Шундай фиқҳни етказувчилар борки, улар фиқҳни ўзидан яхши биладиган кишиларга етказадилар». Расулulloҳ ﷺ «Оллоҳ банданинг юзини ёруғ қилсин» деганларида «банда» лафзини ишлатдилар, бандаларни ишлатмадилар, чунки «банда» сўзи жинс бўлиб, бир кишига ҳам, кўпчиликка ҳам қўлланаверади. Бунинг маъноси шуки, Расулulloҳ ﷺ ҳадисни нақл қилишда бир кишини ҳам, кўпчиликни ҳам мақтаяптилар.

Бундан ташқари, Расулulloҳ ﷺ сўзларини ёдлаб, уни етказишга чақирдилар. Бу билан у зотнинг сўзини эшитган бир кишига ҳам, кўпчиликка ҳам уни етказиш вожибдир. Лекин фақатгина у кишининг гапи қабул қилингандагина бу хабарни етказишнинг таъсири бўлади. Расулulloҳ ﷺ тарафидан сўзларини етказишга бўлган даъват, модомики етказилган киши бу Расулulloҳ ﷺ нинг сўзлари эканини тасдиқласа, яъни нақл қилувчи киши нимани етказаётганини, нимани тарк қилаётганини биладиган адолатли, ишончли киши бўлса, шу хабарни

қабул қилишга даъватдир. Демак, оҳод хабар очиқ ойдin Суннат билан ҳужжат эканлигига далолатдир.

Бунга қўшимча Расулуллоҳ ﷺ 12 подшоҳга уларни Исломига даъват қилиш учун бир вақтнинг ўзида 12 элчи юбордилар. Ҳар бир элчи ўзи юборилган юртга ёлғиз борган эди. Агар даъватни етказишда бир кишининг хабарига эргашиш вожиб бўлмаганда, Расулуллоҳ ﷺ ёлғиз одамни юбормасдилар. Бу нарса - оҳод хабар Исломи етказишда ҳужжат бўлиши мумкинлигига далолат қилади. Расулуллоҳ ﷺ волийларга бир киши орқали хатларини жўнатардилар. Бирорта волийнинг кўнглига элчи битта бўлганлиги учун у кишининг буйруқларидан бўйин товлаш келмаган, балки пайғамбардан элчи келтирган ҳукм ёки буйруқларни сўзсиз бажарганлар. Бу нарса шаръий ҳукмларга амал қилишда, Расулуллоҳ ﷺнинг буйруқ ва қайтариқларида оҳод хабарнинг ҳужжат бўлишида Расулуллоҳ ﷺнинг амалларидан олинган очиқ далилдир. Акс ҳолда Расулуллоҳ ﷺ волийларига битта элчи юбормас эдилар.

Саҳобалар ўртасида машҳур бўлиб, улардан тарқалган ҳадисларда, агар ровийсига ишонсалар, оҳод хабарларни олганлари маълум. Бу ҳақда саҳобалардан собит бўлган воқеалар жуда кўп. Саҳобаларнинг бирортасидан бир киши айтгани учун оҳод хабарни рад этганлари ривоят қилинмаган. Улар фақат ривоятнинг ровийси ишончли бўлмаганлиги учун рад этганлар. Шунга биноан, Китоб ва Суннат ҳамда саҳобаларнинг ижмои билан шаръий ҳукмларда ва Иломи етказишда оҳод хабар ҳужжат бўлади.

Оҳод хабар ақидаларда ҳужжат була олмайди

Пайғамбар Муҳаммад ﷺга иймон келтириш у кишига итоат этиб, Суннатларини Иломининг ақидаларию ҳукмларига далил қилишни вожиб этади. Оллоҳ Таоло айтади:

وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا لِمُؤْمِنَةٍ إِذَا قَضَى اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَمْرًا أَنْ يَكُونَ لَهُمُ الْخِيَرَةُ مِنْ أَمْرِهِمْ وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا مُّبِينًا

﴿١٦﴾

– „Оллоҳ ва Унинг пайғамбари бир ишни ҳукм қилган - буюрган вақтида бирон мўмин ва мўмина учун (Оллоҳнинг ҳукмини қўйиб) ўз ишларидан ихтиёр қилиш жоиз эмасдир. Ким Оллоҳ ва Унинг пайғамбарига осий бўлса, бас, у очиқ йўлдан озиш билан йўлдан озибди“, [33:36]

﴿١٧﴾ وَأَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ

– „Оллоҳга итоат этингиз ва пайғамбарга бўйсунингиз!“, [64:12]

﴿١٨﴾ وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا

– „Пайғамбар ўзи сизларга келтирган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар“, [59:7]

Бироқ, Суннатни далил қилиб келтириш далил сифатида келтириляётган нарсадан фарқланади. Агар далил қилиб келтириляётган нарсда занн (гумон) голиб келса, «Расулуллоҳ ﷺ гапирганлар» деган фикр билан уни олиш мумкин, лекин «Расулуллоҳ ﷺ айтганлар» деб аниқ

ишонган нарсани далил қилиб келтириш афзал. Аммо қатъийлик ва аниқлик вожиб бўлган нарсада «Расулulloҳ ﷺ албатта айтганлар» деб ишонган нарсанигина далил қилинади, занн аниқ нарсаларга далилга ўтмайди. Чунки қатъийлик ва аниқлик талаб қилинганда аниқ нарсагина далил бўлади.

Шаръий ҳукмда «Бу Оллоҳнинг ҳукми» деган занн ғолиб бўлганда далил қилиш мумкин ва унга эргашиш вожиб. Шундан келиб чиқадики, шаръий ҳукмнинг далили «занний», яъни гумонли бўлиши мумкин. Бу «заннийлик» субутида бўладими, далолатидами фарқи йўқ. Шунинг учун ҳам оҳод хабар шаръий ҳукмга далил бўлади. Расулulloҳ ﷺ ҳам ҳукм чиқаришда оҳод хабарни олганлар ва ҳадиснинг ривоятида уни қабул қилишга даъват этдилар ва саҳобалар ҳам шаръий ҳукмларда уни олишди. Ақида эса воқега мувофиқ бўлган далилдан келиб чиққан жазмий тасдиқдир. Ақиданинг ҳақиқати ва воқеи шу бўлар экан, унинг далили жазмий тасдиқни пайдо қилиши зарур. Қачонки ақиданинг далили қатъий исботлансагина у қатъий тасдиқ бўлиши мумкин. Чунки, «занний далил» қатъийликка олиб бориши маҳол, шунинг учун ҳам қатъий нарсага далил бўла олмайди. Оҳод хабар ақидага далил бўла олмайди, чунки у заннийдир, ақида эса қатъий бўлиши керак. Оллоҳ Таоло ҳам Қуръони Каримда заннга эргашишни қоралайди:

﴿١٥٧﴾ مَا لَهُمْ بِهِ مِنْ عِلْمٍ إِلَّا اتِّبَاعَ الظَّنِّ

– „У ҳақда фақат гумонларга берилдилар, холос“, [4:157]

﴿١٦﴾ وَمَا يَتَّبِعُ أَكْثَرُهُمْ إِلَّا ظَنًّا إِنَّ الظَّنَّ لَا يُغْنِي مِنَ الْحَقِّ شَيْئًا

– „Уларнинг кўплари жонли-жонсиз бутларга сигинишларида фақат гумонга эргашадилар, холос. Гумон эса бирон нарсада ҳақиқатнинг ўрнини босолмайди“, [10:36]

﴿١٦٦﴾ وَإِنْ تُطْعَ أَكْثَرٌ مِّنْ فِي الْأَرْضِ يُضِلُّوكَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ

– „Ер юзидаги кимсаларнинг жуда кўпларига итоат қиладиган бўлсангиз, сизни Оллоҳнинг йўлидан оздирурлар“, [6:116]

﴿١٢٣﴾ إِنْ يَتَّبِعُونَ إِلَّا الظَّنَّ

– „Улар фақат гумонга эргашадилар-а!“ [53:23]

﴿١٢٤﴾ إِنْ يَتَّبِعُونَ إِلَّا الظَّنَّ وَمَا تَهْوَى الْأَنْفُسُ

– „Улар фақат гумонга ва ҳавойи-нафсларига эргашадилар-а!“ [53:23]

﴿٢٨﴾ وَمَا لَهُمْ بِهِ مِنْ عِلْمٍ إِنْ يَتَّبِعُونَ إِلَّا الظَّنَّ وَإِنَّ الظَّنَّ لَا يُغْنِي مِنَ الْحَقِّ شَيْئًا

– „Ҳолбуки, улар учун бу ҳақда (яъни, фаришталарнинг қайси жинсдан эканлиги ҳақида) бирон билим-ҳужжат йўқдир. Улар фақат гумон-тахминга эргашурлар, холос. Аниқки, гумон ҳақиқатдан бирон нарсанинг ўрнига ўтмас!“ [53:28]

Бу оятлар ақидаларда заннга эргашадиганларни очиқ ёмонлаяпти. Уларни ёмонлаб, қатъий танқид қилиш заннга эргашишдан қайтаришга далил бўлади. Хабарул оҳод заннийдир, уни ақидага далил қилиб

келтириш ақидаларда зоннга, яъни гумонга эргашишдир. Буни Қуръони Карим қоралайди. Шаръий далил ва ақиданинг воқеи, ақидаларга занний далил билан ҳужжат келтириш, унда келган нарсага эътиқод қилиш вожиб эмаслигини кўрсатиб турибди. Шунга биноан, оҳод хабар ақидаларда ҳужжат бўлмайди.

Бу оятлар ақидаларнинг ўзига тегишли, улар шаръий ҳукмларга тааллуқли эмас. Чунки, Оллоҳ Таоло ақидада заннга эргашишни адашиш деб эътибор қилади:

﴿١٢﴾ **إِن يَتَّبِعُونَ إِلَّا الظَّنَّ وَمَا تَهْوَى الْأَنْفُسُ**

– „Улар фақат гумонга ва ҳавойи-нафсларига эргашадилар-а!“ [53:23] оятини мана бу оятдан кейин зикр қилди:

﴿١١﴾ **أَفَرَأَيْتُمُ اللَّاتَ وَالْعُزَّىٰ** ﴿١٢﴾ **وَمَنَاةَ الثَّالِثَةَ الْأُخْرَىٰ** ﴿١٣﴾ **أَلَكُمُ الذَّكْرُ وَلَهُ الْأُنثَىٰ** ﴿١٤﴾ **تِلْكَ إِذًا قِسْمَةٌ ضِيزَىٰ** ﴿١٥﴾ **إِن هِيَ إِلَّا أَسْمَاءٌ سَمَّيْتُمُوهَا أَتْمَ وَأَبَاؤُكُمْ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ بِهَا مِنْ سُلْطَانٍ** ﴿١٦﴾ **إِن يَتَّبِعُونَ إِلَّا الظَّنَّ**

– „(Эй мушриклар, ўзларингизча сиғинаётган санамларингиз) - «Лот», «Узо» ва яна учинчилари бўлмиш тубан «Манот» ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингларми?! (Сизлар ўша бут-санамларни ва фаришталарни «Оллоҳнинг қизлари» дейсизлар, демак) эркак (жинси) сизларники-ю, аёл (жинси) У зотникими?! У ҳолда бу адолатсиз тақсим-ку?! У (ном)лар фақат сизлар ўзларингиз ва ота-боболарингиз қўйиб олган номлардир. Оллоҳ улар(га ибодат қилиш) ҳақида бирон ҳужжат туширган эмас. У (мушрик)ларга (пайғамбар ﷺ воситаларида) Парвардигор томонидан хидоят (Қуръон) келиб турган ҳолда улар фақат гумонга эргашадилар-а“, [53:19-23]

бу эса жумланинг мавзуси ақида эканлигидан далолат беради. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿١٧﴾ **وَأَنْ تَطِغَ أَكْثَرُ مَنْ فِي الْأَرْضِ يُضِلُّوكَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ** ﴿١٨﴾ **إِن يَتَّبِعُونَ إِلَّا الظَّنَّ**

– „Ер юзидаги кимсаларнинг жуда кўпларига итоат қиладиган бўлсангиз, сизни Оллоҳнинг йўлидан оздирурлар. Зотан улар фақат гумонларигагина эргашурлар, холос.“ [6:116]

Оллоҳ Таоло адашиш-куфрни заннга эргашишдан келиб чиқяпти деб эътибор қилади. Бу - оятларнинг мавзуси ақида эканини исботлайди.

Иккинчидан, Расулulloҳ ﷺ оҳод хабар билан ҳукм қилганлари ва у кишининг даврларида мусулмонлар шаръий ҳукмларда оҳод хабарни олганлари ва Расулulloҳ ﷺ уларни қувватлаганлари собит бўлган. У кишининг ҳадислари оятларни шаръий ҳукмдан бошқага, яъни ақидаларга хослаган. Баъзи оятлар умумий бўлишига қарамасдан, шаръий ҳукмларни ақидадан ажратган.

Аммо Расулulloҳ ﷺ подшоҳларга ва ўз омилларига битта кишини элчи қилиб юборганлари, саҳобалар «Каъбага қараб бурилишларига бўлган буйруқ» ва «ароқ ҳаром қилинганлигига» ўхшаш Расулulloҳ ﷺнинг хабарларини бир кишидан олганлари, Алийнинг ўзини одамларга «Тавба»

сурасини ўқиб беришга юборганлари, ақидада оҳод хабар қабул қилинганга эмас, балки етказишда, хоҳ у шаръий ҳукмни, хоҳ Исломни етказиш бўлсин, оҳод хабар қабул қилинганидан далолат беради. Исломни етказишнинг қабули ақидани қабул қилиш эмас, чунки Ислом ҳақида маълумот олиш хабарни қабул этишдир, ақидани эмас. Бунинг далили шуки, хабар етказилган киши олган маълумоти ҳақида ақлини ишлатиши лозим. Агар унга қатъий далил келтирилса, уни қабул қилади, инкор этгани учун эса жавоб беради. Ислом ҳақидаги хабарни қабул қилмаслик куфр ҳисобланмайди, лекин яқиний далил қойим бўлган Исломни тарк қилиш куфр ҳисобланади. Шунга биноан, Исломни етказиш ақидадан деб ҳисобланмайди. Оҳод хабарни қабул қилишда ихтилоф йўқ. Баён этилган ҳодисаларнинг ҳаммаси етказишга - Исломни ё Қуръонни ёки ҳукмларни етказишга тааллуқли. Ақидага оҳод хабар далил қилиб келтирилганга бирон далил йўқ.

Шунга биноан ақиданинг далили қатъий, яъни Қуръон ёки мутавотир ҳадис бўлиши керак. Албатта, Қуръон ёки мутавотир ҳадисдаги далилнинг далолати қатъий бўлсагина уни олиш вожиб, бўйин товлаган киши кофир бўлади. Аммо далили оҳод хабар бўлса, уни олиш вожиб эмас ва уни инкор этган киши кофир ҳисобланмайди. Чунки ҳадис, гарчи саҳиҳ бўлса-да, оҳод йўли билан келтирилса, унинг ҳадислигига, яъни Расулulloҳ ﷺ айтганларига ишониш вожиб эмас. Бу жиҳатдан Қуръон ҳам худди шунга ўхшайди. Қуръон бизга тавотур йўли билан етказилган. Шунинг учун унга эътиқод қилиш вожиб ва уни рад этган киши кофир бўлади. Аммо Қуръондан деб оҳод хабар йўли билан мана бу оят ривоят қилинган:

الشيخ والشيخة اذا زنيا فارجموهما البتة نكالا من الله والله عزيز حكيم

Бу оят оҳод йўли билан ривоят қилинганлиги учун Қуръондан деб ҳисобланмайди, гарчи бу Қуръондан дейилган бўлса ҳам, унга эътиқод қилиш вожиб эмас. Чунки у оҳод йўли билан ривоят қилинганлиги уни Қуръондан эканлигини инкор этади. Оҳод хабар ҳам, гарчи «бу ҳадис» деб ривоят қилинса-да, шунга ўхшайди. Чунки унинг ривояти оҳод йўли билан эканлиги уни ҳадис деб ҳисоблашни ва унга эътиқод қилиш вожиблигини нафий қилади.

АҚИДА ВА ШАРЪИЙ ҲУКМ ОРАСИДАГИ ФАРҚ

Ақида калимасининг луғавий маъноси қалб қатъий ишонган нарса демакдир. Бу тасдиқ умумий бўлиб, барча нарсанинг тасдиқини ўз ичига олади. Лекин бир нарсани тасдиқлашда тасдиқ қилинаётган нарсага қаралади, агар у асосий иш ёки асосий ишдан келиб чиққан бўлса, уни ақида деб номлаш мумкин. Чунки у бошқа нарсалар учун асосий ўлчовга ярайди. Натижада қалб уни қатъий тасдиқлашининг ҳаётда сезиларли таъсири бўлади. Агар тасдиқланаётган нарса асосий нарса бўлмаса, ёки асосий нарсадан келиб чиқмаса, у ақида саналмайди. Чунки уни қалбдан тасдиқ этишнинг ҳаётда ҳеч қандай таъсири йўқ ва унга эътиқод қилишнинг воқеи ёки фойдаси бўлмайди. Агар бирор нарсани қалбан

тасдиқ этишнинг бошқа ишларга таъсири бўлиб, уни тасдиқлаш ёки инкор қилишга ундаса, у ақида ҳисобланади.

Ақида инсон, коинот ва ҳаёт ҳақидаги, дунё ҳаётидан аввалги вужуд ҳамда дунё ҳаётидан кейинги ҳаёт ҳақидаги, дунё ҳаётининг аввалги вужудга ҳамда кейинги ҳаётга алоқадорлиги ҳақидаги куллий (яхлит) фикрдан иборатдир. Бу барча ақидаларнинг, шу жумладан Ислом ақидасининг таърифидир. Ғайб нарсаларга ишониш ҳам ақида жумласига киради. Оллоҳга, унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, қазо ва қадарнинг яхшилиги ҳам, ёмонлиги ҳам Оллоҳ Таолодан эканлигига иймон келтириш Ислом ақидасидир. Жаннатга, дўзахга, фаришталар ва шайтонларга иймон келтириш ҳамда ҳис этилмайдиган ғайб нарсаларга тааллуқли фикр ва хабарларга ишониш ҳам ақидадан.

Шаръий ҳукмлар эса Шорёъ (шариат эгаси)нинг бандаларнинг феълларига тааллуқли буйруғидир. Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг феълларидан ёки сифатларидан бирортасига тааллуқли фикрлар шаръий ҳукмдир. Демак, ижарага бериш, судхўрлик, кафолат, ваколат, намоз, халифаликни тиклаш, Оллоҳ белгилаган жазо қонунларини ўз ўрнига қўйиш, халифанинг мусулмон бўлиши шартлиги, гувоҳнинг адолатли бўлиши, ҳоким эркак киши бўлиши ва шу каби барча амаллар шаръий ҳукмлар ҳисобланади. Тавҳид, пайғамбарлик, пайғамбарнинг ростлиги, пайғамбарларнинг хатодан холилиги, Қуръон Оллоҳнинг сўзи эканлиги, қиёмат кундаги ҳисоб-китоб масаласи, дўзах азоби ва шу кабилар ақида жумласидандир. Ақида тасдиқ қилинадиган фикрлардир. Шаръий ҳукм эса инсоннинг феълига алоқадор буйруқдир. Масалан, икки ракаат бомдод намозини олайлик. Уни адо қилиш шаръий ҳукм, Оллоҳ томонидан белгиланганлигини тасдиқлаш ақидадир. Бомдод намозининг икки ракаат Суннатини ўқиса савоб, ўқимаса гуноҳкор бўлмаслиги жиҳатидан олиб қаралса, худди шом намозининг икки ракаат Суннати каби бир хил шаръий ҳукм ҳисобланади. Аммо бомдод намозининг икки ракаат Суннати Оллоҳ Таоло томонидан белгиланганлиги қатъий бўлиб, уни инкор этган киши диндан чиқади. Чунки тавотур йўли билан исботланган. Лекин шом намозининг икки ракаат Суннатини тасдиқлаш матлуб (талаб қилинган)дир. Занний далил, яъни оҳод хабарлар билан исботланганлиги учун уни инкор қилиш куфр ҳисобланмайди. Чунки оҳод хабарлар ақида борасида далил бўлмайди. Шунингдек, ўғрининг қўлини кесиш ҳам шаръий ҳукм бўлиб, бу Оллоҳнинг ҳукми эканлигини тасдиқлаш ақидадир. Шунингдек, судхўрликнинг ҳаромлиги шаръий ҳукм бўлса, Оллоҳнинг ҳукми эканлигини тасдиқлаш ақидадир.

Бу ўринда ақида билан шаръий ҳукм ўртасидаги фарқ шундан иборатки, ақида - иймон, иймон эса далил орқали воқега мувофиқ келадиган қатъий тасдиқдир. Ақидада қатъийлик ва аниқ ишонч талаб қилинади. Шаръий ҳукм эса Шорёънинг бандаларнинг феълларига тааллуқли буйруғидир. Шаръий ҳукмда зонн кифоя қилади. Демак, фикрнинг воқеси мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини тасдиқлаш ақидадир. Фикрни идрок этиб, уни инсоний феъллардан бирига муолажа

деб ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслиги шаръий ҳукмдир. Фикр ечим деб ҳисобланганлиги учун занний далил кифоя қилади, аммо фикр воқесининг мавжудлигини тасдиқлаш учун албатта қатъий далил бўлиши керак.

ИЖТИҲОД ВА ТАҚЛИД

Оллоҳ Таоло Муҳаммад ﷺнинг пайғамбар эканликларини билдириб, бутун инсонларга хитоб қиладики:

يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا ﴿١٥٨﴾

– „Эй одамлар, албатта мен сизларнинг барчангизга Оллоҳ (юборган) элчиман“, [7:158]

يَا أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُمْ بُرْهَانٌ مِنْ رَبِّكُمْ ﴿١٧٤﴾

– „Эй одамлар, сизларга Парвардигорингиздан ҳужжат келди“, [4:174]

يَا أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُمْ الرَّسُولُ بِالْحَقِّ مِنْ رَبِّكُمْ ﴿١٧٧﴾

– „Эй одамлар, бу пайғамбар сизларга Парвардигорингиздан ҳақ динни келтирди“, [4:170]

يَا أَيُّهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ مِنْ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ ﴿١٧٩﴾

– „Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган Парвардигорингиздан қўрқингиз!“, [4:1]

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا قَاتِلُوا الَّذِينَ يَلُونَكُمْ مِنَ الْكُفَّارِ وَلِيَجِدُوا فِيكُمْ غِلْظَةً ﴿١٢٢﴾

– „Эй мўминлар, ёнларингиздаги кофирларга қарши жанг қилинглр ва улар сизлардаги куч-қувватни қўрсин!“ [9:123]

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَقْرُبُوا الصَّلَاةَ وَأَنْتُمْ سُكَارَىٰ ﴿٤٣﴾

– „Эй мўминлар, маст ҳолингизда намозга яқин келманглр“, [4:43]

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا ضَرَبْتُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَتَبَيَّنُوا ﴿٩٤﴾

– „Эй мўминлар, қачон Оллоҳ йўлида жиҳод учун сафарга чиқсангиз (душманларингизни) аниқ таниб олинглар“, [4:94]

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُونُوا قَوَّامِينَ بِالْقِسْطِ شُهَدَاءَ لِلَّهِ وَلَوْ عَلَىٰ أَنْفُسِكُمْ ﴿١٢٥﴾

– „Эй мўминлар, адолат билан тургувчи ҳамда ўзларингнинг ёки ота-она ва қариндош-уруғларнинг зарарига бўлса-да, Оллоҳ учун тўғри гувоҳлик бергувчи бўлинглар“, [4:135]

يَا أَيُّهَا النَّاسُ اتَّقُوا رَبَّكُمُ إِنَّ زَلْزَلَةَ السَّاعَةِ شَيْءٌ عَظِيمٌ ﴿١٠١﴾

– „Эй инсонлар, Парвардигорингиздан қўрқингиз! Зеро (қиёмат) соати (олдидаги) zilzila улуг-дахшатли нарсадир“. [22:1]

Оллоҳнинг бу хитобларини эшитган ҳар бир киши уни тушуниши, унга иймон келтириши фарз, иймон келтирган кишиларга эса тушуниш ва амал қилиш фарздир. Чунки бу шаръий ҳукмдир. Аслида мусулмон киши Оллоҳнинг ҳукмини Шореънинг хитоби орқали ўзи тушуниб олиши керак. Чунки Шореънинг хитоби фақат мужтаҳид ва олимларгагина қаратилган

эмас, балки барча мукаллафларга тааллуқли. Демак, бу хитобдаги ҳукмга амал қилиш учун барча мукаллафлар уни тушунмоқлари фарз. Чунки инсон хитобни тушунмай туриб, унга амал қилолмайди. Шунинг учун Оллоҳнинг ҳукмини истинбот (ижтиҳод) қилиш барча мукаллафларга фарз. Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир мукаллаф аслида Оллоҳнинг ҳукмини Шореънинг хитобидан ўзи тушуниб олиши вожиб.

Бироқ мукаллафларнинг фаҳму идроки бир-биридан фарқланиши ва билиш борасида ораларида тафовут борлиги сабабли, далиллардан барча ҳукмларни истинбот қилишлари барча мукаллафларга муяссар бўлмайди. Мақсад Шореънинг хитобини фаҳмлаб, унга амал қилиш бўлгани учун ижтиҳод барча мукаллафларга фарз. Фаҳм, идрок ва ўрганишда тафовут борлиги сабабли ва барча мукаллафларга узрли бўлгани учун ижтиҳод қилиш фарзи кифоядир. Яъни, баъзи мукаллафлар ижтиҳод қилсалар, қолганлардан бу фарз соқит бўлади. Шунинг учун мукаллаф мусулмонлар орасида шаръий ҳукмларни истинбот қилувчи мужтаҳидларнинг бўлиши барча мусулмон мукаллафларга фарз бўлди.

Шунга кўра, мусулмонларнинг орасида мужтаҳидлар ва муқаллидлар бўлиб, далилидан бевосита ўзи шаръий ҳукм оладиган киши мужтаҳид, бирор масаланинг шаръий ҳукмини мужтаҳиддан сўраб билувчи эса муқаллид деб аталади. Сўровчининг сўраши билиб амал қилиш учун бўладими ёки билиб бошқаларга ўргатиш учун бўладими ёки фақат билиб қўйиш учун бўладими, бундан қатъий назар у киши муқаллид ҳисобланади. Шунингдек, сўровчи мужтаҳиддан сўрайдими ёки шаръий ҳукми биладиган мужтаҳид бўлмаган кишидан сўрайдими, у киши муқаллид ҳисобланади ва билган шаръий ҳукмларини бошқаларга билдириши мумкин. Бу ўринда сўралувчи олим ёки оми эканлигининг аҳамияти йўқ, балки уларнинг ҳар бири муқаллиддир. Ҳатто улар ҳукми ишлаб чиққан мужтаҳидни билмасалар ҳам. Чунки мукаллафдан биронта шахсга тақлид қилиши эмас, шаръий ҳукми олиши талаб этилган. Муқаллид эканлиги бирор шахс орқали ўзи истинбот қилмаган бирор шаръий ҳукми олиши англатади, шахсга тақлидини эмас. Чунки мавзу шахс эмас, балки шаръий ҳукмдир. Мужтаҳид билан муқаллид ўртасидаги фарқ шундан иборатки, мужтаҳид шаръий ҳукми шаръий далилдан шахсан ўзи олади. Муқаллид эса, бошқа биров истинбот қилган шаръий ҳукми олади. Бу ўринда муқаллид шаръий ҳукми истинбот қилган кишини танийдими ёки танимайдими, фарқи йўқ. Шу ҳукмнинг шаръийлигига ишонч ҳосил қилса бас. Лекин биронта инсоннинг раъйини, масалан, Зайднинг раъйини ёки қандайдир олимнинг ёки файласуфнинг раъйини олиш шаръий тақлид ҳисобланмайди. Бу Исломдан четлашиш бўлиб, шаръан ҳаромдир. Мусулмон кишининг бундай йўл тутиши мумкин эмас. Чунки Оллоҳ Таоло бизга фақат Муҳаммад ﷺ гагина эргашишимизни буюрган.

﴿ وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا ﴾

– „Пайғамбар ўзи сизларга келтирган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар“.

[59:7]

Одамларнинг ўзларидан келиб чиққан фикрни олишдан қайтариб, бир қанча ҳадислар ҳам келган. Уббода ибн Сомитдан ривоят қилинадик, мен Расулulloҳ ﷺнинг шундай деганларини эшитдим: «Мендан кейин шундай одамлар бўлади, улар сизлар инкор этадиган нарсаларни маъруф деб айтадилар ва сизлар маъруф деб айтган нарсаларни рад этадилар. Оллоҳга осий бўлган кишиларга итоат қилманглар ва ўз раъйинглар билан иш тутманглар». Яъни ўзинглардан чиққан фикрларга эргашманглар, дедилар. Шаръий далиллардан мужтаҳид олган фикр мужтаҳиднинг раъий дейилмайди, балки у шаръий ҳукм ҳисобланади. Аммо шахснинг ўзидан чиққан фикр эса фақат шахснинг фикридир. Шунинг учун ҳам Расулulloҳ ﷺ уни бидъат деб атадилар. Саҳиҳ ҳадисда пайғамбар айтадиларки: «Энг яхши сўз Оллоҳнинг китобидир, энг тўғри йўл эса Муҳаммаднинг йўлидир, ишларнинг энг ёмони эса янги ўйлаб топилганларидир. Ҳар қандай бидъат залолатдир». Янги ўйлаб топилган Қуръонга, Суннатга ва ижмога зид ҳукмларнинг барчаси бидъатдир. У амал ёки сўз бўладими фарқи йўқ. Аммо ҳукмлар жумласига кирмайдиган амаллар ва нарсалар бидъат дейилмайди. Чунки бу ўринда қораланаётган ва қайтарилаётган фикрдан мақсад у эмас, балки бидъат деб аталадиган бирон ишнинг ҳукмини қандайдир инсон фикридан олинишидир, чунки шаръий ҳукмлар фақат шаръий далиллардангина олиниши керак. Шунга асосан, шариат рухсат берган тақлид шундан иборатки, кимки бирор масаланинг шаръий ҳукмини истинбот қилмаса, шу масаланинг шаръий ҳукмини билиш ва олиш учун уни билган кишидан сўраши мумкин. Сўровчи киши шаръан муқаллид деб аталади.

Ижтиҳод

Ижтиҳоднинг луғавий маъноси оғир меҳнат ва машаққатни талаб қилувчи бирор ишни амалга ошириш учун бор кучни сарфлашдир. Аммо усул олимларининг истилоҳида ижтиҳод бирор шаръий ҳукмга нисбатан, ундан ошиғига ўз ожизлигини ҳис қилган йўсинда, ўз занн-гумонини излаб топиш учун бор кучини сарфлашидир.

Ижтиҳоднинг зарурлиги ҳадис билан исботланган. Пайғамбар ﷺдан ривоят қилинадик, Расулulloҳ ﷺ ибн Масъудга дедилар: «Қуръон ва ҳадис билан ҳукм қил, агар улардан ечим тополмасанг ўз раъйингда ижтиҳод қил». Яна Расулulloҳ ﷺдан ривоят қилинади: Расулulloҳ ﷺ Муоз ва Абу Мусо ал-Ашъарийни Яманга қози қилиб юбордилар ва дедилар: «Қандай ҳукм чиқарасизлар?» Улар: «Қуръон ва Суннатдан. Агар тополмасак, ишларни бир-бирига қиёслаймиз ва ҳақиқатга яқин бўлганини олиб, амал қиламиз». Бу ўринда айтилган қиёс шаръий ҳукми олиш учун ижтиҳоддир. Расулulloҳ ﷺ Муоз ва Абу Мусоларнинг қиёсларига, яъни ижтиҳод қилишларига рози бўлдилар. У киши Муозни Яманга волий қилиб юбораётганларида дедилар: «Нима билан ҳукм қиласан?» Муоз жавоб берди: «Оллоҳнинг китоби билан». Расулulloҳ ﷺ дедилар: «Агар ундан тополмасанг-чи?» «Расулulloҳ ﷺнинг Суннатлари билан», деб жавоб берди Муоз. «Агар ундан ҳам тополмасангчи?» дедилар Расулulloҳ ﷺ. «Унда ўз раъйимда ижтиҳод қиламан», деди. Расулulloҳ ﷺ у кишидан

хурсанд бўлиб, «Пайгамбарнинг элчисини Оллоҳ ва расули яхши кўрган нарсага муваффақ қилган Оллоҳга ҳамдлар бўлсин», дея Муознинг бу ишини маъқулладилар. Бу ҳадисда Муознинг ижтиҳод қилиши Расулulloҳ ﷺ томонларидан маъқулланган. Ижтиҳод ҳақида бирор кишида ихтилоф йўқ. Саҳобалар ҳам шаръий далилдан олинган раъй билан ҳукм қилишган. Улар бирор аниқ ҳужжат топа олмаган воқеаларда ижтиҳод қилишган. Бу эса бизга тавотур йўллари билан етиб келган. Абу Бакр رضي الله عنهнинг ушбу сўзлари ҳам бунга мисол бўла олади. У кишидан «Нисо» сурасининг 12-оятдаги калола сўзининг маъноси ҳақида сўралганда, айтдилар: «У ҳақда ўз раъйимни айтаман. Агар бу раъйим тўғри бўлса, Оллоҳдан, агар хато бўлса, мендан ва шайтондандир. Оллоҳ ундан покдир. Калола боласи ҳам, отаси ҳам йўқ кишидир». Бу ўриндаги Абу Бакрнинг «У ҳақда ўз раъйимни айтаман», деган сўзининг маъноси «ўзим ичимдан чиқариб айтаман», дегани эмас, балки оятдаги калола лафзидан тушунган раъйимни айтаман, деган маънони билдиради. Калола лафзи араб тилида уч хил маънода ишлатилади.

1. Ўзидан кейин на фарзанд ва на отасини қолдирган киши.

2. Ўлганларга на ота ва на бола бўлмаган киши.

3. Ота томонидан ҳам, бола томонидан ҳам қариндош бўлмаган киши.

Бу маънолардан қайси бири оятдаги калола лафзига тушади? Абу Бакр رضي الله عنه Оллоҳнинг:

وَإِنْ كَانَ رَجُلٌ يُورَثُ كَالِأَلَّةِ أَوْ امْرَأَةٌ

– „Агар мероси қолаётган эркак ёки аёлнинг на ота ва на онаси бўлмаса“, [4:12]

оятда келган калола лафзидан унинг уч маъносидан бирини тушунди. Оятдаги «калола» лафзи «кона»нинг хабари бўлган, яъни: «Агар мерос қолдирган майит калола (отаси ҳам, боласи ҳам йўқ киши) бўлса». Балки Абу Бакр бу маънони иккинчи бир оятдан олгандир. Бу қуйидаги оят:

قَالَ اللَّهُ يُفْتِيكُمْ فِي الْكَلَالَةِ إِنَّ امْرُؤًا هَلَكَ لَيْسَ لَهُ وَكَلْدٌ

– „Айтингки, Оллоҳ Таоло калола ҳақида ҳукм беради. Агар бир киши ўлса, унинг боласи йўқ бўлса...“, [4:176]

Балки:

قَالَ اللَّهُ يُفْتِيكُمْ

– „Айтингки, Оллоҳ Таоло ҳукм беради...“, [4:176]

оятнинг нозил бўлиш сабаби ҳақидаги ҳадисдан шу маънони олгандир. Ривоят қилинадигани, Расулulloҳ ﷺ бетоб бўлганларида Жобир ибн Абдуллоҳ кўргани келди. Шунда Жобир Расулulloҳ ﷺга: «Мен, калоламан, молимни нима қиламан?» деди. Шунда юқоридаги:

إِنَّ امْرُؤًا هَلَكَ

– „Агар бир киши ўлса...“, [4:176]

оят нозил бўлди. Шунинг учун Абу Бакрнинг калола ҳақидаги раъйи унинг ижтиҳоди бўлиб, ўзидан чиққан фикр эмас. Шундай ижтиҳодлардан бири Абу Бакрнинг онанинг онасини мерос олишга ҳақли қилиши ва

отанинг онасини эса меросдан маҳрум қилишидир. Шунда баъзи ансорлар Абу Бакрга айтдиларки: «Сиз отанинг онасини меросдан маҳрум қилдингиз, ваҳоланки, отанинг онаси ўлса, ўглининг ўгли мерос олади. Онанинг онасини эса мерос оладиган қилдингиз, ваҳоланки, онанинг онаси ўлса, қизининг боласи мерос олмайди». Шунда Абу Бакр ﷺ иккаласини ҳам, яъни отанинг онасини ҳам, онанинг онасини ҳам неварадан қолган меросга шерик қилди. Яна шундай ижтиҳодлардан бири ҳамма мусулмонларга ўлжаларнинг бир хил тақсимланишидир. Умар ибн Хаттоб айтдики: «Эй Абу Бакр, моллари ва яшаб турган жойларини ташлаб, Расулulloҳ ﷺнинг ҳузурига ҳижрат қилган муҳожирлар билан, Исломига мажбур бўлиб кирганларни бир хил кўрманг». Абу Бакр жавоб берди: «Улар Оллоҳ учун Исломи қабул қилишган. Уларнинг ажрлари Оллоҳга ҳавола. Бу дунё жазолайдиган жой эмас». Яна шундай ижтиҳодлардан бири Умар ибн Хаттобнинг ижтиҳоди бўлиб, у киши айтдиларки: «Отанинг отаси ҳақида ўз раъйим билан ҳукм қиламан». Яъни наслардан тушунган раъйим билан ҳукм қиламан, демоқчи бўлдилар. Шундай ижтиҳодлардан яна бири Умарнинг даврида мерос муаммосининг ечилишидир. У муаммо шундан иборат: бир аёл вафот этиб, унинг эри, онаси, она бир икки иниси ва она бир, ота бир икки иниси қолди. Аввал Умар ﷺ она бир иниларга учдан бирни бермоқчи бўлган эди, ота бир, она бир иниларга ҳеч нима қолмади. Шунда ота бир, она бир инилар: «Бизнинг отамиз Ҳимор (бир ривоятда Ҳажар дейилган), деб ҳисобла, биз бир онадан эмасмизми?» дедилар. Шунда Умар ﷺ аввалги раъйдан қайтдилар ва иниларнинг ҳаммасига мероснинг учдан бирини тақсимлаб бердилар. Аммо баъзи саҳобалар бундай масалани бошқача ҳал қилган эдилар. Улар худди Умар каби ва ҳукмда очиқ баён қилинганидек, мероснинг ярмини эрга, олтидан бирини онасига бердилар. Она бир ота бошқа иниларга эса, учдан бирини беришди. Аммо ота бир она бир инилар ҳеч нарса олмадилар. Умар ﷺ шу ҳусусда она бир иниларни ҳам, ота бир ва она бир иниларни ҳам ўз ичига олади деб тушундилар. Чунки уларнинг оналари бир. Ота бир иниларга ҳеч нарса қолмаган тақдирда ҳам, уларнинг оналари битталиги эътибори билан, ўз улушларини оладилар. Аммо бошқа саҳобалар бу борада бошқача ижтиҳод қилдилар. Яъни оятни бошқача тушундилар. Яна шундай ижтиҳодлардан бир мисол: «Самра яҳудий савдогарлардан ушр ўрнига ароқ олиб, уни сирка қилиб сотганлиги ҳақидаги хабар Умарга етиб борган пайтда у айтдики: «Оллоҳ Самрани ҳалок қилсин! У Расулulloҳ ﷺнинг гапларини эшитмаганмикин? Расулulloҳ ﷺ айтган эдилар: «Оллоҳ яҳудларни лаънатлади. Чунки уларга чарви ёғ ҳаром қилинган эди, улар эса чарви ёғни сотиб пулини едилар». Умар бу ўринда ароқни ёғга қиёслади ва ароқнинг ҳаром қилиниши унинг пули ҳам ҳаромлигини билдирди. Шундай ижтиҳодлардан яна бири Алий ﷺнинг ароқ ичишнинг жазоси ҳақидаги сўзидир. У киши айтдиларки: «Ким ароқ ичса, ўйламасдан бўлар-бўлмас гапларни гапиради. Кимки бўлар-бўлмас гапларни гапирса, туҳмат қилади. Шунинг учун ароқ ичган кишининг жазоси туҳмат қилган кишининг жазоси билан бир хил, деб ўйлайман». Бу ароқ ичишни туҳмат қилишга қиёслашди, чунки ароқ

ичишдан тухмат келиб чиқиши мумкин деб ҳисобланади. Шариат бир нарсани гумон қилса, уни шу нарсанинг ўзидек баҳолайди. Бу худди уйқу таҳоратни бузувчи нарсалар қаторига киритилгани каби ёки идданинг (эр ўз хотинини талоқ қўйганидан сўнг хотин бошқа эрга турмушга чиқишига рухсат бўладиган муддат) вожиблигида эр-хотиннинг қўшилишини бачадонда ҳомила бўлиш муддати деб ҳисобланишига ўхшашдир. Буларнинг барчаси саҳобалар томонидан қилинган ижтиҳодлар ва уларнинг ижтиҳодга бўлган ижмосидир.

Бир ҳукми шу ҳукм татбиқ этиладиган бошқа масалаларга қўллаш ижтиҳод эмас, балки шаръий ҳукми тушунишдир. Чунки ижтиҳод насдан (Қуръон ва Суннатдан), яъни унинг мантиқидан ёки унинг мафҳумидан (ундан тушуниб олинган зеҳний маънодан), ёки унинг далолатидан ёхуд насда келган иллатдан ҳукм ишлаб чиқилишидир. Бу ўринда ўғрилиқнинг жазоси сифатида Оллоҳ қўл кесишни белгилаганидан юлғучга ҳам жазо ишлаб чиқилгани каби куллий далилдан куллий ҳукм истинбот қилинадими, ёки Расулulloҳ ﷺ Бани Даъил қабилиасидан ўзлари ва Абу Бакр учун моҳир йўл кўрсатувчини ёллаганларидан ва Оллоҳ Таоло «Талоқ» сурасининг олтинчи оятидаги сўзидан ижара ҳукмини истинбот қилинганидек ёки Расулulloҳ ﷺнинг «Хизматкорнинг ҳаққини тери қотмасидан аввал беринглар», деб айтган ҳадисларидан хизматчига ҳаққини бериш ҳукми чиқарилгани каби жузъий далилдан жузъий ҳукм истинбот қилинадими, барибир, булар ижтиҳод дейилади. Чунки улар куллий ёки жузъий бўладими, далилдан ҳукм олишдир. Ҳукм умумий далилдан олинган умумий ҳукм бўладими, ёки хос далилдан олинган хос ҳукми, уларнинг барчаси ҳукми тушуниш учун уришидир. Аммо ҳукми шу ҳукмнинг маъносидан келиб чиқадиган ва шу ҳукм доирасидаги янги содир бўлган муаммоларга ёки шу ҳукмнинг таркибидаги фардларидан бирига татбиқ этиш ижтиҳод саналмайди. Масалан, Оллоҳ ўлакани ҳаром қилди. Агар молнинг бошига уриб ўлдирилса, унинг гўштини ейиш ҳаром. Чунки у шариат рухсат берган тарзда сўйилмади ва ўлаксага айланди. Ўлаканинг гўшти эса ҳаром. Шариат кўрсатган тарзда сўйилмаган молнинг гўшtidан тайёрланган консерваларни ҳам ейиш ва сотиш ҳаром. Лекин бу ҳукм ижтиҳод билан истинбот қилинди деб ҳисобланмайди. Балки, ўлакса гўштининг ҳаромлиги ҳукмига киради. Яна бир мисол, дурузлар сўйган ҳайвоннинг гўшти ейилмайди. Чунки фақат мусулмон ёки аҳли китоблар сўйган ҳайвоннинг гўштигина ҳалол бўлиб, дурузлар аҳли китоб эмас. Бу ҳукм истинбот йўли билан ишлаб чиқилган ижтиҳод эмас. Чунки, «Аҳли китоблардан бошқа барча кофирларнинг забихаси (сўйган ҳайвони) ҳаромдир», деган шаръий ҳукмга кираверади. Бошқа бир мисол, аёл кишининг шўро мажлиси аъзоси бўлишининг жоизлиги шаръий ҳукм бўлиб, бу ҳукм истинбот қилинмаган. Балки унга ваколат ҳақидаги ҳукм татбиқ этилган. Шўро мажлисидаги аъзолик фикрда ваколатга эгалик бўлиб, аёл киши ҳам ўз фикрини билдиришда бошқа бировни ўзидан вакил қилиши ва бировнинг номидан вакил бўлиши мумкин. Яна бир мисол. Закот фақат камбағалга берилади. Унинг камбағаллиги эса занний

(тахминий) далил билан олинади, яъни унинг камбағаллиги бир одил кишининг сўзи билан ҳукм қилинади. Бироқ одил кишининг адолатли экани эса занний далил билан билинади. Шунингдек, қиблани билиш учун изланилади ва оқибатда қибла аниқланади. Лекин бу ишлар ижтиҳод ҳисобланмайди, яъни шаръий далиллардан ҳукм ишлаб чиқиш эмас, балки ҳукмларни шу ҳукмларга дахлдор жузъларига татбиқ этиш ёки шу жузъларни ўрганиб чиқиб, уларга мавжуд ҳукмларни қўллашдир. Бу ижтиҳодга эмас, қозиликка киради. Чунки бу муайян шаръий ҳукмларга қарор қилиш эмас, балки бирор ҳодисага аввалда маълум бўлган шаръий ҳукмнинг татбиқ этилишидир. Шу воқеага ўхшаш бошқа бир ҳодиса юз берса, унга ҳам шу ҳукм татбиқ қилинади. Бу ижтиҳод ҳисобланмайди. Шаръий ҳукмлар далилларидан билинганидан сўнг уларни татбиқ этиш талаб қилинади. Уларда ижтиҳод қилиш талаб этилмайди. Аммо шаръий ҳукмлардан ҳукм чиқариш эса ижтиҳодни вожиб қилади. Шунинг учун ижтиҳод деб ҳисобланадиган ҳаракат шаръий қонунларни тушунишда ва улардан ҳукм ишлаб чиқишда бор кучни сарфлашдир. Шаръий ҳукмларни шу ҳукмларга тааллуқли масалаларга татбиқ этиш эса ижтиҳод эмас.

Ислом шариатининг қонунлари мусулмонлардан ижтиҳодни талаб қилади. Чунки шаръий қонунлар муфассал эмас, мужмал (тор) суратда келган, лекин инсоннинг ҳаётидаги барча воқеаларни ўз ичига олади. Бу шаръий қонунларни тушуниб, улардаги Оллоҳнинг ҳукмини татбиқ этиш жуда катта меҳнат талаб қилади. Ҳатто, муфассал суратда келиб, муаммоларни тафсилотларигача баён этган баъзи ҳукмлар ҳам аслида умумий ва мужмал ҳолда келган. Масалан, мерос оятлари муфассал суратда келган ва майда тафсилотларгача тўхталган бўлса-да, лекин уларни жузъий ҳукмлар сифатида ҳам чуқур ўрганишга ва кўпгина масалаларда чуқур ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилади. Бунга калола ва ҳужб масалалари мисол бўлади. Барча мужтаҳидлар айтадиларки, марҳумнинг боласи ака-укаларини меросдан тўсади. Бола ўғил бўладими ёки қизми фарқи йўқ. Аммо ибн Аббос айтадики, қиз ака-укаларига ҳалал бермайди. Чунки бола калимаси фақат ўғил болани ифодалайди. Кўриниб турибдики, тафсилотларни баён этган ҳукмини ҳам тушуниб, ҳам улардан ҳукм чиқариш учун ижтиҳод зарур экан.

Бундан ташқари, тафсилотларга дучор бўлувчи нусуслар янгидан-янги содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга қўлланиши лозим. Бироқ шаръий қонунларда ижтиҳоддан мақсад, шу қонунларни қўллаш эмас, балки мужмал қонунлардан, гарчи улар тафсилотларни баён этган бўлса-да, Оллоҳнинг ҳукмини истинбот қилишдир. Чунки бу ҳукмлар умумий ва мужмал бўлиб, қонунчилик нассидир. Қонунчилик нассларига тааллуқли қондалар, гарчи тафсилотлар билан келган бўлса ҳам, умумий ва мужмал бўлиши табиий ҳолдир. Қуръон ва Суннатдаги шаръий нусуслар фикрлаш учун энг тўғри ва тамим (қўп нарсаларни ихота қилиш) учун энг самарали манбадир. У барча халқлар ва миллатлар учун қонунчилик манбаи бўла олади. Шаръий нусуслар яроқлилигининг сабаби шундаки, улар алоқаларнинг барча турларини ўз ичига олган. Бу алоқалар шахслар ўртасидаги алоқаларми, ёки шахслар билан давлатлар ўртасидаги

алоқаларми, ёки давлатлар, халқлар ва миллатлар ўртасидаги алоқаларми, бундан қатъий назар, ҳукмлари шаръий насслардан фикр ёрдамида ишлаб чиқилиши мумкин. Шунинг учун шаръий насслар барча ташриъий (қонунчиликка оид) насслар орасида фикрлаш учун энг яроқли манбадир. Шаръий нассларнинг ҳамма нарсаларга ечим бера олиши унинг жумлалари, лафзлари ва тузилиш услубларида яққол кўзга ташланади. Яъни шаръий ҳукмлар мантиқ, мафҳум, далолат, таълил, иллатга қиёслаш каби қонун ишлаб чиқиш учун зарур бўлган жиҳатларни ўз ичига олган бўлиб, бу ҳар қандай даврда ҳар қандай амалнинг ҳукмини истинбот қилиш имконини беради. Аммо шаръий насслар умумий қондалар олинадиган бой манба эканлигига келсак, бу шаръий нусуслардаги маъноларнинг умумий эканлигидадир. Чунки Қуръон ва ҳадис тафсилотларни баён қилиб келганида ҳам умумий, кенг қамровли йўлланма ҳолида келган. Шунинг учун Қуръон ва ҳадисдаги маънолар жуда кенг ва умумий бўлиб, бу масалаларга кўпгина жузъий ва куллий маънолар кирази. Бундан ташқари, бу умумий маънолар далолат қилган ишлар воқеий, ҳис этиладиган бўлиб, назарий фаразлардан эмас. Қуръон ва ҳадисдаги маънолар муайян шахслар муаммоларининг ечими эмас, балки барча инсонлар муаммоларининг ечимидир, яъни ғаризалар талабидан келиб чиқувчи, инсон бажарадиган ҳар қандай амалнинг ечимларидир. Шунинг учун нусуслар сермаъно ва кўп ҳукмларни ўз ичига олади. Шаръий нусуслар умумий қондалар учун энг улкан манба бўлади.

Ташриъий жиҳатдан олиб қаралганда, шаръий нусуслар воқеини биз юқорида баён қилиб ўтдик. Унга қўшимча қилиб айтишимиз мумкинки, шаръий нусуслар бутун инсониятга келганлиги ва барча миллат ва умматлар учун қонун қилиб юборилганлиги сабабли, уларни ҳаёт қонунлари деган назар билан тушуниб, ҳар қандай даврда содир бўладиган ҳодисанинг ечимини топиш учун мужтаҳидлар зарур.

Ҳар куни сон-саноксиз янги ҳодисалар юз беради. Бу ҳодисаларнинг ҳар бири ҳақидаги Оллоҳнинг ҳукмини татбиқ этадиган мужтаҳид бўлиши керак, акс ҳолда улар ҳақидаги Оллоҳнинг ҳукмини аниқлаш мушкул. Бу эса мутлақо жоиз эмас.

Ижтиҳод мусулмонларга фарзи кифоя, агар баъзи мусулмонлар уни бажарса, қолганларидан соқит бўлади. Агар бу фарзни улардан бирортаси ҳам адо этмаса, шу асрда яшаётган мусулмонларнинг барчаси гуноҳкор бўлади. Шунинг учун ҳар қандай аср мужтаҳиддан холи бўлмаслиги лозим, чунки динни чуқур ўрганиш ва унда ижтиҳод қилиш фарзи кифоядир. Агар барча мусулмонлар унинг тарк этилишига рози бўлсалар, уларнинг барчалари гуноҳкордир. Агар бирор аср мужтаҳиддан холи бўлса, шу даврда яшаган кишилар залолатга, яъни Оллоҳнинг ҳукмларини бажармасликка рози бўлган ҳисобланади, бу эса мумкин эмас. Бундан ташқари, шаръий ҳукмларни билишнинг йўли ижтиҳоддан ўзга нарса эмас. Агар бирор аср шаръий ҳукмларни одамларга Қуръон ва Суннатдан чиқариб берадиган мужтаҳиддан холи бўлса, бу иш шариятни бекор қилиш ва ҳукмларнинг унитилишига олиб келади. Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Мужтаҳид ҳукми татбиқ этиш учун ўз кучини сарфлар экан, тўғри йўл топса, иккита ажр (савобга), агар хато қилса, битта ажрга эга бўлади. Пайгамбар ﷺ айтдилар: «Агар ҳоким ижтиҳод қилиб тўғри йўл топса, унга иккита ва агар хато қилса, битта ажр берилади». Фиқҳдаги занний масалаларда шаръий ҳукмларни билиш учун ижтиҳод қилган мужтаҳиддан гуноҳ ўчирилганлигига саҳобалар ижмо қилишган. Аммо ибодатларнинг вожиблиги, зино ва ноҳақ одам ўлдиришнинг ҳаромлиги каби қатъий масалаларда ижтиҳод қилинмайди. Бу хусусда ҳеч қандай ихтилоф йўқ ва бу фикрда барча саҳобалар бир тўхтамага келишган. Саҳобалар занний масалаларда ихтилоф қилганлар. Аммо қатъий масалаларда ҳамфикр бўлганлар.

Қатъий бўлмаган масалаларда ижтиҳод қилган мужтаҳид ўз ижтиҳоди билан, гарчи фикрида хато эҳтимоли бўлса ҳам, эришган ҳукмда тўғри хулосага келган ҳисобланади. Тўғри ҳукмга эришди, деган сўзнинг маъноси у ҳақиқатни топди, дегани эмас. Чунки занний ҳукмларга нисбатан бундай деб бўлмайди ва Расулulloҳ ﷺ ҳам мужтаҳидни хато қилувчи деб номладилар. Мужтаҳид ҳақ дейилишидан мақсад, хатонинг акси бўлган тўғрилиқ эмас, балки хатога зид бўлмаган тўғрилиқдир. Хато қилиши мумкин бўлган мужтаҳиднинг фикрини тўғри дейилишидан мужтаҳиднинг хатоси учун ҳам ажрга эга бўлиши кўзда тутилган, мужтаҳид фикрининг беҳатолиги эмас. Шунинг учун ҳар бир мужтаҳид ўз назарида тўғри йўл тутган ҳисобланади. Демак, тўғри фикр юритувчи мужтаҳид ҳам хато қилиши мумкинлиги кўзда тутилган.

Ижтиҳод шартлари

Бирор шаръий ҳукмга нисбатан ўз гумонини излаб топиш учун ўзининг кучини сарфлаш ижтиҳод дейилади. Яъни, шаръий ҳукми билиш учун бор кучини сарфлаб, Қуръон ва Суннатдан иборат шаръий қоидаларни тушунишдир. Шаръий ҳукми истинбот этиш учун уч нарса бўлиши зарур. Шундагина шаръий ижтиҳод билан истинбот қилинган ҳисобланади. Ижтиҳоднинг уч шarti бор. 1. Ўзидаги бор имкониятни сарфлаш. 2. Асосий эътиборни ҳукмлар ҳақидаги ўз гумонини аниқлашга қаратиш. 3. Бу гумонини шаръий нусуслар (Қуръон ва Суннат)дан излаш. Чунки шаръий ҳукм Шореънинг бандаларнинг ишларига тааллуқли хитобидир. Бундан келиб чиқадики, кимки бор кучини сарфламаса, у мужтаҳид ҳисобланмайди. Кимки шаръий ҳукмлардан бошқа маърифат ёки фикрлар ҳақидаги ўз гумонини аниқлаш учун куч сарфласа, у ҳам мужтаҳид саналмайди. Кимки шаръий ҳукмлар ҳақидаги гумонини шаръий нусуслардан бошқа манбалардан изласа, у ҳам мужтаҳид эмас. Демак, Оллоҳнинг ҳукмини билиш учун шаръий нусусларни тушунишга бор кучини сарф қилган кишигина мужтаҳид ҳисобланар экан. Аммо ўз мазҳаб имомларининг сўзларини шарҳлайдиган, гапларини ўрганадиган, уларнинг гапларидан ҳукмлар чиқарадиган ёки баъзи олимларнинг сўзларини бошқа олимларнинг сўзларидан шаръий далилларсиз таржих қилувчи олимлар мужтаҳид эмас. Ижтиҳод Оллоҳнинг ҳукмини билиш учун бор кучини сарфлаб, шаръий нусусларни тушунишдир. Тушунишга уриналадиган

манба шаръий нусуслар бўлиб, улардан шаръий ҳукмлар ҳақидаги фикр изланади.

Шуни нутмаслик керакки, шаръий нусус фақат Қуръон ва Суннатдир. Улардан бошқа сўз шаръий нусус ҳисобланмайди. Абу Бакр, Умар, Алий ёки бошқа саҳобаларнинг сўзлари ҳам ҳеч бир жиҳатдан шаръий нусус бўлолмайди. Шунингдек Жаъфар, Шофеъий, Молик каби мужтаҳидларнинг сўзлари ҳам мутлақо шаръий нусус ҳисобланмайди. Уларнинг сўзларидан ҳукм чиқариш учун куч сарфлаш ижтиҳод эмас ва уларнинг сўзларидан ҳукм истинбот қилиш учун куч сарфлаган киши мужтаҳид ҳисобланмайди ҳамда уларнинг сўзларидан келиб чиққан ҳукм ҳам шаръий ҳукм саналмайди. Балки у бир шахснинг чиқарган фикри бўлиб, шаръан унинг қиймати йўқ. Бундан ташқари, бирорта саҳобанинг ё бирорта тобеиннинг ёки бирорта мужтаҳиднинг сўзидан ҳукм истинбот қилиш шаръан жоиз эмас. Чунки Қуръон ва Суннатдан бошқа манбалардан ҳукм топишга уриниш шаръан ҳаромдир. Чунки у Оллоҳ нозил қилган Китобу Суннатдан бошқа нарсадан ҳукм олишдир.

Қуръон ва Суннат араб тилида Оллоҳ томонидан ваҳй йўли билан юборилган. Бу ваҳй лафзан ва маънан Қуръон ёки Расулуллоҳ ﷺнинг сўзлари билан ифодаланган ҳадислар ҳолида маънан Оллоҳ томонидан бўлиши мумкин. Иккаласи, яъни Қуръон ҳам, ҳадис ҳам арабча сўз бўлиб, уни Расулуллоҳ ﷺ айтганлар. Улар арабча сўзлар бўлгани учун фақат луғавий маънога эга. مترفون - дабдабали ҳаёт кечирувчи калимаси каби. Ёки луғавий маъноси унутулиб, фақат шаръий маъносигина қолган бўлиши мумкин. غائط - нажосат калимаси каби. Ёки луғавий ва шаръий маъноларга эга бўлиши мумкин. طهر - поклик ва таҳоратли бўлиш калимаси каби. Шаръий нусусларни тушуниш ва ундан Оллоҳнинг ҳукмларини билиш учун ўз-ўзидан тил соҳасини ва шаръий маърифатни пухта ўрганиш зарур. Шунинг учун ижтиҳоддаги шартларнинг барчаси тилга ва шариатга оид маърифатни тўлиқ билишга асосланади. Ислоннинг илк даврида, ҳатто иккинчи аср охирларига қадар ҳам мусулмонлар шаръий нусусларни тушуниш учун луғавий жиҳатдан ҳам, шаръий жиҳатдан ҳам муайян қоидаларга муҳтож бўлмаганлар. Бунга сабаб уларнинг Расулуллоҳ ﷺ яшаган даврларига яқинликлари, ҳаётда бутун эътиборларини динга қаратганлари, тилларининг софлиги ва бузилмаганлиги эди. Шунинг учун у пайтда ижтиҳоднинг шартларига ҳеч қандай зарурат бўлмаган. Ижтиҳод ҳаммага маълум иш эди. Минглаб мужтаҳидлар мавжуд эди. Саҳобаларнинг барчаси, ҳокимлар, волийлар, қозиларнинг аксарияти мужтаҳид эди, лекин вақт ўтиши билан араб тили бузилди, уни ўрганиш учун муайян қоидалар ишлаб чиқилди, одамлар дунё билан банд бўлиб, дин илмини ўрганиш учун вақт сарф қиладиган кишилар камайиб кетди, ҳадислар орасида Расулуллоҳ ﷺнинг тилларидан айтилган қалбаки сўзлар пайдо бўлди, носих ва мансухлар учун қоидалар белгиланди, ҳадисларнинг саҳиҳ ёки заифлигини билиш учун ва оят ёки ҳадислардан ҳукмларни қандай татбиқ этишни билиш учун муайян

қоидалар ишлаб чиқилди. Шу сабабли мужтаҳидларнинг сони камайиб, муайян қоидалар асосида ижтиҳод қиладиган бўлди. Бир мужтаҳид бошқа бир мужтаҳиднинг қоидаларидан бошқача қоидалар билан истинбот қиладиган бўлди. Бу қоидалар ё матнлардан ҳукмларни ишлаб чиқиш натижасида ижтиҳодда бир йўлдан бориш учун танланган усулдан пайдо бўлган, ё мужтаҳид ўзи муайян қоидалар асосида келтириб чиқарган, натижада шаръий нусусларни тушуниш учун муайян усулда ҳамда шаръий ҳукмни шаръий нусусдан олишда ижтиҳод қиладиган мужтаҳид пайдо бўлди. Баъзи мужтаҳидлар ижтиҳод йўлида бошқа бир шахсга тақлид қила бошлади. Бироқ ҳукмларда унга эргашмадилар, балки шу шахснинг ижтиҳоддаги йўлидан бориб, ҳукмларни ўзлари истинбот қилдилар. Шаръий билимлардан озгина хабардор баъзи мусулмонлар ҳам ўзлари дуч келган муайян масалалардаги шаръий ҳукмлар ҳақида ўз мулоҳазаларини излай бошладилар. Шунинг учун воқеда мусулмонлар орасида уч турли мужтаҳидлар пайдо бўлди: 1. Мужтаҳиди мутлақ, 2. Мужтаҳиди мазҳаб, 3. Мужтаҳиди масала.

Ижтиҳод йўлида бирор мужтаҳидга эргашган, бироқ ҳукмларда мазҳаб имомига тақлид қилмай ўзи изланган мужтаҳид **мужтаҳиди мазҳаб** дейилади. Мужтаҳиди мазҳаб учун мазҳаб ҳукмлари ва далилларини билишдан бошқа нарса шарт қилинмайди. У шу мазҳаб ҳукмларига эргашishi ва ўзининг раъйи билан бу ҳукмга хилоф иш тутиши ҳам мумкин. Шунга биноан бир мазҳабга эргашган киши шу мазҳабнинг йўлида ижтиҳод қилиши ва агар қувватли далилга эга бўлса, баъзи ҳукм ва масалаларда мазҳаб имомига хилоф йўл тутиши ҳам жоиз. Имомлардан ривоят қилинганки, улар: «Агар бирорта сўзим саҳиҳ ҳадисга зид бўлиб қолса, у менинг мазҳабимдир, ва менинг сўзимни деворга улоқтиринглар», деб айтганлар. Мужтаҳид имом Ғаззолий бунга ёрқин мисол бўла олади. У киши Шофеъий мазҳаби тобеларидан бўлишига қарамасдан, баъзи ижтиҳодларида Шофеъийнинг ижтиҳодлари-га зид борган. **Мужтаҳиди масала** учун муайян шартлар ҳам, муайян йўл ҳам талаб қилинмайди. Балки шаръий нусусларни тушунишга етарли шаръий ва луғавий маърифатга эга ҳар бир киши мужтаҳиди масала бўлиши ва битта масалада ижтиҳод қилиши мумкин. Мужтаҳиди масала битта масала бўйича мужтаҳидларнинг раъйларини, далилларини ва далиллаш жиҳатларини текшириш орқали шаръий ҳукм деб гумони ғолиб келадиган шаръий ҳукм ҳақида муайян тушунчага эга бўлиши жоиз. У мужтаҳидларнинг раъйига мувофиқми ёки хилофми, фарқи йўқ, ёки битта масала борасида шаръий далилларни текшириб, «мана бу шаръий ҳукм», деган гумони ғолиб бўлган далилни билиб олади. Аввал бу масала борасида мужтаҳидларнинг изланган ёки изланмаганликларининг фарқи йўқ. Битта масалада ижтиҳод қиладиган киши учун шу масалага оид ва у масала учун керакли барча нарсаларни билиш кифоя. Бу масалага тааллуқли бўлмаган фикрий ва усулий масалаларни билиш шарт эмас.

Саҳобалар ва тобеинлар даври ва мазҳаб имомлари вужудга келган кейинги даврлардан сўнг ҳам кишилар ҳеч қандай шартсиз тўғридан-тўғри шаръий нусуслардан ҳукмларни истинбот қилар эдилар. У пайтда ҳам

муайян мазҳабга эргашадиган кишилар бор эди, лекин улар ўз имомлари раъйига хилоф бўлган ижтиҳодлар ҳам қилар эдилар. Шунинг учун мазҳаб мужтаҳидлари ва битта масала мужтаҳидлари вужудга келди. Аммо ижтиҳоднинг ўзини олиб қарасак, у баъзи ўринларда бўлиши ва баъзи ўринларда бўлмаслиги мумкин. Масалан, бир шахс баъзи нусусларда мужтаҳид бўлиши, баъзи нусусларда мужтаҳид бўлмаслиги мумкин. Баъзилар ижтиҳодга таъриф бериб айтадиларки: «Ижтиҳод унда эътиборга олинadиган билимларни эгаллаган пайтда шахсда ҳосил бўладиган малакадан иборат». Бу таъриф хато бўлиб, воқега зиддир. Чунки баъзан кишида малака ҳосил бўлса-да, бирор масалада изланиб, куч сарфламаганлиги учун мужтаҳид бўлмайди. Чунки малака деганда фаҳмлаш қуввати ва маълумотларни ўз воқесига боғлаш қобилияти кўзда тутилади. Бу эса бир қанча луғавий ва шаръий маърифат билан бирга ўта зийракликдан ҳосил бўлади. Бунинг учун луғавий ва шаръий маърифатни тўла эгаллаш шарт эмас. Баъзан ўқиб ўрганиш натижасида киши луғавий ва шаръий маърифатни эгаллаши мумкин. Бироқ бу олимда фикрлаш оқилолиги тўғрисида малака ҳосил бўмаслиги мумкин. Бундан ташқари, ижтиҳод маълум натижага эришиш учун ҳис қилинадиган жараёнлар, яъни шаръий ҳукмга эришиш учун амалда куч сарфлашдир. Аммо малака (қобилият)нинг бўлиши ижтиҳод эмас. Шунга асосан, киши баъзи масалаларда ижтиҳод қилишга қодир бўлиши ва баъзи масалаларда қодир бўлмаслиги мумкин. Баъзан киши фуруъларда ижтиҳод қила олиши, аммо усулларда қодир бўлмаслиги мумкин. Баъзи ўринларда ижтиҳод бўлиши, баъзи ўринларда бўлмаслигининг маъноси мужтаҳид фикрнинг баъзи бобларида ижтиҳодга қодир бўлади, баъзи бобларида қодир эмас деган маънони англатмайди. Балки унинг маъноси мужтаҳид баъзи шаръий нусусларнинг равшанлиги ва унда ҳамма жиҳатлар равшан, тушунарли, далилларни тушуниш имкониятига эга бўлиши ҳамда баъзи нусусларнинг теранлиги ва серқирралиги сабабли тушуниш имкониятига эга бўлмаслигидир. Бундай ҳолат баъзан усулга оид қоидаларда, баъзан эса шаръий ҳукмларда учраши мумкин. Демак, ижтиҳоднинг баъзи ўринларда бўлиб, баъзи ўринларда бўлмаслиги ҳукм истинбот қилишга қодирлик ёки қодир эмасликка тааллуқли, фикр бобларига алоқаси йўқ экан.

Биз юқорида айтиб ўтган фикрлар мужтаҳиди мазҳаб ва мужтаҳиди масала ҳақида эди. Энди **мужтаҳиди мутлаққа** келсак, у шаръий ҳукмларда ва шаръий ҳукмларни истинбот этиш йўлида ижтиҳод қиладиган кишидир. Бу ўринда баъзи мазҳаблардаги каби ўзига хос йўл танлаши ҳам мумкин, ёки ўзига хос йўлни белгилаб олмас-да, ҳукмлар истинбот қилишда саҳобалар асридаги мужтаҳидлар каби табиий суратда муайян йўлдан бориши ҳам мумкин. Араб тили бузилиб, одамлар динни тушунишга эътибор бермай қўйганларидан бошлаб, мужтаҳиди мутлақ бўлиш учун шартлар қўйилиши зарурдир. Бу шартларнинг энг муҳимлари иккита:

1. Қоида ва ҳукмлар олинadиган самъий далилларни билиш.
2. Арабларда ва улардаги сўз усталарининг истеъмолида ишлатиб одатланган лафзларнинг далолат жиҳатларини билиш.

Самъий далиллардан мурод Қуръон, Суннат, ижмо, далилларни ажрата билиш ва далиллар бир-бирига қарама-қарши келиб қолган пайтда уларнинг кучлироғи қайси, кучсизроғи қайси эканлигини таржиҳ қилишдан иборат. Баъзида мужтаҳиднинг назарида битта муаммо устида бир қанча далиллар йиғилиб қолади-да, бу далиллар бир-бирига зид ҳукмларни тақозо этади. Шунда битта кучли далилга таяниб ҳукм чиқариш учун уларнинг қай бири кучлироқ эканлигидан далолат берувчи жиҳатларни текшириш лозим. Масалан, Оллоҳ Таоло:

وَأَشْهِدُوا ذَوَىٰ عَدْلٍ مِّنكُمْ

– „Ва ўзларингиздан (яъни мусулмонлардан) бўлган икки адолат соҳибини гувоҳ қилинглар“, [65:2]
деди. Яна бир оятда эса:

إِنَّ ذَوَىٰ عَدْلٍ مِّنكُمْ أَوْ آخِرَانَ مِّنْ غَيْرِكُمْ

– „Ўзингиздан (яъни мусулмонлардан) бўлган икки адолат эгаси ёки ўзгалардан бўлган икки киши“, [5:106]

деди. Биринчи оят гувоҳлар мусулмонлардан бўлишини, иккинчиси эса мусулмонлардан ёки мусулмон эмаслардан бўлиши мумкинлигини баён этади. Яъни биринчи оят гувоҳ мусулмон бўлишини шарт қилса, иккинчи оят гувоҳ мусулмон бўлмаслигига ҳам ижозат беради. Бу ўринда икки оятни жамлаш, яъни биринчи оят мутлақ гувоҳлик ҳақида эканлигини ва иккинчи оят эса, сафарда васият қилишдаги гувоҳликка асос эканлигини билиш зарур. Демак, иккинчи оят васият пайтида ва шу каби молиявий муомалаларда мусулмон эмас кишиларнинг ҳам гувоҳ бўлиши жоизлиги ҳақида, биринчи оят эса бундан бошқа нарсалар ҳақидалигини билиш зарур. Яна бу икки оят ҳужжат иккита одил гувоҳ эканлигидан далолат беради. Буни бошқа бир оят ҳам қувватлайди:

وَاسْتَشْهِدُوا شَهِيدَيْنِ مِّن رِّجَالِكُمْ فَإِن لَّمْ يَكُونَا رَجُلَيْنِ فَرَجُلٌ وَآمْرَأَتَانِ

– „Сизлар рози бўладиган гувоҳлардан икки эркак кишини, агар икки эркак топилмаса, бир эркак ва икки аёлни гувоҳ қилинглар“. [2:282]

Ваҳоланки, саҳиҳ ҳадисларда ривоят қилинганки, Расулulloҳ ﷺ эмиқдошлиқда битта аёлнинг гувоҳлигини қабул қилганлар. Даъвогарнинг қасами билан бирга битта гувоҳ ҳам Расулulloҳ ﷺ га кифоя эди. Ибн Аббосдан ривоят қилинади: «Расулulloҳ ﷺ қасам ва битта гувоҳ билан ҳукм чиқардилар». Амрал мўминин Алий ибн Абу Толибдан ривоят қилинади: «Расулulloҳ ﷺ битта гувоҳ ва ҳақдорнинг қасами билан ҳукм қилдилар». Бу далилларда қарама-қаршилиқ борга ўхшайди. Аммо ҳуққат билан текширган мужтаҳид биладики, оят гувоҳликнинг тўла миқдорини баён этмоқда. Гувоҳлар камроқ бўлса, уни қабул қилмаслик талаб этилмайди. Қози ҳукм қилиши учун гувоҳлар тўлиқ бўлиши шарт эмас, балки ҳужжат шарт. Ҳужжат эса ҳақни ифодаловчи нарса. У битта аёлнинг гувоҳлиги ёки ҳақдорнинг қасами билан бир эркакнинг гувоҳлиги бўлиши мумкин. Лекин зинонинг гувоҳлиги каби шаръий нусусда гувоҳнинг миқдори тайин этилган бўлса, шунга асосланади. Яна бир

мисол, Расулulloҳ ﷺ Уҳуд жангида мушрикларнинг мусулмонлар билан биргаликда жангда қатнашишига кўнмадилар. Айтдиларки: «Биз кофирлардан ёрдам сўрамаймиз». Аммо Ҳунайн жангида мушрикларнинг ёрдамини қабул қилдилар. Бу икки хил ҳукм бир бирига қандай тўғри келади? Мужтаҳид шуни билиши керакки, Расулulloҳ ﷺ Уҳуд жангида мушрикларнинг ёрдамини қабул қилмаганларининг сабаби улар байроқларини кўтариб ўзларининг жамоалари билан фаҳрланиб келишган эди. Расулulloҳ ﷺ уларни рад этишларининг сабаби мушриклар ўз байроқлари остида, алоҳида давлат сифатида келганларидир. Ҳунайн жангида эса мушриклар мусулмонларнинг байроқлари остида жангга кирганлари учун Расулulloҳ ﷺ уларнинг ёрдамларини қабул этдилар. Мана шундай баёнлар билан далиллардаги қарама-қаршиликлар бартараф бўлади.

Самъий далилларни ва бу далилларни ёнма-ён қўйиб, таққослашни билиш асосий шарт бўлгани учун, мужтаҳиди мутлақ шаръий ҳукмларнинг манбаларини, унинг қисмларини, исботлаш йўлларини, қандай маъноларга далолат қилиш жиҳатларини, унинг мартабалари хилма-хиллигини ва ундаги барча зарур жиҳатларни билиши керак. Шунингдек, шаръий ҳукмлар қарама-қарши маъноларда келган пайтда улардан қай бирининг далили қувватли эканини билдирувчи жиҳатларини ҳам билиши зарур. Бунинг учун ровийларни, журҳ ва таъдил йўлларини, нозил бўлиш сабабларини, нусуслардаги носих ва мансухларни билиш мужтаҳиди мутлақ учун вожибдир.

Лафзнинг далолат жиҳатларини билиш араб тилини билишни тақозо этади. Сиқот (ишончли ровий)ларнинг ривоятлари ва тил усталари айтган нарсаларга мурожаат қилиш учун битта лафзнинг ўзида кечган ихтилофларни, лафзларнинг балоғат ва далолат жиҳатларини ҳамда лафзларнинг маъноларини билиш араб тилисиз мумкин эмас. Қомус китобларидан «қуруъ» лафзи поклик ва ҳайз маъноларини билдиришини ёки «никоҳ» калимаси жинсий қўшилиш ва аҳдлашиш маъноларига эгаллигини билишнинг ўзи етарли эмас. Балки у араб тилини умумий шаклда, яъни наҳв, сарф, балоғат, луғат ва бошқа томонларини шу даражада билиши керакки, араб тили ва сўз усталарининг итеъмолига қараганда бир лафз ва бир жумла нималарни билдиришини тушуна олсин ҳамда араб тилидаги китобларга мурожаат қилиб, зарур нарсаларни билиш имконига эга бўлсин. Лекин тилни Асмаъий каби билиши ёки наҳв илмини Сибавайҳ каби ўзлаштириши ва тилнинг ҳар бир фуруъларида мужтаҳид бўлиши шарт эмас, балки мутобақа, тазмин, ҳақиқат, мажоз, киноя, муштарак, мутародиф ва шу каби услублар, жумлалар ва лафзларни фарқлай оладиган даражада билиши керак. Қисқаси, мутлақ мужтаҳидликка икки сифатга эга бўлган киши эришади. 1. Самъий далилларни тушуниш орқали шаръий мақсадларни англаб етиш. 2. Араб тилини ва унинг лафзлари, жумлалари ва услублари далолат қилган маъноларни тушуна олиш. Шу илмлар орқали мужтаҳид ўз фаҳмига асосан истинбот қилиши мумкин бўлади. Мужтаҳиди мутлақ бўлиш учун нусусларнинг ҳар бирини билиш ва ҳар қандай ҳукми истинбот қила

олиши шарт эмас, чунки мужтаҳиди мутлақ гоҳида кўпгина масалаларда мутлақ ижтиҳод қилиш даражасига етган бўлиб, бошқа масалаларни билмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун мужтаҳиди мутлақдан ҳар қандай масала ва муаммоларнинг ҳукмларини билиш талаб қилинмайди. Демак, мужтаҳиди мутлақлик истак бўлган тақдирда эришиш мумкин бўлган даража экан. Мужтаҳиди масала бўлиш эса шаръий ва луғавий маърифатни керакли даражада ўзлаштирган барча кишилар эриша оладиган иш.

Тақлид

Тақлиднинг луғавий маноси бировга ўйламасдан эргашидир. Фалон нарсада фалончига тақлид қилди дейилганда ўйлаб, текшириб кўрмай эргашиш тушунилади. Шаръий тақлид эса ҳеч қандай далил, ҳужжатсиз бошқа бировнинг сўзи билан амал қилишни билдиради. Бу бирор оми киши мужтаҳиднинг сўзини қабул қилиши ёки бир мужтаҳиднинг ўзига ўхшаш бошқа бир мужтаҳиднинг сўзини олишидир. Ақида хусусида тақлид қилиш жоиз эмас. Чунки Оллоҳ ақида хусусида тақлидчиларни мазаммат қилган:

وَإِذَا قِيلَ لَهُمُ اتَّبِعُوا مَا أَنْزَلَ اللَّهُ قَالُوا بَلْ نَتَّبِعُ مَا أَلْفَيْنَا عَلَيْهِ آبَاءَنَا أَوْ لَوْ كَانُوا آبَاءَهُمْ لَا يَعْقُلُونَ شَيْئًا وَلَا يَهْتَدُونَ ﴿١٧٠﴾

– „Қачон (мушрикларга): «Оллоҳ нозил қилган ҳукмларга бўйсунингиз» дейилса, улар: «Йўқ, биз оталаримизни қандай йўлда топган бўлсак, ўшанга эргашамиз», дейишади. Агар оталари ҳеч нарсага ақллари етмайдиган, тўғри йўлни тополмайдиган бўлсалар ҳам-а?!“ [2:170]

وَإِذَا قِيلَ لَهُمُ تَعَالَوْا إِلَىٰ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَإِلَىٰ الرَّسُولِ قَالُوا حَسْبُنَا مَا وَجَدْنَا عَلَيْهِ آبَاءَنَا أَوْ لَوْ كَانُوا آبَاءَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ شَيْئًا وَلَا يَهْتَدُونَ ﴿١٤٤﴾

– „Қачон уларга: «Оллоҳ нозил қилган нарсага ва пайғамбарга келинглар» дейилса, улар: «Биз учун ота-боболаримизни ниманинг (яъни қайси диннинг) устида топган бўлсак, ўша етарли» дейишади. Агар ота-боболари ҳеч нарса билмайдиган ва ҳақ йўлни топа олмайдиган бўлсалар ҳам-а?!“ [5:104]

Шаръий ҳукмларда эса тақлид қилиш ҳар бир мусулмон киши учун шаръан жоиз.

فَاسْأَلُوا أَهْلَ الذِّكْرِ إِنْ كُنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴿٧٧﴾

– „Бас (эй Макка аҳли), агар ўзларингиз билмайдиган бўлсангизлар, (Таврот, Инжилни биладиган) аҳли илмлардан сўранглар“ [21:7]

Оллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло билмаган кишиларга билган кишилардан сўрашни буюрди. Гарчи оят мушрикларнинг пайғамбар инсонлардан бўлишини инкор қилишларига жавобан тушган бўлса-да, ундаги лафз умумий бўлиб, оятнинг нозил бўлишидаги сабабнинг хослиги эмас, лафзнинг умумийлиги эътиборга олинади. Оят муайян мавзу ҳақида эмас, уни фақат мана бу мавзуга хос деб бўлмайди. Оятда умумий бўлиб,

билмаган кишилар билганлардан сўраши лозимлиги талаб қилинмоқда. Оят олдин ўтган халқларнинг барчасига Оллоҳ фақат инсонларни элчи қилиб юборганини мушриклар, аҳли китоблардан сўрашларини талаб қилмоқда. Мушрикларнинг ўзлари беҳабар бўлган масалада аҳли китобларга мурожаат этишлари лозим. Оллоҳ деди:

﴿ وَمَا أَرْسَلْنَا قَبْلَكَ إِلَّا رَجُلًا نُوحِي إِلَيْهِمْ فَاسْأَلُوا أَهْلَ الذِّكْرِ إِنْ كُنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴾

– „*Эй Муҳаммад*), *Биз сиздан илгари ҳам фақат кишиларни ўзимиз ваҳй юборган ҳолда пайғамбар қилгандирмиз. Бас (эй Макка аҳли), агар ўзларингиз билмайдиган бўлсангизлар, (Таврот, Инжилни биладиган) аҳли илмлардан сўранглар*“.

[21:7]

Оятда «сўранглар» калимаси умумий суратда келган, Оллоҳ ўтган халқларга инсонларни элчи қилиб юборганини аҳли китоблардан сўраб билиб олишни буюради. Демак, бу талаб маърифатга тааллуқли бўлиб, иймонга алоқаси йўқ. Оятда ишора қилинаётган аҳли зикр аҳли китоблар бўлса-да, аҳли зикр калимаси умумий бўлиб, барча аҳли зикрларни ўз ичига олади. Мусулмонлар ҳам аҳли зикр ҳисобланади, чунки Қуръон зикрдир.

﴿ وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الذِّكْرَ لِتُبَيِّنَ لِلنَّاسِ مَا نُزِّلَ إِلَيْهِمْ ﴾

– „*Сизга эса одамларга нозил қилинган нарсаларни (яъни шариат аҳкомларини) баён қилиб беришингиз учун бу эслатма - Қуръонни нозил қилдик*“.

[16:44]

Шаръий ҳукмларни билган кишилар ҳам аҳли зикрдирлар. Улар ижтиҳод илмининг олимлари бўладими ёки сўраб ўрганилган илм олимлари бўладими фарқи йўқ. Муқаллид бир ёки кўп масалаларда Оллоҳнинг ҳукмини сўраб билиши мумкин. Шунга асосан, оят тақлиднинг жоизлигини ифодалайди.

Жобир رضي الله عنهдан ривоят қилинишича: «Бир кишининг бошига тош тегиб ёрилган. Кейин у одам ихтилом бўлиб қолиб, дўстларидан: «Шариатда менинг таяммум қилишимга рухсат берадиган бирор далил борми?» - деб сўради. Улар: «Сенга рухсат берадиган ҳеч нарса топмаяпмиз, чунки сен сув ишлатишга қодирсан», дедилар. Шундан кейин у киши гусл қилди ва ўлди. Пайғамбар ﷺ бу воқеани эшитиб уларга: «Таяммум қилишнинг ўзи у кишига кифоя эди ёки бошига бир латтани боғлаб, унинг устидан масҳ тортиб қолган баданини ювиши ҳам мумкин эди. Билмас эканлар, сўрамайдиларми? Ожизнинг шифоси сўроқ», дедилар». Расулulloҳ ﷺ шаръий ҳукм ҳақида сўраб билиш кераклиги ҳақида айтдилар. Шайбонининг ушбу сўзи ҳам саҳиҳ хабарлардандир: У киши айтдики: «Расулulloҳ ﷺнинг саҳобаларидан олти киши одамларга фатво берар эди. Улар ибн Масъуд, Умар ибн Хаттоб, Алий ибн Абу Толиб, Зайд ибн Собит, Убай ибн Каъб ва Абу Мусо эди». Буларнинг орасидан учтаси қолган учтасининг олдида ўз сўзларидан кечар эдилар. Ибн Масъуд Умар ибн Хаттобнинг, Абу Мусо Алийнинг, Зайд эса Убай ибн Каъб олдида ўз сўзларидан воз кечар эди. Бу ҳам саҳобаларга мусулмонлар тақлид қилганликлари, саҳобалар ҳам бир-бирларига эргашганларига далилдир.

Аммо Қуръони Каримда тақлидни қоралаган оятларга келсак, бу мазамматлар иймон хусусида тақлидга тааллуқли бўлиб, шаръий ҳукмларга алоқаси йўқ. Чунки бу оятларнинг мавзуси иймон мавзуси бўлиб, шу мавзугагина хосдир:

وَكَذَلِكَ مَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ فِي قَرْيَةٍ مِنْ نَذِيرٍ إِلَّا قَالَ مُتْرَفُوهَا إِنَّا وَجَدْنَا آبَاءَنَا عَلَىٰ أُمَّةٍ وَإِنَّا

عَلَىٰ آثَارِهِمْ مُقْتَدُونَ ﴿١٣٦﴾ قَالَ أُولُو حِجَّتِكُمْ بَاهِدَىٰ مِمَّا وَحَدَّثْتُمْ عَلَيْهِ آبَاءَكُمْ ﴿١٣٧﴾

– „*(Эй Муҳаммад), шунингдек Биз сиздан илгари бирон қишлоқ-шаҳарга бирон огоҳлантирувчи-пайғамбар юбормадик, магар (юборганимизда) у жойнинг боёнлари: «Биз ота-боболаримизни бир динга эргашган ҳолда топдик. Албатта бизлар уларнинг изларидан эргашгувчидирмиз» деганлар. (Шунда пайғамбарлари уларга): «Агар мен сизларга сизлар ота-боболарингизни (эътиқод қилган ҳолларида) топган диндан тўғрироқ динни келтирган бўлсам ҳам-а?» деди*“, [43:23-24]

إِذْ تَبَرَّأَ الَّذِينَ اتَّبَعُوا مِنَ الَّذِينَ اتَّبَعُوا وَرَأَوُا الْعَذَابَ وَتَقَطَّعَتْ بِهِمُ الْأَسْبَابُ ﴿١٣٦﴾ وَقَالَ الَّذِينَ

اتَّبَعُوا لَوْ أَنَّا كُنَّا كَرَّةً فَنَتَّبَرَأَ مِنْهُمْ كَمَا تَبَرَّأُوا مِنَّا كَذَلِكَ يُرِيهِمُ اللَّهُ أَعْمَالَهُمْ حَسْرَاتٍ عَلَيْهِمْ وَمَا

هُمْ بِخَارِجِينَ مِنَ النَّارِ ﴿١٣٧﴾

– „*У кунда пешволар эргашувчилардан тонадилар ва ҳаммалари азобни (кўзлари билан) кўрадилар. (У кунда уларни боғлаб турадиган) баҳонаю сабаблар узилади. Эргашувчилар: «Қанийди, яна бир карра (яшашнинг) иложи бўлса-ю, улар биздан тонганларидек, биз ҳам улардан тонсак» дейдилар. Шундай қилиб, Оллоҳ Таоло уларнинг қилган амалларини ўзларига ҳасрат-надомат қилиб кўрсатади ва улар жаҳаннамдан чиқувчи бўлмайдилар*“, [2:166-167]

مَا هَذِهِ التَّمَاثِيلُ الَّتِي أَنتُمْ لَهَا عَاكِفُونَ ﴿٥٢﴾ قَالُوا وَجَدْنَا آبَاءَنَا لَهَا غَابِدِينَ ﴿٥٣﴾

– „*«Сизлар доимо чўқинадиган бу ҳайкаллар нимадир (яъни, нега жонсиз ҳайкалларга сиғиняпсизлар)?!» деганида, улар айтдилар: «Бизлар ота-боболаримизни ҳам уларга сиғинган ҳолда топганмиз»*“. [21:52-53]

Бу оятларнинг бирортаси ҳеч қандай сабабни ўз ичига олмаган ва бошқа нусусларда ҳам бу ҳақда сабаб келмаган. Шунинг учун «Сабабнинг хослиги эмас, лафзнинг умумийлигига эътибор берилади» қондаси бу ўринда ишлатилмайди. Бу қоида сабабга нисбатан тўғри. Сабаб деганда оятнинг нозил бўлиш сабаби кўзда тутилади. Аммо оятнинг мавзусига нисбатан бу қондани ишлатиш нотўғри. Бу ўринда оят мавзусига эътибор берилади. Умумийлик фақат оятнинг мавзусига тааллуқли. Оят мавзуси ўз ичига олган ҳар бир мавзу учун умумийдир. Оят мавзусига кирмайдиган нарсалар учун умумий эмас. Бу ўринда «бу оятлар иймон ва кофирлар ҳақида. Лекин бу оятларни муқаллидларга таъвил қилса бўлаверади, чунки ҳукм сабаб билан бирга юради», деб айтилмайди. Чунки бу оятларда сабабнинг ўзи йўқ, китоб, Суннатнинг ҳеч қайси ҳукмларида бу оятларга сабаб келмаган. Шунинг учун тақлидни ман этадиган ҳеч қандай

ҳукм мавжуд эмас. Балки ҳукм ва мусулмонларнинг Расулulloҳ ﷺ ва саҳобалар давридаги воқеси тақлиднинг жоизлигидан далолат беради.

Муттабеъ ҳам, оми ҳам муқаллид ҳисобланади. Чунки Оллоҳ Таоло тақлидни эргашиш деб номлади:

إِذْ تَبَرَّأَ الَّذِينَ اتَّبَعُوا مِنَ الَّذِينَ اتَّبَعُوا

– „У кунда пешволар эргашувчилардан тонадилар“. [2:166]

Чунки шахс ё ўзи татбиқ этган ёки бошқа биров татбиқ этган шаръий ҳукмни қабул қилиши мумкин. Агар ўзи татбиқ этса, у мужтаҳид бўлади, агар бошқа биров татбиқ этган шаръий ҳукмни олса, унинг раъйига эргашган ҳисобланади. Бошқанинг раъйига эргашиш эса тақлиддир. Ҳужжати мулзима, яъни амал қилиш мажбурий ҳужжат билан эргашадими ёки ҳужжатсиз эргашадими, фарқи йўқ. Демак, муттабеъ (эргашувчи) ҳам муқаллид экан. Яна бир гап, тақлид мужтаҳиднинг раъйига далили маълум бўлгандан кейин уни муҳокама қилмасдан эргашишдир. Яъни бу далилга амал қилишга мажбур бўлмасдан эргашишдир. Аммо агар далилни муҳокама қилиб, ундан ҳукм қандай истинбот этилганини билиб, сўнгра бу ҳукмни истинбот этилиши ва шу ҳукмнинг ўзига қўшилсангиз, ҳукм асосланган ҳужжат амал қилишга ундайди ва сизнинг раъйингиз мужтаҳиднинг раъйига ўхшаш бўлиб, бундай ҳолатда сиз муттабеъ эмас, балки мужтаҳид ҳисобланасиз. Бундан тушуниладикки, бировга эргашиш тақлид. Эргашган киши эса, агар далилни билиб эргашса ҳам, муқаллид ҳисобланади.

Тақлиднинг воқеси

Тақлиднинг луғавий ва шаръий таърифи бир ишда бошқа бировга эргашишдир. Демак, тақлиднинг моҳияти бошқа бировга эргашиш. Шунга биноан шаръий ҳукмларни билишда одамлар икки турга бўлинади. Биринчиси мужтаҳид, иккинчиси муқаллид. Учинчиси йўқ. Чунки инсон ё ўзи татбиқ этган нарсани олади ёки бошқа биров топган нарсага эргашади. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Демак, мужтаҳид бўлмаган киши муқаллиддир. Тақлиднинг моҳияти ҳукмни бошқадан олиш бўлиб, олувчи мужтаҳидми ёки мужтаҳид эмасми бунинг аҳамияти йўқ. Мужтаҳид ҳам битта масалада бошқа мужтаҳидга тақлид қилиши жоиз ва у шу масалада муқаллид ҳисобланади, шунинг учун битта ҳукмда муқаллид ҳам, мужтаҳид ҳам бўлиши мумкин. Битта шахс гоҳо муқаллид, гоҳо эса мужтаҳид бўлади.

Агар мужтаҳидда бир масала борасида ижтиҳод қилиши учун тўла лаёқат бўлса ва у шу масалада ижтиҳод қилиб, бир ҳукмга эришса, бу эришган ҳукмига зид равишда бошқа мужтаҳидларга эргашиши жоиз эмас. Аммо фақат қуйидаги тўрт ҳолатнинг биридагина ўз ижтиҳоди билан этган раъйдан воз кечиши мумкин.

1. Агар мужтаҳидга ўз ижтиҳодида суянган далили заифлиги ва бошқа мужтаҳиднинг далили унинг далилидан кучли эканлиги маълум бўлса, дарҳол ўз ҳукмидан воз кечиб, далили кучли ҳукмни олиши вожиб. Ўз ижтиҳоди билан этган ҳукмда қолиши ҳаром. Бу янги ҳукмни татбиқ

этган мужтаҳиднинг ёлғизлиги ёки бу ҳукми илгари ҳеч ким айтмагани уни олишига тўсиқ бўлмайди. Чунки далилнинг кучлилиги эътиборга олинади. Уни айтувчи кишиларнинг кўплиги ёки кўп тажрибага эгаллиги ҳисобга олинмайди. Саҳобаларнинг бир қанча ижтиҳодлари борки, уларнинг хатолиги кейинчалик тобеинларга ёки улардан кейинги табаа тобеинларга маълум бўлган. Агар барча далилларни, уларнинг истинботини кўриб чиқмасдан, ўзининг далили заифлиги ва бошқаники кучли эканлиги маълум бўлса ва уни олса, у киши муқаллид ҳисобланади. Чунки у таржиҳ орқали бошқанинг раъйини олди. У худди икки ҳукмга рўбарў бўлиб, шаръий муражжиҳ (далилнинг кучлилигини билдирувчи омил) туфайли иккисидан бирини олган муқаллидга ўхшайди. Аммо изланишлар, далилларни чуқур тадқиқ этиш ва истинбот натижасида ўзининг далили заифлиги ва бошқанинг далили кучли эканлиги маълум бўлиб, ана шу далили кучли ҳукми олса, бу киши муқаллид эмас, мужтаҳид ҳисобланади. Чунки ўзининг аввалги ижтиҳодининг хатолиги маълум бўлгач, уни ташлаб ўзи истинбот қилган бошқа кучли раъйга қайтди. Бундай ҳолат имом Шофезийда бир неча марта содир бўлган.

2. Агар бирор мужтаҳидга бошқа бир мужтаҳиднинг далилларни ўз воқесига боғлашга қодирлиги, воқени ёки далилларни тушуниб етиши кучлироқ экани, самъий далилларни кўпроқ билиши каби афзалликлари маълум бўлса, муайян масалани ёки муаммоларни тушуниб етишда ўзидан кўра тўғри йўл тутишига ишонса, ўз ижтиҳоди билан етган ҳукми ташлаб, ишончлироқ деб билган мужтаҳиднинг ижтиҳодига эргашиши жоиз. Абу Мусо ўз фикридан кечиб, Алийнинг сўзини олгани, Зайд Убай ибн Каъбнинг сўзини олгани, Абдуллоҳ Умарнинг сўзини олгани ҳақида саҳиҳ хабарлар бор. Абу Бакр ﷺ ва Умар ﷺлар ўз фикрларидан кечиб, Алий ﷺнинг сўзини олганлари ҳақида ҳам кўп воқеалар ривоят қилинган. Кўриниб турибдики, мужтаҳид бошқанинг ижтиҳодига ишонч ҳосил қилса, ўз ижтиҳодини ташлаб, бошқанинг фикрига эргашиши мумкин экан. Бироқ, ўз ижтиҳодидан кечиб бошқага эргашиши бу ўринда вожиб эмас, жоиздир.

3. Агар халифа мужтаҳид истинбот қилган ҳукмга хилоф ҳукми жорий этса, мужтаҳид ўз ижтиҳодини ташлаб, халифа жорий этган ҳукми олиши вожиб. Чунки имомнинг буйруғи зиддиятни йўқотиши ва барча мусулмонларга ўтишига саҳобалар иттифоқ қилганлар.

4. Мусулмонларнинг манфаатлари учун, уларни бирлаштириш мақсадида мужтаҳид ўз ижтиҳодидан кечиб, мусулмонларнинг иттифоқи кўзда тутаётган ҳукми олиши вожиб. Худди Усмонга байъат қилинаётган пайтда содир бўлган воқеагаддек. Ривоят қилинадикки, Абдурахмон ибн Авф одамлар билан бирма-бир махфий гаплашиб чиққач, ҳаммани жамлади. Минбарга чиқиб узоқ дуо қилганидан сўнг, Алийни чақириб қўлидан ушлади-да: «Оллоҳнинг китоби, расулининг Суннати ва Расулуллоҳ ﷺдан кейинги Абу Бакр ҳамда Умар ﷺларнинг раъйи билан иш тутишга мен билан байъат қиласанми?», деди. Шунда Алий ﷺ: «Оллоҳнинг китоби, Расулуллоҳ ﷺнинг Суннати ва ўз ижтиҳодим орқали етган раъйим билан иш тутишга байъат қиламан», деди. Абдурахмон

Алийнинг қўлини қўйиб юборди-да, Усмонни чақирди. Унинг қўлини тутиб: «Оллоҳнинг китоби, расулининг Суннати ва Расулуллоҳ ﷺ дан кейинги Абу Бакр ҳамда Умар ﷺ ларнинг раъйи билан иш тутишга мен билан байъат қиласанми?», деб сўради. Усмон: «Оллоҳумма наъам» (ҳа), деб жавоб берди. Шунда Абдураҳмон Усмоннинг қўлини тутган ҳолда масжид шифтига қараб: «Эй Оллоҳ, ўзинг эшитиб, ўзинг гувоҳ бўл», дея уч марта такрорлаб, Усмон билан байъат қилди. Сўнг масжиддаги кишилар байъат қила бошлади. Алий ҳам одамлар орасини ёриб ўтиб, байъат қилди. Бу воқеадан кўриниб турибдики, Абдураҳмон мужтаҳиддан, яъни Алий ва Усмондан ўз ижтиҳодларидан воз кечиб, барча масалаларда Абу Бакр ва Умар ﷺ ижтиҳодларига эргашишни талаб қилди. Саҳобаларнинг барчаси бунга рози бўлиб, Усмонга байъат қилдилар. Ҳатто ўз ижтиҳодини ташлашга кўнмаган Алий ﷺ ҳам шу аснода Усмонга байъат қилди. Аммо ўз ижтиҳодини ташлаб бошқага эргашиш вожиб эмас, балки жоиздир. Чунки Алий ﷺ ўз ижтиҳодини ташлаб Абу Бакр ва Умар ﷺ нинг ижтиҳодига эргашишга кўнмаган пайтда ҳеч ким Алийнинг бу ишини қораламади. Демак, ўз ижтиҳодини ташлаб бошқага эргашиши вожиб эмас, жоиз экан.

Юқоридагилар ўзи амалда ижтиҳод қилиб, бирор масалада бир ҳукмга эришган мужтаҳид ҳақидаги фикрлар. Аммо мужтаҳид бирор масалада ижтиҳод қилмаган бўлса, бу масалада бошқа мужтаҳиднинг ижтиҳодини олиб қўя қолиши ҳам мумкин, чунки ижтиҳод фарзи кифоядир, фарзи айн эмас. Шунинг учун, агар мужтаҳид бирор масаланинг ҳукмини аввалдан билса, бу борада ижтиҳод қилиши вожиб бўлмай, бошқа мужтаҳиднинг ижтиҳодини олиши жоиз. Саҳиҳ хабарларда келадикки, Умар ﷺ Абу Бакр ﷺ га: «Бизнинг раъйимиз сизнинг раъйингизга тобе», деб айтган. Яна шундай хабарлар борки, Умар ﷺ агар бирор жанжални ҳал этишда Қуръон ва Суннатдан ечим топа олмаса, Абу Бакр ﷺ шундай муаммони қандай ҳал қилгани билан қизиқарди. Агар Абу Бакр ﷺ нинг шундай муаммони ечганини кўрса, у ҳам шу ечимни олар эди. Ибн Масъуд ﷺ эса Умарнинг сўзини олар эди. Бу ҳолатлар саҳобаларнинг кўз ўнгиде бўлиб ўтган, лекин уларнинг бирортаси инкор этмаган. Бу эса ижмои сукутий (жимлик, розилик)дир.

Юқорида биз мужтаҳид воқесининг тақлидини баён этдик. Аммо мужтаҳид бўлмаган киши хоҳ илм ўрганувчи, хоҳ оми (саводсиз) бўлсин, ўзи дуч келган муаммони фақат сўраб билади холос, бошқа чораси йўқ. Чунки Оллоҳ инсонлардан онгли равишда, билиб ибодат қилишларини талаб қилди.


 وَأَتَّقُوا اللَّهَ وَيُعَلِّمُكُمُ اللَّهُ

– „Оллоҳдан қўрқингиз! Оллоҳ сизларга (ҳақ-ҳидоят йўлини) билдиради“, [2:282]

яъни Оллоҳ ҳар қандай ҳолатда билдиради, сизлар эса ундан тақво қилинглр (қўрқинглр). Тақводан аввал илм ҳосил бўлиши зарур. Чунки ақлга аёнки, ҳалол ҳаромни билиш асосида тақвога буюрилади. Бу эса амалдан аввал уни билиш зарурлигини кўрсатади. Гўё Оллоҳ:

– „Оллоҳдан қўрқинглар!“ [2:282]
 деган пайтда инсоннинг хаёлига «Қандай қўрқамиз?» деган савол келгану, унга жавобан: «Оллоҳ сизларга билдиради, шундан сўнг тақводор бўласизлар», дегандай. Хуллас, амалдан аввал илм бўлиши зарур. Шунинг учун мусулмон киши аввал бажармоқчи бўлган ишнинг ҳукмини билиши ва кейин унга киришиши керак. Яъни, бажаришдан аввал унинг шаръий ҳукмини билмоғи фарз. Чунки шаръий ҳукми билмай туриб унга амал қилиб бўлмайди. Шаръий ҳукми билиш у ҳақда сўрашни тақозо этади. Шаръий ҳукми сўраб, билиб ва унга амал қилиш билан эса муқаллид бўлади: Оллоҳ Таоло айтади:

فَاسْأَلُوا أَهْلَ الذِّكْرِ إِنْ كُنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ


– „Агар билмасангиз, зикр аҳлларида сўранглар“. [16:43]
 Бу барчага қаратилган умумий оятдир. Расулulloҳ ﷺ боши жароҳатланган киши ҳақидаги воқеада айтган эдиларки: «Агар (ҳукмини) билмасалар, сўрамайдиларми?! Ахир ожизликнинг давоси сўрашлик-ку!». Саҳобалар даврида ҳамма кишилар мужтаҳидлардан фатво сўраб, шаръий ҳукмларда уларга тақлид қилардилар. Улар саволларга далилларини айтиб ўтирмай жавобини айтишга шошишарди. Аммо бирортаси бунга эътироз билдирмаган. Тобеинлар ва улардан кейинги авлодларнинг ҳолатлари шундай кечган ва бу тўғрида минглаб воқеалар ривоят қилинган.

Мутааллим (илм оловчи) ва оми (саводсиз) кишилар шаръий ҳукмда бошқаларга тақлид қилиши, яъни сўраб билишлари жоизлиги каби, ўрганган шаръий ҳукмларини бошқаларга билдиришлари ҳам жоиз. Албатта бу ўринда ўргатувчи ўргатаётган ҳукми яхши билиши, уни амал қилиш учун шаръий ҳукм сифатида олган бўлиши шарт. Яъни унинг шаръий ҳукмлиги аниқ бўлсин. Аммо бу ҳукм далилининг тўғрилигига ёки уни ўргатган кишининг динига қаттиқ ишонмаса, уни бошқаларга ўргатиши жоиз эмас. Агар айтса ҳам, бу ҳукм ҳақидаги фикрларини рўй-роҳ баён этиши керак. Хуллас, ҳар бир киши ўзи билган ҳукми бошқаларга билдириши жоиз. Чунки битта масалани яхши билишига ва бу масалада унинг айтаётган сўзи ҳақиқатда тўғрилигига ишонса, бу киши шу масала хусусида олим ҳисобланади. Расулulloҳ ﷺ илмни яширишдан қайтариб: «Кимки илмни яширса, Оллоҳ қиёматда унинг оғзини ўт билан юганлаб қўяди», деганлар. Бу ҳадис умумий бўлиб, бир масалани билишни ҳам, кўп масалани билишни ҳам ўз ичига олади.

Бироқ илм ўрганаётган талаба ўргатувчи кишига эргашган ҳисобланмайди. Балки у ўрганаётган шаръий ҳукми истинбот қилган мужтаҳидга тақлид қилган ҳисобланади. У фақат ҳукми ўрганди, холос. Чунки тақлид мужтаҳидга қилинади. Муқаллидлар қай даражада юқори илмга эришмасин, уларга олим сифатида тақлид жоиз эмас, ҳукмларни ўрганиш жоиз. Уларга тақлид қилиш эса мутлақо мумкин эмас.

Баъзан мужтаҳидлар икки хил сўз устида ихтилофга дуч келганлари каби, муқаллидлар ҳам баъзан икки хил шаръий ҳукмга рўбарў бўладилар.

Баъзи кишилар икки хил шаръий ҳукм муқаллидга нисбатан битта ҳисобланади, улардан хоҳлаганини ёки мақсадга мувофиғини танлаши жоиз, деб ўйлайдилар. Аслида бундай эмас. Чунки мусулмон киши шаръий ҳукми олишга буюрилган. Шаръий ҳукм эса Шореънинг хитоби бўлиб, бир неча хил эмас, битта бўлади. Агар Шореънинг хитобини бир неча хил тушуниш мумкин бўлса, ким қандай тушунса, шу тушунчаси ва унга тақлид қилаётган муқаллид учун шаръий ҳукм ҳисобланади, бошқа тушунчалар шаръий ҳукм эмас. Демак, бир-бирига зид икки хил сўзни олиш мумкин эмас. Агар муқаллидга икки мужтаҳиднинг икки хил сўзи дуч келса, улар эса бирининг далили иккинчисининг далилига зид бўлгани учун икки хил раъй билдирганлар. Агар муқаллид уларнинг бирига ўз хоҳишини асос қилиб эргашса, у ўз хоҳишига эргашган бўлади. Бундан Оллоҳ қайтарган:

﴿فَلَا تَتَّبِعُوا الْهَوَىٰ﴾

– „Бас, адолат қилмасдан нафси ҳавога эргашиб кетманглар“. [4:135]

Муқаллид ҳам мужтаҳид каби таржиҳ қилиши вожиб. Мужтаҳид бир-бирига зид далиллар ўртасида таржиҳ (бирининг биридан қувватли эканини аниқлаш) қилгани каби, муқаллид шундай йўл тутиши вожиб. Мужтаҳидларга бир-бирига зид шаръий далилларнинг таржиҳи вожиб бўлгани сингари, омиларга ҳам бундай шаръий далилларнинг таржиҳи вожиб. Агар таржиҳсиз ўзи хоҳлаган ёки мақсадга мувофиқ келадиган ҳукмга эргашиш жоиз бўлса, ҳокимга рухсат бериларди. Ваҳоланки, бу нарса саҳобалар иттифоқи орқали рад этилган. Қуръонда ҳар қандай хоҳишга эргашишдан қайтарган аниқ оятлар мавжуд. Жумладан, Оллоҳнинг ушбу сўзи:

﴿فَإِنْ تَنَازَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ﴾

– „Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, агар ҳақиқатан Оллоҳга ва охират кунига ишонсангиз, у нарсани Оллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз!“ [4:59]

Демак, муқаллиднинг муаммоси ҳақида икки мужтаҳид икки хил сўз айтса, муқаллид бу борада Оллоҳ ва расулига мурожаат қилиши керак бўлгани каби, Оллоҳ ва расули рози бўладиган кучли далилга суяниши вожиб. Оллоҳ ва расули рози бўладиган нарсага мурожаат қилиш эса ўз хоҳиш-истакларидан узоқ бўлиш демақдир. Муқаллид бир масала ҳақидаги икки сўзнинг бирини Оллоҳ ва расули рози бўлган ўлчовлар асосида ихтиёр қилиши вожиб. Муқаллид бир масалада икки хил сўзга амал қилиши мумкин эмас. Чунки улар бир-бирига зид. Бир-бирига зид икки мазҳаб ёки икки ҳукмнинг бирини муражжиҳ (ўлчов)сиз танлаш ўз хоҳиш истагидан келиб чиқшидир. Бу эса Оллоҳ ва расулига мурожаат қилишга зид. Муқаллид бир мужтаҳиддан иккинчисини ёки бир ҳукмдан бошқасини таржиҳ қилишда суянадиган ўлчовлар кўп бўлиб, уларнинг энг муҳими ва энг афзаллари билимдонроғи ва тўғри тушунишидир. Ибн Масъуддан ривоят қилинган ҳадисда: Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «Эй Абдуллоҳ ибн Масъуд!» - «Лаббай, эй Расулаллоҳ», жавоб берди ибн

Масъуд. «Қайси инсон энг илмли эканлигини биласанми?» «Буни мандан кўра Оллоҳ ва расули яхшироқ билади», дея жавоб берди ибн Масъуд. «Энг илмли киши ҳақни тўғри кўра оладиган кишидир. Агар у киши ўзи билган нарсага амал қилишда камчиликка йўл қўйса ҳам, ёки кети билан судралиб (орқада қолиб кетса ҳам) юрса ҳам, у энг илмли киши ҳисобланади». Шунинг учун илм ва адолат билан таржиҳ қилади, чунки гувоҳнинг гувоҳлигини қабул қилишда унинг адолатли бўлиши шарт. Шаръий ҳукм олинаётганда у ҳақиқатда шаръий ҳукмлигига гувоҳлик бериш демакдир. Шунинг учун шаръий ҳукмни олишда уни ўргатаётган муаллимнинг адолатли бўлиши зарур. Бу ҳукмни истинбот қилаётган мужтаҳиднинг адолатли бўлиши зарурлиги эса маълум. Демак, шаръий ҳукмларни олаётган киши мужтаҳидми ёки муаллимми, у адолатли бўлиши шарт экан. Шу ўринда илм ҳам муражжиҳ ҳисобланади. Кимки имом Шофеъий олимроқ ва унинг ижтиҳодлари тўғрироқ деб ишонса, у Шофеъийнинг мазҳабига зид бўлган мазҳабни ўз хоҳиш-истаклари асосида қабул қилиши мумкин эмас. Шунингдек, кимки Жаъфар ас-Содиқнинг мазҳабини тўғрироқ деб билса ва у кишини олимроқ деб ҳисобласа, у киши Жаъфар ас-Содиқ мазҳабига зид мазҳабни ўз хоҳишига асосланиб олиши мутлақо мумкин эмас. Аммо муқаллид ўз мазҳабига зид бўлган мазҳабнинг далили кучлилигини билса, у ўз мазҳабини эмас, балки далили кучли деб таржиҳ қилган мазҳабни олиши лозим. Таржиҳ хоҳиш-истак асосида бўлмаслиги шарт. Муқаллид бир қанча мазҳаблардан ўзига ёққан ҳукмларни териб олиши жоиз эмас. Балки, мужтаҳид икки зиддиятли далилни таржиҳ қилгани каби, муқаллид ҳам ўзидаги маълумотларни қариналар (маълумотларни тиниқлаштириб берувчи нарсалар) билан солиштириб кўриши вожиб. Бир мазҳабни бутунича олишда шундай усул ишлатилади. Аммо ҳар бир ҳукмда бундай таржиҳ қилинмайди.

Тақлиддаги муражжиҳ иккита бўлиб, биринчиси умумий муражжиҳ. Жаъфар ас-Содиқ ва Молик ибн Анас каби тақлид қилиниш кўзда тутилаётган кишиларга тааллуқли муражжиҳлар умумий ҳисобланади. Иккинчиси эса хос муражжиҳ бўлиб, у тақлид қилиниш кўзда тутилган битта шаръий ҳукмда бўлади. Аммо аъламият (билувчироқлиги) иккисида ҳам ҳисобга олинади. Масалан, Моликнинг замонида Мадинада содир бўлган ҳодиса хусусида Молик Абу Юсуфга нисбатан билувчироқ ҳисобланади. Жаъфарнинг даврида Куфада содир бўлган ҳодисада эса Жаъфар Аҳмад ибн Ҳанбалдан кўра билувчироқдир. Ҳодисаларга нисбатан шундай таржиҳ қилинади. Аммо тақлид қилаётган кишига келсак, мужтаҳид ҳақида муқаллидга етиб келган маълумотларга қаралади.

Аъламият - яхши билишнинг ўзигина ягона муражжиҳ бўлолмайди ва тақлид қилиш учун ҳам унинг ўзи кифоя эмас. Балки аъламият фақат тақлидчи киши ва тақлид қилинмоқчи бўлган ҳукмгагина умумий муражжиҳ бўла олади. Аммо ҳукмга нисбатан ҳақиқий муражжиҳ ҳукм суянган далилнинг кучлигидир. Бироқ, муқаллид далилни билмагани сабабли аъламият бўлиши ҳисобга олинган. Албатта бу ўринда

муқаллидлар ҳолатининг хилма-хиллигига қараб муражжиҳлар ҳам кўпдир.

Муқаллидларнинг ҳолатлари ва уларнинг муражжиҳотлари

Тақлид ҳужжат мулзима (амал қилишга мажбур этувчи далил)сиз бировнинг сўзини олишдир. Бировнинг сўзини ҳужжат мулзимасиз олиш тақлид ҳисоблангани каби, бировнинг сўзига ҳужжат мулзимасиз амал қилиш ҳам тақлиддир. Омнинг мужтаҳид сўзини олиши ва мужтаҳид бошқа бир мужтаҳиднинг сўзини олиши бунга мисол бўлади. Аммо Расулulloҳ ﷺ га ёки саҳобаларнинг ижмосига мурожаат қилиш тақлид ҳисобланмайди. Чунки бу бировнинг сўзини олиш эмас, балки далилнинг ўзига мурожаат қилиш демакдир. Шунингдек, омнинг муфтийга мурожаати ҳам унга тақлид эмас, балки фатво сўраш ва ўрганишдир. Яъни омнинг билувчига мурожаати тақлид эмас, чунки бу шаръий ҳукм сўраш ва шаръий ҳукми ўрганиш ҳисобланади. Аммо бирор сўзнинг далилини билиб қабул қилишда унга қаралади: агар фақат далилни билиш бўлса, қабрлар зиёратини билиш каби, жоиздир. Чунки Расулulloҳ ﷺнинг: «Сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим. Огоҳ бўлингларки, қабрларни зиёрат қилинглар», ҳадислари туфайли қабрларни зиёрат қилиш жоизлигини билса, бу ҳолда у муқаллид ҳисобланади. Чунки у далилини билса-да, ҳужжат мулзимасиз бошқанинг сўзини қабул қилди. Яъни далилни бу масалага ўзи излаб топгани йўқ. Шунинг учун бу далил унга нисбатан ҳужжат мулзима бўлмайди. Аммо бу далилни чуқур муҳокамадан ўтказиб ва истинбот қилгандан сўнг билиш шу ҳукми айтган мужтаҳиднинг ижтиҳодига мувофиқ келган ижтиҳод ҳисобланади. Чунки далилни текшириб, ундан ҳукм истинбот қилишга мужтаҳиддан бошқаси қодир эмас. Далилни текшириб, ундан ҳукм истинбот қилиш учун эса шунга тааллуқли далиллар ва мавзуларни чуқур ўрганиш зарур. Бундай ишни эса мужтаҳидгина қила олади. Шунинг учун муқаллид мужтаҳид ҳисобланмайди. Одамлар шаръий ҳукмга нисбатан мужтаҳид ёки муқаллид ҳисобланади, бошқача бўлиши мумкин эмас. Яъни ҳукми ўзи истинбот қилиши мумкин, бу ўринда ундан аввал бошқа мужтаҳид шу ҳукми истинбот қилган ёки қилмаганининг аҳамияти йўқ. Ёки бошқасининг истинботини қабул қилиши мумкин. Шунга асосан кимнинг ижтиҳодга лаёқати бўлмаса, у муқаллиддир. У киши ижтиҳодда шаръан эътиборга олинадиган баъзи илмларга эга ёки эга эмаслиги эътиборга олинмайди. Оми ва муттабеълар ҳам муқаллид ҳисобланади, аммо муттабеъ мужтаҳиднинг далилини билиш шарт билан тақлид қилади. Оми эса ҳеч қандай шартсиз тақлид қилади.

Муқаллид муттабеъ ёки оми бўлишдан қатъий назар, ҳар қандай мужтаҳиднинг сўзини олиши жоиз. Агар шу мужтаҳиднинг сўзи бир кишининг хабари билан ижтиҳод эканлиги собит бўлса ҳам. Агар муқаллид бирор масалада фақат битта мужтаҳиднинг сўзинигина билса, бошқа мужтаҳидларнинг сўзларини билмаса, у ўзи билган шу битта мужтаҳиднинг сўзига эргашиши жоиз, чунки муқаллиддан ҳар бир

масалада шаръий ҳукмга эргашиши талаб этилади. Мужтаҳидларнинг сўзларини билиб, уларни таржиҳ қилиш муқаллиддан соқит. Аммо агар муқаллид бир қанча мужтаҳидларнинг сўзларидан хабардор бўлса ва улардан бирини олишни истаса, у албатта таржиҳ қилиши керак. Аммо таржиҳ ҳукмнинг ўз хоҳиш-истакларига ёки ўзининг манфаатларига мос келиши билан қилинмайди. Чунки шариатнинг мақсади мукаллаф шахсни ўз хоҳиш-истаклари чангалидан чиқариб, Оллоҳга содиқ банд қилишдир. Таржиҳ шаръий муражжиҳ билан амалга оширилади, яъни таржиҳда ишлатиладиган муражжиҳ Оллоҳ ва расулига алоқадор нарса бўлиши керак. Оллоҳ Таоло айтдики:

فَإِنْ تَنَازَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ ﴿٥٩﴾


– „Бордию бирон нарса ҳақида таллашиб қолсангиз, агар ҳақиқатан Оллоҳга ва охират кунига ишонсангиз, у нарсани Оллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз!“ [4:59]

Оллоҳ ва расулига мурожаат қилиш Қуръон ва Суннатга мурожаатдир, яъни ё шаръий далилга, ёки Оллоҳ ва расули буюрган нарсага юзланишдир. Шунинг учун муқаллидларнинг ҳолатларига қараб, муражжиҳотлар ҳам ҳар хил бўлади. Тўғри, оми учун умумий муражжиҳ шаръий далилдан сўнг аъламият ва фаҳм (тўғри тушуна олиши) ҳам муражжиҳ ҳисобланади ва бу иккиси барча муқаллидлар учун энг афзал йўллардир. Лекин одамлар бу икки муражжиҳ билан бирга таржиҳ (бир мужтаҳиднинг сўзини иккинчи мужтаҳиднинг сўзидан тўғрироқ деб ажратиш)да бошқа ҳар хил муражжиҳотни ишлатадилар. Масалан, оми киши бир мужтаҳидга тақлид қилаётган кишиларнинг тақвоси ва фаҳмига ишонганлиги учун улар эргашаётган мужтаҳидга тақлид қилади. Отаси ёки ўзи ишонган олимларнинг бири тақлид қилаётган мужтаҳидга отаси ёки ҳалиги олимга бўлган ишончи асосида эргашади. Омининг бу таржиҳи хоҳиш-истак асосида эмас, балки дин асосида кечмоқда. Гоҳида оми фиқҳ ва ҳадисларни мунтазам ўрганиши орқали шаръий ҳукмлар ва далилларни ўзлаштиради. Натижада у ҳукмлар ва далилларни фарқлайдиган бўлади. Бу киши тақлид қилаётганда ўзи билган далилларни таржиҳ қилади ва бир-бирига зид икки ҳукмга дуч келса ва бу ҳукмдан бирининг далилини билиб, иккинчисининг далилидан беҳабар бўлса, билган ҳукмга тақлид қилади. Чунки у киши учун далили билан бирга келган ҳукм далили номаълум бўлган ҳукмга нисбатан аржаҳ (далили кучлироқ) ҳисобланади. Ижтиҳодда эътиборга олинадиган баъзи илмларни билмаган оми кишига бирон ҳукмнинг далили маълум бўлиб қолса, бирор мужтаҳиднинг тақвоси ва фаҳмига бўлган ишончи асосидаги тақлиддан воз кечиб, далилини билган ҳукмни олиши вожиб, чунки далил унинг учун кучли муражжиҳ ҳисобланади. Кимки отасининг Шофеъийга ёки бошқасига тақлид қилгани учун у ҳам шу мужтаҳидга эргашса ва бошқа бир мужтаҳид истинбот қилган далилни билиб, унинг тўғрилигига ишонса, у киши кучлироқ муражжиҳ - яъни шаръий далили бўлгани учун кейинги ҳукмни олиши вожиб. Аммо кейинги далилнинг тўғрилигига ишонмаса, ўзи тақлид қилаётган ҳукмни тарк этиши жоиз эмас, чунки унда тақлид қилаётган

ҳукмдан кўра кучлироқ муражжиҳ мавжуд эмас. Ҳужжатларни таржиҳ қилишда қариналарни билишига суюнилади. Оми ўз хоҳиш-истакларига қараб ҳар хил мазҳабларни қабул қилиш ва ҳар бир масалада ўзича энгил ҳисобланган мазҳабни олиши мумкин эмас, балки бир неча ҳукмларни билган пайтда муражжиҳ қилиши шарт.

Мужтаҳидлар уртасида кучиб юриш

Оллоҳ бизни бир мужтаҳидга ёки имомга ёки мазҳабга эргашишга буюрмади, балки шаръий ҳукми олишга буюрди. Оллоҳ бизга расули Муҳаммад ﷺ олиб келган барча нарсаларни олишни ва қайтарган нарсаларининг барчасидан тийилишимизни буюрди. Оллоҳ Таоло айтдики:

 وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا

– „Пайғамбар ўзи сизларга келтирган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсдан қайтинглар“. [59:7]

Шунинг учун шариатда Оллоҳнинг ҳукмлари қолиб, шахсларга эргашиш мумкин эмас. Бироқ, тақлиднинг воқеси - мусулмонлар биронта мужтаҳиднинг ҳукмларига эргашишга ва уларни ўзларига имом деб билиб, у ижтиҳод қилган ҳукмларни ўзларига мазҳаб ҳисоблашди. Натижада мусулмонлар орасида Шофеъия, Ҳанафия, Моликия, Ҳанбалия, Жаъфария, Зайдия ва бошқа мазҳаблар вужудга келди. Агар мусулмонлар мужтаҳидлар истинбот қилган шаръий ҳукмларга эргашган бўлсалар, уларнинг амаллари шаръий амал ҳисобланади. Чунки бу шаръий ҳукмга эргашишдир. Агар улар мужтаҳиднинг шахсига эргашган бўлсалар, уларнинг бу ишлари шаръий ҳисобланмайди ва улар эргашган ҳукм шаръий дейилмайди. Чунки у бир шахснинг сўзи бўлиб, Оллоҳнинг расули Муҳаммад ﷺ олиб келган Оллоҳнинг буйруқ ва қайтариқлари эмас. Шунинг учун барча мазҳаб тобелари шуни яхши билишлари вожибки, улар мужтаҳидлар истинбот қилган Оллоҳнинг ҳукмларига эргашмоқдалар. Агар бошқача тушунчада бўлсалар, Оллоҳнинг ҳукмларини тарк этиб, бандаларига эргашганликлари учун жавоб берадилар.

Булар мазҳаб ҳукмларига эргашиш ҳақидаги фикрлар. Аммо мазҳаб ҳукмларини тарк этиш масаласида қаралади, бир ҳукми олсаю лекин унга ҳали амал қилган бўлмаса, бу киши шу ҳукми олиши ёки ундан воз кечиб, бошқасини олиши мумкин. Албатта, бу ўринда олиш ёки воз кечиш Оллоҳнинг розилиги учун кучли далиллар асосида бўлмоғи керак. Аммо муқаллид ўзи олган ҳукмга амал қилган бўлса, у киши учун бу ҳукм Оллоҳнинг ҳукмига айланади ва у бу ҳукми ташлаб, бошқасини олиши жоиз эмас. Аммо иккинчи ҳукм ўз далили билан бирга келса ва биринчи ҳукмнинг далили аниқ бўлмаса ёки ўрганиб чиқиш давомида иккинчи ҳукмнинг далили биринчи ҳукмнинг далилидан кучлилиги аниқланса, биринчисини тарк этиши вожиб. Чунки шаръий далилга қаноатланиши ва уни тасдиқлаши уни Оллоҳнинг ҳукмига айлантиради. Чунки мужтаҳид ҳам ўзи истинбот қилган раъйдан кўра кучлироқ далилни топган пайтда ўзининг аввалги раъйини тарк этиб, кейинги далили кучли раъйини олиши

вожиб. Бундан бошқа ҳолатларда эса ўзи тақлидан амал қилаётган ҳукми ташлаб, бошқа ҳукми олиши мумкин эмас.

Аммо бошқа ҳукмларда эса бошқа мужтаҳидга эргашиши жоиз. Чунки муқаллид бирор масалада ҳар қандай ечимдан сўраб билишининг жоизлиги саҳобалар ижмоси билан исбот бўлган. Аммо муқаллид агар ўзи учун бир мазҳабни тайин қилиб, мен фалон мазҳабдан ва шу мазҳабни тутаман деб айтса, бу киши ўзи эргашган мазҳабдаги амал қилган масалаларда бошқа мужтаҳидга эргашмайди. Аммо ҳали амал қилмаган масалаларда эса бошқа мужтаҳидга эргашиши жоиз.

Лекин шу нарсани билиш керакки, тақлид қилаётган ҳукми ташлаб, бошқасини олиш мумкин бўлган масала бошқа масалага алоқасиз алоҳида масала бўлиши ва уни тарк этиш билан бошқа шаръий ҳукмининг бузилиши келиб чиқмаслиги вожиб. Аммо бошқа масалага алоқадор бўлса, ундан воз кечиш мумкин эмас. Воз кечса ҳам шу масалага тааллуқли барча масалаларни тарк этиш вожиб. Чунки у масалаларнинг барчаси бир-бирига алоқадор бўлганлиги учун улар битта ҳисобланади. худди намоз, таҳорат ва бошқа намоз рукнлари каби. Шофеъий мазҳабдаги киши Абу Ҳанифанинг «Аёл кишини ушлаш таҳоратни бузмайди», раъйини қабул қила туриб, Шофеъий мазҳаби асосида намозни адо этиши жоиз эмас. Ёки намозда ҳар қанча кўп ҳаракат қилиш намозни бузмайди деб, ёки «Фотиҳа» сурасини ўқиш намоз рукнларидан бири эмас, деб ҳисоблаган киши бунинг аксини айтган мужтаҳидга эргашиши тўғри эмас. Демак, бошқа шаръий ҳукмлар асосида бажараётган амалларга таъсири бўлмайдиган ҳукмларнигина тарк этиб, бошқасини қабул қилиши мумкин.

ШАРЪИЙ ҲУКМИ ҲУКМИНИ

Фатво (ҳукм) сўровчи киши муқаллид эмас. Чунки муқаллид шаръий ҳукми олиб, унга амал қилувчи кишидир. Фатво сўровчи хоҳ мужтаҳид бўлсин, бўлмасин ҳукми билувчидан ўрганган кишидир. У киши амал қилиш учун ўргангани ёки фақат билиб қўйиш учунми, бунинг фарқи йўқ. Оллоҳнинг ҳукмини ўрганишни истаган киши фатво сўровчидир. Мужтаҳид бўлмаган ҳар бир киши фатво сўровчидир. Ҳамма ҳукмларда ижтиҳод қилмаган (мужтаҳид бўлмаган) киши ҳамма ҳукмда фатво сўровчидир. Бир неча масалада ижтиҳод қилган киши ундан бошқа масалаларда фатво сўровчидир. Фатво сўровчига фатво берган киши эса муфтий (фатво берувчи) дейилади. Луғатда шундай дейилади: «Бир масалада фатво берди», яъни «унга бир масалада Оллоҳнинг ҳукмини баён қилиб берди» ёки «бир масалада олимдан фатво сўради», яъни «олимдан бу масалада Оллоҳнинг ҳукмини сўради». Саҳобалар ва тобеинларнинг фатволари улар одамларга баён қилиб берган ҳукмлардир. Оллоҳнинг ҳукмини билиш фарз бўлгани учун одамларга Оллоҳнинг ҳукмини ўргатадиган мужтаҳид бўлсин, бўлмасин, уларга ҳукмларни далили билан ёки далилларсиз ўргатадиган кишилар бўлиши зарур. Демак, мусулмон киши ҳукмларни бошқаларга ўргатишда унинг далилларини баён қилиши шарт бўлмаганидек, ҳукмларни ўргатадиган киши мужтаҳид бўлиши шарт

эмас. Хукми билган киши уни бошқага ўргатиши мумкин. Шунингдек, хукмда одамларга фатво берувчи ёки уни ўргатувчи киши мужтаҳид бўлиши шарт эмас. Мужтаҳид бўлмаган киши бошқа бир мужтаҳид ижтиҳод қилган шаръий хукми билса, шу хукм билан бошқаларга фатво бериши мумкин, чунки у етказилган хукми далили билан очиқ баён қилмаса ҳам хукми етказишда фарқ бўлмаганидек, олим билан омининг ҳам фарқи йўқ. Ҳадисни ривоят қилувчининг олим бўлиши шарт бўлмаганидек, бошқаларга шаръий хукми етказувчининг ҳам олим бўлиши шарт эмас. Демак, етказувчи киши мужтаҳид бўлиши шарт эмас. Лекин хукми етказётган киши етказётган хукми аниқ билиши шарт, чунки ўзи хукми яхши билмаса, уни бошқага етказолмайди. Шунингдек, одамларга шаръий хукмларни ўргатадиган ёки уларга фатво берадиган киши уларга далилини ўргатиши ёки етказиши шарт эмас, балки далилини эмас, шаръий хукмининг ўзини етказиши мумкин. Лекин у етказётган нарса шаръий хукмлигини ёки бу хукм фалончи мужтаҳиднинг ижтиҳоди эканини айтиши лозим. Аммо бир фикрни уларга етказиб, «бу менинг раъйим» деса, ёки «фалончи мужтаҳид шундай деган» сўзини далил қилиб, бу шаръий хукм деса, етказган нараси шаръий хукм ҳисобланмайди, чунки мужтаҳидларнинг сўзлари шаръий далил эмас. Уларнинг сўзларини хукмга далил қилиш унинг шаръий хукм бўлиши мумкинлигини рад этади. Аммо хукми уларнинг ижтиҳодига боғласа, гарчи далилини баён этмаса ҳам, шаръий хукм бўлаверади.

Саҳобалар ҳам мужтаҳидлардан фатво сўраб, шаръий хукмда уларга эргашардилар. Уламолар кишиларнинг саволларига, далилларига ишора қилмасдан жавоб беришарди ва уларни бундан қайтаришмасди. Саҳобалардан биронтаси ҳам бу нарсани инкор қилмади. Шу билан оми киши мужтаҳидга далилини зикр қилмасдан эргашиши мумкинлиги ва Оллоҳнинг хукмларини далилларини ўрганмасдан ўргатиши мумкинлигига ижмо бўлди. Оми киши билан муттабеънинг ўртасида фарқ йўқ, шунинг учун иккаласи ҳам бошқасидан фатво сўраши ва яхши билган нарсасининг далилини билса ҳам, билмаса ҳам бировга ўргатиши мумкин. Чунки ким бир масалани ўрганса, бошқасига ўргатиши мумкин. У масаланинг билимдони ҳисобланади. Бироқ оми киши ўрганган нарсасини қандай ўрганган бўлса шундай етказиши керак. Муттабеъ эса ўрганган нарсани билади ва билган нарсаси билан фатво бера олади, чунки у ижтиҳодда эътиборли илмларнинг баъзисидан хабардор. Шу сабабли хукмларни ва уларни қандай ўргатишни ҳам, қандай фатво беришни ҳам билади. Бироқ, хукми ўрганиш ёки у ҳақда фатво сўраш ўргатувчи кишига ёки фатво берувчи кишига тақлид қилиш эмас, балки фатво сўрашдир. Албатта, муаллим гувоҳга қиёсланиб одил бўлиши керак. Чунки гувоҳ ҳодисанинг хабарини етказди, буниси Оллоҳнинг хукмини етказди. Иккаласи ҳам бир нарсанинг хабарини етказишяпти. Шунинг учун ҳам одил бўлиш шарт. Шунинг учун Оллоҳ Таоло фосиқнинг сўзини қабул қилишдан қайтарди ва унинг сўзини аниқлашни буюрди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنِ جَاءَكُمْ فَاسِقٌ بِنَبَأٍ فَتَبَيَّنُوا ﴿٦﴾

– „Эй мўминлар, агар сизларга бир фосиқ кимса бирон хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) аниқлаб-текшириб кўринглар!“ [49:6]

Фосиқнинг хабари инкор қилинади. Агар фосиқ бирор хабар келтирса, одамлар уни олишга шовилмаслиги ва ҳақиқатни излашлари вожиб. Бунинг аксича, одил кишининг сўзи фатво сўрашда ҳам, ҳукми ўрганишда ҳам, бошқа ўринларда ҳам ҳеч иккиланмай олинаверади.

ДАЛИЛНИНГ ҚУВВАТИ

Шаръий далил бу унга далолат қилган ҳукм шаръий эканлигини тасдиқлайдиган ҳужжатдир. Шунинг учун бир ҳукми шаръий деб ҳисоблаш унинг далили эътиборга олинишига боғлиқ. Демак, шаръий ҳукмларни ҳисобга олишда шаръий далилга эътибор бериш муҳимдир. Агар бир ҳодисага унинг ҳукми қандай бўлишига боғлиқ далил келтирилса, у эътиборга олинганлиги учун ҳукми шаръий ҳисобланади. Агар бир ҳодисага икки далил келтирилса, яъни уларнинг бири ҳаромликка далолат қилса, иккинчиси унинг хилофи бўлган мубоҳликка далолат қилса, икки далилнинг қай бири кучли эканлигини билиш учун уларни таржиҳ қилиш вожиб. Таржиҳ орқали қувватли далил олиниши учун далилларнинг таржиҳ жиҳатларини билиш зарур. Далилни таржиҳ қилиш учун қувватли далилга суяниш лозимлигига саҳобаларнинг ижмои далил бўлади. Чунки хатна қилинадиган икки аъзонинг учрашиши ҳақидаги Ойиша رضي الله عنهاнинг хабари асос қилинади, яъни: «Агар хатна қилинадиган икки аврат учрашса, гусл вожиб бўлади. Мен ва Расулulloҳ صلى الله عليه وسلم шундай қилсак гусл қилардик» деб баён қилинган хабарини Абу Ҳурайра Расулulloҳ صلى الله عليه وسلمдан: «Сув албатта сувдан кейин бўлади», деган хабаридан кучлироқ деб билганлар. Бунга сабаб, пайғамбарнинг хотинлари бу ишларни бошқалардан кўра яхшироқ билади. Шунингдек, Расулulloҳ صلى الله عليه وسلمнинг жунуб ҳолатда тонг оттирганликлари ҳақидаги аёлларнинг хабарини Абу Ҳурайра Фазл ибн Аббоснинг Расулulloҳ صلى الله عليه وسلمдан: «Ким жунуб ҳолатда тонг оттирса, у рўза тутмасин», деган ривоятдан кучлироқ деб билган. Алий ибн Абу Толиб رضي الله عنه ҳам Абу Бакр رضي الله عنهнинг хабарини кучлироқ деб билган ва у кишидан қасам ичишни талаб қилмасдан, бошқа кишига қасам ичирган. Абу Бакр رضي الله عنه «Бувининг мероси ҳақидаги» Муғиранинг хабарини у киши билан бирга Муҳаммад ибн Маслама ҳам ривоят қилганлиги учун кучлироқ деб билган. Умар رضي الله عنه ҳам Абу Мусо ал-Ашъарийнинг «Изн сўраш» ҳақидаги хабарини Абу Саид ал-Худрийнинг ривоятига мос келганлиги учун ундан кучлироқ деб билган. Саҳобалар нусуслардан ҳукмларни топа олмаганларидан кейингина қиёс ва раъйларга мурожаат қилардилар. Саҳобалар ҳаётини ўрганиб, ижтиҳодларига назар ташлаган киши икки гумонли далилнинг заифи билан эмас, балки кучлироғи билан ўзларига бир амални вожиб қилганларини кўради. Далилнинг кучлироғини олиш зарур эканлигига Пайғамбар صلى الله عليه وسلم Муоз ибн Жабални Яманга қози қилиб жўнатаётганларида унинг далилларни тартиб билан келтиришига сукут сақлаганлари ҳужжат бўлади.

Лекин икки далил бир-бирига зид келиб қолса, улар бир-бирига солиштирилиб, иккаласини татбиқ этиш имкони бўлмаса, кучлироғига амал қилинади. Уларнинг ҳар иккаласига ҳам амал қилиш афзалдир, чунки далилдан мақсад рад этиш эмас, амал қилиш бўлгани учун бирини бутунлай рад этгандан кўра, иккала далилга ҳам амал қилган яхши. Лекин икки далилга амал қилиш ўз зиммасига амални мажбурлаб юклаш билан эмас, балки наснинг далили билан бўлади. Масалан, бир-бирига зид икки далилга амал қилишга Пайғамбар ﷺнинг мана бу сўзлари далил бўлади: «Сизларга гувоҳларнинг энг яхшисини айтиб берайми?», «Ҳа», дейишди. Расулulloҳ ﷺ: «Гувоҳлик бериши талаб қилинишидан олдин гувоҳлик берган киши». Иккинчи далил Расулulloҳ ﷺнинг мана бу сўзлари: «Сўнгра ёлгон тарқалади, ҳаттоки киши гувоҳлик бериш талаб қилинишидан олдин гувоҳлик беради». Расулulloҳ ﷺ гувоҳлик бериш талаб қилинишидан олдин гувоҳлик берган кишини мақтадилар. Бошқа ҳадисда эса гувоҳлик бериши талаб қилинишидан олдин гувоҳлик берган кишини ёмонладилар. Расулulloҳ ﷺнинг гувоҳлик бериш талаб қилинишидан олдин гувоҳлик берган кишини мақташлари Шорей бунга буюрганидан далолат беради. Расулulloҳ ﷺнинг айнан гувоҳлик беришни талаб қилинишидан олдин гувоҳлик берган кишини ёмонлашлари ҳам Шорей буюрганидан далолат беради. Бу икки далилнинг бир-бирига зид келишидир. Бу икки далил бир-бирига шундай жамланади: Шариат Оллоҳнинг ҳуқуқларида талаб қилинмасидан олдин гувоҳлик беришга буюради. Банданинг ҳуқуқларида эса талаб қилмасдан олдин гувоҳлик беришдан қайтаради. Бунга Расулulloҳ ﷺнинг бу сўзлари мисол бўлади: «Масжидга қўшни бўлган кишининг намози фақат масжидда бўлади». Ваҳоланки, Расулulloҳ ﷺ масжиддан бошқа ерда ҳам намоз ўқишлишга сукут сақлаганлари собит бўлган. Далилларнинг бири иккинчисига зид келмоқда. Бу икки далил шундай жамланади, яъни ҳадис намозни мукамаллигини қайтаряпти, Расулulloҳ ﷺнинг сукутлари эса намознинг адо этилганлигидан (тўғри бўлганлигига) далолат бермоқда.

Албатта, икки далилга ҳам амал қилишга ҳаракат қилиш зарур. Уларга амал қилиш имконияти бўлмаса, кучи баробар ҳисобланса ҳам, бир-бирига зид далилнинг кейин гапирилгани аввалгисини мансух этади. Бу ўринда уларнинг иккаласи ҳам қатъий ёки занний бўладими, Қуръондан олинганми ёки Суннатданми, аҳамияти йўқ. Лекин, Қуръон ва Суннатда бўлиши мумкин эмас, чунки Суннат, гарчи мутавотир бўлса ҳам, Қуръонни бекор қила олмайди. Агар улардан аввалгиси аниқланмаса, иккаласи ҳам занний бўлиши керак, чунки икки қатъий далил бир-бирига зид келмайди. Агар иккиси ҳам занний бўлса, иккаласи таржиҳ яъни солиштирилиб, кучли далилга амал қилинади. Далилнинг қуввати (кучлилиги) деганда, далилларни тартиб жиҳатидан кучлилиги ва занний далилларни далилликка олиниш даражасининг кучлилиги назарда тутилади. Далиллар тартибига келсак, Китоб, яъни Қуръон мутавотир Суннатдан кучлироқ, мутавотир Суннат эса ижмодан кучлироқ, тавотур йўли билан етказилган ижмо эса оҳод хабардан кучлироқ, оҳод хабар эса қиёсдан кучлироқ бўлади. Аммо агар иллати далолатан ё истинботан ё

қиёсан олинган бўлса, иллати очиқ-ойдин олинган бўлса, далилнинг қуввати жиҳатидан унга очиқ далолат қилган наснинг муомаласи билан ёндашилиб, очиқ наснинг ҳукмини олади. Агар у Қуръондан олинса, Қуръон ҳукмида, агар Суннатдан олинса, Суннат ҳукмида, агар унга ижмо далолат қилса, ижмо ҳукмида бўлади. Аммо занний далилларнинг ҳар бирини далилликка олиниши жиҳатидан текширилса, улар икки хил бўлади: биринчиси Суннат, иккинчиси эса қиёс. Бу икки далилни ҳам солиштиришда ўзига хос эътиборлари, яъни далилнинг кучини билдирадиган белгилари бор. Суннатнинг далили кучлилиги деганда, унинг санади (ровийлари) матни ва мадлули, яъни лафз далолат қилган маъно жиҳатидан қувватли эканлиги назарда тутилади. Суннатнинг далили санад жиҳатидан қувватли эканлиги бир неча ишларда кўринади:

Биринчи, ривоят қилувчига алоқадор бўлади. Бевосита шу ишга алоқадор, яъни унда қатнашган ровий унда қатнашмаган ровийдан кучлироқ ҳисобланади, чунки у ўзи айтган воқеани яхши билади. Бунинг мисоли Абу Рофеънинг ривояти кабидир. Бу ривоятда келишича, Расулulloҳ ﷺ Маймунани эҳромдан чиққан ҳолда никоҳлаб олганлар. Бу ривоят эса ибн Аббоснинг Расулulloҳ ﷺ Маймунани эҳромлик ҳолда никоҳлаб олганлар, деган ривоятдан қувватли ҳисобланади, чунки Абу Рофеъ Расулulloҳ ﷺ билан Маймуна орасида элчи ҳамда Маймунанинг никоҳларини Расулulloҳ ﷺнинг номларидан қабул қилиб олган эди. Ҳадис ровийнинг фақиҳлиги билан ҳам қувватли ҳисобланади. Ровийси фақиҳ бўлган хабар ривоят қилувчиси фақиҳ бўлмаган хабардан қувватлироқ бўлади. Ҳадис ривоят қилувчи ривоятни ёд олгани ёзганидан қувватли деб саналади. Ривоят қилувчи ривоятни ёд олган ҳадис, ривоят қилувчи ривоятни ёд олмасдан ёзган ҳадисдан қувватлироқдир. Чунки у шубҳадан узоқдир. Ривоят қилувчиси машҳур ҳадис ривоят қилувчиси машҳур бўлмаган ҳадисдан қувватлироқ деб саналади.

Иккинчиси ривоятнинг ўзига алоқадор. Мутавотир хабар оҳод хабардан кучлироқдир. Муснад хабар, яъни ҳамма ровийлари баён қилинган хабар мурсал хабар, яъни битта ровийси баён қилинмаган хабардан қувватлироқ бўлади. Чунки муснад хабарда ровийларнинг ҳаммаси аниқ, мурсал хабарда эса ровийлар ноаниқ бўлади.

Учинчиси ривоятнинг вақтига алоқадор. Ҳадисни балоғатга етган вақтида ривоят қилган ровий ҳадисни балоғатга етмасдан, яъни гўдаклик вақтида ривоят қилган ровийдан кучлироқ дейилади.

Тўртинчиси ривоятнинг кайфиятига алоқадор. Пайғамбаргача етиб борганлиги аниқ хабар пайғамбарга етиб борганлиги ихтилофли хабардан кучлироқ ҳисобланади. Расулulloҳ ﷺ айтган хабар маъноси етказилган хабардан кучлироқдир.

Бешинчиси хабар келган вақтга алоқадор. Вақти баён қилинмасдан мутлақ ривоят қилинган хабар аввал келган деб айтилган хабардан қувватлироқдир, чунки мутлақ хабар кейин келганга ўхшаш бўлади. Пайғамбар ﷺнинг охириги кунларида келган хабар кучлироқ бўлади. Ўлим тўшагида ётган вақтларида келган хабар мутлақ хабардан кучлидир.

Олтинчиси хабарнинг лафзига алоқадор. Лафзи ҳақиқатга яқин хабар лафзи мажоз бўлган хабардан кучлидир. Шаръий ҳақиқатни ўз ичига олган хабар лугавий ва сарфий ҳақиқатни ўз ичига олган хабардан кучлидир, чунки пайғамбар ﷺ шариатни баён қилиш учун юборилган. Ҳукм учун сароҳатан ёки далолатан ёки истинботан иллатни ўз ичига олган хабар ҳукм иллатини баён қилмаган хабардан кучли бўлади, чунки иллатланган хабар ташриъий жиҳатдан кучлидир.

Аммо матн жиҳатидан хабарнинг кучи бир неча ишларда намоён бўлади ва улар қуйидагилар:

1. Агар икки хабардан бири буйруқ, иккинчиси қайтариқ бўлса, қайтариқ буйруқдан кучлироқ ҳисобланади. Чунки, қайтариқларнинг кўпи зарарни даф қилишни, буйруқларнинг кўпи эса фойда келтиришни талаб қилиб келади. Зарарларни даф қилиш фойда келтиришдан афзалдир.

2. Агар хабарнинг бири буюрувчи, иккинчиси мубоҳ қилувчи, яъни ихтиёр берувчи бўлса, мубоҳ қилувчи буюрувчи хабардан кучли бўлади. Чунки мубоҳга амал қилишдан кўзланган мақсад бу ишнинг талабини мубоҳликка буриш орқали буйруқ амрни таъвил қилишдир. Бундай таъвил қилиш мубоҳнинг мадлулидан, яъни мазмунидан билиниб туради.

Буйруққа амал қилиш мубоҳни бутунлай тарк этишга олиб боради. Иккала далилни ишлатиш бирини тарк этишдан афзалдир.


3. Агар далилнинг бири буйруқ, иккинчиси хабар бўлса, хабар буйруқдан кучли ҳисобланади. Чунки хабар далолатда буйруқдан қувватлироқ. Шунинг учун хабарни насх қилиш тақиқланади, буйруқда эса уни насх қилиш мумкин.

4. Бири қайтарувчи, иккинчиси мубоҳ қилувчи (рухсат берувчи) бўлса, мубоҳ қилувчи хабар буюрувчи хабардан кучлидир. Сабаби, мубоҳ қилувчи хабар буйруқдан кучлироқдир.


5. Далилнинг бири қайтариқ бўлиб, иккинчиси хабар бўлса, хабар буйруқдан кучлироқ.

Аммо хабарнинг далолат жиҳатидан қуввати қуйидаги бир неча ишларда кўринади:

1. Агар хабарларнинг бири энгилликни, иккинчиси эса қийинчиликни ифодаласа, энгилликни ифодалаган хабар қийинчиликни ифодалаган хабардан қувватлироқ бўлади. Оллоҳ Таолонинг мана бу сўзи бунга далилдир:

 يُرِيدُ اللَّهُ بِكُمُ الْيُسْرَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمُ الْعُسْرَ

– „Оллоҳ сизларга энгилликни истайди, сизларга оғир бўлшини истамайди“, [2:185]

 وَمَا جَعَلَ عَلَيْكُمْ فِي الدِّينِ مِنْ حَرَجٍ

– „Ва бу динда сизларга бирон ҳараж-танглик қилмади“. [22:78]

Расулуллоҳ ﷺ айтадилар: «Дин бу энгилликдир». Яна айтадилар: «Исломда зарар ва биродарларнинг бир-бирига зарар етказиши йўқ».

2. Хабарларнинг бири ҳаромни, иккинчиси мубоҳни ифодаласа, ҳаромга далолат қилган хабар мубоҳга далолат қилган хабардан

Расулulloҳ ﷺнинг сўзларига биноан кучли бўлади: Расулulloҳ ﷺ айтадилар: «Ҳаром билан ҳалол бирлашмайди, мабодо бирлашиб қолса, ҳаром ҳалолдан голиб келади». Яна айтадилар: «Шубҳалантирган нарсани шубҳалантирмаган нарсага ташланг».

3. Хабарларнинг бири ҳаромни ифодалаб, иккинчиси вожиблигини ифодаласа, ҳаромга далолат қилган хабар вожибни билдирган хабардан кучлироқ бўлади. Чунки ҳаромнинг кўпи зарарни даф қилиш учун, вожибнинг кўпи эса фойда келтириш учун келади. Ваҳоланки, зарарни даф қилиш фойда келитиришдан муқаддам қилинади.

4. Агар хабарларнинг бири вожибни, иккинчиси мубоҳни ифодаласа, вожибга далолат қилган хабар мубоҳни билдирган хабардан кучли бўлади. Чунки вожиб гуноҳни тарк этишни тақозо этади, мубоҳ эса ҳеч нарсани тарк этишни ифодаламайди. Гуноҳдан йироқ бўлиш ҳеч нарса юз бермайдиган нарсдан узоқ бўлишдан афзалдир. Бундан ташқари, вожибга далолат қилган хабар қатъий талабни ифодалайди. Мубоҳга далолат қилган хабар ихтиёрий талаб бўлиши мумкин. Ваҳоланки, қатъий хабар бошқасидан кучлидир.

Буларнинг ҳаммаси Суннатдаги таржиҳ эътиборига нисбатандир.

Аммо қиёсдаги қувватли бўлиш эътиборига келсак, унинг қуввати сабабият далили билан бўлади. Шунинг учун сабаби қатъий далил билан исботланган қиёс сабаби қатъий далил билан исботланмаган қиёсдан кучлидир. Чунки қатъий нарсанинг сабабсизлик эҳтимоли йўқ, аксинча, қатъий бўлмаган далилнинг сабаби бўлиши мумкин. Сабаби очиқ исботланган қиёс далолатан, истинботан ёки қиёсан исботланган қиёсдан кучли. Далолатан исботланган қиёс истинботан исботланган қиёсдан ёки қиёсан исботланган қиёсдан кучли бўлади. Истинботан исботланган қиёс эса сабаби қиёсан исботланган қиёсдан кучлироқдир. Демак, қиёснинг қуввати сабаби ва сабабнинг далилига қараб белгиланади.

Буларнинг ҳаммаси қувватлар хулосаси. Бу хулоса билан шаръий далил таржиҳ қилиниши учун унинг қувватлироғи танланади. Бу икки ҳолатда бўлиши мумкин:

1. Занн талабида куч сарфламагани учун истинботга қодир бўлмасдан икки далил муҳокамасида муттабеъ билан бўлганда.

2. Мужтаҳидда икки далил бир-бирига зид келиб қолганда.

Иккала ҳолатда ҳам икки далил келса, уларни солиштириш керак. Агар улардан бири қувватлироқ бўлса, далили кучли ҳукм олиниб, унга амал қилиш ва далили заифини тарк этиш вожиб.

ШҶРО ЁКИ ИСЛОМДА ФИКР ОЛИШ

ШҶро ёки фикр олиш халифа, амир, ҳуқуқ эгаси бўлган раис, қўмондон ёки бирор масъул тарафидан бўлади, чунки буларнинг ҳаммаси амир ҳисобланади. ШҶро Оллоҳ Таолонинг мана бу сўзи билан эр-хотин ўртасида ҳам бўлади:

فَإِنْ أَرَادَا فِصَالًا عَنْ تَرَاضٍ مِنْهُمَا وَتَشَاوُرٍ

– „Агар (ота-она) ўзаро келишиб, маслаҳат билан ажрашишни ирода қилса...“ [2:233]

Аммо ҳуқуқи бор киши хоҳ ҳоким, хоҳ қўмондон бўлсин, фикр билдириш шубҳасиз насиҳат тарзида бўлади. Бу шаръий иш бўлиб, бошлиқларга ҳам, оммага ҳам тааллуқлидир. Аммо ҳоким, амир ёки раис одамлардан фикр олиш учун мурожаат қилиши шубҳали, хусусан демократия тарқалиб, мусулмонларнинг ақлини заифлаштириб қўйганидан кейин яна ҳам шубҳали бўлиб қолди. Фикр олиш исломда шўро, маслаҳат ёки ташовур-маслаҳатлашиш деб номланади. Фикр билдиришда мусулмонлардан ҳам, мусулмон бўлмаганлардан ҳам эшитиш мумкин бўлади. Чунки Расулulloҳ ﷺ «Ҳилфул фузул» яъни «Фазилатли иттифоқ» ўзига олган фикрни тасдиқлаб, бундай деганлар: «Агар Исломда унга чақирилсам, лаббай деб жавоб берардим», ваҳоланки бу мушрикларнинг раъйи бўлган. Фикр олиш учун фақат мусулмонларгагина мурожаат қилинади, яъни шўро фақат мусулмонларнинг ҳаққи. Чунки Оллоҳ Таоло пайғамбарга хитоб қилиб, бундай дейди:

وَشَاوِرْهُمْ فِي الْأَمْرِ

– „Ва ишларингизда улар (саҳобаларингиз)га маслаҳат солинг“.[3:159]

وَأْمُرْهُمْ شُورَىٰ بَيْنَهُمْ

– „Уларнинг ишлари ўзаро шўро-маслаҳат (билан) бўлур“. [42:38]
Биринчи оят шундай дейди:

فَبِمَا رَحْمَةٍ مِنَ اللَّهِ لِنْتَ لَهُمْ وَلَوْ كُنْتَ فَظًّا غَلِيظَ الْقَلْبِ لَانْفَضُّوا مِنْ حَوْلِكَ فَاعْفُ عَنْهُمْ

وَاسْتَغْفِرْ لَهُمْ وَشَاوِرْهُمْ فِي الْأَمْرِ

– „(Эй Муҳаммад), Оллоҳ томонидан бўлган бир марҳамат сабабли улар (саҳобаларингиз)га юмшоқ сўзли бўлдингиз. Агар қўпол, қаттиқ дил бўлганингизда эди, албатта атрофингиздан тарқалиб кетган бўлар эдилар. Бас, уларни авф этинг, улар учун Оллоҳдан мағфират сўранг ва ишларингизда уларга маслаҳат солинг“. [3:159]

Буларнинг ҳаммаси мусулмонларга пайғамбардангина бўлиши мумкин. Иккинчи оятда бундай дейилади:

وَالَّذِينَ اسْتَجَابُوا لِرَبِّهِمْ وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَأَمْرُهُمْ شُورَىٰ بَيْنَهُمْ

– „Улар Парвардигорларига ижобат-итоат этган ва намозни тўқис адо қилган зотлардир. Уларнинг ишлари (мудом) ўзаро шўро-маслаҳат (билан) бўлур“. [42:38]

Бу сифатларнинг ҳаммасига фақат мусулмонларгина эга. Шунинг учун ҳам маслаҳат қатъиян мусулмонлар ўртасида бўлади. Маслаҳат бу - мусулмонлар ўртасида машҳур ва маъруф иш, бу нарса Қуръонда ҳам, ҳадисда ҳам, мусулмонларнинг сўзларида ҳам келган. Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади: «Расулulloҳ ﷺдан кўра кўпроқ саҳобаларига маслаҳат қиладиган кишини кўрмадим». Ҳасан رضي الله عنهдан ривоят қилинади: «Бирор қавм маслаҳат қилсагина ишларининг энг тўғрисига йўл топади». Фикр олиш, яъни маслаҳатлашиш Қуръон ва ҳадис насси билан собит бўлган. Аммо

маслаҳат бўладиган раъй нима, фикр олинадиган иш қайси, унинг ҳукми қандай, тўғри-нотўғрилигидан қатъий назар кўпчиликнинг фикри олинадими, кўпчиликнинг раъйи бўладими, озчиликникими ёки бир кишиникими, бундан қатъий назар тўғри фикр олинishi вожибми, булар кўпчиликка номаълум.

Буларнинг жавобини билиш учун фикр воқеини тушуниш, раъй олиш ҳақида келган шаръий далилларни ўрганиш ва мана шу далилларни фикр воқеига ташриъий жиҳатдан татбиқ этиш зарур.

Аммо, оламда мавжуд бўлган фикрлар воқеига келсак, улар тўрт хил. Дунёдаги фикрлар ҳаммаси шулардан бири ёки уларнинг бир қисми бўлади. Бу тўрт хил фикр қуйидагилар:

1. Фикр шаръий ҳукм, яъни ташриъий раъй бўлади.

2. Фикр бирор ишга таъриф бўлиши мумкин ё шаръий ҳукм нима эканлигининг таърифига ўхшаш шаръий таъриф ёки ақл ва жамиятнинг таърифига ўхшаш воқенинг таърифи бўлиши мумкин.

3. Фикр мутахассислар идрок қиладиган бир мавзудаги мулоҳаза ёки фанга оид бўлиши мумкин.

4. Бирор амални қилишга йўлловчи фикр бўлиши мумкин.

Булар дунёдаги фикрлар ва уларнинг воқеси. Шўро, яъни маслаҳат мана бу фикрларнинг ҳаммасига тўғри келадими ёки баъзиларигами? Бу фикрларда, тўғри ва нотўғрилигидан қатъий назар, кўпчиликнинг фикри кучлими ёки озчиликники бўлса ҳам тўғрилиги аҳамиятлими? Бунга жавоб топиш учун аввало Қуръон ва ҳадисда келган далилларни кўриб чиқиш ва бу далилларни фикрларга татбиқ этиш лозим. Шўро тўрт фикрнинг ҳаммасига мувофиқ келишига Қуръон далиллари далолат қилади:

وَأْمُرُهُمْ شُورَىٰ بَيْنَهُمْ

– „Уларнинг ишлари ўзаро шўро-маслаҳат (билан) бўлур“. [42:38]

وَشَاوِرْهُمْ فِي الْأَمْرِ

– „Ва ишларингизда улар (саҳобаларингиз)га маслаҳат солинг“. [3:159]

Бу оятлардаги сўзлар умумийдир. *أْمُرُهُمْ*, яъни «уларнинг ишлари»дан

мусулмонларнинг ишлари назарда тутилади. *الْأَمْر*, яъни «ишлар» сўзидаги алиф лом ишнинг бирлик ва кўпликни хословчи далил келмагунча умумийлигини билдиради. Бу ерда фақат шўрога тааллуқли далил йўқ, шунинг учун у умумийлигича қолади. Аммо маслаҳат қилинган фикрни олиш зарурлиги, яъни тўғри-нотўғрилигидан қатъий назар кўпчиликнинг фикри кучлилиги ёки тўғрилиқ жиҳати кучлилигига келсак, кўпчиликнинг фикрини олишга далолат қилувчи далиллар ҳам бор. Шунингдек, кўпчиликнинг фикрига қарамасдан ҳуқуқни амалдорга берадиган далиллар ҳам бор. Расулulloҳ ﷺ Абу Бакр ва Умар ﷺларга шундай дедилар: «Агар сизлар бирор маслаҳатга иттифоқ қилсанглар, мен унга қарши бўлмайман». Уҳуд жангида эса кўпчиликнинг фикрига қўшилдилар.

Оллоҳ Таоло Расулulloҳ ﷺга айтади:

وَشَاوِرْهُمْ فِي الْأَمْرِ فَإِذَا عَزَمْتَ فَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ ﴿١٥٩﴾

– „Ва ишларингизда улар (саҳобаларингиз)га маслаҳат солинг! Энди (маслаҳат қилгач, бирон ишни) қасд қилсангиз, Оллоҳга суянинг - таваккул қилинг!“ [3:159]

Биз қачон кўпчиликнинг фикрини олишимиз керак, қачон уни рад этишимиз мумкинлигини билиш учун аввало Қуръон ва ҳадисда келган далилларни ўрганиб, кейин бу далилларни дунёда мавжуд фикрларга татбиқ этамиз.

Қуръонда икки оят келган: бири Оллоҳ Таолонинг мана бу сўзи:

وَشَاوِرْهُمْ فِي الْأَمْرِ ﴿١٥٩﴾

– „Ва ишларингизда улар (саҳобаларингиз)га маслаҳат солинг“. [3:159]

Бу оят Расулуллоҳ ﷺни мусулмонларнинг фикрини олишга буюришидир. Лекин Оллоҳ Таоло Расулуллоҳ ﷺга фикрни ихтиёр қилиш ҳуқуқини бериб, бу оятни шундай тугатади:

فَإِذَا عَزَمْتَ فَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ ﴿١٥٩﴾

– „Агар бир нарсани қасд қилсангиз, Оллоҳга таваккул қилинг“, [3:159] яъни шўро (маслаҳат) қилгандан кейин бир нарсани ният қилсангиз, ишингизда оғишмаслик учун Оллоҳга таваккул қилинг. Оллоҳ Таоло «қасд қилсангиз» деди, «қасд қилсанглар» демади. Аммо иккинчи оятда эса Оллоҳ Таоло бундай деди:

وَأْمُرْهُمْ شُورَىٰ بَيْنَهُمْ ﴿٣٨﴾

– „Уларнинг ишлари ўзаро шўро-маслаҳат (билан) бўлур“. [42:38]

Бу оят мусулмонлар маслаҳат қилмагунларича бир тўхтамга келмасликларига Оллоҳнинг мақтовидир ҳамда маслаҳатга қизиқтиришидир. Лекин бу жумла мужмал ҳолда келган, шунинг учун уни муфассал баён қиладиган Суннатга мурожаат этиш зарур.

Расулуллоҳ ﷺ Абу Бакр ва Умарга шундай деганлар: «Агар иккалангиз (машваратда) бирор ишда иттифоқ қилсанглар, мен унга қарши чиқмайман». Лекин машваратда бир қарорга келинган ишларида ихтилоф қилмасликни таъкидлаб «машваратда, яъни маслаҳатли ишда иттифоқ қилсанглар», дедилар. Машварат, яъни маслаҳат сўзи сифат, у чеклов, чегара бўлиши ёки аксинча тушунча ҳам бўлиши мумкин. Бундан шуни тушунамизки, агар иккилари маслаҳат қилмасдан келишишса, уларга ихтилоф қилишлари зарур. Расулуллоҳ ﷺ кўпчиликнинг раъйига, яъни агар иккилари иттифоқ қилсалар, уларнинг раъйига юришларини айтдилар.

Расулуллоҳ ﷺ Уҳуд жангида мусулмонлардан фикрли, кўзга кўринган кишиларни жамлаб маслаҳатлашдилар. Пайғамбар ﷺ Мадинада ҳимояланиб, Қурайшни шаҳар ташқарисида қолдиришга қарор қилдилар. Мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул ҳам, ёши катта саҳобалар ҳам бу фикрга қўшилишди. Бадр жангида қатнашмаган ҳамиятли жасур ёшлар душмanning олдига чиқиб олишишни исташи. Бу фикрни кўпчилик қўллаб қувватлади ва Расулуллоҳ ﷺ ҳам уларнинг

фикрига қўшилдилар. Бу ҳодиса Расулulloҳ ﷺ кўпчиликнинг фикрига қўшилиб, унга амал қилганларига ва улуг саҳобийларнинг ҳамда ўзларининг фикрларидан воз кечганларига далилдир. Одамлар пушаймон бўлиб: «Расулulloҳ ﷺ ни мажбур қилдик, бу мумкинмас» деб у кишининг олдларига боришди. Лекин Расулulloҳ ﷺ қарорларидан қайтмадилар.

Расулulloҳ ﷺ Бадр жангида тўғри фикрга келганларини, тўғри фикр бўлганда бир кишининг фикри билан кифояланганларини кўрамиз. Расулulloҳ ﷺ ва мусулмонлар Бадр яқинидаги сувли жойга тушганларида Ҳаббоб ибн Мунзир эътироз билдирди: «Эй Расулalloҳ, айтингчи, бу манзилдан орқага ҳам, олдинга ҳам юриб бўлмайди. Сизни бу ерга Оллоҳ туширдими, ёки бу раъй, уруш, хийлами?» деди. Расулulloҳ ﷺ «У раъй, уруш, хийла», дедилар. Ҳаббоб: «Эй Расулalloҳ, бу ерга тушмайлик» деб бошқа жойни кўрсатди. Расулulloҳ ﷺ Ҳаббобнинг фикрига қўшилдилар. Расулulloҳ ﷺ бу вазиятда ўз фикрларидан кечдилар, жамоатнинг раъйига ҳам қарамай, тўғри фикрга амал қилдилар.

Расулulloҳ ﷺ Ҳудайбия ғазотида фақат ўз фикрларини маҳкам ушладилар ва Абу Бакр, Умарларнинг ҳам, бошқа мусулмонларнинг ҳам фикрини олмай, норозиликларига қарамай, қарорларини ўзгартирмадилар. «Мен Оллоҳнинг бандаси ва унинг пайғамбариман, Унинг буйруғига ҳеч қачон зид иш тутмайман ва У зот мени ҳеч қачон хор қилиб қўймайди», дедилар.

Бу тўртта ҳадисдан Расулulloҳ ﷺ ҳеч кимнинг раъйига қарамай ўз фикрларини маҳкам ушлаганларини ҳам, тўғри фикрга мурожаат қилганларини ҳам кўрамиз. Агар бу ҳадисларга эътибор берсак, Ҳудайбияда шаръий далил, яъни ваҳйга амал қилганларини, Бадр жангида эса тўғри фикрга таянганларини, Уҳуд жангида ва Абу Бакр ва Умарларга қарши бормасликда кўпчиликка мурожаат қилганларини кўрамиз. Демак, Расулulloҳ ﷺ нинг амаллари ва сўзлари далолат қилган нарсаларда уч ҳолат бўлиши мумкин. Биринчиси - одамлардан олинаётган далилнинг кучига эътибор беришлари; иккинчиси - кўпчиликдан қатъий назар, ҳатто кўпчиликка мутлақо эътибор бермай тўғри фикрга мурожаат қилганлари; учинчиси - тўғри, нотўғрилигидан қатъий назар кўпчиликнинг раъйига қараганлари.

Агар Расулulloҳ ﷺ нинг амаллари ва сўзларидан келиб чиқадиган бу учта ҳукми мавжуд фикрлар воқесига татбиқ этсак, қуйидаги хулосага келамиз.

1. Шаръий ҳукмда фақатгина далилнинг кучи таржиҳ қилинади, чунки Расулulloҳ ﷺ ваҳй нозил бўлган нарсани кучлироқ деб билиб, ундан бошқасини тарк этганлар. Шунинг учун ҳам бундай дедилар: «Мен Оллоҳнинг бандаси ва унинг пайғамбариман, унинг буйруғига ҳеч қачон зид иш қилмайман». Шаръий далил бу - Китоб, Суннат ва Китобу Суннат далил эканлигини ифодаловчи нарсалар. Чунки бу нарса Оллоҳнинг буйруғи ва қайтариғи эканлигига мос келади. Далилнинг кучлилиги одамлар тарафидан истилоҳ қилиб қабул этган ёки тушунган нарсаларида ҳам белгиланмайди. Балки далилнинг кучи, агар далил келтириш сабаби танҳо ўзининг тушунчаси ёки ёлғиз ўзининг истилоҳи бўлса ҳам,

модомики шубҳа далилга таянар экан, фақат далил келтирувчида бўлади. Чунки одамлар шаръий далилда, лугатдан ва шариатдан англаган маъноларида ихтилофли бўлгани учун далилларининг кучига бўлган қарашлари ҳам ҳар хилдир. Далилнинг кучи дегани фақат ҳадиснинг қуввати эмас, балки Китоб ва Суннатнинг билиш, ривоят, матн, тушуниш ва эътибор жиҳатидан қуввати ҳам деганидир. Бу нарсада мусулмонлар ўртасида ҳеч қандай ихтилоф йўқ.

2. Бир мавзуда фикрга оид раъйда тўғрилиқ жиҳати кучлироқ бўлади. Бунга уйғониш масаласи мисол бўлади. Уйғониш - иқтисодий юқалиш билан бўладими, ёки фикрий жиҳатданми, давлатлараро мавқе фалон давлат тарафидами ёки писмадондами, ички ҳолат ва давлатлараро мавқе сиёсий амал билан ҳосил бўладими ёки сиёсий амаллар билан бирга ҳарбий амалларни бажариш биланми, буларнинг ҳаммасида тўғри фикрга муружаат қилинади, чунки бу Расулulloҳ ﷺнинг: «Бу - раъй, уруш ва хийла», деган сўзларига мувофиқдир. Бу ишларда Расулulloҳ ﷺ Ҳаббобнинг фикрига қўшилганларидек, тўғри фикрга муружаат қилинади. Фанний фикр ҳам шунга ўхшаш. Чунки Ҳаббоб ибн Мунзир бу ерларни яхши билгани учун Расулulloҳ ﷺ унинг фикрига қўшилдилар. Илм-фанга тааллуқли фикрларда ҳам тўғри фикрга муружаат қилинади.

3. Бирор амални қилишга йўл кўрсатадиган фикрда кўпчиликнинг раъйи кучли бўлади, чунки Расулulloҳ ﷺ Уҳуд жангида кўпчиликнинг раъйига қараб Мадинанинг ташқарисига чиқдилар. Ваҳоланки, бу фикр хатолигини билардилар. Шунингдек, саҳобаларнинг катталари ҳам Расулulloҳ ﷺдек Мадинада қолишни истагандилар, лекин шунга қарамай, Расулulloҳ ﷺ шаҳар ташқарисига чиқиш кўпчиликнинг раъйи бўлгани учун унга амал қилдилар. Расулulloҳ ﷺнинг бу амаллари у кишини Абу Бакр ва Умарга «Агар иккинчисиз бир ишда иттифоқ қилсанглар, сизларга қарши чиқмайман», деган сўзлари Уҳуд воқеасига ўхшаш амалга йўлловчи фикр эканини билдиради. Бирор амални бажаришда кўпчилик томон кучли бўлади. Масалан, раис яъни амирни сайлаш ёки волийни бўшатиш ёки бирор лойиҳани тасдиқлаш ва ҳоказолар. Бунда тўғримиз, йўқми, бундан қатъий назар, кўпчиликнинг раъйи олинади.


Далилларни мавжуд фикрларга татбиқ қилиш орқали олиш зарур, яъни унда кўпчиликнинг фикри кучлилиги Уҳуддаги раъйнинг ўзгинаси эканлиги, Расулulloҳ ﷺнинг: «Агар иккалангиз маслаҳатли ишда иттифоқ қилсанглар», деган сўзларида келган «Машварат», яъни «маслаҳатли иш»га мувофиқ. Бирор амални бажаришга йўлловчи фикр эканлиги ва бундан бошқасини тутмай, кўпчиликнинг раъйига қараш вожиблигини баён қилади. Шунга биноан, кўпчиликнинг раъйи мавжуд амалларнинг бир турига, яъни бирор ишни бажариш учун изланадиган фикргагина тегишли бўлади. Шунингдек, далилларни воқеда мавжуд бўлган фикрларга татбиқ этишдан «шаръий ҳукмда», фикрга олиб борувчи раъйда ёки илм-фанга тааллуқли ишда кўпчиликнинг раъйига қаралмайди. Балки шаръий ҳукмда далилнинг қувватига, фанга тааллуқли фикрда тўғрисидагина қаралади.

Шунга биноан, таъриф олиш шарт бўлмаган фикр бўлади, яъни унда кўпчиликнинг раъйига қаралмайди. Чунки бу бирор жиҳати билан ҳам машваратга дахлдор эмас ва Уҳуд воқеасини ўз ичига олмайди. Таъриф масаласи фикрга далолат қилади. Чунки таъриф учун шаръий фикрни ўрганиш ёки ақлга таъриф бериш учун воқедаги нарсани ўрганишдир. Воқега нима мос келса, шу нарса кучли бўлади. Шунинг учун таърифда тўғрилик жиҳати кучли бўлади ва бунда шаръий далил ўрганилмайди, кўпчиликнинг раъйига ҳам эътибор берилмайди. Шаръий таъриф билан бирор ишнинг таърифи ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ, иккаласида ҳам тўғрисига эътибор берилади. Агар таъриф таърифланган нарсаларнинг ҳар бирини ўз ичига олиб, унинг турларини шу таърифдан чиқармаган ҳолда бўлса, бу таъриф бошқа таърифлардан кучлироқ ҳисобланади. Яъни унда тўғрилик жиҳати кучли бўлади, чунки мана бу таъриф таърифланган нарсанинг воқеига мос келиб, уни тўғри сифатлайди.

Бу Исломдаги шўронинг ҳукми. Булар ҳаммаси Қуръон нусусларида, ҳадисда очиқ-ойдин ва пайғамбаримизнинг амалларида муфассал ҳолатда келган. Бироқ бунинг англаб етиш нозик иш бўлгани учун, раъйларнинг воқеи ўрганилаётган вақтда фикрга олиб борадиган раъй билан амалга олиб борадиган раъй ўртасидаги фарқ аниқ бўлмай қолади. Яна баъзида далилларни оламда мавжуд бўлган раъйлар билан солиштирилаётган вақтда Бадр ҳодисаси билан Уҳуд ҳодисаси ўртасидаги фарқ ноаниқ бўлиб қолади. Натижада, раъйларнинг воқеи ўрганилаётганда амалга олиб борадиган раъй билан фикрга олиб борадиган раъй ўртасида фарқ йўқ. Чунки иккаласи ҳам охирида амалга олиб боради. Иккаласининг ўртасидаги фарқ қаердан келиб чиқди, деб савол берилади. Бунга жавоб шуки, иккаласининг ўртасида нозик фарқ бор. Чунки фикрга олиб борувчи раъйда унинг амалига эътибор бермасдан, фақат мавзусигина ўрганилади. Баҳсининг асосий майдони унинг амали эмас, балки мавзусидир. Демак, ўрганишдан мурод унинг амалини мулоҳаза қилмасдан, фикрдан қандай амал келиб чиқишидан қатъий назар, бир мавзу ҳақида бир фикрга келишдир. Масалан, муртадларга қарши урушга чиқишни Абу Бакр бир жамоат шаръий ҳукми ижро қилишдан бош тортиши деди. Умар эса давлат билан рақобатлашаётган кучли бир жамоанинг бош тортиши, давлат уларга қарши уруш олиб боришга қодир бўлмаслиги мумкин, дея баҳс юритди. Шунинг учун ҳам Абу Бакр шундай деди: «Оллоҳга қасамки, агар улар Расулulloҳ ﷺ га бераётган туянинг ипини беришдан бош тортсалар ҳам уларга қарши урушаман». Умарга баҳс мавзуси ойдинлашгач, фикрдан қайтиб, Абу Бакрнинг тўғри фикрига эргашди. Чунки бу давлат билан рақобатлашаётган катта бир жамоат иши эмас, балки бир кучнинг бош тортишидир. Бу ердаги асосий баҳс Уҳуддагидек урушга чиқиш ёки чиқмаслик эмас, балки Расулulloҳ ﷺ вафотларидан кейин араблар закотни беришдан бош тортиши ва давлат билан рақобатлашиши шаръий ҳукми ижро қилишдан бош тортиши ёки катта жамоатнинг давлат билан рақобатлашишими, деган баҳсдир. Баҳсининг ҳақиқий мавзуси тўғри фикрга олиб борадиган раъй ҳақида баҳс эди. Бунинг хулосаси бу халқдан бир жамоат шаръий ҳукми ижро қилишдан

бош тортишидир. Яна бир мисол Муовия ўзи ва Алий ўртасида Қуръонни ҳакам қилиш учун Қуръонга мурожаат қилиши феълан Қуръонни ҳакам қилишми, ёки Алийнинг зиддига ҳийла бўлганми, деган мавзу. Алий буни ҳийла деб билган, кўпчилик эса «Қуръонни ҳакам қилиш» деб билган. Бу мавзу мусҳафларга мурожаат қилиш ҳақиқатини билиш учун ўрганилади. Демак, бу фикрга олиб борадиган усул бўлиб, унинг тўғрисигагина мурожаат қилинади, яъни бу иш Алийнинг зиддига ҳийладир. Яна бир мисол, ҳокимларнинг сони кўпайиши давлатни кучайтирадимми ёки заифлаштирадимми? Бошқача қилиб айтганда, ҳокимларнинг саноғи камайиши билан давлат кучаядимми ёки заифлашадими? Ислоний тузумдаги халифа муовинларининг сони камайиши билан давлат кучаядимми ёки кўпайиши билан давлат заифлашадими ёки бунинг аксими? Бу мавзу унинг ҳақиқатига етиш учун ўрганилади. Демак, бу фикрга олиб борувчи усулдир. Бу фикрда тўғрисига мурожаат қилинади. Бу фикрнинг тўғриси шуки, ҳокимларнинг саноғи кўпайиши билан давлат заифлашади, уларнинг саноғи камайиши билан давлатнинг қуввати ошади.

Мана бу уч мисол фикрга олиб борадиган раъйга мисол бўлади. Бу мисоллардан маълум бўладики, баҳсларнинг асосий мақсади амал эмас, мавзудир. Бу фикр амалга олиб борса-да, баҳс унга қаратилмаган, балки унинг аниқ бўлиши билан амал қилиш ёки қилмаслик келиб чиқадиган фикрга қаратилган ёки баҳсга сабаб фикр тақозо этадиган амал қилиш келиб чиқади. Баҳс мавзу ҳақидаги раъйга, яъни ундаги фикрга етиш учун юритилади. Агар муайян фикрга етиладиган бўлсагина шу фикрга биноан амал қилиш мавзуси қарор топади. Баҳс қилинган раъй бевосита амалга эмас, балки фикрга олиб боради. Бу фикрга биноан баъзан амал қилиш, баъзан қилмаслик мумкин. Демак, бу фикрга олиб борувчи раъйдир. Аммо амалга олиб борувчи раъйда натижа бўладиган мавзуга, яъни фикрга эътибор бермасдан, амални бажариш устида баҳс қилинади, баҳснинг асоси мавзу эмас, амални бажариш. Бундан мақсад амал бажариш ёки бажармаслик ёки муайян сифат билан амални бажаришдир, бирор мавзунинг ўрганиш эмас. Халифани сайлаб, унга байъат қилиш ирода қилинганда Хилофат мавзуси фарзми ёки мандубми, деб баҳслашилмайди ёки жумҳурият раиси сайланадими ёки Халифами, дейилмайди. Балки «Фалончи сайланиб, унга байъат қилинадими ёки фалончи сайланадими?» дейилади, холос.

Давлатнинг қарз олиши баҳс қилинса, қарз олиш мумкинми ёки мумкин эмасми дейилмайди, балки қарз олинадими ёки олинмайдими дея мулоҳаза юритилади. Йўл қуриш муҳокама қилинаётганда бу йўл ўрнини бошқа бир йўл ўтаб тургани учун йўл очса бўладими ёки йўқми, деган мавзу ўрганилмайди. Балки йўл қураимизми ёки қурмаймизми, деб унинг амали ҳақида фикр юритилади. Яъни бу ишларни бажариш ёки бажармаслик жиҳати ўрганилади, натижаси амал бўладиган мавзу ўрганилмайди. Чунки баҳснинг мавзуси фикрга олиб борадиган раъйдир. Амалга олиб борувчи раъй ўрганилади-да, бевосита бирор амални бажариш учун фикр билдирилади. Масалан, Абу Бакр  ўзидан кейин ким халифа бўлишини маслаҳат қилган вақтда баҳс халифа сайлаш ҳақида

бўлган, яъни «Фалончи сайланадими ёки писмадончими» дейилган. Хилофат мавзуси ҳақида баҳслашилмаган. Демак, амалга олиб борувчи раъйни баҳс қилиш бўлган. Яна бир мисол, Муовия билан Алийнинг ўртасида ҳакам танлашга келишилган вақтда саййидимиз Алий тарафидан ҳакам танлаш ҳақида баҳс бўлган. Алий ﷺ Абдуллоҳ ибн Аббосни танлади, бир гуруҳ кишилар эса Абу Мусо ал-Ашъарийни танлашди. Бу ҳакам қабул қилиш мавзуси ҳақида эмас, балки ким ҳакам бўлиши ҳақидаги баҳсдир. Демак, бу амалга олиб борувчи раъй ҳақидаги фикр алмашишдир. Яна бир мисол, агар аксар мусулмонлар рисолат эгаси бўлган давлатнинг муҳим омиллари тўлиқ бўлиши учун барча асбоб-ускуна ва қурол-яроқ ишлаб чиқарувчи оғир саноат заводларини қуришни хоҳласалар, уларнинг ҳокимлари эса деҳқончиликни ривожлантириш учун зироатни кўпайтириб, тўғон қуришни хоҳласа, бу завод ёки йўллар қуриш билан давлатни кучайтирса бўладими, деган баҳсдир, давлат рисолат эгаси бўлиши вожибми ёки йўқми, деган мавзу ҳақида эмас. Демак, бу амалга олиб борувчи раъйни баҳс қилишдир.

Булар амалга олиб борувчи раъйга мисол бўлади. Бу мисоллардан кўришиб турибдики, баҳснинг мақсади мавзунини ўрганиш эмас, балки амалнинг ўзини ўрганишдир. Бу амаллар мавзуларни ўрганишдан келиб чиққан бўлса-да, баҳс мавзуга эмас, аксинча бирор амални бажаришга қаратилгандир. Демак, баҳс раъй ҳақида эмас, бирор амал ҳақидадир.

Бу мисоллар ва уларнинг шарҳидан фикрга олиб борувчи раъй билан амалга олиб борувчи раъй ўртасида қаттиқ эътибор бериш билан пайқаш мумкин бўлган ўта нозик фарқ борлиги кўринади. Бу гапларнинг ҳаммаси фикрга олиб борувчи раъй билан амалга олиб борувчи раъй ўртасидаги фарқни тушунмасликка нисбатан айтилган. Аммо Бадр воқеаси билан Уҳуд жанги ўртасидаги фарқ ҳақида тушунмовчиликка нисбатан шундай дейилади: Бадр билан Уҳуд воқеаси ўртасида фарқ йўқ, нима учун Бадр воқеаси фикрга олиб борувчи раъйлардан деб ҳисобланади, Уҳуд воқеаси эса амалга олиб борувчи раъйлардан дейилади? Ваҳоланки, иккала воқеа ҳам жангга боришдир, уларнинг ўртасида фарқ йўқ-ку?! Бунинг жавоби шуки, бу икки воқеа ўртасида очиқ фарқ бор. Уҳуд воқеасида «чиқадиларми ёки чиқмайдиларми», деган амал эди. Бу ерда жўшқинлик ва мулоҳаза бор бўлиб, ҳарбий макон ҳақидаги баҳс эмас эди. Шунинг учун ҳам Расулulloҳ ﷺ аскарларни стратегик макон бўлган Уҳуд тоғининг устига жойлаштириб, ҳар қандай вазиятда ҳам бу ерни ташлаб, ҳужумга ўтмасликни тайинладилар. Бу ўринда жамоатнинг раъйини инobatга олмадилар. Бадр воқеасида мақсад фақатгина аскарларни стратегик маконда жойлаштириш бўлган. Шунинг учун Расулulloҳ ﷺ тўғрилиқка қайтдилар. Бу бир жиҳатидан, иккинчи жиҳатидан бу ўринда Расулulloҳ ﷺнинг амалларигина далил бўлмайди. Балки у кишининг амаллари ҳам, сўзлари ҳам далилдир, яъни Расулulloҳ ﷺнинг «Балки бу раъй, уруш ва хийладир», деган сўзлари ҳам далил бўлади.

Энди бир масала қолди, яъни: «Ким тўғри нарсани белгилайди ва кимнинг сўзи қувватлироқ бўлади?» Шаръий ҳукмларда далилнинг кучли бўлиши, амалга олиб борувчи раъйда кўпчиликнинг раъйи қувватлироқ

бўлишини ва фикрга олиб борувчи раъйлар, илм-фанга тааллуқли ишларда ва таърифларда тўғрилиқ жиҳати кучлироқ бўлишини билдик. Энди тўғрилиқни ким баён қилиши ва кимнинг сўзи қувватлироқ бўлишини билишгина қолди. Бунга жавоб шуки, тўғрилиқни белгилайдиган шахс мана бу ишда ҳокимият эгаси бўлган киши, яъни жамоатнинг амиридир, чунки у жамоат билан маслаҳатлашади. Бир жамоат билан бирор нарсани маслаҳат қилмоқчи бўлса, албатта раъйга асосланиб тўғрисига етиш учун муҳокама юритади. Бир жамоатнинг жамоат сифатида юриши учун албатта амир бўлиши зарур. У ҳокимият эгасидир. Демак, бир қавмнинг раиси ёки амири ишнинг тўғрисини белгиловчи шахсдир. Бунга мана бу оят далил бўлади:

 وَشَاوِرْهُمْ فِي الْأَمْرِ فَإِذَا عَزَمْتَ فَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ

– „Ва ишларингизда улар (саҳобаларингиз)га маслаҳат солинг! Энди (маслаҳат қилгач, бирон ишни) қасд қилсангиз, Оллоҳга суянинг - таваккул қилинг!“ [3:159]

Мусулмонларнинг раиси бўлган Расулulloҳ ﷺ тарафидан маслаҳат йўлга қўйилди. Маслаҳатдан кейин Оллоҳ Таоло ишни у кишининг қўлига топширди, яъни қасд қилган тўғри раъйни танлаш имконини берди. Демак, Расулulloҳ ﷺ тўғри йўл кўрсатувчидир. Ҳар бир қавмнинг раиси билан ҳам шундай бўлади, чунки бу иш Расулulloҳ ﷺнинг ўзларигагина хос эмас, балки ҳамма мусулмонларга дахлдордир. Чунки Расулulloҳ ﷺнинг ўзларигагина хословчи далил келмас экан, у кишига қилинган хитоб умматга ҳам тааллуқлидир.

Аммо жамоатнинг раиси бўлмаса ва улар тўғри йўлни белгилашга ҳақли кишини танлашни хоҳласалар, бу ҳолатда жамоат фақат бир кишини танлаши вожиб. Бирдан ортигини танлаш мумкин эмас, чунки тўғрисини белгилашга фақатгина бир киши ҳақли. Кўпчилик баъзида тўғри нарсани гапириши, бир кишидан кўра тўғрилиқ жиҳати икки кишида кўпроқ бўлиши мумкин. Лекин гап тўғри фикр ёки йўл қаерда бўлишига имконият топишда эмас, балки тўғрисини белгилайдиган кишидадир, яъни у бир бўладими ёки иккитами - шу ҳақидадир. Кўпчилик тўғри йўлни топиши мумкин эмас, чунки кўпчилик тўғридан бошқа нарсадир. Бу иккиси бир-бирига зид, яъни вазиятга қараб тўғрилигидан қатъий назар кўпчилик раъйига, кўпчиликдан қатъий назар тўғри раъйга амал қилинаверади.

Тўғри нарсани белгилайдиган киши биттадан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги ва битта бўлиши қуйидаги сабабларга кўра вожиб бўлади.

1. Тўғрилиқнинг воқееси тўғри нарсани белгиловчи киши битта бўлишини тақозо этади. Чунки тўғри нарсани белгилаш икки, уч ёки кўп кишига топширилса, улар ихтилоф қилишлари мумкин. Бу ихтилоф уларни ҳакам танлашга мажбур этади. Агар икки кишини ҳакам қилсалар, улар ҳам тортишиб бошқа бир кишини ҳакам қилишга мажбур бўладилар. Агар уч кишини ҳакам қилсалар, табиийки келишолмай бир кишини ҳакам қиладилар. Агар икки кишига мурожаат этилса, кўпчиликнинг раъйига мурожаат қилган бўладилар. Ваҳоланки, тўғри нарсани топиш учун бир

кишига мурожаат қилиш зарур бўлади. Шунинг учун ишнинг аввалиданоқ бир кишининг ҳакам бўлиши зарур. Икки ё уч киши ўртасида ихтилоф чиқиши табиий. Шунинг учун ҳам бир кишидан ортиқ ҳакам тайинланиши мумкин эмас. Бу кўпчиликни ҳакам қилишдир, ваҳоланки мақсад кўпчиликни эмас, балки тўғри нарсани топишдир.

2. Тўғри нарсани белгилашдаги асл мақсад бу - ҳокимият эгасини белгилаш. Ҳокимият эгаси битта бўлади. Агар маслаҳат қилинган ишни ижро қилувчи бўлса, ижрочи ҳам битта бўлиши шарт, чунки икки киши бўлса ижро услубларида ихтилоф чиқиши мумкин. Уларнинг ихтилофи эса ижрони барбод қилиши мумкин. Шунинг учун ҳокимият эгаси битта бўлиши керак. Демак, тўғрилиқни белгилувчи шахс битта бўлиши шарт.

3. Мусулмонлардаги энг буюк иш хилофат марказидир. Исломиё шариат Халифага ҳукмларни табанний қилишда (танлашда) бир ҳукмни иккинчисидан кучлироқ эканини белгилаш ҳуқуқини, далилнинг қувватлироғини танлаш имконини берди ва тўғри нарсани белгилашни халифанинг ўзига салоҳият қилиб берди. Исломиё шариат халифанинг ўзигагина уруш эълон қилиш, сулҳ тузиш, кофир давлатлар билан алоқаларни чегаралаш ва бошқа ишларни бошқариш ҳуқуқини ва исломиё умматни нимани тўғри деб билса, шунга биноан бошқариш ҳуқуқини берди. Саҳобаларнинг ижмои шунга қарор қилган. Халифанинг раъйи фақат бир кишини раъйи бўлар экан, бошқа амалларда ҳам тўғрилиқни бир киши белгилагани маъқулдир.

Бу маслаҳат ва маслаҳатлашиш, яъни раъй олиш масаласидир. Бу шаръий ҳукмдир. Бу ҳукм демократик ҳукмга мутлақо зиддир. Оллоҳнинг раъй олишдаги ҳукмигина тўғридир. Бундан бошқа демократия ҳукми ботилдир ва уни олиш мутлақо мумкин эмас.

ИККИНЧИ ҚИСМ

ИЛМ ВА САҶОФАТ

Илм сўзининг маъноси луғатларда «киши илм олди, бирон нарсани билди, ишдан хабардор бўлди», деб таърифланади. Сақофатнинг маъноси «маърифатли бўлди, маҳоратли бўлди, сўзда моҳир бўлди, гапни тушунди» дейилган. Лафзлар аслида мана шундай луғавий маъноларда ишлатилади. Лекин у бошқа маънода ишлатилса, истилоҳ қилинган бу лафз луғавий маънога дахлдор бўлиши мумкин. Масалан, наҳв фанидаги «фоилун» лафзи истилоҳ қилинган, унинг луғавий маъноси «ҳукмрон» - соид. Шу сабабли қадимгилар илм сўзини маърифат маъносида ишлатишган ва илм билан маърифатни бир-биридан ажратишмаган. Кейинчалик одамлар ақлий маърифат билан табиатшуносликка оид илмни бутун инсониятга тааллуқли деб ҳисоблай бошлашди. Бошқа нақлий билимларни, яъни кўчма маърифатларни эса нақл қилинган умматга хос деб билишди. Сўнг илмга ҳам, маърифатга ҳам муайян маъно берилди. Улар луғавий маъноларидан бошқа, яъни илм ҳам истилоҳий маънога, сақофат ҳам истилоҳий маънога эга бўлиб қолди. Шу истилоҳга биноан, ҳар иккаласи қуйидаги маънони англатади. Илм тажриба, мулоҳаза ва натижа орқали эришиладиган маърифатдир. Масалан, табиат илми, кимё илми ва бошқа илмлар каби. **Сақофат** ахборот, истинбот ва маълумот олиш орқали эришиладиган маърифатдир. Тарих, тилшунослик, фикҳ, фалсафа ҳамда тажриба ўтказилмайдиган бошқа фанлар каби. Ўзи сақофат таркибига кирса-да, лекин илмга тааллуқли, тажриба қилилмайдиган маърифатлар ҳам бор. Математика, геометрия ва саноат каби. Булар, гарчи сақофатга дахлдор бўлса-да, лекин бирор умматга хос бўлмай, умумбашарий илмлар қаторига киритилади. Шунингдек, тижорат ва кemasозлик каби саноат, ҳунарга тааллуқли сақофатлар ҳам илм ҳисобланиб, барчага тааллуқлидир. Чизмачилик, ўймакорлик ва мусиқа каби фанлар эса сақофатдан ҳисобланиб, муайян нуқтаи назарга боғлиқ сақофатдир. Сақофат билан илм ўртасидаги фарқ шуки, илм маълум умматга хос эмас, балки бутун инсониятга дахлдордир. Сақофат эса хос бўлиб, гоҳо ундан келиб чиққан фикрлар умматнинг ўзига хос жиҳатларидан бўлиши мумкин. Адабиёт, қаҳрамонлар тарихи ва уларнинг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар, гоҳида эса тижорат, кemasозлик каби умумий бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун илмни ҳар қандай умматдан олинаваради, чунки у оламий бўлиб, маълум умматга хос эмас. Сақофат шундайки, уммат аввало ўз сақофатини ўрганиб англай бошлайди, уни зеҳнига жойлаб бўлгач, бошқа сақофатларни ўрганади.

Мусулмонлар ўзи ўрганган илмлар билан бировдан олган илмларни аввалдан фарқлаганлар. Ибн Халдун «Муқаддима» номли китобида шундай дейди: «Илмлар икки турли бўлади: табиий турига инсон ўз ақли билан йўл топади. Нақлий турини эса инсон уни кашф этган кимсадан ўрганади. Аввалгиси ҳикмат ва фалсафа илмлари, улардан инсон ўз ақли орқали хабардор бўлиши ва уларнинг мавзулари, масалалари, далиллари ва таълимотига ўз идроки орқали йўл топиши мумкин. У фикр эгаси сифатида ўз нуқтаи назарини уларнинг хатосидан тўғрисига қарата олади.

Иккинчиси битилган нақлий илмлар. Уларнинг барчасида шаръий битувчи зот ҳақидаги хабарга суянилади ва уларда ақлга ўрин йўқ. Фақат аслга алоқадор иккиламчи масалалардагина ақл ишлатиш мумкин». У яна шундай дейди: «Ақлий ва табиий илмлар умматлар ўртасида муштарак. Чунки инсон унга ўз фикрининг табиати орқали йўл топади. Нақлий илмлар эса исломий миллат ва унинг аҳлига хосдир». Кўриниб турибдики, ибн Халдуннинг нақлий илмларни исломий миллатга хослашдан мақсади мисол келтириш учун бўлган. Негаки, ғайриисломий умматларнинг ҳам ўз шариати ва тиллари каби хос нақлий илмлари мавжуд. Ибн Халдуннинг сўзлари у илм билан сақофатни фарқлаганини эмас, балки нақлий илмлар билан ақлий илмларни фарқлаганини кўрсатади. Бу мусулмонлар илм билан сақофатни фарқлаганига далил бўлмайди, балки улар маърифатнинг турларини ажратиб, икки қисмга бўлишганини, лекин маълумотни олиш жиҳатидан эмас, уни ақл йўли билан олинадиган ва нақлий йўл билан олинадиган илмларга ажратишганини билдиради. Бироқ одамлар бугунги кунда маърифатнинг ўртасини ажратиб олиш жиҳатидан фарқлайдилар ва илм деган сўзга «тажриба йўли билан ўрганиладиган нарсаси» деб ном беришган. Сақофатни эса «тажриба йўлидан бошқача ҳолда олинадиган нарсаси», деб аташган.

Исломий сақофат

Исломий сақофат маърифатдир, уни ўрганишга исломий ақида сабаб бўлган. Бу маърифат исломий ақидани ўз ичига оладиган ва уни ўрганадиган, масалан, тавҳид илми каби, ё исломий ақида устига қурилган фикр, тафсир ва ҳадис каби ёки исломий ақидадан келиб чиққан аҳкомларни тушуниш тақозо қилган, масалан, араб тили, ҳадис истилоҳи ва усул илми каби Исломдаги ижтиҳод талаб қилган маърифат бўладими, фарқи йўқ. Буларнинг барчаси исломий сақофатдир, чунки уни ўрганишга исломий ақида сабаб бўлган.

Исломий сақофат Қуръон ва Суннатга боғлиқ. Қуръон ва Суннатдан, уларнинг талабидан исломий сақофатнинг барча қисмлари келиб чиқади. Ўз навбатида Қуръон ва Суннат ҳам исломий сақофат ҳисобланади. Чунки исломий ақида Қуръон ва Суннатни билишни ва улардаги ҳукмлар асосида яшашни буюради. Қуръон Расулulloҳга одамларга баён қилиб беришлари учун нозил бўлди. Оллоҳ Таоло шундай деди:

وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الذِّكْرَ لَتُبَيِّنَ لِلنَّاسِ مَا نُزِّلَ إِلَيْهِمْ ﴿٤٤﴾

– „Сизга эса одамларга нозил қилинган нарсаларни (яъни, шариат аҳкомларини) баён қилиб беришингиз учун бу эслатмани - Қуръонни нозил қилдик“;

[16:44]

ва мусулмонларни Расулulloҳ олиб келган нарсаларни қабул қилишга буюрди:

وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا ﴿٥٧﴾

– „Пайғамбар ўзи сизларга келтирган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсдан қайтинглар“.

[59:7]

Расулуллоҳ ﷺ олиб келган нарсани фақат тушунгандан ва ўргангандан кейингина татбиқ этиш мумкин. Шу боис, Қуръон ва Суннат тақозо этган маърифат вужудга келиб, турли хил исломий маърифатлар пайдо бўлди. Натижада исломий сақофат учун муайян мазмун вужудга келиб, бу - Қуръон, Суннат, луғат, сарф, наҳв, нотиклик, тафсир, ҳадис, ҳадис истилоҳи, усул, тавҳид ва шу каби исломий маърифатлардир.

Билим олишдаги Исломнинг йўли

Билим олишда исломий сақофатнинг ўз йўли мавжуддир, у уч ишда намоён бўлади.

Биринчиси: нарсалар теран ўрганилиб, уларнинг моҳияти аниқ идрок этилади. Чунки бу сақофат фикрий, илдизи чуқур бўлиб, нарсаларни ўрганишда сабр ва бардош зарур. Сабаби нарсалардан маълумот олиш фикрий жараён бўлиб, уни идрок этишда ақлий меҳнат сарфлаш керак. Бинобарин, бу иш сақофат жумлаларини тўлиқ тушунишга, уларнинг воқесини идрок этишга ва шу маълумотлар билан воқеликни боғлашга тўғри келади. Шунинг учун сақофатни фикран ўрганиш зарур. Масалан, муслим ўз ақидасини ақлан қабул қилиши фарз. Демак, ақидага тааллуқли нарсаларни ўрганаётган вақтда албатта фикрий жараён бўлиши лозим. Қуръон ва ҳадисда айтилган шаръий аҳкомларни истинбот қилиш учун ҳам муаммонинг воқеси, унга тааллуқли насс ҳамда нассни муаммога татбиқ этиш тушуниладиган фикрий жараён зарур. Ҳатто ҳукмнинг далилини билмасдан оладиган оми кимса ҳам муаммони тушунишга, уни муолажа қилиш учун топилган ҳукми билишга муҳтож, токи у бошқа муаммонинг ҳукмини бунисига мос деб ўйламасин. Шунинг учун ҳам албатта фикрий жараён бўлиши шарт. Шунга биноан, мужтаҳид тарафиданми, оми томониданми исломий сақофат фақат ақлан ўрганилади, уни ўрганиш фақат фикрий жараён ва меҳнат билан амалга ошади.

Иккинчиси: билим олувчи ўрганаётган нарсасига амал қилиш учун унга ишониши лозим. Яъни, ўрганаётган ҳақиқатларини қатъий тасдиқламоғи, агар ақидага тааллуқли ҳақиқат бўлса, ишончига заррача шубҳа аралашмаслиги, агар аҳком ва одоб каби ақидага тааллуқли бўлмаса, заннда воқега кўпроқ мос тушмоғи зарур. Ҳар қандай ҳолда ҳам билим олувчи ўрганаётган нарсасини эътиқод билан қабул қилиши шарт, бундан бошқача йўсинда сақофат олиш мутлақо мумкин эмас. Сақофат олишда эътиқодни асос қилиш туфайли исломий сақофат мумтоз ва имтиёзли ҳолга кўтарилади. У теран ва айни вақтда тўлқинлантирувчи, таъсир қилувчи бўлиб, билим олувчини фасодни ёндирувчи олов, эзгулик йўлини ёритувчи нурдек ёнадиган оташин кучга айлантиради. Бу фикрларни қатъий тасдиқлаган инсон ўзининг воқеси билан нарсалар ҳақидаги тушунчаси ўртасида қалбида кечаётган алоқани бу фикрларни ҳаётнинг маъноси деган эътиборда бир-бирига боғлайди. Бундай фикрларни кўтаринки руҳда шавқ билан бажаришга киришади ҳамда бу сақофат чуқур таъсир ўтказиши. Чунки туйғуларни фикр ўз ичига олган воқелик томон ҳаракатлантиради. Бу сақофатга бўлган эътиқод туйғуларни

сақофат ҳақидаги тушунчага боғлайди ва натижада шиддатли ҳаракат юзага келади.

Учинчиси: шахс исломий сақофатни фараз қилинган назария асосидаги таълимот сифатида эмас, балки тушуниб, ҳис этиладиган воқеликни муолажа қиладиган амалий таълимот сифатида ўрганиши, муолажа қилиб, ўзгартириш учун нарсаларни қандай бўлса ўшандай, ўз ҳақиқати билан сифатлаши лозим. У ҳис қиладиган нарсалар - инсон, борлиқ ва ҳаётдаги мавжуд ҳақиқатларни олади. Уни муолажа қилиш ва улар ҳақида ҳукм чиқариш ҳамда бу ишларни бажариш ёки бажармасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаш мақсадида изланади. Шу сабабли Исломи инсоннинг назарий фаразларига эргашишига руҳсат бермайди. Масалан: Марсада ҳаёт бўлса, одамлар рамазон ойида рўза тутиш учун у ерда ой мавжуд эмас-ку, қабилидаги назарий фараз. Билъакс, Исломи ер куррасидаги инсон албатта рамазон ойининг гувоҳи бўлишини ва рўза тутишини белгилайди. Лекин, гоҳо булут ойни тўсиб одамларга кўринмай қолади. Исломи бундай ҳодиса юз берганда муайян ҳукмга буюради. Расулulloҳ ﷺ шундай дедилар: «Агар булут ойни тўсиб қолса, шаъбонни ўттиз кун қилинлар». Шунинг учун сақофат олиш ҳаёлий ҳам, фаразий ҳам эмас, воқеий бўлиши, балки ҳаётда юз берган пайтда унинг жозибасини билиш, уни тушунишдан ақлий фойдаланиш учун эмас, унга амал қилиш мақсадида ўрганилмоғи лозим.

Билим олишда Исломининг йўли шу. Бу йўл чуқур изланиш, топган ёки изланаётган нарсасига ишониш ҳамда уни ҳаёт майдонида татбиқ этиш учун воқеий тарзда қабул қилмоқ демакдир. Қачонки билим олиш усули шундай мукамал даражага етса, исломий сақофатни шу тариқа эгаллаган муслим теран фикрли, сезгир ва ҳаёт муаммоларини ечишга қодир бўлади. У муслимни камолот йўлида ихтиёрий ва табиий суратда ҳаракатланадиган қилиб қўяди. Модомики, у шундай ҳаракатланар экан, бу йўлдан озгина оғиши ҳам мумкин эмас. Чунки бу сақофатда у ўрганётган исломий фикрлар таъсирчан, ҳаётий ва самарали муолажадир. У билим олувчини оташин қилиб қўйишдан ташқари, ҳаёт муаммоларига гайриоддий тарзда юзма-юз туриб, ечим беришга иқтидор уйғотади. Шунинг учун унда фақат ақлан қаноатланадиган ва қалбан хотиржам бўладиган ақлияни, айни вақтда ўзида комил иймон билан тўйдирилган исломий нафсияни вужудга келтиради. Бундай ақлия ва нафсия орқали шахс намунали сифатларга эга бўлади, барча қийинчиликларни енгиб ўтади. Бу исломий сақофат моддасида чуқур, ёрқин фикрлар мавжудлиги, улар ақидага асосланиши, инсоннинг Оллоҳ Таоло билан алоқасини идрок этишида гавдаланади. Бу сақофат Оллоҳ Таоло томонидан ёки Қуръон ва Суннатдан истинбот қилинган. Сақофатда фикрий жиҳат мавжуд. Айни вақтда сақофатни Оллоҳ тарафидан деган эътиборда ўрганилиб, Оллоҳ билан алоқа идрок этилса, сақофатда руҳий жиҳат мавжудлиги кўринади. Шунинг учун Исломи сақофати уни ўрганган ҳар бир шахсни ёрқин ва чуқур фикрли ҳамда куюнчак шахсга, Оллоҳнинг розилигидан умидвор, Исломи йўлида ўзини фидо қиладиган кимсага айлантриб қўяди. Сиз унинг истаган нарсасини ва ҳаёт муаммоларини қандай ечишни

билаётганини кўришингиз мумкин. Чунки у ҳаёт майдонида дуч келинадиган ҳақиқатларни ўрганиб бўлган. Шунинг учун ҳам ҳаёт уммонига ўзи тўплаган энг яхши бойлиги - ёрқин фикр, тақво ва барча муаммоларни ҳал қилувчи маърифат билан шўнғийди. Бу энг яхши эзгуликни тўплаган инсондир.

Турли илм ва сақофатларни эгаллаш

Исломиё сақофатга тарғиб қилишнинг маъноси муслим фақат шу билангина чекланиши керак, деган гап эмас. Балки, исломий сақофат таълим ва сақофатлантиришда асос бўлмоғи зарурлигини, ундан бошқа илм ва сақофатлар эса мубоҳлигини англатади. Мукулмон хоҳлаган сақофатни ўрганиши ва ўзини қизиқтирган ҳар қандай илмни эгаллаши мумкин. Аммо ҳар қандай сақофатни эгаллашга доир асосий марказни исломий шахсия эгаллаб туриши лозим. Мукулмонлар ўз фарзандларини аввало исломий сақофат асосида тарбиялашга қаттиқ эътибор беришган. Бу сақофат уларда марказлашганига ишонч ҳосил қилгач, уларга бошқа сақофатларни ўрганиш имкони яратишган. Таълимдаги бу йўл исломий шахсиянинг шаклланишини кафолатлайди ва уни бошқа одамлардан ўзига хос сифатлар билан ажратиб туради.

Исломиё сақофатнинг марказлашгани ва кўнгилга мустаҳкам жойлашганига ишонч ҳосил бўлганидан кейингина ғайриисломий сақофатни ўрганишнинг шартлиги илм олишга алоқадор эмас. Чунки илм оламиё бўлиб, шахсияга боғлиқ эмас. Ҳаёт воситаларидан ҳисобланган бу илмларни мукулмонлар бор кучларини сарфлаб, қунт, матонат билан ўрганишлари зарур. Лекин илмларни ўрганишда уларнинг натижалари Иломнинг нуқтаи назарига мос келиши, ақидани кучайтирадиган ёки уни беқарор қилмайдиган даражада бўлишини ҳисобга олиш керак. Агар бирор илмий назария ёки илмий қонун далолати ҳам, субути ҳам қатъий бўлган Қуръонга зид келса, ўрганилмайди ҳамда таълим моддаларининг бири сифатида ҳам олинмайди. Чунки у занний, Қуръон эса қатъийдир. Масалан, инсоннинг асли ҳақидаги Дарвиннинг назарияси Қуръоннинг одамнинг яратилиши ҳақидаги нусусига зид бўлиб, бу назария рад этилади. Бинобарин, Илом илмларни эгаллашни тақиқламаса-да, лекин бу илмлар исломий ақидага зид келмаслиги шарт қилинган.

Хулоса шуки, бирор сақофат ва илмни эгаллаш учун исломий шахсияни асосий марказ қилишга ва исломий ақидага қаттиқ эътибор қаратишга интилиш, бу илмлар ақидага зид келмаслигини ҳисобга олиш зарур. Шундай интилиш бўлса, мукулмон исломий шахс бўлиб қолади, исломий сақофат бошқа сақофатларга таъсир ўтказиб, улардан фарқланиб туради. Агар бундай интилиш йўқолса, мукулмонлар бошқа сақофатларни Иломдан ўзга асосда ўрганишса, бу исломий шахсия учун ҳақиқий хатарни вужудга келтиради. Агар бу ҳаракат узоқ вақт чўзилиб, авлоддан-авлодга ўтаверса, исломий умматга ҳам хавф туғдиради.

Сақофий ҳаракат

Мусулмонлар исломий даъватни ёйиш мақсадида ўлкаларни фатҳ қилишган. Исломий даъватни ёйиш учун сақофий ҳаракатни пайдо қилиш керак. Чунки Ислом рисолат бўлиб, уни ўрганиш, тадқиқ қилиш ва ўқиш зарур. Зеро, рисолатнинг табиати ўқишни, тушунишни ҳамда шахс ҳаётий жараёнга таъсир ўтказадиган жиҳатларни ўрганишни тақозо этади. Шунинг учун ўлкаларни фатҳ қилганларнинг кўпчилиги олимлар, қорилар ва ёзувчилардан иборат бўлган. Фатҳ қилинган ўлкаларда таълим бериш мақсадида лашкарлар билан олимлар, қорилар бирга борганлар. Ҳар бир юртда намоз ўқиш, эркак, аёл ва болаларга таълим бериш учун масжид қурилар эди. Олимлар одамларга Қуръон, ҳадис ва аҳкомлардан таълим беришга бошчилик қилишар ҳамда Исломни ёйишга мутасадди эдилар. Шунинг учун сақофий ҳаракат Исломни ўрганиш ва ёйишни мақсад қилган. Шу билан бирга у тарихий, луғавий ва адабий жиҳатларни ҳам қамраб олган.

Мусулмонларнинг гайриисломий сақофатга муносабати

Мусулмонлар Эрон, Ироқ, Шом ўлкалари, Миср, Шимолий Африка ва Испанияни фатҳ этишди. Бу юртларнинг тил, маданият, қонун ва одатлари, шу билан бирга сақофатлари ҳам турлича бўлган. Мусулмонлар бу ўлкаларга кириб келишгач, исломий даъватни етказиб, Ислом низомини татбиқ этишди. Улар одамларни мўмин бўлишга мажбур қилмадилар, аммо Ислом мабдасининг қуввати, тўғрилиги, ақидасининг оддийлиги ва фитрийлиги уларга таъсир кўрсатди ва улар Оллоҳнинг динига ёпирилиб киришди. Олимлар уруш ҳолатида аскарлар билан бирга бўлиб, одамларга диндан таълим бериш учун ўзга юртларга сафар қилишар эди. Шунинг учун ҳам фатҳ қилинган ўлкаларда кучли исломий сақофий ҳаракат вужудга келган. Бу ҳол диннинг ҳақиқати ва сақофатини тўғри тушунишга катта таъсир кўрсатган. Натижада, Ислом фатҳ қилинган юртлардаги мавжуд сақофатларга таъсир ўтказган ва исломий тафаккур пайдо бўлган.

Ислом оламдаги фикрий етакчилик маркази (қиедат)ни қўлга олиб, инсониятни қутқариш учун фаолият кўрсатаётган бўлса-да, одамларни куч билан мажбур қилмасди. Гарчи ўз даъватини ҳимоя қилиш ва уни одамларга етказишга қувват ҳозирлаётган, Ислом ҳақиқатини англаш учун зеҳнларни исломий сақофатга тайёрлаётган бўлса ҳам. Шунинг учун ўз сақофатида одамлар билан бирга қадам ташлади. Мусулмонлар бунини Араб жазирасидан Исломни ёйиш учун йўлга чиққанларидаёқ тушуниб етдилар. Улар ўлкаларга Исломни етказдилар: Қуръони Каримни, Суннати Набавийяни ва араб тилини тарқатдилар, бутун аҳамиятни исломий сақофатга қаратдилар. Шу йўсинда улар бу юртларда узоқ вақт ҳукм юритмасданок, эски сақофатлар йўқолди ва исломий сақофат бу юртнинг сақофатига, араб тили давлат тилига айланди. Шундай қилиб, барча исломий ўлкаларнинг сақофати, халқлари, тиллари ва сақофатлари турлича бўлишига қарамасдан, ягона исломий сақофат бўлиб қолди. Эрон, Шом, Ироқ, Яман, Миср фарзандларининг ақлияси битта исломий

тафаккурга айланди, барчанинг сақофати ягона исломий сақофат бўлди. Шу билан фатҳ қилинган юртларнинг барчаси ягона исломий юртга айланди, турли халқлар ягона исломий умматга айланди.

Шарқшунослар таянаётган ва айрим мусулмон олимлари уларга қўшилаётган: «Эрон, Рум, Юнон ва Ҳинд каби бошқа ажнабий сақофатлар исломий сақофатга таъсир кўрсатди», деган тахмин хатодир. «Кўплаб ажнабий сақофатлар исломий сақофатга қўшилиб қолган», деган гаплар ҳам очикдан-очик адаштиришдан бошқа нарса эмас. Ҳақиқатда эса исломий сақофат фатҳ қилинган ўлкаларга кириб келди ва шу юртнинг сақофатига шу даражада таъсир кўрсатиб, уларни бекор қилди ва давлат сақофатига айланди.

Исломий сақофат ғайриисломий сақофатдан таъсирлангани ҳақидаги гумон эса мусулмон бўлмаганлар нарсалар ҳақидаги тушунчаларни ўзгартиришда таянаётган калтафаҳмликдан келиб чиққан. Тўғри, исломий сақофат ўз ривожда ажнабий сақофатлардан фойдаланди. Лекин бу таъсирланиш эмас, балки фойдаланишдир. Бу ҳар қандай сақофатда бўлиши мумкиндир.

Таъсирланиш билан фойдаланиш ўртасида фарқ шуки, сақофатдан таъсирланиш уни ўрганиш, ўз ичига олган фикрлари аввалги сақофатидагиларга ўхшаса ёки улардан кўра бу фикрлар маъқул кўрилса, уларни қўшиб олишни билдиради. Сақофатдан таъсирланиш ундаги фикрларга эътиқод қилишга олиб боради. Агар мусулмонлар фатҳнинг аввалидаёқ ажнабий сақофатдан таъсирланганларида эди, румоний фикҳни кўчириб таржима қилишган ва исломий фикҳга уни қўшиб, Исломнинг бир қисми деб ҳисоблашган бўларди, Юнон фалсафасини ўз эътиқодларининг бир жузъи қилиб, ҳаётдаги ўз йўналишларида форс ва юнонлар йўлидан юришар, давлат ишларини ўзларига манфаат бўлиб кўринган жиҳатларда юргизишар эди. Мусулмонлар бундай қилганда, Ислом илк бор Араб жазирасидан чиққан пайтдаёқ қоқилган, фикрлари тамоман чалкашиб, Исломлиги йўқолган бўлар эди. Бу таъсирланишдир. Фойдаланиш эса сақофатни чуқур ўрганиш ва ундаги фикрлар билан исломий сақофат ўртасидаги фарқни ажратиш, сўнг бу сақофатдаги маъноларни, унинг таркибидаги ўхшашликларни олиш ва адабий сақофатни ўстириш, маъно ва ўхшашлик ёрдамида чиройли ифодалашдан иборат. Шу шарт биланки, Ислом фикрларига ҳеч қандай зиддият аралашмасин ва уларнинг ҳаёт, қонунчилик ва ақида ҳақидаги фикрларидан бирон ёт фикр олинмасин. Сақофатдан таъсирланмасдан, фойдаланиш билан чекланилса, ундаги таълимотдан ҳаётий дунёқарашга таъсир этмайдиган маълумотлар олинади. Мусулмонлар илк исломий фатҳлардан то милоднинг ўн саккизинчи асрининг ўрталаридаги сақофий ва миссионерлик уруши содир бўлган инқироз вақтига қадар, исломий ақидани ўз сақофатларининг асоси қилиб олган эдилар. Улар ғайриисломий сақофатларни улардаги фикрларни қабул қилиш учун эмас, балки таркибидаги ҳаётдаги нарсаларнинг маъноларидан фойдаланиш учун ўргандилар. Шунинг учун улардан таъсирланмадилар, балки фойдаландилар. Фарбнинг сақофий урушидан кейинги мусулмонлар эса

ғарб сақофатини ўрганишди ва ундаги фикрларни маъқул кўришди. Улар орасида ғарбнинг сақофатини қабул қилган ва исломий сақофатдан юз ўгирганлари ҳам бўлди. Уларнинг айримлари ғарб сақофатини маъқул топиб, ундаги фикрларни исломий сақофатга қўшиб юборишди. Ундаги айрим фикрлар Исломга батамом зид бўлишига қарамасдан, исломий фикрларнинг бирига айланиб қолди. Масалан, уларнинг кўпчилиги «Халқ ҳокимият манбаи», деган демократик қондани исломий қонда қилиб олди. Ҳолбуки, бу қоида хўжайинлик умматники, уммат қонунчилиқни тузади ва қонунларни яратади деган маънони англатади, бу эса Исломга зид. Чунки, Исломда эгаллик умматники эмас, шариатникидир. Қонун эса инсонлар томонидан эмас, Оллоҳ тарафидан тузилган. Ғарчи Ислом демократияга зид бўлса-да, кўпчилик Исломни демократик, коммунистик ёхуд социалистик шаклга солишга уринди. Чунки Ислом ҳокимни уммат олдида иш ҳақи оладиган ижрочи, умматнинг истагини бажарадиган шахс эмас, балки шариатни ижро этувчи, умматнинг манфаатларини шариатга мувофиқ амалга оширадиган шахс қилиб белгилаган. Ислом социализмга ҳам зид, чунки Исломда мулкчилик миқдор билан эмас, сифат билан белгиланади. Шунингдек, Ислом коммунизмга ҳам зид. Чунки Ислом Оллоҳнинг борлигига иймонни ҳаётнинг асоси деб билади ва шахсий мулкчиликни сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Ғарб фикрларини афзал деб билиб, Исломни демократик, социалистик ёки коммунистик Исломга айлантириш ажнабий сақофатдан таъсирланишдир. Бундан ҳам ёмони ғарб фикрий етакчилигидан таъсирланган айрим шахслар динни давлатдан ажратиш лозим, деб жар сола бошлади. Таълим олмаганлари эса дин сиёсатдан бошқа нарса, уни сиёсатга аралаштирмаганлар, дейишди. Бу шундан далолат берадики, сақофий урушдан кейинги инқироз асрида мусулмонлар ғайриисломий сақофатдан билим олишди ва ундан таъсирланишди. Ундан аввалги мусулмонлар эса бундан мустасно, улар ғайриисломий сақофатдан билим олиб, ундан фойдаланишди холос, унинг фикрларидан таъсирланишмади.

Мусулмонларнинг ғайриисломий сақофатлардан билим олиш усулини кўздан кечириш билан фойдаланиш ва таъсирланмаслик шакли аён бўлади. Исломий сақофатни атрофлича текширган одам уни тафсир, ҳадис ва шунга ўхшаш шаръий маърифатлардан наҳв, сарф ва балоғат, адабиёт каби араб тили ҳамда мантиқ ва тавҳид каби ақлий маърифатлардан ташкил топишининг гувоҳи бўлади. Исломий сақофат мана шу уч нарсадан иборат. Шаръий маърифатларга ғайриисломий сақофатлар таъсир кўрсатмаган ва улардан мутлақо фойдаланилмаган ҳам. Чунки улар Қуръон ва Суннатга асослангандир. Фиқҳ олимлари ҳам ғайриисломий сақофатлардан фойдаланишмаган. Чунки исломий шариат ўзидан аввалги шариатларнинг барчасини бекор қилган ва у шариатдагиларни Исломга эргаштишга буюрган. Акс ҳолда кофир ҳисобланишларини айтган. Шунинг учун мусулмонлар бу шариатларни ўрганишлари ва уларнинг сақофатларидан таъсирланишлари шаръан жоиз эмас, улар фақат Ислом аҳкомларини ўрганишга буюрилган бўлиб, ундан бошқаси куфр ва ҳаромдир. Бинобарин, аҳкомларни ўрганишда Исломнинг ягона

тариқатидан мутлақо четга чиқилмайди. Бу тариқат шундан иборатки, мавжуд муаммо ўрганилади ва унга шаръий далиллардан ҳукм истинбот қилинади. Шунинг учун мусулмонлар томонидан аҳкомларни қабул қилиш учун бирор бошқа фикҳий сақофатни ўрганишга ҳожат йўқ. Демак, мусулмонлар Рум ёки бошқа ернинг фикҳидан таъсирланмадилар. Мусулмонлар фалсафа ва баъзи илмларни таржима қилишган, лекин улар ҳеч қандай ғайриисломий фикҳни ва қонунчиликни румликлардан ҳам, бошқалардан ҳам олишмаган. Булар фуқаҳоларда ўрганиш учун ҳам, фойдаланиш учун ҳам ҳеч қандай ғайриисломий сақофатлар мавжуд бўлмаганлигига қатъий далилдир. Тўғри, фикҳ ривожланган ва кенгайган, унинг ўсиши ва кенгайиши мусулмонлар фатҳ қилган юртларда содир бўлган ечимга муҳтож муаммолардан келиб чиқди. Бепоеън исломий давлат ҳудудидаги иқтисодий муаммолар, турли масалалар мусулмонларни Ислом қоидаларига мувофиқ ижтиҳод қилишга ва ушбу муаммоларни ечиш учун Қуръон ва Суннатдан ёки Қуръон ва Суннат кўрсатган далиллардан аҳкомларни ишлаб чиқишга ундади. Бу эса уларнинг дини буюрган ва Саййидимиз Муҳаммад ﷺ кўрсатган ишлар жумласидандир. У зотдан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ ﷺ Муоз ибн Жабални Яман диёрига волий қилиб жўнатаётди: «Нима билан ҳукм юритасан?», деб сўрабдилар, Муоз: «Оллоҳнинг Китоби билан» дебди, Расулуллоҳ ﷺ: «Ундан ҳукм топмасанг-чи?», дебдилар. Муоз: «У ҳолда расулининг Суннатидан оламан», дебди. Расулуллоҳ ﷺ: «Ундан ҳам тополмасангчи?» деб сўраганларида Муоз: «Ўз раъйим бўйича ижтиҳод қиламан» дебди. Шунда Расулуллоҳ ﷺ: «Расулуллоҳнинг элчисини Оллоҳ ва расули яхши кўрган ишга муваффақ қилган Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин», дебдилар. Шунинг учун юз берган ҳар қандай масалага шаръий аҳкомлардан келиб чиққан ҳолда ижтиҳод қилиш мусулмонларга фарз бўлган. Булар шаръий, исломий аҳкомлар бўлиб, Қуръон ва Суннатдан ёки Қуръон ва Суннат кўрсатган далиллардан истинбот қилинган.

Тафсирга келсак, мусулмонлар Қуръон оятларини шарҳлашар, лафзлар ва жумлалар билдирган луғавий ёки шаръий маъноларга мувофиқ, ёки бу лафзлар ва жумлалар ифодалаган нарсаларни киритиш орқали оят маъноларини баён қилишга интилардилар. Гарчи тафсирда тафсилотлар билан оят маъноларини атрофлича баён қилса-да, лекин ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назарга тааллуқли рум ва юнон фикрларига таянилмаган, у фикрлар ғайриисломий сақофатлардан деган эътиборда қонунчиликка ҳам киритилмаган. Бу ерда айрим муфассирлар қабул қилган мавзу ёки заиф ҳисобланган ҳадислар ҳам бўлиб, гарчи улар ғайриисломий маънога эга бўлса ҳам, уларнинг маъноларидан тафсирда фойдаланилган. Аммо бу ғайриисломий сақофатлардан таъсирланиш дегани эмас, балки Расулуллоҳ ﷺ айтмаган ҳадисларни тўқиб чиқариб, исломий сақофатга қутқу солиш деб ҳисобланади. Ҳадислар тўқиб Исломга фитна солиш билан ғайриисломий сақофатларнинг фикрларини ўрганиб, уларни Исломнинг бир қисми деган эътиборда олиб кириш ўртасида фарқ бор. Бир сўз билан айтганда, шаръий маърифатлар ғайриисломий сақофатлардан таъсирланмади. Адабий, луғавий ва шу каби маърифатларга келсак, араб

тили фатҳ қилинган юртлардаги бошқа тилларга кучли таъсир ўтказди. Ҳатто у тилларни умумий истеъмождан сиқиб чиқарди. Фақат араб тилигина Қуръон тили бўлганлиги сабабли Исломни тушунишда асосий восита деган эътиборда барча ҳаётий ишларда ҳукмрон эди. Шунинг учун фатҳ қилинган юртдаги уммат Исломга кирганидан сўнг, араб тилининг таъсирини кучайтиришга ҳисса қўшганини кўришимиз мумкин. Негаки бу Исломнинг талабларидан бири эди. Шу боис, араб тили фатҳ қилинган юртларнинг тиллари ва сақофатларидан таъсирланмай, балки уларнинг тилига ўзи таъсир кўрсатди ва уларни заифлаштирди, ҳатто айримлари йўқолиб кетди. Араб тили эса Ислом тили бўлиб, давлатнинг расмий тилига, кенг истеъмолдаги сақофат, илм ва сиёсат тилига айланди. Араб адабиёти ҳам фатҳ қилинган юртларда маданий, риёзий ва бошқа соҳаларга ўз таъсирини сингдириб, ўсди ва улардан ҳам фойдаланди. Лекин Исломга зид фикрлардан таъсирланмади. Шунинг учун ақидага тааллуқли ва Исломга зид жиҳатлардан мусулмон адабиётшуносларининг бирортаси таъсирланмади, аксинча улардан батамом юз ўгиришди. Юнон фалсафаси таржима қилиниб, унга аҳамият берилган бўлса-да, лекин кўпхудоликни тарғиб этиб, уларга башар тусини берадиган юнон адабиёти мусулмонларда мутлақо эътибор топмади. Айрим шахслар баъзан исломий сақофатга лойиқ бўлган доира талабидан чиқиб кетишди ва Ислом тан олмайдиган маъноларни тарқатишди. Улар ахлоқсиз адабиётчи ва шоирлар бўлиб, ўз шеърларида Исломга зид гапларни битишди. Бундайлар озчилик эди. Уларнинг алжишлари Ислом инкор этган айрим маъноларгагина таъсир этган бўлса-да, лекин сақофатга зарар етказмади, балки исломий сақофат, араб адабиёти ва араб тили турли аралашмалардан тозаланди.

Ақлий маърифатларга келсак, мусулмонларнинг ҳаётдаги энг муҳим ишлари Исломга даъват қилиш бўлгани учун бошқа дин ва сақофат эгалари билан тўқнаш келишар, улар эса юнон фалсафаси билан «қуролланган» эди. Уларнинг эътиқодлари ботил ва қалбакилигини баён қилишда исломий ақидани улар тушунадиган услубда шарҳлашга тўғри келарди. Мусулмонлар одамларга исломий ақидани шарҳлаш учун тавҳид илмига асос солишди. Бу илм исломий ақида бўлгани учун мазву жиҳатидан шаръий маърифатларга мансуб, шакл ва ифода жиҳатидан ақлий маърифатлардан бири ҳисобланади. Ақлий маърифатда мусулмонлар мантиқдан ҳам фойдаланишган ва уни араб тилига таржима қилишган. Бундан аён бўладики, ажнабий сақофатлар исломий сақофатга на шаръий маърифатда, на адабий маърифатда ва на ақлий маърифатда таъсир ўтказмади. Исломий сақофат инқироз асрининг охирига қадар софлигини сақлаб қолди. Мусулмонлар ҳам на фикрлаш усулларида, на Исломни тушунишларида бошқа сақофатлардан таъсирланмадилар, мусулмонлар ақлияси ҳам соф исломийлигича қолди. Аммо ажнабий ақлий маърифатдан таъсирланган айрим шахслар пайдо бўлиб, улар янги фикрларни юзага келтиришди. Айрим шахслар ажнабий фалсафалардан таълим олиш натижасида зеҳнларида хиралашув пайдо бўлди, бу эса баъзи Ислом фикрларини тушунишда хатога кетиб, ақлий изланишда уларни залолатга тушуриб қўйди. Улар айрим фикрларни исломий ақидага ва Ислом

фикрларига боғланмаган ҳолда тушунишди. Бундай шахслар икки гуруҳ: Уларнинг бир гуруҳи тушунишда хатога йўл қўйган, лекин ўзлари исломий ақлияни ва исломий нафсияни мужассам этганлари учун ақлан ижод қилган, маҳсуллари исломий сақофат деб ҳисобланади, гарчи хато фикрларни ўз ичига олган бўлса-да. Чунки тушунишда хатога йўл қўйишган. Иккинчи гуруҳ идрок этишда залолатга йўл қўйган. Улар исломий ақидадан батамом бурилиб, ғайриисломий ақлияга эга бўлган. Шунинг учун уларнинг ақлий маҳсуллари исломий сақофатдан деб ҳисобланмайди.

Биринчи гуруҳнинг тушунчасидаги хатоларига сабаб ҳинд фалсафасидан таъсирланиш бўлди. Чунки ҳинд фалсафасида тақашшуф ва таркидунёчилик илгари сурилган. Айрим мусулмонлар бунинг янглиш тушунишди ва таркидунёчилик, яъни «тақашшуф»ни ҳадисларнинг бирида айтилган зоҳидлик деб ўйлашди. Натижада, бу тушунчадан сўфийлик оқими келиб чиқди, у дунёдан фойдаланиш ёки ундан юз ўгириш маъносини тушунишга таъсир қилди. Ҳолбуки, зоҳидлик дунёни ғоя, олий армон деб билиб, мол-дунё тўпламасликни англади. Зоҳидликдан неъматлардан фойдаланмаслик керак деган маъно чиқмайди. Тақашшуф ва дунёдан юз ўгириш эса, аксинча, ҳаёт неъматларидан ва лаззатларидан воз кечишни англади, бу Исломга зиддир.

Иккинчи гуруҳдагилар эса юнон фалсафаси таъсирида залолатга юз тутдилар. Бунинг боиси шундаки, юнон фалсафаси табиат ташқарисидаги нарсалар ҳақида баҳс юритиб, илоҳнинг борлигини ва сифатларини текширишга чақирган. Фатҳ қилинган юртлардаги ғайримуслим зиёлилар бу фикрлар билан Исломга ҳужум қилишди. Бу кураш мусулмонларни юнон фалсафасини таржима қилишга ва ўрганишга олиб келди. Улар юнонлар айтган фикрлар билан Ислом ўртасини мослаштирмақчи бўлишди. Бу эса юнон фалсафасидан таъсирланган шахслар ўртасида турли баҳсларни келтириб чиқарди. Масалан, Қуръоннинг яратилишини баҳс қилиш ёки сифат сифатланаётган нарсанинг ўзими ёхуд алоҳида нарсани ва ҳоказо. Лекин бу баҳслар исломий ақида доирасида бўлиб, бу фикр эгалари ақидани илтизом қилиб, ақидадаги фикрлардан нарига ўтмадилар. Фалсафага шўнғиб, ақидага таалуқли фикрлардан узоқлашгани йўқ. Шунинг учун уларнинг фикрлари исломий фикрлар, изланишлари исломий сақофат деб саналади. Исломий ақида билан чекланишлари уларни залолатдан асраб қолди. Улар мўътазиллар каби тавҳид олимларидир. Лекин яна бир турдаги шахслар ҳам пайдо бўлдики, улар исломий ақида билан боғланмаган ҳолда, юнон фалсафасини асло Исломга боғламасдан, фақат ақлий асосда баҳс юритишди. Улар юнон фалсафасини текширишдан ўтиб, унга тақлид ва иқтидо қилишга уринишди, унинг андозасига қараб фалсафа яратмақчи бўлишди. Изланишларида исломий ақидадан таъсирланиш у ёқда турсин, унинг борлигини ўйлаб ҳам кўришмади, балки соф фалсафий баҳсдан нарига ўтишмади. Уларда исломий тушунчаларнинг мавжудлиги сабабли баҳсларида исломий жиҳатлар бор эди. Худди яҳудий файласуфларининг ҳолати каби. Лекин уларнинг фалсафаси Исломга асло ҳам яқинлашмади. Юнон фалсафаси

йўлидаги ақлий фалсафа бўлди, холос. Улар мусулмон файласуфлари - ибн Сино, Форобий, ибн Рушд ва бошқалардир. Уларнинг фалсафаси исломий фалсафа ҳам, Ислоннинг ҳаёт ҳақидаги фалсафаси ҳам бўлмай, Ислонга мутлақо алоқаси йўқдир. Уларнинг фалсафаси исломий сақофат деб ҳисобланмайди. Чунки бу фалсафалар ичида исломий ақиданинг асорати ҳам йўқ, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрилмаган. Унинг изланиш мавзуси юнон фалсафаси бўлиб, Ислон ақидасига дахлдор эмас.

Бу мусулмонларнинг ғайриисломий сақофатлар билан бўлган муносабатларининг хулосаси. Мусулмонлар фикҳий аҳкомларга тааллуқли ажнабий сақофатлардан мутлақо таъсирланишмади ҳам, фойдаланишмади ҳам. Шаръий маърифатда ғайриисломий сақофатга тааллуқли ҳеч нарса мавжуд эмас, улар ажнабий сақофатларда мавжуд маънолар, ифода ва хаёлотлардан фойдаланишди, лекин бу араб тилига ҳам, араб адабиётига ҳам таъсир қилгани йўқ. Ғайриисломий сақофатларни бу жиҳатдан ўрганиш таъсирланиш эмас, фойдаланиш учун бўлди. Ақлий илмларни эса мантиқ ва тавҳид илмидаги адо этиш шаклида ўрганиб, фойдаландилар. Бироқ Ислон ҳам, Ислон фикрлари ҳам улардан таъсирланмади. Аммо айрим мусулмонлар фақат Ислонни тушунишдагина таъсирландилар, бу уларнинг хатти ҳаракатларида ва китобларидагина кўринди, холос. Ислоний сақофатда ва исломий фикрларда акс этгани йўқ. Булар сўфийлар ва мусулмон файласуфларидир.

Бу сақофатга оид фикрлар. Табиатшунослик, математика, астрономия, табобат каби илмларни эса мусулмонлар оламий илм сифатида ўргандилар. Булар ҳаётий дунёқарашга тааллуқли сақофат бобига эмас, тажрибий илмлар туркумига киради. Бу муайян умматга хос эмас, ҳаммага оид умумий оламий илм ҳисоблангани учун мусулмонлар ундан фойдаландилар.

Илм ва исломий сақофатдаги ижод қилиш услуби ривожланди ва муайян тизим даражасига етди. Аввал исломий сақофат оғзаки шаклда бўлиб, одамлар уни бир-бирларига айтиш билан тарқатар эдилар. Давлат ҳудуди кенгайгунича ҳамда илм ва маърифатга бўлган эҳтиёж долзарб масалага айлангунига қадар, Қуръондан бошқа ҳеч нарса девон қилинмади. Кейин аста секин ижод тури кўпайди, лекин муайян низом асосида ёзилмади. Мусулмонлар тафсир, ҳадис, фикҳ, тарих, адабиёт ва бошқа масалаларга бағишланган китоблар ёзишди. Аммо уларнинг барчасини битта китобда, тартибсиз ва бобларга ажратмай битишди, чунки уларнинг назарида ҳаммаси бир хил илм ҳисобланар эди. Улар наздида илм билан илмнинг, маърифат билан маърифатнинг фарқи бўлмай, барчаси битта ҳисобланар ва муайян илмга олим ажратилмас эди. Маърифатлар доираси кенгайгач, ижод ҳам марказлаша бошлади ва кўпчилик олимлар маърифатларни чегаралашга қудрати етмай қолди. Натижада уларнинг ҳар бир тоифасида муайян турдаги илм ва маърифатга хос қизиқиш уйғонди. Бир-бирига ўхшаш масалалар тўплана бошлади ва илм, маърифат бир-биридан ажратилиб, олимлар уларни аста секин тартиблаштира бошладилар. Шу йўсинда ижод ва тартибли фикрлар юзага келди. Бора-бора ҳадисда «Муваттоъ» китоби, адабиётда «Калила ва

Димна» китоби, усулда «Рисолат» китоби, фиқҳда «Муҳаммад» китоблари, тилшуносликда «Айн» китоби, наҳвда «Сибавайҳ» китоби, сийратда «Ибн Ҳишом» китоби, тарихда «Табарий» ва ҳоказо китоблар ёзилди. Ҳатто бир хил навдаги фиқҳда бир неча китоблар пайдо бўлди. Жумладан, Абу Юсуфнинг иқтисодда «Хирож» номли китоби ҳамда Мовардийнинг ҳукмда «Салтанат аҳкомлари» номли китоби каби. Сўнг ижод илм ва маърифатнинг барча қисмларини қамради, унинг таркиби ўзининг масала ва бобларида аста-секин тараққий эта бошлади ва натижада илм ва маърифатларнинг барча турини ўз ичига олган ривожланган ижодга айланди. Ижодда ва илм даргоҳлардаги олий таълим тизимида сақофат илмдан фарқланадиган бўлди ва ҳоказо...

Шуни айтиш керакки, мусулмонлар ижод услубини бошқалардан ўргандилар, чунки ижод услуби илм каби умумий ҳисобланади, хусусий эмас.

ИСЛОМИЙ МАЪРИФАТЛАР

Мусулмонлар фақат Исломни деб яшаётганларини, ўзларини исломий даъватни адо этиш сабабли мавжудликларини ва улар бирлигининг асоси, уйғонишларининг сабаби, уларнинг иззат ва шарафи ҳамда умидлари фақат Ислом эканини билганлар. Шунинг учун ҳам нафсиялари ва ақлияларини Ислом бошқариб турди, улар Исломга холис ёндашдилар, уни ўрганиш ва тушунишга киришдилар. Қуръонни тушуниш ва тафсирга, ҳадисни ривоят қилиш ва жамлашга киришдилар. Инсон муаммоларини ечадиган аҳкомларни ишлаб чиқишга, Пайғамбар ﷺ хабарларини ва ғазотларини кузатиб, уларни ривоят қилишга ҳамда ғазотлар ва фатҳларни ёзишга киришдилар. Қуръонни тушуниш араб тилисиз мумкин бўлмагач ҳамда фатҳларда араблар бошқа халқлар билан аралашиб кетгани сабабли тилда бузилиш юз бергач, мусулмонлар араб тилини ўрганиш, шарҳлаш ва унга қоидалар татбиқ қилишга ҳамда Оллоҳнинг китоби ва Расулуллоҳ ﷺнинг Суннатларини тушуниш учун жоҳилиятдаги адабиёт, одатлар, сўзлашувлар ва жанглари ўргана бошладилар. Сўнгра ақлий сақофатга эга ва куфр фикрларининг асорати мавжуд бошқа дин соҳиблари Исломга киргач, мусулмонлар исломий даъватни ёйишгач, улар билан Ислом душманлари ўртасида фикрий кураш юзага келди. Натижада одамларга Ислом ақидасини шарҳлаш ва уни ақлий далиллар билан баён қилиш зарурати туғилди. Мусулмонларда турли хил маърифатлар кўпайиб, исломий маърифат тармоқ отди, кўп нарсалар ўрганилди, ҳудудлар кенгайиб, Оллоҳнинг динига кирувчилар кўпайгани сайин маърифатлар ҳам орта бошлади. Исломий давлат бепоён бўлиб, кўпчилик мусулмонлар илм, маърифат ва билим олиб, тадқиқотларга киришдилар. Натижада мусулмонларда серқирра исломий сақофат юзага келди. Модомики, бу Исломга хизмат қилиб, мусулмонлар шайини улуғлар экан, унинг ҳаммасини ўрганиш лозим эди. Мусулмонларнинг барчаси борлиқдаги илм ва саноатларга аҳамият бериш билан бирга асосий эътиборни айнан исломий сақофатга қаратдилар. Ҳар бир олим ихтисослашган сақофат

тури қандай бўлишдан қатъий назар, математикми, табиатшуносни ёки ҳунармандми, аввало исломий сақофатни ўрганиб, сўнг бошқа сақофатни ўрганарди. Математика фанидан Муҳаммад ибн Ҳасан, географиядан ибн Батута, тарихдан ибн Асир ва шеърятдан Аби Нувос кабилар айнан шу фанлар билангина машҳур бўлишмаган, балки улар аввало исломий маърифатни тўла ўрганган. Аммо исломий сақофатнинг баъзилари сақофат учун аслий модда эди. Ундаги маънолар муслимнинг асосий мақсади эди. Аслий моддалар Тафсир, Ҳадис, сийрат, тарих, фикҳ, усули фикҳ ва тавҳид кабидир. Уларнинг баъзилари аслий моддани тушуниш учун восита эди. Бу араб тили ва мантиқ илмларидан иборат. Мусулмонлар уларнинг барчасини ўрганишга киришдилар. Маърифатлар асл маъноларни тушунишга восита бўлгач, кўзланган маъноларни билиш мақсад қилинмоғи лозим. Шунинг учун ҳам биз тафсир, ҳадис, сийрат, тарих, фикҳ, усули фикҳ ва тавҳидларнинг ҳар бирига диққатни қаратамиз.

Тафсир

Тафсир «фасара» феълининг тафъил боби бўлиб, баён қилиш демакдир. Агар бир нарсани баён қилмоқчи бўлсангиз, ташдидсиз ибора билан «фасарту» ҳам дейсиз, ташдид билан «фассарту» ҳам дейиш мумкин. Тафсир билан таъвилнинг фарқи шундаки, тафсир лафздан кўзланган мақсадни баён қилишдир. Таъвил эса маънодан кўзланган мақсадни баён қилишдир. Тафсир сўзи Қуръон лафзларининг баёни деган маънога хос. Қуръон араб тилида нозил бўлди ва унинг лафзлари ҳам арабча, ҳатто асли арабчадан келиб чиқмаган ажамий лафзлар ҳам «истаброқ» каби араб тили шаклига кириб қолиб, араб сўзларидан бирига айланган. Қуръоннинг услуби арабларнинг сўзлашув услубларидан иборат, Оллоҳ Таоло قرآنا عربيا «арабча Қуръон» деган, араблар уни ўқирдилар ва унинг балоғатини, етуқлигини, қувватини идрок этиб, маъноларини тушунардилар. Аммо Қуръон бутунича арабларнинг имкониятидаги китоб бўлмай, уни эшитиш билангина барча қирраларини муфассал тушуниш маҳол. Чунки Қуръоннинг араб тилида нозил бўлиши араблар Унинг таркибларини тўлиқ тушунишларини билдирмайди. Негаки, муайян тилда битилган ҳар қайси китобни ҳам тилшунослар тушунавермайдилар. Китобни тушуниш учун фақат тилгина лозим эмас, китобни ўз маъносида англаш учун фаҳм ва идрокнинг ақлий даражаси зарур. Қуръон нозил бўлганида араблар унинг барча қирраларини муфассал тушунолмади, савияларига қараб турлича талқин этганлар. Қуръонни тафсир қилиш ва тушунишда араб тилини ҳар хил даражада билганлари ҳамда идрок ва заковатларининг турличалиги боис, саҳобаларнинг қобилиятлари ҳам фарқланган. Лекин айнан Қуръон лафзларининг маъносини ҳамма араблар тушунолмаган. Анас ибн Моликдан ривоят қилинишича, бир киши Умар ибн Хаттобдан Оллоҳ Таолонинг «وفاكهة وأبا», деган сўзидаги أبا нимани англатади деб сўраганида, Умар ﷺ: «Биз ортиқча ўзимизга юк ортиб олишдан ва чуқур

кетишдан қайтарилганмиз», дебди. Яна Умар ﷺдан ривоят қилишларича, у бир куни минбарда туриб:

﴿٤٧﴾ أَوْ يَأْخُذْهُمْ عَلَىٰ تَخَوُّفٍ

– „Ёки (қилган макр-хийлаларининг оқибатидан ўзлари) қўрқиб-пусиб юрган пайтларида, уларни (Оллоҳнинг балоси) ушлаб қолишидан (қўрқмадиларми)?!“ [16:47]

ни ўқибди. Сўнг тахаввуф маъносини одамлардан сўрабди. Ҳузайл қавмидан бир киши: «Тахаввуф бизда камчилик маъносида бўлади», деб жавоб берган экан.

Бундан ташқари, Қуръонда жуда кўп оятлар борки, уларни тушунишда тил лафзларини билишнинг ўзи кифоя қилмай, айрим лафзлар ҳақида маълумотга эга бўлиш лозим. Чунки бу лафзлар муайян маъноларни билдиради. Масалан,

﴿١﴾ وَالذَّارِيَاتِ ذُرُوءًا

– „(Булутларни) суриб кетувчи шамолларга қасам“, [51:1]

﴿١﴾ وَالْعَادِيَاتِ ضَبْحًا

– „(Оллоҳ йўлида) ҳарсиллаб чопадиган отларга қасам“, [100:1]

﴿١﴾ إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةِ الْقَدْرِ

– „Албатта Биз у (Қуръон)ни қадр кечасида нозил қилдик“, [97:1]

﴿١﴾ وَالْفَجْرِ ﴿٢﴾ وَلَيَالٍ عَشْرٍ

– „Тонгга қасам. (Зул-ҳижжа ойдаги аввалги) ўн кечага қасам“, [89:1-2]

ва бундан бошқа маъруф маъноларни билдирувчи оятлар.

Қуръонда маъноси аниқ бўлган оятлар ҳам бор. Булар дин усулидаги ақидаларга таалуқли маккий оятлар ва аҳкомлар усулига таалуқли маданий оятлар ҳамда муомала, уқубот ва баййинотга таалуқли оятлар шулар жумласидандир. Яна Қуръонда кўп одамларга маъноси қоронғу бўлган муташобеҳ маъноли оятлар ҳам мавжуд. Хусусан, бир неча маънога эга бўлган ёки мусаффо ақидага зид келгани сабабли зоҳирий маънодан бошқа маънога буришни шарт қиладиган оятлар ҳам бор.

Бинобарин, саҳобалар араб тилини яхши билганлари ва Қуръон нозил бўлган шароит ва воқеаларнинг гувоҳи бўлганлари учун Қуръонни одамлардан яхшироқ тушунсалар-да, аммо араб тилини ҳар хил даражада билишлари ва Расулуллоҳ ﷺга яқинликлари турлича бўлганига қараб, Қуръонни ҳар хил тушунишган ва уни турли хил иқтидорда тафсир қилишган. Саҳобалардан энг машҳур муфассирлар Алий ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Убай ибн Каъб эди. Бу тўрт зот турли исломий юртлар ичида тафсирдан энг кўп озуқа берган инсонлар ҳисобланади. Уларнинг тафсир илмини чуқур ва теран эгаллашларига араб тилининг услуб ва ибораларини пухта билишлари ёрдам берган. Расулуллоҳ ﷺ билан доим бирга юрганликлари, Қуръон оятларининг нозил бўлиш сабабларини билишлари, ақл ва

заковатларидаги қувват уларнинг маъноларини бир-бирига боғлай олишларига ва тўғри хулоса чиқаришларига имкон берди. Шунинг учун Қуръонни тушунишда ижтиҳод қилишдан қийналмадилар. Тафсирда ижтиҳод қилиб, у ҳақда ўз раъйларини айтдилар ва ижтиҳодлари олиб борган нарсада тўхтадилар. Шунинг учун уларнинг тафсирлари энг олий даражадаги тафсир деб ҳисобланади. Аммо уларни кўпчилик қоралаб, тафсирларига улар айтмаган гапларни киритди. Шунинг учун уларнинг тафсирларида кўплаб мавзуларни топишингиз мумкин. Бу мавзулар ичида ишончли ривоят билан аниқланган тафсиргина энг кучли тафсир деб ҳисобланади. Бундан бошқа мавзулар эса ҳақиқатдан улар айтгани исботлансагина олинади. Лекин бу тўрт шахснинг тафсирларидаги мавзудан огоҳлантириш уларнинг тафсирларини ўқишдан қайтариш эмас, балки бу мавзулар ўшаларники, деган эътиборда олиш ва амал қилишдан огоҳлантириш. Аммо уларни ўқиш ва тафсирлардаги фикрларни лугавий, шаръий ва ақлий жиҳатдан пухта ва тўғри тушуниш жуда фойдалидир. Чунки бу ривоятлар, гарчи саҳобаларга нисбатан олганда санади заиф ҳисоблана-да, лекин тушуниш жиҳатидан қимматлидир.

Саҳобалардан сўнг тобеинлар келди. Уларнинг айримлари мазкур тўрт саҳобадан ва бошқалардан қилган ривоятлари билан машҳур бўлган. Бу тобеинларнинг энг машҳурлари Мужоҳид, Ато ибн Аби Рабоҳ, ибн Аббоснинг хизматкори Икрима ва Саид ибн Жубайр. Олимлар бу муфассирларга турли хил муносабатда бўлган. Масалан Мужоҳид, гарчи улар ичида энг оз ривоят қилган бўлса-да, энг ишончли ҳисобланган ва унинг тафсирига Шофеъий ва Бухорий каби имом ва муҳаддислар таянган. Лекин Мужоҳидни айримлар аҳли китоблардан сўрарди, деб ўйлашган ва шу жиҳатдан унинг сўзлари тўғрилигини тасдиқласалар-да, қабул қилишда шовилмаганлар. Ато билан Саиднинг тафсирлари тўғри ва ишончлигига ҳеч ким шубҳа қилган эмас. Аксарият олимлар Икримага ишонч билдириб, тасдиқлаганлар. Олимлар уни тафсирда ўта журъатли деб ҳисоблаб, у Қуръондаги ҳамма нарсани билади, деб ўйлаганлар. Чунки Икрима саҳобалардан Қуръон тафсирини кўп келтирган. Бу тўрт тобеин кўпроқ ибн Аббосдан ривоят қилганлар, бошқа саҳобалардан ҳам ривоятлари бор. Абдуллоҳ ибн Масъуднинг шогирди Масруқ ибн Аждаъ Абдуллоҳдан тафсир ривоят қилган. Тафсир бўйича тобеинлардан шуҳрат топганлари Қутода ибн Диоматус-садус ал-Акмаҳ бўлиб, у араб тили бўйича кўп шуғулланган, араб шеърияти, жанглари ва насабларидан яхши хабардор бўлган. Тобеинлар асри ниҳоясига етгач, олимлар тафсир китобларини махсус услубда ёза бошладилар. Яъни, оят келтирилади, уни тафсир қилган саҳоба ва тобеинларнинг санади билан ривояти кўрсатилади. Шундай тарзда ижод қилиб машҳур бўлганлар: Суфён ибн Уяйна, Вақиъ ибн Жароҳ, Абдураззоқ ва бошқалар. Аммо уларнинг тафсирлари бизгача комил ҳолатда етиб келмади. Табарийнинг тафсиридаги каби айрим тафсирларда уларнинг сўзлари келтирилган. Юқоридагилардан сўнг, Фарроъ ва Табарийлар келди, кейин эса то бизнинг кунимизгача асрлар оша тафсир олимлари кетма-кет етишиб чиқмоқдалар.

Муфассирларнинг тафсирдаги услуби

Саҳобалар Қуръони Карим оятларини ижтиҳод йўли билан ёки Расулуллоҳ ﷺ дан эшитиб тафсир қилдилар. Кўп ҳолларда оятнинг нозил бўлиш сабабларини ва кимга тааллуқли эканини шарҳлар эдилар. Улар оятни тафсир қилишда оятдан тушунилган луғавий маънони изоҳлаш учун қисқача жумла билан чекланардилар. Масалан, арабча:

غَيْرِ مُتَجَانِفٍ لِإِثْمِ

– „*Гуноҳга моил бўлмасдан*“,

[5:3]

ни арабча رِيغٍ مَتَعْرَضَةٍ يَصْعَلُ яъни маъсиятга ўзини дуч қилмаган, деб тафсир қилардилар. Арабча:

وَأَنْ تَسْتَفْسِمُوا بِالْأَزْلَامِ

– „*(Фол) чўпларидан қисматингизни сўрашингиз*“,

[5:3]

ни эса шундай тафсир қилардилар: «Жоҳилият аҳли одати бўйича бирортаси сафарга чиқмоқчи бўлса (омад синаб кўриладиган ўйин) найзасини оларди ва: «Бу сафарга чиқишимга буюряпти» дер, агар сафарга чиқса, яхшиликка дуч келиши мумкин эди. Иккинчи найзани олиб: «Бу сафарга чиқмасликни буюряпти» дер, сафарга чиқса бирон кўнгилсизликка учраши мумкин, иккала найза орасида эса насибасиз найза бўларди. Оллоҳ бу ишдан қайтарди». Саҳобалар бундай тафсирга қўшимча қилишни истасалар, оятнинг нозил бўлиш сабабини ва кимга тааллуқли эканини келтирардилар. Бу ибн Аббосдан ривоят қилинган тафсирда кўринади. У Оллоҳ Таолонинг арабча

لَرَأَاكَ إِلَى مَعَادٍ

– „*Сизни бир қайтадиган жойга қайтаргувчидир*“,

[28:85]

лафзига إِلَى مَكَّةَ - *Маккага* маъносини берган. Абу Ҳурайрадан қилинган ривоятда:

إِنَّكَ لَا تَهْدِي مَنْ أَحْبَبْتَ

– „*Аниқки, сиз ўзингиз суйган кишиларни ҳидоят қила олмассиз*“,

[28:56]

оятни Расулуллоҳ ﷺ амакилари Абу Толибни Исломига киришини қаттиқ илтимос қилаётганларида нозил бўлган», дейди. Саҳобалардан сўнг тобеинлар келди ва улар ҳам барча оятларни саҳобалар каби ривоят қилдилар. Улар орасида Қуръони Каримнинг айрим оятлар тафсирини ёки нозил бўлиш сабабини ижтиҳод йўли билан ёки эшитиб зикр этганлар бўлган. Тобеинлардан кейинги олимлар тафсирда кенг йўл тутиб, яҳудий ва насоролар хабарларини ҳам келтирдилар. Сўнг муфассирлар бирин-кетин келаверди ва ҳар бир асрда аввалгисидан кенгроқ тафсирлар битилди. Муфассирлар аҳкомлар истинбот қилиш учун оятлар билан шуғуллана бошладилар. Улар мажбурийлик ва ихтиёрийлик деб танилган ўз фикрий мазҳаблари бўйича тафсир қилар, тафсир жараёнида ташриъ, илми калом, балоғат, сарф, наҳв ва бошқа мавзулар бўйича ўз фикрларини

оятлар орқали исботлашар эди. Саҳобалар асридан бошлаб то бугунги кунгача битилган тафсирлар кузатилса шу нарса аён бўладики, ҳар қандай асрда ёзилган тафсир ўша даврдаги илмий ҳаракатдан таъсирланган, унинг назарияси раъйи ва мазҳабини акс эттирган. Ўз асридаги ҳукмрон фикр ва аҳкомлардан таъсирланмаган тафсир камдан-кам топилади.

Аmmo бу тафсирларнинг барчаси муфассирлар бошлаган дастлабки кундан, яъни саҳобалар асридан бошлаб китобларда битилмади. Балки турли асрларда бир ҳолдан бошқа ҳолга кўчди. Тафсир ўзининг илк даврида ҳадиснинг бир қисми ҳисобланган эди. Ҳадис ҳам барча исломий маърифатни ўз ичига оладиган кенг модда бўлган. Ҳадиснинг ровийси фикҳий ҳукм мавжуд бўлган ҳадис билан бирга Қуръон оятини тафсир қиладиган ҳадисни ҳам келтирарди. Аббосийлар асрининг боши ва Умавийлар асрининг ниҳояларида, яъни ҳижратнинг иккинчи асрида муаллифлар бир мавзудаги бир-бирига ўхшаш ҳадисларни жамлашган ва уларни соҳаларга ажратишган. Натижада ҳадис ўз ичига олган тафсир ва фикҳий маърифатлар бир-бирдан ажралиб қолди. Тафсир, ҳадис, фикҳ ва сийратдан иборат ягона илмдан алоҳида тафсир илми, фикҳ илми, ҳадис илми пайдо бўлди ва мустақил тарзда ўрганилди. Тафсирлар илк даврда Қуръон оятлари Мусҳаф тартибидек зикр этилиб, сўнг бирма-бир тафсир қилинадиган шаклда битилмади. Ҳадисдаги ҳолатга ўхшаб, тафсирда оятларнинг у ер бу ери олиб шарҳланарди. Тафсир ҳадисдан ажралиб, мустақил илмга айлангунга қадар ҳолат шу тарзда давом этди. Кейинчалик тафсир Қуръоннинг ҳар бир ояти учун, оятнинг ҳар бир қисми учун Мусҳаф тартибига мувофиқ битилди. Қуръон оятларини бирма-бир тафсир қилишга қўл урган биринчи муфассир ҳижратнинг 207 йилида вафот этган Фарроъ бўлган эди. Ибн ан-Надим ўзининг «Фихраст» номли китобида шундай дейди: «Умар ибн Бакир Фарроъга хат ёзиб шундай дебди: «Ҳасан ибн Саҳл менга Қуръон оятидан савол бериб, яна бошқа оятни ҳам келтиряпти. Мен жавоб бериб улгурмаяпман. Менга усулни жамласангиз ёки шу мавзуда мен унга мурожаат қиладиган китоб ёзсангиз». Фарроъ дўстларига: «Тўпланинглар, Қуръондан мен айтиб тураман, ёзасизлар», дебди ва уларга бир кунни тайин қилибди. Улар масжидга тўпланишибди. Масжидда азон айтадиган ва намоз ўқиб берадиган бир киши бор экан. Фарроъ унга «Фотиҳа» сурасини ўқинг, тафсир қиламиз, кейин Қуръон тафсирини тўла тамомлаймиз, дебди». Абу Аббос шундай дейди: «Фарроъдан аввал унчалик тафсир қилган ё ундан ҳам мукамал ёзган одамни кўрмаганман». Фарроъдан сўнг ибн Жарир Табарий ўзининг машҳур тафсирини ёзди. У ҳижратнинг 310 йилида вафот этди. Ибн Жарирнинг тафсиридан олдин бир неча тафсирлар шуҳрат қозонган. Ибн Журайжнинг тафсири шулар жумласидандир. Унинг тутган йўли аввалги ҳадисшуносларнинг йўлига ўхшайди. Улар ҳадисларни саҳиҳ ва саҳиҳ бўлмаганига ажратмасдан тўплашар эди. Айтишларича: «Ибн Журайж ривоятда саҳиҳни мақсад қилмаган, балки саҳиҳини ҳам, саҳиҳ эмасини ҳам келтираверган». Булар жумласига ҳижрий 127 йилда вафот этган Суддийнинг тафсири ҳамда ҳижрий 150 йилда вафот этган Муқотилнинг тафсири ҳам киради. Абдуллоҳ ибн Муборак Муқотилнинг тафсирини:

«Агар ишончли бўлса, унинг тафсири нақадар яхши», деган эди. Муҳаммад ибн Исҳоқнинг тафсири ҳам шулар жумласига кириб, у яҳудий ва насронийлардан нақл қилинган ҳамда тафсирида Ваҳб ибн Мунаббаҳ, Каъбул Аҳборнинг сўзларини, Инжил, Таврот ва уларнинг шарҳларидан олинган сўзларни келтирган. Бу тафсирлар бизгача етиб келмаган. Аммо ибн Жарир Табарий уларнинг кўпини жамлаб, ўз китобига киритган. Сўнг муфассирлар Қуръонни тартибли ҳолда тўлиқ тафсирига киришишди.

Лекин девон қилинган тафсирларга назар ташлаган киши шунинг гувоҳи бўладики, муфассирлар тафсирда ҳар хил йўналишда юришган. Улардан баъзилари Оллоҳнинг каломи олийлиги ва бошқа сўзлардан мумтозлиги билиниши учун Қуръоннинг услубларига, маъноларига ва у ўз ичига олган балоғат турларига эътибор қаратдилар ва уларнинг тафсирида балоғат жиҳати устун келган. «Кашшоф» номли тафсир муаллифи Муҳаммад ибн Умар Замахшарий шулар жумласидандир. Яна муфассирлардан ақидалар услубини, қалбакилар билан курашиш ва муҳолифлар билан баҳслашиш учун тафсир ёзганлар ҳам бор. Улардан бири Фахруддин Розий бўлиб, у «Катта тафсир» номли китоб ёзди. Улар орасида шаръий аҳкомларга ва уларни оятлардан истинбот қилишга эътибор қаратган ва аҳкомлар ҳақидаги оятларга аҳамият берганлар бор. Жассос деб танилган Абу Бакр Розий ўзининг «Аҳкомул Қуръон» номли машҳур тафсирини шундай усулда ёзган. Улардан яна бири қиссаларни кетма-кет келтирган ва Қуръон қиссаларига тарих китоблари ва исроилиётлар, яъни яҳудийларнинг хабарларини кўпайтириб юборган, эшитган ҳуда-беҳуда нарсаларнинг ҳаммасини текшириб кўрмай, шариатга зидлигини ҳам, ақлга мувофиқ келмаслигини ва далолати қатъий оятларни инкор этишини ҳам ҳисобга олмай тафсир ёзганлар бор. «Бобут-таъвил фи маъонит танзил» деган тафсир ёзган ва Ҳозим деб танилган Алоуддин Алий ибн Муҳаммад Сўфий Бағдодий шулар жумласидандир. Улардан яна ўз мазҳабини қувватлашга ва оятларни ўз фирқасини мустаҳкамлашга мослаб тафсир қилишга уринганлари ҳам бўлди. «Тафсир ал-баён» китоби муаллифи шайх Табарсий ва «Тафсири тибён» китоби муаллифи шайх Тусийлар шулар жумласидан бўлиб, ҳар иккаласи ақида ва аҳкомларда шийъа мазҳаби ва унинг раъйларини қувватлайдилар. Муфассирлар орасида тафсирнинг бошқа жиҳатларига қарамай, фақат Қуръон маънолари ва аҳкомларини шарҳлашга эътибор берганлар ҳам бор. Бу муфассирларнинг тафсирлари тафсир китобларининг онаси ҳисобланиб, уларнинг ўзлари ҳамма соҳада имом ҳисобланадилар. Булар ибн Жарир Табарий, Абу Абдуллоҳ Қуртубий, Насафий тафсирлари ва бошқалар. Лекин шу асрда ва таназзул асрининг охирида битилган Муҳаммад Абдуҳ, Тантовий Жавҳарий ва Аҳмад Мустафо Марокий ёзган китобларни тафсир деб бўлмайди ва уларга ишонилмайди. Чунки уларнинг тафсирларида жуда кўп оятлар шарҳида Оллоҳнинг динидан қўрқмаслик яққол кўзга ташланади. Масалан, Муҳаммад Абдуҳ:

وَمَنْ لَمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ ﴿١٧﴾

– „Кимда-ким Оллоҳ нозил этган дин билан ҳукм этмас экан, улар фосиқлардир“, [5:47]

оятининг тафсирида ҳинд мусулмонларига инглиз қонунларини қабул қилишга ва инглиз қозиларининг ҳукмига бўйсунушга ижозат берган. У машҳур Қуръони Каримнинг «Бил манор» деб аталган тафсир китобининг 406-409 бетларида Оллоҳ Таолонинг «Моида» сурасидаги

وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ



– „Кимда-ким Оллоҳ нозил этган дин билан ҳукм этмас экан, улар фосиқлардир“, [5:47]

оятини тафсирида, ундан одамлар инглизлар қўлида ишловчи мусулмон улар қонуни билан ҳукм юргизса бўладими, деб сўрашган. У бу саволга қўйидагича узундан-узун жавоб берган: «Гапнинг қисқаси, дорул ҳарб Ислом ҳукмини қоим қиладиган жой эмас, шунинг учун у ердан ҳижрат қилиш вожиб бўлади, фақат узрли ва мусулмонлар учун динда фитнадан сақлайдиган манфаат бўлган ҳоллар бундан мустасно. Дорул куфрда яшаган одам кучи етганича мусулмонларга хизмат қилмоғи ва Ислом аҳкомларини имкон қадар қувватламоғи лозим. Ислом нуфузини қувватлаш ва мусулмонлар манфаатини ҳимоя қилиш учун ҳукумат ишларига рози бўлишдек яроқли восита йўқ, айниқса инглиз давлатига ўхшаш барча уммат ва миллатлар ўртасида адолатга яқин ён берувчи ҳукумат бўлса. Маълумки, бу давлатнинг қонунлари Ислом шариатига бошқаларникига нисбатан яқиндир. Чунки у кўп ишларни қозилар ижтиҳодига топширади. Кимки қозилик қилиш қўлидан келса ва Ҳиндистонда қозиликка тўғри ният билан, яхши мақсадда ёндашса, мусулмонларга катта манфаат етказиши мумкин. Кўриниб турибдики, аҳли илм ва зиёлиларга ўхшаганлар қозиликда ҳукумат ишларини тарк қилсалар ва унинг қонунлари билан ишлаш гуноҳ деб билсалар мусулмонларнинг диний ва дунёвий манфаатларига путур етказадилар». У яна шундай деди: «Буларнинг барчасидан аён бўладиги, Ҳиндистондаги инглиз ҳукуматида ишлашни мусулмон қабул қилишига ва унинг қонунлари билан ҳукм юргизишига рухсат бор, бу рухсат - агар икки зарарнинг энгили Исломни қувватлаш ва мусулмонлар манфаатини ҳимоя қилиш кўзланган азиймат, яъни фарз ёки ҳаром бўлмаса, икки зарардан энгилини бажариш қондасидан олинган...». Тантовий Жавҳарий ўз тафсирида: «Қуръонда янги илм ва маърифатлар бор», деб айтган ва Қуръонда ҳайвон ва паррандалар ҳақида ҳикоя қилинади, деган далилни исботлаш учун уни шундай суратлар билан тўлдирган. Мустафо Зайд эса ўз тафсирида фаришталар ва шайтонларнинг борлигини инкор этган ва таъвил қилган ҳамда бу тафсири билан кофир бўлиб, Исломдан чиққан. Бу ва бунга ўхшаш тафсирлар тафсир китоблари деб саналмайди ва мутлақо эътиборга олинмайди.

Тафсир манбалари

Тафсир манбалари деб муфассирлар ҳар бири Қуръон тафсирида тавҳид, фиқҳ, балоғат, тарих ва шунга ўхшаш фикратга мувофиқ қабул

қилган нарсалар бор, лекин улар тафсир манбалари бўлмайди. Булар муфассирга таъсир қилган ва унинг таъсирида олим маълум йўл тутган ишлар, холос. Тафсир манбалари деб муфассирлар нақл қилишган ҳамда тафсирда тутган йўналишлари қандай бўлишдан қатъий назар, шу манбадан олган таассуротлари, шарҳи эътиборга олиншидир. Тафсир манбаларини бирма-бир текширсак, уларнинг учта нарсага чекланганини кўрамиз:

1. Расулulloҳ ﷺ дан нақл қилинган тафсир. Масалан, Расулulloҳ ﷺ шундай деганлар: «Ўрта намоз аср намозидир». Ҳазрат Алийдан ривоят қилинганки, Расулulloҳ ﷺ дан: «Катта Ҳаж қайси кунини?», деб сўрадим, У киши: «Қурбонлик кунини», дедилар. Яна ривоят қилинганки: «Мусо қайси муддатни ўтаганлар», деб сўралганида: «Тўлиқроғини ва яхшироғини», дедилар. Аммо нақл манбаси сифатида бунга таянилмайди. Фақат саҳиҳ китобларда келган бўлсагина унга асосланади. Чунки ҳикоя қилувчи ва ҳадис тўқувчилар бу борада кўп бўрттириб юборган. Шунинг учун Расулulloҳ ﷺ га нисбатан ёлғон кўпайиб кетган. Бундай нақл манбаини қаттиқ текшириб кўриш керак. Бундай тафсирларни салафи солиҳлар текшириб, бутунлай инкор этганлар ва Расулulloҳ ﷺ дан ҳеч қандай тафсир ривоят қилинмаган дейишган. Имом Аҳмад ибн Ҳанбалдан ривоят қилишларича, у киши «Уч нарсанинг асли бўлмайди: улар тафсир, жангу жадал ва газотлар», деган эканлар. Шунинг учун муфассирлар келган нарсаларга ишонмаганлари боис бу хусусда ижтиҳодлари олиб борадиган жиҳатга киришганларининг ва нусус доирасида тўхтаб қолмаганларининг гувоҳи бўламиз. Гоҳида Расулulloҳ ﷺ дан келган нарсага саҳобаларнинг тафсири қўшилиб кетган ва нақл қилинган тафсирга айланиб қолган. Тобеинлардан келган тафсир ҳам худди шундай. Тафсирнинг бу тури кўпайиб, бунга Расулulloҳ ﷺ дан, саҳобалардан, тобеинлардан нақл қилинган нарса ҳам қўшилиб, шунинг ўзи тафсирга айланиб қолди. Аввалги асрларда битилган тафсир китоблари шу тарзда чекланиб қолди.

2. Тафсир манбаларидан бири раъй бўлиб, у тафсирдаги ижтиҳод деб аталади. Чунки муфассир араб тилини ва гаплашиш усулларини мукаммал билади. Араб тилини ва шу тилда битилган шеърлар ва насрларнинг маъносини тушунади ва бу воситалардан фойдаланган ҳолда оятнинг нозил бўлиш сабабларини ўрганади. Ижтиҳоди ҳамда тушунчаси орқали эришган фикрларига мувофиқ Қуръон оятларини тафсир қилади. Раъй орқали бўладиган тафсир муфассир ўз қизиқишидан келиб чиқиб, оятни хоҳлаганича талқин қилади, дегани эмас, балки тафсир жорий этиладиган раъй, шеър, наср, араб одатлари ва мунозараларидан иборат жоҳилият адабиётига суянади ва бир вақтнинг ўзида Расулulloҳ ﷺ давридаги ҳодисалар, Пайғамбар дуч келган қаршиликлар, жанжаллар, ҳижрат ва фитналарга ҳамда шу воқеалар асносида Қуръоннинг нозил бўлиши ва аҳкомларни келтириб чиқарган воқеаларга таянади. Шундай экан, раъй билан тафсир қилишдан мақсад тил ва воқеадан иборат мавжуд маълумотлар билдираётган мазмунларни тушуниш воситасида жумлаларни англаш демақдир. Энди Алий ибн Абу Толибдан ривоят қилинган ушбу: «Қуръон кўп жиҳатларни кўтарувчидир», сўздан мақсад Қуръонни

истаганча тафсир қилавериш мумкин, дегани эмас, балки Қуръондаги битта сўз ёки битта жумлани бир неча жиҳатдан шарҳласа бўлади, деганидир. Қуръондаги жиҳатлар фақат жумла ифодалай оладиган маънолар билан чекланган, деганидир. Демак, раъй ёрдамидаги тафсир жумлани у ифодалайдиган маънолар доирасида тушунишдан иборат. Шунинг учун ҳам уни ижтиҳод орқали тафсир қилиш, деб аташган.

Саҳобалардан иборат муфассирлар жамоаси раъй орқали тафсир қилишда биринчи ўринда унга таянганлар. Уларнинг тафсири бир-бирига зид бўлиб, ҳатто битта сўзни турлича шарҳлаганлар. Бу уларнинг ўз фаҳмларига таянишганидан далолат беради. Бу ҳол ибн Аббос, ибн Масъуд ва Мужоҳидларнинг тафсирларида кўпроқ учрайди. Масалан, Оллоҳ Таолонинг:

وَإِذْ أَحَدْنَا مِيثَاقَكُمْ وَرَفَعْنَا فَوْقَكُمْ الطُّورَ ﴿٦٣﴾

– „Эсланг (эй бани Исроил), биз аҳду паймонингизни олгандик ва устингизда Тур (тоғ)ни қўтаргандик“; [2:63]

деган оятидаги «тур» сўзини муфассирлар турлича шарҳлашади. Мужоҳид «тур»ни тоғ деб шарҳлаган, ибн Аббос эса айнан Тур тоғининг ўзи, деб тафсир қилган. Бошқа муфассирлар эса «тур»ни тоғнинг сочилган бўлаклари деган, сочилмаган бутун тоғ «тур» бўлмайди, дейишган. Тафсирдаги бу тафовут раъйдаги зиддиятдан келиб чиққан, нақл қилинган нарсдаги ихтилофнинг натижаси эмас. Бинобарин, лафз луғавий маънони англатади. раъй лафзнинг маъносидан эмас, жумланинг мазмунидан келиб чиққанда нима дея оласиз?! Шунинг учун улар лафзнинг маъносидаги каби оятларнинг маъносидан ҳам турли хил тафсир қилишган. Саҳобаларнинг, айниқса машҳур муфассирларини бирма-бир текширилса, улар тафсирда раъйга таянганликлари аён бўлади. Лекин уларнинг айримларида раъй орқали тафсирда қийинчиликка учраб, нақл қилинган нарса билангина чекланганига сабаб, уларда тафсир воситалари мукаммал бўлмаганидир, бу воситалар шарҳланаётган арабий лафзларни, оят нозил бўлган воқеаларни билишдир. Лекин Қуръонни тушунишда қийинчилик бўлган дегани эмас, чунки Қуръон инсонлар тафсир доирасида чекланиб қолишлари учун эмас, тушунишлари учун нозил бўлган. Бу хусусда келган нусусларга мурожаат қилинса, қийинчиликнинг сабаби аниқ кўринади. Саид ибн Мусайябдан ривоят қилинганки, ундан Қуръондан бирор нарса сўрашса: «Мен Қуръондан ҳеч нарса айтмайман», дер экан. У Қуръондан ўзича гап айтишдан сақланарди, лекин Қуръондан раъй орқали гап айтишни қайтармасди. Ибн Сирийн айтганки: «Мен Абу Убайдадан Қуръондан бир нарса сўраган эдим, у: «Оллоҳдан қўрқин! Доимо тўғрилиқни маҳкам тут. Қуръон нималарда нозил бўлганини биладиганлар ўтиб кетдилар», деб жавоб берди». Маълумки, Абу Убайда улуг саҳобалардан. Бу тўғрилиқни маҳкам ушлашни ва Қуръон нозил бўлган нарсаларни билишни талаб қиляпти. Қуръондан гап айтишдан бунчалик қўрқиш ва қийинчиликнинг сабабини Абу Убайда «...тўғрилиқни маҳкам ушла, Қуръон нималарда нозил бўлганини биладиганлар ўтиб кетдилар», деган сўзи билан баён қилиб қўйди. Агар тўғрилиқни маҳкам ушлайдиган

ва Қуръон нималарда нозил бўлганини биладиган кимса топилса, шубҳасиз у Қуръондан ўз раъйини ва ижтиҳодини айтади. Шуларга биноан, саҳобалар икки қисмга бўлинади - ўз раъйи билан Қуръондан гап айтолмайдиганлари ва Қуръондан ўз раъйини айтадиганлари дея олмаймиз. Аксинча, саҳобалар Қуръондан ўз раъйларини айтганлар. Улар Қуръон оятларини баён қиладиган жумлалар ва тафсир ҳақида аниқ илмга эга бўлмай туриб, Қуръондан ўз раъйини айтишдан қўрққанлар. Тобеинлар ҳам шундай бўлганлар. Лекин булардан кейин келган кишилар бу сўзлардан хабар топдилар ва уларни Қуръондан гап айтишдан огоҳлантиришяпти деб тушундилар ва гап айтишдан қўрқдилар. Бошқа одамлар келиб, саҳобалар Қуръонни раъй орқали тафсир қилишганидан воқиф бўлдилар ва раъй орқали тафсир қиламиз, дейишди. Шундан кейин тафсирда олимлар икки қисмга бўлиндилар: раъй орқали сўз айтишдан қийналган ва нақл қилинган нарсага кифояланганлар ҳамда Қуръондан раъй орқали тафсир айтадиганлар. Аммо саҳобалар ва тобеинлар икки қисмга бўлинмаганлар, балки Қуръондан ўзлари билган раъйларни ва нақл қилинган нарсаларни гапирганлар ва билмаган нарсаларини айтишдан сақланганлар ҳамда илмга таянмай, Қуръондан раъй айтишдан эҳтиёт бўлганлар.

3. Исроилиётлар. Яҳудий ва христианлардан айримлари Исломга кирган бўлиб, улар орасида Таврот ва Инжил олимлари бор эди. Кўпгина яҳудийлар Исломга ғараз билан киргандилар. Чунки яҳудийлар мусулмонларга насороларга нисбатан кўпроқ нафрат, адоватли эдилар. Шунинг учун ўша олимлар тарафидан мусулмонларга кўплаб исроилиёт хабарлари сизиб кирди ва бу хабарлар билан оятларни шарҳлашни мукаммаллаштириш мақсадида Қуръон тафсирига қўшилиб қолди. Чунки илмий тадқиқотга бўлган ақллардаги эҳтирос ва майл кўплаб оятларни эшитган вақтда оятга боғлиқ нарсалар ҳақида сўраб суриштиришга ундади. Оятдаги каҳф соҳибларининг ити ҳақидаги қиссани эшитишса, итнинг ранги қандай бўлганини суриштиришарди. Агар:

﴿٧٢﴾ فَقُلْنَا اضْرِبُوهُ بَعْضَهَا

– „Уни (мақтулни) сўйилган сигирнинг бир бўлаги билан уринглар», дегандик“, [2:73]
оятини эшитишса, ўша «баъз» нима деб сўрашарди. Агар:

﴿١٥﴾ فَوَجَدَا عَبْدًا مِنْ عِبَادِنَا آتَيْنَاهُ رَحْمَةً مِنْ عِنْدِنَا وَعَلَّمْنَاهُ مِنْ لَدُنَّا عِلْمًا

– „Бас, бандаларимиздан бир бандани топдиларки, Биз унга Ўз даргоҳимиздан раҳмат (яъни, пайғамбарлик) ато этган ва Ўз ҳузуримиздан илм берган эдик“, [18:65]

оятини эшитишса, Мусо учрашган ва ундан ўрганишни талаб қилган солиҳ банда ким, деб суриштиришар эди. Хизр қиссаси мана шундай пайдо бўлган. Шу зайлда қисса ва хабарлар кетма-кет келгани сари, улар ҳақида сўраб суриштираверишди. Уларнинг оятдаги солиҳ банда қатл қилган бола, тешилган кема, уларни меҳмон қилмаган қишлоқ, Мусо ва Шуайб ҳақида ҳамда Нуҳ кемасининг катталиги қандайлиги ва ҳоказолар

ҳақида сўраб суриштирганларининг гувоҳи бўласиз. Уларнинг бу саволларига жавоб берадиган ва бу маълумотларга эҳтиёжларни тўсадиган, Таврот ва унга боғлиқ ҳошиялар ва шарҳлар ҳамда бу китобга кириб қолган афсоналар бўлиб, уларни яхши ниятдами, ёки ёмон ниятдами Исломни қабул қилган яҳудийлар нақл қилар эдилар. Исломни қабул қилган айрим насронийлар ҳам Инжилдан баъзи қисса ва хабарларни тафсирга киритишган. Лекин булар яҳудийлар олиб келган нарсаларга нисбатан жуда оз. Шу тарзда қисса ва хабарлар кўпайиб кетди. Ҳатто нақл қилинган тафсирдан ортиб кетди. Кўпгина тафсир китоблари мана шундай исроилиётлар ва бошқа қиссаю хабарлар билан тўлиб тошди. Исроилиётларни энг кўп киритган шахс Каъбул Аҳбор, Ваҳб ибн Мунаббаҳ ва Абдуллоҳ ибн Саломлар бўлган. Шу билан бу исроилиётлар бошқа хабар ва қиссалар қатори муфассирлар учун тафсир манбаларидан бирига айланиб қолди.

Бугунги кунда умматнинг муфассирларга эҳтиёжи

Тафсир илми муҳим шаръий маърифатлардан деб ҳисобланиши билан бирга шаръий илмларнинг улуғи ҳамдир. Шунинг учун ҳар қандай авлод ва ҳар қандай асрда унга албатта эътибор бермоғи лозим. Бугун уммат муфассирларга муҳтож. Чунки аввал бўлмаган янги-янги нарсалар юзага келди. Бу нарсалар агар Қуръонда зикр этилган куллиётлар (яхлит аҳкомлар)га дахлдор бўлса ёки жузъий ҳукмлар бу нарсаларга мувофиқ келса, уларни албатта билмоқ зарур. Бироқ, қадимги тафсирларнинг услуби шакл ва тақдим жиҳатидан ижод турининг эскича услубда бўлгани сабабли, ҳозирги авлод уларни ўқишга қийналади. Уларни ўқишга одатланганлар жуда оз. Шунинг учун тафсирларни чуқур ва ёрқин фикрий китоб сифатида ўқилиши учун мусулмонларда рағбат ва иштиёқни қўзғатувчи бир услуб бўлиши лозим. Бундан ташқари, фалсафа китоблари таржима қилинган ва ундан таъсирланган асрдан сўнг ҳамда салбчилар уруши бўлиб ўтган таназзул асридан кейин мусулмонлар юрган тафсирдаги йўл шундай тафсирлар юзага келишига олиб келдики, уларда асосий эътибор Қуръон оятларига алоқаси йўқ нарсаларга қаратилди. Тафсирга кириб қолган исроилиётлар мусулмонлар учун учунчи манба бўлиб қолганини айтишга ҳожат йўқ. Шунинг учун Қуръонни тушунишдаги ижтиҳод жиҳатидан саҳобаларнинг тафсир қонуни билан юрадиган ҳамда уларнинг тафсирдан фойдаланган тафсир бўлиши зарур. Аммо Расулulloҳ ﷺ дан нақл қилинган тафсир саҳиҳ бўлса, ҳадиснинг бир қисми деб ҳисобланади, тафсир дейилмайди, чунки бу ҳолда у худди Қуръондек ташриъий нусус бўлиб қолади, демак тафсирлар туркумига кирмайди.

Муфассир тафсирда қўллайдиган услубга келсак, бу унинг ижодига боғлиқ. Чунки услуб майлларда бир шакл ва асарнинг бир тури бўлиб, тафсирда тартибланиш, бобга ажратиш ва тақдим жиҳатини ҳар бир муфассир ўзи тўғри деб топган воситага мувофиқ танлайди. Шунинг учун тафсирда ижод услубини белгилаш дуруст эмас. Аммо тафсирнинг тариқатини белгилаш лозим. Узоқ ўрганиш, изланиш ва фикр юритишдан

сўнг тафсир учун маълум бир тариқатни топдик, Қуръон тафсири бу тариқатнинг йўлига биноан жорий бўлиши учун уни баён қиламиз, бу Қуръон воқелиги тақозо этадиган тариқатдир. Биз уни тариқат, яъни доимий муқаррар иш дедик, услуб эмас. Чунки бу нууслар воқесидан ва Қуръони Карим кўрсатган далиллардан тушунилган ижтиҳод тариқатига ўхшаш бўлиб, тафсир ҳам айнан шунинг ўзидир. Бу тариқат унга риоя қилиш учун тақдим этилди, шаръий ҳукм сифатида эмас, чунки у аҳкомларга кирмайди. Қуръони Каримнинг тафсирида риоя қилишимиз керак бўлган бу тариқат қуйидагича тушунилади:

Қуръоннинг тафсири бу сўз бирикмаларидаги айрим сўзларнинг маъносини ва сўз бирикмаларининг маъноларини алоҳида баён қилиб бериш демакдир. Қуръоннинг тафсир тариқатини билиш учун аввало Қуръоннинг воқеини кузатиш ва унинг ҳақиқатини кўрсатадиган даражада яхлит ўрганиш зарур. Сўнгра бу воқе мувофиқ келадиган лафзлари ва маънолари ўрганилади, кейин у қандай мавзулиги тушунилади. Худди шу тарзда воқени, воқега мувофиқ сўзларни ва Қуръон олиб келган мавзунини билиш орқали тафсирда қўлланиладиган тариқат ойдинлашади ва натижада тафсир учун жорий қилинадиган зарур йўл топилади.

Қуръоннинг воқеси шундан иборатки, у арабий калом бўлиб, арабча гап деган маънода тушунилиши лозим. Чунки унинг алоҳида сўзлари арабча сўз сифатида идрок этилиши ва арабча лафзларни ўз ичига олган грамматика деб қаралиши керак. Шунингдек, алоҳида сўзлар сўз бирикмаларида ишлатилишини ва сўз бирикмалари сўз бирикмалари сифатида ишлатилишини англаш вожиб. У арабча сўз бирикмаларида алоҳида сўзларнинг ишлатилиши ёки сўз бирикмаларини жумла деган нуқтаи назардан араб тилида қўлланишини идрок этиш лозим. Бундан ташқари, Қуръондаги хитоб ва сўз одобидаги юксак завқни айнан араблар каломидаги хитоб ва сўз одобидаги юксак завқни олиш жиҳатидан арабча йўсинда идрок қилмоқ лозим. Агар шуларнинг барчаси идрок этилса, яъни Қуръоннинг воқеси мана шундай асосда муфассал идрок этилсагина уни тафсир қилиш мумкин, акс ҳолда бу ишни удалаб бўлмайди. Чунки Қуръоннинг ҳаммаси сўзлар ва иборалардан иборат. Демак, Қуръонни арабча сўз ва арабча ибора деган сифатда тафсир қилиш уни тил жиҳатидан арабларнинг воқесини идрок қилишга боғлиқ.

وَكَذَلِكَ أَنْزَلْنَا قُرْآنًا عَرَبِيًّا

– „Шунингдек Биз уни арабий Қуръон қилиб туширдик“, [20:113]

وَكَذَلِكَ أَنْزَلْنَا حُكْمًا عَرَبِيًّا

– „Шунингдек, Биз у (Қуръон)ни арабий ҳукм ҳолида нозил қилдик“. [13:37]

Қуръоннинг воқеси ва у мувофиқ келган Қуръоннинг лафз ва маънолари жиҳатидан шундайдир. Аммо Қуръон олиб келган мавзу Оллоҳдан инсон фарзандига Расулulloҳ ﷺ етказган рисолатдир. Қуръонда рисолатга боғлиқ бўлган барча ақида, аҳком, башорат, огоҳлантириш, қиссалар, панду насиҳат, гуноҳдан тийилиб жаннатга шавқ уйғотиш учун

қиёмат куни манзараларини тасвирлаш, тафаккур учун ақлий масалалар, иймон келтириш, амал қилиш учун ҳис этиладиган ишлар ва ақлан таниладиган (ҳис этилмайдиган) ғайбий нарсалар ва бошқа инсон боласига умумий рисолат тақозо этган масалалар мавжуд. Буларни фақат Расулulloҳ ﷺ олиб келган тариқат орқалигина ўрганиш мумкин. Оллоҳ Таоло Қуръонни Расулulloҳ ﷺ одамларга етказиши учун нозил этганини зикр қилган:

وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الذِّكْرَ لِتُبَيِّنَ لِلنَّاسِ مَا نُزِّلَ إِلَيْهِمْ ﴿٤٤﴾

– „Сизга эса одамларга нозил қилинган нарсаларни баён қилиб беришингиз учун бу эслатмани - Қуръонни нозил қилдик“. [16:44]

Расулulloҳ ﷺнинг тариқатлари Суннатдир, яъни Расулulloҳ ﷺдан ривоят қилинган сўзлар, амаллар ва сукутлари. Бундан келиб чиқадики, Қуръонни тафсир қилишдан аввал ва тафсир қилаётган вақтда ҳам Расулulloҳ ﷺнинг Суннатларидан хабардор бўлиш зарур. Чунки Расулulloҳ ﷺнинг Суннатларидан хабардор бўлмай туриб, Қуръоннинг мавзусини тушуниш мумкин эмас. Суннатдан хабардор бўлишда, унинг санадини билишдан қатъий назар, матнини тушуниш вожиб. Бошқача айтганда, Суннатнинг сўзларини ёдлаш эмас, балки ундаги фикрларни идрок этиш лозим. Муфассир ҳадисни аниқлаётганида унинг саҳиҳлигига ишонса, унинг сўзларини ёдлашга ҳамда санад ва ровийларини билишга аҳамият бермаслигининг зарари йўқ. Муҳими, у ҳадиснинг мазмунини идрок этиши лозим. Чунки тафсир Суннатнинг санадига, лафз ва ровийларга эмас, мазмунига боғлиқ. Демак, Қуръоннинг тафсири вужудга келиши учун Суннатни чуқур англаб етиш вожиб. Демак, Қуръонни тафсир қилиш учун аввало Унинг воқесини муфассал ўрганиш ҳамда бу воқе мос келадиган лафз ва маъноларни билиш, сўнгра унинг баҳс мавзуини идрок этиш даркор. Умуман идрок этишнинг ўзи етарли эмас, балки куллий ва жузъий жиҳатидан муфассал идрок этиш лозим. Бундан идрок этишни тасаввур қилиш мақсадида Қуръоннинг алоҳида сўзлари ва сўз бирикмалари ва уларнинг ишлатилиш жиҳатидан ҳамда араб тилидаги адабий нуқтаи назаридан Қуръоннинг воқесини қандай қилиб муфассал идрок этишга эътибор қаратмоқчимиз.

Қуръоннинг воқеси алоҳида сўзлари жиҳатидан текширилса, унда ҳақиқий луғавий маъно ва мажозий луғавий маъно мувофиқ келадиган сўзлар мавжудлигининг гувоҳи бўламиз. Гоҳида луғавий ва мажозий маъно бирга ишлатилиши мумкин бўлиб, кўзда тутилган маъно сўз бирикмасидаги қарина орқали билинади. Гоҳо луғавий маънога аҳамият бермай, мажозий маъно ишлатилади ва ундан мақсад луғавий эмас, мажозий маъно бўлади. Баъзан Қуръонда алоҳида сўзлар фақат луғавий маънода келиб, мажозий маънода ишлатилмаганининг гувоҳи бўламиз, чунки бунда луғавий маънодан бурадиган қарина мавжуд эмас. Қуръонда яна шундай алоҳида сўзлар мавжудки, луғавий маънога ва янги шаръий маънога мос келади, ҳақиқий ва мажозий луғавий маънога эмас, ва турли оятларда ҳам луғавий маънода, ҳам шаръий маънода ишлатилади. Бу иккаласининг қайси бирдан асл маъно кўзланганини оятнинг сўз

бирикмалари белгилайди ёки фақат шаръий маъно мос келиб, у луғавий маънода ишлатилмайди. Масалан, Оллоҳ Таолонинг:

حَتَّىٰ إِذَا أَتَىٰ أَهْلَ قَرْيَةٍ

– „То бир шаҳар аҳлининг олдига келиб“, [18:77]

أَخْرَجْنَا مِنْ هَذِهِ الْقَرْيَةِ

– „... бу шаҳардан озод қил“, [4:75]

деган каломидаги шаҳар сўзи фақат луғавий маънода ишлатилган. Гоҳида шаҳар сўзи мажозий маънода ишлатилади. Масалан, Оллоҳ Таолонинг:

وَأَسْأَلُ الْقَرْيَةَ الَّتِي كُنَّا فِيهَا

– „Биз бўлиб қайтган шаҳардан сўраб суриштиргин“, [12:82]
оятда эса шаҳар эмас, шаҳар аҳли сўралади ва у мажозий маънода ишлатилган. Оллоҳ Таоло:

وَكَأَيِّنْ مِنْ قَرْيَةٍ عَتَتْ عَنْ أَمْرِ رَبِّهَا

– „Қанчадан-қанча қишлоқ-шаҳарлар борки, ўз Парвардигорлари амридан бош тортгандирлар“ [65:8]
дан ҳам шаҳар аҳли ирода қилинган. Шунга ўхшаш яна Оллоҳ Таолонинг:

أَوْ جَاءَ أَحَدٌ مِنْكُمْ مِنَ الْغَائِطِ

– „Агар сизлардан биров ҳожатхонадан чиққан бўлса“ [5:6]
деган каломида «ғойт» пастлик жой деган асл маъносидан ҳожат чиқарадиган мажозий маънога бурилган, чунки ҳожат чиқариш учун паст жойга борилади, демак мажозий маънони ишлатиш устун келиб, ҳақиқий маъно унутилди. Оллоҳ Таолонинг ушбу:

فَأَحْكُمَ بَيْنَهُمْ بِالْقِسْطِ

– „Ўрталарида адолат билан ҳукм қилинг“, [5:42]

وَأَقِيمُوا الْوَزْنَ بِالْقِسْطِ

– „Ўзаро олди-берди муомалаларингизда тўғри, адолат билан тортинглар“, [55:9]
деган оятларида луғавий маъноларгина ишлатилади, бошқа маъно олинмайди. Яна Оллоҳ Таолонинг:

وَيَسَابِكْ فَطَهَّرْ

– „Либосларингизни пок тутинг!“ [74:4]
деган оятда ҳам луғавий маъно ирода қилинди, у кийимни нажосатдан поклаш, чунки «туҳр», «тоҳир» сўзи луғатда нажосатнинг зидди поклик, сув билан ювиб поклаш ҳамда ифлосдан тозалаш маъноларида келган. Оллоҳ Таолонинг:

وَإِنْ كُنْتُمْ حُبًّا فَاطَّهَّرُوا

– „Агар жунуб бўлсаларингиз, чўмилингиз!“ [5:6]

لَا يَمَسُّهُ إِلَّا الْمُطَهَّرُونَ

– „Уни фақат таҳоратли - пок кишиларгина ушларлар“, [56:79]
 деган сўзларида луғавий маъно нажосатни кетказиш, бу маъно ушбу ўринда ишлатилмайди, чунки мўмин нажас бўлмайди, демак бошқа маъно, яъни таҳоратсизликни кетказиш деган маъно ишлатилади. «Фаттахҳару» деганда таҳоратсизликни кетказинглар деб тушунилади, «алмутаҳҳарун» деганда таҳоратсизликдан пок кимсалар тушунилади. Чунки катта ва кичик таҳоратсизликдан тозаланишни шаръан таҳорат деб аталади. Расулulloҳ ﷺ: «Оллоҳ таҳоратсиз намозни қабул қилмайди», деганлар. Оллоҳ Таолонинг:

أَرَأَيْتَ الَّذِي يَنْهَى ۙ عَبْدًا إِذَا صَلَّى ۙ

– „*(Эй инсон), бир бандани (яъни Муҳаммад ﷺ) намоз ўқиган вақтида (намозидан) тўсадиган кимсани кўрдингми?!*“ [96:9-10]
 деган сўзидан шаръий маъно ирода қилинди.

يُصَلُّونَ عَلَى النَّبِيِّ ۚ

– „*Пайғамбарга дуою саловот айтурлар*“, [33:56]
 деган сўзидан дуо ҳисобланган луғавий маъно кўзда тутилган. Оллоҳ Таолонинг:

فَإِذَا قُضِيَتِ الصَّلَاةُ ۙ

– „*Энди қачон намоз адо қилингач*“, [62:10]

يَا بَنِي أَقِمِ الصَّلَاةَ ۚ

– „*Эй ўғилчам, намозни тўқис адо эт*“, [31:17]
 каби салот сўзи зикр этилган барча оятларда фақат шаръий маъно ирода қилинган.

Бу алоҳида сўзлар жиҳатидан. Аммо сўз бирикмалари жиҳатидан олганда араб тили бир неча маънони билдиради. Агар у алоҳида сўз маъноси жиҳатидан ҳам ёки сўз бирикмалари маъноси жиҳатидан ҳам текширилса, у икки ҳолатдан нарига ўтмайди. Биринчи ҳолатда лафзлар мутлақ маънони билдирувчи лафзлар ва иборалардан иборат бўлиб, улар лафзнинг асл мазмунидир. Иккинчи ҳолат эса лафзлар мутлақ лафз ва мутлақ ибораларга хизмат қиладиган маънони билдирувчи иборалар ва лафзлар сифатида бўлади ва уларнинг эргашувчи мазмуни ҳисобланади. Биринчи ҳолатни олиб қараганда, тилда алоҳида сўзлар ичида омонимлар бўлади, масалан, айн, қадар, руҳ ва шунга ўзшаш сўзлар. Яна алоҳида сўзлар ичида синонимлар бўлади. Масалан, «жоа», «ато» - келди, «асад», «қасвара» - шер, «занна», «заъама» - ўйлади ва ҳоказо. Алоҳида сўзлар ичида бир-бирига зид антоним сўзлар бўлади. Масалан, «қуруъ» сўзи ҳайз ва поклик учун, «азр» сўзи ёрдам ва маломат сўзларига ҳам қўлланилаверади. Гапдан кўзланган маънони тушуниш учун сўз бирикмасини тушуниши керак. Гаптаги маънони луғат қомусларига мурожат қилиш билангина тушуниб бўлмайди, балки шу сўз келган сўз бирикмасини билиш лозим, чунки сўздан кўзда тутилган маънони айнан сўз бирикмасигина ифодалайди. Бу лафзларни якка сўзларнинг сўз бирикмасига нисбатан қўллаш билан бирга сўз бирикмасининг ўзига

нисбатан ҳам қўллаш мумкин, чунки лафзлар мутлақ маънони ифодалайдиган мутлақ лафз ва иборалар бўлиб, бу унинг аслий мазмуни ҳисобланади, лекин бундан бошқа маъно билдирадиган қарина келмаган бўлса, демак лафздан мутлақ маъно кўзда тутилган ҳисобланади. Бу ҳол Қуръонда жуда кўп такрорланиб, асл мазмунда бўлгани учун мисол келтиришга ҳожат йўқ.

Иккинчи қисм шундан иборатки, сўз бирикмалари иборалар ва лафзлардан иборат мутлақ лафз ва ибораларга хизмат қилувчи маъноларга далолат қилади. Жумлада айтилган ҳар қандай хабар жумлада мўлжалланган нарсани баён қилиб беришни тақозо этади. Жумла шундай шаклда тузиладиган, хабар берувчи, хабар берилаётган нарса ва хабарнинг ўзига қараб мақсадни мавжуд ҳолатда ҳамда очиқ, яширинча, қисқача ёки узун баён қилиш каби бир неча услубда ифодалади. Масалан, хабар берилаётган шахсча эмас, хабарнинг ўзига эътибор берилса: «қома Зайдун» - Зайд турди деб хабар бериш билан бошлайсиз. Агар эътибор хабар берилаётган шахсга қаратиладиган бўлса; «Зайдун қома» - Зайдгина турди дейсиз. Саволга жавоб бериш учун ёки савол ҳолатида; «инна Зайдан қома» - албатта Зайд турди дейсиз. Зайднинг турганини инкор этаётган шахсга эса «вОллоҳи инна Зайдан қома» - Оллоҳга қасамки, албатта Зайд турди, Зайднинг туришини кутиб турган кимсага эса: «қад қома Зайдун» - Зайд туриб бўлди дейсиз ва бошқа шунга ўхшаш араб тили ибораларида мулоҳаза қилиниши лозим бўлган сўзлар билан ифодалайсиз. Қуръон бу икки нуқтаи назарни (яъни аслий ва эргашган далолатни) ўзига мужассам этган. Унда мутлақ маъноларни ифодаловчи мутлақ лафз ва иборалар мавжуд ҳамда муайян маънони ифодайдиган сўз ва иборалар турли йўналишдаги балоғат, етуклик билан келган. Айниқса Қуръонда эргашган далолат маъноларнинг мавжудлиги жуда ҳайратомуз ҳол. Қуръоннинг бир ва бир неча сураларида такрорланадиган оятлар ва оятларнинг қисмлари, шунингдек, такрорланган қиссалар ва жумлалар Қуръондаги кесимни мавзудан муқаддам қилиш, жумланинг оқимиға мувофиқ таъкидлаш ва булардан бошқа эргашган маънолари мужассам. Сиз бир оятни ёки оятнинг бир жузъини ёки қиссани бир сурада бошқача тарзда, иккинчи сурада бўлакча ва учинчи сурада иккаласига ҳам ўхшамайдиган шаклда келганини кўрасиз. Қуръонда бирор таъбир ўрнidan ўзгарса, масалан, хабар мубтадодан аввал келиши, хабарнинг таъкиди, баъзисини зикр қилиб, баъзисини тилга олмаслик ва шунга ўхшаш таъбирлар мавжуд бўлса, у билан етук ифода биргалашиб оятдаги лафзлар ва сўз бирикмаларининг мутлақ маъноларга хизмат қиладиган маънони юзага келтиради.

Булар араб тилидаги ва Қуръондаги сўз асосларининг маъноларга далолатлари ҳақида эди. Булар сўз бирикмаларидаги айрим сўзларга қараш жиҳатиданми, ёки жумладаги сўз бирикмалари жиҳатиданми, барибир. Аммо айрим сўзларнинг ёки сўз бирикмаларининг ишлатилишига келсак, бу борада Қуръон ўзи нозил бўлган араб тилига мосдир. Қуръон арабларни лол қолдирган бўлса-да, лекин ундаги гапнинг ишлатилиши арабларнинг одатдаги тилидан фарқланмайди. Қуръоннинг бу жиҳатдаги

воқеи араб тилининг воқеининг айнан ўзидир. Биз арабларни машҳур воқеаларига мурожаат қилиш орқали сўз бирикмасини сақлаш кўзда тутилганда, лафзларга риоя қилишни вожиб эмас, деб билишганини кўрамиз. Шунингдек, улар маъноларни ифодалаш мақсад бўлган ўринда бир лафздан бошқасига кўчишни лозим кўришмасди. Чунки маъноларни диққат билан ифодалаш уларни комил суратда ифодалайдиган лафзларни риоя қилишни тақозо этарди. Лекин улар бошқа нарсага риоя қилишмасди. Гоҳи маънолар лафзларга риоя қилмаган ҳолда фақат таркиб, яъни сўз бирикмасига қуриларди. Гоҳи таркибдаги, яъни сўз бирикмасидаги лафзларга қуриларди. Агар кўзланган маъно тўғри ифодаланса, баъзи лафзларнинг ўрнига унинг синонимини ёки унга яқин маънодаги лафзларни келтириш одат бўлган эди.

Ибн Жинний Йисо ибн Умардан ҳикоя қилиб айтадики: «Мен Зурруманинг шундай шеър ўқиётганини эшитдим (мазмуни):

Қуёшдан қуруқ қубор билан орқангни тўс,

Шамолдан фойдаланиб икки қўлингни унга парда қил!

Мен унга шеърни «боис» деб ўқигин десам, у «ёбис» ва «боис» бир хил маъно, деб жавоб берди». Аҳмад ибн Яҳёдан ҳикоя қилинади: «Ибнул Арабий менга шеър ўқиди. Мазмуни: тор ўринда ётишни хоҳламасман албатта, гўёки мен у жойда қўрқинч билан дўстлашиб. Шунда унинг дўстларидан бўлган бир олим шайх бундай эмас, сен бизга «зийқ» деб ўқиган эдинг, деганда у: «СубҳонОллоҳ, сен биз билан шунча вақтдан бери юриб, «зийр» билан «зийқ»нинг бир эканлигини билмайсанми?» деди». Дарҳақиқат, Қуръонда ҳам баъзи лафзлар ўрнига унинг синоними ёки унга яқин лафз ишлатилган. Масалан, Қуръондаги қироатларга:

﴿٤﴾ مَالِكِ يَوْمِ الدِّينِ

– „Жазо (қиймат) кунининг эгаси“, [1:4]

﴿١﴾ وَمَا يَخْدَعُونَ إِلَّا أَنْفُسَهُمْ

– „Ва фақат ўзларинигина алдайдилар“, [2:9]

﴿٥٨﴾ لِكَبْوَتِهِمْ مِنَ الْجَنَّةِ عُرْفًا

– „Албатта жаннатга жойлаштирурмиз“, [29:58]
ва булардан бошқа оятларда:

مَالِكِ يَوْمِ الدِّينِ

" وَمَا يَخَادَعُونَ إِلَّا أَنْفُسَهُمْ "

" لِكَبْوَتِهِمْ مِنَ الْجَنَّةِ عُرْفًا "

мувофиқ равишда келган. Мақсад лафзни ифодалаш бўлган пайтда айнан лафзнинг ўзини риоя қилиш арабларда одат бўлган эди. Ривоят қилинишича, ровийларнинг бири шеър ўқиганда (мазмуни): «Динингга қасамки, мен ҳеч қачон ҳалок бўлувчига йиғламасман ва етган мусибатларга жазаваланмасман», деб «молик» ўрнига «ҳолик»ни қўйиб ўқиганда, ровийларнинг бири ғазабланиб: «Ривоятда «молик» келган,

«ҳолик» эмас. Ривоят қилинган нарса «молик», мутлақ ҳалок бўлувчи шахс эмас эди», дейди.

Қуръони Каримда усиз маънони ифодалаш мушкул, рия қилиш лозим бўлган лафзлар бор. Оллоҳ Таоло айтади:

تِلْكَ إِذَا قَسَمَةٌ ضَيْرَى ﴿١٧﴾

– „У ҳолда бу адолатсиз тақсим-ку!“ [53:22]

Бу ердаги «зийзо» маъносининг синоними ёки яқин маънодаги лафз ифодалолмайди. «Золиматун» ё «жоиратун» каби синонимлар ҳам ифодалолмайди. Яна Оллоҳ Таолонинг:

إِنَّ أَنْكَرَ الْأَصْوَاتِ لَصَوْتُ الْحَمِيرِ ﴿١٩﴾

– „Чунки овозларнинг энг ёмони эшаклар овозидир“, [31:19]

бу ерда «ҳамийр» сўзини бошқа сўз ифодалолмайди, шу сабабли маънони сақлаш мақсадида таркиб, яъни сўз бирикмасида унинг лафзи рия қилинди. Бу лафзнинг ўзи билан ифодани муҳофаза қилиш ёки қилмаслик жиҳатидан олиб қаралгандаги ҳолат. Аммо алоҳида маънони ёритиб, уни муҳофаза қилиш ёки қилмаслик жиҳатидан олиб қаралганда, араблар хитобда маъноларга аҳамият бериш, маънолар учун лафзлар яроқли тузилганига биноан у асосий мақсад эди. Лекин жумланинг мақсади алоҳида бўлса, унинг маъноси билан бирга алоҳида сўзларга аҳамият бермоқ вожиб. Агар жумланинг мақсади таркибий, яъни сўз бирикмасининг маъноси бўлса, ўқувчига жумлани таркибий, яъни сўз бирикмасининг маъноси тушунарли бўлиши учун алоҳида маъноларга аҳамият берилмайди. Дарҳақиқат, Қуръон ҳам шу одатга амал қилган. Умар ибн Хаттоб Оллоҳ Таолонинг:

وَفَاكِهَةٌ وَأَبَا ﴿٢٠﴾

– „Мева-чеваю, ўт-ўланларни...“, [80:31]

оятининг маъноси сўралганда: «Биз қийнаиб чуқур кетишдан қайтарилганмиз», деган. Яъни, ундан сўз бирикмасининг маъноси кўзланган. Бу каби жумлаларда алоҳида маъноси ҳақида чуқур кетишдан қайтарилганмиз, деди. Лекин таркибий маъно алоҳида маънога боғлиқ бўлса, алоҳида маънога аҳамият бериш лозим. Шунинг учун Умар ибн Хаттоб минбарда туриб:

أَوْ يَأْخُذْهُمْ عَلَى تَخَوُّفٍ ﴿٤٧﴾

– „Уларни (Оллоҳнинг балоси) ушлаб қолишидан (қўрқмадиларми)?!“ [16:47]

оятини ўқиганида, тахаввуф сўзининг алоҳида маъноси ҳақида сўради. Шунда Ҳузайл қабиласидан бўлган бир киши туриб: Тахаввуф бизда танаққус, яъни камайиш», деб шеър ўқиди. Мазмуни: «Эгар икки ўрқачли туяни кичрайтиради, эговлайди худди эгов камоннинг ёғочини кичрайтиргани каби». Ҳузайл қабиласидан бўлган киши шеър ўқиб, шарҳлаб бергач, Умар: «Эй инсонлар, жоҳилиятдаги шеърларингизнинг девонини маҳкам ушланглар, чунки унда Қуръонингиз тафсири бор», деди.

Бундан ташқари, Қуръон сўзлашув пайтида олий одоб риоя қилиш кўзланадиган ифодаларни риоя қилади. Зеро, Оллоҳ Таолодан бандаларига ҳамда бандаларидан Оллоҳ Таолога бўлган нидони ё ҳикоя қилиш учун, ёки таълим бериш учун келтирди. Оллоҳ Таоло томонидан бандаларига нидо қилинганида, банда Оллоҳдан узоқлигини сездириш мақсадида узоқликни ифодаловчи нидо, яъни ё ҳарфини келтирди. Масалан, Оллоҳ Таолонинг:

يَا عِبَادِ الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّ أَرْضِي وَاسِعَةٌ ﴿٥٦﴾

– „Эй иймон келтирган бандаларим, шак-шубҳа йўқки, Менинг ерим кенг, каттадир“, [29:56]

قُلْ يَا عِبَادِ الَّذِينَ اسْرَفُوا عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ ﴿٥٧﴾

– „(Эй Мухаммад), Менинг ўз жонларига (турли гуноҳ-маъсиятлар билан) жиноят қилган бандаларимга айтинг“, [39:53]

قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا ﴿١٥٨﴾

– „Эй одамлар, албатта мен сизларнинг барчангизга Оллоҳ (юборган) элчиман, - деб айтинг“, [7:158]

يَا أَيُّهَا النَّاسُ ﴿١٥٨﴾

– „Эй одамлар“, [7:158]

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا ﴿١٤٠﴾

– „Эй мўминлар“, [2:104] каби сўзлари Оллоҳнинг бандаларига нидоси. Аммо бандаларининг Оллоҳга бўлган нидоси эса нидо, яъни ё ҳарфидан холи ҳолда келди. Масалан, Оллоҳ Таолонинг ушбу сўзлари:

رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا إِن نَّسِينَا أَوْ أَخْطَأْنَا رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْ عَلَيْنَا إصْرًا كَمَا حَمَلْتَهُ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِنَا

رَبَّنَا وَلَا تُحَمِّلْنَا مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِ ﴿٢٨٦﴾

– „Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифторм айлама! Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг бўйинларига қўйган юкингни юклама! Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама!“ [2:286]

رَبَّنَا إِنَّا سَمِعْنَا مُنَادِيًا يُنَادِي لِلْإِيمَانِ ﴿١٧٢﴾

– „Парвардигоро, албатта биз: «Парвардигорингизга иймон келтирингиз!», деб иймонга чорлаган жарчи (Мухаммад ﷺ)нинг нидоларини эшитдик“, [3:193]

رَبَّنَا لَا تُزِغْ قُلُوبَنَا بَعْدَ إِذْ هَدَيْتَنَا ﴿٨﴾

– „Парвардигоро, бизни ҳидоят қилганингдан кейин, энди дилларимизни ҳақ йўлдан оғдирма!“ [3:8]

قَالَ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ اللَّهُمَّ رَبَّنَا أَنْزِلْ عَلَيْنَا مَائِدَةً مِنَ السَّمَاءِ ﴿١١٤﴾

– „(Шунда) Ийсо ибн Марям: «Эй танграм, парвардигор, бизга осмондан бир дастурхон нозил қилгинки, ...», деди“. [5:114]

Буларнинг барчаси бандага Оллоҳнинг яқинлигини сездириш учун узоқликни ифодаловчи ё ҳарфидан холи келган. Чунки ё ҳарфи огоҳлантиришни ифодалайди. Нидо қилинганда банда огоҳлантиришга муҳтож бўлади, Оллоҳ Таоло бундай эмас. Яна Қуръон ундан олий одобни сақлаш кўзланган ишларни очиқ зикр қилмай, истиора йўлини тутди. Худди қўшилишни либос ва шуғулланиш дегандек, Оллоҳ Таоло айтади:

هٰن لِيَّاسُ لَكُمْ وَأَنْتُمْ لِيَّاسُ لَهُنَّ ﴿١٧٧﴾

– „Улар сизларнинг либосингиз, сизлар улар учун либоссиз“, [2:187]

وَلَا تَبَاشِرُوهُنَّ وَأَنْتُمْ عَاكِفُونَ فِي الْمَسَاجِدِ ﴿١٧٧﴾

– „Масжидларда эътикофда бўлган чоғингизда (кечалари ҳам) улар (хотинларингиз) билан қўшилманг!“ [2:187]

Ҳожатни ўташни ўзининг ушбу сўзи билан ифодалаган:

كَأَنَّا يَا كَلَانَ الطَّعَامَ ﴿٧٥﴾

– „Иккалалари ҳам таом ер эдилар“. [5:75]

Мана шулардан яна Қуръон ҳолат тақозо қилса, бандага нисбатан ғойбдан ҳозирга келиш одоби ҳақида хабар беради. Масалан, Оллоҳ Таолонинг сўзи:

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٢﴾ الرَّحْمَانِ الرَّحِيمِ ﴿٣﴾ مَا لِكَ يَوْمَ الدِّينِ ﴿٤﴾

– „Ҳамду сано бутун оламлар хожаси, меҳрибон ва раҳмли, жазо (қиймат) кунининг эгаси - подшоҳи бўлмиш Оллоҳ учундир“, [1:2-4] сўнг ғойбдан хитобга ўтиб:

إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ ﴿٥﴾

– „Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад сўраймиз“, [1:5] яна бир мисол:

حَتَّىٰ إِذَا كُنْتُمْ فِي الْفُلِكِ وَحَرَّتْ بِهِمْ بَرِّيْحٌ طَيِّبَةٌ ﴿٢٢﴾

– „То сизлар кемаларда бўлган вақтларингизда ва у (кемалар) хуш ел билан уларни...“, [10:22]

кейинги оятда хитобдан ғойбга ўтади. Яна Оллоҳ Таолонинг ушбу сўзи:

عَبَسَ وَتَوَلَّىٰ ﴿١﴾ أَنْ جَاءَهُ الْأَعْمَىٰ ﴿٢﴾

– „У (Пайғамбар) ўзининг олдига кўзи ожиз киши келгани учун қош чимирди ва (ундан) юз ўгирди“, [80:1-2]

даги койиш ғойб тақозо қиладиган ҳолда келди, лекин оят Расулulloҳ ﷺ га нозил бўлган эди. Расулulloҳ ﷺ га булар хитоб бўлиши керак эди. Сўнг кейинги оятларда Расулulloҳ ﷺ га хитоб қилина бошланди:

وَمَا يُدْرِيكَ لَعَلَّهُ يَزَّكَّىٰ ﴿٢﴾

– „(Эй Муҳаммад), сиз қаердан билурсиз, эҳтимол у (сиздан ўрганадиган илму маърифати ёрдамида ўз гуноҳларидан) покланар“. [80:3]

Мана бу хитобдан ғойбга, ғойбдан хитобга ўтиш одоби риоя қилиш учун бўлган. Зеро, ғойбдан кейинги хитобда иккинчи маънони кучайтириш ёки аввали маънони нафсга ғойбликда келтирилганда енгиллаштириш бор. Масалан, Оллоҳга шукр қилишда, ҳамду сано айтишда одоб ғойбни тақозо қилди, ибодатда, заифликни кўрсатишда хитоб афзалроқ. Койиш койинганга енгил бўлиши учун ғойб хитобдан кўра яхшироқ. Бунга яна бир мисол, гарчи Оллоҳ Таоло барча нарсаларни яратган бўлса-да, ўзига ёмонликни нисбат беришликда оят келтирмаслик билан бизга таълим берди. Масалан, Оллоҳ Таоло «биядикал хайр», яъни «барча яхшилик сенинг қўлингда» деб кифояланиб, «биядиқаш шарр», яъни «барча ёмонлик сенинг қўлингда», демади. У бу оятлардан кейин келган эди.

قُلِ اللَّهُمَّ مَالِكَ الْمُلْكِ تُؤْتِي الْمُلْكَ مَنْ تَشَاءُ وَتَنْزِعُ الْمُلْكَ مِمَّنْ تَشَاءُ وَتُعْزِزُ مَنْ تَشَاءُ وَتُذِلُّ مَنْ تَشَاءُ بِيَدِكَ الْخَيْرُ إِنَّكَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿٣٦﴾

– „Айтинг: «Эй мулку давлат эгаси бўлган Оллоҳим, сен истаган кишингга мулк ато қилурсан ва истаган кишингдан бу мулкни тортиб олурсан, истаган кишингни азиз қилурсан ва истаган кишингни хор қилурсан. Бор яхшилик ёлғиз Сенинг қўлингдadir. Албатта Сен барча нарсага қодирсан»“.

Шу билан бирга оят оқими «барча ёмонлик сенинг қўлингда» деб турибди. Чунки Оллоҳнинг феълларига келтирилган насс инсон эътиборига кўра яхши ва ёмон; мулкни бериш, шахсни азиз қилиш, инсонга нисбатан яхши, мулкни олиб қўйиш шахсни хорлаш, инсонга нисбатан ёмон. Оллоҳ Таоло бу ишларни ўзига нисбатан қилишни айтди ва оятнинг ниҳоясида шундай деди:

إِنَّكَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿٣٦﴾

– „Албатта Сен барча нарсага қодирсан“.

[3:26]
Бу яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам ўз ичига олади. Лекин биз хитоб одобини ўрганишимиз учун бизга таълим бериб, «барча яхшилик сенинг қўлингда» деб, «барча ёмонлик сенинг қўлингда» демади. Буларнинг барчаси олий одоблар риоя қилиниши кўзланган ифодалар билан баён этиш бўлиб, у арабларнинг сўзларидаги хитоб ва шеърда келган машҳур одатлардан эди. Қуръон ўзининг лафз ва ибораларида шундай ҳолда арабларнинг лафзлари, иборалари, сўзларидаги машҳур одатлардан ташқарига чиқмайди. Араблардаги хос нарсаларни энг олий даражадаги балоғатли сўзлар билан қамраб олади. Қуръоннинг воқеи соф арабийдир. Ажамий беғона тилларнинг унга алоқаси йўқ. Шу сабабли Қуръонни тушунишни хоҳловчи киши унга араб тили орқали ёндашиши, уни тушунишни бошқа тил ва воситалардан қидирмаслиги лозим. Шу боис, Қуръоннинг лафз ва иборалари, мазмунлари, таркиб, яъни сўз бирикмалари фақат араб тилида тафсир қилинмоғи лозим. Араб тили кўрсатган ҳамда арабларнинг одатлари тақозо этган нарса билан ҳам Қуръон тафсир қилинади. Лекин бу жиҳатдан фақат араб тили тақозо этган нарса билангина тафсир қилиниши мумкин. Бунинг тариқати эса

соф араб сўзамолларидан ишончли киши ёдлаб, айтиб берган ишончли ривоятдир.

Шунга биноан, алоҳида сўзлар ва сўз бирикмалари лафз ва иборалар жиҳатидан тафсир қилиш фақат араб тилига хос бўлиб, бошқа тил билан мутлақо мумкин эмас. Буни шу жиҳатдан Қуръон воқеси тақозо этади.

Қуръондаги намоз, рўза каби шаръий маънолар, судхўрликнинг ҳаромлиги ва савдонинг ҳалоллиги каби шаръий аҳкомлар ҳамда фаришталар ва шайтонлар каби шаръий воқега эга фикрлар кўплаб оятларда қисқача баён этилган. Расулulloҳ ﷺ уни муфассал қилганлар. Баъзи жойларда умумий келган бўлиб, Расулulloҳ ﷺ уни хослаганлар ва айрим жойда мутлақ келган бўлса, Расулulloҳ ﷺ уни чеклаганлар. Оллоҳ Таоло Қуръонни баён қилувчи Расулulloҳ эканлигини хабар берди.

وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الذِّكْرَ لِتُبَيِّنَ لِلنَّاسِ مَا نُزِّلَ إِلَيْهِمْ

– „Сизга эса одамларга нозил қилинган нарсаларни (яъни, шариат аҳкомларини) баён қилиб беришингиз учун бу эслатмани - Қуръонни нозил қилдик“.

[16:44]

Шу жиҳатдан Қуръонни тушунишда Расулulloҳ ﷺнинг алоҳида сўзлар ва сўз бирикмалари ҳақида айтганларини ўрганишга зарурат бор, бу баён хослаш учунми, чеклаш учунми ёки муфассал қилиш учунми, фарқи йўқ. Шунинг учун Қуръонни тушуниш учун унга тааллуқли Суннатни ёки мутлақ Суннатни албатта ўрганиш лозим. Чунки Суннат Қуръон учун баён ҳисобланиб, у орқали Қуръондаги маънолар, аҳком ва фикрлар билинади. Шунинг учун Қуръонни мукамал тушуниш учун фақат араб тилинигина эмас, Суннатни ҳам билиш зарур. Гарчи айрим сўз ва сўз бирикмаларини лафз ва ибора жиҳатидан тушунишда араб тилига мурожаат қилинса ҳам, лекин Қуръоннинг ҳаммасини тушунишда Суннат билан араб тилини билиш муҳим. Қуръонни тафсир қилиш учун эса ҳар иккиси мужассам бўлмоғи зарур. Аммо Қуръонда келган набийлар ва расуллар ҳамда ўтмишдаги умматлар ҳақидаги воқе ва қиссаларга келса, саҳиҳ ҳадис келган бўлса олинади, бўлмаса фақат Қуръондаги оятнинг мажмуи билан чекланади, бу икки тариқатдан бошқасини қўллаш мумкин эмас. Қуръондаги айрим сўз ва сўз бирикмаларини қиссалар орқали тушуниш учун Таврот ва Инжилга мурожаат қилинмайди, чунки ушбу китобларнинг бунга алоҳаси йўқ. Қуръоннинг маъноларини Расулulloҳ ﷺ очиқ баён қилганлар, Таврот ва Инжил эмас. Демак, Қуръоннинг қиссаларини ва ўтган умматлар хабарларини тушунишда Таврот ва Инжилга мурожаат қилишимиз мумкин эмас. Шунингдек, Таврот ва Инжилдан бошқа китобларга ҳам мурожаат қилинмайди. Чунки мақсад «муайян қиссани тўғри деб фараз қилишга мана бу кучлироқ манба бўла олади», деб қиссани шарҳлаш эмас, бу ерда гап биз бутун олам раббисининг сўзлари деб эътиқод қилган муайян ибораларнинг шарҳи ҳақида. Шундай экан, бу ибораларнинг мазмунини луғат келтирган ва у англаган маъно нуқтаи назаридан келиб чиқиб ҳамда ундаги шаръий истилоҳни ўрганмоғимиз вожиб. Истилоҳ эгаси Расулulloҳ ﷺ бўлиб, Оллоҳ Қуръонни одамларга етказишлари учун у кишига нозил қилди. Шу

жиҳатдан Таврот, Инжил ва бошқа китоблардан олинган ҳар қандай сўзни Қуръоннинг тафсирига яқинлаштирмаслик лозим. Агар уларни Оллоҳнинг каломига маъно беради деб ўйласак, бу Оллоҳ Таолога тухмат бўлади.

Аммо қадимги ва ҳозирги кўпчилик одамлар Қуръон илм-фан, саноат ва ихтироларни ўз ичига олган деб ўйлашлари ва табиат, кимё ва мантиқ каби илмларни Қуръонга қўшиб юбораётгани асоссиз гап, унинг ёлғонлигини Қуръоннинг воқеси исботлайди. Чунки Қуръон улар ўйлаган бирорта илмни мақсад қилмаган. Унинг ҳар бир ояти Оллоҳнинг буюклигидан далолат берувчи фикрлар ва бандаларнинг амалларини муолажа қиладиган аҳкомлардан иборат. Улар айтаётган илмлар Қуръон оятларида мавжуд эмас. Оллоҳ Таолонинг:

اللَّهُ الَّذِي يُرْسِلُ الرِّيَّاحَ فَتَنِّيهِمْ سَحَابًا ﴿٤٨﴾

– „Оллоҳ шундай зотдирки, шамолларни юборур, бас улар булутни ҳайдар“, [30:48]

деган оятидаги илмий назария ва илмий ҳақиқатларга мос келиши мумкин бўлган сўзлар, илмий жиҳатларнинг исботи учун эмас, Оллоҳнинг қудратига далолат қилиш учун келган. Аммо:

وَنَزَّلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ تَبْيَانًا لِّكُلِّ شَيْءٍ ﴿٤٩﴾

– „Сизга ҳамма нарсани баён қилиб берувчи Китоб - Қуръонни нозил қилдик“, [16:89]

деган оятидаги «ҳар бир нарса»дан мақсад бандага юкланган ибодат ва бурчлардан иборатлиги мазмундан аён бўлади. Бу вазифалар Расулulloҳ ﷺ инсонларга етказган вазифалар мавзуга тааллуқли. Оятнинг иборасида:

وَيَوْمَ نَبْعَثُ فِي كُلِّ أُمَّةٍ شَهِيدًا عَلَيْهِمْ مِنْ أَنْفُسِهِمْ وَجِئْنَا بِكَ شَهِيدًا عَلَىٰ هَؤُلَاءِ وَنَزَّلْنَا عَلَيْكَ

الْكِتَابَ تَبْيَانًا لِّكُلِّ شَيْءٍ وَهُدًى وَرَحْمَةً وَبُشْرَىٰ لِلْمُسْلِمِينَ ﴿٤٩﴾

– „(Қиёмат кун) ҳар бир уммат орасидан ўзларидан бўлган бир гувоҳни (яъни, пайғамбарни) келтирурмиз. Сизни эса (эй Мухаммад), ана у (ўз умматингизга) гувоҳ қилиб келтирдик ва сизга ҳамма нарсани баён қилиб берувчи, ҳидоят, раҳмат ва мусулмонлар учун хушхабар бўлган Китобни - Қуръонни нозил қилдик“, [16:89]

келган. Бу оятда Оллоҳ расулини умматига гувоҳ қилишининг маъноси Расулulloҳ умматга етказган нарсаларига гувоҳлигидир. Оятдаги Қуръон ҳар бир нарсани баён қилиши ҳамда у мусулмонлар учун ҳидоят, раҳмат ва башорат бўлишининг маъноси эса на табиат, на мантиқ ва на жуғрофия илмларига дахлдор эмаслигини кўрсатади. Бу рисолатга тааллуқли бўлиб, оятдаги «баён қилиш» сўзи ибодат ва эътиқодни англатади, «ҳидоят» сўзи эса инсонларни тўғри йўлга етаклашни, «раҳмат» сўзи уларни залолатдан қутқариш ва «бушро» жаннатни ва Оллоҳнинг розилигини ифодалайди. «Ҳар бир нарса учун баён» сўзи эса Исломдаги ишларни англатади. Оллоҳ Таолонинг «ал-китоб» деган каломидан Лавҳул мафҳуз ирода қилинган ва бу Оллоҳ Таолонинг илмидан киноядир. Қуръонда айтилган китобун сўзи омоним бўлиб, уни оятда келган сўз бирикмалари тафсир қилади. Қачон Оллоҳ Таоло «китобун» деса, Қуръон кўзда тутилган бўлади. Баъзан

«китабун» сўзи «китабатун», яъни ёзиш маъносини билдиради. Лекин Оллоҳ Таоло:

وَعِنْدَهُ أُمُّ الْكِتَابِ ﴿٣٨﴾

– „Асл Китоб (яъни барча нарсаларнинг билими) Унинг даргоҳидадир“, [13:39]

деса, шунингдек:

كَانَ ذَلِكَ فِي الْكِتَابِ مَسْطُورًا ﴿٦﴾

– „Бу Китобда (яъни, Лавҳул маҳфузда) битиб қўйилган (ҳукмдир)“, [33:6]

مَا فَرَطْنَا فِي الْكِتَابِ ﴿٣٨﴾

– „Китобда (яъни тақдири азал китобида) бирон нарсани қўймай ёзганмиз“, [6:38]

لَوْلَا كِتَابٌ مِّنَ اللَّهِ سَبَقَ ﴿٦٨﴾

– „Агар Оллоҳнинг ҳукми азалийсида ёзиб қўйилмаганда эди“, [8:68]

إِلَّا فِي كِتَابٍ مُّبِينٍ ﴿٥١﴾

– „Очиқ Китобда (яъни Оллоҳнинг илми азалийсида) мавжуддир“, [6:59]

كُلٌّ فِي كِتَابٍ مُّبِينٍ ﴿٦﴾

– „Ҳамма нарса очиқ-равшан Китобда бордир“, [11:6]

وَلَا يَنْقُصُ مِنْ عُمُرِهِ إِلَّا فِي كِتَابٍ ﴿١١﴾

– „Магар (буларнинг барчаси) Китобда (яъни Лавҳул маҳфузда битилган бўлур)“, [35:11]

деган сўзларни айтса, улардаги «китабун» сўзи Оллоҳнинг илмини билдиради. Оллоҳ Таолонинг «ал-китаб» сўзи Лавҳул маҳфузни англатиб, бундан Оллоҳнинг илми ирода қилинди.

مَا فَرَطْنَا فِي الْكِتَابِ مِنْ شَيْءٍ ﴿٣٨﴾

– „Китобда (яъни тақдири азал китобида) бирон нарсани қўймай ёзганмиз“, [6:38]

деган сўзи ҳам Оллоҳнинг илми эканлигидан далолат беради, чунки оятнинг ҳаммасида:

وَمَا مِنْ دَابَّةٍ فِي الْأَرْضِ وَلَا طَائِرٍ يَطِيرُ بِجَنَاحَيْهِ إِلَّا أُمَمٌ أَمْثَالُكُمْ مَا فَرَطْنَا فِي الْكِتَابِ مِنْ شَيْءٍ ﴿٣٨﴾

– „Ерда судралиб юрган ҳар бир жонивор, осмонда қанот қоқаётган ҳар бир қуш худди сизлар каби (Бизнинг қўл остимиздаги) жамоалардир. Китобда (яъни тақдири азал китобида) бирон нарсани қўймай (ёзганмиз)“, [6:38]

деган бўлса, шу жумладан:

لَا يُغَادِرُ صَغِيرَةً وَلَا كَبِيرَةً إِلَّا أَحْصَاهَا ﴿٤٩﴾

– „На кичик ва на катта (гуноҳни) қолдирмай, барчасини ҳисоблаб-битиб қўйибди“, [18:49]

деган иккинчи оятнинг далилида ҳам, яъни «Анъом» сурасида «илла фи китаб» келган, бу оятда ҳам:

وَعِنْدَهُ مَفَاتِحُ الْغَيْبِ لَا يَعْلَمُهَا إِلَّا هُوَ وَيَعْلَمُ مَا فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ وَمَا تَسْقُطُ مِنْ وَرَقَةٍ إِلَّا يَعْلَمُهَا

وَلَا حَبَّةٌ فِي ظِلْمَاتِ الْأَرْضِ وَلَا رَطْبٌ وَلَا يَابِسٌ إِلَّا فِي كِتَابٍ مُبِينٍ ﴿٥٩﴾

– „Ғайб очқичлари Унинг ҳузурдадирким, уларни ёлғиз Ўзигина билур. У қуруқлик ва денгиздаги бор нарсаларни билур. Бирон барг шохидан узалиб тушмас, магар У билур. Ер тубларидаги ҳар бир дон, бор ҳўлу қуруқ нарса, албатта, Очиқ Китобда (яъни Оллоҳнинг илми азалийсида) мавжуддир“, [6:59]

бу оятларнинг барчаси шундан далолат берадики, улардаги «ал-китаб» сўздан Қуръон кўзда тутилмаган, балки Лавҳул махфуз ирода қилиниб, Оллоҳнинг илмидан киноядир. Демак, Қуръон илм-фанни ўз ичига олганлигига ҳеч қандай далил йўқ. Қуръон илм излашдан холи, чунки унинг айрим сўзлари ҳам, сўз бирикмалари ҳам бундан далолат бермайди ҳамда Расулulloҳ ﷺ ҳам уни айтмадилар. Бу Қуръоннинг воқеси бўлиб, очиқ кўриниб турибдики, Расулulloҳ ﷺ олиб келган нассларни араб тилисиз ва Расулulloҳ ﷺ Суннатисиз тафсир қилиб бўлмайди. У шаръий далилларга биноан тафсир қилинади, деган сўз воқега тўғри келмайди ва мутлақо асоссиз гап. Чунки Қуръоннинг ўзи ҳам оятлар қандай тафсир қилинишини бизга кўрсатмаган. Расулulloҳ ﷺ дан ҳам тафсирнинг муайян баёни собит бўлган эмас. Саҳобалар унинг нозил бўлиш сабабларини айтишган бўлсалар ҳам, лекин бу тафсир эмас, балки мавқуф ҳадисдир. Бу шарҳ ва баёнга ўхшаса-да, улар оятни ҳар хил тушунганлар. Демак, улар тафсир учун муайян кайфият белгилашга ижмо қилишмаган. Уларнинг айримлари аҳли китоблардан, баъзилари исроилиётларни олган ва бунини тобеинлар ривоят қилганлар, айримлари эса бунини инкор этишган. Аммо уларнинг барчаси Қуръонни ўзларидаги мавжуд араб тили илми орқали ҳамда Расулulloҳ ﷺ дан сўз, амал, сукут, Расулulloҳ ﷺ нинг яралиш сифатлари ва Расулulloҳ ﷺ нинг хулқ одоблари орқали тушунар эдилар. Кимки айрим сўзларни ёки оятларни тафсир қилишдан чекинган бўлса, бу хижолат иборада келган маънога чекланиб қолиш эмас, балки маънога аниқ ишониш учундир, токи бу ҳақда аниқ илмдан маъқуллаб берсин. Аммо бу ижмо эмас. Чунки Расулulloҳ ﷺ дан далил кўрсатилмаган, Расулulloҳ ﷺ нинг баёни Суннатдир, тафсир эмас. Аммо саҳобалар араб тилида юксак қобилиятга эга бўлганлари ва Қуръон келган зот билан доимо бирга юрганлари учун Қуръон тафсирида ҳақиқатга яқин бўлганлари сабабли шундай йўл тутишга келишишган. Қуръоннинг айрим сўз ва сўз бирикмаларини тушунишда жоҳилиятнинг шеърлари ва хутбалари каби араб тилини ягона восита қилиб олишган. Улар Расулulloҳ ﷺ дан содир бўлган ишларни чуқур ўрганиб, шу икки нарса воситасида Қуръонни тушунишга уринганлар. Бу Қуръонни англаб этишдаги энг қулай йўлдир.

Бизнинг раъйимизча, Қуръонни тафсир қилишнинг тариқати шундан иборатки, унинг айрим сўз ва сўз бирикмалари жиҳатидан, шаръий маънолар ва шаръий аҳкомлари жиҳатидан ҳамда шаръий воқега эга бўлган фикрлари нуқтаи назаридан тафсирда араб тили билан Суннати Набавийни қўллаш лозим. Қуръон ибораларини тушунишда арабларнинг сўзлари билдирган маънога мувофиқ ҳамда лафзлар ифодалаётган Қуръон ва Суннатдек шаръий нусусда келган маънолар асосида ақл ишлатиб, на ўтмишдаги олимлар ва на тобеинлар, ҳатто саҳобаларнинг фикрлари билан чекланиб қолмаслигимиз керак, чунки улар хато қилиши ва тўғри йўл топиши мумкин бўлган ижтиҳоддир. Гоҳида оятни тушунишда муфассир араб тили ва шариятни узоқ ўргангани асносида ёки воситалар янгиланиб, маданият ривожланиши ҳамда янги воқеалар ва ҳодисалар пайдо бўлиши жараёнида оятнинг воқеи ойдинлашиб, ақл йўл кўрсатади. Шунда идрок билан тафсир қилишда ақлга имкон берилса, муфассир дахлсиз маъно беришдан сақланса, кутилган тафсир дунёга келади. Қуръон нозил бўлган зотдан бошқа ҳар қандай инсоннинг тушунчасига чекланмаган ҳолда ўзи тушунган тарзда ақлга имкон берилса, исроилиётларнинг барчаси сўзсиз бекор бўлади, одамлар ўйлаётган Қуръон илмларни ўз ичига олиши ҳақидаги фикри ҳам рад этилади ва бу борада Қуръон айтган борлиқ ҳақидаги баҳс юритувчи оятлар ҳамда Оллоҳнинг қудратини баён этувчи оятлар доирасида чекланилади. Бу Қуръон тафсирининг тариқати бўлиб, муфассир унга риоя қилиши ва Қуръоннинг тафсирига киришган шахс унинг масъулиятини ҳис этиши вожиб.

ҲАДИС ИЛМИ

Ҳадис илми муайян қонунлар ёрдамида санад ва матнларни ўрганадиган илмдир. Ҳадис илмининг мақсади саҳиҳ ҳадисни бошқасидан ажрата билиш. Ҳадис илми икки қисмдан иборат: ривоятга асосланган илм ва билишга асосланган илм. Ривоятга асосланган илм Пайғамбар ﷺнинг сўзлари, амаллари, қарорларини, сифатларини нақл қилишни ҳамда уларни ўрганишни ўз ичига олади. Билишга асосланган илм орқали ривоятнинг ҳақиқатини, унинг шартлари, турлари ва аҳкомларини ҳамда ривоят қилувчиларнинг кимлиги ва уларнинг шартлари, айтилаётган хабарларнинг турлари, уларга боғлиқ бўлган бошқа нарсалар ўрганилади. Билишга асосланган илм ҳадисдан тушунилаётган маънонинг қатъий нусусга зид келаётган жиҳатларини ўрганишни ҳам ўз ичига олади.

Ҳадис

Муҳаддислар орасида бир неча лафзлар ишлатилиб, уларнинг маъноларини аниқламоқ лозим. Булар ҳадис, хабар, асар ва Суннатдир. Булар умумий атамалардир. Матн, санад, иснод, муснад каби сўзлар ҳадиснинг лафзлари ва ривоятларида қўлланадиган сўзлардир. Муҳаддис,

ҳофиз, ҳужжат ва ҳоким ривоят қилувчиларда қўлланадиган сўзлардир. Бу лафзаларнинг ҳадис истилоҳида қандай қўлланиши қуйидагича:

1. Ҳадис: Расулуллоҳ ﷺ боғлиқ бўлган сўз, иш, сукут ёки яратилиш сифати, яъни Расулуллоҳ ﷺ баланд ҳам, паст бўйли ҳам бўлмаган, деган қиёфасига тааллуқли сифат, ёхуд ахлоқий сифат, яъни Расулуллоҳ ﷺ бировга ҳеч қачон хунук муомалада бўлмагани каби ахлоқий сифатларни ифодалайди. Хабар ва Суннат сўзлари ҳам ҳадис сўзига синоним сифатида бир хил маънода қўлланади. Демак, ҳадис, хабар, Суннат бир маънодадир. Асар эса саҳобаларга бориб тақалган ҳадисдир.

2. Матн: Матн деб санаднинг ғоясини етказувчи сўзга айтилади. Санад эса матнга олиб борадиган йўл, яъни матнга олиб борувчи кишилардир. Иснод дегани ҳадисни айтувчисига боғланишидир. Муснад гарчи мавқуф бўлса-да, унинг аввалидан то охиригача қадар санади боғланган ҳадисдир. Саҳобалар ривояти жамланган китобни ҳам муснад дейилади. Муснид ҳадисни исноди билан ривоят қилган шахсни англатади.

3. Муҳаддис: Ҳадисни пухта ўрганган ва унинг ривоят ва билимларига қаттиқ аҳамият берган кишидир. Ҳофиз эса юз минг ҳадисни матни ва санади билан ёдлаган одам, гарчи у ҳар хил йўл ва ўзига яраша фаҳм билан ёдлаган бўлса ҳам. Ҳужжат эса уч юз минг ҳадисдан пухта хабардор бўлган киши. Ҳоким эса Суннатдан пухта хабари бор шахсдир.

Ҳадис ривоятчилари

Ҳадисни ривоят қилиш улар китобларга битилган даврдан кейин тўхтаган. Ҳадислар ёзилган асрдан кейин, яъни Бухорий ва Муслим ҳамда Суннат соҳиблари ҳадис ривоят қилган асрдан кейин. Чунки ривоят нақлдан иборат бўлиб, нақл аллақачон ниҳоясига етган. Ҳадис ривоят қилувчилар саҳобалар, тобеинлар ва тобеинлардан кейингилардир. Ҳадис олимлари Расулуллоҳ ﷺни кўрган ва унга иймон келтирган ҳар бир одамни саҳоба деб ҳисоблайдилар. Лекин аслида саҳобий деб соҳиблик, дўстлик маъносига ҳақли бўлган ҳар бир кишига айтилади. Саид ибн Мусайяб шундай дейди: «Саҳоба бўлиш учун албатта Расулуллоҳ ﷺ билан бир йил ёки икки йил бирга юрган, бир марта ёки икки марта у киши билан бирга ғазот қилган бўлиши лозим». Шуъба Мусо Саблонийдан ривоят қиладики: «Мен Анас ибн Моликдан: «Сиздан бошқа Расулуллоҳ ﷺнинг саҳобаларидан яна қолдими?» деб сўрадим. У киши: «Расулуллоҳ ﷺни кўрган аъробийлардан қолди. Аммо у киши билан дўст бўлганлар қолмади», деб айтдилар». Саҳобаларнинг барчаси уларни Оллоҳ Таоло азиз китобида мадҳ этганлиги ҳамда Пайғамбар Суннатида уларнинг ахлоқ ва амаллари мақталганлиги сабабли одилдирлар. Тобеинлар саҳобалар билан учрашган, гарчи улар билан доим бирга бўлмаса-да, улардан ҳадис ривоят қилган кишилардир. Саид ибн Мусайяб, Қайс ибн Абу Ҳозим, Қайс ибн Ибод ва Абу Сосон Ҳусайн ибн Мунзирлар каби ҳадис ривоят қилувчиларнинг тарихи ёзилган ва уларнинг ҳар бири ҳақида маълумот берилган. Саҳобалар хатодан холи эмаслар. Дамашқлик Ҳофиз аз-Заҳабий шундай дейди: «Оллоҳ улардан рози бўлсин, саҳобалар, гарчи

бошқалардек улар ҳам хато қилишган бўлса-да, уларнинг дафтарлари ёпилган. Ҳеч ким хатодан холи бўлолмайди, аммо яхшилик йўлида қилинган хатонинг зарари йўқ. Чунки саҳобаларнинг адолатига ва улар нақл қилган нарсага қўра шундай амаллар борки, улар туфайли Оллоҳ Таолонинг динига бўйсунамиз». Тобеинлар орасида қасддан ёлғон гапирувчилар йўқ эди, лекин уларда хато ва ваҳм бўлган, қайсидир бири билмай хатога йўл қўйган бўлиши мумкин, бирортаси бир неча марта хато қилган бўлса, ўзи илмли кишилардан ҳисобланса ҳам кечирилади ва айтган ҳадиси нақл қилинади. Унга олимлар иккиланиш билан ҳамда шундай сифатли кишиларга ҳужжат келтириб исботлаш билан амал қилинади: улар Ҳорис ал-Аъвар, Осим ибн Ҳанбал, Тавъаманинг хизматкори Солиҳ, Ато ибн Соиб ва бошқалардир. Тобеинлардан кимки кўп хато қилса ва ривоятда ёлғиз ажралиб қолса, унинг ҳадиси ҳужжат ўрнига ўтмайди, аввалги тобеинларда бундай бўлган эмас, бўлса ҳам улардан кейинги кичик тобеинларда юз берган. Авзойи ва бошқалар шундай одамлар. Улар яшаган асрда ёлғонга суяниб қолган ва кўп хато қилган кимсалар ҳам бўлган, шу боис уларнинг ҳадиси тарк этилган. «Имом Молик, у уммат ичида ҳидоятга бошловчи юлдуз бўлса-да, у ҳам ўзи ҳақида айтилган гаплардан четда қолмади. Шунингдек Авзойи ҳам ишончли, кўпинча ёлғиз ўзи ривоятда ажралиб қолган ва янглишган. Зухрийдан ривоят қилган ҳадисида нимадир бор».

Кимнинг ривояти қабул қилинади, кимники йўқ, жароҳатлаш ҳамда одил санаш баёни

Ривояти ҳужжат қилинадиган киши одил бўлиши ва айтаётган нарсасини яхши билиши шарт. Одил бу фиқҳу фуҷур ва андишасизликдан сақланган болиғ, оқил мусулмондир. Зобит эса ҳушёр ва гафлатдан холи кимса бўлиб, ҳадис ривоят қилса, ўз ривоятини ёд билади, агар Китобдан ҳужжат келтирса, ёзиб қўйган ривоятини сақлагувчидир. Агар маънан ривоят қилинган бўлса, айтган ҳадисининг маъносини ҳамда маънони мақсаддан буриб юборувчи нарсаларни билувчидир.

Ровийнинг одиллиги яхши одам деб мақталгани билан зобит бўлади. Кимнинг одиллиги аҳли нақл ва аҳли илмлар орасида машҳур бўлиб, ростгўй ва ишончли деб мақталса, шу билан кифояланади ва унинг одиллигига далил келтиришга ҳожат йўқ. Шунингдек, ривоят қилувчининг адолати имомлар жамоаси ёки уларнинг биттаси томонидан эътироф этилгани билан исботланаверади.

Ривоят қилувчининг зобитлиги унинг ривояти пухталики ва зобит деб танилган ишончли кишиларнинг ривоятларидан деб ҳисобланиши билан аниқланади. Агар унинг ривоятида ўшаларнинг ривоятларига маъно жиҳатидан яқинлик топилса, ёки кўпроқ мувофиқ бўлиб, камдан-кам зид келса, у ишончли зобит ҳисобланади.

Ровийни одил деб санаш, бунинг сабаби айтилса ҳам, айтилмаса ҳам қабул қилинади. Аммо ривоятдаги жароҳат эса ундай эмас. Чунки одамлар фосиқлик сабабларини ҳар хил тушунганлари учун жароҳат сабаби баён қилиниши шарт. Чунки гоҳ (ровийни) жароҳатловчи шахс бирор нарсани

фосиқлик деб ҳисоблаб, уни заифга чиқарса, у нарса аслида бошқа шахс тарафидан бўлиб, ундан бўлмаслиги мумкин. Бошқача айтганда, бирортаси бирор ишни аслида жароҳатли бўлмаган, балки унинг ўзи жароҳатли деб билгани учун шундай дейди. Шу боис жароҳат ҳақиқатми ёки йўқми, сабаби айтилиши шарт. Жароҳат битта бўлса ҳам жароҳат дейилади. Сони кўп бўлиши шарт эмас. Одил санаш ва жароҳатлашда бир кишининг сўзи кифоя, чунки хабар билан айтиляпти, хабарда эса бир кишининг сўзи кифоя. Шунингдек, хабарни қабул қилишда хабар берувчиларнинг сони шарт эмас. Шунинг учун ҳадис ривоятининг жароҳати ёки унинг одиллигида сон шарт қилинмайди, балки бир кишининг сўзи кифоя. Агар битта шахсда сабаби айтилган жароҳат билан одил санаш ҳар иккаласи жамланган бўлса, гарчи одил сановчиларнинг сони кўп бўлса-да, аввал жароҳат ҳисобга олинади. Чунки одил сановчи унинг кўришиб турган ҳолатини хабар беради. Жароҳатловчи эса, одил саналувчи ҳақидаги яширин жиҳатларини маълум қилади. Одил сановчиларнинг саноғи кўп бўлишининг аҳамияти йўқ, чунки хабарни қабул қилишнинг сабаби саноқ эмас, балки билиш ва билмасликдир. Фиқҳ олимлари бу ҳол одил сановчи ушбу сўзни айтмасагина мумкин, деб белгиладилар, яъни жароҳатловчи зикр этган сабабни билдим, у тавба қилиб ҳолати тuzалган деса, агар жароҳатловчи муайян сабабни зикр этиб, одил сановчи унинг сабаби нотўғрилигини ишончли далиллар билан рад этган бўлса.

Ҳадиснинг ривоятига эътироз билдириш ўнта сабаб билан бўлади, бештаси одилликка, бештаси забтга тааллуқли. Одилликка тааллуқлилари қуйидагилар: ёлғон гапириш, туҳмат қилиш, фосиқликнинг кўриниши, нодонлик ва бидъат. Забтга тааллуқли бештаси ушбулар: қаттиқ хато, қаттиқ гафлат, وهم (вахм), яъни озгина хатога кетиш, ишончли шахсларга қарши чиқиш ва ёдлашнинг ёмонлиги.

Ривоят қилувчининг ҳолати номаълумлиги қуйидаги қисмларда кўринади:

1. Зоҳиран ҳам, ички жиҳатидан ҳам одиллиги ноаниқ бўлса, бу ҳолда унинг ривояти қабул қилинмайди.

2. Унинг ички жиҳати номаълум, зоҳирида адолатли, лекин яширин бўлса, унинг ривояти ҳужжатликка ярайди.

3. Қандайлиги очиқдан-очиқ номаълум бўлиб, уни ҳеч қайси олим танимаса ва ҳадисини битта ривоят қилувчигина билса, у ҳолда ривоят қилувчи ҳақида номаълумлик олимлар уни таниши билан ёки одил сановчилар ундан ривоят қилса бекор бўлади, у ишончли одамга айланади. Худди битта кишининг одил санаш кифоя қилганидек биттанинг ривояти етарлидир. Бухорий Мурод ал-Асламийдан олган, ҳолбуки, ундан фақат Қайс ибн Абу Ҳозимгина ривоят қилган. Муслим ҳам Робиъа ибн Каъбдан ривоят олган, ундан эса фақат Абу Салама ибн Абдурахмонгина ривоят қилган. Демак, ҳар иккала ҳадисшунос бир ривоят орқали ровийнинг номаълумлигини бекор қилишган.

Исломий фирқаларнинг ривояти

Саҳобаларнинг ҳаммаси ҳам одил бўлганлар. Шунинг учун Пайғамбар ﷺ даврида ва ундан кейин ҳам одамлар ҳадиснинг санадини (ривоят қилувчилар ҳалқасини) суриштирмаганлар. Кейинчалик, фитналар пайдо бўлган вақтдан бошлаб, сўраб суриштирганлар. Абу Сакина Мужошиъ ибн Фатина ривоят қилиб шундай дейди: Алий ибн Абу Толиб Қўфа масжидида: «Илми кимдан олаётганингизга қаранглар, чунки бу диндир», деди. Заҳҳок ибн Музоҳим деди: «Албатта бу илм диндир, уни олаётган кишингизга қаранглар».

Фитналар замонасидан сўнг янги раъйларни қабул қилган исломий фирқалар пайдо бўлди. Бу фирқалар вакиллари ўзлари қабул қилган бу раъйларни исломий раъйларга айлантириш учун шаръий нусуслардан олганмиз, деб даъво қилардилар, уларнинг баъзилари ҳужжат топа олмай қолганида ва ўйлаган раъйига нусуслардан ҳеч қандай шаръий далил тополмаган вақтида, уни қувватлаш учун ҳадис тўқиб, уни Расулulloҳ ﷺ га нисбат берар эди. Уларнинг айримлари ўзининг фирқасига даъват қилиш, тарғиб қилиш ёки ўзининг раъйига қақриш, бу фирқани яхши кўрсатадиган ҳадисни тўқишга ундади. Бу янги раъйлар бидъат деб аталади, раъй эгалари эса бидъатчидир. Шунинг учун улардан эшитилган раъйларни ҳамда улар келтирган ҳадисларни қаттиқ текшириш лозим. Улар ҳақида тафсилот мавжуд. Ўз бидъати билан кофир бўлаётган бидъатчининг ривоятини рад этишга шубҳа йўқ. Агар кофир бўлмаса-ю, лекин ёлғон гапиришга журъат қилса, у ҳам қайтарилади. Аммо ёлғонга ботинмаган бўлса, унинг ривояти шу шарт билан қабул қилинадик, у ўз фирқасига ёки мазҳабига бошқаларни даъват этмаган бўлсин. Агар даъват қилган бўлса, унинг ривояти олинмайди ва хабари ҳужжат саналмайди.

Демак, ривоятнинг қабул бўлиши жиҳатидан одиллик ва зобитлик шартларини ўзида мужассам этган ҳар бир мусулмоннинг ривояти, унинг мазҳаби ва фирқасидан қатъий назар, қабул қилинади. Лекин фирқасига ёки мазҳабига даъват қилган бўлса, ривояти олинмайди, чунки фирқага ёки мазҳабга даъват мумкин эмас. Аммо у Исломга даъват қилса ва қабул қилган фикрларини далиллари билан баён этган бўлса, унинг ривояти олинади, чунки у Исломга даъват қилаётган бўлади ва унинг ривоятига эътироз билдирилмайди.

Ҳадиснинг маъносини тўлиқ ёки қисқача ривоят қилиш

Ҳадиснинг (сўзларнинг эмас) маъносини ривоят қилиш мумкин. Чунки биз ҳадиснинг лафзи билан эмас, маъноси билан иш тутамиз ва ваҳй ҳам унинг лафзи эмас, маъносидир. Лекин ривоят қилувчи маънони буриб юборувчи нарсаларни билиши керак. Агар буриб юборувчи нарсаларни билмаса, ҳадиснинг маъносини айтиш мумкин эмас. Ҳадисни қисқача шарҳлаш ҳам мумкин, бунда айрим сўзларни тушириб қолдириш ва айримларини зикр этиш мумкин, лекин шу шарт биланки, тушириб қолдирилаётган сўз зикр этилган сўзга алоқадор бўлмаслиги лозим. Шунингдек, маънони ноқис қилиб қўядиган даражада ҳадисдаги мақсадни, истиснони ёки ҳадисни бошқа маънога буриб юборадиган шаклда сўзларни

тушириб қолдириш мумкин эмас. Аммо гоя ва истисно ҳадиснинг иккинчи ривояти бўлса ва у ривоятда шубҳаланса, ривоят қилувчи ўзи ишонган нарсани айтиши ва шубҳаланган қисмни тушириб қолдириши мумкин.

Ҳадис қисмлари

Ҳадис ва Суннат сўзларига маънодош бўлган хабар ўз йўналиши эътиборидан мутавотир ва оҳод хабарга бўлинади. Мутавотир ўзида тўрт нарсани мужассамлаштирган:

1. Ривоят қилувчиларнинг сони муайян ададга чекланмаган бўлади. Жамоат деб ҳисобланадиган ҳар бир ададга мутавотир дейилади. Лекин бу адад бештадан оз бўлмаслиги лозим. Тўрт киши бўлса ҳам етарли эмас. Чунки тўрт шахс зиного гувоҳлик беришганда ҳолатлари ноаниқ бўлса шахслари аниқланади, тавотур деб ҳисобланадиган жамоат эса хабарнинг ўзи билангина қатъий бўлиши учун аниқлашга эҳтиёж йўқ.

2. Ривоят қилувчилар одатда ёлғон хабар беришга ўзаро тил бириктириб олмасликлари, шахсларнинг ва жойларнинг хилма-хиллигига қараб ҳар хил бўлади. Масалан, Алий ибн Абу Толибга ўхшаш беш шахснинг хабари мутавотир ҳисобланиши учун етарлидир. Кўпинча Алийдан бошқаси бунга кифоя қилмайди. Турли юртлардаги жамланмаган беш кишининг хабари баъзан мутавотир ҳисобланади, чунки улар келишиб бир жойда йиғилишмаган, лекин бир шаҳарда бўлса хабарлари мутавотир саналмайди.

3. Уларга ўхшаш ривоятчилар ёлғонга тил бириктирмасликлари масаласида хабарни аввалидан то охиригача ривоят қилишлари лозим. Бошқача айтганда, ривоятчиларнинг ҳар бир табақасида аввалги икки шарт рўёбга чиқиши зарур.

4. Ривоятларни эшитиш, кўриш каби ҳисга суянмоғи лозим. Фақат ақл орқали исботланган нарсага эмас. Чунки ақл хато қилиши мумкин, чунки у ҳисга таянмагани учун аниқ ишончни ифодаламайди.

Мутавотир хабарнинг ҳукми шундан иборатки, у зарурий илми ифодалайди, инсон уни инкор қилолмайди. Унинг зарурийлиги текширишга муҳтож эмаслигидадир, яъни мутавотир хабар аниқ ишончни ифодалайди. У икки қисмдир: лафзан мутавотир, масалан «Кимки қасдан (мен айтмаган сўзни айтди деб) менга ёлғон гапирса, ўзига дўзахдан жой тайёрлаб қўйсин», деган ҳадис каби ва оёқ кийимига масҳ тортиш, ҳавзи Кавсар, шафоат қилиш ва намозда икки қўлини кўтариш ҳақидаги ҳадислар каби. Маънан мутавотир: Масалан, бомдод намозининг икки ракаатли Суннатига ўхшаш ихтилофли воқеаларда нақл қилувчиларнинг бир фикрга келгани каби. Бу мавжуд нарса. Олимлар мутавотирга нисбатан қарашлари турлича бўлганлиги сабабли мутавотир борасида ихтилоф қилишса ҳам, бундай ҳадислар жуда кўп.

Оҳод хабар (ҳадис) шундан иборатки, унинг ривоят қилувчилари бир киши ёки тўрт киши бўладими, барибир мутавотир даражасига етмаган, бошқача айтганда, мутавотирда айтилган тўрт шарт етарли бўлмаган хабардир. Оҳод хабар ривоят қилувчиларнинг саноғи жиҳатидан уч қисмга бўлинади.

1. Ғариб: бу ровий ҳадис жамлагувчилардан ёлғиз ўзи ривоят қилган ҳадисдир. Бошқача айтганда, ёлғиз ўзи ривоят қилган хабардир. Ғариб икки қисмга бўлинади: фақат санади ғарибга, матни ва санади ғариб, фақат матни ғарибга бўлинмайди. Матни ва санади ғариб деб ровийси ёлғиз ҳадисга айтилади. Мерос ҳақини сотиш ёки совға қилишдан қайтарувчи ҳадис каби. Матнсиз санади ғариб эса унинг матнини бир жамоа саҳобалар ривоят қилган бўлади ва унинг ривоятини бошқа бир саҳобийдан бир киши ажраган ҳолда айтиб беради. «Амаллар ниятлар билан бўлади», деган ҳадис каби.

2. Азиз: Бирдан кўп, тўртдан оз киши ривоят қилган ҳадис, яъни икки киши, уч киши бир хил ривоят қилган бўлади. Бу жуда кам учрагани учун азиз деб аталган.

3. Машҳур: Бу оҳоднинг нақл қилувчилари уч кишидан кўп бўлиб, мутавотир даражасига етмаганидир. Унинг машҳур деб номланишининг боиси шуки, у аниқ ва тилларда дoston бўлган. Унинг санади ёки асли борлигининг фарқи йўқ. У мустафиз, яъни тарқалган ҳадис ҳисобланади. Бу икки қисм ҳадис аҳли орасида ҳам, одамлар оммаси орасида ҳам машҳур. Биринчиси Анаснинг ҳадиси каби: «Пайғамбар ﷺ Раъл ва Зақвон қабилаларини бир ой дуоибад қилиб кунут дуосини ўқидилар». Иккинчиси эса: «Муслим бошқа мусулмонлар унинг тилидан ва қўлидан саломат бўлган киши», деган ҳадис. Одамлар орасида машҳур бўлган ҳамма ҳадис ҳам саҳиҳ ҳисобланмайди. Одамлар орасида шундай ҳадислар борки, уларнинг асоси йўқ. Улар жуда кўп: «Қурбонликларингиз рўза кунларингиз», деган ҳадиснинг мутлақо асли йўқ. Яна оҳод хабар ғариб, азиз ёки машҳур бўладими, қатъий назар санадининг ниҳояси мавжуд. Санад Расулulloҳ ﷺга ё саҳобаларга ёки тобеинга бориб тугайди, у санаднинг бориб тугаши жиҳатидан уч хил бўлади:

1) Марфуъ: Марфуъ ҳадис Пайғамбар ﷺга хусусан сўзда, амалда, сукутда ва сифатда нисбат берилган ҳадисдир. Бу нисбатни саҳоба берганми, тобеин ёки бошқами фарқи йўқ. Масалан, саҳобанинг биз Расулulloҳ ﷺнинг ҳаёт пайтларида шундай амал қилар эдик, ёки шундай гап айтган эдик, у киши орамизда ёки ёнимизда бор эдилар, ёки Расулulloҳ ﷺнинг ҳаёт даврларида шундай дейишган ёки шундай қилишгани каби; яна шунга ўхшаш саҳобийнинг биз фалон ишга буюрилдик ёки фалон ишдан қайтарилдик ёки фалон амал Суннат ҳисобланади деган сўзи каби. Яна саҳобийнинг биз фалон ишни айтардик ёки қилардик деб, уни Расулulloҳ ﷺга нисбат бермаган бўлса ҳам у сукутга далолат қилган ҳисобланади. Шунингдек, Муғира ибн Шуъбанинг ушбу сўзи ҳам марфуъ ҳадис ҳисобланади: «Улар Расулulloҳ ﷺнинг эшигини тирноқлари билан тақиллатар эдилар», Анаснинг «Биллол азонни жуфт такбирни тоқ айтишга буюрилди», деган ҳадислари каби. Шунингдек, марфуънинг ҳукмида саҳобийнинг оятнинг нозил бўлиш сабаби ҳақидаги тафсири ҳам. Аммо, бундан ташқари саҳобаларнинг тафсири ҳадис ҳисобланмайди. Чунки саҳобалар кўпинча Қуръон тафсирида ижтиҳод қилишиб, ихтилофда бўлганлар. Уларнинг кўпчилиги

аҳли китоблардан исроилиётларни ривоят қилганлар. Шунинг учун уларнинг тафсирлари марфуъ дейилишидан ташқари ҳадис ҳисобланмайди.

2) Мавқуф: Бу саҳобанинг сўзи ва амали орқали ривоят қилинган хабар бўлиб, фақат саҳобага хосдир. Унинг санади боғланган ёки боғланмаган бўлиши мумкин. Уни кўпчилик ҳадисшунос ва фақиҳлар асар деб атайдилар. Мавқуф ҳадис ҳужжат қилинмайди, чунки Оллоҳ Таоло:

﴿ وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمُ عَنْهُ فَانْتَهُوا ﴾

– „Пайғамбар ўзи сизларга келтирган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар“, [59:7]

деган, бу оятнинг мазмуни Расулulloҳдан бошқаси олиб келган нарсани олманглар деганидир. Шунга биноан, Расулulloҳ ﷺ дан бошқа ҳеч кимдан ҳужжат олинмайди ва буни, яъни мавқуф хабарни, Расулulloҳ ﷺ га нисбат бериш ҳалол эмас, чунки у занн эмас, балки эҳтимол ҳисобланади, эҳтимол эса эътиборга олинмайди.

3) Мақтуъ: Бу мунқатеъ ҳадис эмас, балки мақтуъ сўз ва амалда тобеинга хосланган хабар бўлиб, уни ҳам ҳужжат қилинмайди ва мавқуфдан ҳам заиф ҳисобланади.

Оҳод хабарнинг қисмлари

Оҳод хабарнинг ғариб, азиз ва машҳур деган уч тури бор. Бу уч тур марфуъ, мавқуф, мақтуъ бўлишидан қатъий назар, уни қабул қилиш ва қабул қилмаслик жиҳатидан ҳадис аҳли уч қисмга ажратганлар: саҳиҳ, ҳасан ва заиф. Уларнинг баёни қуйидагича:

1. Саҳиҳ: Саҳиҳ хабар деб санади зобит, одил шахсдан то охирига қадар зобит одил шахсдан нақл қилинган ҳадисга айтилади, у шозз ҳам иллатли ҳам бўлмайди. Бошқача айтганда, унинг санади зобит, одил шахсдан нақл қилиниб, то Расулulloҳ ﷺ га қадар ёки саҳобага ёки тобеинга етиб боради. «Зобит одил шахсдан зобит одил шахсга» деган сўзимиздан мақсад мурсал, мунқатеъ ёки муъзал хабарларига тушиб қолмаслик учундир. Чунки бу мурсал, мунқатеъ, муъзал саҳиҳ хабардан бўлмайди. Мурсал, бу тобеин Расулulloҳ ﷺ дан саҳобанинг номи зикр этилмасдан ривоят қилган хабардир. мунқатеъ эса, бир ўринда ёки бир неча ўринда ривоят қилувчиларнинг биттаси тушиб қолганини англатади. Муъзал эса бир ўринда ёки бир неча ўринда икки киши ёки ундан кўпроқ киши тушиб қолган хабардир. Мурсал, мунқатеъ ва муъзалнинг барчаси санади боғланмагани учун саҳиҳликдан чиққан. «Шозз бўлмайди» деган сўз эса, ишончли кимсанинг ўзидан ишончлироқ кишига зид ривоят қилишдан эҳтиёт бўлиш учун айтилган. «Иллатли бўлмайди» деган сўз иллатлангандан сақланиш учун айтилган. Иллат ҳадисни қораловчи ёки уни рад қилишга таъсир ўтказувчи ишдан иборат бўлиб, танқидчилар ҳадиснинг йўлларини жамлаётган ва тафтиш қилаётган вақтда кўринади. Масалан, ривоят қилувчининг санади боғланганида жамоа уни тўхтатиб қўяди. «Одил ривоятчи нақли» деган сўздан эса нақл қилувчининг кимлиги ноаниқлиги ёки заиф деб танилишидан эҳтиёт бўлиб айтилган, чунки бу ҳолда у саҳиҳ хабар дейилмайди. Шунинг учун «зобит шахс»

деган сўзни ҳам доим хато қиладиган, гафлатдаги зеҳни паст кишининг ривоятдан сақланиш учун айтилган. Зеро, саҳиҳ ҳадисда ушбу шартлардан бири бўлмаса, у саҳиҳликдан чиқади, деб ҳисобланади.

2. Ҳасан: Ҳасан ҳадис бу, манбаси маълум бўлиб, уни айтган кишилар машҳурдир. Ҳадисларни кўпи ҳасан бўлиб, жуда кўп олим ва фақиҳлар томонидан қабул қилинган хабардир, яъни унинг санадида ёлғон гапиради дейилган шахс йўқ ва шозз ҳадис бўлмаган хабардир. У ҳам икки хил.

Биринчи хил ҳасан ҳадис санадидаги кишилар яроқлилиги аниқланмаган махфий кимса бўлмаса-да, лекин кўп хато қилади ва ёлғон гапиради, деб ҳисобланмайди. Ҳадиснинг матни бошқа жиҳатидан ривоят қилинган бўлади ва натижада у шозз ёки инкор этиладиган хабар бўлиб қолиш эҳтимолидан чиқади. Иккинчи хил ҳасан ҳадис эса ривоят қилувчиси ростгўй ва ишончли деб шуҳрат топгану, лекин ёдда сақлашда ва пухталиқда саҳиҳ ҳадис кишилари даражасига етмаганлигидир. Бундай ровий ёлғиз ўзи ривоят қилган ҳадисни мункар, матни шозз ва иллатли деб саналмайди. Демак, ҳасан ҳадис одил, забти, яъни сақлаб қолиш қобилияти камроқ, иллатсиз ва шозз бўлмаган санади бир-бирига боғланган ҳолда ривоят қилинган ҳадисдир. Саҳиҳ ҳадис ҳужжат қилинганидек, ҳасан ҳадис ҳам ҳужжат бўлади.

3. Заиф: Саҳиҳ ва ҳасан ҳадислардаги сифатлар йўқ ҳадис. Заиф ҳадис мутлақо ҳужжат қилинмайди. «Заиф ҳадис агар бир неча заиф йўллардан келган бўлса, ҳасан ёки саҳиҳ даражасига кўтарилади», деган гап нотўғри. Чунки ҳадис ривоят қилувчининг ёлғончи ёки фосиқлиги сабабли заифлашган экан, ундай ривоятчилар бир неча бўлса, заифлиги баттар кучаяди. Аммо заиф ҳадисдаги мавжуд маънони саҳиҳ ҳадис ўз ичига олса, заиф тарк этилиб, саҳиҳ ҳадис олинади. Демак, заиф ҳадис ҳеч қандай ҳолда далилликка ярамайди.

Қабул қилинадиган ва рад этиладиган ҳадис

Аҳли ҳадисларда ҳадис саҳиҳ, ҳасан ва заифга бўлинишида шу нарса аниқланадики, саҳиҳ ҳадис билан ҳасан ҳадис ҳужжат қилинади. Аммо заиф ҳадис ҳужжат бўлолмайди. Ҳадис маъқулланган ёки рад этилган бўлиши санадга, ривоят қилувчига ва матнга ёндашишга боғлиқ. Агар санаддан битта ривоятчи тушиб қолса, бунинг оқибатида тушиб қолган ровийни одил санаш имконсиз ва ривоят қилувчи қораланмаса ҳамда матн ноаниқ бўлмаса, матн Қуръон, мутаवотир Суннат ёки қатъий ижмога хилоф келмаса, бундай ҳолатда саҳиҳ ёки ҳасанлигидан қатъий назар унга амал қилинади ва у шаръий далил бўлади. Аммо ҳадис ушбу сифатларга эга бўлмаса, у рад этилади ва далилга ярамайди. Рад этилган ҳадисларга шу сифатларга эга бўлган бир неча турлари киради. Улар:

1. Муаллақ: бу ҳадис ривоятчисининг бири ёки кўпроғи санаднинг бошидан кетма-кет аниқ тушиб қолгандир. Кўпроқ деган сўз санаднинг айрими ёхуд ҳаммаси тушиб қолган дейишдан кўра умумийроқдир. Бу ҳадис жумласига муҳаддис ёки мусанниф унинг ҳамма санадини туширган ҳадислар ҳам киради. Масалан, «Расулulloҳ ﷺ шундай дедилар, ёки шундай қилдилар», дейилади холос.

2. Муъзал: Бу шундай ҳадиски, ривоятчисининг иккитаси ёки кўпчилиги бир ёки бир неча ўринда тушиб қолган бўлади. Тобеинга эргашган одам ривоят қилган мурсал ҳадис ҳам муъзал ҳадисдандир. Фуқаҳолардан бирор мусаннифнинг «Расулуллоҳ ﷺ айтдилар» ва «Расулуллоҳ ﷺдан» деган сўзи мурсал эмас. Бу ривоят эмас, балки гувоҳлик ва далил келтириш ҳисобланади.

3. Мунқатеъ: Бу ҳадисни ривоят қилганлардан бири саҳобадан аввал бир неча ўринларнинг бирортасидан тушиб қолади. Бу шу тарзда юз берадики, тушиб қолган ривоятчи ўринларнинг ҳаммасида биттадан шахс бўлади ва натижада ўрнидан узилган - мунқатеъга айланади. Ривоят қилувчи кишилар орасида номаълум шахс зикр қилинган ҳадис ҳам мунқатеъ ҳисобланади. Қуйидаги ҳадис ривоят қилувчиларнинг бири тушиб қолган мунқатеъга мисол бўлади. Абдураззоқ Саврийдан, Саврий Абу Исҳоқдан, Абу Исҳоқ Зайддан, Зайд ибн Юсайъдан, ибн Юсайъ Ҳузайфадан марфуъан ривоят қилади: «Унга Абу Бакрни бошлиқ қилсанглар - у кучли, ишончли». Бу ҳадисни ривоят қилувчилардан иккитасида узилиш мавжуд, бири шуки, Абдураззоқ Саврийдан уни эшитмаган, балки уни Нўъмон ибн Шайба ал-Жундий эшитиб, Нўъмон Саврийдан ривоят қилган. Иккинчи ўрин шуки, Саврий Абу Исҳоқдан эшитмаган, балки уни Шуайбадан, Шуайба эса Абу Исҳоқдан келтирган. Демак, бу ҳадис рад этилган ҳадис ҳисобланади. Ривоят қилувчиларнинг бири номаълум бўлган ҳадисни қуйидаги мисолда тушунилади: «Абул Ало ибн Абдуллоҳ ибн Шухаййир икки кишидан, икки киши Шаддод ибн Авсдан ҳадис ривоят қилди: «Оллоҳумма инний асълукас-сабота фил амр». Ушбу ҳадис ривоятчилари орасида номаълум шахслар мавжудлиги туфайли рад этилган.

4. Шозз: Бу ҳадис шундан иборатки, ишончли шахс одамларнинг ривоятига зид ривоят қилган бўлади. Аммо ишончли шахс ўзидан бошқа ҳеч ким айтмаган ривоятни айтган бўлса, у шозз ҳадис ҳисобланмайди. Чунки ишончли шахснинг, ҳеч ким ривоят қилмаса ҳам, ривояти қабул қилинади ва ҳужжатга ўтади. Бу «Албатта амаллар ниятларга боғлиқ» деган ҳадис. Бу ҳадисни ёлғиз Умарнинг ўзи айтган. Кейин Умардан Алқама, Алқамадан Муҳаммад ибн Иброҳим ат-Таймий, ундан Яҳё ибн Саъид ансорийлар ривоят қилишган. Сўнг Яҳёдан тавотур бўлиб келган. Демак, шозз ҳадис ишончли шахснинг кўпчилик ривоятига зид ривоятдир.

5. Муъаллал: Бу ҳадис иллатланган ҳадис, зоҳири соғлом бўлса ҳам саҳиҳлигини қоралайдиган иллат топилган ҳадисдир. Бу ровийлари ташқи жиҳатдан ишончли ва саҳиҳлик шартларини ўзларида жамлаган санадга боғлиқ.

6. Мункар: Бу ҳадиснинг ривоят қилувчиси ишончсиз шахс сифатида айтган ҳадис бўлиб, у заиф ровий ўзидан заифлиги камроқ ровийга зид ҳадисдир.

7. Мавзу: Мавзу ҳадис тўқиб чиқарилган ясама воқеадир. Ясама ҳадис заиф ҳадислардан ҳам ёмон ҳисобланади. Бирор кимса унинг бу ҳолатини била туриб қандай маънода бўлмасин ривоят қилиши дуруст эмас. Фақат мавзулигини айтиш билан мумкин. Ҳадиснинг мавзу бўлиши

тузувчисининг иқрори билан билинади. Баъзан мавзу ҳадисни ривоят қилувчисининг ҳолатидан билиб оладилар. Масалан, у ёлгон ривоятни айрим раҳбарларнинг хоҳишига қараб айтган бўлади ёки санади орасига ёлгон ривоятнинг ўзи кириб қолади. Бу ёлгон хабарни фақат шу ёлгончи тарафидангина билинади. Уни ҳеч ким қузатмаган ва кўрмаган ёки ривоят қилинган ҳадиснинг ҳолатидан ёхуд Қуръонга, мутавотир ҳадисга ва қатъий ижмога зид келганидан мавзулиги аниқланади. Мавзу ҳадисни тўқувчилар бир неча турга бўлинади. Уларнинг энг зарарлиси зоҳидликка мансуб қавм бўлиб, улар бу ҳадисни ўз ўй-хаёлларидан келиб чиқиб айтишади. Уларнинг хатарли ери шундаки, одамлар уларни ўзларига ишонганларидан, таянганларидан ўйлаб топган ҳадисларини қабул қиладилар. Бундан ташқари, ҳадис тўқиган кимса кўпинча ўзи тарафидан гап ясайди, баъзан эса айрим доноларнинг гапларини Расулulloҳ ﷺга нисбат беради. Мавзу ҳадислардан яна Қуръоннинг сура сифатида афзаллиги ҳақидаги ривоятдир, айниқса, Убай ибн Каъб ва Абу Исмадан келган ривоятдир. Бу ҳадисларнинг мавзулиги ҳадисни ўрганувчилар тарафидан ва Абу Исманнинг иқроридан аниқланган. Ривоят қилинишича, у шундай деган экан: «Мен кўрдимки, одамлар Қуръондан юз ўгириб Абу Ҳанифанинг «Фиқҳ»и ва Муҳаммад ибн Исҳоқнинг «Жанглар»и билан машғул бўлиб қолишди, шунга кўра мен бу ҳадисларни туздим».

Бу рад этиладиган ҳадисларнинг бир неча туридир. Лекин ҳаммаси эмас. Унинг жуда кўп турлари бор. Мақбул ҳадис мардудидан билиниши учун қоида сифатида уларнинг айримларини зикр қилиш билан кифояланилди. Бирор ҳадисда саҳиҳлик шартлари топилмаса, уни рад этилмайди, модомики, унинг ривоятчилари санади ёки матни мақбул экан, ёки ривоятчилар саҳиҳликдан оз бўлиб, ҳасан ҳадис экан, ёки унда махфий кимса мавжуд экан, ёхуд қабул қилишга ундовчи қарина кучли экан, бу ҳадис рад этилмайди. Айниқса, уни аксар уламо ва фуқаҳолар қабул қилиб ишлатишган экан, гарчи саҳиҳлик шартлари етарли бўлмаса ҳам, ҳасан ҳадис сифатида фойдаланилади. Худди шунингдек, ҳадисни рад этишга қаттиқ турилмаганидек, ҳадис ҳақида бепарволик ва санад, ривоят ва матн жиҳатидан рад этилган ҳадис қабул қилиниши жоиз эмас.

Мурсал ҳадис

Мурсал ҳадис ривоятлари орасида саҳоба тушиб қолган ҳадисдир. Масалан, тобеин «Расулulloҳ ﷺ ундай дедилар ёки шундай қилдилар» деганидек. Бу ҳадиснинг сурати Убайдуллоҳ ибн Адий ибн Хайёр, сўнг Саид ибн Мусайяб каби тобеинлар саҳобалар жамоасини кўриб, улар билан бирга ўтирган ва унда «Расулulloҳ ﷺ айтдиларки», дейишади. Бу ҳадисда ҳамма тобеинлар ўртаси тенг кўрилади, яъни тобеин саҳобани зикр қилмасдан Пайғамбар ﷺдан ривоят қилади ва катта тобеин билан кичик тобеин ўртаси фарқланмайди. Ҳадисшунос олимлар, усул илми олимлари ва имомлар мурсал ҳадисни ҳужжат қилишда ихтилофга боришган. Уларнинг айримлари ҳужжатликка ярамайди ва мунқатеъ ҳадис каби уни рад этилган деб ҳисоблашади, баъзилари ҳужжат қилади. Мурсални ҳужжат қилмайдиганлар унинг иллоти учун рад этадилар.

Чунки унда номаълум бир ривоятчи олиб ташланиб, баъзан ишончсиз кимса бўлади, ҳолбуки ривоятда эътиборли жиҳат ишончли, аниқ кимсадир, номаълум кимсадан ҳужжат олинмайди. Бу мурсални рад этадиган сабаб. Унинг шу иллат билан рад этилиши тўғри. Лекин бу сабаб мурсалда бўлиши мумкин эмас, чунки олиб ташланган ривоятчи саҳобадир. Саҳоба шахси жиҳатидан кимлиги номаълум бўлса-да, лекин саҳобалиги маълум, лекин саҳобалар ҳаммалари одилдир, ишончсиз эмас, аксинча, ишончли шахсдир. Шунинг учун мурсал ҳадисни рад этган сабаб мурсалга мувофиқ келмайди, мурсални рад этишга бошқа сабаб ҳам йўқ. Бинобарин, мурсал матн, санад ва ривоятчининг шартларини тўла олган, санаддаги олиб ташланган шахс эса саҳобадир. У ишончли бўлгани учун ҳам номаълумлигининг аҳамияти йўқ. Бу шундан далолат берадики, мурсал ҳадис далил қилиш мумкин бўлган ҳужжатдир. Баъзан шундай ҳам дейилади: бу ерда сабаб тобеиннинг тобеиндан, у саҳобадан ривоят қилиш эҳтимоли бор, шунда саҳобанинг тушиб қолиши битта ривоятчининг тушиб қолишини англатмайди, балки иккита ривоятчи тушиб қолиши эҳтимоли бўлган бузилиш юз беради ва уларнинг бири, яъни саҳобада одиллик топилиб, иккинчиси, яъни тобеин ҳақида шубҳа туғилади, натижада бу ҳадис жароҳат ёки забт йўқлиги сабабли рад этилади. Бунга жавоб шундан иборатки, мурсал ҳадиснинг таърифи: «Тобеин Пайғамбар ﷺдан саҳобани зикр қилмасдан ривоят қилиши», дейилган. Бу таърифда «Тобеин тобеинни зикр этмасдан», дейилмаган, фаразан зикр қилинган дейилса ҳам саҳоба айтилмай туриб, тобеин тушиб қолиши эҳтимоли бўлса, бу хаёлпарастлик ҳисобланади ва эҳтимол даражасига етмайди. Чунки бунда тобеин тобеинни зикр қилмаган ва саҳобани ҳам тилга олмаган дейилади. Бошқача айтганда, тобеин тушиб қолганлиги фараз қилинади-ю, лекин бу тахминий фаразга далил йўқ, натижада хаёлдан бошқа нарса бўлмайди. Хаёлнинг эса мутлақо қиймати йўқ. У ҳукмга ҳам ўтмайди. Уни номаълум шахс айтган ҳам дейилмайди. Чунки ривоят санадида номаълум шахс дейилиши мумкин бўлган кишининг ўзи йўқ. Шунга биноан, мурсал ҳадис рад этилган ҳадис деб ҳисобланмайди, аксинча, у ҳужжат қилиниши мумкин бўлган ҳадис деб саналади.

Ҳадиси қудсий

Ҳадиси қудсий бизга оҳод сифатида Расулуллоҳ ﷺдан нақл қилинган ҳадис бўлиб, унинг санади Оллоҳ Таолога боғланган. У Оллоҳ Таолонинг Каломи бўлиб, аксар ҳолда сўз У зотга мансуб. Сўзни аввало Оллоҳ Таоло айтгани учун гапни Оллоҳ Таолога нисбат берилади. Пайғамбар ﷺ Оллоҳ Таолодан хабар берганлари учун, баъзан нисбат у кишига берилади. Қуръон ундай эмас, чунки унда нисбат фақат Оллоҳ Таолога берилади, шунинг учун унда: «Оллоҳ шундай деди» дейилса, ҳадиси қудсийда: «Расулуллоҳ ﷺ парвардигоридан шундай ривоят қилади» дейилади. Ҳадиси қудсийнинг ривоятида икки сифат мавжуд, уларнинг бирида «Расулуллоҳ ﷺ Парвардигордан ривоят қилиб шундай дедилар» дейилса, иккинчисида «Оллоҳ Таоло Расулуллоҳ ﷺ қилган ривоятларида шундай деган», дейилади, маъно ҳар иккаласида ҳам бир хил.

Қуръон билан ҳадиси қудсий ўртасидаги фарқ шундан иборатки, Қуръоннинг маъноси ҳам, лафзи ҳам аниқ ваҳй орқали Оллоҳ тарафидан келган. Ҳадиси қудсий эса лафзи Расулуллоҳ ﷺ тарафидан, маъноси илҳомланиш ва туш орқали Оллоҳ томонидан келгандир. Қуръон барчани ожиз қолдирувчи лафздир, у Жаброил фаришта орқали нозил бўлган. Ҳадиси қудсий эса ожиз қолдирувчи ҳам эмас, восита орқали ҳам эмас. Қуръон, ҳадиси қудсий ва бошқа ҳадисларнинг ўртасидаги фарқ шундан иборатки, Қуръон Пайғамбар ﷺга Жаброил олиб келган лафз, ҳадиси қудсий маъноси туш ё илҳом орқали Оллоҳнинг хабар бериши, бошқа ҳадислар эса худди ҳадиси қудсий каби маъноси Оллоҳ томонидан ва лафзи Расулуллоҳ ﷺдан, лекин уларни Оллоҳ Таолога нисбат берилмайди. Оллоҳ Таолога нисбат берилган ҳадиси қудсийнинг номи истилоҳий ҳисобланади.

Ҳадиснинг санади жиҳатидан исботланмаганлиги унинг заифлигидан далолат бермайди

Ҳадисни қабул қилишда санаднинг кучлилиги шарт. Аммо шуни билиш даркорки, муайян ҳадиснинг санади заиф бўлса, ҳадиснинг ўзини заиф ҳисоблаш нотўғри. Чунки ҳадиснинг бошқа санади бўлиши мумкин, аммо ҳадис ёзган имом ҳадисни фақат мана шу жиҳатдан қайд этган бўлса кифоя. Бирор ҳадиснинг санади заиф бўлса, бу ҳадис мана шу санад билангина заиф дейилиши мумкин, мутлақ матнни заиф деб ҳукм чиқармаслик керак. Шунинг учун санадни рад этиш ҳадисни рад этишни тақозо қилмайди. Бинобарин, жуда кўп ҳадислар борки, санади жиҳатидан исботланмагани билан, лекин кўпчиликдан эшитиб ўрганилгач, саҳиҳлиги аниқланиб, санадини суриштиришга эҳтиёж қолмайди. Бунга жуда кўп ҳадислар мисол бўлади: «Меросхўрга васият йўқ», «Товон ҳақи оқилгадир» ва шунга ўхшаш кўплаб ҳадислар.

Ҳадисни шаръий ҳукмга далил қилиш

Ақиданинг далили саҳиҳлигига қатъий ишонилган бўлиши шарт. Шунинг учун оҳод хабар ақидага далил бўлолмайди, гарчи ривоят ва матн жиҳатидан саҳиҳ ҳадис ҳисобланса ҳам. Аммо занний далил шаръий аҳкомларга далил бўлишга кифоя. Шунинг учун мутавотир ҳадис шаръий аҳкомга далил бўлиш билан бирга оҳод хабар ҳам шаръий аҳкомларга далил бўла олади. Лекин шаръий аҳкомларга далил қилинадиган оҳод хабар албатта саҳиҳ ҳадис ва ҳасан ҳадис бўлиши лозим. Шаръий аҳкомга заиф ҳадис мутлақо далил бўлмайди. Кимки уни далил қилса, у шаръий далил ҳисобланмайди. Ҳадисни саҳиҳ ёки ҳасан деб ҳисоблаш, барча ҳадисшунослар наздида саҳиҳ ёки ҳасанлиги эмас, балки ҳадисни танишга лаёқатли далил қилувчининг наздида саҳиҳ ёки ҳасанлигидир. Бунинг сабаби шундаки, баъзи ровийлар айрим муҳаддислар наздида ишончли ривоятчи деб ҳисобланса, айримларининг наздида ишончсиздир ёки айрим муҳаддислар бу ровийларни маълум деб билишса, бошқалар фикрича номаълум саналади. Яна айрим ҳадислар борки, бир жиҳатдан саҳиҳ бўлса, бошқа жиҳатдан ишончсиз ҳисобланади, яна бир қанча ҳадисларни

айрим муҳаддислар ҳисобга олмасалар, бошқа муҳаддис ва фуқаҳолар уни ҳужжат қилишган. Ҳадисни бир ёки бир неча фикрдан келиб чиққан саҳиҳ ёки ҳасан деб ҳисоблашга мажбурлаш нотўғри ва ҳадиснинг воқеасига ҳам хилофдир. Ҳадиснинг саҳиҳлигини текширмасдан, уни қабул қилишга шошилиш мумкин бўлмагани каби, муҳаддисларнинг бири ривоят қилувчисини қоралаганлиги учун ҳадисни қоралаш мумкин эмас. Чунки ҳадис бошқа ривоятчилар томонидан қабул бўлиш эҳтимоли бор ёки маълум муҳаддислар уни рад этишса, бутун уммат ва фақиҳлар уни ҳужжат қилишлари мумкин. Ҳадиснинг ривоят қилувчиси омма тарафидан қораланган, ёки ҳадис кўпчилик тарафидан рад этилган, ёхуд ҳадисга уқуви ва қобилияти йўқ айрим фақиҳлар тарафидангина ҳужжат қилинган бўлса, уни қоралаш ва рад этиш мумкин. Ҳадисни рад этишга ва қоралашга шошилишдан аввал уни ўрганиш лозим. Ривоят қилувчиларни ва ҳадисларни пухта ўрганган киши бу борада муҳаддислар ўртасида ихтилофлар кўплигининг гувоҳи бўлади. Бунга мисоллар жуда кўп. Масалан, Абу Довуд Амр ибн Шуайбдан, Амр отасидан, отаси Амрнинг бобосидан ривоят қилади: Расулulloҳ ﷺ айтдилар: «Мусулмонларнинг қонлари бир хил бўлади, уларнинг энг узоғи ҳам бир-бирига далда беради, уларни энг охиргилари ҳам ҳимояга олади. Ўзларидан бошқаларга қарши улар бир қўл бўлиб ҳаракат қиладилар, кучлиси заифини, юрадигани юрмайдиганини бориб кўради». Бу ҳадисни кўпчилик ҳужжат қилган бўлса, баъзилар инкор этганлар. Термизий айтадики: Муҳаммад ибн Исмоил айтди: «Мен Аҳмад, Исҳоқ ва бошқаларнинг Амр ибн Шуайбнинг ҳадисини ҳужжат қилаётганларини кўрдим, яна Шуайб ибн Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Умардан эшитган. Абу Исо айтдики: «Кимки, Амр ибн Шуайбнинг ҳадиси ҳақида гапирган бўлса, уни заиф ҳисоблаган, чунки у бобосидан ривоят қилиб гапирди. Улар ҳисоблашларича Амр бундай ҳадисларни бобосидан эшитмаган. Мадиналик Алий ибн Абу Абдуллоҳ айтадики: Яҳё ибн Саид «Амр ибн Шуайбнинг ҳадиси бизнинг пайтимизда заиф эди», деди. Шунга биноан биров Амр ибн Шуайб айтган ҳадисни шаръий аҳкомларга далил қилса, унинг далили шаръий далил деб ҳисобланади, чунки у айрим муҳаддислар томонидан ҳужжат қилинадиган шахслардан биридир. Яна бир мисол Дорқутнийда Ҳасандан, у Уббодадан ва Анас ибн Моликдан ривоят қилади. Пайгамбар ﷺ айтдилар: «Тортиладиган нарсалар бир турли бўлса, баб-баробар олинсин, ўлчанадиган нарсалар ҳам шундай, агар нарсаларнинг тури ўзгарса, зарари йўқ». Бу ҳадиснинг санадида Робиъ ибн Сабиҳ бўлиб, Абу Заръа уни ишончли деган, бир жамоа уни заиф ҳисоблаган. Бу ҳадисни Базор ҳам саҳиҳ деган. Кимки шу ҳадисни ёки санадида Робиъ ибн Сабиҳ бўлган бошқа ҳадисни далил келтирса, шаръий далил ҳисобланади. Чунки бу ҳадис жамоа тарафидан саҳиҳ ҳисобланади. Робиъ бир жамоа эътиборида ишончга эга бўлган. Шунингдек, бир шахс одил саналган ва жароҳатланган бўлса, одил санашдан кўра жароҳатлаш яхшироқ дейилмайди. Чунки жароҳат ва одил санаш ҳар иккиси битта шахси ҳақида бошқа шахсга келган вақтдагина одил санашдан жароҳат яхши бўлиши мумкин. Аммо икки шахсга одил санаш ва жароҳатлаш етса,

улардан бири қораланса, иккинчиси қораланмаса, бу жоиздир. Бундан айрим ровийлар баъзилар тарафидан эътиборга олинishi ёки олинмаслиги келиб чиққан.

Масалан, Абу Довуд, Аҳмад, Насоий, ибн Можжа ва Термизий Абу Хурайра رضي الله عنهдан ривоят қилишганки: Бир киши Расулulloҳ صلى الله عليه وسلمдан сўраб шундай дейди: «Эй Расулalloҳ, биз денгизда кемада юрамиз. Ўзимиз билан олган сувимиз оз бўлади, сувни таҳоратга ишлатиб юборсак, ўзимиз чанқаб қоламиз. Денгиз сувида таҳорат олсак бўладими?» Расулulloҳ صلى الله عليه وسلم дедилар: «Унинг суви покдир. Ўлакcаси ҳалолдир». Бу ҳадисни Термизий Бухорий саҳиҳ деганини айтган. Уни бутун олимлар ўрганиб, қабул қилишгани учун ибн Абдул Бирр саҳиҳ деб ҳукм чиқарган, ибн Мунзир ҳам саҳиҳ деган. Муснад шарҳида ибн Асир шундай деган: «Бу ҳадис саҳиҳ, машҳур бўлиб, уни имомлар ўз китобларида баён қилганлар. Ҳадиснинг кишилари ишончлидир». Шофеъий бу ҳадисни санадида мен кимлигини танимайдиган кишилар бор, деган. Ибн Дақиқул Абд бу ҳадиснинг иллатланадиган жиҳатларини зикр қилган ва санадидаги номаълум шахсларни Саид ибн Салама, Муғира ибн Абу Бурдалар деган. Бир вақтда иккала ривоятчини айрим муҳаддислар таниқли одам деб билишган. Абу Довуд ҳам, Муғира маълум шахсдир, уни Насоий ишончли деган, деди. Ибн Абдул Ҳакам Муғирани Язид ибн Абу Муслим ўлдирилганидан сўнг Африка аҳли ўзларига волий қилишганини билдирди. Муғийра бош тортган, деди. Ҳофиз кимки бу ҳадиснинг ривоятчиси номаълум, танилмаган деб ўйласа янглишади, деди. Аммо Саид ибн Саламани эса Сафвон ибн Салим Саиддан қилган ривоятини Жулоҳ ибн Касирдан келтирган. Демак, кимки бу ҳадисни ёки Муғира ва Саидларнинг ривоятини ҳужжат қилса, ҳадиснинг ҳамда бу икки ровийнинг айрим муҳаддислар фикри бўйича эътиборга олинганлиги сабабли шаръий далилнинг ҳужжати бўлади.

Яна бир мисол, Аҳмад Саъд ибн Абу Ваққосдан ривоят қилади: «Мен эшитганманки, Расулulloҳ صلى الله عليه وسلمдан қуритилган хурмони янги пишган хўл хурмога айирбошлаш мумкинми, деб сўрашди. Расулulloҳ صلى الله عليه وسلم ёнларидаги одамлардан: «Янги хурмо қуритилса озайиб қоладими?» деб сўрадилар, одамлар: «Ҳа, озаяди» дейишди. Расулulloҳ صلى الله عليه وسلم бундан қайтардилар». Бу ҳадисни Термизий саҳиҳ деган. Таҳовий, Табарий, ибн Ҳазм ва Абдул Ҳақлардан иборат жамоа эса ҳадиснинг санадида номаълум шахс, яъни Зайд Абу Ийёш бор, деб иллатлаганлар. «Талхис» китобида Аҳмад шундай дейди: «Дорқутний уни (яъни Зайд Абу Ийёшни) ишончли шахс, деди. Мунзирий ҳам: «Ундан ишончли кимсалар ҳадис айтишган ва имом Молик ҳам қаттиқ танқид қилиниши билан бирга унга таянган», деди». Кимки бу ҳадисни шаръий далил қилса ёки Абу Ийёшнинг ҳадисини далил келтирса, бу шаръий далил ҳисобланади.

Яна бир мисол, Абу Саиддан Аҳмад, Абу Довуд ва ибн Можжа ривоят қиладилар: Расулulloҳ صلى الله عليه وسلمнинг шундай деганларини эшитдим: «Икки эркак ҳожатга авратларини очган ва бир-бирлари билан гаплашган ҳолда чиқмасинлар, чунки Оллоҳ бунга ғазаб қилади». Бу ҳадиснинг санадида Икрима ибн Аммурул Ужайлий бўлган. Уни имом Муслим ўз саҳиҳида

хужжат келтирган. Айрим ҳадис ёдлаганлар Икриманинг Яҳё ибн Касирдан ривоят қилган бу ҳадисини заиф деб ҳисоблайди. Бинобарин, Муслим Икриманинг Яҳёдан келтирган ҳадисини саҳиҳ деган, Бухорий ҳам бу ҳадисни далил қилган. Демак, кимки бу ҳадисни ё ривоятда Икрима бор ҳадисни далил қилса, ҳадисда қораланганлар бўлишига қарамасдан, шаръий далил деб ҳисобланади.

Яна бир мисол, Аҳмад, Абу Довуд, Насоий, ибн Можжа ва Термизий Юсро бинти Сафвондан ривоят қилади: «Расулуллоҳ ﷺ шундай дедилар: «Кимки ўз закарини ушласа, таҳорат қилмасдан намоз ўқимасин». Бу ҳадисни Молик, Шофеъий, Ҳузайма, ибн Ҳаён, Ҳоким ва ибн Жорудлар айтишган. Абу Довуд дейди: «Мен Аҳмадга бу ҳадис саҳиҳ эмас десам, у йўқ, саҳиҳ деди». Байҳақий шундай деган: «Бу ҳадис Урвани Юсро бинти Сафвондан ёки Марвондан эшитганлиги борасида юз берган ихтилоф туфайли Бухорий, Муслим бу ҳадисни чиқаришмаган бўлса-да, кимки бу ҳадисни далил қилса бу шаръий далил ҳисобланади». Бухорий, Муслим хужжат келтирмаслиги ҳадисни қораламайди.

Масалан, «Ароқ ароқлиги учун ҳаром қилинди», деган ҳадис ва «Саҳобаларим юлдузлар кабир, уларнинг қай бирига эргашсангиз, тўғри йўлни топасиз», деган ҳадисларини барча фуқаҳолар ишлатганлар. Лекин айрим муҳаддислар қоралаганлар. Кимки уларни далил қилса, шаръий далил ҳисобланади.

Шундай қилиб, ҳадислар, ривоятчилар ва ривоят йўллари борасида муҳаддислар ўртасида кўплаб ихтилофлар мавжудлиги аён бўлди. Шунингдек, муҳаддислар, барча фақиҳлар ва айрим мужтаҳидлар ўртасида ҳам кўпгина ихтилофлар бор. Агар шу ихтилофлар сабабли ҳадис рад этилаверса, саҳиҳ ва ҳасан деб ҳисобланган кўплаб ҳадисларни йўққа чиқаришга ва кўпгина шаръий далиллар бекор қилинишига тўғри келади, бу эса мумкин эмас. Шунинг учун ҳадисни фақат барча муҳаддислар тарафидан саҳиҳ дейилган сабабларни ёки саҳиҳ ва ҳасанлигига зарур шартлари тўла бўлмасида рад этиш лозим. Бирор ҳадис айрим муҳаддислар тарафидан эътиборга олинган ва ҳадиси ҳасан ва ҳадиси саҳиҳ шартларини ўзида мужассам этган бўлса, у ҳадисни далил қилиш мумкин ҳамда бу ҳадис ҳукми шаръий ҳукм ҳисобланади.

СИЙРАТ ВА ТАРИХ

Биринчи аҳамият берилган исломий тарих, бу Набийнинг сийратлари ва бу сийратдаги ғазотлардир. Дарҳақиқат, бу сийратда саҳобалар, тобеинлар ва улардан кейингилар ривоят қилган Набийнинг туғулиш, вояга етиш, Исломга даъват қилиш, мушриклар билан олиб борилган вояга ва ғазотларидан иборат ҳаётлари ҳақидаги ҳадисларга таянилган. Набийнинг тарихлари ривоят қилинган ҳадислар туркумига кирди. Муҳаддислар ҳадисларнинг барчасини тартибсиз жамлаган вақтда тарихдаги ҳодисалар ҳам тарқоқ ҳолда эди. Ҳадислар тартибга солинган, сийратлар алоҳида жамланди. Сўнг улар ҳадислардан ажратилиб, бу ҳақда алоҳида китоблар ёзилди. Муҳаддислар уларни ўз асарларига

киргизишарди. Масалан, Бухорийда «Мағозий» («Жанглар») китоби, Муслимда «Жиход ва сийратлар китоби» бор. Кўпчилик сийрат ҳақида китоб ёзган. Аввалги муаллифлардан сийрат ҳақида бизга биринчи бўлиб етиб келган китоб ибн Исҳоқнинг «Мағозий» китобидир. Бу китобнинг муаллифи ҳижрий 153 йил вафот этган Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Ясор жангларга боғлиқ кишиларнинг энг машҳурдир. Ҳатто Шофеъийнинг «Кимки жангларни батафсил ўрганишни истаса, у Муҳаммад ибн Исҳоққа мурожаат қилсин», деган гапи келтирилган. Аммо ибн Исҳоқдан кейин иккинчи ўринда турувчи киши Воқидийдир. 209 ҳижрий йилда вафот этган Муҳаммад ибн Умар ибн Воқид ал-Воқидий ибн Исҳоққа ўхшаб, жанглар ҳақида жуда катта илмга эга бўлган, деб саналади. У киши тарих ва ҳадис бобида илмли бўлган, лекин умрининг охирида ақлдан озган дейилади. Шунинг учун у кишини кўпгина муҳаддислар заиф санашади. Бухорий у киши ҳақида: «Унинг ҳадиси мункар», дейди. Лекин муҳаддислар у кишини жанглар борасидаги кенг илмларини қоралашмайди. У киши ҳақида Аҳмад ибн Ҳанбал шундай дейди: «У жанглар борасида жуда ўткир». Воқидий жанглар борасида ёзган китобидан ибн Саъд ўзининг «Табақот» китобида сийрат ҳақидаги гапларида ундан келтирган. Шунингдек, Табарий ҳам фойдаланган. Яна сийрат борасида машҳур муаллифлардан бири ҳижрий 218 йили вафот этган ибн Ҳишом ҳамда ҳижрий 230 йилда вафот этган Муҳаммад ибн Саъддир. Мусулмонлар бугунги кунгача сийратга аҳамият бериб келмоқдалар. Албатта сийрат бу мусулмонлар аҳамият бериши вожиб ишлардандир. Чунки у Расулulloҳ ﷺнинг амаллари, сўзлари, сукутлари, сифатларидан иборат хабарларни ўз ичига олган ҳамда бу сийратнинг ҳаммаси Қуръон каби қонунчиликдир. Сийрат қонунчилик моддаларидан бўлиб, ҳадиснинг бир қисми ҳисобланади. Сийратда Расулulloҳ ﷺдан ривоят ва матн жиҳатидан саҳиҳ бўлганлари шаръий далилдир. Чунки у Суннатдир. Расулulloҳ ﷺга эргашиш Оллоҳ Таоло тарафидан мусулмонларга буюрилган. Оллоҳ Таоло марҳамат қилади:


 لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ

– „Сизлар учун Оллоҳнинг пайгамбарига гўзал намуна бордир“. [33:21]

Сийратга аҳамият бериб, уни текшириш шаръий ишдир. Лекин сийрат ҳақида қадимгиларнинг ёзиш тариқати билан кейинги асрларда келган кишиларники орасида фарқ бор, у илгаригиларнинг сийрат ва тарихдаги тариқати хабарларни ривоят қилишга таянарди. Зеро, тарихчилар тарихни оғзаки равишда бошлашган эди. Расулulloҳ ﷺнинг амалларини кўриб ёки эшитиб, уни ривоят қилган аввалги авлод бу амалларни бошқаларга ва ўздан кейинги авлодга етказарди. Тарихчиларнинг баъзилари ҳозиргача ҳадис китобларида кўрилганидек, тарқоқ ҳадисларни ёзиб қўярди. Иккинчи асрда баъзи уламолар сийрат хабарларини жамлашга киришиб, худди ҳадисдагидек ривоят йўли билан ровийнинг исмини келтириб, китоб ёза бошлашди. Шу сабабли ҳадис олимлари ва танқидчилари ровийларни ва санадни билганлари учун саҳиҳ сийрат хабарларини рад қилинадиган заиф хабарлардан ажрата олишди. Бундай сийратни, агар у саҳиҳ бўлса,

далил қилиб келтириш мумкин. Лекин ҳозирги сийрат ҳақида ёзувчилар аксинча, ҳодисаларнинг ровийларини зикр қилмасдан келтиришади. Шунинг учун уларнинг китобларига сийрат манбаси сифатида таяниб бўлмайди. Лекин ёзувчи ўзининг китобида ривоят қилинган хабарни ёзаётган пайтда сийрат хабарларини таҳқиқ қилиб текширган бўлса, унинг китобига таяниш мумкин. Акс ҳолда унинг фикри далил келтирилмайди, балки у зикр этган ҳодисада ривоят қилинган сийрат китобларига, ёхуд ҳадис китобларига мурожаат қилинади. Чунки Набийнинг хабарлари Суннат саналиб, саҳиҳ бўлсагина олинади.

Тарихчиларнинг сийратга муносабатлари билан бирга бу нарсанинг иккинчи жиҳати ҳам бор. Бу мусулмонларнинг бир-бирлари билан, мусулмонларнинг бошқа умматлар билан урушлари ва бу урушлардаги футуҳотлар ва воқеалар тарихидир. Тарихчилардан бир жамоат машҳур бўлиб, уларнинг аввалида ҳижрий 180 йили вафот этган Абу Маҳнаф Лут ибн Яҳё ибн Саид ибн Маҳнаф ибн Салим ал-Аздий туради. У ёзган энг машҳур асарлардан «Шом фатҳлари» ва «Ироқ фатҳлари», «Жамал», «Сиффийн», «Хусайннинг ўлдирилиши» каби китобларидир. Кўринишича ҳамма китоблар битта масалани шарҳлаган. Унинг саҳиҳ китобларидан фақат ибн Жарир Табарий ўзининг тарихида нақл қилган китоби қолган холос. Лекин бу китобини кўпгина муҳаддислар қоралаб, Абу Маҳнаф мажҳул жамоатдан ривоят қилган дейишган. Яна машҳур тарихчилардан бири Мадоинийдир. У Алий ибн Муҳаммад Мадоиний бўлиб, ҳижрий 225 йилда вафот этган ва жуда кўп китоблар ёзган. У Расулуллоҳ ﷺ хабарлари, Қурайш хабарлари, аёллар ва халифалар хабарлари ҳақида китоб ёзган. Мадоинийни Саълаб ан-Наҳвий сифатлаб, шундай деган: «Кимки жоҳилият хабарларини хоҳласа, Абий Убайданинг китобларини ўқисин. Агар Ислому хабарларини хоҳласа, Мадоинийнинг китобларини ўқисин». Муҳаддислар уни қоралашмаган. Мадоиний ҳақида муҳаддисларнинг машҳур танқидчиси Яҳё ибн Маин «у ишончли» деган. Дарҳақиқат, сийрат оғзаки тузилгани каби тарих ҳам оғзаки бошланди. Кейин бу ҳодисаларни кўриб иштирок этган авлод ривоят қила бошлади ва уни ўзидан кейинги авлодга етказди. Сўнг ҳодисаларни ёзиш бошланди. Тарихчилар сийратда хабарларни баён этиш жиҳатидан қандай йўл тутишган бўлса, исломий тарихда ҳам шундай иш қилишди. Шунинг учун Табарий каби қадимги тарих китобларининг воқеаси фалон кишидан, фалончи эса фалондан ривоят қилганини кўрасиз. Кўпинча тарих китоблари воқеани бир неча усулда баён этади. Чунки тарихчиларнинг тарих ёзишдаги тариқатлари фақат ривоят усулидир.

Шунингдек, аввалги асрлардан мусулмонларда кўзга ташланган иккинчи жиҳат ҳам бор. Бу форс, рум ва бошқа умматлар ҳамда яҳуд ва насоролар каби ўзга дин эгаларининг тарихидир. Лекин бу тарихлар сийрат ва исломий воқеалар тарихига нисбатан кам тадқиқ этилган. Бунинг боиси шуки, тарихчилар бу тарихни ривоят қилувчи бошқа уммат аҳлига таянишарди. Зеро, тарихнинг бу қисми ривоятчиларнинг даври узоқлиги ва нақлдаги тадқиқнинг камлиги сабабли афсоналарга тўлиб кетган. Чунки ҳар бир уммат ўз хабарларига қўшиб бораверарди.

Хулоса шуки, мусулмонлардан на тарих борасида, на исломий тадқиқ борасида, на бошқа умматларнинг тарихи борасида моҳири бўлмаган. Ваҳоланки, мусулмонларнинг тарих ёзишдаги тариқатлари саҳиҳ бўлиб, у воқеани кўрган кишидан ривоят қилиш ёхуд китобдаги хабарни баён этишдан иборат ривоят эди. Лекин мусулмонлар ўзга умматларнинг тарихи борасида заиф ривоятларга таянишди. Натижада бу тарих афсона ва қиссаларга тўлиб кетди. Ислом тарихи борасида ровийлар сийрат ва ҳадисда тадқиқ қилиб текширганларидек, чуқур ўрганмасдан халифа ва волийларнинг хабарлари билан чекланишди. Улар жамият ва халқнинг аҳволига аҳамият беришмади. Шу сабабли исломий тарих жамият ёки давлат ҳақида комил суратни беролмайди. Бундай суратни фақат сийрат китобларидан, саҳоба ва тобеинларнинг хабарлари ривоят қилинган ҳадис китобларидангина олиш мумкин. Исломий тарих баён этилган воқеаларни, уларни айтган ровийлар фаолиятини, санадларини, ҳодисаларни текшириб, воқеа ва ривоятлар ёрдамида ўрганиб, қайта кўриб чиқишга муҳтож. Лекин саҳобалар замонидан бошқа даврда юз берган нарсаларнинг бизга аҳамияти йўқ. Аммо саҳобалардан содир бўлган нарсалар баҳс майдонидир. Чунки саҳобаларнинг ижмоси шаръий далилдир. Саҳобалар томонидан юз берган нарсаларда ҳаёт янгилиниши билан боғлиқ жуда кўп ҳукмлар мавжуд, муаммолар саҳобалар томонидан муолажа қилинган. Демак, уларни қонун жиҳатидан билиш лозим. Саҳобаларнинг тарихи қонунчилик моддаларидан бири бўлиб, кўпгина жиҳод, зиммийларга муносабат, хирож, ушур, ернинг хирожий ёки ушрийлигини билиш, яъни ер сулҳ билан фатҳ қилинганми ёки куч биланми, омонлик, сулҳ, ғанимат, фай (ўлжа) ҳукмлари, лашкарнинг маоши ва шу каби ишларнинг барчаси ҳодиса ва ҳукмлар бўлиб, улар давлат амалига айланган. Саҳобалар келишган нарсани шаръий далил сифатида олинishi ҳамда саҳоба ёлғиз ўзи келтирган воқеани бирор мужтаҳид шаръий ҳукм деб қараши ва саҳобаларнинг, айниқса хулафон рошидинларнинг давлатни бошқариш сиёсати билан танишиш мақсадида саҳобалар тарихини билиш лозим. Чунки улар Оллоҳ ҳукмини англаш қобилияти берилганларнинг энг яхшиси, халқларга мусулмон ҳамда зиммий бўлишидан қатъий назар, ҳукм татбиқ этишни яхши тушунадиган кишилар бўлишган. Шунинг учун саҳобалар асридаги исломий давлат тарихини билиш лозим. Саҳобалар асридан кейинги исломий давлатнинг саҳиҳ тарихини ҳам билиш фойдадан холи эмас. Мусулмонларда тарих китобларидан бошқа саҳобаларнинг манбалари бўлиб, улар Абу Убайднинг «Амвол», Моликнинг «Муватто» каби китоблари ҳамда саҳиҳ ва ҳасан ривоят қиладиган ҳадис китобларидир.

Аммо саҳобалардан бошқаларни хабар ва маълумот сифатида билишнинг, бу хабар ва маълумотларда келган нарсалардан ибрат олишнинг зарари йўқ. Тўғри, Қуръон баъзи пайғамбарлар ва баъзи умматлар тарихини уларнинг хабарлари ва амалларини шу асосда юрадиган йўл қилиб олишимиз учун эмас, балки Оллоҳга иймон келтириб, ибодат қилиш ҳамда Оллоҳга осий бўлганларнинг оқибати ибрат бўлиши учун баён этди. Тарихнинг умматларнинг уйғонишида катта аҳамияти бор,

Ўтмишни билиш бугунги кунни қадрлаб, келажакка йўл очади, деган фикр хато. Зеро, бу ваҳм ва чалкаштириш бўлиб, воқеликни атайлаб гоибга қиёслаш ҳамда ўзимиз кўриб турган ишончли нарсани хабар берилган заннга қиёслашдир. Бу занний хабарлар тўғри бўлиши ҳам, хато бўлиши ҳам мумкин, гоҳида рост, гоҳида ёлғон бўлиши ҳам мумкин. Ҳақиқат шуки, тарих уйғонишга ёки бирор баҳсга асос бўлолмайди. Балки, биз муолажа қилишни хоҳлаётган воқеа баҳсга асос бўлади. Чунки у махсус соҳа, агар воқеа шаръий ҳукмларга тааллуқли экан, шаръан ечим берилади, агар у восита ва услублардан бўлса, шу воқеа тақозо этган ечим топилади. Мусулмон киши Бисмарк, ҳатто Ҳорун ар-Рашид хабарлари билан машғул бўлиши дуруст эмас. Балки мусулмон Оллоҳнинг фикр ва ҳукмлари билан Ислом ва мусулмонларнинг аҳволини яхшилаш жиҳатидан амалий иш билан шуғулланиб, бор имкониятларини Исломни тарқатишга, унинг даъватини оламга ёйишга сарфлашлари лозим. Агар инсонларнинг хабарларини ўрганиш лозим бўлса, ҳозирги жамиятларнинг хабарлари муолажа қилинадиган воқеа сифатида ва бошқа умматларнинг хабарларини унга нисбатан ўз нуқтаи назаримизни белгилаш мақсадида ўрганиш лозим. Ваҳоланки, биз Исломни ёйиш, унинг даъватини бошқа умматларга етказиш йўлида доимий кураш ҳолатидамиз.

УСУЛИ ФИҚҲ

Имом Шофеъий умумий қоидалар билан истинбот моҳиятини белгилаб берган киши, деб эътироф этилгани сабабли (гарчи Шофеъийдан кейинги кишиларнинг кўплари фиқҳнинг моҳияти ва жузларини яхшироқ билишса-да), Шофеъий усули фиқҳ илмининг асосчиси бўлган. Шофеъийдан олдинги фиқҳшунослар истинботнинг муайян белгиланган чегараси бўлмаган ҳолда ижтиҳод қилишарди. Улар шариат ҳукмларини, мақсад ва гоёларини тушунишларига ҳамда шариатнинг нусус ва мақсадлари кўрсатган нарсага таянишарди. Чунки бу фиқҳшуносларга шариатни ўрганиб, ҳукмлар моҳиятини англаб, унинг мақсадларини идрок қилиш қобилияти берилган эди. Улар ҳукмларни нусуслардан, нусусларнинг тушунча ва мақсадларидан қўлларидан қоида китоблари бўлмасдан истинбот қилишга муваффақ бўлишган эди. Тўғри, Шофеъийдан олдинги фиқҳшунослар, яъни саҳобалар, тобеинлар ва табаа тобеинлардан кейингилар усули фиқҳ борасида сўз юритиб, далил келтиришар ва эътироз ҳам билдиришарди. Алий ибн Абу Толибдан ривоят қилинишича, Алий мутлақ, муқаййад, хос ва омм, носих ва мансух ҳақида сўз юритган. Лекин булар чекланмаган эди. Айрим усули фиқҳ масалалари борасида сўз юритган бу фиқҳшуносларнинг шаръий далиллари бир бирига зид келган пайтда, уларни солиштиришда мурожаат этиладиган умумий қоидалари йўқ эди. Шофеъий усули фиқҳ илмини ишлаб чиқиб, инсонларга шаръий далиллар даражаларини билишда мурожаат қилинадиган серқирра қонунни тузди. Инсонлар орасида Шофеъийнинг «Рисолат» деб номланган китоби усул илмига оидлиги билан машҳур. Лекин «Рисолат» китоби Шофеъий тузган усул илмининг баъзи

жиҳатларинигина ўз ичига олади. «Рисолат» китоби усули фикҳ илмининг баҳсларини тўлиқ қамраб олмаган. Шофеъийнинг «Истеҳсонни ботил қилиш» ва «Жуммоул илм», яъни «Илм жамловчилар» китоблари ҳам мавжуд бўлиб, «Умм» китобида усул илми ҳақида баҳс юритилади.

Шофеъийга усул илмини тузишга ёрдам берган нарса у пайтда исломий фикҳ гуллаб яшнаган, Ислом мамлакатларида мужтаҳидларнинг фикҳий тўпламлари чиқиб, мазҳаблар ҳам шакллана бошлаган эди. Мужтаҳидлар ва мазҳаб эгалари ўртасидаги мунозара фикҳда ва далилларда бир неча жиҳатларни қамраб оларди. Мана шу муноқашалар умумий, кўп қиррали қоидалар, баҳс ва истинботларнинг асоси бўладиган меъёрлар ҳақида фикр юритишга ундади. Бу қоидаларни Шофеъий усули фикҳ илмига оид бир тўпламда жамлади. Шофеъийнинг усулидаги ажойиб нарса шуки, у киши усули фикҳда мантиқий йўналишни эмас, балки қонунчиликни маҳкам тутди. Чунки мантиқий йўналиш умматнинг уйғонишида, айниқса усули фикҳда жуда хатарлидир. У киши суратлар ва назарий фаразларда олишмай, мавжуд воқедаги ишларни танлади, яъни шаръий нусусларни олиб, нассни ҳамда насс далолат қилган ва инсон мушоҳада қилган воқе доирасида турди. Шофеъий насх ва насх қилинган нусусларда насх собит бўлган масалаларни, оят ёхуд ҳадисга, ёки Расулulloҳ ﷺ дан келган насхга далил ҳадислар ёки саҳобалардан келтирилган хабар ва ҳукмлар билан насх қилиш қоидаларини тасдиқлаган. Шофеъийдан кейингилар икки оят ёхуд икки ҳадис орасидаги зидликни кўрса, уларнинг бири иккинчисини насх қилади, деб қаттиқ янглишди. Шофеъий эса бир қондан олганда унга мантиқий муқаддималарни келтирмайди. Балки ҳадисдан, саҳобаларнинг фатволаридан олган манбаларини кўрсатади. Шофеъийнинг мустаҳкам қоидаларни истинбот қилишдаги йўналишлари амалий бўлиб, унда воқега, далилларга ҳамда улар маҳсус (яъни ҳиссий) воқеларга мувофиқ келишига таянарди. Шофеъийнинг усулида кўзга ташланиб турувчи нарса шуки, ўзининг муайян тариқати бўлиши билан бирга, истинбот учун мутлақ эркин, ҳар қандай тариқатга яроқли қоидалардир. Шофеъийнинг тариқати тўғри ва нотўғри раъйларни билиш учун ўлчов ҳамда инсон ўзига ҳукмларни истинбот қилиш учун қандайдир тариқатни тузиб олганига қарамасдан, бемалол фойдаланадиган қонундир. Шофеъий усули, гарчи унга боғлиқ бўлса-да, ўз мазҳабининг усули эмас, уни ўз мазҳабини ҳимоя қилиш, ўз йўналишларини баён этиш учун ёзмаган, балки у истинбот қоидаларидир. Шофеъийни ўз усулларини ёзишга ундаган нарса мазҳабпарастлик майли эмас, балки ижтиҳод усулларини белгилашга қизиқиш ва мужтаҳидларга муайян чегарани тузишга рағбатидир. Мақсаднинг ростлиги, усули фикҳ илмини тузишдаги тушунчаларнинг тўғрилиги Шофеъийдан кейинги мужтаҳид ва уламоларга, хоҳ улар Шофеъийнинг раъйларига қарши, хоҳ фикрларини қувватловчи бўлишсин, барибир ўз таъсирини ўтказди. Ҳатто, уларнинг йўналишлари турлигига қарамасдан, кўп қиррали қоидаларини тузиб, тушуниш ва истинбот қилишда умумий қоидаларга мувофиқ иш тутишарди. Шофеъийдан кейин фикҳ илгаригидек фатво ва масалаларга эмас, балки мустаҳкам усулга асосланадиган бўлди. Лекин уламоларнинг ҳаммалари

усули фикҳда Шофеъийнинг изидан юрган бўлсалар ҳам, лекин фикҳий йўналишларнинг турфа хиллигига қараб, ижтиҳодлари ҳар хил бўлди. Уламоларнинг айримлари Шофеъийга эргашиб, унинг ўз мазҳабига раъйини шарҳлашди. Эргашувчилар ва уламоларнинг айримлари эса Шофеъий келтирган масалаларда усулларнинг тафсилотини ихтилоф билан еча бошладилар. Зеро, бу ечимлар тузилиш, йўналиш жиҳатидан Шофеъийнинг усулидан фарқланмас эди. Масалан, Ҳанафия мазҳабига эргашувчилар ва уларнинг йўлидан юрган кишилар каби. Уламоларнинг бу усулда Шофеъийга қарши чиққанлари ҳам бўлди. Масалан, зоҳирия, шийъалар каби. Ҳанбалӣ мазҳабидагилар Шофеъийнинг раъйларига эргашиб, ижмодан мақсад фақат саҳобалар ижмоси деган бўлсалар ҳам, унинг усулларини олишди. Шофеъийдан кейин келган Моликий мазҳабидагиларнинг тариқати, гарчи улар Мадина аҳлининг амалини ҳужжат қилиб, айрим тафсилотларда Шофеъийга қарши чиқишса-да, усулидаги кўп нарсаларда бирлашиб кетишди, унинг йўлидан юриб, раъйларини қабул қилишди. Улар усули фикҳ илмида фаолият кўрсатиб, жуда кўп китоб ёзган мазҳаб тобелари эди. Дарҳақиқат, усули фикҳда Шофеъий тариқатига кўра бу илмнинг асосларидан бўлган китоблар ёзилди. Қадимгиларнинг энг буюк китоби учта эди. Биринчиси, Абул Ҳусайн Муҳаммад ибн ал-Басрийнинг «Муътамад» («Ишончли») деган китоби, Абул Ҳусайн ҳижратнинг 413 йилида вафот этган. Иккинчиси, ҳижратнинг 478 йилида вафот этган Имомул ҳарамайн номи билан машҳур бўлган Абдул Малик ибн Абдуллоҳ ал-Жувайнининг «Бурҳон» («Ҳужжат») китоби. Учунчиси, ҳижратнинг 478 йилида вафот этган Абу Ҳомид Ғаззолийнинг «Мустасфо» («Сараланган») китоби. Олимлардан кейин Омидий номи билан машҳур бўлган Абул Ҳусайн Алий бу учта китобни жамлаб, ўзининг «Ал-иҳком фи усулил-аҳком» («Усул ҳукмларини мустаҳкамлаш») деб номланган китобида уларга қўшимчалар киритди. Бу китоб усули фикҳда ёзилган китобларини энг каттаси. Аммо Ҳанафий мазҳабидагилар Шофеъий келтирган нарсаларни таҳлил қилиб, баъзи тафсилотларда фарқланганлар. Албатта, бу мазҳаб аҳлларини истинбот қилишдаги тариқати Шофеъийнинг усуллари билан бир хил, лекин улар усул илмида фуруот билан таъсирланган йўналишда юрдилар. Улар усул қоидаларини фуруотларни қувватлаш учун ўрганиб, фуруни асос қилиб, умумий қоидаларни фуруни юзага келтирадиган, фуруни қувватлайдиган тарзда олишди. Уларнинг бу йўналишга ундаган нарса мазҳабларини қувватлаш учун усул ҳақидаги баҳсидир. Улар усулни унга мувофиқ ўз мазҳабларига истинбот қиладиган қоидаларни яратиш учун ўрганишмади. Бунинг сабаби Абу Ҳанифа Шофеъийдан олдин яшаб, Шофеъий туғилган йилда вафот этган. Абу Ҳанифанинг истинботлари умумий, кўп қиррали қоидаларга мувофиқ эмас. Шунингдек, Абу Ҳанифадан кейин у кишининг шогирдлари Абу Юсуф, Муҳаммад, Зуфар усули фикҳ борасида китоб ёзишга аҳамият беришмади. Бу борада китоб ёзиш Ҳанафий мазҳаб олимларига кейинчалик келган бўлиб, улар Ҳанафий мазҳабининг фуруотларига хизмат қиладиган қоидаларни ишлаб чиқишга киришганлар. Бу қоидалар фурудан олдин эмас, балки кейин келган. Шу билан бирга

Ҳанафий мазҳаб усули тўлагигча Шофеъий усуллари асосида ишлаб чиқилган. Ҳанафий мазҳаб олимларини Шофеъийга зид келганлари омм, хос каби қатъийдир, ҳамда шарт ва сифат тушунчасининг эътибори йўқ, ровийларнинг кўплиги билан таржиҳ қилинмайди. Бу нарсалар кўп қиррали қодалар бўлмай, тафсилий масалалардир. Шунинг учун Ҳанафий ва Шофеъийларнинг усули фикҳлари ягона ҳисобланади. Ҳанафий усулнинг фуруотларга йўналиб, айрим тафсилотларда фарқланиши Ҳанафий усулини бошқа усул қилиб қўймайди. Сиз Шофеъий усулидаги китоб билан Ҳанафий усулидаги китоб орасида бирор бир фарқни топмайсиз, балки бу фикҳларнинг барчаси битта усули фикҳни ўрганишдир. Ҳанафийлардаги энг катта усул китоби ҳижратнинг 483 йилида вафот этган Ислом фахри Алий ибн Муҳаммад ал-Баздавий ёзган Баздавий усулидир.

Аmmo Шофеъийга усулда қарши бўлганлар зоҳириялар ва шийъалардир. Улар Шофеъий усулига фақат усулнинг тафсилотларида эмас, балки айрим асосларида ҳам қарши чиқшиган. Аммо зоҳириялар қиёснинг ҳаммасини рад этиб, фақат нуусларнинг зоҳирига таянадилар. Улар ҳатто очик қиёсни ҳам тан олишмайди, балки уни насс деб ҳисоблашади. Уларнинг нассга муносабатлари унинг зоҳирига бўлган эътибор, холос. Бу мазҳабнинг имоми ҳижратнинг 270 йилида вафот этган Абу Сулаймон Довуд ибн Халаф ал-Исфажонийдир. У Шофеъий мазҳабида бўлиб, фикҳни Шофеъийнинг шогирдларидан ўрганган. Сўнг Шофеъий мазҳабини ташлаб, ўзи учун фақат нассга таянадиган хос мазҳабни танлаган ва бу мазҳаб зоҳирий мазҳаби деб номланган. Зоҳирий мазҳаб имомларидан яна бири имом ибн Ҳазмдир. Айрим инсонлар ибн Ҳазмни ташвиқ қилиб, у ҳақда яхши таассурот уйғотишди ва одамлар унинг китобига қизиқа бошладилар. Шу билан ибн Ҳазмнинг китоблари фикҳий баҳс ва далил борасида бошқа усул ва фикҳ китобларидан пастроқ туради. Аммо шийъалар эса Шофеъийнинг усулига қаттиқ қарши туришди. Чунки улар имомларининг сўзларини Китоб ва Суннат каби шаръий далил қилишди. Имомларининг сўзлари уларнинг назарида камида Китоб ва Суннатга яқин ҳужжат ҳисобланади. Улар имомларнинг сўзларини Суннатни хословчи нарса деб билишади. «Қонунчилик ҳикмати маълум ҳукмларни ёритиб, маълум ҳукмларни яширишни тақозо этади. Лекин Пайғамбар ﷺ бу ҳикматни ўз васийларига қолдириб кетганлар. Ҳар бир васий беркитилган ҳукмларни, ўзига муносиб вақтда ҳикматга мувофиқ равишда хосланган оммни, қайдланган мутлақни, баён қилинган мужмални ёйиш учун бировга топширади. Гоҳо Набий ﷺ оммни зикр этиб, унинг хословчисини бир мунча вақт ўтгандан кейин айтдилар, гоҳида эса хословчини айтмай, балки бу ишни ўз васийлари бажарардилар». Шийъалар ўз имомларини Суннатга тенг ҳисоблашарди. Улардаги ижтиҳод мазҳабга боғлиқ бўлиб, мужтаҳид мазҳаб раъйига қарши чиқиши жоиз эмас, яъни мужтаҳид имомнинг сўзига хилоф ижтиҳод қилиши дуруст эмас. Улар ҳадисларни фақат ўз имомлари йўлига мос келсагина олишарди. Улар қиёсни олишмайди. Имомлардан агар шарият қиёсланса,

дин йўқолади, дейиши мутавотир даражасига етган, буни улар ўз китобларида баён этишган.

Булар мусулмон уламоларининг Шофеъийдан кейин унга зид ёки мувофиқ равишда усули фиқҳ илмидаги ҳолатидир. Аммо Шофеъийдан кейин усули фиқҳ илмининг кўлами кенгайиб, шарҳловчилари кўпайди. Ажабланарлиси шуки, Шофеъийга яқин асрларда ижтиҳод қилувчи мужтаҳидлар камайиб кетди. Шофеъий асридан кейинги асрларда ижтиҳод эшиги беркилди. Лекин усули фиқҳ илми ўсди, унинг қоидаларини текшириш кўпайди, фиқҳий масалалар тармоқларга бўлинди. Лекин бу ривожланишларнинг бари амалий жиҳатдан эмас, назарий жиҳатдан бўлди. Усул илми назарий жиҳатдан ривожланганлиги сабабли, мужтаҳидларни яратишга, ижтиҳод эшиги беркилди деган фикрни сингдириб, йўқотишга таъсирини ўтказолмади. Эҳтимол, кейинги асрлардаги усули фиқҳ холис назарий йўналишдан юрганлиги ҳамда унда назарий баҳс кўпайиб, усули фиқҳга алоқаси йўқ баҳслар киритилганлиги сабаб бўлгандир. Баҳслашувчиларнинг эътибори қоидаларни текшириб, уларни тузатишга, уларни далиллар билан қувватлаб, энг кучлисини далил деб танлашга қаратилган эди. Усул илмини ўрганувчиларда назарий фаразлар кўпайиб кетди. Улар далолатларни текшириб, уни мантиқ уламоларидек тақсимлаб, усули фиқҳга бирор натижа бермайдиган баҳсларни қўзғашди. Масалан, чиройли, хунук баҳси ақлийми ёки шаръийми? Неъмат берувчига шукр қилиш нақл билан вожибми ёки ақл биланми? Улар усули фиқҳ илми эмас, калом илмидаги гаплар ҳақида баҳслашишди. Масалан, пайғамбарларнинг гуноҳдан поклиги, рисолат ишларида пайғамбарларга унутиш ва хатонинг жоизлиги борасида баҳс юритишди. Улар усули фиқҳга эмас, араб тилига алоқадор гаплар ҳамда тилларнинг асли, ҳарф ва исмлар борасида баҳс олиб боришди. Улар усули фиқҳ илмини фаолиятдан тўхтатиб, мужтаҳидларни вужудга келтириб, фиқҳни самарали қиладиган қонунчилик жиҳатидан, олимлар содда ҳукмларни ҳам ишлаб чиқолмайдиган назарий баҳсга айлантиришди. Оқибатда усули фиқҳнинг фойдаси йўқолиб, қонунчилик ва истинботда таъсири билинмай қолди. Усули фиқҳ илми ҳукмларни истинбот қилиб, қонунчилик жиҳатини ривожлантиришда араб тили учун наҳв ва балоғат илмидан зарур бўлгани сингари, бу илми ўрганиш учун уни назарий жиҳатдан эмас, воқеий жиҳатдан ўзлаштиришга аҳамият бериш лозим. Бу борада истинбот қилишга тааллуқли баҳслар билан чекланиб, усули фиқҳ ўзига тааллуқли далиллар, унинг мазмунига мос воқеалар билан бирга ўрганилмоғи лозим, токи усули фиқҳ мужтаҳидлари ҳамда Ислом оламида ва бошқа жабҳаларда ҳар қуни пайдо бўладиган муаммоларни муолажа қилиш учун қонунларни кашф этсин.

Фиқҳ

Фиқҳнинг луғавий маъноси тушуниш демакдир. Масалан, Оллоҳ Таоло айтади:

مَا نَفَعَهُ كَثِيرًا مِّمَّا تَقُولُ

– „Сен айтаётган нарсаларнинг кўпини англаб етмаётирмиз“, [11:91] Фиқҳ қонунчилиқда тафаккур ва далил келтириш йўли билан шаръий ҳукмларни билишга хос илмдир. Дарҳақиқат, шаръий ҳукмларни билиш улар нозил бўлгандаёқ бошланиб, Маккадан Мадинага ҳижрат қилингандан кейин ривожланган эди. Муҳаммад ﷺ Пайғамбар қилиб жўнатилиб, Маккада 13 йил турдилар. Сўнг Мадинада 10 йилча яшадилар. Қуръони Карим бу муддат мобайнида нозил бўлди. Ҳукм оятлари Мадинада нозил бўлган. Шу муддатда Расулulloҳ ﷺ Қуръон ўз ичига олган воқеаларга, содир бўлган муаммоларнинг муолажасига тааллуқли ҳукмларни айтиб берардилар.

Қуръоннинг Маккада нозил бўлган қисми Қуръоннинг учдан икки қисмига тўғри келиб, бу оятлар маккий деб номланди. Маккий оятлар ҳукмга тааллуқли эмас, балки диннинг аслини баён қилиб, унга даъват қилишдан иборат эди. Масалан, Оллоҳга, Пайғамбарига, охираат кунига иймон келтириш, намозга буюриш каби, хулқий сифатлар билан сифатланиш, ростгўйлик, омонат каби, ёмон амаллардан қайтаришга, зино, одам ўлдириш, қизларни тириклайин кўмиш, ўлчовда, тарозуда уриб қолиш ва шу каби амалларга тааллуқли эди. Қуръоннинг қолган қисми Мадинада нозил бўлиб, булар маданий оятлар дейилади. Булар ҳукм оятлари бўлиб, савдо-сотиқ, ижара, рибо каби муомалалардан, зино, ўғрилиқ каби ҳадлардан, қасддан ўлдирувчини ўлдириш, йўл тўсарни жазолаш каби жиноятлардан, зинонинг ва бошқа нарсаларнинг гувоҳлиги каби очиқ далиллардан иборат эди. Шунингдек, рўза, закот, ҳаж, жиҳод каби қолган ибодат ҳукмлари ҳам нозил бўлди. Булардан билинадик, гарчи Маккада намоз ҳукмлари келган бўлса ҳам, у кўпгина ҳукмларни билишни шакллантиролмас эди, балки уларнинг бир турини билиш эди, холос. Аммо Мадинада нозил бўлган оятларда ҳукмларнинг ҳаммаси баён этилиб, уларни билиш фиқҳ дейилади. Шу сабабли фиқҳ Мадинада бошланган дейиш мумкин. Фиқҳ амалий ҳукмлар бўлгани сабабли юз бераётган воқеаларни муолажа қилиш учун нозил бўларди. Ҳукм оятлари юз бераётган ҳодисаларга нисбатан кўп бўлиб, бирор масалада талашиб қолган кишилар Расулulloҳ ﷺ га фатво сўраб боришарди ва Расулulloҳ ﷺ Оллоҳнинг ҳукми билан ажрим қилардилар ёхуд муолажага муҳтож муаммоларга нисбатан оятларни айтиб берардилар. Бу Қуръоннинг бўлиниб-бўлиниб тушишига боғлиқ эди. Шунинг учун қонунчилик оятлар нозил бўлишида ўз аксини топарди. Қуръон оятлари юзага келиши мумкин бўлган фаразларни муолажа қилмай, амалда юз берган масалаларни, инсонлар ўртасидаги муаммоларни муолажа қиларди. Қуръон Расулulloҳ ﷺ вафот этгунларича нозил бўлди. Оллоҳ Таоло динни комил қилди ва уни Расулulloҳ ﷺ га «Сураи Моида»даги ўзининг ояти орқали билдирди::

﴿يَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتْمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا﴾

– „Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бениқсон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим“.

[5:3]

Шундай қилиб, ҳукмлар тўлалигича комил бўлди. Қуръон ва Расулulloҳ ﷺнинг сўзлари, амаллари ва сукутлари инсон томонидан содир бўладиган барча амал турларини ўз ичига олади. Бу ҳукмларнинг айримлари намоз, закот каби ибодатдан, айримлари ростгўйлик, омонат каби хулқдан, айримлари савдо-сотиқ, ижара каби муомалотдан, айримлари одам ўлдириш, ўғирлик каби уқуботдан, айримлари шаҳодат ва ёзма ҳужжат каби байинотлардан, айримлари халифа, қазо (яъни суд) ҳукмлари каби ички сиёсатга тааллуқли ёки жанг қилувчилар, битимлар ҳукмлари каби ташқи сиёсатга тааллуқли сиёсий ишлардан иборат. Шунга биноан, шаръий ҳукмлар мавжуд бўлиши билан исломий фикҳ вужудга келди. Зеро, фикҳ Шореъ ҳукмларини билиш демакдир.

Фикҳнинг ривож

Фикҳ исломий маърифатнинг юксак чўққиси бўлиб, у жамиятга қаттиқ таъсир кўрсатади. Фикҳ исломий сақофатнинг муҳим қисмидир. Зеро, исломий сақофат бу Китоб ва Суннат, шу иккисидан олинган ва иккисини тушуниш учун хосланган билимдир. Ислмоий сақофат, гарчи араб тили, ҳадис, тафсир илмларини ўз ичига олса ҳам, дунёқарашга боғлиқ фикрлар ҳамда ҳаётий муаммолар муолажаласидир. Бошқача қилиб айтганда, сақофат ақида ва шаръий ҳукмларда кўзга ташланади. Чунки сақофат ҳаёт муаммоларига ёндашишга амалий татбиқ бўлиши билан бирга, кўпроқ ақидавий фикрларни ҳамда муолажаларни, яъни ҳукмларни ўз ичига олади. Фикҳ фақат шу ҳукмларни билиш холос.

Ислмоий сақофат, шаръий ҳукмларни билиш Расулulloҳ ﷺ элчи қилиб жўнатилганларидан бошланган, у зотнинг ўзлари бу ҳукмларнинг манбаси бўлганлар. Чунки у киши инсонларга Оллоҳнинг динини ўргатиш учун юборилганлар. Оллоҳ Таоло марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ بَلِّغْ مَا أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ وَإِنْ لَمْ تَفْعَلْ فَمَا بَلَّغْتَ رِسَالَتَهُ

– „Эй пайғамбар, сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарсани етказинг! Агар (бу фармонга амал) қилмасангиз, Унинг элчилигини (бандаларига) етказмаган бўлурсиз“, [5:67] яна

وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الذِّكْرَ لِتُبَيِّنَ لِلنَّاسِ مَا نُزِّلَ إِلَيْهِمْ

– „Сизга эса одамларга нозил қилинган нарсаларни (яъни шариат аҳкомларини) баён қилиб беришингиз учун бу эслатмани - Қуръонни нозил қилдик“. [16:44]

Расулulloҳ ﷺдан бошқа бирор мусулмон киши дунёқарашда ёхуд бирор ҳукмда мустақил ўз фикрини беролмас эди. Чунки уларнинг ораларида Расулulloҳ ﷺ бўлиб, улар дуч келган муаммода Расулulloҳ ﷺга мурожаат қилиш имконига эга ва ҳеч ким бирор ҳодисада ўзича иш тутмас эди. Шунинг учун саҳобалар бирор ҳодисага дуч келишса ёки ораларида бирор ихтилоф чиқиб қолса, ёки хотирларига бирор фикр келса Расулulloҳ ﷺга мурожаат қилишарди. Пайғамбар ﷺ уларнинг орасини ажрим қилардилар, саволларига гоҳо оят билан, гоҳо ҳадис билан жавоб берардилар. Аммо

баъзи саҳобалар Расулуллоҳ ﷺнинг асрларида ижтиҳод қилиб, ўз ижтиҳоди билан айрим масалаларда ҳукм чиқарган, деган сўзга келсак, саҳобаларнинг ижтиҳод қилиши шаръий ҳукмлар манбаси эмас, балки Расулуллоҳ ﷺнинг буйруқлари билан шариятни тушуниш бўлган ҳолос. Бунга ушбу ижтиҳодлар келиб чиққан ҳолат шундан далолат беради. Расулуллоҳ ﷺ Алий ибн Абу Толиб ﷺни Яманга қози қилиб жўнатдилар ва унга: «Албатта Оллоҳ қалбингни ҳидоятлаб, тилингни бурро қилур. Агар олдинда икки жанжаллашувчи томон ўтирса, аввалгисини эшитганингдек, иккинчисини ҳам эшитмасдан туриб ҳукм чиқарма. Бу сенга ҳукми ойдинлаштиришга ёрдам беради». Яна Набий ﷺ Муоз ибн Жабални Яманга жўнатиб шундай дедилар: «Агар сен Оллоҳнинг Китобида ва расулининг Суннатида ҳукм чиқарадиган нарсани тополмасанг нима қиласан?» Муоз: «Ўз раъйим билан ижтиҳод қиламан», деди. Расулуллоҳ ﷺ эса: «Расулуллоҳнинг элчисини Оллоҳ ва расули рози бўладиган нарсага муваффақ қилган зотга ҳамд бўлсин», дедилар. Расулуллоҳ ﷺ Ҳузайфа ибн Ямонни ўртадаги девор хусусида жанжаллашган икки қўшнинг орасида ҳукм чиқариш учун жўнатдилар. Расулуллоҳ ﷺ Амр ибн Осга: «Бу масалада ҳукм чиқар», дедилар. Шунда Амр: «Сиз бўла туриб мен ижтиҳод қилайми?» деди. Расулуллоҳ ﷺ: «Ҳа, агар тўғри топсанг сенга икки савоб, агар хато қилсанг битта савоб», дедилар.

Бундай воқеалар шуни кўрсатадики, Расулуллоҳ ﷺ даврларидаги мусулмонларнинг ижтиҳодлари Расулуллоҳ ﷺнинг буйруқлари билан бўлган. Шунинг учун Расулуллоҳ ﷺ бу ижтиҳодларнинг манбаси ҳисобланадилар. Шунга кўра, Расулуллоҳ ﷺнинг замоналарида барча исломий сақофат манбалари мавжуд эди. Бу муддат Расулуллоҳ ﷺнинг элчи қилиб жўнатилишларидан токи вафот этгунларича 22 йил ва бир неча ойдан иборат. Бу муддатда Қуръон ва Суннат тўлиқ нозил бўлди. Қуръон ва Суннат исломий фикрат, ҳукм ва сақофатнинг манбаси ҳисобланадиган ягона нассдир.

Ҳижратнинг 11 йилида Расулуллоҳ ﷺнинг вафот этишлари билан саҳобалар замонаси бошланди. Бу тафсир замони бўлиб, насс бўлмаган воқеаларда истинбот эшиклари очилди. Саҳобалар Қуръон ва Суннат нусуслари мусулмонлар орасида оммавийлашиб кетмаганини кўришди. Чунки Қуръон нусуслари Расулуллоҳ ﷺнинг уйларида ва айрим саҳобаларда сақланган хос саҳифаларга ёзилган эди. Улар Китоб ва Суннатнинг нусуслари ўша пайтда юз берган ҳодиса ва масалаларга шаръий ҳукмлар чиқариб, юз бериши мумкин бўлган фаразий воқеаларга шаръий ҳукм йўқ. Мусулмонлар ҳаётида Расулуллоҳ ﷺнинг замонларида бўлмаган воқеа, масала ва эҳтиёжлар юз бериб, Расулуллоҳ ﷺ қолдирган нусусларда унинг ҳукмига бирор насс топилмасди. Шунингдек, Китоб ва Суннатнинг нассларига ҳар бир мусулмоннинг ўзи мурожаат қилиб, ҳукмларни тушунишга қодир эмас эди. Чунки ҳаётий зарурат оммага Ислому ҳукмларини тушунтириб берувчи бўлишини тақозо этарди. Шунинг учун зиммаларида Қуръони Карим ва Расулуллоҳ ﷺнинг ҳадисларини

тарқатиш турганини ҳис этиб, Қуръон жамланди ва кўп нусхада кўчириб мусулмонларга тарқатилди. Улар Суннат ривоятига бўлган ишончни кафолатлаб, ровийларни текширадиган эҳтиёт чораларини кўришди, яъни ўз зиммаларида тафсир ва Суннат нусусларини ёритиб бериш турганини англаб, одамларга динни ўргата бошладилар. Сўнг Китоб ва Суннатда насси бўлмаган воқеа ва ҳодисаларда фатво бериш ҳақида ўйлаб, юзага келган масалаларга лозим ҳукмларни истинбот қила бошладилар. Шундай қилиб диний вазифани жуда яхши бажардилар.

Саҳобалар шаръий ҳукмларда тутган тариқат шундан иборат эдики, улар дуч келган воқеанинг ҳукмига далолат қиладиган Қуръон ва Суннатдан бирон насс топишса, уни тушунишга, мақсадни англаб етишга бор кучларини сарфлашарди. Агар улар воқеа ҳукмига Қуръон ва Суннатда бирон бир нассни топа олмаса, унинг ҳукмини истинбот қилиш учун ижтиҳодга киришишарди. Улар ўз ижтиҳодларида Расулulloҳ ﷺ га оятлар нозил бўлиб, воқеаларга татбиқ қилиниши орқали эгаллаган шаръий нусусларни тушунишларига таянишарди. Улар ижтиҳод қилган воқеаларни текширишдан шу нарса маълум бўладики, улар насси йўқ ҳукми насси бор ҳукмга қиёслаб, манфаатни жалб қилиш ва зарарни даф қилишни ҳукмларга иллат деб қарашарди. Улар шариат кўрсатган манфаатни тўғри ҳисоблаб, насси келмаган манфаатларни насси келганларига қиёслашарди. Улар манфаат ҳақидаги ўз фикрларини айтмас эди. Чунки манфаат ҳақидаги ўз фикрини айтиш тақиқланган эди. Тарихчилар, муҳаддислар ва фикҳшунослар саҳобаларнинг жуда кўп ижтиҳодларини келтиришган. Уларнинг ижтиҳодларидан эса улар шариатга қай даражада боғлиқлиги ва шариатни тушунишдаги уринишлари маълум бўлади. Умар رضي الله عنهнинг замонида отасининг аёли ва ўша аёлнинг жазмани ўлдирган киши воқеаси юз берди. Умар тараддуланиб: «Бир киши сабабли шунча одам ўлдириладими?» дедилар. Шунда Алий رضي الله عنه: «Агар туяни ўғирлашда бир неча киши иштирок этиб, буниси бир бўлагини, бошқаси бошқа бўлагини олган бўлса, ҳаммасининг қўлини кесарминдиг?» деди. Умар: «Ҳа», деганларида, Алий: «Бу ҳам шунга ўхшаш», дедилар. Сўнг Умар Алийни раъйига амал қилиб, омилларига: «Иккаласини ўлдир», деб хат ёзди. «Агар уни ўлдиришда Санъо аҳолиси иштирок этганда, ҳаммасини ўлдирардим», дедилар. Улар муштарак масалаларда баҳслашиб қолишарди. Масалан, эри, онаси, она бир ака-укалари ва она бир ота бир ака-укалари бор аёл вафот этганда, Умар эрга ярим, онага олтидан бир, она бир ака-укаларга учдан бирини берганда, она бир ота бир ака-укаларига ҳеч нарса қолмайди. Шунда унга: «Сен отамизни эшак бўлган деб ўйладингми? Биз бир онадан эмасмизми?» дейилганда, Умар ўз фикридан қайтиб, ҳукмини ўзгартирди. Агар манфаат насдан тушуниладиган бўлса, унинг учун келган манфаатни яхши билишарди. Оллоҳ Таолонинг ушбу сўзи бунга мисолдир:

إِنَّمَا الصَّدَقَاتُ لِلْفُقَرَاءِ وَالْمَسْكِينِ وَالْعَامِلِينَ عَلَيْهَا وَالْمُؤَلَّفَةِ قُلُوبُهُمْ

– „Албатта садақалар (яъни закотлар) фақат фақирларга, мискинларга, садақа йиғувчиларга, кўнгиллари (Исломга) ошна қилинувчи кишиларга ... берилур“.

[9:60]

Бу оятда Оллоҳ қалблари Исломга мойил, яъни Исломга янги кирганларга закот берилсин деди. Расулуллоҳ ﷺдан Исломга қалблари мойиллашган кишиларнинг айримларига закот берганликлари собит бўлган. Расулуллоҳ ﷺ вафот этганларидан кейин Умар бундай кишиларга закот беришни тақиқлаганлари ва уларга: «Оллоҳ Исломни азиз қилди, Оллоҳ сизлардан беҳожат бўлди, агар сизлар Исломга қайтсанглар қайтинглар, йўқса сизлар билан орамизда фақат қилич бор», дегани ривоят қилинди. Умарнинг фикрича, қалбларни улфатлаштириш давлат заифлиги туфайли бўлган эди. Муҳтож бўлингандagina қалблар мойил қилинади. Умар қалбларни мойил қилишга эҳтиёж қолмаганидан кейин бунинг зарурати йўқ, деб ҳисоблади.

Саҳобалар ўзлари билмаган шаръий нусусларни сўраб-суриштириб ўрганишарди. Саҳобалар ўша пайтда тўпланиб, Китоб ва Суннатни ўрганишарди. Агар улар баҳс қилинаётган масаланинг ҳукмини Китоб ва Суннатдан топа олмаса, бирор киши Расулуллоҳ ﷺнинг шу масалада бирор ҳукм чиқарганларини билса, ундан сўраларди. Шунинг учун улар бир-бирларига мурожаат қилишарди. Бирор масалани баҳс қилиб, унга раъй билдириш учун тўпланишарди. Абу Бакр билан Умар ҳукм чиқариб, инсонларга мурожаат қилишарди. Бағавий «Масобиҳус сунна» («Суннат чироғи») китобида ривоят қилиб, шундай деди: Агар Абу Бакрга бирор жанжал билан келишса, Оллоҳнинг Китобига қарарди. Унда ҳукм қиладиган нарсани топса, у билан ҳукм чиқарарди. Топилмаса ва шу ишга тааллуқли Расулуллоҳ ﷺдан Суннат борлигини билса, у билан ҳукм чиқарарди. Уни ҳам тополмаса, мусулмонларга мурожаат қиларди. Кўпинча бир неча киши келиб Расулуллоҳ ﷺнинг ҳукмларини айтарди, шунда Абу Бакр: «Орамизда Набийимиздан бўлган хабарни сақлайдиган кишиларни яратган Оллоҳга ҳамд бўлсин», дерди. Агар Абу Бакр бирор ишда Расулуллоҳ ﷺдан Суннатни тополмаса, инсонларнинг улуғларини ва энг яхшиларини йиғиб, улардан маслаҳат сўрарди. Агар улар бирор ишга ижмо қилсалар, шу билан ҳукм чиқарарди. Айтишларича, Умар ўзининг фақиҳлигига қарамасдан саҳобалардан маслаҳат сўрарди. Ҳатто ундан бирор нарсаси сўралса, «Менга Алий ва Зайдни чақиринглар», дерди. Улардан маслаҳат сўраб, ҳукм чиқарарди. Саҳобаларнинг шу тариқа бир-бирларига мурожаат қилишлари сабабли раъйларда ихтилоф кам бўлган. Чунки уларнинг бири иккинчисига ўз қарашларини, далил келтирган ҳужжатларни кўрсатарди. Саҳобалар баъзи ҳукмларда раъйлари ихтилофли бўлса ҳам, лекин бу фақат тушунишда эди.

Футуҳотлар кенгайиб, саҳобалар турли шаҳарларга тарқалиб кетишгач, уларнинг жамланишлари мушкуллашди, юз берган ҳодисага ҳаммаси ўзича ёндашиши зарур бўлгани учун, кенгашиб ўтиришга имконият топилмай қолди. Мусулмонларнинг барча шаҳарларида бир ёки бир неча саҳобалар бўлиб, улар ҳукмлардаги асосий манба эди. Улар насс бўлмаган ҳукмларни истинбот қилиб, нусусларни шарҳлаб беришарди. Шунингдек,

улар инсонларга Китоб ва Суннатдан таълим ҳам беришарди. Суннат жамланиб ёзилмаган эди. Шунинг учун битта воқеада саҳобаларнинг раъйлари турлича бўлган. Ҳар бирининг ўзи истинбот қилиб, фатво берган раъйга далили бор эди. Лекин бу раъйларнинг ҳаммаси улар назарида мақбул шаръий ҳукмлар эди. Чунки уларнинг ихтилофи фақат тушунишда бўлиб, ижтиҳоддаги тариқатлари бир эди. Бу тариқатга асосан нассни келтирувчи Қуръон ва ҳадисни эътиборга олиб, нусусларни қаттиқ текшириш ҳамда шарият буюрган манфаатнигина эътиборга олиш керак эди. Уларнинг ижтиҳоддаги тариқатлари бирлиги тушунишдаги ихтилофларга таъсир қилмади, аксинча, бу ихтилоф фикҳнинг ўсиб кенгайишига сабаб бўлган. Саҳобаларнинг фатволари юз берган ҳодиса ва масалалар миқдориди бўлган ихтилоф улар орасини бузмади ва фуруотдан ташқарига чиқмади. Саҳобалар орасидаги ихтилофларнинг сабаби икки хил:

Биринчиси, Қуръон ва Суннатнинг кўп нусуслари ундан келиб чиқадиган мақсадга далолати қатъий эмас, заннийлигидир. Насса луғавий жиҳатдан икки ёки кўпроқ маъно орасида муштарак лафзнинг ёки хосланишга эҳтимоли бор умумий лафзнинг борлиги сабабли нусуслар бир маъно билдириши мумкин бўлгани каби, бошқа маънони ҳам билдириши мумкин. Бу масалаларни ҳар бир мужтаҳид саҳобий ўз эътиборида кучли бўлган қариналарга мувофиқ тушунарди.

Иккинчиси, Суннат барча мусулмонларга баробар манба бўлиши учун бир китобда ёзилмаган ҳамда уни мусулмонлар орасида тарқаладиган тўплам сифатида жамлашга келишилмаган, балки у ривоят ва ёдлаш орқали кўчиб юрарди. Кўпинча Мисрдаги мужтаҳид Дамашқдаги мужтаҳид билмаган Суннатни биларди. Мужтаҳид саҳобий бошқалардан ўзи билмаган Суннатни билса, фатвосини ўзгартирарди. Бу нарса фуруотда ихтилофга сабаб бўлди. Лекин улар далил ва усулларда ихтилоф қилишмаган. Шу сабабли уларнинг ижтиҳодида тариқатлари ихтилофли бўлмади.

Қисқаси, саҳобалар шарият олимлари эдилар. Улар Қуръондан таълим олиб, ҳадис ўрганишган. Саййидимиз Муҳаммад ﷺ билан бирга юрганликлари сабабли, Ислому ҳукмлари ижросини кўришган эди. Улар инсонлар орасида ҳукм қилишар, динларини ўргатишарди. Ўзлари яшаётган шаҳар аҳолисига машъал, шариятга омонатдор, ислоний даъватда содиқ мўмин бўлиб, инсонларга Қуръонни ўқиб беришар, шарият ва ҳукмларни ўргатишарди. Улар инсонларга Ислому таълим беришда амалий йўлдан юришарди. Инсонларга Ислому ва унинг ҳукмларини ўргатишар, шу ҳукмлар билан ҳаёт муаммоларини муолажа қилишда фойдаланган тариқатни таълим беришарди. Улар ҳоким бўлишлари билан бир вақтда муаллим ҳам эдилар. Одамлар саҳобалардан сақофатни, Исломуни сўраб, ҳукмларни билиб олишарди. Саҳобалар ҳукмларда ёритиб берган раъйлар фатво деб номланди. Расулulloҳ ﷺнинг саҳобаларидан бир юз ўттиздан ортиқ эркак ва аёл фатво ёдлаган. Саҳобаларнинг фатводи олимроғи ва кўпроқ фикр берганлари еттита бўлиб, улар кўп фатво берувчи номини қозонишган. Улар: Умар, Алий, ибн Масъуд, Оиша, Зайд

ибн Собит, ибн Аббос, ибн Умар эдилар. Халифалар, волийлар, бошқа ҳокимлар ҳукм борасида фикҳшунос, шариат соҳасида олим бўлиб, фатво билан шуғулланишган. Шунинг учун Ислом уларда мужассамланиб, зеҳнлари Ислом сақофати билан обод эди. Улар буйруқ, қайтариқ ва ҳукмларни ижро қилишарди. Халифа, волий фикр юритиб амал қилар ва тушуниб ҳукм чиқарарди. Шунинг учун уларнинг амаллари тўғри, ишлари мустақим, панд-насиҳатлари қаноатли, тиллари ростгўй, ҳукмлари эса адолатли эди. Тобеинлардан бир жамоат саҳобалардан Қуръонни олиб, Суннатни ўрганди. Фатволарни ёдлади, улардан ҳукмни истинбот қилиш йўлларини ўрганди. Шунинг учун саҳобалардан кейин фикҳ ва истинботда уларнинг ўрнини босганини кўрамиз. Тобеинларнинг айримлари Мадинада, Саид ибн Мусайяб, Куфада Саид ибн Жубайр кабилар, фатво беришарди ва ўз ижтиҳодлари асосида ҳукмларни истинбот қилишарди. Улар аввало Оллоҳнинг Китоби ва расулининг Суннатига қарашарди. Агар булардан топа олмаса, саҳобаларнинг фатволарини ўрганишарди. Тобеинларнинг саҳобалар фатвоси ҳақида фикҳий жиҳатдан турли раъйлари бўлиб, улар бир сўзни бошқасидан кучли билиб, баъзи саҳобаларнинг сўзини олиб, баъзилариникига қарши чиқишарди. Тобеинлардаги ҳукмни истинбот қилиш тариқати айнан саҳобаларнинг тариқатига ўхшарди. Шунинг учун уларнинг воқеа ва масалаларга нисбатан фатволари фаразсиз, амалий бўлган. Тобеинлар орасидаги ихтилоф сабаблари ҳам саҳобалар орасидаги сабабларга ўхшаш шаръий далилларда эмас, балки нассни тушунишга тааллуқли. Шу сабабли мусулмонлар орасида ҳаётни ўзгартириб юборадиган бирор ихтилоф юз бермади.

Ислом фикҳидаги тортишув ва мунозараларнинг таъсири

Саҳобалар ва тобеинлар замонида икки воқеа содир бўлди. Бири Усмоннинг қатл қилиниши, иккинчиси уламолар ўртасида юз берган мунозаралар. Бунинг натижасида шаръий далилларнинг тури ҳақида ихтилоф келиб чиқди ва бу нарса янги сиёсий ҳизблар ва бир неча фикҳий мазҳабларни вужудга келтирди. Биринчи воқеа Усмон ибн Аффон ﷺ қатл қилиниб, Алий ибн Абу Толибга халифаликка байъат қилинганидан кейин, Муовия ибн Абу Суфён унга қарши чиқиши. Бу икки фирқа ўртасида уруш бўлиб, бу уруш икки ҳакамнинг ҳукм чиқариши билан якун топди. Бунинг натижасида сиёсий ҳизблар пайдо бўлиб, уларнинг ўз раъйлари вужудга келди. Уларнинг раъйлари сиёсий жиҳатдан халифа ва халифалик ҳақида бўлиб, сўнг бошқа кўпгина ҳукмларни ўз ичига олди. Мусулмонлардан шундай бир жамоа пайдо бўлдики, улар Усмоннинг халифалигидаги сиёсатига ҳам, Алийнинг икки тарафдан биттадан ҳакам чиқаришини қабул қилганига ҳам, Муовиянинг халифаликни куч билан қўлга киритганига ҳам қарши чиқдилар. Уларнинг раъйлари шундан иборат эдики, мусулмонлар халифасига мусулмонлар ҳеч қандай мажбуриятсиз, ўз ихтиёрлари билан байъат қилишлари керак. Халифаликка муносиб деб топилган ҳар бир инсон халифа бўлиши мумкин, модомики эркак киши, мусулмон, одил экан, ҳабаш, қул бўлса

ҳам унга мусулмонлар байъат қилишлари ва бу байъат билан унга халифалик берилиши лозим. Халифага итоат қилиш фақат унинг буйруғи Китоб, Суннатга биноан бўлса вожиб. Улар Усмон, Алий, Муовия ривоят қилган ёки уларнинг бирортасига ёрдам берган саҳоба айтган ҳадисдаги ҳукмларни олишмас ва уларнинг ҳадислари, раъйлари ва фатволарини рад қилишарди. Ўзлари ёқтирган кишиларнинг ривоятларига эътибор бериб, ўз раъйлари ва ўз уламоларинигина тан олишарди. Уларнинг ўзига хос фикълари бор. Улар хаворижлардир. Мусулмонлар ичидан Алий ибн Абу Толиб ва унинг зурриётларини яхши кўрган бошқа бир жамоат ҳам пайдо бўлди. Улар халифаликка ҳаммадан кўра Алий ва унинг зурриётлари ҳақли, Расулulloҳ ﷺ ўзларидан кейин халифаликка уни тавсия қилганлар, деб билдилар. Улар жуда кўп саҳобалар айтган ҳадисларни рад қилдилар ва саҳобаларнинг раъйларига, фатволарига эътибор бермадилар. Улар фақат оли байт (Расулulloҳ ﷺ авлодлари)дан ривоят қилинган ҳадисларга ва улардан содир бўлган фатволаргагина эътибор қаратдилар. Уларнинг ҳам ўзига хос фикълари мавжуд. Булар шийъалардир. Аммо жумҳур мусулмонлар бу гуруҳлар туган йўлга юрмадилар. Уларнинг фикрича, халифа агар Қурайшдан бўлса, унга байъат қилинади, деб билардилар. Улар ҳамма саҳобаларни ҳеч қандай истисносиз ҳурмат ва эҳтиром қилардилар. Улар ўрталарида бўлган хусуматларни занний бўлган шаръий ҳукмлардаги ижтиҳодий масалага боғлиқ, куфр ва иймонга алоқаси йўқ деб ҳисоблардилар. Улар саҳобаларни ажратмаган ҳолда саҳобий ривоят қилган ҳар бир саҳиҳ ҳадисни ҳужжат деб билардилар. Чунки саҳобаларнинг ҳаммасини адолатли ҳисоблаб, уларнинг фатво ва раъйларини қабул қилардилар. Шунинг учун уларнинг ҳукмлари бир қанча масалаларда бошқа сиёсий ҳизбларнинг ҳукмлари билан мос келмасди. Улар ҳукмда, истинбот йўлларида ва далил турларида бир-биридан тафовутли эдилар.

Шундан аён бўладики, фитна сиёсий ва фикҳий ҳолатни юзага келтирди ва унинг таъсири ихтилофларга сабаб бўлди. Лекин бу шариат устидаги ихтилоф эмас, балки шариатни тушунишдаги ихтилофдир. Шунинг учун уларнинг ихтилофлари фуру ва ҳукмлардан, усул, далиллар ва истинбот тариқатигача ўтиб кетган бўлса-да, барибир, ҳаммалари мусулмондир.

Энди иккинчи воқеа уламолар ўртасида юз берган мунозаралардир. Улар сиёсий ихтилофга эмас, фақат фикҳий тортишувга сабаб бўлди. Чунки бу халифа, халифалик ёки ҳукм низоми ҳақидаги ихтилоф эмас, балки ҳукмлар ва уларнинг истинбот тариқати ҳақидаги ихтилоф эди. Бунга сабаб, баъзи мужтаҳидлар ўртасида мунозара ва ихтилофлар юз бериб, улар ўртасида ижтиҳод тариқатидаги ихтилофни пайдо қилди. Масалан, Мадинада Робиъа ибн Абу Абдураҳмон билан Муҳаммад ибн Шиҳоб аз-Зухрий ўртасида ҳукмлар истинбот қилишдаги исломий баҳслар бўлиб ўтди. Бунинг натижасида Мадинадаги кўп фуқаҳолар Робиъанинг мажлисини тарк қилдилар ва унга Робиъатур-рай деб лақаб қўйдилар. Худди шундай воқеа Куфада ҳам Иброҳим Наҳай билан Шаъбий ўртасида бўлиб ўтди. Бу мунозаралар натижасида ҳукмларни истинбот

қилиш тариқатида бир неча раъйлар пайдо бўлди ва мужтаҳидлар бир неча йўл билан ижтиҳодга киришдилар. Ҳижратнинг иккинчи асри яримларида ижтиҳодаги бу йўллар ва ундаги ихтилофлар яққол кўзга ташланди, бир неча раъйлар пайдо бўлди. Тобеинларга уламо ва мужтаҳидлардан иборат кишилар эргашдилар ва уларнинг йўлига юрдилар. Аммо улардан кейин келган кишилар ўртасида ихтилоф кучайди. Уларнинг ихтилофлари нассни тушуниш чегарасида тўхтамади, балки шаръий далил ва луғавий маъноларгача ўтиб кетди. Шунинг учун улар усулда ҳам, фуруда ҳам келиша олмадилар. Улар бир неча фирқага бўлиндилар ва ҳар бир фирқанинг ўз мазҳаби юзага келди. Бунинг натижасида мазҳаблар пайдо бўлиб, уларнинг сони беш-олтидан ошиб кетди. Ижтиҳод тариқатидаги ихтилоф уч масалага оиддир. Биринчиси, шаръий ҳукмлар истинбот қилинадиган манбалардаги ихтилоф, Иккинчиси, шаръий нассга бўлган қарашдаги ихтилоф. Учинчиси, нассни тушунишда татбиқ этиладиган баъзи бир луғавий маънолардаги ихтилоф.

Биринчи масала тўрт ҳолатда акс этади:

1. Суннатга ишониш йўли ва бир ривоятни иккинчи ривоятдан кучайтириш мезони. Суннатга ишониш унинг ривоятига ва кайфиятига асосланади. Мужтаҳидлар мана шу ишониш тариқатида ихтилоф қилдилар. Уларнинг баъзилари мутавотир ва машҳур Суннат билан ҳужжат келтиришарди ва фуқаҳолардан сиқот (ишончли)лари айтган нарсани кучайтиришарди. Бунинг натижасида машҳурни мутавотирга ҳукм қилишди. Бу билан Қуръонда келган умумийликни хослашди. Уларнинг баъзилари ҳеч қандай ихтилофсиз аҳли Мадинанинг сўзини қабул қилишди ва унга ҳилоф бўлган оҳод хабарларни рад этишди. Уларнинг баъзилари фуқаҳоми, фуқаҳо эмасми, оли байтданми, йўқми, аҳли Мадина унга мувофиқ келадими, йўқми, фақат сиқот ва адул (адолатли) бўлган кишилар ривоят қилган нарсаларни ҳужжат деб билишарди. Уларнинг баъзиси фақат ўз имомларининг ҳадисидан бошқа ровийларни ҳисобга олмади. Уларнинг ҳадис ривоят қилишида ва уни ҳисобга олиб, ҳукм чиқаришда ўзларига хос тариқатлари бор. Уларнинг суянадиган муайян ровийлари бор. Баъзи мужтаҳидлар мурсал ҳадис ҳақида ихтилоф қилишди. У тобеин саҳобийни тушириб қолдирган ҳолда Расулulloҳ ﷺ дан ривоят қилинган ҳадис. Баъзи мужтаҳидлар ҳадиси мурсални ҳужжат қилди, баъзилари эса инobatга олмади.

Бу Суннатга ишониш йўлидаги ихтилоф. Баъзилар ҳужжат келтирган Суннатни баъзилар ҳужжат деб билмаслиги, баъзиларнинг наздида заиф бўлган Суннатни баъзилари кучли деб билишига олиб келди. Бу эса Суннатни шаръий далил деб олинадиган кайфиятдаги ихтилофга ундади, натижада шаръий далилларда ихтилоф келиб чиқди.

2. Саҳобаларнинг фатволари ва фатволарга эътибори ҳақидаги ихтилоф. Мужтаҳид ва имомлар саҳобалар томонидан содир бўлган ижтиҳодий фатволарда ихтилоф қилишди. Уларнинг баъзилари бу фатволарнинг ҳар қандайини олишни, уларнинг биттасига муқаййад бўлиб қолмаслик, лекин ҳаммасидан ташқарига чиқмасликни олға сурди. Баъзилари бу фатволарни шахсий ижтиҳод, гуноҳкор кишилардан содир

бўлган, киши улардан хоҳлаган фатвосини олиши, уларнинг хилофига ҳам фатво бериши мумкин, булар шаръий далиллар эмас, истинбот қилинган шаръий ҳукмлар, деб ҳисобладилар. Баъзилари эса айрим саҳобаларни маъсум, уларнинг раъйлари шаръий далил деб билдилар. Уларнинг сўзлари Расулulloҳ ﷺнинг сўзлари каби, феъллари Расулulloҳ ﷺнинг феъллари каби, Суннатлари Расулulloҳ ﷺнинг Суннатлари каби, аммо саҳобалардан бошқалар маъсум эмас, уларнинг раъйлари шаръий далил ҳам, шаръий ҳукм ҳам дейилмайди, деб ҳисобладилар. Баъзилари айрим саҳобаларнинг раъйларини фитнада иштирок этганлиги учун олмас, иштирок этмаганлариникини олдилар. Мана шундан далиллардаги ихтилофлар келиб чиқди.

3. Қиёс ҳақидаги ихтилоф. Баъзи мужтаҳидлар қиёс билан ҳужжат келтиришни инкор қилиб, уни шаръий далилдан деб ҳисобламадилар. Баъзилар эса қиёс билан ҳужжат келтиришни Қуръон, Суннат, ижмодан кейинги шаръий далил деб билишарди. Унинг ҳужжатлигига иттифоқ қилишса-да, ҳукмда қиёсга асос бўладиган нарсаларда келиша олмади. Шундан далиллар ҳақида ихтилофлар келиб чиқди.

4. Ижмо ҳақидаги ихтилоф. Муслмонлар ижмони ҳужжат деб эътибор қилишга келишишди. Уларнинг баъзилари саҳобалар ижмосини ҳужжат деб билади. Баъзилари оли байтнинг ижмосини мўътабар ҳисоблайди. Баъзилари аҳли Мадинанинг ижмосини ҳужжат деб билишади, баъзилари аҳли ҳал ва ақд (пешқадам кишилар)нинг ижмосини ҳужжат дейишарди. Баъзилари муслмонларнинг ижмосини ҳужжат деб биладилар. Баъзилари ижмо ҳужжат, чунки у раъйнинг жамланиши, шунинг учун уммат жамланиб бирор раъй берса, у ҳужжат бўладиган ижмо, деб ҳисобладилар. Баъзилари эътиборли ижмо фақат раъйнинг жам бўлиши учун эмас, балки у далилдан келиб чиққани учун ҳужжат, дейишади. Масалан, саҳобалар ёки оли байт, ёки аҳли Мадина Расулulloҳ ﷺга ҳамроҳ бўлган ва уларнинг ҳаммаси адулдир. Агар бирор шаръий раъй айтсалару, далилини ривоят қилмасалар, уларнинг бу сўзлари Расулulloҳ ﷺ айтган гаплари ёки ишлари, ёки сукутлари бўлади, улар ҳукми келтираётганда далили машҳурлиги учун айтиб ўтиришмаган. Шунинг учун уларнинг наздидаги ижмо ҳужжат бўлиши далилдан келиб чиққанлигидир. Шунинг учун уларнинг бирор ишда жамланиши, сўнг бирор раъйни бериши ижмо эмас, балки бирор раъйни ўзоро келишмасдан айтиши ижмодир. Мана шундан далиллар ҳақидаги турли ихтилофлар келиб чиқди.

Бу тўрт иш мужтаҳидлар ўртасидаги ихтилофни кучайтирди. У саҳобалар ва тобеинлар асридаги ҳолат каби фақат нассни тушунишдагина эмас, балки тушуниш тариқатидаги ихтилофга айланди. Бошқача қилиб айтганда, у фақат ҳукмдагина эмас, ҳукми истинбот қилиш тариқатидаги ихтилофга айланди. Шундан баъзи мужтаҳидлар шаръий далиллар - Китоб, Суннат, ҳазрати Алийнинг сўзлари, оли байтнинг ижмоси ва ақд деб биладилар. Баъзилари шаръий далиллар - Китоб, Суннат, ижмо, қиёс, истиҳсон, саҳобийнинг мазҳаби, биздан аввалгиларнинг шариасти, деб ҳисоблайди. Баъзилари шаръий далиллар - Китоб, Суннат, ижмо, қиёс ва

истидлол дейди. Баъзилари шаръий далиллар - Китоб, Суннат, ижмо деса, баъзилари Китоб, Суннат, ижмо, қиёс, масолиҳул-мурсала ва бошқалар деб билади. Шунинг учун улар шаръий далилларда келишолмадилар ва бу нарса ижтиҳод тариқатидаги ихтилофни юзага келтирди.

Аммо уларнинг ижтиҳод тариқатида ихтилофга боғлиқ иккинчи иш - шаръий нассга муносабат. Баъзи мужтаҳидлар шаръий нассда келган иборани тушунишга муқаййад бўлиб, бу ибора ифодалаган маънолар ҳудудда тўхтаб, унга муқаййад бўлдилар. Улар аҳли ҳадис деб номландилар. Баъзилари эса нассда келган ибора билдирган маънодан ташқари, ақл идрок этадиган қўшимча маъноларга ҳам қарардилар. Булар аҳли раъй деб номландилар. Мана шундан кўпчилик мужтаҳидлар икки қисмга бўлинган - аҳли ҳадис ва аҳли раъйлар. Бу тақсимдан албатта аҳли раъйлар ўз қонунчилигида ҳадисга суюнмайдилар, аҳли ҳадислар қонунчилигини раъйга мосламайдилар, деган маъно тушунилмайди, балки ҳаммалари ҳадисни ҳам, раъйни ҳам олишади, чунки улар ҳаммаси ҳадис шаръий ҳужжат эканлигига, насс ақлан тушуниб, раъй билан қилинган ижтиҳод шаръий ҳужжат эканлигига иттифоқдирлар. Гап уларнинг аҳли ҳадис ёки аҳли раъйлигида эмас, шаръий ҳукм суюнадиган далил ҳақидаги баҳсдадир. Бунга сабаб мусулмонлар Оллоҳнинг Китоби ва расулининг Суннатига суюнадилар. Очиқ ҳукми шу иккисидан топа олмаса, иккаласидан истинбот қилишда ўз раъйларини ишлатадилар. Масалан, Оллоҳнинг Китобида келган ҳукм:

وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا

– „*Ҳолбуки, Оллоҳ байни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган*“. [2:275] Унинг далили Оллоҳнинг Китоби ҳисобланади. Ҳадисда очиқ келган: «Бирортангиз ўз биродарининг савдоси устида савдо қилмасин», унинг далили ҳадис ҳисобланади. Аммо бундан бошқа нарсалар: жума намази вақтида ижаранинг ҳаромлиги, фатҳ қилинган ернинг эгалиги байтулмолга, манфаати одамларга, деган ҳукмлар Китоб ва Суннатга асосланса-да, раъй деб ҳисобланади. Шунинг учун очиқ насс бўлмаган ҳар қандай нарса куллий ҳукм воситасида ишлаб чиқилган ёки Китоб ва Суннатдан истинбот қилинган бўлса-да, раъй дейилади. Аслида, умумий қоида асосида ишлаб чиқилган ёки Китоб ва Суннатда келган нассни тушунишдан истинбот қилинган нарса раъй дейилмайди, балки у шаръий ҳукмдир. Чунки у далилга суюнган сўз ва далилга асосланишдир.

Мужтаҳидларнинг аҳли ҳадис ва аҳли раъйга бўлинишидаги асл сабаб шуки, баъзи фуқаҳолар истинбот таянадиган асосга чуқур ёндашдилар. Бундан аён бўлдики, шаръий ҳукмларнинг маъноси ақлга тегишлидир. У инсоннинг мушкулотларини муолажа қилиш, манфаатларини кўзлаб, фасодларни даф этиш учун нозил бўлган. Шунинг учун нусусларни барча маънолар билан кенг тушуниш керак. Улар нусусларни шу асосга кўра тушуниб, бир нассни иккинчисидан устун билдилар, насси йўқларини истинбот қилдилар. Баъзи фуқаҳолар эса хабари оҳодлар ва саҳобаларнинг фатволарини олишга кўп аҳамият бердилар. Ўз истинботларида бу хабари оҳодлар ва асар (саҳобалар фатво)ларни

нусуслар доирасида тушунишга ҳаракат этдилар. Уларни воқеаларга татбиқ қилдилар. Шундан нусусларни шаръий далил деб ҳисоблашда ва сабабга эътибор бериш ёки бермасликда ихтилоф пайдо бўлди.

Рай ҳақидаги ҳақиқат шуки, ундан қайтарган бир неча далиллар келган. Масалан, «Саҳиҳи Бухорий»да Урва ибн Зубайрдан ривоят қилинади, у айтдики: Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос биз тарафга ҳаж қилиб келди. Мен унинг шундай деганини эшитдим: Расулуллоҳ ﷺ шундай дедилар: «Оллоҳ Таоло сизларга илми бергандан кейин уни олиб қўймайди, лекин уламоларни илми билан ҳалок қилиш орқали олиб қўяди, натижада одамлар жоҳил бўлиб қоладилар, фатво сўралса, ўз раъйлари билан фатво бераверадилар, натижада ўзлари ҳам адашадилар, бошқаларни ҳам адаштирадилар». Авф ибн Молик Ашжаий айтадики: Расулуллоҳ ﷺ айтадилар: «Умматим 73та фирқага бўлиниб кетади, уларнинг фитнаси энг катта бўлганлари шундай бир қавмки, динни ўз раъйлари билан қиёслаб, Оллоҳ ҳалол қилган нарсани ҳаромга, Оллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалолга чиқарадилар». Ибн Аббосдан ривоят қилинади: Расулуллоҳ ﷺ айтдилар: «Ким Қуръондан ўз раъйи билан айтса, жаҳаннамдан ўзига ўрин тайёрлайверсин». Бу ҳадислар раъйни мазаммат қилмоқда. Лекин бу Ҳанафий мазҳаби фуқоҳолари таъбирига асосланган раъй эмас, балки мазаммат қилинган раъй шариат ҳақида ҳеч қандай санадсиз айтилган сўздир. Аммо шариат асосига суянган раъйлар эса ҳадислар ва асарлар у мазаммат қилган раъй эмас, балки шаръий ҳукм эканлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, Набий ﷺ Ҳокимга ўз раъйи билан ижтиҳод қилишига рухсат бердилар. Агар унинг нияти ҳақни билиш ва унга эргашиш бўлса, раъй билан бирга ижтиҳодидаги хатосига ҳам бир ажрни ваъда қилдилар. Яна Расулуллоҳ ﷺ Аҳзоб ғазоти кунини саҳобаларга аср намозини Бану Қурайзада ўқишни буюрдилар. Баъзилари ижтиҳод қилиб, йўлда ўқиб олдилар ва айтдиларки, Расулуллоҳ ﷺ биздан намозни кечиктиришни ирода қилганларини йўқ, балки тезроқ юришимизни истадилар. Улар маънога қарадилар. Бошқалари Бану Қурайзага боргунча сабр қилдилар ва кечаси ўқидилар. Улар лафзга қарадилар. Расулуллоҳ ﷺ ҳар бир фирқанинг раъйини тўғри аниқладилар. Муоздан ривоят қилинади: Расулуллоҳ ﷺ уни Яманга жўнатаётган вақтларида айтдиларки: «Сенга бирор ҳукм келса, қандай қиласан?» Айтдики: «Оллоҳнинг Китобидаги нарса билан ҳукм қиламан». Айтдиларки: «Агар Оллоҳнинг Китобида бўлмаса-чи?» Айтдики: «Расулуллоҳ ﷺнинг Суннати билан». Айтдиларки: «Агар Расулуллоҳ ﷺнинг Суннатида бўлмаса-чи?» Айтдики: «Бутун кучимни сарфлаб, раъйим билан ижтиҳод қиламан». Айтдики: Расулуллоҳ ﷺ кўкрагимга урдилар, сўнг айтдиларки: «Расулуллоҳнинг элчисини Оллоҳ ўзи рози бўладиган нарсага муваффақ қилган Оллоҳга ҳамдлар бўлсин». Аҳли раъй фуқоҳо ва мужтаҳидлар Суннатга амал қилган ҳолда мана шу раъй билан юрдилар. Бу нассга суянган раъйдир. Бундан ташқари, улар аҳли раъй деб номланса-да, аҳли ҳадис ҳамдирлар. Ҳатто аҳли раъй деб машҳур бўлган Ҳанафийлар ҳам Абу Ҳанифа мазҳабида саҳиҳдан паст бўлган ҳасан ҳадисни қиёсдан ва раъйдан аълороқ эканлигига иттифоқ қилишган. Масалан, қаҳқаҳа ҳақидаги ҳадис ҳасан бўлса-да, қиёс ва

раъйдан кучлидир. Ўн дирҳамдан оз миқдорда ўғирлаган ўғрининг қўлини кесиш ман қилинди, чунки у ҳақдаги ҳадис саҳиҳ даражасига етмаган ҳасан ҳадисдир. Бу нарсалардан кўринадики, улар наздидаги раъй нассни ва қиёсни тушунишдир. Унинг мартабасини саҳиҳ ҳадис у ёқда турсин, ҳасан ҳадисдан ҳам паст қилди. Бундан маълум бўладики, раъйдан мурод нассни тушуниш ва унга суянишдир. Аҳли раъйлар аҳли ҳадис ҳамдир.

Ва ниҳоят истинбот тариқатида ихтилофга олиб борган учинчи иш нусусларни тушунишда татбиқ қилинадиган баъзи бир луғавий маънолардир. Арабий луғат услублари ва у далолат қилган нарсаларни ўрганиш натижасида мужтаҳидлар ўртасида ихтилофлар пайдо бўлди. Уларнинг баъзилари айтдики, албатта насс ўз мантуқи (лафз маъноси)даги ҳукмнинг собитлигида ва унинг муҳолиф тушунчасида ўша ҳукм хилофининг собитлигида ҳам ҳужжатдир. Уларнинг баъзилари айтдики, хос бўлмаган (умумий) нарса ҳамма фардларини ўз ичига олишида қатъийдир. Уларнинг баъзилари уни занний деб билдилар. Баъзилари мутлақ амр вожибни ифодалайди, ундан фақат қарина билан бурилади, демак амр феъли шу феълнинг вожиблигини ифодалайди деса, баъзилари айтдики, амр фақат феълнинг талаби холос. Унинг вожиб ёки бошқалигини қарина баён қилади. Мана шундан нусусларни тушунишда ихтилоф юз бериб, ижтиҳод тариқатидаги ихтилофга олиб келди.

Шундай қилиб, тобеинлар табақасидан кейин ҳукм истинбот қилиш тариқатида ихтилофлар пайдо бўлди. Ҳар бир мужтаҳиднинг ўзига хос тариқати вужудга келди. Бу ихтилофлар натижасида бир неча фикҳий мазҳаблар пайдо бўлди. Бу нарса фикҳнинг гуллаб яшнашига олиб келди. Бунга сабаб шуки, тушунишдаги ихтилоф табиийдир, у фикрнинг ўсишига ёрдам беради. Саҳобалар ҳам бир-бирларига қарши чиқишарди. Масалан, Абдуллоҳ ибн Аббос Алийга, Умарга, Зайд ибн Собитга хилоф иш тутарди, лекин улардан ҳам фикр оларди. Тобеинларнинг кўпи баъзи саҳобалардан илм олган бўлса-да, уларга хилоф иш қиларди. Молик ўзининг кўп шайхларига қарши чиққан. Абу Ҳанифа Жаъфар ас-Содиққа баъзи масалаларда хилоф иш тутарди, ваҳоланки ундан кўп нарсаларни ўрганган. Шундай қилиб уламолар бир бирларига, шогирдлар ўз шайхлари ва устозларига хилоф иш қилаверишган. Буни улар беадаблик ёки устозига қарши чиқиш деб ҳисобламас эдилар. Чунки Ислому ижтиҳодга ундайди. Ҳар бир олим бир саҳобийга ёки тобеинга, ёки бирор шайх ёки устознинг раъйига муқайяд бўлиши эмас, ўзи тушуниб, ўзи ижтиҳод қилиши керак.

Ислому фикҳнинг гуллаб яшнаши

Мусулмонлар, турли ихтилоф қилишларига қарамасдан, мужтаҳидларга эргашдилар. Чунки ихтилофларнинг асоси шаръий далил эди. Шореънинг хитобидан ҳар бир мужтаҳид тушунган нарса ўзи ва унга тақлид қилган киши учун шаръий ҳукм бўлади. Чунки Шореънинг хитоби шаръий ҳукмдир. Шаръий ҳукмга етишнинг ягона йўли хитобни тушунишдир. Демак, Шореънинг хитоби шаръий ҳукмини ифодалайди ва уни тушуниш ҳам шаръий ҳукм. Шореънинг хитобини тушунадиган кишилар

мужтаҳидлардир. Аммо ижтиҳод даражасига етмаган кишилар ҳукмларда шу даражага етган кишиларга эргашдилар. Бунда фақиҳнинг шахсига, шунингдек, мазҳаблардан бирортасига тақлид қилинмайди, балки фақиҳ ажратиб олган ва амал қилган шаръий ҳукмга эргашишдир. Чунки мусулмон фақатгина шаръий ҳукмга эргашиши ва амал қилиши вожиб. У бирор мазҳаб ёки шахсга эргашишга ёки бирор мазҳабгагина амал қилишга буюрилган эмас. Агар ўзи ижтиҳод орқали шаръий ҳукмга етишга қодир бўлса шундай йўл тутади, қодир бўлмаса, истинбот қилинган ҳукми олади. Аввалги асрларда мужтаҳидлар ҳад-ҳисобсиз эди. Шунинг учун мусулмонлар эргашган мужтаҳидлар ҳам бирор аддаг чекланмасди. Балки жуда кўп мужтаҳидлар ва жуда кўп мазҳаблар бор эди. Ҳар бир жамоат, мазҳаби бўлсин-бўлмасин бирор мужтаҳид ижтиҳод қилган ҳукмга эргашарди. Масалан, Кўфа аҳлининг кўпчилиги Абу Ҳанифа ва Суфён Саврийнинг фатвоси билан иш тутарди. Фақат шийъаларнинг амали Ибн Журайжнинг, аҳли Мадинаники Моликнинг, аҳли Басраники Усмоннинг, аҳли Шомники Авзойининг, аҳли Мисрники Ибн Саъднинг, аҳли Хуросонники Абдуллоҳ ибн Муборакнинг, баъзи аҳли Яманники Зайд ибн Ҳусайннинг фатвосига кўра бўларди. Кўп мусулмонлар Саид ибн Мусайяб, ибн Аби Лайло, Икрима, Робиъатур-рай, Муҳаммад ибн Шиҳоб аз-Зухрий, Ҳасан Басрий, Лайс ибн Саъд, Суфён ибн Уяйна, Исҳоқ ибн Раҳавайҳ, Абу Савр, Довуд аз-Зоҳирӣ, ибн Шибрима, ибн Жарир Табарийларнинг фатвосига кўра амал қилардилар. Булар мужтаҳид ва мазҳаб эгаларидир. Бу мазҳабларнинг ҳар бирининг ижтиҳоддаги тариқати ва ҳукмларда муайян раъйи бор. Кўп мужтаҳид ва имомлар шаҳарларда қози ва ҳоким эди. Бу имом, қози ва ҳокимларнинг талашиб-тортишиши ҳукмларда ихтилофга олиб борди. Уларнинг ҳар бири ўз раъйи ёки бошқа фақиҳнинг раъйи билан ҳукм юритарди. Бундан битта давлатда турли масалалар вужудга келди, натижада баъзи уламолар ҳукмларни муштарак ҳолга келтириш ва унга риоя қилишга халифа фармойиш беришини истадилар. Ўша даврдаги жамиятнинг аҳволини билган кишилар қозига осон, мурожаат қилувчиларга энгил бўлиши учун улар мурожаат қиладиган ягона бир китоб яратишни таклиф этдилар. Ибн Муқаффаъ халифа Мансурга шу ҳақда хат ёзди: «Амирал муъминин эътибор берадиган ишлардан бу икки шаҳар Басра, Кўфа ва бошқа шаҳар, ноҳияларда бир-бирига зид ҳукмлардаги ихтилоф моллар, фаржлар ва қонлар ҳақидаги катта қарама-қаршиликларга сабаб бўлди. Масалан, Басрада қонни, фаржни ҳалол санаса, Кўфада уни ҳаром дейишади. Худди шундай ихтилоф Кўфанинг ўзида ҳам бор. Унинг бир ноҳиясида ҳалол нарса бошқасида ҳаром. Лекин ихтилофларнинг кўп бўлишига қарамасдан, мусулмонлар орасида уларнинг қонлари ва ҳаром қилинган нарсаларида ҳукми вожиб бўлган қозилар ўзларича ҳукм қилмоқдалар. Амирал муъминин бу масалалар ва ихтилофлар ҳақида буйруқ берсалар, буларни битта китобга жамлаб, ҳар бир қавм ҳужжат қилаётган Суннат, ёки қиёслар йиғилса, сўнг амирал муъминин буларни текшириб, улар ҳақида ўзи тушунган ва азм қилган раъйини айтсалар ҳамда унинг аксича ҳукм

чиқаришдан қайтарсалар. Жоме китоб ёзсаларки, тўғриси хатога аралашиб кетган ҳукмларнинг тўғриси ажратиб олинса ва амирал мўминининг раъйи ва тили билан ишлар жам бўлса. Сўнг охир замонгача бошқа имомлар ҳам шундай йўл туттишса деб». Мансур бу хатдан таъсирланса-да, унга амал қилмади. Унинг бу таъсирланиши фуқаҳо ва муҳаддисларни одамлар мурожаат қиладиган нарсани жамлашга ундади. Мансур одамларни муайян ҳукмга бўйсундирадиган, давлат учун қонун ва дустур ишлаб чиқиш ҳақидаги ибн Муқаффаънинг раъйига амал қилмаганлигининг сабаби, у билан Молик ўртасида бўлиб ўтган суҳбатдир. Ибн Саъд «Табақот» китобида Молик ибн Анасдан ривоят қилиб айтади. Молик айтдики: Мансур ҳаж қилган пайтида менга айтди: «Мен сиз ёзган китобни олиб, ундан нусха кўчириб, мусулмон шаҳарларига бир нусхадан жўнатишга ва ундаги ҳукмларгагина амал қилишга, бошқасидан воз кечишга буйруқ бермоқчиман». Айтдимки: «Эй амирал мўминин, бундай қилманг, чунки одамлар кўп ҳукм ва ҳадисларни ва ривоятларни эшитган. Ҳар бир қавм ўзига келган нарсаларни олиб, унга одатланиб қолган. Ҳар бир шаҳарни ўзи ихтиёр қилган нарасига ташлаб қўйинг». Шунинг натижасида мазҳаблар ва раъйлар бирлаштирилмади ва одамлар учун ўзлари тушунган ҳукми олиш ихтиёрий бўлиб қолди, қозилар ва ҳокимлар учун ҳам ўз раъйлари билан ҳукм қилиш ихтиёри қолаверди. Бунинг натижасида ҳар бир фикҳ имомининг шогирдлари унинг раъйига эргашиб, унинг мазҳабини шарҳлашга киришди. Ҳосил бўлган ихтилофга муносабат ўзгарди ва улар усулул-фикҳга ўхшаш ўрганадиган «илмул хилоф» деб номланган хос бир илмга айланди. Айтдиларки, имомларнинг ихтилофи раҳматдир. Ҳар бир имомнинг шогирди фуруларда кенгайиб борарди. Бу ҳол баъзи мужтаҳидларнинг мазҳаби сақланиб қолишига ва баъзилариникининг йўқолиб кетишига сабаб бўлди. Масалан, Авзойй, Ҳасан Басрийй, Саврийй, ибн Жарир Табарийлар имомларнинг энг пешқадамлари, илми кўп ва ижтиҳоди кенглирдандир. Лекин улар фуруда кенгаймадилар, балки усул уларнинг чекландилар. Уларнинг мазҳабларини шарҳлайдиган шогирдлари етишиб чиқмади. Шунинг учун уларга амал қилинмади ва бу мазҳаблар оммалашиб кетмади. Аммо Абу Ҳанифа, Жаъфар ас-Содиқ, Зайд ибн Ҳусайн, Шофеъий, Аҳмад ибн Ҳанбал ва Молик каби бошқа имомларнинг шогирдлари ва издошлари етишиб чиқди. Натижада уларнинг мазҳаблари бирлашиб, боқий қолди. Масалан, Жаъфар ас-Содиққа ва Алий авлодидан бўлган бошқа кишиларга Абу Жаъфар Мансур тарафидан тазйиқлар бўлишига қарамасдан, у жуда кўп ҳукмларни истинбот қилди ва унинг шийъа ва бошқалардан кўпгина шогирдлари етишиб чиқди. Унинг раъйларини жамладилар ва унга худди Суннатдек эътибор бердилар. Унинг мазҳаби ер куррасининг кўп ерларида тарқалди. Абу Ҳанифанинг ҳам кўп шогирдлари етишиб чиқди. Уларнинг энг машҳурлари Абу Юсуф, Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ва Зуфарлар. Улар худди Абу Ҳанифадек мужтаҳид эдилар, лекин улар ўз мазҳабларини устознинг мазҳабига аралаштирдилар, Абу Ҳанифанинг мазҳабини жамлашдаги фазл уларга тегишли. Шунингдек, Мадинанинг имоми Моликнинг кўп шогирдлари

бўлиб, у хусусан ҳадисларни тадқиқ қилишда тенги йўқ «Муватто» китоби билан машҳур бўлган. Унинг шогирдлари ҳам ундан кейинги фатволарини жамладилар, фуруларда кенгайиб, масалалар ҳақида ўз фикрларини айтдилар. Унинг ўзи машҳур бўлса-да, мазҳабини ёйишдаги фазл шогирдларига тааллуқли. Аммо Шофеъий илмул-фиқҳда шуҳратини ўз меҳнати билан яратди. Унинг «Ал-Умм» деб номланган катта китоби, «Рисола», «Истиҳсоннинг ботиллиги» китоблари усулул-фиқҳда ўша асрдаги энг катта фикрий уйғониш учун асос бўлди. Унинг Робийъ, Музаний каби шогирдлари шу йўлдан юриб, унинг раъйларини тарқатдилар ва мазҳабини шарҳлаб, номини оммалаштирдилар. Навбатдаги имом Ҳанбалдир. Унинг мазҳабига ҳадислар асосдир. Унинг шогирдлари мазҳабини шарҳлаб, раъйларини оммалаштирдилар. Бу шогирдларнинг фазли нафақат устозлари ва имомларининг мазҳабини ёйишда, балки фиқҳни шарҳлаш ва уни гуллаб яшнашида бўлди, ҳатто уларнинг асри имомларнинг асридан кўра ривожланган деб ҳисобланади. Чунки бу аср ҳукмларни шарҳлаш ва далилларни тафсириш даври бўлди. Уламолар фиқҳни ўрганиш ва уни шарҳлашда, хусусан, фиқҳнинг ҳақиқий асоси бўлмиш усули фиқҳ улмида катта ютуқларга эришдилар. Фиқҳ оммалашди, ҳижрий IV асрда мазҳаблар пайдо бўлганидан кейин гуллаб яшнади.

Ислом фиқҳининг таназзули

Мужтаҳидларнинг шогирдларидан кейин мазҳабларга эргашувчилар ва муқаллидлар пайдо бўлди. Улар ижтиҳод ва ҳукмлар истинботида мазҳаб соҳиблари ва имомлар юрган тариқатда давом этмадилар, мужтаҳидлар шогирдларининг далилларга эргашиш, далил келтириш йўлларини, ҳукмларни фуруларга бўлиш ва масалаларни шарҳлашдаги тариқатига ҳам эргашмадилар. Балки ҳар бир имомнинг тобелари ёки ҳар бир мазҳабнинг уламолари ўз мазҳабини ғолиб қилиш, унинг фуруъ ва усулларини турли воситалар билан қувватлашга интилишди. Далилларнинг саҳиҳлигини текшириш, агар мазҳабига хилоф келса ҳам кучли далилни кучсизидан устун қилишга эътибор бермадилар, балки ўзлари етиб борган нарсанинг саҳиҳлигига ва унга хилоф келган нарсанинг ботиллигига ҳужжат топишга интилишса, баъзан асосий эътибор ўз имомлари ва мазҳаб соҳибларини мақташ билан қувватлашга қаратилган эди. Мазҳаб уламолари шу билан машғул бўлиб қолишди ва Қуръон ва ҳадисдан йироқлашишди. Улар Қуръон ёки ҳадис нассига фақат ўз имомларининг мазҳабини қувватлайдиган нарсани излаш учунгина мурожаат қилишарди. Уларнинг баҳслари ўз мазҳаблари билан чекланиб қолди ва мутлақ ижтиҳодга аҳамият бермай қўйишди. Улар ҳукм оладиган асосий манбага эътибор бермай, бутун эътиборларини мазҳабда ёки ундаги битта масалада ижтиҳод қилишга ёки кўр-кўрона тақлидга қаратдилар. Уларнинг тақлидлари шу даражага етдики, ҳатто баъзилари: «Бизнинг мазҳабимизга хилоф келган ҳар қандай оят ва ҳадис ё таъвил қилинган, ё мансук бўлган», дейишгача бориб етди. Шу мазҳаблардан бирига эргашишни мусулмонга фарз қилиб қўйдилар. Азҳари Шарифдек Ислом маъҳадларида

«Тавҳид жавҳари» соҳибининг тақлид вожиблиги ҳақидаги сўзини маҳкам тутдилар:

Ўларидан бир олимга тақлид қилиш вожибдир,

Бу ҳақда қавмнинг тушунарли сўзлари бордир.

Улар ҳатто мусулмонларга ижтиҳод эшиги беркилганини эълон қилдилар ва ижтиҳод жоиз эмас, дедилар. Кўпгина ижтиҳодга лойиқ кишилар ижтиҳод қилишга, ўзларининг мужтаҳид эканликларини айтишга ботина олмадилар. Бу таназзул ҳижрий IV асрнинг ниҳояларида бошланди. Лекин шунинг аввалида, ҳатто ҳижрий VI асрнинг охири, VII асрнинг бошларигача озгина юксакликлар бўлган эди. Қафғолга ўхшаш кишилар ижтиҳод эшиги беркилгани ҳақида гапирётган бир вақтда, уламолар ва мужтаҳидлар мавжуд эди. Лекин ҳижрий VII аср бошларидан то ҳижрий XIII аср охирларигача тўла таназзул бўлди. Лекин бу таназзул Ислом ҳудудиди, Ислом доирасида эди. Таназзул фикрлашда юз берди, лекин фикҳий раъйлар, исломий раъйлар мавжуд эди. Аммо XIII аср охириларидан бошлаб, яъни ҳижрий 1274 йилдан ҳозиргача таназзул шу даражага етдики, ҳатто шаръий ҳукмлар ғайриисломий қонунлар билан аралшиб, тубанликнинг қаърига етиб борди.

Мана шу фикҳий таназзул натижасида одамларни шаръий ҳукмларга эътибор беришга ундаш қийинлашиб қолди. Аввал Ислом шариати бутун оламга ёйилган бўлса, энди ундан ўз аҳлини ҳам бебаҳра қилиб қўйишди, ҳатто мусулмонлар унга ҳеч қачон тенглаша олмайдиган бошқа қонунларни олишга мажбур бўлдилар. Мусулмонларнинг кўпгина тақводор кишилари Ислом шариатидан бошқа қонунлардан ҳукм сўрай бошладилар. Усманийлар давлатининг охириларидаги Исломни тушунмаслик, фуқаҳоларнинг жоҳиллиги, мусулмонларнинг замондан ортда қолиб кетиши давлатнинг емирилишига сабаб бўлди. Масалан, ўша пайтдаги фуқаҳолар қотиб қолган эдилар ва ҳар бир янги чиққан нарсани ҳаром санашга, ҳар бир муфаккирни кофир аташга тайёр эдилар. Бу даврдаги воқеаларни эслаш кишини гоҳ кулдиради, гоҳ йиғлатади. Масалан, сутли қаҳва пайдо бўлди, баъзи уламолар унинг ҳаромлигига фатво берди. Тамаки пайдо бўлди, унинг ҳаромлигига фатво беришди, одамлар шляпа кийишди, фуқаҳолар уни кийиш ҳаромлигига фатво чиқаришди, босмаҳона пайдо бўлди ва давлат Қуръони Каримни босиб чиқаришга қасд қилди. Баъзи фуқаҳолар уни босишдан қайтаришди. Телефон пайдо бўлди, баъзи фуқаҳолар унда гаплашишни ҳаромга чиқаришди. Оқибатда Ислом фикҳида мусулмонлар бутунлай жаҳолат ботқоғига ботиб қолдилар. Одамлар шаръий ҳукмлар қолиб, ғарб қонунларини ўрганишга киришдилар. Ҳуқуқ мактаблари пайдо бўлди. Бу мактабларнинг мусулмон юртларида борлигининг ўзи уларга доғ ва ор ҳисобланади. Усманийлар давлатининг охириги вақтларида, ваҳоланки у Ислом давлати, унинг раиси мусулмонлар Халифаси эди, Ислом фикҳида, қонунчиликда ғарб фикҳига тақлид қилиш бошланди. Ҳижрий 1286 йили маданий қонун сифатида «Мажалла» тузилди ва 1293 йили унга амал қилишга қонуний тус берилди. Бундан олдин, 1274 ҳижрий йили улар жазо қонунини тузиб, уни ҳадлар, жиноятлар ва таъзирлар ўрнига қўйишганди. Ҳижрий 1276 йили

тижорат қонуни ишлаб чиқилди, кейин 1294 ҳижрий йили Халифалик низомини бутунлай бекор қилиш учун дустур туздилар. Лекин бу дустур рад этилди, сўнг 1326 ҳижрий 1908 милодий йили Халифалик низоми яна қайтарилди. Лекин улар бу қонун билан Ислом муносабатини мувофиқлаштиришга уринишди ва Халифалик низомини кучдан қолдиришди. Шундай қилиб, фикҳ тубанлашиб, инсоният қонунларига айланди, шаръий ҳукмлар тарк қилиниб, Исломдан бошқа ҳукмлар Исломга мувофиқ келади, деган ҳужжат асосида олинар эди. Исломга мос келган ҳар қандай нарса ҳар бир инсондан олинаваради, деган хато фикр ҳукмрон бўлди. Уламоларнинг ҳимматлари пасайиб, муқаллидга айландилар. Лекин бу нарсаларнинг ҳаммасида Ислом сояси кўринарди. Халифалик йиқитилиб, инглиз ва французлардан иборат кофирлар ҳукмрон бўлгач, Ислом юртларини, арабийми, туркийми, эронийми ёки бошқами, миллатчилик асосидаги давлатчаларга бўлиб юборгандан кейин, Ислом фикҳи муносабатлардан йўқотилди. Таълим олиш ва таълим беришдан маҳрум бўлди. Фақат баъзи шаҳарларда, Мисрдаги Азҳар, Ироқдаги Нажаф, Тунисдаги Зайтуна жомеси каби жойлардагина қолди. Лекин бу ерларда ҳам худди юнон фалсафаси ўрганилгандек ўрганиларди. Ислом фикҳи одамларнинг алоқаларидан йўқолганидан кейин, таназул мисли кўрилмаган даражага етди.

Рум фикҳининг Ислом фикҳига таъсири деган даъвонинг хурофоти

Исломга ва мусулмонларга кин-адоват сақловчи баъзи бир шарқшунослар Ислом фикҳи аввалги асрларда - мусулмонлар фатҳларга киришган даврда рум фикҳи ва қонунларидан таъсирланган, деб даъво қиладилар. Айтишадик, рум фикҳи Ислом фикҳининг манбаларидан бўлган ва у баъзи ҳукмларда ундан мадад олган. Бу тобеинлар ва улардан кейинги асрда истинбот қилинган баъзи шаръий ҳукмлар, рум ҳукмлари, мусулмонлар уни рум фикҳидан олган дегани. Шарқшунослар ўз сўзларига далил қилиб, Фаластин ва Байрут соҳилларидаги императорлик Ислом тарафидан фатҳ қилинганида, Шом шаҳарларида рум ҳуқуқий мадрасалари бўлган, ўз ҳукм ва низомларида рум қонуни асосларида юрадиган маҳкамалар бор эди. Бу маҳкамалар Ислом фатҳидан кейин ҳам узоқ вақт фаолият олиб борди. Демак, бу нарса мусулмонлар унга тан бериб, ўз қонун ва низомларини унга мувофиқ юргизишганининг исботи, деб даъво қиладилар. Улар бу қарашларини ўзлари тўқиган фаразлар билан қувватлаб айтадиларки, мусулмонлардек диний дунёқарашга эга бўлмаган бир қавм рум империяси ҳукми остидаги Шомдек маданиятли юртни фатҳ қилгач, қандай ҳукм юритишни билмай ҳайрон бўлиб қолардилар-да, кейин албатта уларнинг ҳукмларидан олардилар...

Сўнг яна айтадиларки, Ислом фикҳининг баъзи бобларини рум фикҳи ва қонунларидаги баъзи бобларга таққосласак, иккаласининг орасида ўхшашлик борлигини, баъзи ҳукмлар рум фикҳидан айнан кўчириб олинганини кўрамиз. Масалан, «даъво қилган кишидан ҳужжат, инкор қилган кишидан қасам», ёки фикҳ ва фақиҳ калималари каби. Ҳатто

шарқшунослар Ислом фикҳи талмуд (яхудийларнинг сунъий ҳуқуқий қонунлари)дан олинган, талмуд эса рум фикҳидан олинган. Демак, Ислом фикҳи рум фикҳидан, бевосита Шом мадрасалари ва маҳкамалари орқали, талмуд воситасида олинган бўлиб чиқади, дейишгача етиб бордилар.

Ўзларининг бу даъволарига шурқшунослар қуруқ фаразлардан бошқа далил келтира олмадилар. Уларнинг бу сўзлари бир неча сабабга кўра ботил:

Биринчидан, мусулмонлар ҳақида бирор киши, на шарқшунос ва на бошқалар, мусулмон фуқаҳоларию, фуқаҳо бўлмаганларидан бирортаси танқид қилиш учун, ёки қувватлаш учун, ёки улардан олиш учун ҳам рум фикҳи ва рум қонунига ишора қиладиган бирор нарса ривоят қилган эмас. Бирор киши бу ҳақда озми-кўпми маълумот бермаган. Бу шундан далолат берадики, у баҳс мавзуси эмас, ҳатто гап мавзуси ҳам бўлолмайди. Баъзи мусулмонлар юнон фалсафасини таржима қилдилар, лекин рум фикҳидан китоб у ёқда турсин, бирор калима ҳам таржима қилинмади. Бу нарса қатъий кўрсатадики, рум фикҳи Шом фатҳ қилинган заҳотиёқ амалдан қолдирилиб, йўқолтилган.

Иккинчидан, шарқшунослар Шом шаҳарларида рум фикҳининг мадрасалари ва рум қонунлари билан ҳукм юргизадиган маҳкамалар бўлган, деб даъво қилаётган бир вақтда, Шом шаҳарлари уламо, қози ва ҳокимлардан иборат мужтаҳидлар билан тўлиб-тошганди. Агар таъсир ўтган бўлса, табиийки у мана шу фуқаҳоларда ўз аксини топарди. Лекин воқе шуки, биз улардан сақланган фикҳда рум фикҳидан таъсирланган ёки у ҳақда гапирилган бирор нарсани топа олмаймиз. Балки уларнинг фикҳлари ва ҳукмлари Китоб, Суннат ва саҳобалар ижмосига асосланган эди. Ўша мужтаҳидларнинг энг машҳурларидан бири имом Авзойидир. У Шомдаги рум мадрасаларининг катта маркази бўлган деб гумон қилинаётган Байрутда яшаб, ўша ерда вафот этган. Унинг жуда кўп раъйлари кўп мўътабар китобларда девон қилинган. Шофеъийнинг «Ал-Умм» китобининг еттинчи жуъйда Авзойининг кўп ҳукмлари ривоят қилинган. Уни ўқиган ҳар қандай кишига Авзойининг рум фикҳидан узоқлиги - осмон билан ерча фарқи борлигини кўради. Авзойининг мазҳаби унинг фикҳидан, ундан ривоят қилинган нарсалардан аён бўлганидек, у аҳли ҳадисларнинг мазҳабидан бўлиб, раъйдан кўра кўпроқ ҳадисга суянади. Авзойи каби бошқа фуқаҳолар ҳам худди шундай. Агар бирор таъсирланиш юз берса, мана шу фуқаҳоларда зоҳир бўларди.

Учинчидан, Оллоҳ Таоло Ислом шариати билан бутун инсониятга хитоб қилган ва Саййидимиз Муҳаммад ﷺни инсониятга пайғамбар қилиб юборди:

يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ إِنَّا أَرْسَلْنَاكَ شَاهِدًا وَمُبَشِّرًا وَنَذِيرًا ﴿٥٥﴾

– „Эй пайғамбар, дарҳақиқат Биз сизни (қиёмат кунда барча умматлар устида) гувоҳлик бергувчи, (мўминлар ҳақида хушхабар) элтгувчи ва (кофирларни дўзах азобидан) огоҳлантирувчи қилиб юборгандирмиз“.

[33:45]

Ислом шариатига иймон келтирмаган ҳар бир киши кофир деб эътиқод қилинади. Исломда Ислом ҳукмидан бошқа ҳар қандай ҳукм куфр ҳукми ҳисобланиб, уни олиш ҳаром. Кимки шундай эътиқодда бўлса ва унга амал қилса, Исломдан бошқа ҳукмларни олиши мумкин эмас. Хусусан, фатҳлар асри бўлган аввалги асрларда, мусулмонлар у ерларга Ислом даъватини етказиш учун шаҳарларни Ислом рисолатини келтирган ҳолда фатҳ қилардилар. Улар шаҳарларни, унинг аҳлини куфр ҳукмидан қутқариш учун келганлар. Улар қандай қилиб ўзлари йўқотиш, унинг ўрнига Ислом ҳукмини қўйиш учун кела туриб, куфр ҳукмларини оладилар?

Тўртинчидан, мусулмонлар бошқа юртларни олган пайтда, фатҳ қилинган халқдан кўра дунёқараши тор эди, деган гап мутлақо асоссиз. Бу гапда мантиқ бўлганда, улар ўз дунёқарашларини ташлаб, фатҳ қилинган юртларнинг дунёқарашини олишарди. Чунки заиф фикр эмас, кучли фикргина таъсир кучига эга. Ҳис орқали мушоҳада қилинганки, румликлар ҳукмидаги одамлар ҳаёт ҳақида Исломга зид тушунчалар билан яшарди. Мусулмонлар у ерларни фатҳ этган пайтда, аҳли Исломга киришга мажбур қилингани йўқ. Балки улардан жизя олиш билан кифояланилган. Лекин исломий фикрнинг қуввати, Ислом дунёқарашининг юксаклиги рум фикрлари ва дунёқарашидан ғолиб бўлди ва уни парчалаб ташлади. Бу юртнинг аҳолиси мусулмон бўлиб, Исломга кирди ва унинг асосида розилик ва хотиржамлик билан яшади. Бу шундан далолат берадики, Ислом фикрлари рум фикҳини, рум фикрларини ўчириб ташлаб, унинг ўрнини эгаллади. Бу шарқшунослар айтаётган рум дунёқараши Ислом дунёқарашидан кучли бўлган, Ислом фикҳи рум фикҳидан таъсирланган деган даъвонинг бутунлай ёлгонлигини кўрсатади...

Бешинчидан, фикҳ ва фақиҳ калималари Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифда келган. Ваҳоланки, у пайтда мусулмонларнинг рум қонунлари билан ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿فَلَوْلَا نَفَرَ مِن كُلِّ فِرْقَةٍ مِّنْهُمْ طَائِفَةٌ لِّيَتَفَقَّهُوا فِي الدِّينِ﴾

– „Ахир улардан ҳар бир гуруҳдан бир тонфа одамлар жанг учун чиқмайдиларми?! Қолганлари эса динни ўрганиб қолмайдиларми?!“ [9:122]

Пайғамбар ﷺ айтадилар: «Кимгаки Оллоҳ яхшилиқни истаса, уни динда фақиҳ қилади». Расулulloҳ ﷺ Муозни Яманга жўнатаётган пайтларида нима билан ҳукм қиласан деганлари ва у Оллоҳнинг Китоби билан, сўнг Расулининг Суннати билан, сўнг раъйим билан ижтиҳод қиламан дегани фикҳдир. Шунингдек, бошқа волийларнинг жўнатилиши, сўнг саҳобаларнинг чорак асрдан зиёдроқ муддат ичидаги чиқарган ҳукмлари фикҳдир. Шундан кейин қандай қилиб фикҳ ва фақиҳ калимаси румдан олинган деб даъво қилиш мумкин? Аммо: «Даъво қилувчидан ҳужжат, инкор қилган кишидан қасам», деган калима эса ҳадисдир. Буни Расулulloҳ ﷺ Рум билан ҳеч қандай ташриъий (қонунчиликка оид) боғланиш бўлмасдан олдин айтганлар ва у Умарнинг Басрадаги Абу Мусога ёзган хатида ҳам келган. Маълумки, Умар рум қонунчилиги билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган. Қандай қилиб мусулмонлар фикҳ ва фақиҳ калимасини, «Даъво қилган кишидан ҳужжат, инкор қилган кишидан

қасам», калимасини рум фиқҳидан олади? Ваҳоланки, бу гап Исломнинг аввалги давридаёқ айтилган бўлса?!

Шулардан аён бўладики, Ислом фиқҳи рум фиқҳидан таъсирланган деган хурфотнинг асоси пуч. Бу нарса Исломга душман, мусулмонларга қарши, қалбларида адоват сақловчи шарқшунослар тарафидан уюштирилган фитнадир.

Энди Ислом фиқҳини талмуддан олган деган гапга келсак, бу нарсанинг ботиллиги Қуръоннинг яҳудларга, Мусо ва Ийсо ﷺга нозил қилинган Таврот ва Инжилни бузганликларига, қўлларидаги китобни ўзлари тўқиб чиқарганликларига, у Оллоҳ тарафидан эмас, балки Таврот ва Инжил ҳақидаги тўқилган ёлғонлигига қилган ҳамласидан зоҳир бўлиб турибди. Бу ҳамла талмудга ҳам тааллуқли, чунки у ҳам уларнинг китобларидан, уни Оллоҳ нозил қилган эмас. Бу эса ундан ҳукм олишга мутлақо зид гап. Бундан ташқари, яҳудлар мусулмонлар билан бирга яшамайдиган, мутлақо ёт қабилалар эди. Улар бир-бирларига аралашмас, улар билан мусулмонлар ўртасида доимий адоват ва тўхтовсиз урушлар бўлиб, мусулмонлар уларга ҳужум қилишарди ва охири уларни ораларидан ҳайдаб чиқаришди. Бу нарса улардан ўрганиш фикратига зид.

Ҳақиқат шуки, Ислом фиқҳи Китоб ва Суннатдан, ёки Китоб ва Суннат йўллаган далиллардан истинбот қилинган ҳукмлардир. Агар ҳукмнинг асли шаръий далилга суянмаса, у Ислом ҳукмларидан ва Ислом фиқҳидан деб ҳисобланмайди.

